Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Афтондил ЭРКИНОВ

**АЛИШЕР НАВОИЙ
ИЖОДИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР**

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,
Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон


ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

I ҚИСМ

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ ТАЛҚИНИ МАНБАЛАРИ

(XV – XX аср боши)



КИРИШ

Мазкур китоб Алишер Навоий ижоди, аниқроқ айтганда, унинг “Хамса” асарини герменевтика таълимоти асосида ўрганиш ва бунга оид манбаларни тадқиқ қилишга бағишланган. Шу ўринда мазкур мавзу қандай қилиб танлангани ҳақида қисқача маълумот беришни мақсадга мувофиқ, деб билдик. Камина Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Азиз Қаюмов раҳбарлигида 1990 йил “Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида)” мавзусида фан номзоди илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилгандим. Маълумки, одатда, фан номзоди диссертациясига доир мавзуни илмий раҳбар беради. Аммо докторлик диссертацияси учун мавзу танлаш бундан фарқ қилади. 1994 йил профессор Нажмидин Комилов билан суҳбатлашиб, у киши раҳбарлигида докторлик диссертацияси ёзиш истагим борлигини билдирдим. Бу пайтда Нажмидин Комилов ҳам мен ишлаётган Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетида дарс берарди[1]. У кишига ўзим режалаштириб қўйган Алишер Навоий “Хамса”си билан боғлиқ бир неча мавзуни кўрсатдим. Шунда домла: “Номзодлик диссертацияси мавзусини илмий раҳбар беради. Сиз эса фан номзодисиз, бу олим сифатида шаклланганликни англатади. Докторлик иши ёзаётган олим учун илмий раҳбар эмас, илмий маслаҳатчи тайинланади. Бундай пайтда докторлик учун мавзуни фан номзодининг ўзи топиши ва танлаши керак”, – деди. Шундан сўнг докторлик учун мавзу танлаш устида бош қотира бошладим. Мени Навоий ва навоийшунослик оламига илк бор отам, филология фанлари доктори, профессор Содир Эркинов олиб кирган[2]. Падари бузрукворим менинг Навоий “Хамса”си бўйича илмий иш қилишимни истарди.

1991 йил “Ёшлик” журнали совет даври навоийшунослигига бағишланган “Қолипдаги фан” номли мақоламни эълон қилган[3]. Мақолада совет тузуми мафкурасининг навоийшуносликка салбий таъсири қаламга олинганди. Совет даврида инқилобдан олдинги давр бадиий адабиётига бирёқлама қаралар, баҳо берилар ва хулоса чиқариларди. Социалистик реализм бадиий ижодда ягона ва ҳукмрон метод ҳисобланар, совет адабиётшунослиги ҳам ана шу метод асосида муайян қолип ичида яшашга маҳкум эди. Мустақилликка эришилгандан сўнг энди бадиий асар қандай методлар асосида таҳлил қилиниши керак, қайси йўл маъқул, деган савол пайдо бўлади. Ҳатто бир адабиётшунос олим бизга энди янги метод беринг, деб матбуотда мақола эълон қилади. Совет даврида адабиётшуносликнинг ана шундай тарзда қолипга солинишидан фан жуда кўп нарса ютқазганди.

---

[1] Нажмиддин Комилов (1938–2012) – филология фанлари доктори, профессор. Н.Комилов 1990 йилларда Тошкент давлат университетининг рус филологияси факультети қошидаги “Таржима назарияси” кафедрасида ишлаган. 1987 йил Хива хонлиги таржима мактаби мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. (Камилов Н. Хорезмская школа перевода (проблема типологии и сопоставительное исследование перевода в XIX в.). Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Т., 1987). Шу билан бирга университетнинг ўзбек филологияси факультетида ҳам талабаларга дарс берган. 1992 йил “Тасаввуф” номли факультатив дарсларида талабалар қаторидан биз ўқитувчилар ҳам тингловчи сифатида иштирок этганмиз. Улар тасаввуф адабиётини тушунтиришга қаратилган Ўзбекистондаги энг дастлабки дарслардан эди.

[2] Содир Эркинов (1930–2009) – филология фанлари доктори, профессор, навоийшунос олим. 1974 йил Озарбайжон Фанлар академияси академиги Ҳамид Орасли (1909–1983) илмий маслаҳатчилиги остида “Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1962–1995 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ўзбек адабитёти тарихи бўлимида фаолият олиб борган.

[3] Эркинов А. “Қолипдаги фан” // Ёшлик. 2-сон, 1991. Б.76-77.

1994 йил кутубхонада “Контекст: адабий-назарий тадқиқотлар” (Контекст: литературно-теоретические исследования)[1] номли китобга кўзим тушиб қолди. Ундан ўрин олган мақолаларда герменевтика ва бадиий асар талқинига оид қизиқарли маълумотлар бор экан. Шу китоб сабаб бўлиб, герменевтика таълимотига қизиқиб қолдим. Герменевтиканинг фалсафий асослари ёритилган бир қанча илмий тадқиқотлар билан танишдим[2]. Ўзбек тилидаги адабиётларда бу атама ва таълимот билан боғлиқ маълумотлар жуда кам бўлиб, фақат айрим адабий-танқидий тадқиқот ва фалсафа фанига доир қўлланмаларда улар учрарди, холос[3].

Ана шундан сўнг янги, мустақиллик даврида Навоий асарлари қандай талқин этилиши керак, деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Анча кенг ва чуқур бўлган герменевтика таълимоти талқинлар кўп, лекин уларнинг ҳар бири, агар асосга эга бўлса, яшашга ҳақли, деган хулосани илгари суради. Дарҳақиқат, айниқса, бадиий асарни турлича талқин қилиш мумкин, ҳақиқат эса чексиз, ҳатто ҳар бир шахс ёки даврнинг ўз ҳақиқати бор. Кўп узоққа бормай мавзумизга яқин бўлган Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги кўрлар ҳақидаги ҳикояни эсланг: Ҳиндистонга бориб, филни фақат ушлаб тасаввур қилган кўрлардан фил қандай экан, деб сўрашганида, уларнинг бири у гумбазсимон, иккинчиси катта тишли, хартумли, бири думли, яна бири катта елпиғичли, деб жавоб беради. Уларнинг имкониятлари даражасидаги тасаввурлари аслида нотўғри бўлмай, бир жойга тўпланса, бутун бир фил ҳосил бўлади. Фил бу ерда – ҳақиқат рамзи. Кўрлар эса инсонлар. Навоий бу билан ҳақ, ҳақиқат ягона, лекин ҳар бир инсон уни ўз билганича талқин этади, деган фикрни айтмоқчи. Фил ва уни ушлаб кўриб тасаввур қилганларни бадиий асар ва реципиентга қиёслаш мумкин. Реципиент фикри асар маъноси ва ғоясининг қайсидир қиррасини акс эттириши мумкин, лекин у ҳеч қачон, сўнгги ва ягона қараш бўла олмайди. Фанда мавжуд бўлган бу хулоса бадиий асарни ҳам кенг ва турли жиҳатдан талқин қилиш имконини беради.

Навоий “Хамса”сини янги, мустақиллик даврида ана шу таълимот асосида ўрганишни ният қилдим. Мен бунинг учун аввал ўлкамизга ҳали ғарбона қарашлар кириб келмасидан олдин Навоий асарлари қандай қабул қилингани, талқин этилгани, бу асарларга Шарқда китобхонларнинг муносабати қандай бўлганлигини аниқлашим, билишим керак эди. Масалани бу тарзда қўйишим, албатта, бежиз бўлмаган. Мен Ғарбда таълимот сифатида ша-

---

[1] Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1989. М., 1989. С.211-249; Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1990. М., 1990. С.219-259; Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1991. М., 1991. С.215-255.

[2] Авдеенко Е.А. Герменевтика // Литературный энциклопедический словарь. Москва, 1987. С.77; Антипова Г.А. “От герменевтики к гуманитарным наукам” // Текст как явление культуры. Новосибирск, 1989. С.23-35; Бласс Ф. Герменевтика и критика. Пер.с немецкого. Одесса, 1891; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. Опыт прочтения “Медного всадника”. М., 1981; Борев Ю. “Теория художественного восприятия и рецептивная эстетика, методология критики и герменевтика” // Теории, школы концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М.: Наука. 1985. С.3-68; Борев Ю. Эстетика. М., 1988. С.423-442; Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991; Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988; Гайденко П.П. “Герменевтика” // Философ. энцик. словарь. М., 1983. С.111-112; Герменевтика древнерусской литературы. Сборник. Книги 1, 2. М.: АН СССР, 1989; “Герменевтика и искусство” // Эстетика, словарь. М., 1989. С.58-60; Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985; Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. М., 1991; Куркина Л.Я. Герменевтика и “Теория интерпретации” художественного произведения // Герменевтика: история и современность. М., 1985. С.245-269; Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995; Фогелер Я.Г. “История возникновения и этапы эволюции философской герменевтики” // Герменевтика: история и современность. М., 1985. С.11-38; Шацкий Е. Утопия и традиция. М., 1990, ва бошқалар.

[3] Расулов А. Танқидчилик уфқлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1985; Фалсафа. 1-қисм. Т.: Фан, 1992. Б.124-126; Фалсафа. Т.: Фан, 1997. Б.278.

клланган герменевтика ва унинг бир тармоғи бўлган адабий герменевтиканинг Шарқдаги асослари ва тарихини излаш, унинг биздаги илдизларини Шарқ адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш воситасида очиб беришга ҳаракат қилдим. Кейинчалик Навоий "Хамса"сини ўрганишга нисбатан герменевтика таълимотини татбиқ этиш, адабий манбашунослик ва матншунослик мутахассислиги бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилдим[1].

***

Бугунги кунда ўтмишда аждодларимиз яратган маданий-адабий обидаларни эмин-эркин нашр этиш ва ўрганиш имконига эга бўлдик. Ҳатто бир пайтлар тақиқланган диний, фалсафий, айрим бадиий асарлар энди бемалол чоп этилмоқда. Бу эса адабиётшуносларимиз олдига ана шундай асарларни янги шароитда янада синчиклаб ўрганиш, янгича қарашлар асосида тадқиқ қилиш талабини қўймоқда. Бу жараёнда мазкур асарларнинг ўша давр маданий муҳити ва ундан сўнг қандай тадқиқ этилгани ҳамда қабул қилинганлигига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Бироқ афсуски, бу йўналиш бўйича маълумот ва тадқиқотлар унчалик кўп эмас. Шунга қарамай, ўша даврдаги аждодларимиз фалсафий-эстетик қарашларини имкон қадар ўрганишимиз, тадқиқ қилишимиз ва муносабат билдиришимиз мумкин.

Алишер Навоий (1441–1501) ижодига муносабат унинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Шоир асарларига луғатлар тузилган, асарлари кўплаб нусхада кўчириб тарқатилган. Бу, ўз навбатида, навоийшунослик фанига муайян даражада замин яратган. Навоий ва унинг асарларини ўрганиш XV–XX асрлар оралиғида ҳам давом этган.

Навоийшунослик XX асрга келиб фан сифатида ўзбек адабиётшунослигининг муҳим таркибий қисмига айланди. Бироқ ҳанузгача навоийшуносликнинг XV–XX асрлар оралиғидаги тарихи, шу даврнинг Навоий ижодига ёндашув принциплари махсус ўрганилмаган. Тўғри, совет тузуми даврида навоийшунослик илмида муайян ишлар қилинди. Лекин навоийшунос олим А. Ҳайитметов таъкидлаганидек, "аксарият ҳолларда Навоий ижодини сиёсийлаштириб талқин этиб келдик... Яқин ўтмишдаги тадқиқотларда ҳукмрон мафкура белгилаб берган методология таъсири аниқ сезилиб туради. Бироқ ўша давр навоийшунослигида қўлга киритилган ютуқлардан кўз юммаслигимиз даркор"[2]. Адабиётшуносликни муайян мафкурага бўйсундириш бирёқламаликка олиб келади. Шу боис матн талқини, адабиётшуносликнинг совет давригача бўлган тарихига кам эътибор қаратилди. Бугун ўтмиш адабиётини янада чуқурроқ тадқиқ этишни бошлаган эканмиз, навоийшуносликнинг классик даврига, айниқса, ўзбек адабиёти ва Навоий ижодининг гултожи бўлган "Хамса" талқинининг XX асргача бўлган тарихига эътибор қаратмоғимиз, унинг манбаларини илмий асосда аниқламоғимиз керак бўлади. Навоийшунослик тарихини яратиш ва Навоий "Хамса"сининг бугунги талқинига оид хусусиятларини тадқиқ қилишда Навоий давридан ҳозиргача бўлган манбаларни ўрганиш муҳим вазифа саналади.

Навоий асарларини бадиий жиҳатдан ўрганиш бўйича сўнгги асрда яратилган кўплаб катта-кичик тадқиқотлар натижасида замонавий навоийшунослик вужудга келди. Бу даврда Евгений Бертельс, Василий Бартольд, Садриддин Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода,

---

[1] Ушбу диссертация ва герменевтика таълимотини ўзбек классик адабиёти намуналарига татбиқ этиш билан боғлиқ 1998–2000 йиллардаги воқеа ва жараёнлар ҳақида алоҳида хотиралар ёзиш ниятидаман.

[2] Ҳайитметов А. "Шеърки, ҳам тушти менинг шонима" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 йил, 9 февраль.

Тўхтасин Жалолов, Озод Шарафиддинов, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султонов, Азиз Қаюмов, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ғулом Каримов, Алибек Рустамов, Ботир Валихўжаев, Натан Маллаев, Абдурашид Абдуғафуров, Содир Эркинов, Эргаш Рустамов, Нажмиддин Комилов, Эргашали Шодиев, Муҳаммаджон Ҳакимов, Муҳаммаджон Имомназаров, Ёқубжон Исҳоқов, Раҳимжон Воҳидов, Ботирбек Ҳасанов, Саидбек Ҳасанов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Суйима Ғаниева, Малик Орипов, Ҳанифа Солиҳова, Иброҳим Ҳаққулов, Шуҳрат Сирожиддинов ва бошқа кўплаб адабиётшунослар Навоий асарлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди[1]. Биргина "Хамса" достонлари талқини, тадқиқи ва уларни салафлар достонлари билан қиёсий-типологик ўрганиш юзасидан ўнлаб илмий ишлар ёзилди[2]. "Хамса"нинг аҳамияти ва ислом динининг минтақа маънавияти такомилидаги ўрнига доир фикрлар ўртага ташланди[3]. Ушбу тадқиқотларда бизнинг мавзумиз билан боғлиқ айрим фикрлар ҳам билдирилган. Навоий "Хамса"си яратилганлигининг 500 йиллиги, шоир таваллудининг 550 ҳамда 575 йиллиги муносабати билан бир қанча илмий-тадқиқот ва мақолалар тўплами чоп этилди[4]. Уларда Навоий асарлари, шоирнинг адабий-танқидий қарашларига эътибор қаратилди. Навоий ижоди адабий алоқалар фонида кузатилди. Айни пайтда Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонлари тасаввуф фалсафаси нуқтайи назаридан талқин қилинган ишлар вужудга кела бошлади[5]. Шоир асарлари мафкуравий стереотиплардан холи талқин этилмоқда[6]. Навоий асарлари таҳлилига доир айрим камчиликлар ислоҳ қилинди[7]. "Хамса" таркибидаги достонларда мазмун ва ритм мутаносиблиги ўрганилди[8]. Навоий биографияси биринчи манбалар асосида қайта қараб чиқилди ва бунга доир бир қанча янги мулоҳазалар

---

[1] Алишер Навоий: Адабиётлар кўрсаткичи. Т., 1991; Шодиев Э. Навоишиноси дар Тожикистон, Фехрист. Хужанд, 1996.

[2] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. М., 1965; Жалолов Т. Хамса талқинлари. Т.: Фан, 1960; Қаюмов А. Садди Искандарий. Т.: Адабиёт ва санъат, 1975; Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. Т., 1971; Нарзуллаева С.Н. Тема "Лейли и Меджнун" в истории литературы народов Востока. Автореферат диссертации доктора филол. наук. Баку, 1980; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони. Т., 1971; Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Муртазоев Б.Х. Сравнительное изучение "Семь планет" Алишера Навои и "Восемь райских садов" Амира Хосрова Дехлеви. Автореф. дис. канд. филол. наук. Т., 1992; Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси ("Хамса"ларнинг биринчи достонлари асосида). филол. фанлари доктори дис-яси. Т., 1995 ва бошқалар.

[3] Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажонов Н. Жаҳонгашта "Бобурнома". Т.: Халқ мероси, 1996. Б.30-34.

[4] Алишер Навоий "Хамса"си (тадқиқотлар). Т.: Фан, 1986; Алишер Навоий "Хамса"сини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1987; Исҳоқов Ё. "Хамса" поэтикасига доир" // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. 1-сон. Б.24-28; Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т.: Фан, 1993; Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. Т.: Адабиёт ва санъат,1991; Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Қудратуллаев Ҳ. Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари: мақолалар. Т.: Фан, 1995; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Т., 2005; Муҳиддинов М. Нурли қалблар гулшани. Т., 2007; "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2016 ва бошқалар.

[5] Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. Т., 2015. Шуни қайд этиш керакки, Навоий мероси, хусусан, унинг "Хамса"си достонлари тасаввуфий талқини илк бор Муҳаммаджон Имомназаровлар ва Нажмиддин Комилов томонидан 1980-йиллар охирларидан бошлаб амалга оширила бошлаган эди, қ: Комилов Н. "Суқрот – комил инсон тимсоли" (Комилов Н. Тасаввуф, 182-191); Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз // 4-сон, 1988. Б.176-181; 4-сон, 1990. Б.147-152; 4-сон, 1991. Б.159–166.

[6] Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис-яси автореферати. Самарқанд, 2017.

[7] Абдуғафуров, Буюк бешлик сабоқлари... Б.92-93.

[8] Юсупова Д. Алишер Навоий "Хамса"сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. Т., 2011; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи: Алишер Навоий даври. Т.: Tamaddun, 2016.

ўртага ташланди[1]. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида биринчи марта алоҳида ижодкорга бағишланган энциклопедия – Алишер Навоий қомусий луғати яратилди[2]. Навоий фалсафий олами, ижодхонаси ҳамда ижодий услубига доир айрим изланишлар намоён бўла бошлади[3]. Ғарб мамлакатларида ҳам Навоий ижоди бўйича бир қатор тадқиқотлар вужудга келди[4]. 2016 йил франциялик олим Марк Тоутант (Martc Toutant) Алишер Навоий "Хамса"-си ҳақида ҳам диссертация ҳимоя қилди, ҳам китоб нашр этди[5]. Ғарб олимлари, айниқса Ҳусайн Бойқаро ва Навоий даври адабий муҳити ва унинг кейинги давр туркий адабиётига таъсири мавзусида бир қанча илмий тадқиқотларни амалга оширди[6]. Венгер профессори Бенедек Перининг фикрича, Алишер Навоий шеърияти усмонли турклар адабиёти ва шоирлари ижодига ўзининг катта таъсирини ўтказган[7].

Ўз навбатида, камина ҳам Навоий "Хамса"си талқини ҳақидаги илмий тадқиқот билан ғарбликларни таништиришга, шарқона талқинларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилганман[8]. Навоий мероси, ҳаёти ва фаолиятининг XV–XX асрлар мобайнида ўрганилишига оид баъзи манбалар, навоийшунослик ҳақида гап кетганда шоир асарларига тузилган луғатлар, тазкира, мемуар ва тарихий асарларда "Хамса" ҳақидаги қайдларни тилга олиш мумкин[9]. Лекин Навоий асарлари, хусусан, "Хамса" талқини ҳақида фикр юритилганда манбалар кўлами кенгаяди. Биз илмий тадқиқотларимизда Навоий "Хамса"-сини унинг ўзи ва замондошлари томонидан талқин этилиши, тарихий, мемуар, бадиий

---

[1] Сирожиддинов Ш. XV–XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. Самарқанд: Зарафшон,1997; Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: (қиёсий-типологик-текстологик таҳлил). Филол. фан. доктори дис-яси автореферати. Т., 1998; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011; Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. Т., 2012.

[2] Алишер Навоий: Қомусий луғат. II жилдлик / Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. Т.: Sharq, 2016.

[3] Салоҳий Д. "Бадоеъ ул-бидоя" малоҳати. Т., 2004; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Т., 2005. Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2010; Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. Т., 2015; Алишер Навоий ва фалсафа тарихининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам. Т., 2016; Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалари (илмий мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир М.Муҳиддинов. Т.: Tamaddun, 2017.

[4] Kleinmichel S. "Mir Aliser Nava'i und Ahmed Pasa" // Archivum Ottomanicum. **1999, №17. S.**77-211; Mīr 'Alīšīr Nawā'ī. Kellner-Heinkele Barbara, Kleinmichel Sigrid (eds.) Würzburg, 2003; Kleinmichel S. "Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler" // Turk edebiyati Tarihi. 1 jild. Istanbul, 2006. S.683-691.

[5] Toutant M. *Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l'époque des derniers Timourides au miroir de la* Khamsa *de Mīr 'Alī Shīr Nawā'ī.* Leuven: Peeters, 2016.

[6] Subtelny M. "Mīr 'Alī Shir Nawa'ī" // EI², VII, 90-93; Subtelny M. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007; Walmsley N. "The Yasaviyya in the Nasā'im al-maḥabba of ʿAlī Shīr Navā'ī: A Case Study in Central Asian Hagiography" // Journal of Sufi studies. 2014, №3. P.38-66; Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в Московских собраниях (каталог). Состав. И.Зайцев. М.: Центр книги Рудомино, 2016.

[7] Peri B. "The Influence of Mīr Alī-Šīr Navāyī's persian poetry on the ghazals of the ottoman Sultan Selim I (1512–1520)" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.74-80; Бенедек Пери. "Буюк шоирга эргашиб" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2017 йил, 10 февраль.

[8] Эркинов А.С. Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари". Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1998; Erkinov A. "Les manuscrits du Khamsa de `AlI Sher Nava`i et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits" // Boukhara-la-Noble [Cahiers d'Asie Centrale 5–6], Tachkent-Aix-en-Provence, 1998. P.169-180; Erkinov A. "The Perception of Works by Classical Authors in the 18th and 19th centuries Central Asia: The Example of the Xamsa of Ali Shir Nawa`i" // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol.2. A. von Kügelgen, M.Kemper, A.Frank (eds.). Berlin, 1998. P.513-526.

[9] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т.: Ўқитувчи, 1976, 379; Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. Т.: Фан, 1978. Б.12-16.

асарларда шоир бешлиги ҳақидаги қайдлар, “Хамса” китобати, нусха кўчирилиши, унга шарҳ ва луғатлар тузилиши, бадиий талқинлар – насрий баён этиш, достонларга миниатюралар ишланиши ва таржима қилиш жараёнларидаги XV–XX асрлар оралиғида талқинларга эътибор қаратдик.

Илмда муайян тарихий шахс ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилганда у яшаган ва кейинги даврга оид тарихий асарлар, мемуарлар, замондошлари хотираларига, энг аввало, манба сифатида суянилади. Масалан, И.Султоновнинг Навоий биографияси ёритилган “Навоийнинг қалб дафтари” китоби айни шу асосда ёзилган[1]. Ёки “Навоий замондошлари хотирасида” тўплам-китоб ҳам манба ўрнида хизмат қилади[2]. Бироқ бундай ёндашувни барча бадиий асар талқини тадқиқотида ҳамма вақт ҳам қўллаб бўлмайди. Бунинг сабаби, ўтмишда биз бугунги кунда тушунган, билган шаклдаги адабиётшунослик ва унинг вазифалари эмас, балки билвоситалик характеридаги, биз юқорида санаган асар талқинини ўз ичига олган манбалардаги ўзига хос адабиётшунослик талқинлари мавжуд бўлганлигидадир.

Бадиий матн талқини ҳамиша махсус эътиборни талаб этади. Чунончи, Навоий асарлари, “Хамса”си талқинининг асримиз бошигача бўлган даврдаги тарихи ҳисобга олинмаса, унинг тадқиқи номукаммаллик касб этиши мумкин.

Бадиий асар талқини тарихи ўша асарни тушунишга ёрдам беради. Муайян нарсанинг хусусиятларини умумлаштирадиган назария бўлиши учун, энг аввало, унинг талқини тарихини яратиш керак. Айни шу маънода Навоий ижоди, айниқса, унинг “Хамса” асарига нисбатан ёндашув ва талқинлар тарихини кузатиш ўринлидир.

Шарқ классик адабиётига кўпроқ мурожаат қилишга ҳаракат қилаётган бугунги ўзбек китобхонининг бадиий дидида европача унсурлар устувор. Бугунги китобхон Навоийни чуқурроқ тушуниши, англаши ва қабул қилиши учун XV–XX асрлар оралиғида яратилган шоир асарларига оид илмий тадқиқот ва талқинларни билиши жуда ҳам зарур. Бунинг учун классик талқинлар акс этган барча манбани муомалага олиб кириш лозим. Мазкур китобда биз бунга уриниб кўрамиз.

Албатта, Навоийнинг “Хамса” асари талқини билан боғлиқ манбаларга умуман эътибор қаратилмаган, деб бўлмайди. Чунки улар турли аспект: санъатшунослик, адабиётшунослик, луғатчилик, манбашунослик, матншунослик каби бир қанча йўналишда таҳлилга тортилган. Биз ушбу илмий тадқиқотда ана шу манбаларга аввалги ишлардан фарқли ўлароқ Навоийнинг “Хамса”си талқини ракурсида, адабий герменевтика назарияси нуқтайи назаридан, яхлит тизимнинг бир бўғини сифатида қарашга ҳаракат қиламиз. Илмий янгилик ҳам ана шу жараёнда намоён бўлади.

---

[1] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1969.
[2] Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986.

I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ ТАЛҚИНИ МУАММОЛАРИ

1.1. Бадиий матн талқини муаммолари

Навоийнинг “Хамса”си талқини масаласига киришишдан аввал матн талқини назариясига доир айрим қарашларга қисқача тўхталиб ўтишни жоиз, деб билдик.

Бадиий матнни ўқиш – у билан мулоқотга киришиш демак. Ҳар қандай мулоқот жараёнида эса субъект мулоқотда қатнашувчи объектни талқин этиб боради. Бадиий матнни ўқиш ва тушуниш уни талқин этиш асосига қурилади. Инсон атроф-борлиқ ҳақида мушоҳада юритар экан, шу жараёнда кўз ўнгидаги оламни ҳам талқин эта бошлайди. Сезги органлари орқали олинган ҳар бир маълумотга нисбатан муносабат эса уни талқин этиш демакдир. Бадиий матн талқини ва таҳлили билан шуғулланувчи адабиётшунослик илми кўп йиллар давомида “талқин” атамасига етарлича эътибор бермай келяпти. Ваҳоланки, “талқин” – “интерпретация” тушунчаси “таҳлил”дан кўра кенг қамровлидир. “Таҳлил” одатда “талқин”нинг ичида, замирида мавжуд бўлади. Бадиий асар талқини – унинг маъно йўналиши, таҳлил эса шу йўналиш доирасида матнни майдалаб ўрганиш жараёни. Албатта, талқин таҳлилдан ўсиб чиқади, лекин у умумий характери, фалсафий жиҳатлари билан ажралиб туради. Адабиётшуносликда талқинга кам эътибор берилиши совет мафкурасининг таъсири бўлиб, у фақат бадиий асарга ўз йўналишига мос ягона талқинни татбиқ этган ва таҳлил ана шу доира ичида олиб борилган. Бадиий асарга оид янгича талқинларнинг яратилмаслиги, ягона талқиннинг ҳукмронлиги – моноинтерпретация совет тузуми учун керак ва хос эди. Моноинтерпретация ҳар қандай янги фикрни чегараланган доира ичидаги таҳлил билан боғлайди ва шу йўл билан таҳлилдаги бу янги фикр яна эски талқинга хизмат қилишга маҳкум бўлади. Бирор қатъий методологияни ишлаб чиқиш яна аввалгидек моноинтерпретациянинг маҳдуд ва чегараланган доирасига янги таҳлилларни тиқиштиришга олиб келади. Ягона интерпретацияга интилиш аниқликка, муайян чегара ичида, фақат унинг доирасида фикр юритишга дучор этади. Табиий фанга хос бундай аниқликни бадиий адабиёт ва адабиётшунослик ҳазм қила олмайди. Унга ана шундай нуқтайи назар билан ёндашадиган бўлсак, “адабиётшуносликни аниқ тадқиқот методикасига бўйсундириш йўлидаги барча уриниш унинг диапазонини чеклаши тайиндир”[1]. Санъатшунослик ва адабиётшунослик табиатан талқинга бой бўлади. Аслида, санъат, бадиий асарнинг ютуғи ҳам шунда. Инсон янги шароитда ўз характерининг янги қирраларини намоён қилганидек, бадиий матн ҳам турли ёндашув асосида янги мазмун касб этиб боради.

Бадиий матн талқини ва уни тушуниш назарияси билан адабий герменевтика деб аталадиган йўналиш, фалсафа ва адабиётшунослик илмлари йиғиндисидан иборат соҳа шуғулланади. “Герменевтика” сўзи грекча “hermeneutic” – “тушунтираман”, “талқин этаман” деган маънони англатади.

“Герменевтика” этимологик жиҳатдан Гермес номи билан бевосита боғлиқ. Қадимги юнон мифологиясида Гермес Олимпия худолари элчиси сифатида тасвирланади. У гўё одамларга худоларнинг буйруқ ва хабарларини етказиб турган, хабарлар матнини талқин этган ва тушунтирган. Нутқ ва ёзувнинг ихтиро этилиши, тушунишнинг барча соҳасига ҳо-

[1] Лихачев Д.С. Избранные работы. Том 3. Л.: Наука, 1987. С.453.

мийлик қилиш ҳам Гермесга нисбат берилади. Қадимги Рим мифологиясида Гермес ролини Меркурий ўйнаган: у ҳам худо, ҳам инсонлар орасида воситачилик қилган. Гермес савдо соҳасига ҳам ҳомийлик қилганлиги айтилади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки савдо-тижорат ҳам ўзаро тушунишни талаб этади”[1].

“Герменевтика” атамаси тушунчаси билан худонинг элчиси Гермес вазифаси ўртасида ўзаро яқинлик ва уйғунлик мавжуд.

Қуйидаги икки омил герменевтиканинг фалсафий асоси бўлиб хизмат қилади:

1. Неокантчилик (унга мувофиқ, руҳий олам ҳақидаги фанлар гуманитар соҳага табиат тўғрисидаги фанлар табиий соҳага зид туради).

2. “Ҳаёт фалсафаси” (ижтимоий ҳодисаларни билишда “тушуниш” ва интуицияга таяниш).

Табиат ҳақидаги фанларда тушунтириш, сабабият асосида тушунтириш етакчи ўринда туради. Масалан, унда 2х2=4 бўлиши, яъни аниқ ҳақиқат “4”га тенг келишининг асослари тушунтирилади. Гуманитар соҳада эса тушуниш бош масала саналади. Герменевтика ҳақиқат битта эмас, кўп бўлишини қўллаб-қувватлайди. Чунки фалсафий рисола, қадимда яратилган бадиий асар ёки маданият тарихидаги ҳар қандай феномен, тамомила, инсон қабул қилишининг индивидуал жиҳатлари билан боғланган.

Герменевтика дейилганда, бугунги кунда, асосан, икки нарса тушунилади:

1. Матн талқини назарияси ва амалиёти.

2. Замонавий фалсафадаги оқим.

Матн талқини назарияси ва амалиёти билан боғлиқ герменевтика, ўз навбатида, талқин этиш санъати ҳамдир. Бадиий матн талқини билан шуғулланувчи герменевтика эса адабий герменевтика деб аталади. У қадимий матнларнинг асл маъносини очиш усул ва йўллари ҳамда ўзгаришга учраб етиб келган адабиёт намуналари маъносини тиклашга қаратилган таълимотдир. Герменевтика фанининг фалсафа ва адабиётшунослик билан боғлиқ бир неча жиҳатлари дунё фалсафа илми ва филологиясида ўрганилган. Ўзбек тилидаги адабиётлар ичида бу атама ва таълимот ҳақидаги дастлабки маълумот кейинги даврда яратилган адабий-танқидий тадқиқот ва фалсафа фани бўйича қўлланмаларда учрайди[2].

Герменевтика (асар маъносини тушуниш ва талқин этиш назарияси), гносеология (билиш назарияси) ва аксиология (қадриятлар назарияси) каби кенг фалсафий тизимнинг ажралмас қисмидир. Герменевтика таълимоти бугунги кунда адабиётшунослик, тилшунослик ва санъатшунослик фанларига ҳам татбиқ қилинмоқда.

Тушуниш назариясидаги энг мураккаб жиҳатлардан бири герменевтик доира масаласидир. Герменевтик доира бутунни унинг қисмларини тушунмай туриб талқин этиб бўлмайди, деган маънони англатади. Қисмларни билиш ҳам бутунни тушунишдан келиб чиқади. Бир қараганда, герменевтик доира ечиш мушкул масаладек. Аслида, бутун ва бўлакнинг бир-бирини талаб қилиши ушбу доиранинг хусусияти ҳамдир. Бадиий асар талқини асар маъноси, ғояси ва яхлит йўналишини топишга қаратилади. Бироқ ўқувчи асарни ўқиётганида унинг бирор лавҳаси билан мулоқотда бўлади. Бу лавҳаларнинг маъносини англаш бутун-яхлит асарни тушуниш, талқин этишга олиб келади. Герменевтик доирани ечиш ва яна қўшиш мумкин: тушуниш бутуннинг бўлакларини англашдан бошланади (бу ҳолат

[1] Борев, Эстетика... С.430.

[2] Мазкур монографиянинг “кириш” қисмидаги адабиётларга қаранг.

“предпонимание” – “тушунишдан аввалги ҳолат”, “тушунишга чоғланиш” деб аталади). Масалан, китобни ўқишдан аввал унинг аннотацияси, мундарижасига қараб муайян тушунча ҳосил қилинади ёки Навоий асарларини тушуниш учун китобхон маълум бир тайёргарликка эга бўлиши лозим.

Бўлакларни билиш бутунни англашга олиб боради. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матнни талқин этиш – умумий маъно йўналишини аниқлаш учун уни аввал онгда таҳлил этиш керак. Таҳлил эса талқин асосида амалга ошади.

Талқин ҳақидаги таълимот – герменевтика узоқ тарихга эга бўлиб, унинг вужудга келиши антик маданият даврига бориб тақалади. Вақт ўтган сайин герменевтиканинг мақсад, вазифа ва предмети ҳам ўзгариб борган. Талқин масаласи билан боғлиқ дастлабки асар Гомернинг “Илиада”си саналади. “Илиада” ва “Одиссея” асарларини талқин этган грамматикачилар герменевтчилар ролида намоён бўлган[1]. Кейинчалик герменевтика дейилганда, Гомерни ёки кўҳна бадиий асарларни талқин этиш тушунила бошланган.

Ўрта асрларда герменевтикага эгзегетика билан айнан бир нарса сифатида қаралган. Эгзегетика – диний матнлар, хусусан, Инжил талқини билан шуғулланадиган соҳа. Буни Ислом оламидаги муқаддас Қуръони Карим талқини билан шуғулланувчи тафсир ва таъвилга қиёслаш мумкин. Маърифатчилик асрига келиб, Европада герменевтиканинг методологик принциплари пайдо бўла бошлади, тарихий ва бадиий асарларни талқин қилишга эътибор кучайди. Матн талқини учун у яратилган ўша давр тарихий шароитини қайта тиклашга уриниш намоён бўлади. Бунинг воситасида асар муаллифи билан ўқувчи орасидаги масофа яқинлаштирилади. Маърифатпарварлар ўқувчи матнни талқин этиш жараёнида муаллифнинг фикрларини онгида қайта яратиб, унинг нуқтайи назарини тўлиқ қабул қилиши шарт эмас, ўқувчи муаллифдан-да кўпроқ нарсани тушуниши мумкин, деб қараганлар.

XX асрда файласуф Ф.Аст асос солган тушуниш назарияси герменевтиканинг навбатдаги қадами учун кенг йўл очди. Замонавий герменевтиканинг асосчиси Ф.Шлейермахер герменевтиканинг мақсадини ўзга индивидуалликни тушунишдан иборат, деб атади. У герменевтикани талқин назариясидан лингвистик тушуниш тўғрисидаги фанга айлантирди. Файласуф В.Дилтей (1833–1911) герменевтикани гуманитар тадқиқотларнинг умумий методи ўрнида қўллаган бўлса, бу таълимотнинг XX асрдаги энг йирик вакили М. Хайдеггер (1889–1976) учун герменевтика дунёни англашнинг алоҳида тизими вазифасини бажарди. Хайдеггернинг шогирди, германиялик Х.Г.Гадамер (1900–2002) герменевтикани тушуниш назарияси ва гуманитар фанлар методологияси сифатидаги ўрнини инкор этди[2]. Унингча герменевтика аслида онтология тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. Бироқ итальян олими Э.Бетти (1890–1970) герменевтика фалсафий таълимот бўлмай, гуманитар ва тарихий фанлар методологиясидир, деган қарашни илгари сурди.

Х. Гадамер ва Э. Беттидан бошлаб герменевтикага нисбатан икки хил қараш бошланди:

1. Гадамер учун тадқиқотчи матнни тушунишда анъана ва тилни билса, кифоя. Унингча, “тарихий ҳодиса билан боғлиқ барча актуал муносабатларни узиш унинг асл қимматини аниқлаш имконини беради”[3].

---

[1] Бласс, Герменевтика и критика... С.1.
[2] Малахов В.С. Гадамер // СЗФ. С.67-69; Малахов В.С. “Герменевтика” // СЗФ. С.74-76; Малахов В.С. “Истина и метод” // СЗФ. С.118-119.
[3] Гайденко, “Герменевтика”. С.112.

2. Э.Беттининг қарашича, тушуниш учун тадқиқотчининг субъекти кучли бўлиши, субъект максимал даражада фаоллашуви лозим. Реципиентнинг ўзида тарихий ўтмишни қайта жонлантириши тушунишга олиб келади. Яъни тадқиқотчи индивидининг кучи тушунишда асосий роль ўйнайди, дейилади.

Бу икки қарашда ҳам жон бор. Олимлар ҳақиқатга етишиш йўлида фақат тактикада фарқланмоқдалар. Умуман, герменевтика ва унга берилган таърифлар қамрови кенг, у матндан ташқари, тарихий ёдгорлик ва гуманитар фанларнинг бошқа соҳалари билан алоқадор. Жумладан, "Фрейднинг психоаналитик таълимоти герменевтикадир"[1]. Ёки бўлмаса, кенгроқ олиб қаралса, "герменевтика" маъно, мазмун ва белгилар, хусусан, инсон нутқидаги сўзлар остидаги фикрларни очиш воситаларини излайди"[2].

Герменевтиканинг бош муаммоси интерпретациядир. Бадиий матн билан бўладиган ҳар қандай мулоқот асосида интерпретация ётганлиги, адабиётшунослик илми асар матни интерпретацияси билан шуғулланиши боис биз бу ўринда бадиий матн талқини – интерпретациясининг баъзи назарий жиҳатларига тўхталамиз. Бу масала юзасидан бир қанча тадқиқотлар яратилган[3].

Бадиий асарнинг энг асосий хусусияти унинг образлилигидир. Бадиий ижодда ижтимоий онг бадиий образ асосига қурилади. Бадиий образ эса хусусиятига кўра ўз замирида чексиз маъноларни мужассам этиши мумкин. Образнинг асосий хусусияти унинг "ифодавий тугалланмаганлиги" ва кўп маънолилигидадир[4].

Ифодавий тугалланмаганлик образ замиридаги маънонинг кўплиги ҳамда бу маънонинг ҳали тугамаганлиги, давом этишини англатади. Кўп маънолилик ҳам аслида, ифодавий тугалланмаганликнинг натижасидир. Бадиий образ инвариант хусусиятга эга, яъни шаклда ўз кўринишини ўзгартирмаса-да, моҳият жиҳатдан ўзгарувчан бўлади. Дарҳақиқат, бадиий асарда образ, аслида, бир маъно ёки мақсадга йўналтирилади, моҳиятан эса кўп қиррали бўлиб, ҳатто буни асар муаллифи ҳам чегаралай олмайди. Масалан, "гул" сўзидан гул образининг фарқи шундаки, бадиий асарда у ўсимликни ҳам, маъшуқани ҳам, қалб ёки лабни ҳам, ўқувчи дунёқараши ва дидига қараб яна бошқа маъноларни ҳам англатиши мумкин.

Яна бир мисол: дейлик, бозорнинг кираверишига доира ичига, "5" белгиси ёзиб қўйилган. Бу белги, аслида, бозорга кираётган машиналар тезликни соатига 5 километрдан оширмаслиги кераклигини билдириш мақсадида ўрнатилган. Бироқ уни ҳар ким ўзича талқин этади.

Биров бозорга автомобиль билан кириш нархи 5 сўм экан, деб тушунса, бошқа киши уни бу 5-дарвоза, бўлса керак, учинчи киши эса бу, ҳойнаҳой, бозорнинг 5-бўлимига ишора.., деб тушуниши мумкин.

---

[1] Лейбин В. Фрейд, психоанализ и современная западная философия. М.: Наука, 1990. С.301.

[2] Шпет Г.Г. "Герменевтика и ее проблемы", 1990. С.230.

[3] Академические школы в русской литературоведении. М., 1975; Выготский Л. С. Психология искусства. Изд. 3. М.: Наука, 1986. С.336-491; Гуральник У. "Адаптируя" классику" // Вопросы литературы. 1980, №8. С.84-123; Ингарден Р. Исследование по эстетике. Пер с польс. М.: Наука, 1962. С.40-91; Лихачев, Избранные работы... С.453-467; Проблемы интерпретации памятников культуры востока. М., 1991; Скафтымов А.П. "К вопросу о соотношении теоретического и исторического рассмотрения в истории литературы" // Ученые записки саратовского университета. Том 1. Вып. 3, Саратов, 1923. С.54-68; Хализев В.Е. "К теории литературной критики" // Филологические науки. 1977.С.3-15; Эпштейн М.Н. "Критика в конфликте с творчеством" // Вопросы литературы. 1975, №2. С.131-168 ва бошқалар.

[4] Борев, Эстетика... С.140-142.

Бу белги, яъни образ талқинини истаганча давом эттириш мумкин. Бироқ ҳар қандай талқинда ҳам муайян мантиқ бўлиши, маъно ва тушунчалар ўша образ ва табиатидан узоқ бўлмаслиги лозим.

"Рамзий образ (аломат) ифодавийлик ва якка маънолилигидан ташқари туганмас маъно ва моҳиятга эга. Бадиий образ, одатда, асл маъноси чегарасидан четга чиқиб, жуда кўп маъно ва ишораларни ифодалайди. У атама сифатида ўзида "ғайриобразлилик" ва "белгисизлик" каби тушунчаларни мужассамлаштиради. Образ баъзан етишиб ва ифодалаб бўлмайдиган маконий хусусиятга ҳам эга бўлади. Шундай рамз ва образлар ҳам мавжудки, уларнинг моҳиятига фақат ҳис этиш билан етишиш мумкин. Образда аниқ белгилар ифодаланмаса, у ҳолда унинг ўзга мавжудлик ўлчовлари – сифат ва миқдорига кўра ҳис этиш ёки англаш лозим бўлади. Бундай мавҳумлик, албатта, рамзий хусусиятга эга бўлиб, у ўз ботинида доимо муайян маъноларни мужассам этади"[1]. Яъни образ доимо ўзи англатиши керак бўлган, муаллиф унга юклаган маънодан кўра кўпроқ маънони ифодалаши мумкин.

Бунда образ ҳам ижодкорнинг унга юклаган маъносини сақлаб қолади, ҳам бошқа маъноларни англатади. Шу нуқтайи назардан муаллиф яратган образ замиридаги (образ (а)) маъно ва моҳият уни қабул қилувчи реципиент тасаввур қилган образ (образ (р))га нисбатан кичик, айни пайтда тенг ҳамдир. Буни қуйидаги шакл асосида ифодалаш мумкин.

Образ (а) ≤ образ (р)

Тенглик аломати муаллиф образга юклаган маъно билан уни талқин этувчи англаган маъно айнан бир хил бўлиши мумкинлигини билдиради. Масалан, Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидаги Мажнун образи муаллиф талқинида "Ҳақ ошиғи"ни ифодалаган бўлса (образ (а)) достонни ўқиган китобхон учун эса бошқа ва янада кўпроқ – "исёнкор", "пессимист", "хаёлпараст", "одамови", "сентиментал", "узлатнишин" "дарвеш" ва бошқа маънолар(образ (р))ни ҳам англатиши мумкин. Шу билан бирга унга Навоий юклаган мақсад-маъно ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотмайди. Бундай ҳолатда шуни унутмаслик лозимки, "матн ўқувчига уни турли вариантларда тушуниш учун асосий "дастур"ни ҳавола этади, лекин бу матнни талқин этишда зўрма-зўракиликка йўл қўйишни англатмайди"[2].

Бадиий асар образлар асосига қурилади ва шу боис кўп маъно касб этади. Шаклан тугал бадиий асар мазмунан туганмасдир. Бадиий асарга хос бундай хусусият уни талқин этишда ҳам алоҳида аҳамият қаратишни тақозо этади. Интерпретация жараёни ўз навбатида бир неча бўғиндан иборат бўлади: воқелик (1), муаллиф, бадиий асар, реципиент ва яна воқелик (2).

1. Воқелик (1) – бадиий асар учун муаллиф танлаган материал.
2. Муаллиф – воқеликни акс эттирган шахс.
3. Бадиий асар – муаллиф танлаган воқелик акс этган ижод намунаси.
4. Реципиент – асарни талқин қилувчи шахс.
5. Воқелик (2) – асарни ўқиш жараёнида реципиент солиштираётган муҳит.

Ушбу жараёнда бадиий асар энг ўзгармас объект саналади. Чунки воқелик табиатан

[1] Шукуров Ш. "Об изображениях пророка Мухаммада и проблеме сокрытия лика в средневековой культуре ислама" // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989. С.252-267, 254.
[2] Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Художественная коммуникация и рецепция как ее завершающее звено" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.201.

ўзгариб туради, жумладан, муаллиф ва реципиент ҳам. Воқеликдаги ўзгаришлар бадиий асарни талқин этишда реципиентда хилма-хиллик тушунчаларни ҳосил қилади. Бу жараёнда бадиий асар ва реципиент энг асосий бўғин саналади. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатдан интерпретация юзага келади. Интерпретация – тушуниш билан боғлиқ ҳодиса. Тушуниш – муайян нарсанинг онгдаги талқини. Тушуниш "коммуникациянинг якунловчи босқичи бўлиб, у ижодий акт, муаллиф ўзлигининг ифодаси, ўзликни намоён этиш ҳамда матндаги иборалардан бошланади. Булар фикр, ҳиссиёт, мақсад ва ахборотни коммуникатордан реципиентга етказиш учун хизмат қилади. Ушбу жараёнда турли мураккаблик юзага келиши табиий"[1].

Бадиий матнни тушуниш унинг замиридаги маъно ва муаллиф айтмоқчи бўлган фикр ҳамда ғояни уқиб олишни тақозо этади. Бироқ муаллиф қанча ҳаракат қилмасин, матнда ўз фикр ва қарашларини тўлиқ ифодалай олмайди. Айни пайтда, матнда муаллиф, аслида, ўзи айтмоқчи бўлган фикр ҳамда ғояларга нисбатан кўпроқ нарсани акс этиши ҳам мумкин.

Матнни тушуниш жараёнида кўп нарса реципиентнинг дунёқараши, матнни замонавий анъана ва қадриятлар доирасида талқин этиб, ундаги фикр-ғояларни уқиб олишига боғлиқ. Матнда муаллиф танлаган воқелик, давр ва муҳитнинг муҳим хусусиятлари ўз аксини топади. Шу боис ўқувчи матн яратилган давр ёки муҳитга қанчалик яқин бўлса, уни тушуниши ва қабул қилиши шунчалик осон кечади. Лекин буни буткул тескари талқин қилувчилар ҳам топилади.

Шахснинг индивидуал онги муайян даврдаги ижтимоий борлиқ, қадриятлар ўлчови, маданий анъаналар ва ушбу шахс мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ билан бевосита боғлиқ бўлади. Бадиий матнни ўқиш ва уни талқин этиш – матн билан муносабат жараёнини диалог, деб атаган М.Бахтин бу алоқада икки томон (асар ва реципиент) ўзлигини сақлаган ҳолатда муносабатга киришади, дейди[2].

Ўқувчи ўзидаги мавжуд билим ва ахборотни бадиий матн билан солиштириб талқин этади ва ундан ўзи тушунган даражада маъно чиқаради. Бадиий матнни қай даражада тушуниш, англашдан фарқли ўлароқ, кўп жиҳатдан ўқувчининг савияси ва тажрибасига боғлиқ.

Ижодкор – бадиий матн муаллифи унга ўз фикр ва ғояларини аниқ мақсад асосида, оҳанглар воситасида сингдиради. Лекин муайян оҳанг ва шакл воситасида ўқувчига етказилаётган маънони ҳар бир китобхон ўзича тушунади. Ўқувчининг билим ва савиясига қараб ундан англашиладиган маъно ҳам ўзгариб туради. Бундай қараш ва муносабат ўз навбатида муаллиф асарини янада бойитишга хизмат қилади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгарувчан хусусияти муайян асарни тушуниш ва англашда таъсир ўтказиши мумкин.

Бадиий асарни тушуниш ва талқин этишда умумийлик(тарихийлик), тоифа (рецепцион гуруҳ) ва хусусийлик (ўқувчи шахсияти) муҳим ўрин тутади. Умумийлик (тарихийлик) бадиий асарни талқин этишда унинг муайян даврга тааллуқлилигини англатади. Масалан, Алишер Навоийнинг "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш", деб бошланувчи рубоийси мазмун-моҳияти ватанидан айрилган инсоннинг дил изҳори, деб талқин қилинган. Шунингдек, рубоийдаги айрилиқ – ғурбат азоби, тасвири инсоннинг худодан узоқлашиши – айрилиғини ифодалайди, деган қараш ҳам шаклланди[3]. Дастлабки қараш 1960–80-йиллар навоийшунослигига хос, кейингиси эса 1990-йиллардаги асосли ёки асоссиз тарзда мумтоз

[1] Борев, Эстетика... С.424.
[2] "Герменевтика и искусство". С.59.
[3] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Т., 1991. С.116-123.

адабиётдаги ҳар қандай шеърдан тасаввуфий маъно ахтара бошланган вақтда пайдо бўлган. Ушбу рубоийнинг келажакда яна бошқа талқинлари вужудга келиши, шубҳасиз. Зеро, етук бадиий асарнинг кучи унинг кўпмаънолигидадир. Яна бир мисол: ёшликда Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” ёки Франсуа Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асарини эртак каби қабул қилиб, мутолаа қилганмиз. Ўн беш-йигирма йилдан сўнг уларнинг бизни мафтун этган афсонавий ва фантастик жиҳатлари ўз охорини йўқотиб, ижтимоий-сиёсий маънолари биринчи планга чиқди.

Умумийлик давр ва муҳитдан ташқари муайян макон – географик ҳудуд билан ҳам ўлчанади. Масалан, Алишер Навоий:

Олибман тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон –

деганида Хуросондан Шарқий Туркистонгача бўлган ерларда яшовчи туркий халқлар унинг асарларини севиб ўқишларини фахр билан қайд этади. Демак, шоирга замондош шу ҳудуд аҳолиси Навоий асарларини яхши қабул қилган[1]. Ёки, масалан, Низомий Ганжавий (1141–1203) асарларининг қабул қилиниши Озарбайжон ва бугунги Ўзбекистонда бир-биридан фарқ қилади. Англия ва Америкада эса янада ўзгача[2].

Бадиий матнни тушунишда тоифа (рецепцион гуруҳ)нинг муайян хусусиятлари намоён бўлади. Масалан, балоғат ёшига етган қизларнинг муҳаббат мавзуидаги асарни қабул қилиши ёши улуғроқ аёлларнинг тушунишидан фарқ қилади. Бу икки тоифа – икки рецепцион гуруҳдан иборат. Ёки ватанидан йироқда – хорижда – яшаётган мусофир ўзбеклар Бобурнинг (1483–1530) ватан соғинчи ҳақидаги рубоийларини биз – ўз ватанимиз Ўзбекистонда яшаётганларг, нисбатан бошқача қабул қилади. Ана шу мусофир тоифа ҳам алоҳида рецепцион гуруҳ саналади. “Ҳар бир даврда ўз ҳаётий ва бадиий тажрибасига эга бир қанча рецептив гуруҳ мавжуд бўлади. Бу гуруҳларнинг ҳар бири бадиий асарни ўзгача қабул қилади. Ги де Мопассан шундай ёзган: “Моҳиятан, омма бизга қуйидагича қичқираётган кўплаб гуруҳлар йиғиндисидан ташкил топган:

– мени тинчлантиринг;
– кўнгилхушлик истайман;
– ғам чекишга имконият яратинг;
– ҳиссиётимни уйғотманг;
– мени кулдиринг;
– чўчишга мажбур этинг;
– йиғлашга мажбур қилинг;
– ўйлашга мажбур этинг;

---

[1] Байтнинг бошқа маъноси ҳақида қаранг: Эркинов А. “Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққуюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил)” // ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.).Tokyo, 2015. C.7, 36.

[2] Арзуманова Н. “Низами в английской литературоведении”, Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1984; Гулиев Ф. “Поэма Низами Гянджави в английской восприятии”, Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1990; Кязимова А.Т. “Творчество Низами в Англии и США” (перевод, восприятие, оценка), Автореф. дис. ...канд. филол. наук. Баку, 1989.

Ва фақат айрим тоифа танланган оқил кишилар ижодкордан, ўз табъингизга мосроқ бўлган шаклда бирор-бир гўзал нарса яратинг, деб сўрашади”[1].

Хослик (индивид тушуниши) маълум бир шахснинг бадиий матнни тушуниши ва талқин этишидир. Муайян тоифа ёки шахснинг индивидуал хусусиятларидан ташқари ўқувчи ёши ва руҳий ҳолати ҳам тушунишга хизмат қилади. Тажриба ортган, ёш улғайган сари реципиент учун бадиий асар ўзининг янги қирраларини намоён этади. Масалан, бир умр фақат бир муаллиф ижоди билан шуғулланган адабиётшунос ҳам унинг асарини икки-уч йил ўтиб такрор мутолаа қилса, ҳар гал янги маъно топиши мумкин. У бундай маъно ва фикрларни аввал ўқиганида нима учун кўрмаганига ҳайрон бўлади. Демак, ҳар бир киши ўқиган асарини ўзининг муайян даврдаги билими ва тасаввури даражасида тушунади.

Жамиятдаги ижтимоий, маданий янгиланиш ва ўзгаришлар асарнинг янги талқини пайдо бўлишига йўл очади. Ҳар бир индивид асарни ўзича қабул қилади ва тушунади. Ҳар қандай шахс бадиий матн талқинида хилма-хиллик мавжуд бўлиши, асар бир неча талқинга эгалигига ишонса-да, ўзининг қарашини энг тўғри, деб ҳисоблайди. “Мен гарчи бадиий асарга турлича нуқтайи назардан қараш мумкинлигини билсам-да, лекин доимо ўз нуқтайи назаримни ягона ҳақиқат, деб ҳисоблайвераман”[2].

Бадиий матн талқини жараёнида уни яратган муаллиф талқини билан боғлиқ масала мавжуд. Шу ўринда агар асар унинг муаллифи томонидан талқин этилган бўлса, яна бир янги талқинга зарурат борми, деган савол туғилади. Асар матнида муаллифнинг дунёқараши, тафаккури ҳамда ҳаётий тажрибаси акс этади. Матн билан диалогга киришаётган реципиент ҳам муайян тажрибага эга, лекин у ҳеч қачон муаллиф қараши билан айнан мутаносиб бўла олмайди. Дунёда иккита бир хил одам топилмаганидек, иккита бир хил талқин ҳам мавжуд эмас. Ҳатто муаллифнинг асар яратаётган пайтдаги руҳияти бошқа вақтдагисига тўлиқ мос келмайди. Бундан ташқари тугал бадиий асар кўп жиҳатдан уни яратган муаллифдан юқори туради. Шу боис ҳам асарни яратган муаллиф талқини ягона ва мажбурий эмас. Ижодкор бошқа ҳеч қачон ўша асарини яратаётган ҳолат ёки руҳиятга қайта олмайди. Масалан, бадиий ижод табиатини чуқур тушунган ёзувчиларидан бири “Бирор нарса ёзаман деб ўтирасан-у, бироқ ўтиргандан сўнг бутунлай бошқа нарсани ёзиб қўясан”, деган эди. “Мен ўтириб ижод қилишни истайман” дейиш билан “Мен ўтирдим” орасида бир минут вақт ўтди. Қаранг, янги мавзу билан боғлиқ ушбу бутунлай ўзгача фикрлар қаердан пайдо бўлди экан? Ҳозиргина мен хонани айланиб, ўз фикрларимни қоғозга тушириш ниятида эдим, ҳатто бунинг учун стулга ўтиргандим, энди-чи? “Хлебников бўлса кундалик эмас, минутлик – ҳар дақиқадаги ҳолатни қайд этувчи дафтар тутишни таклиф қилганди”[3].

Қадимги юнон файласуфларидан бири айтганидек, бир сувга икки марта тушиб бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда, ёзувчи ўзининг асарини яратаётган ҳолатига ёки умуман асарини бошлашидан то охирига етказган жараёнига айнан қайтмас экан. Модомики шундай экан, унинг ҳатто ўзи томонидан амалга оширилган талқин ҳам ягона ёки сўнггиси бўлмайди. Бунга адабиёт тарихидан бир мисол келтирамиз. Маълумки, Н.А.Добролюбов Тургеневнинг “Арафа” (“Накануне”) асарини муаллиф умуман кутмаган, хаёлига келтирмаган тарзда талқин этади. Мазкур асарни Добролюбов “Ҳақиқий кун қачон келади?” номли

---

[1] Борев, Эстетика... С.428.
[2] Выготский, Психология искусства. С.341.
[3] Чудакова М.О. Рукопись и книга. М.: Наука, 1986. С.105.

мақоласида Тургенев истамаган йўналишда, бироқ ишонарли тарзда талқин этади[1]. Лекин асар кўп жиҳатдан ўз муаллифидан юқори туради. Буни ҳатто Тургеневнинг ўзи "Оталар ва болалар" романини ёзганида тан олади. Тургенев бу асарига Добролюбов (роман чиқишидан бир йил олдин у вафот этган эди) ва яна уч кишини прототип қилиб олади[2]. Тургенев ўз бу қаҳрамони характери тўғрисида фикр юритиб, "Мен Базаровни танқид этмоқчи ёки улуғламоқчи бўлдимми? Буни ўзим ҳам билмайман. Чунки уни яхши кўриш ёки кўргани кўзим йўқлиги ўзимга ҳам маълум эмас", дейди[3].

Шарқда айрим асарлардаги тушунилиши қийин ўринлар билан боғлиқ "Ал маъна фи батни-ш-шаир", яъни "(асар) маъносини фақат шоир билади", деган ибора мавжуд бўлган. Бу ибора бадиий асар замирида кўп маъно бўлиши, ундаги ҳақиқий, асл маънони ҳамма ҳам билмаслиги, асар маъносини фақат уни ёзган муаллиф чуқур англаши мумкин, деган хулоса асосида вужудга келган кўринади. Бу, албатта, нисбий фикр. Агар асар маъносини фақат унинг муаллифи англаганида, асар ҳақиқати ғайриихтиёрий равишда муаллиф ҳақиқатидан йироқлашмаган ёки фарқ қилмаганида эди, унинг автоинтерпретацияси билан чекланиб қолинган, яратилишидан ўзга шароитда ўқилган бадиий асар талқини аҳамиятсиз бўлиб қолар эди.

Шарқ адабиётида ҳам бадиий асарлардаги маънолар жилоси, рамзийлик ҳақида фикрлар учрайди. Масалан, турк адиби Аҳмадий (XIV аср) "Искандарнома" достонида шундай дейди:

Ушбу достондаки назм айламишам,
Рамз ила чўх турлу сўз сўйламишам [4].

Навоий ўз ғазалларидаги байтлар бир неча маъно ташишини шундай таъкидлайди:

Назмим ичра ғариб маънилар,
Ғурабо хайлидин нишонадурур.

Анда ҳар байт неча маъни ила,
Байт эмаским, ғарибхона дурур[5].

Асар ҳақиқатини топишга токи муаллифи ҳам ожиз экан, турли талқинларнинг пайдо бўлишига ҳеч ажабланмаслик лозим. "Санъатдаги ҳақиқат кўпмаъноли бўлиб, у ҳар жиҳатдан ва ҳар доим яратувчи шахснинг ўзига ҳам тушунарли бўлавермайди"[6]. Бунга яна бир мисол: файласуф Зигмунд Фрейд (1856–1939) дўсти ёзувчи Стефан Цвейг (1881–1942) қаламига мансуб новеллалардан психоаналитик талқин этиш йўли билан муаллиф асло кутмаган, инсон руҳияти, онгости жараёнлар билан боғлиқ ғалати маъно чиқаради[7]. Буни ўқиган муаллиф бундай фикр асло хаёлига келмагани, бундай маъно ёки мақсадни кўз-

[1] Добролюбов Н.А. Литературная критика в двух томах. Т.2. Л., 1984. С.179-227, 482.
[2] Айни вақтда, Базаров образи Добролюбовнинг карикатурасидир, деган фикр ҳам бор.
[3] Манн Ю. Диалектика художественного образа. М.: Наука, 1987. С.127-128.
[4] Араслы Н. Низомий ва турк эдебияти. Баку, 1980. Б.133.
[5] АНМАТ. 6-том. Б.528.
[6] Бурсов Б.И. Реализм всегда и сегодня. М.: АН СССР, 1967. С.10.
[7] Фрейд З. "Я" и "Оно". Тбилиси, 1991. С.424.

ламаганини таъкидлайди. Ҳолбуки, Фрейд талқинида муайян асос бор эди. Демак, ёзувчи айрим ҳаёт ҳақиқатларини асари замирига ўзи билмаган ҳолда сингдириши мумкин экан. Чунки бадиий ижод ҳам рационал, ҳам иррационал ҳодисадир.

Бадиий асарнинг муаллифи томонидан тушунилиши ва талқин этилиши кўплаб талқинларнинг бири бўлиши мумкин, холос. Шу боис Гёте асар замирига фақат бир ғоянинг сингдирилишига қарши бўлган[1].

Ана шундай жиҳатларни ҳисобга олиб, ушбу тадқиқотда Навоийнинг ўз асарини талқин этиши билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталдик. Навоийнинг ўз "Хамса"сига нисбатан билдирган айрим муносабатларига талқинлардан бири сифатида қарадик.

Шу ўринда интерпретация характери, унинг назарий хусусиятлари масаласига тўхталсак. Интерпретация жараёнида асар ва реципиент каби икки асосий бўғин қатнашади. Интерпретация – реципиентнинг асар билан диалогга киришиши, мулоқоти.

Интерпретация ёндашув воситасига кўра икки хил бўлади. Бунда бадиий асар мазмуни бир шаклдан иккинчисига ўтказилади[2].

1) тушунтирувчи – мантиқий (адабиётшуносликка тааллуқли жанрлар) ёки лирик-публицистик (эссе) тилга ўгириш;

2) бадиий тилга ўтказиш (театр, кино, расм ва бошқалар).

Бадиий талқинда бадиий асар сюжети ва образлари бошқа санъат туридаги образга ўгирилади (масалан, рақсда ҳаракатлар, расмда рангтасвир тилига). Лекин бадиий асар талқинида илмий тил етакчи ўрин тутади. Чунки адабиётшунослик фанининг асосий мақсади образлар мазмун-моҳиятини очишдан иборат. Аммо интерпретациянинг дастлабки босқичига нафақат илмий талқин, балки оддий китобхоннинг асар мазмунини тушунишига доир қарашлари ҳам кириши мумкин. Герменевтика таълимоти объекти ва мақсадлари адабиётшунослик фаниникидан кенгроқ бўлиб, у ўзига турли талқинларни объект қилиб олади. Биз тадқиқотимизда, асосан, мана шу тур, яъни асар мазмунини тушунтирадиган, мантиқийликка асосланган тилга ўтказиш жараёни ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Интерпретация жараёни ва унинг назарияси ўрганилиши, энг аввало, бадиий асар талқинининг ягона эмаслиги билан боғлиқ. Талқинларнинг кўплиги эса ўқувчи, умуман, инсон тушунчасининг турли-туманлиги билан белгиланади. Масалан, таниқли олим А. Потебня бадиий асар мазмунининг кенг қамровлилиги, ўзгарувчанлиги, унга турли-туман муносабат билдирилиши билан боғлиқ, деган тезисни илгари сурган.

Дарҳақиқат, инсон психологияси, хусусан, руҳий ҳолатининг асарни қабул қилиш ва тушунишдаги ўрни катта. Қачон ўқувчи ўзида мавжуд ҳиссиётни ундан топа олса, ўшанда китоб унга ёқади. Албатта, бу жараёнда пафос ҳам муҳим ўрин тутади[3]. Масалан, ватанидан йироқда – мусофирликда юрган киши Бобурнинг ватан ҳажрида ёзган ғазал ва рубоийларини мутахассис олимга нисбатан буткул ўзгача қабул қилади. Чунки Бобурнинг бу шеърлари мусофир руҳияти ва ҳиссиётига жуда яқин ва мос.

Бу ва бошқа талқинлар, албатта, асарга нисбатан ёндашув, муайян макон ва давр маданий, ижтимоий муҳити билан бевосита боғланган. Масалан, ўз вақтида Ойбекнинг "Навоий" романига бадиий ижод намунаси деб эмас, тарихий асарга қўйиладиган талаблар асосида ёндашилган. Ўзга давр қаҳрамонидан замонавий ўлчов ва мезонлар талаб этилиши

[1] Выготский, Психология искусства. С.339.
[2] Хализев В.Е. "Интерпретация" // Лит. энцикл. словарь. М., 1987. С.127-129.
[3] Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Т.: Фан, 1994. С.24.

натижасида асар қораланган. Санъат – образли фикр туридан тарихий конкретлилик талаб этилган. Бундай қараш, муносабат гарчи нотўғри бўлса-да, лекин ёндашув ва талқин давр – воқелик маҳсулидир.

Бадиий асарга турлича ёндашув ва талқин ҳар хил мактабларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Талқинни бадиий қабул қилиш психологияси – психологик мактабни вужудга келтирган; маданий-тарихий мактаб – бадиий асардан тарихий аниқлик қидириш йўналиши; асарда тарихий воқеликни руҳий олам ва образли фикрга қўшиш асосида талқин қилишдан руҳий-тарихий мактаб юзага келган.

Талқин жараёнида шу ва бошқа мактаб ҳамда олимлар қарашлари муҳим ўрин тутади. Немис файласуфи Ф.Шлейермахер (1768–1834) нуқтайи назарига кўра, "Матнни талқин қилувчисининг иши "даҳо"нинг ижодий актини такроран бошидан ўтказишдан иборат бўлиши керак, лекин "даҳо"нинг ўзи нимани, қандай қилиб яратаётганлигини охиригача англай олмас экан, талқин қилувчининг эса бунга эришиши мумкин бўларкан, герменевтиканинг вазифаси асар муаллифини унинг ўзини тушунганидан кўра яхшироқ тушунишдан иборатдир"[1].

Ёндашув ва талқинга муносабатнинг бундай турларини яна давом эттириш мумкин: Сент-Бёв биографик методи, Геннекен қонуни, Брюнетьер назарияси, қиёсий метод... Булар – интерпретация жараёнидаги ёндашувлар. Интерпретациянинг ўзи эса олимларнинг умумий хулосаларига кўра уч турга бўлинади. Бу турлар таснифда бир-биридан фарқ қилади.[2]

1. Сўз билан боғлиқ интерпретация – асар тили, сўз ва сўзлар муносабати талқини;

2. Тарихий интерпретация – ўқувчини асар тасвирланган давр билан таништирувчи талқин;

3. Техник интерпретация – асардаги бадиий тасвирий воситалар талқини.

Бу таснифдан кейин ўтган юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида унга айрим ўзгартиш ва янгиликлар киритилди. Масалан, тарихий ва техник талқин умумлаштирилди ва ҳоказо. "Герменевтика тарихида интерпретация икки хил йўналишда намоён бўлган. Уларга Александрия ва Антиохия мактаби филологлари асос солган. Булар – тарихий (тасвирланаётган воқелик контекстидаги ёндашув) ва рамзий-мажозий талқин. Бу муайян белгига янги маъно юклашдан иборат бўлиб, матндаги мавжуд маълумотлар тасаввур тизимида эмас, талқин қилувчининг фикрлари воситасида амалга ошади"[3].

Айрим муаллифлар асарларини ўзлари қай жиҳатдан талқин этиш кераклигини уқтирган фактлар ҳам мавжуд. Масалан, Данте Алигьери (1265–1321) "Илоҳий комедия" асарида ҳар бир образ замирига тўртта маъно сингдирганлигини қайд этади. Булар:

1) юзаки маъно;

2) мажозий маъно;

3) ахлоқий ("бу дунё ҳаётига ишора этувчи") маъно;

4) аногогик ("у дунё ҳаётига ишора этувчи") маъно[4].

Лекин бу Дантенинг асари фақат шу билан чегараланади, дегани эмас. Чунки Эрнест Хемингуэй (1899–1961) бадиий асар айсбергга ўхшайди, дейди. Айсбергнинг еттидан бир

[1] Авдеенко, "Герменевтика".
[2] Бласс, Герменевтика и критика. С.36-86.
[3] Борев, Эстетика. С.433.
[4] Всемирная история, в 10 томах. Т. III, М.: Наука, 1957. С.622.

қисми сув устига чиқиб турса, қолган олти қисми сув остида бўлади – яшириниб туради. Бадиий асарнинг шу кўриниб турган қисми – шакл-матни ҳам ўз ичига чексиз маънони сингдириши мумкин. З.Фрейд инсон психологиясининг мустақил маъноларга интилишини ҳисобга олиб талқин этиш – яширин маънони топишдир, деган эди.

Бадиий асар талқинининг кўплиги ҳақиқатнинг чексизлиги ва нисбийлиги, ҳар бир шахс ва даврнинг ўз ҳақиқати борлиги билан белгиланади. Шу ўринда юқорида келтирилган Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги кўрлар ҳақидаги ҳикоятни эсланг. Навоий бу билан ҳар бир инсон ҳақиқатни ўз билганича талқин этади, дейди. Фил танасини ушлаб билиш орқали у ҳақида тасаввур ҳосил қилганларни бадиий асар ва реципиентга менгзаш мумкин. Реципиент фикри асар маъносининг фақат бир қиррасини акс эттиради, у қанчалик истамасин, ҳеч қачон сўнгги қараш бўла олмайди.

Шу боис ҳам XX аср герменевтикасининг отаси Х.Г.Гадамер фалсафий герменевтикага бағишланган асарини "Ҳақиқат ва услуб" деб атаган[1]. Бу ҳақиқатни англаш турли услублар (йўллар) орқали амалга оширилишини англатади.

Асарнинг умрбоқийлиги унинг савиясига боғлиқ: "Буюк асарларнинг ҳаётийлик сири доимо уларнинг "кўп маънолилигига асосланади"[2]. Асар савияси ва даражасини белгиловчи асосий омил бу – вақт. Классик асар ва классик ижодкор икки хил ҳолатда билинади:

1) асар яратилган ёки ижодкор яшаган даврда (камёб ҳолат);
2) асар яратилган ёки ижодкор яшаган даврдан кейин (кўпроқ учровчи ҳолат).

Масалан, Алишер Навоий тириклигидаёқ классик шоир сифатида тан олинган эди. Муайян ижодкорнинг буюклиги, кўп жиҳатдан, ўзидан кейинги давр ва муҳитда у яратган асарларнинг қай даражада яшаши билан белгиланади. Жумладан, композитор Сальери (1750–1825) ўз даврида композитор Вольфганг Амадей Моцартга (1756–1791) нисбатан машҳур ва обрўли бўлган. Чунки Сальери оммабоп эди. Санъатдаги оммабоплик буюкликни билдирмайди. Моцартни ўз даврида ҳатто етарлича тан ҳам олишмаган. Чор-ночор яшаган. Лекин Моцарт тарихда классик композитор сифатида қолди. Ёки бўлмаса биз бугун классик деб атаган адиблар ўз замонларида қадр топмаганликларидан нолийдилар.

Бу ҳолат кўп жиҳатдан аудиториядаги тингловчи ва ўқувчиларнинг дид ва савиясига боғлиқ. Гёте ўқувчиларни уч типга бўлади:

1) фикрламай роҳатланувчилар;
2) фикрлаб роҳатланмайдиганлар;
3) танқид қилиб роҳатланувчилар, роҳатланиб фикрловчилар.

"Учинчи типдагилар асарни теран англайди, ўзида қайта мушоҳада қилади: фақат уларгина бадиий тафаккурни ўзлаштириш салоҳиятига эга. Ушбу тип бадиий ижод табиатига адекватдир"[3]. Айни вақтда Гётенинг бу таснифини янада кенгайтириш мумкин.

Нақл қилишларича, Шекспирнинг "Отелло" асари саҳнада қўйилганида болалардек беғубор бир томошабин Маврга бўлган ноҳақликни кўриб, саҳнага чиқиб, Яго (артист)ни

[1] Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
[2] Манн, Диалектика. С.106.
[3] Борев, "Теория художественного восприятия...". С.34.

ўлдириб қўйибди. У ўзига келгач, қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ўзини ҳам ўлдирибди. Уларни бир жойга кўмиб, қабрларига "Энг яхши актёр ва энг яхши томошабинга", деб ёзиб қўйишибди. Албатта, бу ўринда томошабинни оқлаб бўлмайди, чунки у таъсирчан эмас, аксинча теран фикрли бўлиши керак эди.

Асарни талқин этиш пишган ошга баҳо беришдай гап: унинг бирор ерини янгилаш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Лекин унинг ўқувчилари давр ўтиши билан ўзгариб, янгиланиб боради. Илмда ҳам айнан шундай. Масалан, Гамлет образи "ўша давр муҳити ва ундан сўнг қуйидагича номланган ва талқин этилган:

– толиққан скептик образи;
– жангчи гуманист;
– самарасиз хаёлпараст;
– қизиққон курашчи;
– эгоист – индивидуалист;
– ўзига ишонган ҳақиқатпараст;
– "Дионис киши̇си";
– "абсурд қаҳрамон";
– "рангпар меланхолик";
– "қовоғи осилган флегматик";
– ақлсиз маньяк;
– эрксиз интеллектуал;
– фаталист;
– "тақдир ошиғи";
– экзистенциалист – "озодлик маҳбуби";
– "ажал элчиси";
– "Эдип комплекси"га эга невротик[1].

Кўриниб турганидек, Гамлет образига турли-туман ва бир-бирини инкор этувчи баҳо берилган. Булар – турли ўқувчи ва ҳар бир давр асарга берган талқин маҳсули. Чунки давр тақозоси билан "санъатнинг маданий функцияси ўзгариши янги аудитория учун ўша асар бадиий моҳиятининг янгиланишига сабаб бўлади"[2].

Дарҳақиқат, турли даврни қўя турайлик, ҳатто бир даврнинг ўзида ҳам муайян асар ўнлаб ракурсда талқин қилиниши мумкин. Фақат бадиий матн ёки санъат асари эмас, ҳар бир воқеа ва ҳодисага ҳар ким ўзича муносабат билдиради. Бирор ҳодиса, айтайлик, француз революциясига олим, тарихчи, сиёсатчи ва ёзувчининг қараши бир-биридан фарқ қилади[3].

Бизнингча, герменевтика – талқин назарияси ва таълимотини ўзбек адабиётига кенг татбиқ этиш даври келган. Аслида, ҳар бир адабиётшунос олим ўз тадқиқотида асар матни талқини билан шуғулланади, қайсидир даражада герменевтика билан муносабатга киришади. Бироқ олимларимиз интерпретация масаласида муайян ишларни амалга оширган

[1] Эпштейн М.Н. "Интерпретация" // Кратк. литерат. энциклоп. Т.9. М., 1978. С.330.
[2] Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Интерпретация произведения как феномена культуры" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.77.
[3] Фармонов Р. Развитие французской общественно–политической мысли в годы второй республики (1848–1851). М.: Луч, 1990.

бўлсалар-да, бу атама ва фалсафий таълимот фанимиз учун нисбатан янгиликдир. Герменевтика таълимот сифатида Ғарбда шаклланган, бироқ ўзимизда матн талқинининг ўндан ортиқ йўналишлари, жумладан, тафсир, илми ҳошия, шарҳ битиш, миниатюра... каби талқин билан бевосита боғлиқ мустақил соҳалар аввалдан мавжуд бўлган. Герменевтикани ўзбек классик адабиётига доир манбаларга татбиқ қилиш, уни замонавий ўзбек адабиётшунослигига олиб кириш лозим. Бунинг учун бизда материал ҳам, манба ҳам, анъана ҳам етарли. Уларни фақат ўрганиш, бир тизимга солиш зарур. Биз мазкур тадқиқотимизда ана шу таълимотни Навоий "Хамса"си манбалари асосида Мусулмон Шарқи адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек классик адабиётига татбиқ этишга ҳаракат қилдик.

Бадиий адабиётни ўрганиш методологиясига доир изланишлар ҳамон давом этаётган экан, герменевтика таълимоти янги йўналиш сифатида адабиётшунослигимизга фақат кўмаклашади. Ўзбек адабиёти тарихи герменевтика учун бой манба бера олади. Чунки адабий "танқидчилик ҳамиша навбатдаги давр учун қандайдир янги ва нисбатан тўғрироқ гап айтиш имкониятини қолдиради. Ҳеч ким ҳеч қачон бутун ҳақиқатни айтиб бера олмайди"[1].

Ўзбек классик адабиётидаги бадиий матнлар талқини масаласи Мусулмон Шарқи маданияти ва адабиёти билан бевосита боғлиқ. Шу боис Алишер Навоий "Хамса"си талқинлари ва унинг манбаларини ўрганишда бу жиҳатн, албатта, ҳисобга олиш лозим.

1.2. Ислом минтақаси адабиётида талқин масаласи

Шарқ адабиёти, санъати, фалсафаси, умуман унинг ўзи азалдан сирлилик тимсоли бўлиб келган. Айниқса, адабиёт ва санъатда мажоз кенг қўлланилган. Сирлилик ва мажозийлик, ўз навбатида турли талқин ва маъноларнинг келиб чиқишига катта қўл очади. Биз ўрганган объект Алишер Навоийнинг "Хамса" асари XV аср Хуросон ва исломий муҳитда дунёга келгани учун унинг талқинини Шарқ адабиёти контекстида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мусулмон Шарқи бадиий адабиёти, хусусан, ёнма-ён яшаган форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиёти ранг-баранг жанр, ўзига хос анъанавий сюжет ва образлар тизимига эга. Бундай анъанавий сюжет ва образларнинг асрлар мобайнида қўлланиши, воқеа ва образга ҳар бир ижодкорнинг муайян маъно ва фикр юклаши ҳамда бу мазмуннинг шарқона шакллар ортидан тезда кўзга ташланмаслиги образларнинг полифункционал, асарнинг эса кўпмаъноли бўлишига олиб келган.

Шарқ фалсафаси ва динлари уларни тарғиб этиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган бадиий адабиётнинг эзотерик характерини оширди.

Шарқ мусулмонлари ва адабий ёдгорликлари талқини, улардаги яширин маъноларни топиш ва ўрганиш бевосита Қуръон таъвили билан боғланади. Қуръон таъвили бу Қуръони каримнинг рационал ёки рамзий-мажозий талқинидан иборат методдир[2]. Таъвилни христиан экзегетикаси ёки патристикасига менгзаш мумкин. У Қуръони каримни анъанавий, тарихий-филологик ва қонунчилик нуқтайи назаридан талқин этишга зид равишда вужудга келган. Қуръоннинг зоҳирий маъноларини тафсир, ботиний маъноларини эса таъвил ўрганади, деган қараш мавжуд бўлган. Ботиний маъноларни аниқлаш ва таъвил

[1] Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13 Томах. Том V. М.: Наука, 1954. С.565.
[2] Кныш А. "Та'вил" // Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.С.218.

қилиш фақат хослар, яъни сўфий ва авлиёларга хос деб қаралган. Тасаввуф олимларининг фикрича, Қуръон оятларини тўрт йўналиш асосида талқин қилиш мумкин[1].

Қуръон таъвили ниҳоятда кенг ва чуқур масала бўлгани учун унга батафсил тўхталмаймиз. Ўзбек адабиётшунослигида бу тушунчани дастлаб Абдураҳмон Саъдий, Фитрат эса Яссавийга бағишланган мақоласида қўллаган[2]. Таъвил ва тафсир Шарқ мусулмонлари герменевтикаси асослари бениҳоя чуқурлигини яққол намоён этади. Ўз навбатида, шарҳлар ҳам талқин учун бой материал бера олади.

Шу ўринда иккита мисол келтирамиз: Жалолиддин Румийнинг (1208–1273) "Маснавийи маънавий" достони ҳақида Абдураҳмон Жомий:

Маснавийи маънавийи мавлавий,
Хаст Қуръон дар забони паҳлавий –

деганида асарнинг эзотерик характерига ишора қилади. Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" номли асари янги талқин ва тадқиқотларга асосан "ҳали тўлиқ англаб етилмаган, христиан теософияси илмининг табулаштирилган хазинасидир"[3].

Ўзбек классик адабиётида Ислом эзотеризми тасаввуф, асарлардаги яширин маънолар эса тасаввуф фалсафаси билан уйғунлашиб кетган. Сўфийлар ҳур ва эркин фикрларини ифодалаш учун бадиий адабиётдан восита сифатида фойдаланган. Бадиий асарнинг зоҳирий ва ботиний маънолари ана шундан келиб чиққан. Масалан, Саъдий Шерозийнинг (1208–1292) "Гулистон" асаридаги ҳикояларда зоҳиран қараганда, асосан, ахлоқий қарашлар илгари сурилган. Ундаги "юзаки маъно муайян ахлоқий нормаларни аниқлаштиришга ёрдам беради", холос[4]. Ҳолбуки, асарнинг ботиний маънолари ҳам мавжуд. Тасаввуф фалсафасига хос қарашлар акс этган бундай бадиий – орифона маънога эга асарлар зулмаънайн – икки маъноли, деб аталади[5]. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йиллардаги мақола ва тадқиқотларда ботиний-яширин маънолар ҳақида гап кетганда, уни фақат тасаввуф фалсафаси билан боғлаш тенденцияси шаклланди. Ваҳоланки, таъвилдаги каби ботиний маънони фақат тасаввуф билан чеклаб ёки чегаралаб бўлмайди. Бу ўринда адиб ўз асари замирига бошқа турли маъноларни ҳам юклаши, улар асарда янгича мазмун ва моҳият англатиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак бўлади.

Айрим асарлардаги образлар тасаввуф фалсафаси таъсирида яратилгани учун, уни ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий нуқтайи назардан талқин этиш мумкин. "Бироқ ҳар бир шоир объектив жиҳатлар ҳамда кенг оммани ҳисобга олиб, ўз асарига дунёвий маъноларни ҳам сингдиради"[6].

---

[1] Масалан, Қуръоннинг Сўфий Саҳл ат-Тустарий (896 й. вафот этган) томонидан қилинган тасаввуфий талқини ҳақида қ.: Böwering G. The Mystical Vision of Existence in Classical Islam: The Qur'ânic Hermeneutics of the *Sûfî Sahl At-Tustarî (d. 283/896)*, Berlin-New York, 1980.

[2] Фитрат А. "Аҳмад Яссавий" // Яссавий ким эди? Т., 1994, 18–32; Саъдий А. "Яссавий ким эди?" // Яссавий ким эди? Т., 1994. Б.10-17.

[3] Инцкирвели Ц. Христианские мотивы в "Витязе барсовой шкуре". Автореф. дис. канд. филол. наук. Тбилиси, 1991.С.27.

[4] Идрис Шах. Суфизм. М.: ИВЛ, 1994. С.126.

[5] Ғаниева С., Неъматов Ҳ. "Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари" // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т., 1993. Б.172.

[6] Пригарина Н.И. "Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии" // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.,1989. С.96.

XVII асрдан бошлаб асарларга ёзилган шарҳларда уларни тасаввуфий руҳда талқин этиш нисбатан кучайди[1]. Бироқ ижодкор ўз асарида тасаввуфий маъно ёки бирор символикани назарда тутмаган бўлса-да, унга шарҳ битганлар образ замирига бу фалсафага хос маъноларни юклаган ҳоллар ҳам учрайди. Умуман, тасаввуфий талқин икки асосдан келиб чиқади:

1. Тасаввуфий маънони назарда тутиб асар битиш.
2. Асар талқини жараёнида образга тасаввуфий маъно юклаш.

Унда ҳар икки ҳолатда ҳам мустақил маъно зоҳир бўлади. Лекин ундаги тасаввуфий маънони ҳар ким эмас, фақат хосларгина англайди. Сўфий шоирларнинг ўз сирларини фақат хосларга билдириш учун алоҳида услуб шаклланди[2].

Шарқ бадиий матнлари талқинидаги бундай серқирралилик адабиёт спецификаси ва анъанавийлик билан боғланган. Лекин бадиий асар шаклининг анъанавийликка асосланган бундай хусусиятидан у фақат ютади. Чунки анъанавий образ замирида қандай маъно ва фикр яширинганлигини билиш жуда қийин. Масалан, ўқувчиларимизга мактабда Навоийнинг бир қанча ҳикоятлари ўқитилади (“Ҳотам той ва ўтинчи чол”, “Шер билан дуррож”). Бироқ ахлоқий меъёрлар тарғиб этилган бу ҳикоятлар маъносини янада теран англаш лозим. Чунки бадиий асар, жумладан, “шаклан содда бўлган ҳикоят замиридаги асл мақсад, зоҳирда эмас, балки унинг ортида яширинган маъноларда намоён бўлади”[3]. Ботиний маъноларни топиш эса изланишни талаб этади.

Ўзбек классик адабиёти намуналари мутлақо бошқа муҳит ва даврда яратилган. Лекин бу – биз бугунги кун одамлари ушбу асарларни теран тушунмаймиз, тўғри талқин этолмаймиз, деган маънони англатмайди.

Санъат спецификасига асосан бадиий асарни ҳар бир киши ўзича талқин этади, ундан маъно топади. Лекин объектни тушуниш, англаш учун унга иложи борича замон ва макон нуқтайи назари билан яқинлашиш (ҳеч бўлмаса интуитив) зарур бўлади. Бу яқинлашув бизга асар яратилган муҳит, ижодкор яшаган давр ва шароит ҳақида маълумот беради. “Биз муайян даврни қанчалик яхши билсак, унга хос бадиий асарни шунчалик яхши англаймиз. Лекин биз токи ўзимиз яшаб турган давр ҳақида ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмас эканмиз, ўтмишни теран англаш ҳеч қачон етиб бўлмас идеалга айланади”[4]. Бадиий асар яратилган давр ва муҳит, ижодкор руҳиятини билишга интилиш унинг талқинини теранлаштиришга хизмат қилади. Лекин бу шоир билан замондош бўлган кишигина асар мазмунини биздан яхшироқ билади, деган маънони англатмаслиги керак. Ўзбек классик адабиёти жанрлари ўз табиати ва анъанавий характерига кўра талқин йўналишининг муайян жиҳатларини белгилаб беради. Масалан, бирор ғазални талқин қилмоқчи бўлган киши ишни аввал шу жанрнинг мазмун ва шаклига хос атрибутлар – лирик қаҳрамон, қофия... радифни билишдан бошлайди. Шарқ адабиётида жанрлар анъанавий хусусиятлари интерпретаторга ишора ёхуд маълумот беради. Масалан, Алишер Навоийнинг “Хамса”сини ўқишга киришган

[1] Насриддинов А. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. Автореф. дис... д-ра. филол. наук. Душанбе, 1990. С.50.
[2] Идрис Шах, Суфизм. С.126.
[3] Маркес Г.Г. “Из беседы с Мануэлем Перерой” // Писатели Латинской Америки о литературе. М., 1982. С.262.
[4] Бласс, Герменевтика и критика. С.81.

китобхон унга Низомий (1141–1203) “Панж ганж”идан келиб чиқиб ёндашади. Ўзи ўқиётган “Хамса”га Низомий бешлиги фонида баҳо беради ва талқин қилади. Яъни жанрнинг шаклий жиҳатлари талқин учун дастлабки маълумот беради. Бадиий асар талқини учун яратилган давр мафкураси, дин, фалсафа, тасаввуф, бадиий адабиётга хос анъана ва жанрлар, асарнинг яратилиши билан боғлиқ шарт-шароитлардан, албатта, воқиф бўлиш керак. Шарқ адабиётидаги етакчи жанр – “Хамса” талқини ҳам бу умумий масаланинг бир қисми, ғоят керакли бўлагидир.

Юқорида Шарқ мусулмонларида талқин Қуръондан бошланишини таъкидлаган эдик. Чунки Қуръон матнининг мукаммал ва мураккаблиги, ундан чиқадиган маънолар тафсир ва таъвил воситасида амалга оширилишини қайд этгандик. Шу ўринда асосий мавзуга ўтишдан аввал Ислом минтақасидаги талқин турлари, манбалари, маданияти ва маънавияти масаласига тўхталиш жоиз. Зеро, “Хамса” талқини манба ва хусусиятлари айни шу минтақа доирасида амалга оширилган.

Шарқда Қуръон матнини шарҳлаш кенг тус олган бўлиб, асрлар давомида унга минглаб шарҳлар битилган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, Ҳиндистонда Жалолиддин Акбар (1556–1605) саройида ижод қилган файласуф, малик уш-шуаро Абулфайз Файзий Қуръонга “Савотиҳи илҳом” номли тафсир ёзади. Қизиғи шундаки, мазкур тафсир араб ёзувидаги нуқтасиз ҳарфлардан фойдаланилган ҳолда яратилади. Дин арбоблари муаллифга эътироз билдириб, Қуръонни ҳозиргача ҳеч ким бундай шаклда тафсир қилмаган, сенинг ишинг бидъат ва шариатга хилофдир, дейди. Шунда Абулфайз Файзий уларга: “Ахир, “Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ” калимасида ҳам бирорта нуқта йўққу[1]. Агар мен бидъат бўлсам, унда Қуръон ҳам бидъатми?” дейди[2].

Яна бир мисол: маълумки, Ислом тарихида Қуръон форс тилида кўп тафсир қилинган. Имом Фахриддин Розийнинг (1149–1209) “Тафсири кабир” асари уларнинг ичида энг машҳурларидан бири саналади. Мазкур мукаммал тафсир Ислом қомуси, деб ҳам аталади. Эронлик олим Забиҳулло Сафонинг ёзишича, Розий ушбу китобда “Алҳамду...” (Фотиҳа) сурасидан 10 минг масалани келтириб чиқараман, деб аҳд қилган ва шунга эришган. Демак, бир матн ёки манба шунчалик кўп талқинга йўл очган.

Шарқда маданият, таълим тизими талқин асосига қурилган. Масалан, Садриддин Айний ўз хотираларида (1878–1957) XX аср бошида Бухоро мадрасаларида дарслик ва ўқув қўлланмалар аввал битилган асарлар шарҳи асосига қурилгани, ҳатто бир асарга ёзилган шарҳ ҳамда ҳошиялар асрлар мобайнида тўплаб борилганини қайд этади.

Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ўз фарзандига араб тили грамматикасини тушунтириш учун Ибн Ҳожибнинг (XI аср) “Кофия” асарига “Ал-Фавойиди Зийаийа” (унинг Шарқдаги машҳур номи “Шарҳи Мулло”) деб номланган шарҳни битади. С. Айний “Кофия” ҳақида шундай ёзади: “Жомийнинг замондошларидан мавлоно Исомиддин “Кофия”га шарҳ боғлаб, схоластик мунозара усули билан кўп жойда Жомийнинг фикрларига қарши чиққан, ундан кейин Жомийнинг шогирдларидан мулла Абдулғафур Лорий “Шарҳи Мулло”га ҳошия боғлаб, Жомийнинг фикрларини шарҳлаб ва ҳимоя қилиб, Исомиддиннинг фикрларини рад қилган, ундан кейин Абдулғафурнинг шогирдларидан Лабиб номли бир киши майдонга чиқиб, ўз устози – Абдулғафурнинг ҳошиясига ҳошия боғлаб, Жомий ва Абдулғафурнинг

[1] Араб ёзувидаги матн назарда тутилмоқда.
[2] Тазкираи шуарои Кашмиру Панжоб. Карачи, 1967. Б.224.

фикрларини изоҳ ва ҳимоя қилиб, қўлидан келганча Исомиддинни "урган", XVI асрда Бухорода тирикчилик қилган мавлоно Шариф деган бир зот Жомийнинг "Шарҳи Мулло"сига кенг бир ҳошия боғлаб, унда юқорида қайд қилинган бутун шарҳ ва ҳошияларнинг бир-бирига зид бўлган фикрларини тўплаб, уларнинг орасида ўзи муҳокама юритиб, мунозарачи муаллифларнинг кўплиги ва турлилиги сабабидан орада йўқолиб кетган "ҳақиқат"ни топиб чиқаришга интилган"[1].

Албатта, булар, асосан, диний-теологик, илоҳиёт илмига оид шарҳлар бўлиб, мадраса таълими жараёни билан бевосита боғланган. Лекин шарҳ санъати фақат таълим, дин илмига тегишли бўлмай, ундан матнни тушунтириш, китобхонга яқинлаштириш мақсадида ҳам фойдаланилган. Аксарият ҳолатда унинг воситасида бадиий асар замиридаги чуқур фалсафий маъно талқин этилган. Шарқ адабиёти ва санъати ҳамиша мажоз ва рамзларга бой бўлган. Аждодларимиз мунтазам навоийхонлик, фузулийхонлик, машрабхонлик йиғинлари ташкил этган. Масалан, XIX асрда Озарбайжонда Навоий шеърлари Фузулий (1498–1556) шеърлари билан бирга ана шундай мажлислар дастуридан ўрин олган. "Байтус сафо", "Мажолиси унс", "Мажолиси фаромушон" деб номланувчи йиғинларда мусиқа чалиниб, Навоий асарлари ўқилган, тарғиб этилган[2]. Хўжандда ҳатто чойхоналарда ҳам Бедил (1644–1721) асарлари муҳокамасига бағишланган бедилхонлик йиғинлари мавжуд бўлган. Уларда Бедил ғазаллари шарҳланган, бунда турли китобхонлар ҳам иштирок этган[3].

Лекин бундай шарҳ ва талқин ҳамиша оммавий тус олган, деган хулоса чиқармаслик керак. Бу жараёнда ҳам авом ва хос фарқланган. Сўфи Оллоёр ва Яссавий омма орасида машҳур бўлган. Навоий ижоди, хусусан, "Хамса" асари эса хослар учун мўлжалланган. Алишер Навоий шеъриятини хослар чуқур англаган ва таҳлил қила олган, шу маънода у хослар шоири бўлган[4].

Шарқ санъати ва адабиёти, хусусан, бадиий асар матни талқинида, тасаввуф таълимоти муҳим ўрин тутади. Тасаввуф таълимотини тушунтириш ва тарғиб қилишда бадиий адабиётдан кенг фойдаланилган. Масалан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонларида ҳам зоҳирий маънодан ташқари ботиний-тасаввуфий маъно мавжудлиги қайд этилган[5].

Тасаввуфий маъно бадиий асарга шу даражада нозик ва яширин сингдирилганки, у фақат талқин воситасида ойдинлашган. Жумладан, Саъдий Шерозий асарларидаги ички маънони сўзма-сўз таржима қилишнинг деярли имкони йўқ[6].

Албатта, матн маъно вариантлилигини тасаввуфий талқинда ҳам сақлаб қолган. Инчунин, асосан, анъанавий образлардан ташкил топган шеърият ўз замирига кўплаб маъноларни сингдирган ва бу адабиёт, хусусан, Шарқ адабиётига хос хусусият бўлиб келган[7].

---

[1] Айний Садриддин. Асарлар. 8 томлик. 5-том. Т., 1991. Б.171-172.

[2] Нагиева Дж. М. Алишер Навои и азербайджанская литература (XV–XIX). Автореф. дис... д-ра. филол. наук. Баку, 1986. С. 41.

[3] Насриддинов, Проблема, 1990. С.39.

[4] Эркинов А. "Алишер Навоий – хослар шоири" // Мулоқот. 1997, 4-сон, 42-43 (бу ўринда хос дейилганда, фақатгина тасаввуфий эмас, балки кенг маънодаги интеллектуал китобхон кўзда тутилмоқда). Айни мақола "Мулоқот" журналининг 1996 йил 4-сонида А. Рашидовнинг "Навоийни нега тушунмаймиз?" деб номланган хати ва унга М.М.Андижонийнинг жавоби эълон қилиниши муносабати билан ёзилган эди.

[5] Комилов, Тасаввуф. Б.182-205.

[6] Идрис Шах, Суфизм. С.125.

[7] Шидфар Б.Я. "Некоторые особенности образной системы арабской суфийской поэзии" // Вопросы восточной текстологии и и стории литератур народов ближнего и среднего востока. Научн. сессия посвящ. Памяти Е.Э. Бертельса. М., 1975. С.38-40.

Бадиий асар Шарқда турли жиҳатдан талқин этилган. Бу жараёнда ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этган. Чунки айрим асарлар табиатан ўта мажозий бўлиб, ҳамма ҳам тушуна олмаган. Шу боис асарни муаллифнинг ўзи томонидан талқин этиш анъанаси вужудга келган. Масалан, Ибн Сино (980–1037) ўзининг "Ҳайй ибн Яқзон" асарига ўзи шарҳ ёзади. Бу ўз даврида асар атрофида кўп баҳс-мунозара бўлганидан, ҳамма ҳам уни тўғри қабул қилмаганидан далолат беради[1].

Кейинчалик адабиётда муаллиф асари маъносига ўзи таъриф бериш ҳолати кузатилди. Масалан, Абдураҳмон Жомий "Саломон ва Абсол" достони сўнгида рамзий қаҳрамонларга таъриф берган, асар воқеалари ва лавҳаларини тасвир этиш билан йўл-йўлакай шарҳлаб борган[2]. Бундай ҳолат турк адиби Аҳмадийнинг (XIV–XV асрлар) "Искандарнома" (1391 йили тугалланган) достонида ҳам учрайди.[3]. Унда Навоийнинг "Садди Искандарий" достонидагидек, Доро элчилари билан Искандар ўртасида мунозара, тортишув лавҳаси мавжуд. Аҳмадий асарида Искандар ҳузурига келган Дороб (достонда унга шундай ном берилган) элчилари унинг олдига кунжут сепади, Доробнинг қўшини мана шунчалик кўп, демоқчи бўлади. Искандар эса бунга жавобан бир неча хўроз келтириб, кунжутларни уларга едиртиради ва бу билан мен унинг қўшинини ана шундай осонликча енгаман, деган ишорани билдиради. Ушбу лавҳадан сўнг Аҳмадий асар иштирокчилари билан боғлиқ рамзий маъноларни изоҳлайди: Искандар – руҳ, Дороб – нафс, кунжут – гуноҳ, хато, хўроз – тавба маъносини англатишини айтади *(29 б).* Бошқа бир ўринда руҳ нафсни енгишига ишора қилиб, шундай дейди:

Гўш дутарсен гар маним сўзума сен,
Ушбу дастон рамзи айдим санга мен.....
Нафсдур – Дороб, Зулқарнайн – руҳ,
Нафсе руҳа қил забунки, ул футуҳ (14 б-15 а).

Аҳмадий асаридаги воқелик, давр руҳи ва маъно тадқиқотчи ёки ўқувчига Навоийнинг "Садди Искандарий" достонини талқин этишда ёрдам бериши мумкин. Шуниси муҳимки, Шарқ адабиётидаги анъанавий лавҳа талқини воситасида шу каби бошқа анъанавий лавҳаларни ҳам талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Аҳмадий достонида Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони иккинчи ҳикояти – Зайд Заҳҳоб тўғрисидаги воқеанинг рамзий маъноларини ечишга ёрдам берувчи яна бир ҳикоят учрайди. Унинг мазмуни қуйидагича: Искандар янги шаҳар қурдириб, унга Искандария деб ном беради. Янги минора устига оинаи гетинамо ўрнатади. Шу ўринда ҳикоят ичида яна бир ҳикоят келтирилади: Бани Аббос даврида Мағрибдан бир фаранг келади. Унинг таши мўмин, ичи кофир бўлиб, ўзини ён-атрофдагиларга зоҳидсифат қилиб кўрсатади ва одамлар унга ишонади. Халқ уни имом ва кароматгўй деб ўйлайди. Лекин у Бани Аббосни алдаб, минора остига олтинларни кўмдириб, бир кечада олиб қочиб кетади. Аҳмадий ривоятдаги ўзи келтирган рамзларни шундай шарҳлайди[4]: янги қурилган шаҳар – вужуд, жоми гетинамо – кўнгил кўзгуси, халифа

[1] Ирисов А. Литературное наследие ибн Сины (источники, своеобразие художественного творчества). Автореф. дис... д-ра. филол. наук. Т., 1996. С.9.
[2] Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун, Саломон ва Абсол. Т., 1989. Б.222-223.
[3] Аҳмадий. Искандарнома. ЎРШИ-3, №742.
[4] Ўша асар. Варақ 71а-72б.

(Бани Аббос) – нафс, фаранг – дунё зийнати. Асарнинг ботиний маъноларига батафсил тўхталмай, мазкур ҳикоят талқинидан Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги Зайд Заҳҳоб тўғрисидаги ҳикоят мазмунини шарҳлашда, қайсидир даражада фойдаланиш мумкинлигини қайд этиш билан чекланамиз[1]. Шарқ адабиётида муаллифнинг ўз асарини яхлит ҳолда олиб талқин қилганига доир мисоллар кўп. Масалан, Абдураҳмон Жомий рубоийларига ўзи “Шарҳи рубоиёт” ёзгани маълум. Унда муаллиф рубоийларидаги фалсафий маъноларни тушунтириб берган. Шу билан бирга бошқа ижодкорлар асарлари ёки уларнинг бир қисмини шарҳлаш ҳам кенг тус олади. Масалан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарининг дастлабки икки байтига йигирмадан ортиқ шарҳ ёзилган[2]. Жумладан, Абдураҳмон Жомий ҳам “Шарҳи байтайни Маснавий” битиб, икки байтнинг сўфиёна маъноларини шарҳлаган[3].

Шарқда бадиий шарҳ кенг тараққий этади, жумладан, Муҳаммад пайғамбар қирқ ҳадисини шеърий тўртлик шаклида талқин қилиш жанри вужудга келиб, “Арбаин” деб аталади. Жомий ва Навоий яратган “Арбаин” бизга яхши маълум. Ҳадисларнинг бундай бадиий талқини уларнинг китобхонларга осон етиб боришини, тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида амалга оширилган. Яъни муайян ўқувчилар аудиториясининг хусусиятлари улар учун мослаштирилган талқинларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Масалан, болалар учун асар ёзиш урфга айланган. Абдураҳмон Жомий Ибн Ҳожибнинг “Кофия” асарини фарзанди учун шарҳлаганини юқорида тилга олган эдик. Бизнингча, Умар Боқий (XVIII аср) тартиб берган Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларининг соддалаштирилган насрий баёни қайсидир даражада ёшлар аудиториясига (ёки оммавий китобхонга) мўлжалланган бўлиши мумкин. Талқинларнинг айнан Шарқ адабиёти муҳити ва хусусиятлари билан боғлиқ турлари ҳам мавжуд. Масалан, Шарқ мусулмонлари шеъриятининг етакчи вазни – арузнинг шеър талқини таъсирига доир бир мисол келтирамиз: XVII асрда Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи вакили Шоҳ Акбарнинг (1542–1605) ўғли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1570–1627) ҳукмдор бўлган (1605–1627). У адабиётни ниҳоятда қадрлаган, “Тузуки Жаҳонгирий” номли кундалик, фарзандига атаб эса “Панднома” ёзган зукко, нуктадон ва маърифатли шоҳ бўлган. Тазкиралардан бирида у билан боғлиқ қуйидаги воқеа келтирилади:

... Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир 38 ёшида тахт ва салтанатни бошқаришга киришади... Давлатчилик ва салтанат ишларига машғул бўлишига қарамай, шеър ва сўзга алоҳида эътибор қаратади. Бирор байт, мисра ёки рубоий ёзса, албатта, саройдагиларга шарҳлаш учун ўқиб беради. Табъи нуктадон, фаҳми тез эди. Бир куни шоирлардан бири унга аталган форс тилидаги мақтов-қасидасини ўқиб беради:

Эй, тожи давлат, бар сарат аз ибтидо то интиҳо...
(Мазмуни: эй шоҳ, бошингдаги давлат тожи (олам)
Бошланишидан охиригача (абадий қолсин)...)

Шу мисрани ўқиб бўлиши биланоқ шоҳ уни тўхтатиб, жаҳл билан: – Аруз илмидан хабаринг борми, – деб савол беради. Шоир аруздан хабарсизлигини айтиб, шоҳнинг важоҳа-

[1] Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Т.: Ўқитувчи, 1993. Б.211-216.
[2] Акимушкин О.Ф. “Комментарии” // Дж. Руми. Поэма о скрытом смысле. М.: Наука, 1986. С.232.
[3] Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. М., ИВЛ, 1988. С.54.

тидан тол баргидек қалтирай бошлайди. Шоҳ эса “Агар аруздан хабаринг бўлганида, бошингни шу ернинг ўзида танангдан жудо қилардим”, дебди. Шундан сўнг шоирни ёнига чақириб, мазкур мисранинг тақтеъи қуйидагича бўлади, деб кўрсатиб беради:

Эй тожи дав - (рукни) - мустафъилун
лат бар сарат - мустафъилун
Аз ибтидо - мустафъилун
То интиҳо – мустафъилун

Чунки ушбу мисра аруз вазнига солинганида, буткул тескари маъно берарди:

Эй, тожи дав, лат бар сарат аз ибтидо то интиҳо –

яъни эй ҳақорат тожи(га эга шоҳ), бошингга бошланишидан охиригача калтак (лаънат) ёғилсин.

– Бу жуда айб иш, – дейди шоҳ. – Шеърнинг айбини билмаган шоир шеър ёзмагани маъқул...[1].

Қиёслаб кўрилса, ушбу мисрани шоирнинг ўзи томонидан ўқилиши аруз, яъни шоҳ тушунган тарздагисидан фарқланар экан:

Эй тожи давлат, бар сарат...
Эй тожи дав, лат бар сарат...

Иккинчи мисра арузга солиб ўқилганда ҳосил бўлган. Шоир агар арузни билганида бундай ўқимаслиги табиий эди. Шоир арузни билмаса, ҳам мавжуд анъаналарга эргашиб ёзаверган, лекин ўзи билмаган ҳолда ана шундай мисра келиб чиққан.

Демак, аруз вазни билан мазмун муносабатлари ва талқин ҳақида гапирганда шундай хулосалар чиқариш мумкин: аруз илми анчайин хос ва мураккаб бўлишига қарамай, шоирлар ўз даври анъаналари асосида шеър ёзганлар ва шу боис бу шеър арузга мос тушган. Бундан ташқари шеърни ҳам аруз вазни оҳангига мослаб, ҳам мослаштирмай ўқиш йўналиши мавжуд. Оҳанг мазмунни ўзгартириши мумкин, кўп нарса мазмун ва шакл муносабатлари талқинига боғлиқ.

Муаллиф ўз шеърини англамай туриб талқин этиши ва маъно чиқариши, айни пайтда шу шеърни ўқувчи бошқача маънода талқин қилиши, бундан ташқари матнни англаб туриб талқин учун ўзгартириш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” асарини кўчирган котиб Ислом динининг суннийлик мазҳаби билан боғлиқ айрим исм ва тушунчаларни ўзи мансуб бўлган шиа мазҳабида улуғлаган шахслар исми ва тушунчалари билан ўзгартириб чиққан. Бундай ҳолат шиа давлат дини деб тан олинганидан кейин амалга оширилган[2]. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мусулмон минтақасидаги матнларнинг илмий ва бадиий талқини маданият ва маънавият тушунчаларининг узвий бир қисми бўлган. Ушбу минтақа вакиллари маданиятига бошқа ҳудуд

[1] Тазкираи шуарои Кашмиру Панжоб. Карачи, 1968. Б.199.
[2] Бертельс Е.Э. Низами и Фузули. М.: Наука, 1962. С.462.

ва даврга нисбатан ўзгача мезон билан ёндашган, талқини ҳам ўзига хос бўлган. Масалан, Афғонистонда 1996 йил Зикрилло Ишонч ва Муҳаммад Олим Кўҳканнинг "Ўзбек адабиёти фарҳанги" номли адабиётшунослик атамалари луғати нашр этилди. Китобда олимларнинг атамаларни талқин қилишида шарқона хусусиятлар устувор бўлган. Шу ўринда Навоий асарларининг ўтмишдаги талқинига оид иккита мисол келтирамиз. Навоийнинг "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" мемуарида қизиқ бир мисол келтирилган. Бир куни Паҳлавон Муҳаммад бетоб бўлиб ётган Навоийни кўргани келади. Шунда у Навоийнинг энди ёзиб тугатган ғазалини билдирмай чўнтагидан олиб, ёдлаб, яна жойига қўяди. Ва Навоийга унинг шу шеърини бошқа шоирнинг шеъри сифатида ўқиб беради. Навоий янги ёзган ўзининг шеърини дўстининг оғзидан эшитиб, таажжубланиб турганида, ғазал мақтасини "Навоий" эмас, "Насимий" тахаллуси билан якунлайди. Ўзи эса ҳеч нимани билмагандек, сир бой бермай ўтираверади. Навоий эса дўстининг гапига ишонади, Насимий (1369–1417) ғазалининг ўзиники билан бир хил эканидан ҳайратланади. Орадан бироз вақт ўтгач эса Паҳлавон Муҳаммад ҳазил қилганини билдиради[1].

Шу ўринда кишини бир жиҳат ўйлантиради: Навоий ўз ғазалини Насимийники деб ўйлаб, Паҳлавоннинг гапига ишонади. Ваҳоланки, шу куни Паҳлавоннинг Лутфий (1366–1465) тўғрисида билдирган фикрига муносабат билдириб, Насимийнинг Лутфийдан фарқли жиҳатларини айтади: "Саид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз айтур эл эрди...". Савол туғилади: Насимий "зоҳир аҳли" – мажоз услубида шеър битувчиларга эмас, ҳақиқат тариқи йўлида ижод этувчиларга тааллуқли экан, у ҳолда:

1) қандай қилиб Навоий ўз шеърини Насимийники билан адаштириб юборди? Тўғри, суҳбат чоғида Паҳлавон Муҳаммад Насимийнинг барча шеъри бир хил услубда эмаслигини айтади... Барибир Навоийнинг бошқа ҳудуд ва бошқа услуб адабиёти вакили ғазалидан ўз ғазалини ажратишга қийналиши қизиқ ҳолат?!

2) Насимий шеърияти ҳуруфийлик фалсафаси ва адабиёти билан чамбарчас боғлиқ, деган қараш мавжуд[2]. Навоий ғазали Насимийникидан ана шу жиҳати билан ҳам фарқланиши керак эди!

3) шу ўринда Навоий шеърияти тили билан Насимийники ўртасида тафовут борлигини ҳам унутмаслик керак...

Бу "суҳбат Навоийнинг ёшлигида Машҳадда рўй берган. Навоий у пайтда ҳали Насимий шеърияти билан тўлиқ танишиб улгурмаган бўлиши мумкин", деган қараш ҳам мавжуд[3]. Навоий, дарҳақиқат, 1457–1464 йиллар оралиғида Машҳадда яшаган ва ёш бўлган. Лекин шунга қарамай Навоийнинг ихлосмандлари 1464–1465 йилларда унинг шеърларини тўплаб девон тузган. Демак, Навоий Машҳадда яшаган давридаёқ шоир сифатида танилган...

Шарқ ва ўзбек адабиётидаги ҳуруфийлик масаласига доир бир қанча қараш мавжуд[4]. Айниқса, Эргаш Рустамовнинг мазкур мавзудаги изланишлари диққатга сазовор. У Навоийдан олдин ҳам ўзбек адабиёти намуналарида ҳуруфийлик унсурлари бўлган, дейди ва Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асаридан Насимий ҳақидаги қуйидаги мисолни келти-

[1] АНМАТ. 15-том. Б.115-117.
[2] Шихиева С.М. Лирика Насими. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1991.
[3] Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан: (X–XV асрлар). Т.: Фан, 1970. Б.188.
[4] Бертельс, Низами и Фузули. С.503-521; Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половины XV века. М.: ИВЛ, 1963.

ради: “Саййид Насимий қуддуса сирруҳа Ироқ ва Рум тарафидағи мулкдин эркандур. Румий ва туркона тил била назм айтибтур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўб мундариждур. Мазкур бўлған мулк аҳлиға анинг шеъри муқобиласида ҳамоноки йўқтур. Ҳамоно тақлид аҳли они мазҳабида қусур таҳамтиға муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдурким, терисин сўяр ҳукм бўлубтур, ул ҳолатда бу шеърни дебтурки,

Назм: “Қибладур юзунг, нигоро, қошларинг меҳроблар,
Суратунг мусҳаф, вале холу хаттинг аъроблар.
Назм: эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,
Қўй терингни, сўйса сўйсин бу палид қассоблар”[1].

Олим мазкур мисолни келтириш билан Навоий бу фикрларни Хуросонда Насимий ҳақидаги гап-сўзлардан олган, дейди[2]. Демак, Насимий бу даврда анча таниқли шоир ва шахс бўлган. Нима бўлганда ҳам бир факт аниққи, Навоий бу билан ўзи англамаган ҳолатда ўзининг шеърияти услубини талқин этмоқда. Мана шу талқиннинг хусусиятларини ўрганиш галдаги вазифалардандир.

Навоий шеъриятининг ўзи ҳаётлиги ва муҳитдаги талқинига доир яна бир мисол: Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил унинг шеърларидан айрим байтларни олиб “Туҳфат ус-салотин” номли мажмуа тузган. Уни Ҳирот шаҳрида (914/ 1508-1509 йиллар) котиб Муҳаммад ибн Ҳасан Жумъон Ансорий кўчирган[3]. Матншунос олим Порсо Шамсиевнинг “Туҳфат ус-салотин” номли мақоласида ёзилишича, Абдулжамил бу билан сайланма асарлар ёки терма девонлар тузишга нисбатан анча мураккаб вазифани бажарган: Навоий ғазалларини кўчириб, улардаги шоҳбайтларни танлаб олиб, тўплам тузган[4].

Шоҳбайтларни 45 туҳфа (мавзу) ажратган. Таваккул; тасаввуф; ишқ ҳирқати; маҳбуб таърифида; фақру фанода; ёр шикоятида... каби (туҳфа) мавзулар ана шулар жумласидандир. Масалан, учинчи туҳфада тавҳидга оид қуйидаги байт келтирилган:

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,
Йўлғаким аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.

Ёки бўлмаса қирқ бешинчи туҳфа “замона душворлиғидан бода қутқорур маънида” деб аталиб, унда:

Май халос этти риёйи порсолиғдин мени,
Шукрким, қутқарди зуҳду худнамолиғдин мени, –

деб бошланувчи ғазалдан уч байт келтирилади. Мазкур тўплам Навоий ҳаётлиги даври ва муҳитдаги китобхоннинг шоир шеърияти талқини сифатида аҳамиятли бўлиб, ундан Навоий шеърияти талқини ва таҳлилида фойдаланиш мумкин.

---

[1] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ЎРШИ-1, №1828. Варақ 389.
[2] Рустамов, Узбекская поэзия. С.131.
[3] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Т., 1991. Б.14.
[4] Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т.: Фан, 1986. Б.64-70.

Ушбу қисмни хулосалаб, таъкидлаш жоизки, Шарқдаги матн талқини назариясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг матнга ёндашув принципларини атрофлича ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

1.3. Навоий “Хамса”си талқини муаммо ва манбалари

Масалага кириш. Навоий “Хамса”си ва унинг талқини муаммоси ҳақида гапиришдан аввал тадқиқот объектини яхлит ҳолда ўрганиш ва унга оид айрим қайдларни ўртага ташлаш лозим.

1. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, “Хамса” Шарқ, хусусан, форс-тожик ва ўзбек адабиётида энг йирик жанр саналади. Қолаверса, “катта бадиий маҳоратни талаб этадиган тўлиқ “Хамса” яратиш камдан-кам шоирга насиб этган”[1].

2. “Хамса”ни яхлит ҳолатда ўрганиш талаб этилади. Чунки унинг таркибидаги бешта достон ички боғланишга эга. “Хамса” достонлари зоҳиран мустақил бадиий асарга ўхшаса-да, аслида, улар бир-бири билан ғоявий-бадиий жиҳатдан чамбарчас боғланган. “Хамса” – бешликнинг ғоявий-бадиий яхлит бир цикл эканлиги, унинг ўзаро боғланганлиги, бирлигида намоён бўлади”[2]. Бундай қараш В. Бехер, Е. Э. Бертельс ва А. Абдуғафуров томонидан ҳам қайд этилган[3]. Бу хусусият Алишер Навоийнинг “Хамса”сига ҳам тааллуқли экани академик Н.И.Конраднинг “Алишер Навоий” номли мақоласида ҳам таъкидланган[4]. Кузатилса, Навоий “Хамса”си достонлари, энг аввало, ўзаро дунёнинг ўткинчилиги мотиви асосида боғланган. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам бунга ишора қилади. “Садди Искандарий” достонининг сўнгги бобида “Хамса”ни якунлаш тўғрисида гапиришдан аввал шундай ёзади:

Манга давлат илги бўлуб раҳнамун,
Чу бу панжага қилди зўр озмун.
Дема панжа они, қатиқ хора де,
Дема хора, пўлоди якпора де! (СИ, 844).[5]

3. Навоий “Хамса”си қўлёзмаларда беш қисмдан иборат яхлит асар сифатида тақдим этилган. Масалан, бешлик таркибидаги достонлар қўлёзмаларда саноқ билан 1,2.....5 - “жилд”, “китоб”, “қисса” ёки “дафтар”, деб берилган.

4. Хамсанависликда достонларга алоҳида эътибор бериш жанр деградацияси билан боғланади. Бу ҳолат бир неча жиҳатда намоён бўлади:

А) “Хамса” таркибидаги достонлар мавзусини ўзгартириш – анъанадан чекиниш;

Б) Битта достонга назира битиш (бу давр эҳтиёжи, бадиий диднинг ўзгариши, буюртмачи хоҳиши ва бошқалар асосида);

---

[1] Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М., 1985. С.18.
[2] Валихождаев Б. Из истории развития эпической поэзии в узбекской литературе. Автореф. дис... д-ра. филол. наук. Самарканд, 1968. С.6.
[3] Алиев, Темы и сюжеты. С.17; Абдуғафуров, Буюк бешлик сабоқлари. Б.38.
[4] Конрад Н.И. “Алишер Навоий” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, 2-сон. Б.8.
[5] Алишер Навоийнинг “Хамса”си достонларидан олинган мисоллар достон номининг қисқартирилган шакли (масалан, “Лайли ва Мажнун” – ЛМ) ва қуйидаги нашр саҳифасига ҳавола қилиш билан ҳар бир шеър сўнгида келтирилди: Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Т., 1960.

В) назира достон таркибига бошқа жанрдаги асарларни (масалан, ғазал...) киритиш ва бошқалар. Фақатгина “Хамса”ни яхлит ҳолда ўрганиш кейинги жараённинг табиатини очиб беради. Бу хусусиятларнинг айрим қирралари Навоий “Хамса”сига ҳам тегишли.

5. Алишер Навоийнинг “Хамса”си ўзбек адабиётининг энг йирик асари. Навоий ижодий мероси ўзбек адабиётининг чўққиси бўлса, “Хамса” Навоий ижодининг чўққиси.

Маълумки, XV асрда Ҳиротда “Султон Ҳусайн (1469–1506 й.) салтанатида маданий юксалиш кузатилади. Бу ерда шеърият, архитектура, миниатюра, мусиқа ва рақс санъати ниҳоятда тараққий этди”[1]. Алишер Навоийнинг “Хамса”си ҳам ана шу ўзбек халқи маданиятининг энг гуркираган даврида яратилган энг буюк асар сифатида тавсифланади ва алоҳида эътиборни талаб этади[2]. “Хамса” достонларини манбаларда алоҳида тилга олиш муайян муносабатлардан келиб чиқиб (масалан, вазнга мисол, бешлик таркибини кўрсатиш ва ҳоказо) амалга оширилган. Лекин бу “Хамса”ни яхлит асар сифатида тақдим этишга путур етказмаган. Навоий “Хамса”сининг яхлит ҳолдаги талқини тарихини ўрганиш адабиётшунослик фани учун кўп нарса бериши, шубҳасиз.

1.4. Муаммонинг қўйилиши

Ушбу бўлимда, асосан, Навоий “Хамса”си талқини муаммоси ҳақида сўз юритилади. “Хамса”нинг XV–XX аср оралиғидаги талқини манбаларини ўрганар эканмиз, бунда дастлаб тадқиқот объектининг макони ва замонини чегаралаб олиш керак бўлади. Тадқиқотда асосий эътибор давр масаласига қаратилади. Унга қуйида батафсил тўхталамиз, шу боис аввал макон ҳақида сўз юритамиз. Навоий “Хамса”сини талқин этиш учун ўзбек халқининг асосий яшаш ҳудуди макон сифатида олинди. Чунки муайян халқнинг ўз классик адиби асарини талқин этиши бошқа халқ ва ҳудуд ёндашувларига нисбатан марказий ва асосий ўрин тутади. Лекин бу Навоий “Хамса”си талқинида бошқа туркий ва Шарқ халқлари (масалан, эроний халқлар, уйғурлар...) қарашларини ёки Ғарб ориенталистлари муносабатларини четга суриб қўйиш керак, деган маънони англатмайди. Аксинча, биз уларга ҳам эътибор қаратишимиз ва фойдаланишимиз лозим.

Алишер Навоийнинг “Хамса”си талқинига доир материаллар салмоғи, ранг-баранглиги, ҳажм ва таркиби билан бошқа асарлардан фарқ қилади. Ота-боболаримиз яратган адабиёт ва унга муносабат асрлар мобайнида маданий марказларнинг тутган ўрнига қараб ўзгариб турган. Масалан, Навоий “Хамса”си яратилган давр – XV асрда Ҳирот маданий марказ бўлган, темурийларнинг тарих саҳнасидан кетиши билан адабиёт ва санъат ривожи ҳам секинлашади. XVI–XVIII асрларда Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларининг ташкил топиши билан уларнинг йирик шаҳарлари маданий марказларга айланди, санъат ва маданият ривожланди.

Навоий “Хамса”си талқинида аввал Хуросон, кейинчалик Мовароуннаҳр ўрнида вужудга келган уч хонлик етакчи ўрин тутади.

XX асрда ўзбек халқининг яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаёти кескин ўзгарди. Тошкент шаҳри Ўзбекистоннинг марказига айланди. Навоий “Хамса”си талқинини ўрганишда ўзбек халқи яшаган марказий ҳудуд асосий объект, таянч вазифасини ўтайди.

---

[1] Якубовский А.Ю. Культура и искусство Средней Азии. С.42.

[2] Навоий “Хамса”си, умуман, ўтмишда бу жанрга яхлит асар деб қаралганига оид мисолларни талқин бўлимида кузатамиз.

Бизнингча, Навоий “Хамса”си талқини даврини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. XV асрдан XX аср бошларигача бўлган босқич;
2. XX аср бошидан бугунгача бўлган босқич.

Бу босқичларнинг биринчисини шартли равишда шарқона, кейингисини ғарбона ёндашув даври деб атаймиз. Икки босқич ўртасидаги, тахминан, чорак асрлик муддат ўтиш даври ҳисобланади. Бизнинг бундай классификация тузишимизга талқинларда мавжуд бўлган икки даврга тааллуқли фарқ, бадиий дид ва адабиётшунослик сабабчи бўлди. Босқичлар характери таърифи уларнинг хусусиятини ойдинлаштиради.

I босқич. Навоий “Хамса”си яратилган 1483–1485 йиллар шартли равишда биринчи босқичнинг бошланишини билдиради. XX асргача бўлган чегара эса Россиянинг Туркистон ўлкасини босиб олишгача бўлган муддатни англатади. Бу оралиқда давлатлар Ғарб томонидан ҳали истило этилмаган, уларнинг тафаккур ва яшаш тарзи ҳам шарқона бокиралигини сақлаб келаётган эди. Ўзбек адабиётида Шарққа хос адабий анъаналар, хусусан, “Хамса”чилик анъанаси муайян достонларга жавоб ёзиш тариқасида бўлса ҳам давом этар, бадиий адабиётда асрлар давомида шаклланган достон, ғазал ва рубоий каби жанрларда асарлар битиларди. Ижтимоий ҳаётда ўзгаришлар рўй бериб турган, турли аср, гуруҳ ва ҳудудларда Навоий “Хамса”сини қабул қилишда фарқлар мавжудлигига қарамай, аждодларимизга хос шарқона тафаккур ва дид ҳали устувор эди.

II босқич. Бу давр ўз ичига XX аср бошидан то бугунги кунгача бўлган талқинларни қамраб олади. Бу, албатта, бугунги тафаккуримиз ва бадиий дидимиз билан бевосита боғлиқ. Чор Россияси 1865 йилдан Туркистонни босиб олиши билан аста-секин ғарбона фикрлаш тарзи, ғарбона бадиий дид ҳам шакллана бошлади. Бунинг натижасида XIX аср охиридан бошлаб бизнинг фикрлаш тарзимиз Ғарбга хос асосларга суяна бошлади ва шарқоналикдан йироқлашди. Буни Навоий, умуман, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини бугунги китобхонларимиз нисбатан етарлича қабул қила олмасликларида ҳам кузатиш мумкин.

Бу икки давр ўртасидаги тафовут адабиётшунослик фанидаги фарқларда ҳам яққол намоён бўлади. Ҳатто бадиий асарни ўрганиш, жанрлар, матнга ёндашув ва таҳлилда ҳам муайян тафовут шаклланади. Бироқ биз ушбу тадқиқотда, асосан, бадиий талқин хусусиятларига эътибор қаратганлигимиз, талқин эса адабиётшуносликдан-да кенгроқ тушунча бўлиб, бадиий матнга нисбатан барча турдаги ёндашув ва муносабатларни қамраб олишини ҳисобга олиб, ҳар хил манбаларга суяниб иш кўришимизни тақозо этади. Қолаверса, бадиий матн талқини назарияси билан бевосита боғлиқ адабий герменевтиканинг асосий вазифаси ҳам шундан иборат.

Биз бу икки даврни яхлит ҳолда ўрганиш тарафдоримиз. XV–XX асрлар оралиғида Навоий “Хамса”сини ўқиш, унга мурожаат бир хил кечмаган. XV–XVI асрларда хамсанавислик анъанага айланган бўлса, кейинги асрларда нисбатан унинг алоҳида достонларига назира битиш жараёни кузатилади. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми маданий ҳаётида юксалиш бошланади[1]. Адабиёт, жумладан, Навоий ва унинг “Хамса”сига мурожаат, уни кўчириш бу даврда мавжуд бўлган ҳар уч хонликда ҳам кучаяди.

[1] Якубовский А.Ю. Культура и искусство Средней Азии. С.50.

Шу ўринда Шарқда санъат турлича қабул қилинганини ҳам унутмаслик жоиз. Ҳамма даврда юқори савияли китобхонлар ҳам, санъатга овунчоқ каби қаровчилар ҳам бўлган. Масалан, мумтоз форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси Амир Хусрав Деҳлавий (1253–1325) ўз меҳнати ва асарларини замондошлари қай даражада тушунишини қуйидаги воқеага ўхшатади: бир одамнинг уйи ёниб кетибди. Уйнинг эгаси нима қилишини билмай, уйнинг атрофида гир югуриб, ўтни ўчириш, мол-давлатини қутқариш пайида бўлганида ёнига қўлида чала пишган кабоб кўтариб олган маст киши келиб: “Эй олов ёқаётган одам, ўтни секинроқ пуфла, мен кабобимни пиширив олай!” деган экан.

Хусрав Деҳлавий афсус билан менинг ҳозирги аҳволим ҳам шу кишиникига ўхшайди, дейди. Мен оловда куйиб-ёниб ётибман, одамлар бўлса мендан кўнгилхушлик талаб қиладилар[1]. Айни пайтда, табиийки, мумтоз асарларнинг нозик жиҳатларини тушунадиган, нуктадон ўқувчилар ҳам кўп бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керак, фалсафий матн маъноси чексиз эмас, балки мураккаб ва чуқур моҳиятга эга. Ундан ҳақиқат излаган хослар ҳақни топади, авом эса бўшлиқдан ўзга ҳеч нарсани топмайди[2]. Яъни китобхонлар савиясининг турлилиги шарқона бадиий дидга ҳам хосдир. Герман Вамбери (1832–1913)нинг 1865 йилда Бухорога қилган саёҳати мобайнида кузатишича, Навоийни халқ ҳамма ерда ҳам тушуниб етавермаган[3]. Лекин бу умумий, шарқона дид ва талқин мавжуд бўлмаган, деган маънони англатмайди. Масалан, Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ёзишича, Султон Муҳаммад Баҳодирхон бир куни Восифий ва Мавлоно Қатлийга Абдураҳмон Жомий куллиётидан уни таниқли ўтмиш ва замондош шоирлардан фарқ қиладиган, ажратиб турадиган байтларини танлашни буюради. Шунда уларнинг ҳар иккиси ҳам ўнтадан мисол топиб келади. Энг қизиғи, улар танлаган байтлар деярли бир хил бўлиб чиқади[4]. Бундай бир хиллик, албатта, муайян асосга эга. Икки индивид адабий-эстетик қарашларининг бир хиллиги, ҳатто бир рецепцион (ижодкор зиёлилар) гуруҳига мансублигига эмас, балки давр, тарихий шароит билан алоқадор умумий тушунчалар, дид ва қадриятлар билан боғланади.

Шарқ адабиётига четдан туриб, ғарбона тафаккур ва ўлчовлар билан ёндашиш, дастлаб Навоийни тақлидчи шоир деб баҳолашга олиб келганлиги сир эмас. Ҳатто йирик шарқшунос В.Бартольд ҳам шундай фикрда бўлган[5]. Лекин Навоий “Хамса”сининг 1920 йилларидан бугунги кунгача бўлган даврдаги ғарбона талқинлари аввалгиларидан фарқ қилади. Тафовут шундаки, масалан, Ғарб олимлари ўз бадиий адабиётидаги бадиий ўлчовларни Навоий достонларига ҳам татбиқ этишган. Ҳатто “Хамса” достонлардаги анъанавий воқеаларни салафлардан кўчирмакашлик сифатида баҳолашган. Бунга Мусулмон Шарқ адабиёти хусусиятларини тушунмаслик сабаб бўлган[6].

---

[1] Ҳикоят ҳақида қ.: Имамназаров М.С. Проблемы метода и поэтики эпического творчества Хосрова Дехлеви. дис... д-ра. филол. наук. Т., 1989. С.259.

[2] Бертельс А.Е. “Поэтический комментарий шаха Ни‘матуллаха Вали на философскую касыду Насир–и Хусрау” // Сад одного цветка. М., 1991. С.23.

[3] Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Мерос. 1990. Б.73.

[4] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т.: Мерос, 1979. Б.75-76.

[5] Бартольд В.В. “Мир Али–Шир и политическая жизнь” // Сочинения. Т. II (2). М., 1964. С.203; Брегель Ю. “Предисловие” // Бартольд В.В. Сочинения. Т. II(2). М., 1964. С.9.

[6] Эркинов А. С. “Подражательность или оригинальность: оценка В. В. Бартольдом узбекской классической литературы” // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Т., 2009. С.72-78.

Шарқ адабиётини унинг спецификациясидан келиб чиқиб баҳолаш лозим. Биз назарда тутаётган ғарбона талқин шарқ адабиётининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган баҳо ва муносабатдир.

Россиянинг Шарққа қилган ҳарбий юришлари натижасида шарқ адабиёти, айниқса, Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги республикаларга ғарб адабиёти ва адабиётшунослиги ўз таъсирини ўтказди. Бу жараённинг бошланиши империянинг муайян мамлакатда қачондан, қайси даврдан ҳукмронлик қилгани билан белгиланади.

Масалан, бизда янги типдаги талқин XX асрнинг бошларидан аста-секин шаклланган бўлса, бу жараён Озарбайжонда XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Демак, биздагидан ярим асрдан зиёд фарқланади. Чунки Озарбайжоннинг Россия томонидан фатҳ этилиши XIX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бироқ XIX асргача бўлган давр Алишер Навоийнинг Озарбайжон адабиётига таъсирининг алоҳида босқичи деб қаралган[1]. Ғарб илми таъсир қилмаган, шарқона адабиёт ва тафаккур тарзини сақлаб қолган ҳудудлар ҳам мавжуд. Эрон ва Афғонистон каби мамлакатлар шулар жумласидандир. Лекин уларда шарқона тафаккур ва талқин сақланган бўлса-да, хамсачилик анъанасининг асосчиси Низомий Ганжавий ва унинг бешлигига беписанд ёндашув ва муносабат факти мавжуд. Масалан, 1925–1926 йилларда тилшунос Юрий Марр (1893–1935) Эронга боради. Унинг таъкидлашича, бу ерда Низомий Фирдавсий, ҳатто Фаррухий ва Унсурийдан ҳам пастроққа қўйилади. "Хусрав ва Ширин" достони ўз мазмун-моҳияти, адабиёт ихлосмандлари хулосасига кўра, Эрон (қисман, балки Кавказ) афсоналари йиғиндисидан иборат бўлиб, тарихий ҳақиқатдан йироқ; "Искандарнома" эса насрий оригиналнинг оддий версификацияси, "Лайли ва Мажнун" достони арабларга хос ҳеч нарсага эга эмас, "Ҳафт пайкар" – уйдирма; "Маҳзан ул-асрор" даражаси эса Саъдий "Бўстон"идан пастроқ туради. Умумий хулоса: "Низомий форс шоири эмас, у Озарбайжон муҳитида яшаб ижод этган, шу боис унинг шеърларини эронликлар тушунмайди; Кавказ учун у балки даҳодир, бироқ Эрон учун эмас"[2]. Бундай муносабат аввалдан давом этиб келаётган бўлиб, XIV–XV асрларда Эрондаги кўпчилик, ҳатто адабиёт мухлислари ҳам Низомийдан кўра Хусрав Деҳлавий ва бошқа адибларни очиқчасига устун қўяди[3]. Бундай ҳолат, албатта, холис бўлмай маҳаллийчилик ва миллатчилик кайфияти билан боғлиқ. Лекин шарқона анъана ва тафаккур тарзи тарафдорлари ҳам ўз дидига мос ва хос бўлган "Хамса" йўналишидаги асарни, кези келганда қимматсиз, аҳамиятсиз деб баҳолаши мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслик керак экан.

Шарқ киши си тафаккурига Ғарбнинг таъсири, унинг айрим масалаларда ўтмишидан узилиб қолишига олиб келди. XX асрнинг дастлабки даврида Туркистонда бу ҳолат нисбатан кучсиз намоён бўлди. Чунки бу давр кишилари яшаган муҳитда шарқоналик бугунгидан кучлироқ эди. Жумладан, А. Фитрат "Адабиёт қоидалари" (1926 й.) асарида достонларни тўрт гуруҳга ажратиб, классификация қилади-да, Навоий "Хамса"си достонлари, умуман, анъанавий мавзуда ёзилган достонларни "Тақлидий классик достонлар" деб атайди[4]. "Тақлидий" сўзининг қўлланилиши Шарқ адабиётига нисбатан ғарбона ёндашувни англатади.

Совет тузуми даврида туб халқларни тарихидан узоқлаштиришга интилиш сиёсати оқибатида Шарқ адабиёти ва унинг руҳиятидан узоқлашиш янада кучайди. Бунинг нати-

---

[1] Нагиева Дж. М. Навои и азербайджанская литература: XV–XIX вв. Т.: Фан, 1990.
[2] Крымский А.Е. Низами и его современники. Баку, 1981. С.79.
[3] Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. Л., Наука, 1928. С.43.
[4] Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Т., 1995. С.97.

жасида Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнуннинг нола ва азоби бугунги китобхонга ҳатто ғайритабиий туюла бошлади. Шу боис XX асрнинг сўнгги чорагида китобхон “Нега Шарқнинг қадим улуғ шоирлари достончиликда янги-янги асарлар яратиш ўрнига бир-бирларига “жавоблар” ёзишни афзал билганлар?” дея таажжубга тушди[1]. Ўзбек халқи мана шундай шароитда ўз ўтмиш маданиятини сақлаб қолишга интилди. 1988 йил “Ёшлик” журнали саҳифаларида “Навоийни биламизми?” рукни остида бир қатор жавоб ва мақолалар эълон қилинди[2].

1980 йиллар охиридан халқ ўз мумтоз шоирига янгидан мурожаат қила бошлади, унга суяниш иштиёқи кучайди, қадриятларни тиклаш истаги намоён бўлди. Навоий ва уни тушуниш масаласи кўтарилгани, албатта, тасодиф эмас. Чунки синиб бораётган мустамлакачиликнинг сўнгги йилларида миллий қадриятларга эътибор кучайди. Мустақилликнинг дастлабки даври – XX асрнинг охирида эса тарих ва қадриятлар яна бир бор янги замон ўлчовлари асосида текширила бошланди. Умуман олганда, XX асрда ўзбек адабиётшунослиги кенг ривожланди ва шаклланди. Адабиётга, бадиий матнга ёндашув ва талқинда рус адабиётшунослиги воситасида Ғарб филология мактаби анъаналарига эргашди. Чунки уларда адабиётшунослик биздан фарқли ўлароқ ривожланган ва юқори даражага кўтарилган эди. Бунинг оқибатида бадиий асар, хусусан, Навоий “Хамса”си талқинида янги босқич, янгича қарашлар устувор бўла бошлади. Бундай ҳолат фақат “Хамса” жанрига эмас, балки умуман, ўзбек мумтоз адабиётига бўлган ёндашувга тааллуқлидир. Масалан, ғарблик арузшунос олим уни ўз муҳити – ғарбона йўналишда талқин этади[3]. Ушбу хусусият, гарчи ўзи Шарқда яшаса-да, ўзбек олимига ҳам тааллуқлидир. Чунки биз истасак-истамасак, барибир бугунги ўзбек адабиётшунослигида ғарбона қарашлар муайян даражада сақланиб қолади. Масалан, арузнинг бугунги кундаги талқини билан аввалгилари ўртасида сезиларли даражада фарқ мавжуд[4]. Бадиий матн талқинида шарқона ёндашув ва тафаккур тарзидан ғарбона қарашга ўтиш муайян давр мобайнида рўй берди. Яқин-яқингача ўзбек мумтоз адабиёти ўз ичига энг қадимги даврлардан октябрь революциясигача бўлган вақтни қамраб олади, деб ёзиларди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек адабиётининг XIX аср иккинчи ярми XX аср боши алоҳида ҳодиса сифатида олина бошланди. Бу ўтмишдан янги, XX аср адабиётига ўтиш даври ҳисобланади. “Классик жимжимадор услуб, истиорасозлик XX аср бошларига келиб саҳнадан тушади”[5]. Бу давр, ўз навбатида, бироз фарқни ҳисобга олмаганда талқин ва адабиётшунослик учун ҳам ўтиш босқичи сифатида характерланади. Адабиётшунослик ва талқин одатда бадиий асардан кейинги жараён, яъни бадиий матн вужудга келганидан сўнг пайдо бўлиши, адабий жараённи яхлит кўриш, унга четроқ ва узоқроқдан назар солиши кераклиги ҳисобга олинса, ўтиш даврининг орқага сурилиш сабаби ўз-ўзидан аён бўлади. Демак, тахминан, талқинлардаги ўтиш даври ўз ичига 1900–1930/40-йилларгача бўлган муддатни қамраб олиши мумкин экан.

Диалектика қонуниятларига кўра, янги нарсанинг пайдо бўлиши эскисига асосланса-да, лекин эскисининг қисман ёки буткул йўқ бўлиши ҳисобига амалга ошади. Агар Сидқий Хондайлиқий, Ажзий мумтоз адабиётимиз анъаналарини XX асрнинг биринчи чорагида да-

---

[1] Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори: адабий ўйлар, мақолалар. Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. С.13.
[2] Эркинов А. “Машаққатсиз роҳат бўлмас” // Ёшлик. 1988, 2-сон. Б.72-73.
[3] Мисол учун араб шеъриятидаги аруз ҳақида қ.: Фролов Д.В. Классический арабский стих. М.: Наука, 1991.
[4] Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. Т.: Ўқитувчи, 1995; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ. 1998.
[5] Комилов Н. Бу қадимий санъат. Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. Б.2.

вом эттирган ёки XX аср ўзбек адабиёти жанрлари европалашиб кетган бир вақтда саноқли ижодкорлар (Чустий, Чархий, Э. Воҳидов...) классик жанрларда шеър ёзган бўлсалар-да, бироқ талқин жараёнида шароит ўзгачароқ кечган. Чунки унда қатнашувчилар аудиторияси жуда кенг бўлиши мумкин. Масалан, Навоий асарларини қўлёзма ва литография-тошбосма усулида кўчириш 1920-йилларгача давом этган. Демак, эски анъана 20-йилларда ҳам амалда бўлган. Давр ва шароит ўзгарса ҳам, шарқона тафаккур яшай олган. Е.Э.Бертельс 1947 йил А.Саъдийнинг "Навоий ижоди ўзбек классик адабиётининг олий босқичи сифатида" мавзуидаги докторлик диссертациясига ёзган тақризида тадқиқотчининг бир қатор камчиликларини кўрсатиб шундай дейди: "...Профессор Саъдийнинг мен кўрсатиб ўтган камчиликлари унинг кўп жиҳатдан рус шарқшунослик мактабида ишлаб чиқилган методлар воситасида эмас, балки ўзгача илмий иш методида тарбияланганлигидан келиб чиқади"[1]. Демак, Е.Бертельс бу билан адабиётшунослигимизда ўзгача асосдаги методология мавжуд бўлганини тан оляпти. Бу факт, ўз навбатида, ўтиш даври адабиётшунослиги қиёфасини белгилашга хизмат қилади.

Адабиётдаги қарашлар, тафаккур тарзи, одатда ўтиш давридаги шароит, янгиликка интилиш билан бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, Фурқат бир шеърида:

Биз эллар – фақр элимиз парча нонға сабр айлармиз,
Ғараз дунё учун Искандару дороға бормасмиз[2] –

дер экан, бу XIX аср охирида монархияга қараш нисбатан ўзгарганлиги, янги давр янгича ёндашувларни таклиф этаётганлигидан далолат беради. Ўшандан ярим аср муқаддам – XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хони Муҳаммадалихон – Маъдалихон (1822–1842) "Лайли ва Мажнун" достонини, Жунайдулло Ҳозиқ эса 1824 йил Маъдалихоннинг отаси Қўқон хони Амир Умархонга (1810–1822) бағишлаб, Жомий анъанаси йўлида "Юсуф ва Зулайҳо" достонини ёзади[3]. Демак, XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам бадиий адабиётда ўрта асрлардаги достончилик анъанаси ҳали давом қилган. XX асрнинг бошида бошқа анъанавий шеърий жанрлар Бухоро ва Хива хонликларида ҳам сақланиб қолган.

Ўтиш даврида адабиёт ва талқинда икки хил йўналиш намоён бўлди:

1. Ижодкорлар мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирди. Булар (Ажзий, Сидқий Хондайлиқий...) анъанавий жанр ва образларга янгича маъно ва мазмун юклади, баъзи жанрларга ўзгариш киритди.

2. Адабиёт жанрларини ғарблаштириш тарафдорлари (Чўлпон, А. Фитрат, А.Қодирий) пайдо бўлди.

Бу икки хиллик, ўз навбатида, қадим ва янги ўртасида баҳсни юзага келтиради. Мазкур баҳс эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутади. Чунки унинг воситасида янги қадриятлар шаклланади[4]. Зеро, бадиий талқинда ҳам айни шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳатто бугунги кунда (айниқса, Шарқ мамлакатларида) классик меросни замонавий ўлчов ва ёндашувлар асосида талқин этувчилар билан бирга дунёвий илмлардан йироқ, мумтоз ба-

---

[1] Бертельс, Навои и Джами. С.459.
[2] Фурқат. Асарлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи Х.Расул. 1-жилд. Т.,1991. Б.59.
[3] Амирқулов С. "Муқоисаи достонҳои "Юсуф ва Зулайҳо"и Ҳозиқ ва Жомий" // Жашнномаи Жомий. Ленинобод, 1966. С.98–120.
[4] Спор о древних и новых. М., 1985. С.40.

дий матнларимизни азалий талқинлар билан баҳоловчи, таҳлил этувчилар ҳам учраши, шубҳасиз. Лекин бугунги ўзбек китобхони ва тадқиқотчиси ўзида миллийлик билан Шарқ ва Ғарбга хос тафаккур тарзини бирлаштирган кишилар бўлса-да, мумтоз бадиий матнлар таҳлилига Шарқ адабиёти ўлчовлари билан ёндашишга интилиши мумкин. Лекин бу бошқа масала бўлиб, адабиётшунослик методологияси билан боғлиқ жиҳат сифатида характерланади. Талқин эса адабиётшуносликка нисбатан кенгроқ, ҳам илм, ҳам халқнинг тафаккури ва қарашларидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ.

Лаффасий 1940 йилда "Тазкираи шуаро"ни, Пўлатхон Қаюмий эса 1965 йилда "Тазкираи Қаюмий"ни тузади. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида нисбатан янгиланган турда бўлса ҳам, тазкира – шоир ва унинг шеърияти ҳақида маълумот берувчи ўрта аср Шарқ адабиётшунослигига хос жанр ҳали ҳам амалда қўлланишда бўлганини кўрсатади. Кўҳна адабиёт анъаналарининг янги давр жанри, масалан, романда янгича кўринишда давом этишига Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги мотив А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар"ида янгича талқинда берилиши яққол мисол бўла олади[1].

Бундай таснифнинг боиси шундаки, герменевтика, талқин тарихида асар яратилган муҳит, ундан кейинги ёки замонавий талқин масаласида муттасил тортишувлар бўлиб келган, методологик изланишлар олиб борилган.

Бу омиллар мавзу ва таснифимизнинг назарий жиҳатларига билвосита хизмат қилиши мумкин. Шу боис уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Асар яратилган муҳитга доир талқинларни ўрганиш у вужудга келган даврни қайта тасаввур қилишга ёрдам беради. Ўтмиш талқинларидан фойдаланган ҳолда асар яратилган тарихий муҳитни билиш бугунги талқин учун замин яратади[2]. Талқинлар тарихи унинг даврлар оша ўзгариб турадиган услубларини билишга имкон беради. Чунки диалектика қонуниятига мувофиқ "ҳар бир янги методнинг пайдо бўлиши анъанавий концепцияларнинг сиқиб чиқарилишига олиб келади"[3]. Яъни аввалги талқин матн яратилган муҳит руҳиятига яқинлиги билан ўзидан кейинги талқинларни тўлдиради. Масалан, Хусрав Деҳлавийнинг ижодий услуби ундан икки аср кейин яшаган Алишер Навоийнинг унга берган таърифига суянган ҳолда аниқланган[4]. "Аввалги методларга суяниш муайян ишни амалга оширишда салафлар тажрибасига суяниш билан алоқадордир. Бадиий асарни талқин этиш ва баҳолаш методни талаб этади. Метод эса парадоксга эга. Чунки ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳодисани текширишда ҳам салафлар изидан боришга тўғри келади. Метод салафлар тажрибасига суянган ҳолда фикрлашга йўл очади"[5].

Бу фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: бадиий асарнинг муайян даврдаги талқинида унгача мавжуд бўлган ёндашув методларидан, гарчи улар айнан шу асар билан боғлиқ бўлмаса-да, фойдаланиш кейинги босқични яратишга ҳам имкон беради, ҳам тақозо этади.

Салафлар услубини ўрганиш зарурлиги аниқ бўлгач, энди бадиий асар талқинида асарга яқин ёки ундан олис даврдаги ёндашувлардан қай бири тўғри ва қай бири ҳақиқатни

---

[1] Эркинов А. "Сукут, сукут..." // Ёшлик. 1987, 5-сон. Б.76–78.
[2] Бласс, Герменевтика и критика. С.5, 83.
[3] Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Обострение интереса к смысловой интерпретации искусства и методологические искания герменевтики" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.115–133.
[4] Имамназаров, Проблемы метода.
[5] Борев, Искусство интерпретации и оценки. С.3.

аниқлашга кўпроқ ёрдам бериши мумкин, деган савол туғилади. Бунда бизга бадиий асар талқинида унинг муаллифи ва интерпретаторнинг икки хил маданий муҳит ва даврга тегишлилигига доир қарашлар ёрдам беради. Унинг билан боғлиқ икки хил қараш мавжуд:[1]

1. Шарқшунос (асли ғарблик) талқин учун яратилган объектни яратувчилари ўрнига ўзини қўйиб кўриши керак (*Р.Генон*).
2. Ўзга маданиятни тушуниш учун унга сингиш керак эмас (*М.Бахтин*).

Бахтин нуқтайи назарича, "ўзга маданиятни тушуниш учун унга "кўчиб ўтиш" керак эмас, ўзгани тушуниш учун ўзликни сақлаб қолиш керак. Бу позиция эмас, балки ўта жиддий диалогдир. Бунда ҳамсуҳбатлар ҳам ўзликларидан воз кечишга интилмайдилар, ҳам ўзлик изоляциясида қолиб кетмайдилар"[2]. Олимнинг фикрича, юқоридаги талқин услубининг акси содир бўлиши, шунда "биз ўзга маданиятга унинг ўзи ўзига бермаган янги саволларни бериш имконига эга бўламиз. Биз ундан ана шу саволларга жавоб излаймиз, ўзга маданият бизга ўзининг янги қирраларини намоён этади, янги маъно қатламларини очиб жавоб қайтаради"[3]. Илмда бу икки қараш тарафдорларини топиш, уларнинг ҳар иккисига ҳам кўплаб мисоллар билан мурожаат қилиш мумкин. Масалан, бундан бир аср олдин ёзилган китобда ҳам шундай қараш мавжуд бўлиб, унга, асосан, "ўтмишдагилар ўз шоирларини биз – ёш кишиларга – нисбатан яхшироқ тушунганлар, деган тасаввурдан воз кечиш керак"[4].

Умуман олганда, юқоридаги икки қараш ҳам бир талқин услубининг икки аспекти бўлиб, улар матнни талқин этиш жараёнида вужудга келган йўналиш – методлардир. Биз ўрганмоқчи, ушбу тадқиқотда манбаларини аниқламоқчи бўлган давр – XV–XX асрлар мобайнидаги Навоий "Хамса"си талқинлари ҳам, кейинги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган оралиқдаги илмий ва бадиий талқин методлари ҳам жанри, шакли, услуби, матнга ёндашув характери ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар яшашга ҳақли. Чунки ҳар бир метод, уни ҳосил этувчи муҳит, гуруҳ ва шахслар ўзида ҳақиқатнинг муайян бир қиррасини акс эттиради. Улар қарашларининг мажмуаси эса ҳақиқатга етишиш йўналишлари, ҳақиқатнинг муайян бир қисмига айланади.

Лекин биз белгилаган икки босқич – XX асргача ва XX асрнинг 30-йилларидан бугунгача бўлган "Хамса" талқинидаги икки хилликни асарга яқин ёки узоқлигига қараб тарихий ёки назарий талқиндан ажратиш керак. Бу икки босқич асар яратилган муҳит руҳиятини билиш мақсадида ажратилди. Бунда ўрганилаётган объект муҳити, руҳияти ва анъаналарга яқинлик масаласи диққат марказида турди.

Бу икки босқичга хос хусусиятларни аниқлаш, таъкидлаш учун бир мисол келтирамиз. Масалан, шундай саволни ўртага ташлаш мумкин: Америкадаги ўрмонларни ким яхши билади? Ўрмонда яшовчи ҳиндуми ёки шу ўрмон ҳақида Европада китоб ёзган олимми? Албатта, мутахассис-олим билими, аниқроғи, назарий илми, мантиқий таҳлиллари билан ҳиндуга нисбатан кўпроқ нарса билиши аниқ. Аммо ўрмонга ўзи бориб, уни ҳиндулар билан бирга кезса, шу пайтгача сезмаган яна жуда кўп хусусиятларни билиб олади. Чунки шу

[1] Бертельс, "Поэтический комментарий". С.26.
[2] "Герменевтика и искусство". С.60.
[3] Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. Изд. 2., М.: Наука, 1986. С.353-354.
[4] Бласс, Герменевтика и критика. С.7.

ўрмонда туғилиб ўсган ҳинду уни китобдан-да равон ўқий олади. Унда мантиқий билимдан кўра сезги, интуиция етакчилик қилади. Европалик олим эса бундай руҳий ва ҳиссий маълумотга эга эмас. У гарчи ўрмонни кўп йил кезган, ўрганган бўлса ҳам, лекин ҳинду каби унинг бир қисмига айланмаган. У ўрмонни кўпроқ назарий жиҳатдан билади. Демак, олим ва ҳиндунинг билими алоҳида-алоҳида йўналишдан иборат бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.

XX асргача Шарқ адабиёти ва маданиятини ўрганган, унга муносабат билдирган ўзбек тадқиқотчиларининг аксариятида ўша ҳиссий билиш етакчилик қилган. Улар шарқона муҳит ва руҳиятда ўсган ва шу йўл билан Шарқни англаган, лекин кейинчалик ундан йироқлашган.

Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаш керакки, биз ҳозир Навоий "Хамса"сининг ўтмишда ёки бугун қандай қабул қилиниши тўғрисида гапиряпмиз. Бизнинг ҳозирги пайтда Шарқ маданиятини қабул қилишимиз ҳар тугул юқоридаги европалик олимникидан фарқ қилади. Чунки биз "Хамса"га ёндашув масаласида ўз ҳудудимизни асос қилиб олдик. Агар юқоридаги мисол асосида тушунтирсак, бугунги талқин этувчи ўзбек тадқиқотчилари ўрмонда яшаган ҳиндунинг шаҳарга кетиб қолган вакилларига ўхшайди. Чунки ўрмонни тарк этиб шаҳарда яшаётган ҳинду авлодлари энди ўрмонни ҳиссий билим ва муҳитдан айро ҳолдагина била бошлайди ҳамда тасаввур қилади. Аммо айни вақтда улар ўз аждодлари орқали қондан қонга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ички сезгиларни қайсидир даражада сақлаб қолади.

Бугунги ўзбек тадқиқотчиси мумтоз адабиётни ҳам ўрмонни унда яшовчи ҳинду билан европалик олим билган даражада, ўтмиш муҳитидан қисман узилган ҳолатда билади. Лекин улар ўзлари шу ерлик бўлгани, ҳозирда урфга айланган сўз билан айтганда менталитети – руҳият ва маънавиятида миллий хусусият сақлангани, қисман европача маданиятни ўзлаштиргани билан шарқшунос ғарбликдан фарқ қилади.

Шарқни билган ўзбек адабиёти тарихини ўрганганларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) шарқликларнинг ўзи (XV асрдан XX асргача);
2) Ғарб билан Шарқ бирлашган ҳудуддаги шарқликлар (бизнинг асримиз);
3) ғарбликлар (шарқшунос – ориенталистлар).

Ушбу тадқиқотимизда биз, асосан, биринчи гуруҳга эътибор қаратамиз. Асли ғарблик шарқшунос гарчи иккинчи гуруҳдагилар билан яқин бўлса-да, лекин бу масалага чуқур кирмаймиз. Юқоридаги фикрлар XX асргача ўша давр кишиларига хос талқинлар ва муайян муҳит мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Шу боис муайян асар билан боғлиқ библиопсихологияни ўрганиш, асар талқини турлари ва ўқувчиларига доир классификацияларни амалга ошириш лозим бўлади. Чунки яхлит "умумий китобхон" мавжуд эмас. Турли ижтимоий муҳит, макон ва замон таъсири натижасида вужудга келган ҳар хил китобхон бор экан, китобхонликка хос бу ижтимоий ҳодисаларни тушуниш учун уларнинг хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш зарур. Шундан сўнг уларни ижтимоий-иқтисодий, жинс, тур, макон ва замон билан боғлиқ фарқланишлари таснифини яратиш лозим бўлади[1].

[1] Рубакин Н.А. "Библиологическая психология и литературоведение. Доклад обществу любителей российской словесности, читанный 11 мая, 1927 г. в Москве" // Литературный текст: проблемы и методы исследо-

Бизнинг хоҳиш ва истагимиздан қатъи назар бадиий матн яратилган давр контекстидан узоқлашиш деконтекстуализация жараёнини тобора кучайтиради. Ҳар бир китобхон асардан ўз даврига мос маъно ва актуал мавзуни иррационал ҳолда излай бошлайди. Ўтган давр ёки бугунги кун талқинидан ҳеч бирини энг тўғри ёки энг сўнгги ҳақиқат деб бўлмайди, чунки "ҳеч бир муносабат янги ҳам, сўнгги ҳам бўла олмайди. Ушбу муносабат занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб, уни бу занжирдан узиб ўрганиш мумкин эмас"[1].

Навоий "Хамса"си талқинининг таъкидлаганимиз ўтмишдаги босқичини ўрганиш бугунги навоийшунослик ривожига кўмак беради. Навоий ижоди ёки унинг "Хамса"сини талқин этиш ва англаш жараёнини теранлаштиради. Бундан ташқари Шарқ маданий муҳити ва ёдгорликларини тушуниш, талқин этишда шарқликларнинг ўз меросига муносабати алоҳида аҳамият касб этади.

Талқин манбалари ва улар таснифи бизнинг мавзуимиз бўлган Навоий "Хамса"си талқини манбалари билан бевосита боғлиқ. Шу боис юқорида ушбу мавзунинг герменевтика таълимоти билан боғлиқ фалсафий-назарий жиҳатлари, ўзбек адабиётида ўзбек китобхони масаласи, "Хамса"нинг даврлар силсиласида қандай қабул қилинганлигини ҳам таснифлаб, ҳам умумий томонларини кўриб чиқдик. Талқин учун материал берувчи асос – манбалар эса биз суянишимиз зарур бўлган алоҳида соҳадир. Чунки юқоридаги муаммонинг кун тартибига қўйилиши ва ечимига манбалардаги талқин билан боғлиқ далиллар асос бўла олади.

Мухтасар айтганда, талқин хусусиятларини кўрсатувчи манбаларни аниқлаш, уларни характерлаб, тасниф этиш кун тартибига қўйилган муаммони асослашда дастлабки йўналиш берувчи қадам бўлиши мумкин. Бунинг учун адабий манбашунослик илмининг назарий асосларига суяниб иш юритиш лозим.

Манбашуносликнинг назарий ва айрим ҳудуд адабиёти билан боғлиқ мавзулари бўйича муайян тадқиқотлар мавжуд[2]. Шарқ адабий манбашунослиги, матншунослиги ва ёзма манбалари юзасидан очерклар яратилган[3]. Шунингдек, Шарқ адабий манбалари тавсифига оид кузатишлар ўрин олган. Бироқ шарқ адабий манбашунослиги унинг, айниқса, назарий жиҳатлари ҳали кўп изланишни талаб этади. Тўғри, Навоий асарлари манбашунослигига доир бир қатор ишлар мавжуд[4]. Бироқ Навоий "Хамса"сининг XX асргача бўлган даврдаги талқини манбаларини таснифлаш, бу жараёнда ана шу даврни кейингиларидан фарқланувчи томонларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Навоий "Хамса"си яратилганидан XX асргача бўлган даврни яхлит ҳолда олиб қарашни мақсад қилдик. Уни, аксинча, муайян даврларга бўлиб таснифлаш бизнинг объектга кирмайди, у келажак ишидир. Мавзуимиз доирасидаги дастлабки ишимиз талқинни кўрсатувчи асос – манбаларни аниқлашдан иборат. Навоий "Хамса"си, одатдагидек, уч томондан талқин этилган. Булар:

вания. Калинин, 1987. С.146.

[1] Бахтин, Эстетика. С.340.

[2] Белоконь С.И. Предмет и задачи литературоведческого источниковедения. Автореф. дис. канд. филол. наук. М., 1978; Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. М.: Наука. 1983; Берков П.Н. Введение в технику литературоведческого исследования. Л., 1955; Источниковедение. Теоретические и методологические проблемы. М.: Наука, 1969; Источниковедение и текстология средневекового ближнего и Среднего Востока. М., 1984; Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. М., 1976.

[3] Рукописная книга в культуре народов востока: Очерки. кн. I. М.: ИВЛ, 1987; кн. II, 1988.

[4] Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 1-4-жилдлар. Т., 2008-2009; Мадраимов А. XV–XVI асрлар Марказий Осиё қўлёзма китоби тарихи манбалари (Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация. Т., 2003; Мадраимов А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари. Тошкент, 2021.

А) муаллифнинг ўзи (Навоий);
Б) замондошлари (Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир);
В) кейинги давр кишилари (Бобур ва бошқалар).

Кейинги икки гуруҳни ўз ичида яна қисмларга ажратиш мумкин. Бироқ биз ишимизда эътиборни талқинни ташувчи шахс ва гуруҳларга эмас, талқин билан боғлиқ ахборотга эга манбаларни ўрганишга қаратмоқчимиз. Бу маълумотлар қуйидаги манбалардан ўрин олган:

1. Навоий “Хамса”си.
2. Достонларнинг кириш қисми:
А) Хамсачилик анъанаси асосида яратилган асарлар (Жомий, Хожа,..).
Б) Бу анъанадан ташқаридаги асарлар (Нишотий).
3. Тазкиралар.
4. Тарихий асарлар.
5. Илмий асарлар.
6. Мемуар асарлар.
7. Навоий “Хамса”си қўлёзмалари.
8. Луғатлар.
9. Халқ китоблари – насрий баёнлар.
10. Таржималар.
11. “Хамса”га ишланган миниатюралар.

Бу манбалардан “Хамса” талқинига доир маълумотларни олиш мумкин. Лекин биз ушбу тадқиқотда Навоий “Хамса”си талқини манбаларини аниқлаш, аниқроғи уни қандай манбаларга суяниб талқин қилиш мумкинлигига эътибор қаратмоқчи эканмиз, бунда, энг аввало, манбаларнинг талқиндаги иштироки, қандай факт бера олишига асосан таснифини амалга оширишни маъқул деб топдик. Шу мақсадда уларни тўрт гуруҳга бўлдик:

1. Автоинтерпретация билан боғлиқ қайдларга эга манбалар.
2. Тарихий, мемуар, тазкира ҳамда бадиий асарлар.
3. Қўлёзмалардаги талқинлар.
4. Бадиий талқин манбалари.

1. Навоий бевосита “Хамса”нинг ўзида ушбу бешлик ва унинг таркибидаги айрим достонларнинг яратилиш жараёни ҳақида талқинларини бериб борган. Автоинтерпретация характеридаги бу қайдлар Жомийнинг хамсанавислик анъанасига муносабати, улар қарашларидаги зидлик ҳамда эстетик характери билан ажралиб туради. Айни вақтда иррационал талқинга эга ўринлар ҳам мавжуд.
2. Навоий даврида ва ундан кейин яратилган бадиий, илмий, тарихий ва мемуар асарларда йўл-йўлакай “Хамса” талқинига доир фикрлар ҳам учрайди.
3. Қўлёзмалардаги талқин, асосан, Шарқ китобати ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғланади. Бунда “Хамса”ни китоб ҳолатига келтириш, ундан нусха кўчириш, луғат тузиш, шарҳлаш ва изоҳлаш жараёнидаги талқинларни кузатиш мумкин бўлади.

4. Бадиий талқинда “Хамса”даги образлар бошқа санъат туридаги образлар тили (миниатюра)га ўгирилади, насрий баёнга айлантирилади ёки таржима қилинади.

Кўриниб турганидек, мазкур манбалардаги талқинлар ўз характер-хусусиятига кўра турлича. Масалан, қўлёзмалардаги талқин, асосан, китобат этувчи ва котиб томонидан амалга оширилади. Китобат этиш жараёнида “Хамса” яхлит ёки бир қисми туширилган тарзда берилиши, уни кўчириш жараёнида котиб буюртмачи ёки давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўз нуқтайи назари асосида матнга нисбатан муайян муносабат билдириши, ҳатто уни маълум даражада ўзгартириши ҳам мумкин. Зеро, бошқа талқинлар ҳам муайян хусусиятга эга бўлиб, улар ҳақида тадқиқот давомида яна тўхталамиз.

Ўтиш ва янги давр талқинларининг манбалари турган гапки, ушбу замонга хос манбаларга алмашинади. Масалан, “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1880 йил 9-сонида Навоий ҳақида илк мақола нашр қилинган[1]. Шундан сўнг аста-секин бошқа мақолалар ҳам ёзила бошланди. XX асрдан бошлаб “Хамса” достонлари асосида драма асарлари яратилди, ўзбек адабиётшунослиги фанининг алоҳида тармоғи – навоийшунослик вужудга келди. Диссертация, монография, рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратилди. Буларнинг барчаси Навоий “Хамса”сининг янги даврдаги талқини манбаи бўла олади. Мана шу ва кейинги йилларда “Хамса”даги айрим достонларнинг тасаввуфий талқинига бағишланган тадқиқот ва мақолаларни, XX аср биринчи чорагидан сўнг яратилган бошқа юзлаб тадқиқотларни кейинги босқич талқини деб аташ мумкин. Аммо улар тадқиқотимиз объектига кирмаганлиги боис махсус ўрганмадик. Балки давр хусусиятларига ойдинлик киритиш мақсадида келтирилди. Албатта, бу фикрлар даврлаштириш нисбий бўлиб, Навоий “Хамса”си талқинларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Аслида эса ўзбек мумтоз адабиётини даврлаштириш масаласини кенгроқ ўрганиш лозим.

[1] Мўминов И.М. Танланган асарлар, уч томлик. I том. Т.: Фан, 1969. Б.192.

II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА АВТОИНТЕРПРЕТАЦИЯ МУАММОСИ ВА УНИНГ МАНБАЛАРИ СИСТЕМАСИ ТАДҚИҚИ

2.1. Масалага кириш

Алишер Навоий “Хамса”сини талқин этишда дастлабки манба сифатида Навоий – муаллифнинг ўз бешлиги ва унинг таркибидаги достонлар хусусидаги қайдлари, хамсачилик анаъанасига муносабати масаласига эътибор қаратиш лозим бўлади. Муаллиф интерпретацияси – фикрларининг бугунги кунда бадиий асар учун, гарчи орадан бир неча аср ўтиб кетган бўлса-да, аҳамияти катта[1]. Биз ушбу бобда, асосан, Навоий “Хамса”си автоинтерпретациялари манбаига тўхталамиз. Чунки Навоий “Хамса”си герменевтикаси учун дастлабки манба – унинг ўз талқини. Бироқ бу талқинларни тушуниш учун, энг аввало, хамсанавислик тарихи, XV аср адабий муҳитида хамсанависликнинг ўрни, айниқса, бу анъанага Абдураҳмон Жомийнинг муносабатига тўхталиш лозим бўлади. Буларсиз, айниқса, Жомийнинг хамсанависликка муносабатини билмай туриб, Навоийнинг ўз бешлиги ҳақидаги айрим фикрларини тушуниш қийин. Шу боис, биз мазкур бобда бу икки адибнинг салафлар ва халафларга қарашлари, анъана ва маҳорат борасидаги мунозаралари ҳамда улардан келиб чиқувчи Навоий “Хамса”си автоинтерпретацияси масаласига тўхталамиз. Чунки фақат улар контекстида Навоий “Хамса”си автоинтерпретацияси манбаини аниқлаб олиш мумкин бўлади, деган фикрдамиз[2].

Хамсанавислик анъанаси тарихига назар биз ўрганмоқчи бўлган масаланинг хусусиятларини ойдинлаштиради. Ушбу анъана вужудга келгандан буён салафларга, биринчи навбатда Низомий Ганжавийга, сўнг Амир Хусрав Деҳлавийга ҳурмат кўрсатиш таомилга айланган. Тўлиқ “Хамса” ёки алоҳида достон ёзишга киришган адиб дастлаб, албатта, салафларни эслаб, мадад кутиб, уларга эҳтиром билдирган. Бу борада Алишер Навоий тутган йўлни қайд этишдан аввал унгача ва ўша адабий муҳитда бошқа шоирлар бунга қандай эътибор қаратилганига қисқача тўхталишга тўғри келади. Буни, бизнингча, Низомийдан сўнг “Хамса” яратган Хусрав Деҳлавийдан бошлаш жоиз.

Хусрав Деҳлавий “Хамса” ёзганидан сўнг Низомийнинг номи адабиёт тарихидан мустаҳкам ўрин олди. Деҳлавий Низомийни ўз устози, буюк ижодкор деб билади. Бироқ адабиётшуносликда Деҳлавий хамсанавислиги билан мағрурланиб кетиб, ўзини Низомийдан устун қўйган, деган фикр ҳам мавжуд. Ғазанфар Алиев бу ҳақда шундай ёзади: Амир Хусрав Деҳлавий Низомийнинг муносиб шогирди бўлиш ниятида эканлигини айтиш билан бирга бир неча марта ўзининг Низомийдан устун эканлигига ишора қилади. Амир Хусрав ўз “Хамса”сининг биринчи қисмида шундай дейди:

Менинг Хусравона иқболим баланд келди,
(Бешлигим) Низомий қабрига ғавғо солди[3].

---

[1] Масалан, Фузулийнинг ўз асарлари ёзилиши сабабларини кўрсатиши ҳақида қаранг: Алиев С. Литературно-эстетические взгляды Физули. Автореф. дис... доктор. филол. наук. Баку, 1990.

[2] Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари бир қанча тадқиқотларда ўрганилган (Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т.: Фан, 1959; Қудратуллаев Ҳ. Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991, ва бошқалар).

[3] Алиев Г.Ю. Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока. М., 1960. С.127.

Бундай қарашни илгари суришда олим “Матлаъ ул-анвор” достонининг Алигархда чоп этилган нашрига суянади. Бу байт оригиналда қуйидагича бўлган экан:

Дабдабаи Хусравиям шуд баланд,
Зилзила дар гўши Низомий фиканд.

Ўзбек олимлари Ш. Шомуҳамедов ва Б. Мусаев бу фикрнинг тўғрилигига шубҳа билдирадилар ва ушбу достоннинг Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институтидаги 1355 йил кўчирилган 2179-рақамли нусхасидан олиб (6б-бет), байтнинг тўғри шаклини келтирадилар[1]:

Дабдабаи манки, бар омад баланд,
Ғулғула дар гўши Низомий фиканд.

(Мазмуни: *Менинг шуҳратим (шундай) ортиб кетдики, (бу шуҳрат), ҳатто Низомийнинг қулоғига ғулғула солди.)*

Бу олимлар Деҳлавий достонининг бир қанча қўлёзма нусхасида учрайдиган Низомийга боғлиқ байт нотўғри кўчирилгани, унинг аслига таяниш кераклигини айтади. Бу қараш кейинчалик ўз тасдиғини топди. Хусрав Деҳлавийнинг шу достони танқидий матнини тузган Т.Магеррамов Деҳлавий Низомийни ўз устози дея ҳисоблагани, бундай беҳурмат муносабатда бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, ўзбек олимлари юқорида таъкидлаган байтни ўзи тузган танқидий матнга киритди[2]. Яна бир мисол: Деҳлавий “Мажнун ва Лайли” достонида ҳасадгўйлар ҳақида гапира туриб, ўз асари билан фахрланишини билдиради. Лекин Низомийнинг шу мавзудаги достони аввалги ўринда туришини таъкидлайди, уни устоз деб билади[3]. Деҳлавийнинг Низомийга нисбатан ҳурмати ва эҳтироми кейинчалик хамсанависликда унинг ўзини ҳам салаф ёки устоз сифатида тилга олиш анъанасини вужудга келтирди. Масалан, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”да Деҳлавий ўз достони мавзусида ўзидан аввал асар ёзган Низомийни эслаб ўтганлиги учун мен ҳам “Хусрав ва Ширин” мавзусида достон ёзган салафларни эслаб ўтдим, дейди (*ФШ, 166*). Демак, Хусрав Деҳлавийнинг Низомий ва унинг меросига муносабати хамсанависликда муайян анъанани вужудга келтирган. Салафларни эслаш ва уларга ҳурмат кўрсатиш анъанаси Деҳлавийдан бошланган. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини 1340 йилда таржима қилган Қутб ҳам дастлаб уни эслайди. Хусрав ва Ширин мавзусида достон ёзган Озарбайжон адиби Ориф Ардабалий (1310 йилда туғилган) “Фарҳоднома” достонида “ўзининг истеъдодли салафи – Низомийдан устун эканлигига ишоралар қилади”[4]. Низомийни ҳурмат билан эслаш Деҳлавий номи билан боғлиқ. Низомий ва Деҳлавий хамсанавислик анъанасини давом эттирадиган доимий устозига айланди: форс-тожик адиби Мактабий Шерозий “Лайли ва Мажнун” достонида (1490 йил) шундай дейди:

---

[1] Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Деҳлавий. Т.: Фан, 1971. С.21.
[2] Амир Хусрау Дихлави. Маджнун и Лайли. Составл. Текста и предисловие Т. Магеррамова. М.: ИВЛ, 1975. С.85.
[3] Амир Хусрау Дихлави. Матла‘ ал–анвар. Подготовка текста и предисловие Т. Магеррамова. М.: ИВЛ, 1975. С.22-23.
[4] Алиев, Темы и сюжеты. С.62.

Шеърият ипига терилган бу янги дурни,
Низомий ва Хусрав хазинасидан олдим[1].

Аммо бу анъанага баъзи шоирлар бошқача муносабатда ҳам бўлганлар. Масалан, Навоий "Мажолис ун-нафоис"ида маълумот беришича, ҳиротлик шоир Абдулло Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Шоҳнома", "Хусрав ва Ширин" достонларини писанд қилмаган[2]. Демак, салафларга нисбатан ана шундай беписанд муносабат ҳам мавжуд бўлган.

Жомий ва Навоий хамсанавис салафларига ҳурмат билан муносабатда бўлган, айниқса, Низомий ва Деҳлавийга алоҳида эътибор билан қараганлар. Навоий Низомий ва Деҳлавийни икки забардаст филга ўхшатади, уларнинг "Хамса"ларини эса "Хамсатайн" деб атайди. "Хамса"нинг барча достонида ҳар иккисига алоҳида боб бағишлайди. Уларда аввал Низомийни, сўнг Деҳлавийни эсга олади. Жомий ҳам ўз "Хамса"си достонларида салафларига алоҳида боб ажратган. Моҳиятан, Жомий ва Навоийнинг бу икки салафига муносабати фарқланмайди.

Лекин бошқа салафлар ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Масалан, Навоийда бу кўпроқ, "Аввалги ёзганлар" (*ФШ, СС*) – Ашраф Марофий ёки бир асар муаллифи "роқим" (бу сўз остида Ориф Ардабалий ва унинг "Фарҳоднома"си кўзда тутилган) деб атаб кетилган[3]. Хамсачиликда халафларга муносабат билдириш кейинчалик вужудга келган бўлиб, унинг ҳам "Хамса" талқинида ўз ўрни бор. Алишер Навоий "Хамса"сига суянган ҳолда мадҳ этилган ёки тилга олинган халафларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: шоирлар, шоҳ ва шаҳзодалар, шайхлар.

А) Шоирлар. Булар хамсанависликка ўз ҳиссасини қўшаётган ижодкорлар эди, уларнинг ичида асосий ўринни Абдураҳмон Жомий эгалларди. Навоий Жомийни тартиб билан Низомий ва Хусрав Деҳлавийдан кейинги ўринга қўйса-да, лекин уни бу салафлардан устун қўяди: иккиси икки филча бўлса, Жомий юз филча эди:

Икки пил ўлса Хисрав ё Низомий
Эрур юз пил чоғлиқ пил Жомий (ФШ, 159).

Навоий яна Амир Шайхим Суҳайлийни ҳам эслайди.

Б) Шоҳ ва шаҳзодалар. Хамсанавислар ўз достонларини, асосан, шоҳларга бағишлаган. Бу ҳолат шоирнинг шоҳга иқтисодий қарамлигидан ёки ундан марҳамат кутиш билан алоқадор эди. Масалан, Низомий "Искандарнома" достонини Нусратиддин Абу Бакрга бағишлайди. Бу Озарбайжон Отабеги кўп ҳолатда маст юриб, давлат ишларига эътибор бермаган[4]. Низомий гарчи ўз асарларини сарой муҳитидан узоқда яратган ва муайян подшо хизматида турмаган бўлса-да, улардан марҳамат кутишга мажбур эди[5]. Алишер Навоий темурийлар саройига яқин бўлгани учун ўз достонларини дўсти Ҳусайн Бойқарога бағишлади. Ҳатто "Садди Искандарий" достонидаги Искандарнинг шоҳлик фаолияти, адолати тасвиридан

[1] Алиев, Темы и сюжеты. С.140.
[2] АНМАТ. 13-том. Б.76.
[3] Эркинов, Навоий "Фарҳод ва Ширин"и; Араслы Н.Г. Ариф Ардебили и его поэма "Фархаднаме". Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Баку, 1969. С.24.
[4] Крымский, Низами и его современники. С.150, 171.
[5] Алиев, Легенда о Хосрове. С.160.

Ҳусайн Бойқаро таъсирланган эди. Навоий яна шаҳзодалардан Бадиуззамон, Абулфаворис ва бошқаларни ҳам эслаб, уларга насиҳат қилади, достонларини бағишлайди.

В) Шайхлар. Уларга бағишлов битиш Хусрав Деҳлавийдан бошланган. Унгача ҳатто Низомийда ҳам бу ҳолат учрамайди. Бу, балки Низомийнинг бирор сўфийлик оқимига мансуб бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Деҳлавий "Ширин ва Хусрав"да пиру муршиди Низомиддин Авлиёга (1236–1325) эҳтиром кўрсатади. Деҳлавий тасаввуфнинг чиштя оқимига мансуб бўлган.

Алишер Навоий ҳам ўзи, ҳам устози Жомий мансуб бўлган нақшбандия тариқати асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбандга алоҳида боб бағишлайди (*ҲА, 21-боб*). Жомий эса Хожа Убайдулло Аҳрорга мадҳ битиб, алоҳида эътибор қаратади.

Хамсачилик анъанаси, Алишер Навоий "Хамса"си ҳақида кўп олимлар фикр билдирган. Биринчи бўлиб бешлик – "Хамса"ни Низомий яратди. Бироқ у бу беш достонни бир ўринга бирлаштирмаган, ҳатто унинг бундай нияти бўлган-бўлмагани ҳозирча маълум эмас. У "Панж ганж" – беш хазина яратдим, деб умумий маънода айтган, холос. Кейинчалик котиблар бу беш достонни биргаликда кўчириб, уларга яхлит бир ҳодиса сифатида қараган.

"Низомий анъанавий цикл яратмади. У фақат ажойиб услубда беш (аниқроғи олти) достон ёзди. Бу асарлар "бешлик" ("олтилик")ни ташкил этиб, "Панж ганж" деб аталади. Лекин бу вақтда "бешлик" – хамса, албатта, ҳали анъанавий цикл сифатида шаклланмаганди"[1]. Демак, Низомий бешта, ҳатто олтита достон ёзган. Уларнинг вужудга келишида шоҳлар буюртмаси ва шоирнинг ўз адабий-эстетик қарашларининг ўрни бор. Гарчи Низомий бешлик яратган бўлса-да, у, бу беш достон хамсанавислик анъанасини вужудга келтиради, деб ўйламаган. Бу анъананинг асосчиси Хусрав Деҳлавийдир.

Деҳлавий Низомийга эргашиб бешлик яратди ва ундан кейин хамсанавислик анъана тусини олди, бу йўлда юзлаб достонлар ёзилди. Шарқ адабиётига тааллуқли бошқа мавзулардаги анъанавий достонлар бизга яхши маълум ("Юсуф ва Зулайҳо", "Вис ва Ромин", "Раъно ва Зебо"...). Назирагўйлик эса Шарқ бадиий тафаккурининг бир қисми бўлган. Айнан Низомий достонлари ҳам шу йўналиш бўйича хамсанавислик анъанасини вужудга келтирди. "Беш достондан иборат бўлган ўз циклини яратаётган Амир Хусрав мавзу, шакл ва ўз асарлари шеърий ўлчовини танлашда эркин эмас эди. Аслида, бу беллашувнинг шарти шундай бўлиб, ҳинд адиби бу мусобақага киришган биринчи автор эди. Амир Хусрав бешлигининг вужудга келиши "Хамса" анъанасининг тарқалишида улкан роль ўйнади"[2]. Гарчи бу анъанага Хусрав Деҳлавий асос солган бўлса-да, хамсанавислик анъанасини давом эттирмоқчи бўлган ижодкор, аввало, Низомийга, сўнг Деҳлавийга суянарди. Жавобларда муайян муаллиф асарига қараб бўй олувчи шиддатли жараён давом этарди[3]. Бу ўринда муаллиф учун "прототип интерпретацияси" атамаси "назира" атамасини ҳам ўз ичига олади[4]. Хамсанавис муаллифлар дастлаб Низомий, сўнг Деҳлавий, ундан кейин ўзлари суянган бирор манба (асосан, "Хамса" анъанаси йўлидаги бирор достон)ни ижодий талқин этиб, достон ёки

---

[1] Стариков А.А. "К вопросу о традиции эпической "пятерицы" в литературах восточного средневековья (Низами–Хосров Дехлеви и их подражатели)" // Взаимосвязи литератур Востока и Запада. М., 1961. С.57

[2] Алиев Г.Ю. Амир Хусрау Дихлави и его "пятерица" // Амир Хусрау Дихлави. Матла' ал–анвар. М.: Наука, 1975. С.53

[3] Кязимов М.Д. Нормативность и творческая индивидуальность в назире на "Хамсе" Низами (на анализе "Хафт пейкар"). Автореф. дис... д-ра филол. наук. Баку, 1990. С.14.

[4] Фильштинский И.М., Шидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII–XII вв.). М., 1971. С.225; Кязимов, Нормативность. С.15.

бешлик яратардилар. Анъанани давом эттирувчи ижодкор шаклий жиҳатларга эътибор қаратиб бориши, мавзу, номланиш, қаҳрамонлар, вазн ва бошқаларга амал қилиши лозим эди. Бироқ хамсанавислик анъанасининг асосчиси Хусрав Деҳлавийда ҳатто шаклда ҳам оригиналликка интилиш сезилади. Чунки анъана бор жойда, албатта, новаторликка ҳам интилиш кўзга ташланади.

Гапни бу масалани Хусрав Деҳлавий қандай тушунганлигидан бошлаш ўринли. Деҳлавий ўз "Хамса"сини яратар экан, унинг Низомий бешлигидан фарқи борлиги, оригинал асар эканлигини иккинчи ва учинчи достонлар номини ўзгартириш билан кўрсатиб беради. Уларни "Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли" деб атайди. Бу билан у ўз оригиналлигини таъкидлаб, "айнан мавжуд нарсани бошқача қилиб ифодаламоқчи бўлади"[1]. Номларда қаҳрамонлар исми алмаштирилиши тасодифий бўлмай, достонларнинг чуқур ғоявий-тематик асослари билан боғланган[2]. Лекин Деҳлавий бу билан чекланмай, "Мажнун ва Лайли" достонининг бошидаёқ бошқача достон ёзмоқчилигини айтади:

Номаш ки з-ғайб шуд мусажжал,
"Мажнуну Лайли" ба акси аввал[3].

Таржимаси: Унинг номи ғайбдан маълум этилди,
Аввалгисига зид ўлароқ "Мажнуну Лайли" бўлди.

Бу достон танқидий матни ноширн эса бош қаҳрамонлар исмининг асар номланишида аксинча тартибда берилишини муаллифнинг араб оригиналига яқин бўлишга интилиши, деб баҳолайди[4]. Бу эса хамсанависликдаги новаторлик масаласини ҳар ким ҳар хил тушунганлигини англатади.

Баъзи муаллифлар Низомий "Хамса"си таркибидаги достонларни бошқа мавзудаги асарлар билан алмаштирганлар (масалан, "Гул ва Наврўз", "Нол ва Домон"). Ҳатто бундай ўзгартиришлар Деҳлавийдан бир аср ўтибоқ бошланган. Дейлик, Салмон Соважий (XIV аср) Низомий бешлиги мавзулари эскирди, дея бошқа мавзуларда достон битган.

Шунга қарамай, хамсанавислик – назирагўйлик жараёни ўрта аср форсийзабон адабиётида кучаяди. Анъанага асос бўлган асар муаллифи бошлаган йўналиш анъана асосида яратилган асар трансформациясида ўз аксини топарди[5].

Анъана шу тахлит давом этиб, ривожланиб борарди. XV асргача ва темурийлар муҳитида хамсанавислик анъанаси, Низомий ҳамда Хусрав Деҳлавий "Хамса"ларининг машҳурлигини, масалан, қуйидаги далилдан билса бўлади: темурий шоҳлар Бойсунқур билан Мирзо Улуғбек Низомий ва Деҳлавий "Хамса"ларидан қай бири зўрроқ, деб кўп баҳслашган[6]. Янада аниқроқ айтганда, Бойсунқур Мирзо Хусрав Деҳлавий "Хамса"сини Низомий "Хамса"сидан афзал деб билган. Мирзо Улуғбек эса бу фикрни қабул қилмаган ва шайх Низомийни баланд деб билган. Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро" асарида қайд этишича, бу икки фозил шаҳзода ўртасида шу даъво устида бир неча марта таассублар юз беради.

[1] Стариков, "К вопросу о традиции эпической "пятерицы". С.62.
[2] Алиев, Темы и сюжеты. С.51.
[3] Амир Хусрау Дихлави, Маджнун и Лайли. С.284.
[4] Алиев, Темы и сюжеты. С.57.
[5] Кязимов, Нормативность. С.20-21.
[6] Бартольд В.В. "Улугбеки его время" // Сочинения. Т. II (2). М., 1964. С.139; Бертельс, Низами и Фузули. С.205.

Улар икки “Хамса”ни байтма-байт солиштирадилар. Масъуд бин Усмон Кўҳистонийнинг 1539–1540 йилларда яратилган “Тарихи Абулхайрхоний” номли асарида келтирилишича, Абдуллатиф Мирзо отасини ўлдирганидан кейин ёмон туш кўради. У қўрқинчли туши таъбирини Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сидан топмоқ истагида жавондан мазкур китобни олиб, тўғри келган варағини очиб ўқийди. Унда қуйидаги форсий байт ёзилган экан:

Падаркуш подишоҳиро нашояд,
Ва гар шояд ба шаш моҳи напояд[1].

Афтидан, Низомий бешлигидан туш таъбири учун ҳам фойдаланилган. XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот адабий муҳитида ҳам “Хамса” ёки унинг алоҳида достонига жавоблар ёзилган. Масалан, Абдулло Хотифий (1445/50–1521) “Хамса”нинг уч достонига анъанавий жавоб битади. Абдураҳмон Жомий “Хамса” яратади. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида замондоши Али Оҳий “Хамса” яратганлигини, лекин бу асар шуҳрат топмаганлигини қайд этади[2]. Бу даврга келиб, “эски ўзбек феодал муҳити ўз қадриятларидан кўп нарсани қўшиб, аллақачон Эрон маданий меросини ўзлаштириб бўлганди”[3].

XV аср Ҳирот адабий муҳитида хамса олий санъатга айланганди. “Тўлиқ ҳолда яратилган “Хамса” лиро-эпик адабиётдаги бадиий маҳоратнинг ҳақиқий олий мактабидир”[4]. Бу санъат йўлидан ҳамма ҳам юра олиш даражасига эга эмасди. Шу боис тўлиқ “Хамса” яратиш ҳодисасини бешлик талқинларини ўрганишда ҳисобга олиш керак бўлади.

2.2. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг “Хамса” яратиши билан боғлиқ талқинлар

Навоий “Хамса”сини талқин этишда унинг хамсанависликка муносабати ва айниқса, Жомий билан бу анъананинг айрим жиҳатлари борасидаги мунозараларини ҳисобга олиш керак[5]. Навоий “Хамса”сида баъзи фикрларнинг ўртага ташланиши, Навоийнинг ўз достонлари муайян жиҳатларини талқин этишида Жомийнинг катта ўрни бор. Улар тавсифисиз Навоий “Хамса”си талқини конкретлашмай қолиш эҳтимоли мавжуд.

Жомий ва Навоий “Хамса” яратиш жараёни бевосита уларнинг хамсанавислик анъанасига муносабати билан боғланади[6]. Бу икки адибнинг адабий ва илмий ҳамкорлиги, дўстлигига доир тадқиқотлар кўп бўлиб, хусусан, Жомий ҳақида гапирган ўзбек адабиётшунослари, албатта, адиб ижодининг Навоий билан боғлиқ томонларига ҳам эътибор берганлар[7].

---

[1] Мухторов А. Дурдонаҳои маданияти тожикон дар ганжинаҳои Ҳиндустон. Душанбе: Ирфон, 1984. С.55-56; Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Т.: Ёзувчи, 1994. Б.5-36.

[2] АНМАТ. 13-том. Б.21-22.

[3] Якубовский А.Ю. Культура и искусство Средней Азии. С.17.

[4] Алиев, Темы и сюжеты. С.18.

[5] Навоий ва Жомий муносабатлари ва Ҳирот маданий муҳити ҳақида қ.: Ökten E. Jāmī (817-898/1414-1492): His biography and intellectual influence in Herat. Ph.D. dissertation. The University of Chicago, 2007.

[6] Жомий достонлари ва адабий-эстетик қарашлари ҳақида қ.: Абдураҳмони Жомий. Феҳрести асарҳои дар бораи ў, ки дар СССР аз чоп баромадаанд (1917–1988). Душанбе: Дониш, 1989. С. 279-284; 305-315. Абдуқодиров А. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. Т., 2014; Erkinov A. “La querelle sur l’ancien et le nouveau dans les formes litteraires traditionnelles. Remarques sur les positions de Jami et de Nava’i” // Annali del’Istituto Universitario Orientale. vol. 59 (Napoli), 1999. P.18-37.

[7] Бертельс, Навои и Джами; Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. Т.: Фан, 1963; Костюхин Е.А. Александр

Абдураҳмон Жомий 1481 йилда “Туҳфат ул аҳрор” достонини яратади. Фалсафий-тасаввуфий бу асар Жомий дунёқараши, адабий-эстетик қарашларига мос эди. Ушбу достон Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор”ига жавоб тарзида юзага келган. Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” достонини Жомийнинг шу асари таъсирида яратганлигини қайд этган *(ҲА, 31-32)*. Бироқ Навоий Жомийнинг тўлиқ “Хамса” яратиш нияти борлиги ҳақида гапирмаган. Ҳатто ўзининг ҳам “Хамса” ёзиш мақсадини “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”ни ёзишга киришганидан сўнг қайд эта бошлайди. Жомий 1482 йилда Низомийнинг биринчи достони “Субҳат ул-аброр” типида достон ёзади. Кўринишидан, айни шу пайтда Навоий ва Жомий ўртасида “Хамса” яратиш ҳақида мунозара бўлиб ўтган. Чунки Жомий навбатдаги достони “Юсуф ва Зулайҳо”ни ёзишга киришиши билан анъанадан узоқлаша бошлайди.

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳамда унинг афсонагўйликка қараши, Навоийнинг “Хамса”сига кирган ўз достонлари ҳақидаги айрим фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Навоий 1483 йилда “Ҳайрат ул-аброр”ни ёзганидан сўнг тўлиқ “Хамса” яратишга киришган ва Жомий билан унинг ўртасида ушбу анъананинг ўша даврдаги (XV аср) ўрни, хусусан, достонларга асос бўлган афсоналар масаласида баҳс бўлиб ўтган. Жомий 1483 йил “Юсуф ва Зулайҳо” достонини яратади ва Низомийдан буён давом этиб келаётган анъанадан чекинади. Жомий бу асарида “Хамса”га жавоб ёзишда афсонахонлик – эртак айтиб, афсоналар билан боғлиқ асарларга эргашиш пайти ўтди, улар эскирди, дейди:

Кӯҳан шуд давлати Ширину Хусрав,
Ба Ширин нишонам Хусрави нав.
Сар омад давлати Лайлию Мажнун,
Каси дигар саромад созам акнун[1].

(Мазмуни:

Ширин ва Хусрав ҳокимияти эскирди,
Янги Хусравни Ширинга тақдим этаман.
Лайли ва Мажнун давлати ҳам охирига етди,
Энди бошқа кишига алмаштираман.)

Жомий бу фикри билан Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун афсоналарини тасвирлаш даври ўтди, уларнинг ўрнига “Юсуф ва Зулайҳо” қиссасини битмоқчи эканлигини асосламоқчи бўлади. “Гарчи Жомий ҳеч қачон очиқ гапирмаса-да, лекин унинг фикрлари йўналиши, кўринишидан, қуйидагича: эски афсоналар жозибали бўлса-да, лекин ёлғон эртаклардир. Мен уларнинг ўрнига Қуръонда келтирилган ҳақиқатлиги тасдиқланган “Аҳсанул қиссас” – энг яхши қиссани тақдим этаман”[2].

Македонский в литературной и фольклорной традиции. М.: Наука, 1972; Афсаҳзод А. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жоми. Душанбе: Адиб. 1981; Шомухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои. Т.: Фан, 1984; Ҳайитметов А. Абдураҳмон Жомий. Т., 1989; Ғаниева С. Абдураҳмон Жомий. Т.: Фан, 1989; Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. Т.: Адабиёт ва санъат, 1992; Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. Т.: Фан, 1983; Абдураҳмони Жомий, Феҳрести асарҳои. Б.239-249; Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. Самарқанд: Зарафшон, 1996. Б.7-13 ва бошқалар.

[1] Бертельс, Навои и Джами. С.261.

[2] Ўша асар. С.262.

Жомий гарчи Лайли ва Мажнун мавзуси эскирди, деса-да, кейинчалик Навоий таъсирида "Лайли ва Мажнун" достонини яратади. Хусрав ва Ширин мавзусига келсак, бу мавзу Низомий даврида ҳам эски эди (Низомий достони муқаддимасидаги боблардан бири "Ушбу китобнинг яратилганлиги учун узрхоҳлик" деб аталарди). Жомий бу қиссаларни эскирди, дея уларга асос бўлувчи афсоналарни қайта айтиб ўтириш менинг ишим эмас, деб сўнгроқ "Хирадномаи Искандарий" достонида қуйидаги байтни келтиради:

"Хираднома" з-он ихтиёри манаст,
Ки афсонахоний на кори манаст[1].

(Мазмуни:

"Хираднома" ёзиш менинг ихтиёримдир,
Афсонахонлик (қилиш) менинг ишим эмасдир.)

Шу ўринда байтдаги "афсонахонлик" (афсонагўйлик) диққатни тортади. "Юсуф ва Зулайҳо"да бу тушунча аниқ қўлланилмаган бўлса-да, Жомийнинг анъанавий мавзулардан воз кечиши маъносини англатганди. Жомий ушбу ўриндан бошлаб "афсонахоний" – "афсонагўйлик" тушунчасини атама даражасига кўтариб, муомалага олиб киради. Бу атама остидаги Жомий назарда тутган маънони кенгайтирадиган бўлсак, шундай дейиш мумкин: "афсонагўйлик" – воқеа баёнига берилиб кетиб, адиб илгари сурмоқчи бўлган фикрлардан чалғишдир.

Форс-тожик, ҳатто ўзбек адабиёти учун сосоний шоҳлар (Искандар, Хусрав, Баҳромгўр) ва жоҳилия даври афсонасининг (Лайли ва Мажнун) эскириши фақат XV асрга оид гап эмасди. XI асрдаёқ "Ғазнавийлар саройи шоирлари эски афсонавий эртаклардан воз кечишни ва воқеликни акс эттиришда ҳаққонийликка интилишни қўллаб-қувватлайдилар"[2]. Бундай ҳолат кўпроқ Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) билан боғлиқ афсоналарга салбий қараш асосида дунёга келади. Ғазнавий шоир Унсурий (XI аср) "Суманот қасидаси"да Маҳмуд Ғазнавий юришлари олдида Искандар кўрсатган ва қилган ишлар ёлғон ва зерикарли нарсага айланади деганди[3]. XI аср адиби, Малик уш-шуаро Фаррухий эса "Искандар ҳақидаги қиссани эскирди, деб шоирлардан янги сўз талаб қилади:

Фасона гашту кўҳан шуд ҳадиси Искандар,
Сухан нав ор, ки навро тароватест дигар"[4].

(Мазмуни:

Искандар воқеаси эскириб афсонага айланди,
(Шеърда) янги сўз айт, янгининг таровати ўзгача бўлади.)

Ўзбек адабиётида эса Навоийдан олдин яшаб ўтган Саккокий (XV асрнинг биринчи ярми) Лайли ва Мажнун мавзуси эскирди, дейди:

---

[1] Джами Абдурахман. Хираднамаи Искандари. Критич. текст и предисловие Г.А.Тарбията. М., 1984. С.334.
[2] Шарипов Х. Формирование таджикской литературно-теоретической мысли в X–XI вв. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1970. С.22.
[3] Алиев, Темы и сюжеты. С.248.
[4] Шарипов Х. Формирование таджикской. С.8.

Биздин эшитсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти[1].

Ушбу байт ҳақида яна қуйидагича фикр билдириш мумкин: Саккокий ўз ғазалларини “Лайли ва Мажнун” достони билан қиёслаб, дунё муҳаббат ҳақида янги қиссалар эшитсин, Лайли ва Мажнун тўғрисидаги афсоналар эскирди, демоқда. Саккокий сюжети эски бўлиб туюлаётган катта ҳажмга эга ишқий достон (масалан, “Лайли ва Мажнун”) билан ғазал жанрини тенг даражага қўяди[2]. Жомийдан бир аср аввал яшаган форс-тожик классиги Салмон Соважий (1291–1372) “Жамшид ва Хуршид” достонида Низомий мавзулари эскирди, дейди ва бошқа мавзуда иккита достон ёзади.

У “Сабаби назми китоб” бўлимида буни шундай изоҳлайди:

Не замира сиёҳ шуд дурри шаҳвор,
Ривожи нист он сими кўҳанро.

(Мазмуни:

Низомий шеърларининг шоҳона гавҳари рангини йўқотди,
(Бу) эски кумуш ўзининг харидорини топмаяпти[3]*), –*

яъни Низомийнинг эски сюжетларини эски тангага ўхшатиб, муомаладан чиқариш керак[4].

Бобур “Бобрунома” асарида Сайфи Бухорий деган шоир ҳақида гапира туриб, унинг достон ёзмаганлигини, лекин иккита шеърий девони мавжудлигини таъкидлаган: “Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жамиъ ҳирфагарлар учун айтибтур, масални кўп айтибтур. Маснавийси йўқтур. Нечукким, бу қитъа анга долдур:

Маснавий гарчи суннати шеър аст,
Ман ғазал фарзи айн медонам.
Панж байтеки дипазир бувад,
Беҳтар аз хамсатайн медонам” [5].

(Мазмуни:

Маснавий шеърнинг суннати бўлса ҳам,
Мен ғазални фарзи айн деб биламан.
Дилга ёқувчи беш байт шеърни
Икки “Хамса”дан яхшироқ деб биламан).

Демак, ўша давр адабий муҳитида хамса мавзуларини эскирган, деб билиш мавжуд бўлган экан. Айнан XV аср Ҳирот адабий муҳитида эса Жомийнинг жияни, “Хамса” муаллифи

[1] Саккокий. Ғазаллар, қасида // Ҳаёт васфи. Т., 1988. Б.267.
[2] Рустамов, Узбекская поэзия. Б.49.
[3] Стариков, “К вопросу о традиции эпической “пятерицы”. С.64.
[4] Алиев, Темы и сюжеты. С.192.
[5] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1989. Б.162; Рустамов, Узбекская поэзия. С.48-49.

Абдулло Хотифий (1445/50–1521) Искандар мавзусида асар битишдан бош тортиб[1], Амир Темурга бағишланган “Темурнома” номли бешинчи достонида шундай дейди: “Искандарнинг қачонлардир кўрсатган қаҳрамонликларининг энди кимга ҳам кераги бор? Унинг ўрнига Темурнинг юришларини намуна қилиб кўрсатиш керак: у ҳаммани қизиқтиради. Бу темурий Ҳусайн Бойқаро томонга очиқ оғиш эди” [2].

Мухтасар айтганда, Жомийга хос анъанадан чекиниш ҳодисаси ундан илгари ҳам мавжуд эди. Жомий мавжуд қарашлардан қатъи назар, афсоналарга ўз муносабатини билдириб, хамсанависликдаги ижодий принципни белгилаб берди. Аслида, “адабиёт тарихи икки ўзаро чатишиб кетган ҳодисадан ҳосил бўлади. Булар – адабиётнинг ўзи, яъни бадиий асарлар йиғиндиси ва улар ҳақидаги фикрлар, яъни адабиётнинг моҳияти, муаммолари ва турлари тўғрисидаги тасаввурлар”[3]. Ушбу кенг қамровли фикрнинг афсонагўйлик масаласига алоқаси шунда кўринадики, бадиий ижод мавжуд экан, унга қараш ва муносабат, шакл ва мазмун тўғрисидаги қарашлар ҳам турлича, ҳатто зиддиятли тарзда бўлиши мумкин экан.

XV аср Ҳирот адабий муҳитида кўп шоирлар Низомий бешлиги мавзуида асарлар яратган. Бу муҳит вакилларидан фақат уч нафар ижодкор тўлиқ “Хамса” ёзган. Булар: Жамолий (XV асрнинг биринчи ярми), Ашраф Марофий (вафоти 1450 й.) ва Навоий. Уларнинг достонлари Низомий “Панж ганж”ига тўлиқ жавоб сифатида вужудга келган. Шу муҳитдан яна ўн беш муаллиф Низомий бешлигининг у ёки бу достонига жавоб битган. Қуйидаги жадвалда ана шу муаллифларнинг Низомийнинг айнан қайси достонига жавоб битганлиги акс этган:

№	Муаллифлар	1	2	3	4	5	Жами
1.	Котиб Туршизий (?-1434-1436)	+	–	+	+	–	3
2.	Абдураҳмон Жомий (1414-1492)	+	–	+	–	+	3
3.	Абдулло Хотифий (1445/1450-1521)	+	+	+	+	-	4
4.	Бадриддин Ҳилолий (1470-1529/1532)	+	–	+	–	–	2
5.	Шаҳобиддин Жомий	–	+	+	–	–	2
6.	Шайхим Суҳайлий (?-1502)	–	–	+	–	–	1
7.	Али Оҳий	–	–	+	–	–	1
8.	Хожа Имод Лорий	–	–	+	–	–	1
9.	Хожа Ҳасан Ҳизршоҳ	–	–	+	–	–	1
10.	Зова қозиси	–	–	+	–	–	1
11.	Осафий Ҳиравий	+	–	–	–	–	1
12.	Фосиҳ Руний	+	–	–	–	–	1
13.	Ғиёсиддин Сабзаворий	+	–	–	–	–	1
14.	Наргисий	+	–	–	–	–	1
15.	Саид Қосимий	+	–	–	–	–	1
Жами		**8**	**2**	**0**	**2**	**2**	**24**

[1] Асадуллаев С. “Жомий ва Хотифий” // Жашнномаи Жомий. Ленинобод, 1966. С.36–47.
[2] Алиев, Темы и сюжеты. С.247.
[3] Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука, 1966. С.450-451.

Жадвалдан кўриниб турганидек, Ҳирот адабий муҳитида “Хамса” анъанасига тўлиқ амал қилмаган адиблар, асосан, Низомий бешлигидаги биринчи ва учинчи достонга жавоб ёзган. Шунга қарамай, бир жиҳатга эътиборни қаратиш керак бўлади: Жомий “Хусрав ва Ширин” афсонаси эскирди, деса-да, лекин бу қарашини бошқаларга ҳам сингдиришга интилмаган. Масалан, Абдулло Хотифий унинг олдига “Лайли ва Мажнун” достонини ёзиб олиб келганида, Жомий унга “Хусрав ва Ширин” достонини (1484 й.) ёзишни маслаҳат беради[1]. Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”си билан бир йилда ёзади. Навоий “Фарҳод ва Ширин” муқаддимасида ёзишича, Жомийнинг олдига шу асарни яратиш ниятида маслаҳат учун борганида, у Навоийнинг бу истагини маъқуллайди *(ФШ, 163)*. Навоийнинг Жомий ёзишни истамаган мавзуда достон битиши унинг “афсонагўйлик” масаласига бошқача маънода қараганини англатади. Навоийнинг ўзи ҳам анъанавий афсонани сақлаган ҳолда воқеага ўзгартириш киритганини таъкидлайди:

Зарурий бўлди авзойиға тағйир
Ки, дилкаш бўлғай ушбу сафҳа тасвир (ФШ, 161).

Демак, Алишер Навоий аста-секин Жомий ижодий принципидан фарқли ўз қарашларини ҳам ифодалай бошлайди. Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ига жавоб ўрнида бўлиши лозим эди. Жомийнинг бу мавзуга мурожаат этиши унинг ижодкор сифатидаги қиёфаси ва шахсияти билан боғлиқ. Жомий тасаввуф фалсафаси назариётчиси, бадиий ижодкорликка нисбатан ҳам илмий фикрлашга мойил эди. Шарқда файласуфлар ўзларининг дунёқарашларини бадиий асарлар воситасида ҳам ифодалаганлар. Бунда улар, асосан, фалсафий-дидактик мавзуда битилган Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор” достонига ўхшаш услуб ва шаклдан фойдаланганлар. Жомийнинг афсонагўйликдан қочиши, фалсафий тасаввуфий бир неча достон ёзиши, ҳатто “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий”, “Саламон ва Абсол” достонида рамзийлик воситасида фалсафий маънони кучайтириши шу билан боғлиқ. Жомий ўзининг қарашларидан келиб чиқиб, хамсанавислик анъанасига етарлича амал қилмайди: унинг “Хамса”си таркибидаги достонлар ҳажман кичик, хамсанависликдаги анъанавий вазнларга эътибор кам, сарлавҳалар нисбатан қисқа... У билан ёнма-ён ижод этган Навоий туркий тилда биринчи “Хамса” яратаётганлиги учун ҳам хамсанавислик анъанасининг ҳамма шартига амал қилган.

Жомийнинг фикрича, сўз (сўз санъати, бадиий адабиёт) унинг фикрларини беришга ожизлик қилади. Шарқда мутафаккир ва олимлар бадиий адабиётни қадрласалар-да, ўз фикрларини ифодалаш учун ожиз восита ҳисоблаганлар[2]. Жалолиддин Румий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавийни улар қаторига қўшиш мумкин. Умуман, файласуфлар таъбирича, “тил – энг ожиз қурол”.

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони нафақат унинг ижодида, балки умуман Шарқ адабиётида катта шуҳрат қозонган. Жомий шоҳлар ҳаёти билан боғлиқ афсонагўйликдан узоқлашиб, Қуръондаги диний қиссани ўз асарига асос қилиб олади. Навоий Жомийнинг бу достонига ўз “Хамса”сида “Ошиқу маъшуқ” *(СС, 472)* ва “Аҳсанул қасас” (қиссаларнинг

[1] Бақоев М. “Жомий ва Хусрав” // Абдураҳмони Жомий. Душанбе, 1965. С.137-147.
[2] Бертельс, Навои и Джами. С.261; Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. I. Джалелиддин Руми. Тбилиси: Университет, 1979; Алиев, Темы и сюжеты. С.49; Радий Фиш. Джалелиддин Руми. М.: Наука, 1987. С.229; Идрис Шах, Суфизм. С.161.

сараси) *(ЛМ, 351)*, деб таъриф беради. Ушбу қисса Қуръонда келгани боис мусулмонлар учун ниҳоятда қадрлидир. Навоийнинг "Хамса" ёзишда шоҳлар билан боғлиқ афсоналарга мурожаат этишига унинг саройга яқинлиги ва аксинча, Жомийнинг афсоналардан йироқлашишига унинг саройдан узоқ шоир бўлганлиги ҳам ўринга эга. У тасвирлашни истамаган афсоналар, асосан, сосонийлар ва юнон шоҳлари – Хусрав, Баҳром, Искандар билан боғланган. Лекин саройга яқин шоирлар (Хусрав Деҳлавий, Навоий)нинг бу мавзудан чекиниш имконияти нисбатан кам бўлган. Саройдан узоқ, аммо шоҳлардан марҳамат кутишга мажбур бўлган Низомий ҳам бу мавзудан воз кечолмаган. Унинг достонидаги қаҳрамонлар реал шоҳлар ҳаёти билан боғлиқ эди. "Шуниси диққатга сазоворки, Низомий Баҳромгўр образини яратишда ҳам ҳаётий фактларга асосланган. Унинг қаҳрамонлари бизга, кўпинча, Қизил Арслон, Нусратиддин Абу Бакр ва ўша даврдаги бошқа шоҳларни эслатади"[1].

Ёки Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони сўнгида асар бош қаҳрамони шоҳ Баҳром Навоийнинг тушига кириб, сенинг шоҳинг Ҳусайн Бойқаро менга ўхшайди, дейди. Бу ўринда Навоийдек саройга яқин шоирнинг замондош шоҳ билан ҳисоблашишга мажбур эканлигини унутмаслик керак (Навоийнинг "Хамса" достонларини ёзишдан аввал тарих китобларини ўқиб чиққанини ҳам эсланг). "Хамса"нинг бевосита шоҳлар ҳаёти билан боғлиқлиги уларни "Хамса"га қизиқишини оширади. Навоийнинг ёзишича, замон султонларининг аксарияти "Хамса"ни қизиқиб ўқиган:

Ҳолиё чун замонда султонлар,
Кўпраги келди тахмисахонлар (СС, 608).

Жомий саройдан узоқ ижодкор бўлгани учун шоҳ ва сарой ҳаёти билан унчалик қаттиқ боғланмаган. Шу боис достонларида муайян шоҳни мадҳ қилиш, замондош шоҳ билан афсонадаги шоҳни қайсидир жиҳатдан боғлаш мажбуриятидан холироқ эди. Бироқ шоҳликнинг умумий, фалсафий масалалари уни, албатта, олим ва шоир сифатида қизиқтирган. Бундай масалаларни у достонларида таҳлил этган.

Жомий мурожаат этган "Юсуф ва Зулайҳо" қиссаси инсон ва Худо ўртасидаги муносабат, илоҳий муҳаббат тасвири ва талқинидан иборат бўлганлиги учун ҳам унинг фикр ифодаси, тафаккур тарзига мос келган. Жомий ушбу диний қисса воситасида ўзининг чуқур фалсафий, тасаввуфий қарашларини бемалол ифодалай олган. Шу ўринда Қуръондаги "Юсуф" сураси ва унинг талқини масаласини эслаш жоиз. Қуръон икки хил йўналиш асосида талқин этиб келинган:

1. Тафсир – Қуръоннинг изоҳли маъносини шарҳлаш.
2. Таъвил – Қуръоннинг ботиний, хослар тушуниши мумкин бўлган талқини[2].

Қуръондаги Юсуф сурасининг ҳам таъвилга алоқадорлиги бор. Қуръонда таъвил, яъни машҳур воқеаларнинг маъносини чуқур талқин этиш мавжуд. Бу сўз айнан "Юсуф" сурасида қўлланилган. Фақат хосларгагина тушунарли бўлган илоҳий маъноларнинг тубига етишга даъво қилувчи, Қуръонни алоҳида шарҳлаш учун ишлатиладиган терминга айланди[3].

Жомийнинг бу қисса асосида достон яратишига унинг кучли таъвили ва Жомий қарашларига қўл келиши сабаб бўлган бўлиши мумкин.

---

[1] Юсифов Х.Г. Низами и восточный ренессанс. Автореф. дис... д–ра филол. наук. Баку, 1987. С.39.
[2] Кныш, Та'вил.
[3] Пиотровский М.Б. Коранические сказания. М.: Наука, 1991. С.96-97.

Ушбу қисмга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий “Хамса”сини талқин этишда XV аср Ҳирот адабий муҳитида хамсанавислик анъанасига қандай муносабат билдирилганини билиш, хусусан, Жомий нуқтайи назарига эътибор қаратиш Навоий “Хамса”сидаги айрим фикрларнинг талқин этилиши ва тушунилишига ёрдам беради деб ўйлаймиз. Сабаб-ҳодиса ва нарса моҳияти уни ўраб турган воқеликдагина конкретлашади.

Навоийнинг афсонагўйликка муносабати

Юқорида Жомийнинг “афсонагўйлик” ҳақидаги қарашларига батафсил тўхталдик. Энди эса Навоийнинг “Хамса” яратиш жараёнида Жомийнинг ана шу қарашига қандай муносабатда бўлганлигини кўриб чиқамиз. Навоий Жомийнинг “афсонагўйлик” тўғрисидаги фикрларига зид муносабатда бўлади. Бироқ уни одоб, устозига ҳурмат юзасидан очиқ айтмайди. Навоий, аслида, Жомийнинг “афсонагўйлик”ка нисбатан муносабатига ўз қарашларини уч омил асосида билдиради. Булар:

1. Навоийнинг “афсонагўйлик”ни қувватлаши;
2. Шу жараёнда “Хамса”ни яратиши;
3. Афсонани қайта тирилтириш асосларини кўрсатиши.

Унинг иккинчи жиҳатига изоҳ шарт эмас. Чунки Навоий ўз “Хамса”сини бу борадаги мавжуд анъаналарнинг барча атрибутига амал қилиб, тўлиқ яратиши унинг Жомийни “афсонагўйлик”ка нисбатан қарашига яхлит жавоби эди.

Лекин биз масаланинг биринчи ва учинчи жиҳатларига батафсил тўхталишимиз лозим бўлади. Чунки бу икки жиҳат масаланинг умумий ва хусусий томонларини, манбаларни намоён этади. “Афсонагўйлик”нинг Навоий томонидан қувватланиши хусусий масала бўлиб, бевосита Жомий қарашига қаратилганлиги билан ажралиб туради. “Хамса” ёзиш жараёнида афсонани қайта тирилтиришда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш масаласи эстетик аҳамият касб этади. Умумийликка унинг бир қисми бўлган хусусийлик орқали борилгани учун дастлаб биринчи масалани кўриб чиқамиз.

Навоийнинг “афсонагўйлик”ни қувватлаши

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонида қайд этилган “афсонагўйлик”ка манфий муносабати Навоийда ҳам муносабат уйғотиши табиий эди. Лекин унинг бу муносабатини очиқ-ойдин эмас, балки “Хамса” достонларида йўл-йўлакай айтилган қараш – жавобларида кузатиш мумкин. Жомий “Юсуф ва Зулайҳо”ни ёзган 1483 йил Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонини яратади. Айни шу пайтда Хусрав билан боғлиқ мавзуда ҳар иккиси ўртасида баҳс бўлиб ўтганлиги Навоийнинг айрим қараш – жавобларида намоён бўлади. Бу жавоблар умумийроқ, баъзи бир ўринда аниқроқ бўлиб, “Хамса”нинг уч достонида акс этган:

1. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги фикр. Достон муқаддимасининг 9-бобида қалам аҳли ҳомийси – Аторуд муаллифга мурожаат қилиб, уни Хусрав ва Ширин мавзусига қўл уришга чақиради, ҳали бу афсонанинг янги қирралари очилмаганини айтади. Бу гап асносида қуйидаги байт келтирилган:

Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ (ФШ, 164).

Яъни Навоий ўз асарини ёзишга киришар экан, достон оҳанги қулоққа ёқувчи бўлса, унга танланган афсона ҳам ўқувчи талабига мос бўлса, дейди. Бизнингча, бу байт бежиз битилмаган. Ушбу фикрлар маълум даражада Жомийга қаратилган. Буни яна шу факт ҳам кўрсатадики, бу байтдан кейин шоирнинг афсонани қайта талқин этишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги қарашлари ифодаланган.

Шундан сўнг Навоий Жомий эски деб қараган Хусрав ва Ширин мавзусини ўз қарашлари асосида янгидан яратади. Устозига одоб ва ҳурмат юзасидан очиқ фикр айтмаса-да, унинг бу мавзуга ана шу кезларда мурожаат қилиши, хамсанависликда ўз адабий-эстетик позициясини намоён этади.

2. “Лайли ва Мажнун” достонидаги автоинтерпретацион қайдлар. Навоий 1484 йил Жомий энди эскирди, деган яна бир мавзу – “Лайли ва Мажнун” қиссаси асосида достон битади. Достоннинг хотима қисмида асарнинг шакл ва мазмуни, ундаги ишқ концепциясини талқин этади. Уни ёзишдан мақсади афсона айтиш бўлмаганлигини таъкидлайди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона.
Мазмунға бўлди руҳ майли
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамға келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун (ЛМ, 454).

Бу байтлар ҳақида навоийшуносликда турлича қарашлар мавжуд[1].

Кўринишидан, “Лайли ва Мажнун” достонида бу фикрлар ҳам бежиз, ҳам очиқ, ҳам “афсона” сўзига урғу бериб айтилаётгани йўқ. “Фарҳод ва Ширин” достонида биргина байтда Аторуд тилидан юмшоқ тарзда айтилган қараш “Лайли ва Мажнун” сўнгида янада очиқроқ ва аниқроқ ифодаланмоқда. Байтлар мазмуни қуйидагича:

(1) бу абадий ишқ (мавзусида асар) ёзишдан мақсадим фақат афсона ҳикоя этиш эмасди.

(2) қисса мавзусига руҳим майл этди, афсонанинг келтирилиши ҳам шу туфайли бўлди.

(3) лекин мен ифодалаган мазмунга афсона лойиқ либосдек мос келди.

Демак, Навоий Лайли ва Мажнун мавзусига мурожаат этишдан мақсадим фақат афсона сўзлаш эмасди; “Лайли ва Мажнун”нинг умумий руҳияти менга ёқди, шу боис ҳам бу мавзуга қўл урдим; лекин мен мазмунни берар эканман, афсона унга лойиқ либосдек мос келди, демоқчи...

Яъни Навоий учун “Лайли ва Мажнун” афсонаси фақат шакл бўлиб, у айтмоқчи бўлган фикр – мазмунга мос келганлиги учун қўлланган.

Афсона айтишдан мақсад шаклбозлик бўлмай, балки мазмунга афсона – шаклни мослаштиришдир. Бундай қараш Навоий ижодига, умуман, бадиий ижодга хосдир.

---

[1] Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан: (X–XV асрлар). Т.: Фан, 1970. Б.269-270; Айбек, Дейч Ал. Алишер Навои. Ташкент, 1968. С.75-158; Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т., 1979. Б.31; Валихўжаев Б. “Хамса” такмили” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986. Б.86-87 ва бошқалар.

Масалан, Низомий ҳам ўз вақтида “Ҳафт пайкар” достонида афсона – шаклни ўз қарашларига мослаштирганлигини қайд этиб, шундай ёзганди[1]:

Ҳар як афсонаи жудогона,
Хонаи ганж шуд на афсона.
Ончи кўтоҳ жома шуд жасадаш,
Кардам аз назми худ дароз қадаш.
Ва-ончи будаш дарозий аз ҳад беш,
Кўтаҳий додамаш ба санъати хеш.

(Мазмуни:
Ҳар бир афсона афсона эмас, ганжхона бўлди. Жисми калталарини назмим билан узун қадли қилдим. Узунлиги ҳаддан ошиқларини санъатим билан қисқартирдим[2].)

Ёки ўзбек адабиёти вакили Хиромий ҳам “Чор дарвеш” асарини яратганида худди шуни таъкидлаган эди, “унинг учун бу асар сюжети шаклий восита бўлиб, муаллиф прогрессив эстетик идеалларини ифодалашга хизмат қилади. У ёзади:

Агарчи бу афсона афсонадир
Ва лекин билур кимки фарзонадир”[3].

Яъни муаллиф айтмоқчики, бу афсона – эртак (кенгроқ олганда, китобхонни жалб этувчи шакл) бўлиб кўрингани билан билган, маъноларни ўқий олган киши учун донишмандона чуқур фикрлар манбаидир.

Навоийнинг бошқа достони “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам шеърда мазмун асосий ўрин тутади, шакл қандай бўлишининг унчалик фарқи йўқ, дейди:

Назмда ҳам асл анга маънидурур,
Бўлса анинг сурати ҳар недурур (ҲА, 34).

Бадиий асарда “баъзан ижодкорнинг ўзи асари моҳиятини тушунтириб беради. Бироқ тадқиқотчи ушбу шароитда ҳам ёзувчи тан олган фикрларни талқин этади, ҳам дешифр ва коррекция қилиши керак бўлади”[4]. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги фикрлар шу маънода турли ракурсда, асар кўтара оладиган даражада талқин этилиши мумкин. Навоийнинг афсона ёки ривоятга мазмундан кейинги ўринда турувчи шакл ва восита деб қараши Лайли ва Мажнун мавзуси аҳамиятини асло пасайтирмайди. Чунки Навоий худди шу бобда:

Сўнгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир (ЛМ, 453) –

---

[1] Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан: (X–XV асрлар). Т.: Фан, 1970. Б.76-77.
[2] Бертельс, Низами и Фузули. С.416.
[3] Валихождаев Б. Из истории развития эпической поэзии в узбекской литературе. Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Самарканд, 1968. С.33.
[4] Борев, Искусство интерпретации и оценки. С.58.

дейди. Навоийнинг афсона шоир айтмоқчи бўлган фикрга восита бўлиши ҳақидаги қараши (“мақсудим эмас эди фасона”) Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонидаги фикри, кейинчалик “Хираднома”сида қўллаган “афсонагўйлик” атамасига жавоби эди.

Навоий “Лайли ва Мажнун”, “Хамса”нинг деярли барча достони муқаддимасида Жомий ижодий мероси, хусусан, достонлари тўғрисида маълумот беради. “Лайли ва Мажнун” ёки 1484 йилда ёзилган “Сабъаи сайёр”да Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”дан (1483 й.) бошқа достони тилга олинмайди. “Садди Искандарий”ни ёза бошлаганида эса Жомий асарлари рўйхатига “Лайли ва Мажнун”ни қўшади. Адабиётларда Жомий “Лайли ва Мажнун” достонини 1484 йил ёзган деган фикр мавжуд. Лекин Навоий 1484 йил ёзган “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Сабъаи сайёр” достонларида уни тилга олмаган. 1485 йилда “Садди Искандарий”ни ёзганида Жомий “Лайли ва Мажнун”и достонини 1484 йилнинг охирида яратганлигини кўрсатади.

Жомийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг вужудга келиши муддатига эътибор бераётганимиз, албатта, бежиз эмас. Чунки Жомий 1483 йил ёзган “Юсуф ва Зулайҳо” достонида

Сар омад давлати Лайлию Мажнун,
Каси дигар сар омад созам акнун –

деганлигини юқорида эслатган эдик. Бироқ бир йилдан кейин унинг ўзи “Лайли ва Мажнун” достонини ёзади. Бизнингча, бунга Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” хотимасида айтган фикрлари сабабчи бўлган. Жомий Навоийнинг автоинтерпретациясидаги ўзига қарата айтилган фикрдан хулоса чиқарган кўринади. Бунинг натижасида у ҳам “Лайли ва Мажнун” достонини яратади. Мазкур достоннинг вужудга келишида Навоийнинг таъсирини яна шундан ҳам билса бўладики, масалан, жомийшунослардан бири унинг “афсонагўйлик” борасида билдирган фикридаги икки хилликдан таажжубланади: “Маълумки, Жомий “Хирадномаи Искандарий” достонида Баҳромгўрни тилга олиб, у ҳақда достон ёзишни кераксиз деб ҳисоблайди. Яна бир қизиқ томони шундаки, у “Юсуф ва Зулайҳо” достонида “Лайли ва Мажнун” ишқи ҳақида ҳам худди шундай муносабатни билдиради, бироқ кейинчалик маълум бўлишича, Жомий ўз фикрида охиригача тура олмайди” ва “Лайли ва Мажнун” номли ажойиб достон яратади”[1].

Жомийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини яратиш сабаблари Навоий фикрлари контекстидагина ойдинлашади.

3. Навоийнинг “Садди Искандарий” достони архитектоникасини талқин этиш.

Жомий “Лайли ва Мажнун” достонини ёзишда кўпроқ тасаввуфий тасвир ва буёқлардан фойдаланади. Бироқ бу асар Жомий афсонагўйликка бўлган муносабатидан қайтди, деган маънони англатмайди. У Навоий фикрларига жавоб тарзида шундай ёзади:

Кунун кардаам пушти ҳиммат қавий,
Диҳам маснавийро либоси навий.
Кўҳан маснавийҳойи пирони кор
Ки, монда аз он рафтагон йодгор.

[1] Кобидзе Д.И. “Джами и грузинская литература” // Абдураҳмони Жомий. Душанбе: Дониш, 1973. С.82.

Агарчи равонбахшу жонпарвар аст,
Дар ашъори нав лаззати дигар аст[1].

(Мазмуни:
(1) Энди анча кучли ҳаракат қилиб, маснавийларга янги либос кийдираман.
(2) Эски маснавийлар – ўтиб кетган донишмандларнинг иши бизга ёдгор бўлиб қолди.
(3) Улар гарчи ёқимли ва жонпарвар бўлсалар-да, бироқ янги шеърнинг лаззати ўзгачадир.)

"Хамса"даги тартиб бўйича бундан кейин аввал Баҳром, сўнг Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ достон ёзилиши керак эди. Лекин Жомий Баҳром билан боғлиқ достондан умуман воз кечади. Искандар билан боғлиқ "Хирадномаи Искандарий" бешинчи достонини ҳам бунинг юришлари тасвиридан холи бир тарзда ёзишни ният қилиб, унинг муқаддимасида шундай дейди:

"Хираднома" з-он ихтиёри манаст,
Ки афсонахоний на кори манаст.
Зи асрори ҳикмат сухан рондан,
Беҳ аз қиссаҳои кўҳан хондан.
Зи Баҳроми гўраш нарондам сухун,
На киштам бабоғи худ он сарви бун.
Чу маъмураи умр шуд хоки тўд,
Зи меъморийи "Ҳафт пайкар" чи суд[2].

(1) Хираднома (донишмандона фикр) мен ихтиёр этган (йўналиш), афсонагўйлик қилиш менинг ишим эмасдир.
(2) Фалсафий фикр сирларидан сўз юритиш, эски қиссаларни ўқишдан яхшироқдир.
(3) Баҳромгўрдан гапирмайман – ўз боғимга тиканни экиб нима қиламан.
(4) Умр боғи тупроққа айланаётган экан, "Ҳафт пайкар"ни яратишдан нима фойда бор.

Яъни Жомий Искандар мавзусига ҳам бир шарт – фалсафий, доно фикрларни ифодалаш нуқтайи назаридан ёндашишини, Баҳромгўр мавзусидан узоқлашиши, унга мурожаат этмаслигини таъкидламоқда. Е.Э.Бертельс мазкур шеърий парча ҳақида шундай дейди: "Жомий ўз "Хамса"сида Баҳром ҳақидаги достондан онгли тарзда воз кечганлигини қайд этади. Навоийнинг ҳам бу сюжетга салбий муносабатда бўлгани, Низомий ва Хусравни ушбу сюжетни қўллагани учун танқид этганлигини эслашимиз керак"[3].

Олимнинг бундай фикри хусусида шуни айтиш керакки, Навоий айнан достон воқеасига салбий муносабатда бўлмаган. Навоий бу афсонанинг салафларида қўлланишининг мантиқий асосларини танқид этиб, ана шу камчиликлардан узоқлашиш ҳақидаги фикрини айтган, холос. Навоийнинг бу масалага қараши ана шу жиҳати билан Жомийникидан фарқланади.

Жомий 1485 йил, Навоийдан олдинроқ, "Хирадномаи Искандарий" достонини ёзишга киришади. Искандарнинг юришларини эмас, унинг донишмандлар билан суҳбатини дос-

[1] Джами, Хираднамаи Искандари. С.333
[2] Джами, Хираднамаи Искандари. С.334.
[3] Бертельс, Навои и Джами. С.354.

тони марказига қўяди. Навоий “Садди Искандарий” достонининг саккизинчи бобида Жомийнинг шу мавзудаги асари тўғрисида гапириб, у Искандар юришлари воқеасини тасвирламаганини таъкидлайди. (*СИ, 640*). Бироқ мен ўз асаримда ҳам фалсафий фикрлар, ҳам афсонани қўшиб тасвирлайман, дейди:

Ки фарзоналар деб кўп афсона ҳам,
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам (СИ, 641).

Навоий бу билан ўз достони архитектоникасини талқин этади: унда фалсафий фикр билан афсона биргаликда берилади... Дарҳақиқат, Навоийнинг бу достони композицион жиҳатдан фалсафий фикр (мақолот, ҳикоят, ҳикмат) ва Искандар юришлари тасвиридан иборат. Навоийнинг “афсонагўйлик”ка ижобий муносабати – Жомий қараши, фикрларига манфий жавоби “Хамса” достонларининг биридан иккинчисига ўтган сари очиқроқ ифодаланиб, ойдинлашиб боради. “Фарҳод ва Ширин”да юмшоқ айтилган қараш “Лайли ва Мажнун”да нисбатан конкретлашади. Бунинг натижасида ҳатто Жомий “Лайли ва Мажнун” достонини яратади.

Бироқ “Хирадномаи Искандарий”ни битаётган Жомий шоҳлар тарихини тасвирлашни ўзига эп кўрмай, асарига Искандар юришларини киритмайди. Навоий эса “Садди Искандарий”ни ёзиш жараёнида ўз принципига содиқ қолиб, достонга афсонани киритади, Жомий каби ҳам фалсафий қарашлари, ҳам афсонани муштаракликда ифодалайди. Навоийнинг “афсонагўйлик”ка бундай қараши ва Жомийга жавоби ўз асарларини баъзи жиҳатдан интерпретация этишига (яъни автоинтерпретацияга) олиб келади. Булар Навоий “Хамса”сини талқин этишда, албатта, инобатга олиниши керак.

Энди афсонани қайта тирилтириш асослари, Навоийнинг “афсонагўйлик”ка доир умумий фикрлари, аниқроғи афсонани қайси асосда яратиш кераклиги масаласига доир назарий ва танқидий қарашини кўриб чиқамиз. Ушбу қарашлар асосида вужудга келадиган принциплар хамсанавис салафларнинг достонларида унга асос бўлган материал, манба ва афсоналар талқини билан боғлиқ камчиликларни танқид қилишдан келиб чиқади. Бу камчиликларни хусусиятларига кўра бир неча турга бўлиш мумкин. Навоий “Хамса” таркибидаги достонларининг муқаддима қисмида салафлари достонларига асос бўлган афсонани асарга олиб кириш жараёнида рўй берган олти камчиликни кўрсатади:

А) манбалар билан яхши танишмаслик. Салафлар афсонага асос бўлган барча тарихий материални ўрганмайди;

Б) салафларни такрорлаш. Баъзи хамсанавислар манбаларни яхши билмаслиги ёки ижодий принципига кўра салафлардаги кўп ўринларни такрорлаган. Навоий воқеанинг қисман ўзгарган такрори асар бадиий қимматига путур етказади, дейди;

В) ҳақиқатга зид гапларни айтиш. Салафлар тарихий ҳақиқатга зид, вақт ўтиши билан афсонага қўшилиб кетган лавҳаларни ҳам ўз асарларига киритиб юборган;

Г) ишқнинг дарддан ажратиб ифодаланиши. Навоийнинг қарашича, ишқ ва ошиқ тўғрисида гапирилганда ёки тасвирланганда уларни изтироб ва дард билан қўшиб ифодалаш керак. Дардсиз ишқ сохта бўлади;

Д) асоснинг йўқлиги. Салафлар муайян лавҳа ёки образни тасвирлаганда, уларнинг мотиви – асосланишига кам эътибор қаратган. Асарни ташкил этувчи лавҳаларнинг ишонар-

ли чиқиши улар учун аҳамиятсиз бўлган. Ғайритабиий тасвир ўқувчига салбий таъсир этади, дейди Навоий;

Е) маддоҳлик. Навоий айрим хамсанавислар ўз достонларида шоҳларни мадҳ этишга ортиқча берилиб кетган. Бу уларни нодон шоҳнинг маддоҳига айлантириб қўйган, дейди:

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзғайлар (СС, 477).

Ёки:

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ,
Саросар бўлдилар Хисравға маддоҳ (ФШ, 165).

Навоий салафлардаги камчиликлар, асосан, мана шулардан иборат, деб билади. Навоийнинг бу фикрлари ўз характерига кўра адабий-танқидий қарашлардир. У муайян бир жанр хусусиятлари, унинг йўналишини белгилаш мобайнида фикрларини умумлаштириб, адабий-эстетик даражага олиб чиқади. Навоий салафларидаги баъзи камчиликларни ислоҳ этиб, ўз "Хамса"сида унинг аксини амалга оширади. "Ҳар қандай таъриф инкордир", деган эди Спиноза. Навоийнинг афсонани қайта яратишда қандай асосларга суяниш лозимлиги ҳақидаги таърифлари ҳам юқоридаги инкорлардан келиб чиққан. Биз қуйида таснифлайдиган таърифлар салафлар камчилиги инкори (ёки қайсидир даражадаги инкори) асосига қурилиб юзага келган.

Навоий юқоридаги танқидий фикрларини "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун"дан бошқа, яъни асосан шоҳлар билан боғлиқ достонларида беради. У хамсанавислик анъанасини давом эттириб, "Хамса" яратиш жараёнида ўз танқидий қарашлари асосида қуйидаги беш жиҳатга эътибор қаратишни таъкидлайди:

1. Мавзу билан боғлиқ барча тарихий асарларни кўриб чиқиш.
2. Янги фикр ва хулосалар айтиш.
3. Тарихий ҳақиқат масаласи.
4. Ишқ ва дарднинг муштарак тасвири.
5. Асос масаласи.

1. Мавзу билан боғлиқ тарихий асарларни кўриб чиқиш. "Фарҳод ва Ширин" достони муқаддимасида Навоийнинг тушига Аторуд (шоир ва санъаткорлар ҳомийси) кириб, унга иқбол ва саодат тилайди. Достонини қай тарзда яратиш лозимлиги ҳақида маслаҳат беради. Бу хамсанавис уни ёзишдан олдин барча тарихий асарларни ўқиб-ўрганиб чиқиши, маълумотлар йиғиши кераклигига дастлабки ишора эди:

Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда тарих (ФШ, 164).

Навоий ана шундай йўл тутади: мавзу билан боғлиқ барча мавжуд тарихий асарни жамлаб, синчиклаб ўрганиб чиқади. Афсона буткуллигича унинг кўз ўнгида намоён бўлади:

Қилиб кўнглумни бу андиша шайдо,
Таворих айладим ҳар сори пайдо.
Назар айлаб борин аввалдин-охир,
Бўлуб бошдин аёқ оллимда зоҳир (ФШ, 165).

Навоий “Сабъаи сайёр”да салафларини танқид қилади, Баҳром мавзусида достон ёзганлар баъзан фақат эшитган гаплари билан чекланиб, манбаларни ўрганмади, ҳолбуки, афсона ҳам вақт ўтиши билан ўзгаради, эскиради, дейди:

Не эшитганни айлабон тасдиқ,
Қилдилар назм, айламай таҳқиқ
Ки, қаламзан қилур замон таҳрир,
Топмиш эрди фасона кўп тағйир (СС, 608).

Демак, манбани кўрмай, ўрганмай, фақат эшитган нарсаларга суяниб асар яратиб бўлмайди.

“Садди Искандарий” достонида Навоий унинг келиб чиқиш тарихини ўрганишдан олдин ажам – эроний халқларнинг тўрт табақаси билан боғлиқ тарихий манбаларни кўриб чиқади:

Кўп эттим таворих ўқур сори майл,
Ҳамоноки бор эрдилар тўрт хайл (СИ, 646).

Манбалардаги турли, бир-бирига зид қараш ва маълумотлар Навоийни ҳайрон қолдиради:

Агарчи кўп ўлмишдурур ихтилоф
Ки, бор ихтилоф айлаганлар маоф.
Таворих вазъиға беҳад футур
Ки, андин бу фан ичра бўлмиш қусур (СИ, 646).

Манбалар ичида эътиборга лойиғи “Низом ут-таворих” асари, дейди:

Вале улча бергайлар андин хабар,
“Низом ут-таворих” эрур мўътабар (СИ, 646).

Кириш мундарижасини бошқа манбаларга солиштириб яратдим, дейди. Демак, Навоий барча манба билан танишган, қиёсий манбашунослик ва историографик фаолият ҳам олиб борган.

2. Янги фикр ва хулосалар айтиш. Хамсачилик анаъанасига мувофиқ адиблар уни ёзиши учун Низомийдан буён давом этиб келаётган мавзулар асосида асар яратиши керак эди. Мавзуни танлаган ижодкор афсона сюжетига ўз фикр ва қарашларидан келиб чиққан ҳолда ёндашарди. Лекин баъзи ижодкорлар салафларини такрорлашдан нарига ўтолмаган.

Навоий мавжуд манбаларни кўздан кечириш, янги, аввал тасвирланмаган воқеа ва лавҳаларни асарга олиб кириш зарур деб билади:

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз (ФШ, 164).

Навоийга ғайбдан аввалги нарсаларни такрорлаш сенга лойиқ иш эмас, ҳамма юрган йўлдан юрмагин, дунё саҳнида гуллар кўп, сен янгиларини тергин, деган даъват келади:

Йўқ эрса назм қилғанни ҳалойиқ,
Муқаррар айламак сендин не лойиқ.
Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак.
Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилған кўрди терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп (ФШ, 164).

Навоий тарих китобларидан янги фикрларни излаб топади:

Топилди онча сўзким, комим эрди,
Қуюлди онча майким, жомим эрди (ФШ, 165).

Лекин Навоий фойдаланган манбалар сон-саноқсиз эди:

Ки бу баҳр ичраким поён анга йўқ,
Етишмак қаъриға имкон анга йўқ (ФШ, 165).

Навоий янгича, ишқ ва дард тасвирланган достон ёзмоқчи эканлигини қайд этади:

Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ (ФШ, 165).

Навоий “Сабъаи сайёр” достонида салафлар тарих китобларидан янги гап қидирмай, айтилганларни такрорлаб келдилар, дейди:

Яна буким, алар ёзарда варақ,
Бердилар чун рақам ишига насақ.
Қисса кўпрак эканни билмадилар,
Яна истарга саъй қилмадилар.
Бири назм ичра ҳар неким қилди,
Анга етганда ўзга ҳам қилди (СС, 608).

Бу қиссанинг янги, ғаройиб жиҳатлари яширин қолди:

Бу жиҳатдин басе ғариб умур,
Қолди олам эли аро мастур (СС, 608).

Хамсанавис ана шундай жиҳатларни топиши ва асарига киритиши лозим эди.

3. Тарихий ҳақиқат масаласи. Хамсанавис мавжуд тарихий ҳақиқат билан, албатта, ҳисоблашиши лозим эди. Тарихий ҳақиқатни асар бадиий тўқимасига олиб киришда муайян меъёрни сақлаш, уйдирмаларга берилмаслик зарурий шартлардан бири бўлган. Бу масалага ўз даврида Низомий ҳам жиддий эътибор қаратган. У "Искандарнома"нинг "Шарафнома" қисмида Фирдавсий баъзан ҳақиқатдан жуда узоқлашиб кетганини, шу боис "Шоҳнома"дан олган ўринларни таҳрир қилганлигини айтади. Навоийнинг, аслида, ўз "Хамса"сига Хусрав, Ширин, Фарҳод, Баҳром ва Искандар билан боғлиқ мавжуд воқеаларни олиб кириш нияти бўлмаган. Қолаверса, "Хамса" тарихий-бадиий жанр эмас. Лекин Навоий хамсанавис барибир тарихий ҳақиқатдан хабардор бўлиши ва ундан йироқлашмаслиги керак, деб ҳисоблаган. Бундан мақсад асарни ёлғон ва уйдирма нарсалардан асрашдир.

Навоийда тарихий ҳақиқат масаласи "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" достони билан боғлиқ. "Фарҳод ва Ширин" достонида бу борада гап очилмайди. Чунки Фарҳод образида афсонавийликка урғу берилган. Сосоний шоҳлар билан бевосита боғлиқ "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" достонларида бунга алоҳида эътибор қаратилган. "Сабъаи сайёр" сўнгида Навоийнинг тушига кирган Баҳром бу мавзуда достон ёзилган пайтида кўп афсона ўзгарган, шу боис улар ҳақиқатни ҳам, ёлғонни ҳам бирдек қўллайверган, дейди:

Чину ялғонни қилдилар маълум,
Нома зимнида қилдилар манзум (СС, 608).

Сен (Навоий) қиссамизни атрофлича ўрганиб, ростни ёлғондан ажратдинг, ҳаракат қилиб, ростни топиб ёздинг, дейди:

Сидқу кизбида ончаким мақдур,
Саъй этиб нома айладинг мастур (СС, 608).

Тасвирланишича, Баҳром Навоийдан ўзи билан боғлиқ тарихга ёлғон қўшилмагани учун хурсанд бўлаяпти. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Навоий "Сабъаи сайёр"нинг бошланишида салафларда Баҳром воқеасининг ишланишини танқид қилган, улар Баҳром билан боғлиқ бирор воқеа ёқиб қолса, унинг тўғри-нотўғрилигига қарамай олаверишганини қайд этади:

Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламоқ эмастур хўб (СС, 476).

Навоий "Садди Искандарий" достонини ёзишдан олдин Искандар билан боғлиқ барча тарихий манбани ўрганиб чиқади. Айниқса, ярим афсона, ярим ҳақиқат фактларга эътибор

қаратади. Чунки уларда талай мунозарали ўринлар мавжуд эди. Масалан, эроний халқлар тарихида гўё, Искандар иккита бўлган: бири Доро билан урушган, бошқаси девор қурган. Ҳатто Навоий ҳам ана шундай ҳар хиллик ва чалкашликлар олдида иккиланиб қолади. Бу пайтда Жомий эса "Хирадномаи Искандарий" достонини ёзаётган эди:

Ва лекин бу фурсатки, донойи даҳр,
Берур эрди бу қиссадин элга баҳр.
Ки жоми сафо урди элга сало,
Ки Жомийға еткурмасун ҳақ бало.
Скандар иши эрди манзум анга,
Бори ҳолати эрди маълум анга (СИ, 652).

Навоий бир эмас, иккита Искандар борлиги ҳақидаги гапдан ҳайрон бўлиб, маслаҳат сўраш учун Жомий олдига боради:

Манга ҳам чу машғуллуқ бу эди,
Таворих олимда ўтру эди.
Бу ерда мени чунки ажз этти лол,
Ўпуб ерни, донодин эттим савол (СИ, 652).

Жомий йўқ, Искандар битта, деб жавоб беради:

Скандарга икки эканни адад,
Чу олинда таҳқиқ эди, қилди рад.
"Ул ишлар деди, – бирга воқеъдурур,
Гувоҳи анинг насси қотеъдурур" (СИ, 652).

Шундан сўнг Жомий Низомий достонидаги каби Навоийга Искандарнинг ҳақиқий тарихини сўзлаб беради:

Анингдекки аслин Низомий деди,
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди (СИ, 652).

4. Ишқ ва дарднинг муштарак тасвири. Навоийнинг фикрича, ишқ дард билан биргаликда, муштарак тасвирланиши керак. Дарддан холи ишқ ва ошиқлик сохталикдир. Чунки фақат ишқ билан боғлиқ асар таъсирли бўлади:

Бўлурдин даҳр бўстонида мавжуд,
Эмасдур ғайри сўзу дард мақсуд.
Ки ишқ аҳлидан ўлғай достоне,
Муҳаббат хайлидин қолғай нишоне (ФШ, 165).

"Сабъаи сайёр" достонида ҳам шундай ҳолат бор: Баҳром қиссасини битганлар уни ишқ ва дарддан холи тасвирлайди:

Бири буким, йўқ анда мояйи дард,
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард (СС, 476).

Ҳақиқий бадиий асар ишқни тараннум этиши керак. Чунки фақат ишқ ўти кўнгилга таъсир этади:

Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин хуштур анда сармоя.
Ким, кўнгулга ўти асар қилғай,
Жонга куйдирмаги хабар қилғай (СС, 476).

Кўнглида ишқ бор китобхон ишқ тасвирланган асарни суйиб мутолаа қилади. Ишқ тасвири ҳатто ишқдан куймаган дардсиз кўнгилни ҳам ўртайди:

Ишқдин сўз бўлса, бок эрмас,
Ўртар оники, сўзнок эрмас (СС, 476).

5. Асос масаласи. Навоий учун достонда тасвирланаётган ҳар бир образ хатти-ҳаракати, лавҳанинг асардаги ўрни мантиқан асосланган бўлиши керак. Бу жиҳатдан “Сабъаи сайёр” достонидаги Баҳром образи билан боғлиқ ўринларни эслаш жоиз. Масалан, Навоий Баҳром айш-ишрат қилиш учун еттита қаср қурдирди деган гап туҳмат, дейди:

Бўйла туҳматки, айш учун Баҳром,
Ясади етти қаср сургали ком (СС, 476).

Ёки етти иқлимдан етти қиз қиссахон – қисса ва ҳикоя айтувчи уста бўлганлигидан таажжубланади:

Бу ажабким, алар дағи дедилар,
Қиссахон қизлари магар эдилар? (СС, 477).

Ҳар куни ичиб, маст бўлиб юрган Баҳромга афсонанинг не ҳожати бор, дейди:

Тонгдин оқшомға тегру пай-дарпай,
Улки, ичгай қадаҳ тўла-тўла май.
Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат
Уйқусиға фасона не ҳожат (СС, 477).

Буларнинг ҳаммаси ғайритабиий – булаъжаб туюлади, дейди Навоий:

Бўлди, фарзан, бу навъ булъажаб иш,
Булъажаброқ яна бу иш бўлмиш (СС, 477).

Юқоридаги тамойил – принциплар таърифи асосида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий уларни Жомийнинг “афсонагўйлик” борасидаги қарашига нисбатан қўллайди. Афсонани ҳам ана шундай талабларга риоя этган ҳолда яратиш мумкин, дейди. Навоийнинг хамсанавислик билан боғлиқ “афсонагўйлик”ка ижобий муносабати унинг шаклни иккинчи даражали, деб билиб, шаклни мазмунга бўйсундириш ҳақидаги қарашидан келиб чиқади. Унингча, мазмун (мақсад) кучли бўлса, унга лойиқ шакл (либос) топиш мумкин.

XV асрда яшаган мунаққид Атоулло Ҳусайний фикрига ҳам кўра, шакл мазмунга бўйсундирилиши лозим[1]. Шакл ва мазмунга нисбатан бундай қараш XV аср Ҳирот адабий муҳитида умуман мавжуд бўлган. Лекин бу фикрлар Жомий шакл ва мазмун масаласига бутунлай бошқача муносабатда бўлган, деган хулосани англатмайди. Жомий шакл – афсонани мазмунга мослаштириш жараёни ижодкорни чалғитади, дейди. Унингча, сўз, барибир, инсон фикр-тафаккурини бор бўйи билан бериш, ифодалашга ожизлик қилади. Жомийга хос олимлик унга афсоналарни ишлашдан кўра, фикрлар яхлит талқин этиладиган фалсафий-тасаввуфий достонлар яратишга рағбат берди. У ҳатто “Саломон ва Абсол” достонида ҳам воқеаларни тушунтириш учун асар ичидаги сюжет лавҳаларига фалсафий-дидактик асарларда бўлганидек, ҳикоятларни иллюстрация қилади. Жомий фикрларидаги “афсонагўйлик”ка бундай муносабат бевосита хамсанавислик анъанаси билан боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бунинг устига Жомий ижодий принциплари, дунёқараши ва эстетикасининг янги қирраларини ўрганиш биз мулоҳаза юритган масалаларнинг буткул бошқа томонини ҳам намоён этиши мумкин. Бу, албатта, бўлғуси тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ масала.

Навоий “Хамса”сини талқин этишда XV аср Ҳирот адабий муҳитидаги туркий эпик шеърият, форс тилидаги достончилик ва хамсанависликнинг ўрни масаласини ҳам эътиборга олиш лозим. Навоий туркий шеърият мавқейини юксалтириш мақсадида форс адабиётидаги жанр – “Хамса”га мурожаат қилади. “Хамса”нинг барча анъанавий қонун-қоидаларига риоя қилиб, туркий тилда ҳам ана шундай муҳташам асар – бешлик ёзиш мумкинлигини исботлади.

Навоийгача туркий эпик шеъриятда қуйидаги асарлар мавжуд эди:

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари.
2. Дурбекка нисбат берилган “Юсуф ва Зулайҳо” достони.
3. “Гул ва Наврўз”.
4. Саид Қосимийнинг “Илоҳийнома” ва бошқа достонлари[2]...

Таржима қилинган асарлардан:

5. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достони.
6. Ҳайдар Хоразмийнинг “Маҳзан ул-асрор” асари...

Шуниси қизиққи, Навоий негадир бу достонлар, хусусан, “Хамса” анъанасини ўша даврда назира ёки таржима кўринишида давом эттираётган Қосимий, Қутб, Ҳайдар Хоразмий ҳақида ҳеч нима демаган. Навоий ўз “Хамса”си билан форс-тожик адабиётининг энг йирик жанрида туркий тилда ҳам катта асар ёзиш, ўрта аср Шарқ мусулмонлари дунёсида олий санъат саналган жанр намунасини яратиш мумкинлигини туркий адабиётнинг форс-тожик адабиётидан сира ортда қолмаслигини амалда кўрсатди.

---

[1] Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X–XV вв. М.: Наука, 1989. С.141.
[2] Саид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи Б. Қосимхонов. Т., 1992.

Навоий “Хамса”ни форс тилида ҳам ёзиши мумкин эди. Ёки ҳам туркий, ҳам форсча “Хамса” яратиш қўлидан келарди (шундай ҳолатни бир тасаввур қилиб кўрайлик). Бироқ у “Хамса”ни туркий тилнинг бадиий адабиётдаги мавқеини юксалтириш мақсадида ёзди. Ҳолбуки, Навоий форс тилидаги китобхонлар аудиторияси нисбатан кенгроқлиги, туркий “Хамса” форсий “Хамса” соясида қолиб кетиши мумкинлигини биларди. Навоий бу билан туркий тил форс тилидан асло қолишмаслигини исботлади. Шу нуқтайи назардан Жомийнинг ўз “Ҳафт пайкар”и хотимасида Навоий “Хамса”сига билдирган фикрлари муболаға, мадҳия эмас, реал фикрдир:

Зи чархи офаринҳо бар он килкбод,
Ки он нақши матбуъ аз он килкзод.
Бибахшид бар форсий гавҳарон,
Ба назми дарий дурри назмоварон.
Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажоли сухангустари.
Ба мизони он назми мўъжазнизом,
Низоми ки буди-ю, Хусрав кудом.
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон раҳ намонд.
Зиҳи табъи ту устоди сухан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан[1].

Мазмуни:

(Ул қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин, чунки ул ёқимли нақшни (“Хамса”ни) ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари форсча назм тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда бошқаларга сўз айтишга мажол ҳам қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси Низомий (Ганжавий) киму Хусрав (Деҳлавий) ким бўлди. У бошқа тилда сўз юритганидан ақлга орадаги фарқни ажратиш учун йўл қолмади.)

Навоий “Хамса” анъанасининг барча талабларини бажарди. Ҳолбуки, юқорида таъкидлаганимиз, “Хамса” жанрининг деградацияси XV асрдан аввалроқ бошлаган, Жомийнинг бу “афсонагўйлик”дан йироқлашмоқчи бўлгани ҳам бежиз эмас эди. Бироқ Навоий хамсанавислик майдонига туркий адабиётнинг вакили сифатида, ўзга тилдаги адабиёт анъанасига тўлиқ риоя этган шароитда кирди. Агар Навоий бу анъана талабларидан бироз чекинса, туркий тил бундай монументал асарни вужудга келтиришга, атрофлича ёритишга ожизлик қилди, деган фикрлар пайдо бўлиши мумкин эди. Навоий ана шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиб, қардош халқ санъатининг олий жанрида асар яратди, туркий тил имкониятлари ва ўз маҳоратини амалда кўрсатди.

Навоий “Хамса”си талқинида мана шу жиҳатларни, жумладан, афсоналарни асарга олиб кириш, шу муносабат билан Жомий ва Навоий ўртасидаги баҳс, адабий-эстетик қарашлардаги фарқларни ҳисобга олиш лозим.

[1] Жомий Абдураҳмон. “Ҳафт пайкар”дан // Навоий замондошлари хотирасида. Т., 1986. Б.12–14.

2.3. “Хамса”нинг яратилишида Навоий кўрсатган манбалар ва Жомий “Хамса”сининг ўрни масаласи

Юқоридаги таҳлиллар Навоий “Хамса”си талқинида Жомий “Хамса”сининг ўрни ёки Навоийнинг “Садди Искандарий” достони вужудга келишида Жомийнинг шу мавзудаги асари ўрни ва таъсири масаласига эътибор қаратишни тақозо этади. Бироқ бунинг учун “Хирадномаи Искандарий”нинг Навоий “Садди Искандарий”сига қай тарзда асос бўлганлиги, “Хамса”нинг бошқа достонлари қайси достонлар замирида вужудга келганлиги тўғрисидаги фикр ва қарашларига ҳам тўхталиш лозим бўлади.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да ўз асарлари тўғрисида гапира туриб, ўз “Хамса”си достонларини яратишда қайси манбалардан таъсирланганлигини қайд этади[1]:

Биринчидан, “Ҳайрат ул-аброр” боғида табъим гуллар очиб, шайх Низомий “Маҳзан ул-асрор”идан бошимга марваридлар сочилибдир. Яна “Фарҳод ва Ширин” шабистонига хаёлим юз тутганда, Мир Хусрав нафаси “Ширин ва Хусрав” ўти билан чироғимни ёритибдир. Яна “Лайли ва Мажнун” водийсида ишқим келиб, Хожу Ҳимматий “Гавҳарнома”сидан кенг йўлимга гавҳарлар еткизгандир. Яна кўнглим “Сабъаи сайёр” расадини боғлаб, Ашраф “Ҳафт авранг”идан етти ҳур юзлини ҳузуримга тақдим этибдур. Яна хотирим муҳандиси “Садди Искандарий” асосини солиб, Жомийнинг “Хираднома”си орқали тузатиш ва ёрдам ноғорасини чалибдир”.

Навоий бу билан “Хамса” достонларининг асосларини, муайян маънодаги манбаларини қайд этаяпти. Шунга мувофиқ “Навоийнинг бу маълумотлари шу номли достонларни қиёсий ўрганишни тақозо этади”[2]. Лекин бу беш достоннинг Навоий “Хамса”сига қай тарзда манба бўла олиш принциплари, қонуниятини аниқлаш керак. Аммо бу бошқа ва алоҳида масала. Ҳозирча, Навоийнинг уларни манба сифатида кўрсатиши ҳамда Навоий “Хамса”си талқинида бу достонларни ҳисобга олиш заруратини таъкидлашнинг ўзи кифоя қилади. Навоийнинг ўзи “Садди Искандарий” достонининг пайдо бўлишида Жомий “Хираднома”си”нинг ўрни бор, деяпти. Шу ўринда яна қайси достонлар Навоий асарлари яратилишига асос бўлган, деган савол туғилади. Навоийнинг фикрига суянадиган бўлсак, шундай манзара ҳосил бўлади:

I	II	III	IV	V
“Ҳайрат ул- аброр”	“Фарҳод ва Ширин”	“Лайли ва Мажнун”	“Сабъаи сайёр”	“Садди Искандарий”
↓	↓	↓	↓	↓
“Маҳзан ул- асрор”, Низомий Ганжавий	“Ширин ва Хусрав”, Хусрав Деҳлавий	“Гавҳарнома”, Хожу Ҳимматий	“Ҳафт авранг”, Ашраф	“Хирадномаи Искандарий”, Жомий

Демак, Навоий “Хамса”си ана шу беш тармоққа суянади ва ҳар бир достонни ўрганишда уларнинг манбаи бўйича ҳам тадқиқот олиб бориш зарур.

---

[1] АНМАТ. 16-том. С.26.

[2] Шодиев Э. “Хамса” ва форс-тожик адабиёти” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986. С.92; Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. Т.: Фан, 1989.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қайд этилган бу манбалар билан Навоий достонлари ўртасидаги муносабат ва уларнинг манбавий асоси масаласи ҳали алоҳида тадқиқ қилинмаган, мунозарали жиҳатлари очилмаган. Навоий бу асарини 1499 йилда ёзган, лекин “Хамса”нинг дастлабки тўрт достонида аниқ бир манба учрамайди:

1. “Ҳайрат ул-аброр”да бу достон Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор” асари билан боғланиши ҳақида гап йўқ.

2. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Деҳлавийнинг шу мавзудаги асаридан таъсирланган ҳақида ҳеч нима демаган.

3. “Лайли ва Мажнун”да Хожу Ҳимматийнинг на исми, на асари тилга олинмайди.

4. “Сабъаи сайёр”да Навоий Ашраф ва унинг шу мавзудаги асаридан икки байт бериб, (*СС, 471*) ўртача деб баҳолайди. Лекин ўзининг таъсирланган тўғрисида ҳеч нима демайди. “Мажолис ун-нафоис”да Ашраф кўп вақтини “Хамса” битишга сарфлаганлигини қайд этади, холос[1].

5. “Садди Искандарий”да Навоий фақат Жомийнинг “Хираднома”сидан ўз асарининг композициясини тузишда таъсирланганлигини айтади.

Лекин Навоий ўз “Хамса”сида ўз достонларининг бу манбалар билан боғлиқлигини охирги достондан бошқасида эсламагани шубҳа уйғотади. Навоийшуносликда унинг “Хамса”си таркибидаги достонларни ўрганишда Низомийдан бошлаб Деҳлавий ва бошқа хамсанавис адиблар асарларини қиёслаб ўрганувчи қиёсий-типологик йўналиш мавжуд[2]. Эндиликда, албатта, хамсанависликни кенгроқ ўрганиш ва бунинг учун турли янги манбаларни жалб қилиш лозим бўлади.

Навоийни ўзи қайд этган беш достон билан “Хамса” достонлари ўртасидаги муносабат махсус ўрганилиши керак. Бунда иккита вазифани бажариш ўринли:

А) “Хамса”даги ҳар бир достоннинг Навоий томонидан кўрсатилган достон билан боғлиқлигини қиёслаш, салафлар достонининг манба сифатидаги ўрнини белгилаш;

Б) беш достоннинг “Хамса” достонлари билан муносабати ягона принципини аниқлаш.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар “Хамса”нинг янги қирраларини очиш имконини беради. Навоийнинг “Садди Искандарий” достони вужудга келишида Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” асари алоҳида ўрин тутганлиги, Жомийнинг “афсонагўйлик” борасидаги қарашига Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида муносабат – жавоб билдиргани юқорида айтилди. Ушбу мисоллар, ўз навбатида янада конкретлаштиришни тақозо этади.

Навоийнинг “Садди Искандарий” достони ҳам Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”си ҳам кетма-кет ёки деярли бир вақтда ёзилган. Шу боис Навоий устозининг бу асарини қандай тарзда ёзаётганлигини эшитдим дейди:

Сафо базмининг софи ошоми ул,
Бу дайр аҳли сарҳалқаси Жомий ул.
Эшиттим қилиб зеб дафтар сўзин,
Қилар назм гўё Скандар сўзин (СИ, 640).

[1] Алишер Навоий, 1966, 12-т. Б.14.

[2] Бертельс, Навои и Джами. С.283-417; Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и; Эркинов С. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1974; Нарзуллаева С.Н. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Востока. Автореф. дис... д-ра. филол. наук. Баку, 1980; Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Муҳиддинов, Алишер Навоий ва унинг салафлари, 1995.

Шундан сўнг Жомий асарининг тузилиши, Навоийнинг ўз достонини қандай композиция асосида қурганлиги тўғрисидаги фикрлари берилади: Навоий Жомий ўз достонида Искандарнинг тарихи, турли воқеа ёки афсоналарга эмас, унинг "мақолот" – фалсафий ва ҳикматли фикрларига эътибор қаратганлигини қайд этади:

Вале қилмайин майл ҳолотиға,
Шуруъ айламишдур мақолотиға (СИ, 640).

Шундан сўнг Навоий ўз достонини қайси йўналишда битаётганлигини айтади:

Сурай ҳикматосо мақолотини,
Сўз ичра ажойиб хаёлотини.
Бериб достон зеби элга фиреб,
Сўзидан фиреб ўлғай ортуқси зеб.
Ки, фарзоналар деб кўп афсона ҳам,
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам (СИ, 641).

Демак, Навоий Жомийдан фарқли равишда афсонани фарзона-донишмандлик, фалсафий фикрлар билан қўшмоқчи бўлади. Навоий яна давом этади:

Қадам урсам ушбу ики йўлға мен,
Неким борча дебдур, демиш бўлғамен (СИ, 641).

Яъни Навоий мавжуд икки йўл: (1) фалсафий-назарий қисм (мақолот, хирадномалар) ва (2) афсонани бирлаштирсам, мавжуд ҳамма йўналишни (композицияларни) бирлаштириб ифодалайман, демоқчи бўлади.

Дарҳақиқат, "Садди Искандарий" композицион жиҳатдан аввалги асарлар синтези бўлиб келади. Масалан, Низомий "Искандарнома"сининг, асосан, Искандар юришларини кўрсатувчи биринчи қисми "Шарафнома" деб аталган. "Иқболнома" деб аталувчи иккинчи қисмда эса Искандарнинг кўпроқ донишмандлар билан суҳбатлари, фалсафий мулоҳазалари берилган. Хусрав Деҳлавийнинг "Оинаи Искандарий" достонини эса уч қисмга бўлиш мумкин:

А) назарий кириш;
Б) ҳикоят;
В) воқеа (Искандар билан боғлиқ).

Жомий асарида эса икки асосий бўлим мавжуд:

1. Асосий қисм (қисман Искандар воқеаси, асосан, хирадномалардан иборат).
2. Ҳикоят (асосий қисмдаги ғоя, фикрни тушунтириш учун илова).

Навоийнинг "Садди Искандарий" достони қуйидаги бўлимлар асосига қурилган:

А) назарий қисм;
Б) ҳикоят (назарий қисм ёки унинг сўнгидаги фикрни иллюстрация этувчи);
В) ҳикмат (Искандар ва Арасту ўртасидаги савол-жавоб);
Г) воқеа (Искандар билан боғлиқ)[1].

[1] Бертельс, Навои и Джами. С.380.

Бу уч хил композицияни қиёслаганда кўриниб турганидек, Навоий асари қурилиши Хусрав Деҳлавий асарига яқин. Лекин Навоийда қисмлар ўртасидаги кучли боғланиш мавжуд. Назарий қисмда ўртага ташланган фикр, масала ҳикоятда бирор воқеа орқали, ҳикматда эса Искандар ва Арасту ўртасидаги савол-жавоб ҳамда бадиий илова ва таҳлил воситасида ечим топади. Искандар воқеасида ҳам ўша масала билан боғлиқлик мавжуд. Хусрав Деҳлавий асаридаги қисмлар ўртасидаги алоқадорлик бу қадар кучли эмас[1].

Навоий Деҳлавийдан фақат Искандар воқеасидан олдин "Ҳикмат" қисмини қўшиши билан фарқланмайди. Навоий асари композицияси Жомийга нисбатан кўпроқ афсона – воқеа масаласида фарқ қилади. Чунки Жомий Искандар воқеаси, аниқроғи, унинг юришлари тасвиридан воз кечади. Навоий эса Искандар воқеасини донишмандлик ифодаси билан қўшиб тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Шу боис Навоийда Искандар воқеаси иллюстрацияга айланади ва буни адиб аниқ кўрсатиб, воқеа – афсонани назарий қисм иловаси сифатида тақдим этиш имконияти мавжудлигини Жомийга кўрсатмоқчи бўлади. У Низомий ва Жомийга ўхшаб "Хираднома"ни алоҳида қисмга ажратади. Чунки унинг "Садди Искандарий" асари моҳиятан "Хираднома" эди[2]. Дарҳақиқат, Навоийнинг "Садди Искандарий" асари ўз қурилишига мувофиқ "Ҳайрат ул-аброр"дан ҳикматлар ва иловадаги Искандар воқеасининг ўзаро боғланиши билан фарқланса-да, моҳиятан (фалсафий-дидактик асар сифатида) у билан бир хилдир. Лекин Искандар воқеасининг Навоийдаги салмоғи ва умуман, бадиий асардаги эпик воқеа китобхон диққатини, бошқа қисмларга нисбатан кўпроқ жалб этиши ҳисобга олинса, Искандар юришлари тасвири эътиборни ўзига кўпроқ тортиши табиий туюлади. Навоийнинг мақсади ҳам фалсафий фикр ифодаси ва воқеа тасвирини бир хил даражада беришга интилиш ҳамда шу восита билан "афсонагўйлик"ка ўз муносабатини билдиришдан иборат бўлган. Демак, "Садди Искандарий"нинг "Хираднома"дан фарқли жиҳати, асосан, Искандар воқеасининг берилиши билан намоён бўлади. Лекин бу ҳолат Жомий асари қурилишига афсонани қўшимча тарзда қўшиш мумкинлиги истаги билан юзага келган. Навоийнинг бу асари яратилиши ана шу жиҳатларига кўра Жомий достони билан боғланган. Аммо бу икки асар ғоялари билан бир-биридан фарқ қилади. Е.Бертельс қарашича, Жомийда Искандар образи нақшбандийлик таълимоти ифодачиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлса, Навоий Искандарни "намунавий идеал шоҳ" ёки "адолатли шоҳ" сифатида талқин этади[3].

Юқоридаги фикр "Садди Искандарий"ни ўрганишда "Хираднома" композицион жиҳатдан ўзига хос ўрин тутишини кўрсатмоқда. Эндиги вазифа "Садди Искандарий"даги ғоялар оламига Жомий фикрлари алоқадорлиги, умуман, ғоявий жиҳатдан ўзгача таҳлилга ўтишдир. Шу билан бирга "Садди Искандарий"ни Жомий асари контекстида талқин этиш керак. Илмда Е.Э.Бертельс биз кўп мурожаат этган тадқиқотида "Садди Искандарий" ва "Хираднома"ни кўп жиҳатдан солиштириб ўрганган, лекин биз бу масалага "афсонагўйлик" масаласи ракурсида қарашга интилдик. Бертельс Жомий ўз достонини Навоийдан олдин ёзганлигини таъкидлагани ҳолда, Жомий мазкур асарини Навоийдан кейин тугатган бўлиши керак ва Жомийнинг бу асари "Садди Искандарий"га таъсир этмаган, дейди[4].

---

[1] Имамназаров, Проблемы метода. С.229.
[2] Бертельс, Навои и Джами. С.382.
[3] Бертельс, Навои и Джами. С.362, 408-409.
[4] Ўша асар. С.52.

Бизнингча, Жомий ўз достонини Навоийдан кейин тугатган тақдирда ҳам, унинг “Садди Искандарий”га таъсир этиши табиий эди. (буни Навоийнинг ўзи “Муҳокамат ул-луғатайн”-да таъкидлаганини кўрдик). Жомий асарининг “Садди Искандарий” достонининг вужудга келишидаги манбавий жиҳатлари Навоийнинг автоинтерпретацион фикрлари фонида ўрганилиши керак.

Навоий “Хамса”си талқинида Жомий “Хамса”сининг ўрни масаласи икки “Хамса”ни ўрганиш, уларнинг вужудга келиш жараёнини қиёсий планда тадқиқ этиш, XV аср Ҳирот адабий муҳити ракурсида таҳлил қилиш, айни пайтда Навоий “Хамса”сини талқин этишда Жомий “Хамса”сидан фойдаланиш масаласини кун тартибига қўяди. Буни хронология, кетма-кетлик ва ўзаро таъсир муносабатлари ҳам исботлайди.

Маълумки, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони вужудга келишига Жомийнинг “Туҳфат ул-аҳрор” асари таъсир этган. Лекин Жомий 1481 йил “Юсуф ва Зулайҳо”ни ёзганида, ҳали “Хамса” ёзиш ниятида бўлмаган. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин” достонида Жомийга алоҳида боб бағишлаб, уни мадҳ этади, лекин “Лайли ва Мажнун” достонидан бошлаб унинг асарлари, хусусан, достонларини қайд этишга киришади. Жомийга гарчи “Хамса” тартиб этмаган бўлсанг-да, бешта ганжинг бор, дейди:

Гар “Хамса”ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз қилиб мураккаб.
Лекин киши бўлса фикратандеш,
Ул ганжга ҳам эрур адад беш.
Чун “Силсила”ни айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг анда шайдо.
Чун “Туҳфа”ни эл балоси эттинг,
Жон туҳфаларин фидоси эттинг.
Чун “Субҳа”ни килкинг этти тавзиҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.
Чун қилдинг “Аҳсанул қасас” фан,
Ул қисса улусқа бўлди аҳсан.
“Девон”ники айладинг муҳайё,
Сочти бошиға гуҳар сурайё (ЛМ, 351).

Жомийнинг қуйидаги асарлари тилга олинган эди:

1. “Силсилат уз-заҳаб” (“Силсила”).
2. “Туҳфат ул-аҳрор” (“Туҳфа”).
3. “Субҳат ул-аброр” (“Субҳа”).
4. “Юсуф ва Зулайҳо” (“Аҳсанул қасас”).
5. “Девон”.

Навоий биринчи байтда “гарчи “Хамса” тартиб этмаган бўлса-да”, деб гап бошлаб, беш ганж сифатида Жомийнинг беш асарини келтиряпти. Ҳатто бу ҳисобга девонни ҳам қўшаяпти. Навоий фикрлари ва ёндашуви айни шу пайтда Жомийда “Хамса” ёзиш нияти бўлмаганлигини кўрсатади.

Навоий 1484 йил “Сабъаи сайёр” достонининг Жомийга бағишланган бобида унинг асарларини санайди (*СС, 472*). Улар қуйидагилардан иборат:

1. “Туҳфат ул-аҳрор”.
2. “Субҳат ул-аброр”.
3. “Силсилат уз-заҳаб”.
4. “Юсуф ва Зулайҳо”.
5. “Қасоид”.

Навоий бешинчи асар сифатида яна Жомий шеъриятидан мисол келтиради. Демак, “Сабъаи сайёр” битилаётган 1484 йилда ҳам Жомий “Лайли ва Мажнун” достонини ёзишга киришмаган. Балки “Хамса” яратиш фикрида бўлмаган. 1484 йилнинг охирида Жомий “Лайли ва Мажнун”ни тугатиб, “Хираднома”ни бошлайди (1485 й.). Навоий 1485 йилда “Садди Искандарий” достонини ёзишга киришиб, хамсачиликда Жомийнинг ўз ўрни борлигини исботлайди ва уни мадҳ этади:

Бўлуб жилвагар табъи кўзгусида,
Ки сабт айлади “Хамса” ўтрусида (СИ, 636).

Сўнг Жомийнинг “Хамса” таркибига кирган достонларини санайди (СИ, 636):

1. “Туҳфат ул-аҳрор”.
2. “Субҳат ул-аброр”.
3. “Юсуф ва Зулайҳо”.
4. “Лайли ва Мажнун”.
5. “Хирадномаи Искандарий” (энди яратилмоқда).

Навоий фақат “Садди Искандарий”ни ёза бошлаганида Жомийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Хираднома”, умуман, “Хамса”си тўғрисида гапира бошлайди. Лекин бу рўйхатдан “Силсилат уз-заҳаб” достонини чиқариб ташлайди. Икки “Хамса” достонлари яратилиши хронологиясининг қиёсий жадвали:

Абдураҳмон Жомий	**Яратилган даври**	**Алишер Навоий**
“Туҳфат ул-аҳрор”	1481 й.	
“Субҳат ул-аброр”	1482 й.	
“Юсуф ва Зулайҳо”	1483 й.	“Ҳайрат ул-аброр” “Фарҳод ва Ширин”
“Лайли ва Мажнун”	1484 й.	“Лайли ва Мажнун” “Сабъаи сайёр”
“Хирадномаи Искандарий”	1485 й.	“Садди Искандарий”

Юқоридаги фактлардан кўриниб турганидек, балки дарҳақиқат, Жомий “Туҳфат ул-аҳрор”дан (1483 й.) то “Юсуф ва Зулайҳо”ни ёзиб бўлгунигача “Хамса” тузиш ниятида бўлмаган: бундай фикрга кейинчалик келган. Бу фикрлар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. “Юсуф ва Зулайҳо”да “афсонагўйлик”нинг эскирди, дейилиши унинг “Хамса” яратишдан узоқлашганини кўрсатади.

2. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида афсона мазмун учун “либос” – шакл экани тўғрисидаги фикридан кейин Жомий аввал ёзишни истамаган Лайли ва Мажнун мавзуида достон битади.

3. Навоий “Садди Искандарий” достонини ёзишга киришгунигача Жомийнинг “Панж ганж” номи остидаги бир неча достон ва шеърий мажмуасини эслайди.

4. Навоий “Садди Искандарий” достонини ёза бошлаганидан сўнг Жомий “Хамса”сини тилга ола бошлайди. Жомийда бундай ният “Лайли ва Мажнун” достонини ёзиш жараёнида уйғонган бўлса, ажаб эмас. Жомий “Хамса”сидаги насрий муқаддима кейинчалик киритилган бўлиши мумкин.

Бу фикрлар Жомий “Хамса”сининг вужудга келишида Навоий ва унинг “Хамса”си ўрнини кўрсатади, ўз навбатида Навоий “Хамса”си талқинида Жомий “Хамса”сидан фойдаланиш масаласини ўрганишга ҳам йўл очади. Булар:

– “Туҳфат ул-аҳрор” билан “Ҳайрат ул-аброр”ни қиёслаб ўрганиш;

– Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асаридан анъанага муносабатда тафовутланиши;

– бу икки достонни ишқ ва унинг икки хил бадиий шаклдаги талқини жиҳатидан таҳлил этиш;

– икки шоир “Лайли ва Мажнун” достонлари – бир мавзунинг бир даврдаги икки хил ёритилиши тадқиқи;

– “Садди Искандарий” билан “Хираднома”ни юқорида кўриб чиқилган асосларга кўра қиёслаш.

Бир даврда, бир муҳитда кетма-кет ёзилган бу икки “Хамса”ни кўп жиҳатдан қиёсий ўрганиш зарур. Бундай тадқиқотлар натижасида Навоий “Хамса”сининг янги талқинлари вужудга келиши мумкин. Навоий “Хамса”сини Жомий “Хамса”си билан қиёслаб ўрганиш Навоий бешлигининг янги қирраларини очади. Чиқарилган маънолар аввалгиларини инкор этмайди, балки янги маъно жиҳатларини намоён этади. Зеро, герменевтика таълимотига мувофиқ, бадиий асарнинг қиммати унинг кўпмаънолилигидадир[1].

Жомий ва Навоийнинг “Хамса” яратишда афсоналарга муносабати ҳамда Навоий “Хамса”сидаги автоинтерпретацияга оид бу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш керакки, биз тадқиқотимизда Жомийни “Хамса” ёзишдан онгли равишда узоқлашган ижодкор сифатида тақдим этмоқчи эмасмиз. Навоий бир ўринда Жомийнинг маснавий битиш маҳоратини мақтайди (СИ, 636). “Девони Фоний”да Хусрав Деҳлавийга қилган татаббуъсида достон яратишда ўзининг Жомий билан сафдош, ёнма-ён эканлигидан фахрланади:

Забонам гар куни гўё ба достонҳои ҳамди худ,
Чи Хисрав, балки бо Жомий кунам ҳамдостониҳо[2].

Навоий Жомийга юксак эҳтиром кўрсатади, лекин хамсанавислик анъанасига муносабати, яъни ўз адабий-эстетик қарашларида ундан фарқланади. Буни биз Навоий асарлари моҳияти, мазмун ва шаклини унинг ўзи томонидан талқин этилишида кузатдик. Эндиги вазифа ана шу талқинлардан келиб чиқиб, “Хамса”нинг янги қирраларини ўрганишдир.

Яна шуни ҳам эсда тутиш керак, Навоий ва Жомий қанчалик буюк ва ҳамфикр бўлмасин, ҳамма вақт, хусусан, адабий-эстетик қарашларда бир хил бўлмаслиги, фарқ қилиши табиий ҳол. Даҳонинг асосий хусусиятларидан бири ҳам унинг ўзига хослигидир. Шу боис бу икки

[1] Авдеенко, “Герменевтика”.
[2] АНМАТ. 18-том. Б.58.

адибнинг хоҳ афсона, хоҳ хамсанавислик бўлсин, муносабатда ўз нуқтайи назари бўлишини объектив қонуният деб қарамоқ керак. Ушбу бўлимда биз кузатган Навоий "Хамса"си достонлари билан боғлиқ масалалар, уларнинг вужудга келиш жараёни ва янгича талқинлар учун йўл очувчи манба вазифасини ўтайди. Биз бугунги кунда мумтоз шоирларимиз асарлари ёзилиши тарихини ўрганиш жиҳатдан жуда кам маълумот ёки бошқа манбалардан олинган фикрларга эгамиз, холос. Бунинг учун ушбу жараёнга телеогенетик-ижодий-генетик услубда ёндашишимиз, уларнинг асарларини ўрганиш учун асарнинг шоир назорати остида кўчирилган қўлёзма нусхалари ёки муаллифнинг ўзи талқин қилган ўринларга эга бўлишимиз керак. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарининг ўзи амалга оширган редакциялари ёки девонлари асосида лирикаси бўйича, эҳтимол, бундай ишни қилиш мумкин. Сабаби, масалан, Навоий девонларининг шоир ҳаётлиги даврида кўчирилган бир неча қўлёзмалари мавжуд[1]. Лекин ҳозирча "Хамса"нинг Навоий томонидан бир неча марта ёки кетма-кет ишланган нусхаларига эга эмасмиз: Қўлимизда матншунослик бўйича алоҳида фаолият олиб бориш учун материал кам. Шу боис Навоий асарларида учрайдиган автоинтерпретациялар, қайсидир даражада ижодий-генетик ёндашув ва шоир ижодхонасини билиш учун манба вазифасини ўташи мумкин.

2.4. Навоий "Хамса"сининг иррационал автоинтерпретациялари манбаи

Аввалги бўлимда Навоий "Хамса"сининг диахрон ёндашув асосидаги автоинтерпретациялар ёки автоинтерпретацион қайдлар асосида ўрганиш манбаини кузатдик. Энди "Хамса"га синхрон услубда ёндашиб, уни талқин этишда муаллиф – Навоийнинг иррационал автоинтерпретациялари манбаининг баъзиларига эътибор қаратмоқчимиз.

Шарқ адабиётидаги анъанавийлик, образлар системаси, сюжетларнинг ишланганлиги шоирларнинг ўз фикрларини аввалдан маълум бадиий шакллар замирида ифода этиши

[1] Волин С.Л. Описание рукописей произведений С.Л. "Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях" // Алишер Наваи. Под ред. К.Боровкова. М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. С.203-235; Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Наваи. Том 1-3. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Т.-М., 1955–1961; Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Т.: Фан, 1968; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965; Абдуғафуров А."Хазойин ул-маоний" жумбоқлари" // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994, 4-5-6-сон. Б.9-16; 1995, 1-сон. Б.10-18; 1998, 6-сон. Б.3-10; 2000, 5-сон. Б.3-11; Салоҳий Д. "Бадоеъ ул-бидоя" малоҳати; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби; Салоҳий Д. "Таҳлил ва талқин масъулияти" // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.74-78; Рамазонов Н. "Алишер Навоийда "таҳрирни таҳрир" // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, 1-сон. Б.17-23; Рамазонов Н. "Яна "таҳрирни таҳрир" масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.78-89; Рамазонов Н. "Илк девон"даги расмий деволарга кирмаган ёки ўзгаришлар билан киритилган мисра ва байтлар" // АНМАТ. 20-том. Б.427-508; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011; Имомназаров М. "Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.6-8; Эркинов А. Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққуюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил) // 'Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015. Б.27-43; Эркинов А. "Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони" // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 1-сон. Б.10-18; 2016, 1-сон. Б.19-25; Эркинов А. "Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний"си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил)" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.19-38; Жўрабоев О. "Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2016. Б.34-35; Юсупова Д. "Наводир ун-ниҳоя" фақат ғазаллардан иборат девонми?" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.54-60.

билан боғлиқ. Бу жиҳат ижодкорни муайян даражада чеклайди. “Ижодий жараённинг деярли барча лаҳзаларини йўналтирувчи умумий қонуният чексиз ҳокимият юргизган бундай шароитда, табиийки, ижодий инициатив чегараланади. Ўрта асрдаги муаллиф кўп жиҳатлар – мавзу танлаш, муаммони тасвирлаш ва услубда ҳам чегараланган эди. Унинг учун қонунлаштирилган ва ялпи қабул этилган мавзу ва мотивлар мавжуд эди. Ўша давр ижодкори шахмат доскаси чегарасидан чиқмай, ўйин қоидаларини бузмасдан уларга амал қилаётган шахматчи каби ҳаракат этарди. У аввалдан қонунлаштирилган қоида ва қатъий элементларни инкор этмас ва бирор янги нарса ярата олмасди. Шу боис ўрта асрдаги барча авторлар ўша давр эстетик нормалари асосида яратилган инвариант бирликларни истифода этганлар”[1].

Муаллифнинг фикрида жон бор, дарҳақиқат, ўрта аср ижодкори ўз индивидуаллигини инвариант доирасида ифодалаши лозим эди. Шаклан бу шахмат ўйинига ўхшайди. Шахмат қоидалари бу ўйин турида жаҳон чемпионлари чиқишига, уларнинг ҳар бири ўз услуби ва йўналишига эга бўлишига ҳалақит бермайди. Ўрта аср ижодкори ҳам ўз даври бадиий ижодидаги услубга табиий ҳолат сифатида қараган ва ўз индивидуаллигини инвариант бирлик замирида бера олган. Анъанавий сюжет ва образларни ишлаш, уларни талқин этишда адибларнинг ўз ёндашув ва муносабатларини анъанавий шакл замирида ҳам ифодалаганликларини унутмаслик керак.

Ҳар бир ижодкорнинг анъанавий сюжет ва образлардан фойдаланган ҳолатда ёзган матнини тушуниш, шоир маҳоратини аниқлаш учун инвариант замирига муаллиф қандай янги қараш, фикрлар киритганлигини ўрганиш адабиётшунослик илмининг ишланган, синалган методларидандир. Айни пайтда ижодкорнинг ўз асари ёки ундаги муайян лавҳа, образлар ҳақидаги қарашлари ҳамда ижодий индивидуаллиги ҳам қимматлидир. Биз буни аввалги бўлимда кузатдик. Лекин анъанавий мавзу, образ ва сюжетларни ўз ёндашуви асосида қўллаётган муаллиф анъанавий мавзуни талқин этади. Ўз фикр ва қарашига анъанавий, маълум шаклни мослаштиради ва ижодкор яратган анъанавий шакл доирасидаги янгиликни биз шу йўналишдаги бошқа асарлар фонида (масалан, Навоий “Хамса”си ёки алоҳида достонларни Низомий ва Деҳлавий бешликларига қиёслаш йўли билан) ўрганиб келяпмиз[2]. Аммо инвариант ўрта аср ижодкорининг бутун меросини қамраб олар экан, унинг ижодидаги бир инвариант бирликни бошқаси билан солиштириб ҳам талқин этиш мумкин. Буни агар ўз мавзумизга тадбиқ этадиган бўлсак, Навоий “Хамса”си талқинида уни ташкил этган сюжет, мотив, бўлак каби таркибларни ўзаро бешлик доирасида солиштириш ёки Навоийнинг бошқа асарларидаги шундай жиҳатлар билан қиёсласа бўлади. Шунга кўра икки хил йўналиш мавжуд бўлади:

1. Ички қиёс.
2. Ташқи қиёс.

Бу қиёслар бир шоир ижоди доирасида бўлаётгани ташқи қиёс “Хамса”нинг ўзи эмас, бошқа асарлар доирасида эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг талқин учун қай даражада манба бўлишини кузатамиз.

Исломшуносликда Қуръонни Қуръон орқали шарҳлаш услуби асосида Навоий ижодини унинг ўз асарларидан келиб чиқиб ўрганиш фикри илмда ўртага ташланган[3]. Ана шу йўна-

[1] Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. II. Юнус Эмре. Тбилиси: Университет, 1985. С.156.
[2] Айни йўналишда бирмунча ишлар қилинганлигини китобимиз бошида эслаб ўтгандик.
[3] Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. Б.7.

лишни тушунтириш муносабати билан С.Олимов, “Навоий ижоди уйғун бир тизимдир”, деган. Демак, ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларини янада чуқурлаштириш керак. Чунки Навоий “Хамса”си ҳам яхлит бир тизимдир. Бу тизимни ташкил этувчи бўлакларни ўрганиш, ўзаро қиёслаш умумий организм-тизимни талқин этишга ёрдам беради:

1. Ички қиёс. Навоий “Хамса”сини талқин этишда уни ташкил этувчи достон, образ ва сюжетларни ўзаро қиёслаш йўлидан ҳам бориш мумкин. Лекин биз ҳозир фақат қиёслаш ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Бизнингча, қиёслаш усулида томонлардан бири – талқин этишда асосий эътибор қаратилганини марказга қўйиш, иккинчисидан уни талқин этишда восита сифатида фойдаланиш керак. Асар ёзилган ўрта аср шароитида бир хиллилик асосидаги инвариантларни шундай усул билан ҳам талқин этиш мумкин бўлади. Ижодкор истаса-истамаса ўзи англамаган ҳолда бир хил йўналишдаги инвариантни қўллаш орқали асарини ўқувчи томонидан тушунишга йўл очади. Бунда инвариант тадқиқотчига аналогия усули билан хулоса чиқаришга имкон беради. Қолаверса, бу шарқ адабиётига хос хусусият саналади. Инвариантлар анъанадан келиб чиққан ҳолда турли ўринда бир хил шаклда истифода этилиши натижасида ижодкор асари ва уни ташкил этган образ, қисмларни иррационал тарзда ўзи талқин этади.

1) образлар. “Хамса”да агар бир образ бир неча марта ишлатилса, уларнинг ҳар бири талқинида бошқаларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Дейлик, “Лайли ва Мажнун”даги Мажнунни асар талқини учун “Хамса”нинг бошқа достонларида ишлатилган Мажнун образи билан солиштириш керак.

Масалан, уни “Садди Искандарий”нинг 33-бобида Мажнун ҳақидаги ҳикоятдаги Мажнун билан шу асар 66-бобидаги Лайлидан хат олган Мажнун билан; ёки “Сабъаи сайёр”даги Баҳром образини “Ҳайрат ул-аброр”даги 19-мақолотга илова этилган ҳикоятдаги Баҳром “Садди Искандарий”нинг 54-боби ҳикоятидаги Баҳромгўр билан қиёслаш лозим бўлади. Бу қиёслар воситасида образ иштирок этган асар талқини янада ойдинлашади.

2) сюжетлар. “Хамса”, хусусан, айрим достонларда назарий фикрларни тушунтириш учун илова этилган ҳикоятлар ичида бир хил сюжет кўп учрайди. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг вафога бағишланган 8-мақолотига илова қилинган икки вафодор дўст ҳикояти “Садди Искандарий”нинг 25-бобида деярли ўзгаришсиз такрорланади. Бу ҳикоят “Ҳайрат ул-аброр”да вафодорлик маъносида қўлланилган бўлса, “Садди Искандарий”да ўзаро келишмовчилик қораланган боб сўнгида вафодорлик инсонни қутқаради, деган ғояни илгари сурувчи тўрт байтдаги (СИ, 678) фикрни бадиий тасвирда бериш учун хизмат қилади (“Садди Искандарий”да назарий қисмнинг ҳаммасига эмас, фақат унинг сўнгидаги фикрларга илова қилинган ҳикоятлар ҳам ўрин олган[1]). Бир асар доирасида битта сюжет бир мартадан ортиқ қўлланилар экан, ундан ҳар бирини талқин этишда фойдаланиш мумкин, деган хулосага олиб келади.

3) мотивлар. Бир асарда бир образни ёритишга қаратилган бир нечта мотив бошқа асарларда ҳам шундай маънода қўлланган ўринлар мавжуд. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳод, “Сабъаи сайёр”нинг биринчи ҳикоятидаги Фаррух образи билан боғлиқ, сюжет ривожида асосий ўрин тутадиган мотивлар деярли бир хил. Уларни жадвалда қуйидагича солиштириш мумкин:

[1] Бертельс, Навои и Джами. С.380.

	“Сабъаи сайёр”, “Фаррух ва Аҳий” ҳикояти	“Фарҳод ва Ширин”
1.	*Фаррух фаолияти билан боғлиқ асосий мотивлар*	*Фарҳод фаолияти билан боғлиқ асосий мотивлар*
2.	Таклиф этилган тахтдан воз кечиш	Таклиф этилган тахтдан воз кечиш
3.	Восита (туш) орқали қизни севиб қолиш	Восита (туш) орқали қизни севиб қолиш
4.	Ёр юзидаги парда кўтарилгач, унинг жамолидан ошиқ ҳушини йўқотиши	Ёр юзидаги парда кўтарилгач, унинг жамолидан ошиқ ҳушини йўқотиши
5.	Ҳижрондан азобланиб, маъшуқага етишишга интилиш	Ҳижрондан азобланиб, маъшуқага етишишга интилиш
6.	Отанинг ўғилга ғамхўрлиги (қўшин қўшиб юбориши)	Отанинг ўғилга ғамхўрлиги (даволанишга олиб бориш)
7.	Ошиқ сири мастликда ошкор бўлади (Фаррух – Аҳий)	Ошиқ сири мастликда маълум бўлади (Фарҳод – Шопур)
8.	Сирдан хабардор бўлган дўстнинг ошиққа ёрдами (Аҳий ўз хотинини Фаррухга беради)	Сирдан хабардор бўлган дўстнинг ошиққа ёрдами (Шопур Фарҳодни у излаётган Арманистонга олиб боради)

Кўриниб турганидек, бу икки ошиқ фаолиятини ёритишга қаратилган мотивлар деярли бир хил. Бу ўхшашлик уларни талқин этишда қиёслаш учун ҳам имкон беради. Агар “Хамса” ёки унинг алоҳида достони талқинидан кичик мисолларга ҳам эътибор қаратилса, бундай ўхшаш ўринларни жуда кўп топиш мумкин (масалан, гул ва булбул образи, йил фасллари тасвири, туш кўриш, ҳушдан кетиш, уч тўсиқни енгиб ўтиш, пир-мурид суҳбати ва ҳоказо).

2. Ташқи қиёс. Бунга “Хамса” талқинига хизмат қилувчи инвариантларни Навоийнинг бошқа асарлари билан солиштиришдан ҳосил бўладиган хулосаларни киритиш мумкин. Масалан, ишқ тасвирида “Садди Искандарий”да Лайли хатини олган Мажнун билан “Маҳбуб ул-қулуб”даги худди шундай ҳикоятни, “Сабъаи сайёр”нинг 6-ҳикояти ва “Маҳбуб ул-қулуб”нинг тавозеъ бўлимида берилган Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикоятлар ва ҳоказо. Демак, ижодкор бир асари талқинида бошқа асарларидаги худди шундай инвариант аналоглардан қиёслаш мақсадида фойдаланиши мумкин экан[1].

Анъаналарга асосланган Шарқ адабиётида аналог шакллар қиёси шу аналогик ҳолатларни ўз ичига олган асар талқинида муҳим ўрин тутади. Бироқ муаллиф бир инвариантни бир неча ўринда, ўзи англамаган, мақсад қилиб қўймаган (иррационал) ҳолатда, бошқа ракурс ёки янгидан қўллаш жараёнида асари (масалан, “Хамса”) ёки унинг бир қисмини ўзи талқин этади (автоинтерпретация). Шу боис бу жараённи муаллифнинг иррационал автоинтерпретацияси деб атадик ва асарни талқин қилиш методологиялардан бирининг манбаи, характер ва хусусиятларининг айрим жиҳатларини кўрсатиб ўтдик. Лекин бу ҳолатни кенг миқёсда Шарқ бадиий адабиётига тегишли бўлганлиги учун Шарқ иррационал автоинтерпретацияси деб ҳам аташ мумкин.

Ижодкор меросини талқин этишда унинг ўз асарларига асосланиш герменевтика ва умуман, адабиётшуносликда аввалдан мавжуд. Масалан, Гомер асарларини талқин этиш би-

[1] Айни хулосамиз амалий асоси Мамадалиева Зуҳранинг диссертацион ишида ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. Унда Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр”идаги етти қаср ва “Лисон ут-тайр”даги етти водий ўзаро солиштириб ўрганилган. Қ.: Мамадалиева З. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2011.

лан боғлиқ тадқиқотлардан бирида шундай дейилади: “Гомердаги сўз маъносини фақат Гомернинг ўзидан билиш мумкин. Гомерни тушунтириш учун уни атрофлича, барча майда-чуйдаларигача ўрганиш ва бунда фақат унинг ўзидан фойдаланиш лозим”[1]. Бироқ биз эътибор қаратган иррационал автоинтерпретация ва унинг манбаи бошқаларидан ижодкор меросининг қолган қисмидан талқин этишда восита сифатида фойдаланиш хусусияти билан фарқ қилади. Бундай талқин айни вақтда бадиий матн талқинининг бир методи бўлиб қолади, холос. Манбалардаги анъанавийлик ва шаклий ўхшашлик Шарқ адабиёти ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан характерланади.

Мухтасар айтганда, ушбу бобда Навоий ижоди билан боғлиқ биз кўриб ўтган автоинтерпретация, автоинтерпретацион қайдлар ёки иррационал автоинтерпретация йўналиши манбаи мазкур соҳа ёки мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Албатта, хамсанавислик билан боғлиқ биз қайд этган автоинтерпретация ёки бошқа турдаги муаллиф талқинлари фақат шундан иборат эмас. Масалан, “Садди Искандарий” достонида Искандар ўлимидан сўнг бу дунёнинг ўткинчилиги ҳақидаги алоҳида боб

Ангаким жаҳон комин айлар ҳавас,
Бу афсона танбиҳи ўлгунча бас (СИ, 826)

байти билан якунланади. Навоий ўз достонидаги Искандар воқеаси дидактик характерда эканлигини айтиш билан ҳам ўз асарини талқин этяпти, ҳам унинг ғоявий йўналишини белгилаяпти. Аммо биз ушбу тадқиқотимизда “Хамса” билан боғлиқ барча автоинтерпретацияни кўриб чиқишни ният қилмадик. Мақсадимиз – шу масаланинг мавжудлигини қайд этиш, ўз асарига хос талқиний характердаги фикрларни Навоийнинг ўзи қачондир, қайсидир муносабат билан айтганлиги ва уларнинг талқиний манба сифатидаги ўрнини таъкидлашдан иборат. Биз кўрсатган талқин йўналишлари қандай характерга эга бўлмасин, “Хамса”ни талқин этишда муайян бир ёндашув тури сифатидагина мавжуд бўлади. Умуман, автоинтерпретациянинг юқоридаги турларидан ижодкор меросини талқин этишда фойдаланиш мумкинлиги масаласига манбалар воситасида эътибор қаратиш асосий мақсадимиздир. Хулоса сифатида айтганда, автоинтерпретация манбалари, қандай турда бўлишидан қатъи назар, матн герменевтикаси учун ўзига хос ва қизиқарли маълумотлар бера олади.

1 Бласс, Герменевтика и критика. С.8.

III БОБ. НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ БАДИИЙ, ИЛМИЙ ВА ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ МАНБАЛАРИ

Алишер Навоий “Хамса”сига турли даврда бадиий асарларда айрим қайдлар, тазкира, тарихий асар ва мемуарларда муайян муносабат билдирилган. Бундай муносабат “Хамса”ни тушуниш, баҳолаш, унинг адабий муҳитдаги ўрнини белгилаш жиҳатидан аҳамиятлидир. XV–XX асрлар оралиғидаги Навоий “Хамса”сига доир илмий, бадиий ва тарихий асарлардаги қайдлар ва муносабатлар адабиётшуносликда махсус ўрганилиши лозим. Улар матн талқинида турлича иштирок этса-да, лекин адабий герменевтика учун манба бўла олади. Ушбу манбаларда Навоий “Хамса”си талқинига доир баъзи мулоҳазалар ҳам учраши табиий. Лекин бу фикрларга муайян комплекснинг қисмлари деб қараш уларни бир тизимга солиб бориш лозим.

3.1. Бадиий асарлардаги талқинлар

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари ёзилган давр – XV аср Ҳирот адабий муҳитидаёқ улкан асар сифатида тан олина бошлади. Унга дастлаб Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро юксак баҳо берди. Кейинги даврда “Хамса”га назира боғлаган ёки шу анъанадан фойдаланган ижодкорлар ҳам унга доир ўз қарашларини билдирган. Қуйида биз Навоий “Хамса”си талқини ёки унга муносабатни ўз ичига олган манбалардаги қайдларни таҳлил қиламиз.

Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандарий” (1485 йил) достони хотимасида Навоий “Хамса”си буюк бир асар экани, унинг ўз замонасида юксак ўринга эга бўлганлигини таъкидлайди (бу парча таҳлили тадқиқотимизнинг олдинги қисмида келтирилган). “Баҳористон” (1487 йил) асарида эса Навоийнинг ўн минг байтдан иборат ғазалиёти ва “Хамса”сига асосланган ҳолда уни Шарқ классик адабиётининг Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий каби намояндалари қаторида тилга олади, ўша давр адабий муҳитнинг етакчиси эканини алоҳида таъкидлайди. Жомий Навоий “Хамса”си ҳақида “Баҳористон”да яна қуйидагиларни ёзади:

“*Маснавиёт ки дар мақолаи “Хамса”и Низомий вуқуъ ёфта ба си ҳазор наздик ва ҳамоно ки ба он забон пеш аз вай беҳ аз вай ва беш аз вай касе шеър нагуфта аст ва гуҳари назм на суфта аст*”[1].

Мазмуни:

(Низомий “Хамса”си жавобида ўттиз минг байтга яқин ёзган маснавийлари борки, ҳеч ким ундан олдин бу тилда яхшироқ ва кўпроқ шеър айтгани ва назм гавҳарларини тиза олгани йўқ).

“Кўринадики, устоз қобилиятли шогирдининг салоҳиятини, ижодий ютуқларини зўр тантилик билан тан олибгина қолмай, балки XV асрнинг ўзидаёқ Алишер Навоийга бадиий ижод соҳасининг даҳолари қаторидан жой ажратади”[2]. Демак, Жомий Навоий “Хамса”сини баҳолашда икки жиҳатга эътибор беряпти:

[1] Джами Абдурахман. Бахаристан. М., 1987. С.149.
[2] Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўқитувчи. 1993. Б.87.

А) Навоий “Хамса”сининг ҳажми 30 минг байтдан ортиқлиги;

Б) Навоийнинг салафларидан устунлиги.

Албатта, уни салафлардан устун қўйишда Навоий шаънини юксакка кўтариш, муболаға ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, талабчан ва сўзида собит Жомийнинг бундай фикр билдириши “Хамса”нинг бадиий қимматини намоён этади.

Хожа (XVI аср) “Мақсад ул-атвор” достонини Низомий ва Навоий бешлигининг биринчи достонига жавоб тарзида ёзган. У Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Хотифий ва Навоийни хамсанавислар сифатида санаб ўтади:

Раҳбари бу фанда Низомий эди,
Пир анга Хусраву Жомий эди.
Хотифий эрди бири ул қавмдин,
Бири Навоий эди билгил яқин.
Андаки тартиби калом эттилар,
Ҳар бири бир “Хамса” тамом эттилар.

Хожа Низомий ва Деҳлавий “Хамса”сидаги дастлабки достонларни тилга олиб, улар қанчалик зўр бўлмасинлар, барибир дунёдан ўтди, лекин асарлари қолди, инчунин, Навоий ҳам шундай дейди:

Бири сухандонки Навоий эди.
Ул дағи кўп шеър ила “Хамса” деди.
Мунчаки фазл аҳлиға ул берди панд,
Охир ажал риштасиға бўлди банд[1].

Хожа машҳур ижодкор ҳам бир куни барча ҳамма инсон каби дунёдан ўтади, лекин унинг асари боқий қолади, дея Навоийнинг “Хамса”сини алоҳида таъкидлайди.

Нишотий “Ҳусн ва Дил” достони билан ўзбек эпик шеъриятига янгича мавзу олиб кирди. Нишотий (XVIII аср) бу достонини “Хамса”нинг биринчи достони, яъни Навоий “Ҳайрат ул-аброр” вазнида ёзган. У достоннинг 9-бобида Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий – тўрт ижодкорни буюк хамсанавис сифатида эътироф этади. Ўзини уларнинг шогирди, деб билади:

Сўз бирига “Туҳфат ул-аҳрор” эрур,
Тил бирига “Ҳайрат ул-аброр” эрур.

Низомий, Деҳлавий ва Жомийни санаб дейди:

Ёна бири булбули достонсаро,
Яъни Навоий эрур ул хушнаво.
Тўрт китоб айлади ул тўрт чароғ,
Ваҳ на китоб, они дегил чор боғ[2].

[1] Хожа. “Мақсад ул-атвор”дан намуналар // Асрлар нидоси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. Б.116.
[2] Нишотий. Ҳусн ва Дил, шеърлар. Т.: Фан, 1967. Б.35.

Ушбу таъкидланган китоб “Хамса” эди. У меҳнат ва машаққат билан вужудга келган эди:

Чекти алар меҳнат ила дарду ранж,
Топти анинг ҳар бириси “Панж ганж”.
Тўрттови чун хамса қилиб иртикоб,
Хамса лақаб топти аларға китоб[1].

Нишотий “Ҳусн ва дил” достонини салафлари “Хамса”сидаги биринчи достон вазнида ёзаётганлиги учун уларнинг номини алоҳида қайд этади:

Тўрт китоб андаки мазкур эрур,
Хамсалиғ оти бирла машҳур эрур.
Ҳар бирининг аввалида бир китоб -
Бор эдиким, андин эди фатҳи боб
Бирининг оти: “Маҳзани асрори шавқ”,
Ул бириси: “Матлаъи анвори шавқ”.
Ёна бири: “Туҳфат ул-аҳрор” эди,
Бири анинг: “Ҳайрат ул-аброр” эди[2].

Навоий бешлиги тўғрисидаги фикрлар бадиий асарларнинг кўпроқ анъанавий кириш қисмида, салафларни эслаш ва улар асарларига муносабат билдириш ўрнида учрайди.

3.2. Тазкиралар ва илмий асарлардаги маълумотлар

Навоий “Хамса”си илмий ва адабиётшуносликка оид асарларда ҳам талқин этилган. Бунда ҳам Навоийнинг ўз асарини дастлабки манба сифатида тилга олиш мумкин. Лекин “Хамса” достонларининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридаги талқинига оид фикрлар аввалги бўлимда берилгани боис айни пайтда фақат Навоий ва ундан кейинги даврдаги манбаларга эътибор қаратамиз. Бобур илмий асари бўлган “Мухтасар” рисоласида муайян вазн ҳақида гапириб, Навоий “Хамса”си достонларни ҳам мисол тариқасида келтиради.

Бешликнинг дастлабки достони “Ҳайрат ул-аброр” сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазни тилга олинганда келтирилади: “Бу вазнда доғи хейли маснавийлар айтибтурлар ул жумладин... Яна мир Алишер Навоийнинг “Зубдат ул-аҳрор”идур, пайровлуқ мақоми шайх Низомию Хожа Хусраву мулла Жомийдин истимдод тилаб сўнғи байт иқтиёс тариқи била ўзини қилибтур”[3]. “Мухтасар” рисоласида, шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” (вазни – ҳазажи мусаддаси маҳзуф) достони ҳам тилга олинади: “*Бу вазнда маснавий айтибтурлар ул жумладин, шайх Низомийнинг “Хусраву Ширин”идур ва Хожа Хусравнинг “Ширину Хусрав”и ва мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуфу Зулайҳо”си ва Муҳаммад Усорнинг “Меҳру муштарий”си ва мир Алишер Навоийнинг “Фарҳоду Ширин”и, мавлоно Абул Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулу Наврўз”и..”* [4].

[1] Ўша асар. Б.38.
[2] Ўша асар. Б.40-41.
[3] Бобур. Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.195.
[4] Ўша асар. Б.136.

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни тўғрисида гапириш мобайнида Бобур Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини тилга олади: “*Бу вазнда доғи маснавий кўптур, ул жумладин шайх Низомийнинг “Лайлию Мажнун”и ва Хожа Хусравнинг “Мажнуну Лайли”си ва мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Лайлию Мажнун”и ва мир Алишер Навоийнинг “Лайлию Мажнун”и ва Абдулло Ҳотифийнинг “Лайлию Мажнун”и*” [1].

Ҳафифи мусаддаси махбун вазни тўғрисида гапирганда: “*Бу вазнда барча маснавийға махсус вазнлардин кўпрак маснавий айтибтурлар. Ул жумладин шайх Низомийнинг “Ҳафт пайкар”идур ва Хожа Хусравнинг “Ҳашт биҳишт”и ва мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилатуз заҳаб”и, Шоҳийнинг “Ҳадиқа”си, шайх Авҳадийнинг “Жоми жамм”и ва Абдулло Ҳотифийнинг “Ҳафт манзар”и ва мир Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёра”си*”[2].

Мутақориби мусаммани маҳзуф вазни ҳақида ёзганида Бобур шундай дейди: “*Бу вазнда устодлар ғалаба маснавий айтибтурлар ул жумладин шайх Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”идур, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ва шайх Низомийнинг “Искандарнома”си ва Хожа Хусравнинг “Ойнаи Искандарий”си ва мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”си ва Мир Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”си ва Абдулло Ҳотифийнинг “Темурнома” ва Салмон Соважий “Фироқнома”си панду насиҳату маъваза бобида шайх Саъдийнинг “Бўстон”ига маълум эмаским оламда бўлғай*”[3].

Бобур муайян вазнга риоя этиш, уни қўллаш мисоли сифатида Навоий “Хамса”си таркибидаги достонларни ҳам санаб ўтган.

Навоий “Хамса”сига муносабат билдириш билан боғланган, ундан мисоллар олган илмий манбалар қаторига Муҳаммад Ҳоксорнинг “Мунтаҳаб ул-луғат” (1798 йилда ёзилган) номли меъморлик, мусиқа, география, тригонометрия, астрономия, адабиёт ва хаттотлик соҳасига оид луғатини ҳам киритиш мумкин. Унда Навоий “Хамса”си достонларидан баъзи мисоллар келтирилган[4].

Тазкиралар. Мумтоз адабиётшуносликнинг асосий жанри ҳисобланган тазкираларда “Хамса” Навоий ҳақида гап кетган ўринларда унинг асари сифатида эсланилган ёки бешликка муайян муносабат билдирилиб талқин этилган. Навоий ва унинг ижоди тўғрисидаги фикрларни ўз ичига олган тазкиралар моҳиятан икки гуруҳга бўлинади:

I. Оригинал тазкиралар.

II. Таржима тазкиралар.

I. Оригинал тазкиралар. У муайян муаллиф томонидан тузилган бўлиб, одатда, кўпчиликни ташкил этади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” номли асари 1486 йил форс тилида ёзилган. Муаллиф Навоий ва унинг “Хамса”си ҳақида шундай ёзади: “*Ул латиф табъдан то шу кунгача нимаики содир бўлган бўлса, у унинг маърифатли шайх Низомий Ганжавийнинг, Тангри уни раҳматлантирсин, “Хамса”сидирким, улуғ амирдан аввал бирон кимса бу қадар фазлга эга бўлолмаган. Дарҳақиқат, ўша достонда у фасоҳатнинг додини берган. Биз бу ўринда унинг “Лайли ва Мажнун” достонидан мисол тариқасида икки байт келтирайликким, баҳорга бағишланган бу икки байтда баланд ташбиҳлар, теран ўй-хаёллар мавжуддир. Унинг қолган шеърларини шу икки байтга қиёс қилиш мумкин:*

---

[1] Ўша асар. Б.136.
[2] Ўша асар. Б.200.
[3] Ўша асар. Б.119.
[4] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. III том. Т.: Фан, 1978. Б.136.

Марз узра кияр себарга жавшан,
Шашпар кўтарур бошиға савсан.
Лола варақин бериб сабоға,
Бағри қародек учар ҳавоға.

Унинг латиф таъби, бошқа байтларидаги юксак санъатлар ва бадиийлик шу икки байтдан ҳам маълум"[1].

Давлатшоҳ Самарқандий Навоийнинг "Хамса"сини унинг ижодидаги энг гўзал асардан деб билиб, икки асосий жиҳатига эътибор қаратган:

А) Навоий "Хамса"сининг туркий тилда яратилганлиги;

Б) пейзаж мисолидаги бадиий етуклик асосида "Хамса" қимматини белгилаш.

Тазкирада муаллифнинг Навоий "Хамса"сини баҳолашда иккинчи жиҳат – икки байтли мисол – табиат тасвирига эътибор қаратганлиги, уни мезон учун танлаганлиги муҳимдир.

Сом Мирзо Сафавий "Туҳфаи Сомий" асарини Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси таъсирида, XV–XVI аср бошидаги шоирлар ҳақида (Навоий тазкирасидаги маълумотларга қўшимча равишда) маълумот бериш учун яратади. Бу тазкиранинг "туркий халқлар ва уларнинг шоирлари" номли бўлимидаги "энг йирик фигура Алишер Навоий бўлиб, олтинчи боб унинг номи билан бошланади"[2].

Бироқ тазкира жанр сифатида, асосан, уни тузувчининг ўз замонаси шоирлари ва улар ижоди ҳақида маълумот беришга мўлжалланган учун Навоий, хусусан, унинг "Хамса"си тўғрисидаги фикрлар кейинги давр тазкираларида деярли учрамайди.

Алиқулихон Вола Доғистоний (1712–1756) ўзининг "Риёз уш-шуаро" (1748 йил) номли тазкирасида X–XVIII асрлар давомида яшаб ижод этган 2 минг 594 ижодкор тўғрисида маълумот беради. Жумладан, у Алишер Фоний (Навоий) ҳақида бир қанча фикрларни ўртага ташлайди. Жумладан, "*(Алишер Фоний) уч тилда (араб, туркий ва форсий) шеър ёзар экан, фақир унинг араб тилидаги шеърларини кўрмадим, аммо туркий шеърларини ҳамиша мутолаа қилиб тураман. Туркий тилда ҳар бирининг алоҳида номи бўлган уч девони, турли маснавийлари бор. Масалан, "Наводир уш-шабоб", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Искандарнома", "Назм ул-жавоҳир" ва бошқалар. Аммо Алишернинг туркий тилда битган манзумоти ва бошқа асарлари 23 жилд бўлиб, бу фақир уларнинг ҳаммасини кўриб, файзлар топганман*"[3].

II. Таржима тазкиралар. Бу тур тазкираларга Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари таржималарини киритиш мумкин. Бу тазкира форс тилига 3 марта, усмонли турк тилига бир марта таржима этилган бўлиб, баъзи таржималарда Навоийнинг ўзи ҳам шоирлар қаторида тавсифланган. Фахрий Ҳиротий "Латоифнома" (1521 йил) деб аталувчи "Мажолис ун-нафоис"нинг форсий таржимасини битади. Фахрий Ҳиротий таржима жараёнида тазкирага янги маълумотлардан иборат 9-мажлисни қўшади, Алишер Навоий асарлари рўйхатини келтиради. Бу рўйхатдан Навоийнинг "Сабъаи сайёр", "Маҳбуб ул-қулуб", "Муҳокамат

[1] Давлатшоҳ Самарқандий. "Тазкиратуш шуаро"дан" // Навоий замондошлари хотирасида. Тошкент. 1986. Б.15-16.
[2] Сатторов А. "Тухфаи Сами" Сом Мирзо Сафави как первоисточникдля изучения персидско–таджикской литературы XV– первой половины XVI вв. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1972. С.22.
[3] Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўқитувчи. 1993. Б.73.

ул-луғатайн”, “Лисон ут-тайр”, “Насойим ул-муҳаббат” каби асарлари тушиб қолган. Лирик асарлар рўйхати эса тўлиқ берилади[1].

3.3. Мемуар ва тарихий асарлардаги талқин манбалари

Мемуар асарлар Навоий ва унинг “Хамса”си яратилган давр, бешликка берилган баҳо, хотира, эсдаликлар нуқтайи назаридан аҳамиятлидир. Уларда Навоий замонасида унинг “Хамса”си айнан қайси жиҳатлари билан аҳамият касб этганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ҳусайн Бойқаронинг “Рисолаи Ҳусайний” (1487 йил) асари мемуар асар сифатида ҳам қийматга эга. Навоий “Хамса”си якунланганидан сўнг кўп ўтмай ёзилган ушбу асар хронологик жиҳатдан Жомийнинг бешлик тўғрисида билдирган фикрларидан кейинги ўринда туради. Ушбу рисолани Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) Алишер Навоийга бағишлаб ёзади. Асарда аввал Ҳирот адабий муҳити ва унинг пешвоси Абдураҳмон Жомий, ундан сўнг Навоий тўғрисида сўз боради, Навоийнинг Саид Ҳасан Ардаршерга ёзган шеърий мактубидан парча келтирилади.

Парчанинг Навоий фахриясига оид қисми берилади ва ўқувчи диққати бу билан Навоийнинг “Хамса”ни Низомийга нисбатан тез ёзиб битказганлигига жалб этилади. Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг “Хамса” яратишга оид фикрлари ўз вақтида лофдек кўринган эди, бироқ у ниятига эришди дейди: *“Ул вақтки бу абёт анинг табъидин бош уруб эрди, эл қошида шоирона лоф ва модиҳона газоф кўрунур эрди. Ва алҳақ чун бу хумоюн фурсатда ва бу рўзафзун давлатда “Хамса” панжасиға илик урди ва анинг итмомиға жаҳд келтурди”*[2].

У шу ўринда Низомий ва Хусрав Деҳлавий “Хамса”ларининг ёзиб тугалланиш муддати, таркиби ва ҳажмига ҳам урғу беради: *“Агарчи шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз “Хамса”син машҳур будурким ўттуз йилда такмил берибтур. Ва мир Хисравким, “Хамса” абёти ададин ўттуз мингдин ўн саккиз мингга ихтисор қилибтурур ва шуҳрати мундоқдурурким, олти-етти йилда тугатибдур”*[3].

Навоий бўлса мана шундай улкан ишни қисқа вақтда амалга оширди, дейди:

у *“...кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди ва табъписанд ислоҳлар қилди, бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосиғача ҳамоно икки йил ўтмади ва айтилган авқот ҳисобга кирса, деса бўлғайким олти ойга етмадиким, анинг афсоналари рангинлиғин ва абёти сеҳройинлигин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин мутолаа қилған киши билғай”*[4].

Ҳусайн Бойқаро “Хамса” тўғрисида гапирганда бир неча жиҳатга эътибор қаратди. Унинг бу асарга ёндашуви, асосан, қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардаршерга ёзган шеърий мактубида “Хамса”ни яратиш нияти, режаси борлиги, лекин уни амалга оширишга имконияти йўқлигига эътибор қаратади.

---

[1] Воҳидов Р. “Мажолисун нафоис”нинг таржималари. Т.: Фан, 1984. Б.32.
[2] Ҳусайн Бойқаро. Девон, рисола. Т.: Фан, 1968. Б.164.
[3] Ўша жойда.
[4] Ўша жойда.

2. Навоийнинг бу гаплари одамларга лоф, уйдирма гапдек кўринган эди.

3. У ваъдасини бажарди – “Хамса”ни яратди.

4. Низомий “Хамса”ни 30 йилда, Хусрав Деҳлавий 6-7 йилда ёзиб тугатган, лекин байтлар ҳажмини (Низомийда агар 30 минг байт бўлса) 18 мингга туширди, дейди. Асар ҳажми ва ёзилиш муддатини муҳим деб билади.

5. Салафлардан фарқли тарзда Навоий “Хамса”сини икки йилда ёзди. Ёзишга кетган асл вақт 6 ой эди. Яъни асарнинг тез ёзилиши хамсанависликда фазилат сифатида эътироф этилмоқда.

6. “Навоий, – дейди Бойқаро, – “Хамса” афсоналарини кўнгилга ёқувчи тарзда талқин этди (“афсоналарда дилпазир тафсирлар берди”), уларни янгилади (“табъписанд ислоҳлар қилди”)”.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоий “Хамса”си ҳақидаги фикрлари “Хамса”нинг салафларникидан фарқи, тез яратилганлиги, янгиликка интилишга диққат қаратилгани билан характерланади. Бундай фикрлар замирида Навоий “Хамса”сини баҳолаш, унинг юксаклиги ва қимматини қайд этиш ётади. Бунда муаллифнинг, айниқса, Навоий томонидан афсоналарни янгича, кўнгилга ёқувчи тарзда талқин қилганлигига эътибор қаратиши аҳамиятлидир.

Хондамир ҳам “Макорим ул-ахлоқ” асарида (1501 йил) Навоий ҳақида маълумот беради. Хондамир унда фақат Навоий биографи эмас, балки биринчи библиографи сифатида ҳам намоён бўлади. У турли масала ва муносабат билан Навоий асарлари ҳақида маълумот беради ва муносабат билдиради. Навоий “Хамса”си тўғрисида шундай ёзади: “*Гўзал сифатли амирнинг манзум асарларидан бири туркий “Хамса” бўлиб, 27 минг байтни ўз ичига олади. Шайх Низомийнинг “Панж ганж”и муқобилида тузилган. Бу китобга нозик маънолар ва гўзал фикрлар жойлаштирганлар. Масалан, ҳақиқат эгаси ҳазрат Маҳдумий бу китобни таърифлаб шундай дейди”*[1]. Шундан сўнг Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” достони сўнгидаги биз аввалда келтирган Навоий “Хамса”си борасидаги фикрлари берилади. Хондамирнинг Навоий “Хамса”си ҳақидаги қайдларини қуйидаги жиҳатларга ажратиш мумкин:

А) ҳажмининг катталигига эътибор (27 минг байт);

Б) Низомий “Панж ганж”ига муқобил тарзда яратилганлиги;

В) нозик ва гўзал фикрларга эгалиги;

Г) Жомийдек шахс томонидан юксак бир асар сифатида баҳоланганлигига эътибор қаратиш.

Абулвосеъ Низомийнинг “Мақомоти мавлавий Жомий” асари 1492 йил, Жомий ўлими арафасида ёзилган эди. Унда, асосан, Жомий биографияси келтирилган. Абулвосеъ Низомий бу асарда Жомий биографи сифатида унинг ҳаёти ва ижодини сўфийлик нуқтайи назари фонида тавсифлаган. Асарда Жомийнинг Навоий “Хамса”си ҳақида айтган гаплари келтирилади: “Жомий “Хамса”и Навоийро аз аввал то ба охири аз назар мегузоронад ва Навоиро барои аввалин бор ба забони ўзбеки чунинг асари бузурги пурмазмун ва равон эчод намуданаш табрику муборакбод намуда, ба қилки гуҳаррези у таҳсину офаринҳо хондааст:

Ба туркизабон нақше омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад муҳрилаб.

[1] Хондамир. Макоримул ахлоқ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. Б.48.

Зи чарх офаринҳо бар он килкбод,
Ки ин нақши матбуь аз он килкзод”[1].

Абулвосеъ Низомий бу ўринда Жомийнинг биографи сифатида унинг Навоий асарига берган баҳосига эътибор қаратмоқда. Айниқса, юқоридаги мисоллардек, Навоий бешлигининг туркий тилда яратилганига урғу бермоқда. Бобур “Бобурнома” асарида Навоий “*олти маснавий китоб назм қилибтур, беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлиқ асар ёзди”*, дейди[2].

Навоий даврида ёзилган мемуар асар муаллифлари (Хондамир, Абулвосеъ Низомий) асосий эътиборни Навоий бешлигининг туркий тилда яратилганлиги, Жомий томонидан юқори баҳоланганлиги, ҳажман катта ва тез фурсатда битилганлигига қаратадилар. Айниқса, бешликнинг туркий тилда ёзилганлиги ва Жомий томонидан юқори баҳоланиши бир-бири билан боғлиқдир. Чунки Жомий Ҳирот адабий муҳитининг пешвоси, унинг берган баҳоси эса энг объектив эди. Бунинг устига Жомий Навоий “Хамса”сининг туркий тилда битилганини ҳам катта ҳодиса, ҳам ижобий ҳол деб баҳолайди. Унинг муболаға ва маҳорат билан ёзишича, Навоий бешлигини агар форс тилида битганида эди, салафлар асарларининг қиммати пасайиб қоларди.

“Хамса”га мемуар асарлардаги муносабат, энг аввало, адабий-танқидий табиати билан ажралиб туради. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки “Хамса” эндигина яратилган даврда, аввало, қайси жиҳатдан бўлмасин, баҳоланиши зарур эди. Адабий танқидчилик адабиётшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ҳали шаклланмаган даврда унинг мемуар жанрдаги асар таркибида яшаши алоҳида ҳодиса сифатида эътиборга молик.

Айрим тарихий асарларда тарихий-маданий шароит ҳақида маълумот берилганда Навоий “Хамса”сининг муайян хусусиятлари борасида ҳам қайдлар ифодаланган. Улар ўз навбатида “Хамса”нинг халқ томонидан кенг миқёсда ўқилгани ва қабул қилинганини кўрсатади.

Абдулмўминхон “Том ут-таворих” асарида (бу муаллиф подшо Абдуллахоннинг (1557–1598) ўғли) Навоийнинг беш девон тузганлигини, “Назм ул-жавоҳир”, “Мажолис ун-нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб” ҳамда “Хамса” асарини яратганлигини таъкидлаб, Навоий “Хамса”и туркий бисёр хуб гуфт”, дейди[3].

Мир Саид Шариф Роқим “Тарихи Роқимий” (“Тарихи касира”) асарида (XVII аср) Навоий хизматлари, унинг “Хамса”си, “Чор девон”, “Лисон ут-тайр” асарини тилга олиб, уни “сўз иқлимининг подшоси”, деб атайди[4].

Тарихий асарлардан маълум бир даврда Навоий “Хамса”си мутолаа этилганлиги, унинг кишилар эстетик эҳтиёжларини қондириши ва турли тоифадаги китобхонлар томонидан қабул этилиши тўғрисида ҳам маълумотлар олиш мумкин экан. Муаррихларнинг ўз асарларида бундай фактларни келтириши “Хамса”га ўша даврдаги муносабат, унинг қай даражада шуҳрат топгани, таъриф-тавсифлангани ва талқин қилинганини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий, илмий, мемуар ва тарихий асарлардаги Навоий “Хамса”си тўғрисидаги фикр ва қайдлар талқиний манба сифатида аҳамият касб этади.

---

[1] Вохидов С. “Хамсатул-мутахаййирин” Навои и его роль в изучении литературных связей таджикского и узбекского народов XV в. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе. 1966. С.80.
[2] Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 1981. Б.153.
[3] Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. Б.115.
[4] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. III том. Т.: Фан, 1978. Б.137

IV БОБ. НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРДАГИ ТАЛҚИНИЙ МАНБАЛАРИ

Шарқда китоб ва китобат ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Китобат этилган ҳар бир асар ёки қўлёзма алоҳида адабий-маданий аҳамиятга эга. Шу маънода ҳар бир қўлёзма, китобга киритилган асар матни герменевтика учун қимматлидир. Навоий ҳаётлигидаёқ унинг асарлари кўплаб нусхада кўчирила бошлади. XIX аср охири XX аср бошларига келиб, Навоий “Хамса”си ҳам литографик усулда нашр этилади, ҳам қўлда кўчирилади. Бу ҳолат Навоий асарлари, хусусан, “Хамса”га бўлган эътибордан далолат беради. Умуман олганда, туркий халқлар адабиёти вакиллари орасида Алишер Навоий асарлари энг кўп кўчирилган ва қўлёзма ҳолида тарқалган ижодкор саналади.

Мадрасаларда адабиёт дарси махсус ўтилмаса-да, зиёлилар бадиий адабиётга катта эътибор қаратган. Навоий “Хамса”си асрлар давомида қайта-қайта кўчириларди. “Хамса”нинг хат машқи учун кўчирилган нусхаларидан тортиб, подшоларга тортиқ қилиш мақсадида махсус кўчирилган нусхаларигача учрайди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти фондларида Навоий “Хамса”сининг 166 қўлёзмаси сақланади. Уларнинг 84 тасида “Хамса”нинг барча достони ўрин олган (биз тадқиқотимизда ана шу манбаларга суяндик). Бу миқдор дунё миқёсида олинганда яна кўпайиши мумкин. Жаҳон фондларидаги бу “Хамса”лар беш аср давомида кўчирилган қўлёзмаларнинг бизгача етиб келган, сақланиб қолган қисми, холос. Масалан, ҳатто XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошидаги баёзлардан ҳам Навоий асарлари ўрин олган миқдори бўйича биринчи ўринда турган[1].

Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш, хусусан, “Хамса” талқинини тадқиқ этиш жараёнида унинг қўлёзма китобларда берилиши ва ифодаланишига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Полиграфия санъати йўлга қўйилмаган давр учун “Хамса” матни ёки унинг бирор достонини ўз ичига олган қўлёзма, ҳатто бир вақтда бир котиб томонидан кўчирилган бўлса-да, асар талқинида муайян аҳамиятга эга.

Шарқ маданиятида китобат, хаттотлик санъати алоҳида ўрин тутган: у китоб қилиш, уни кўчириш, безатиш, муқовалаш каби жараёнларни ўз ичига олган. Бу жараёнда бир неча ҳунарманд иштирок этган. Шу боис қўлёзманинг полиграфик ва китобат хусусиятлари мавжуд бўлган. Булар:

- коғози (ранги, сифати, қаернинг маҳсулоти эканлиги);
- сиёҳи (ранги ва сифати);
- хати (даражаси, услуби, қайси хаттотлик мактабига хослиги);
- матннинг жойланиш тартиби (неча устун ва кўринишда берилиши ҳамда сатрлар сони);
- бадиий безаги (шамс, унвон, лавҳа, туғро, зарварақ, қўш зарварақ, доира, нақш, жадвал, миниатюра);
- муқоваси (материали, сифати, безаклари, саҳҳоф ёзуви)[2].

Ушбу хусусиятларнинг ҳосил бўлиши, асосан, китобнинг вужудга келиши жараёнида иштирок этувчи хаттот, рассом ва саҳҳоф фаолияти билан бевосита боғлиқ. Уларнинг ҳар бири, ўз соҳаси билан боғлиқ ҳолда, қайсидир даражада бадиий асар матнини талқин эт-

[1] Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. Т.: Фан, 1981. Б.45-47.
[2] Ўша асар. Б.13.

ган. Бироқ ҳар қандай китобнинг вужудга келишида ҳомий ва ношир масаласи мавжуд бўлиб, у китобни шакллантириш жараёни устидан ё назорат қилган ёки масъулиятни уларга юклаб, ўзи буюртмачи бўлиб қолаверган. Китобнинг ҳосил бўлишида гарчи кўп киши ўз ҳунари билан иштирок этса-да, унинг яхлит ҳолати буюртмачи ёки китобат этувчи хоҳишига қараб ўзгарган. Ёки котиб ўзи хати ҳуснини ошириши учун бир ёки бир неча асарни кўчирганда ҳам муайян принциплардан келиб чиққан ҳолда иш кўрган.

Шу боис биз Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалар талқини масаласини китобатдан бошлашни маъқул кўрдик.

4.1. Китобат талқини ва унинг манбалари

Китобат жараёнини талқин сифатида тушуниш ва тасаввур қилиш учун бирор асарни китоб ҳолида ўқувчига тақдим этишни, қисман бўлса-да, эсга олиш кифоя. Масалан, бир асар ўқувчига турли нашрда турли тарзда тақдим этилиши мумкин. Дейлик, таниқли бир шоирнинг ёшлигида ёзган муҳаббат ҳақидаги бир шеъри эҳтиёж ва аудиториядан келиб чиқиб, турли нашрда чоп этилиши мумкин:

– шоир сайланмасида;
– шоир мукаммал асарлари тўпламида;
– шоирнинг ёшлик лирикаси тўпламида;
– ҳозирги замон шеърияти тўпламида;
– шоирларнинг муҳаббат мавзусига бағишланган шеърлари тўпламида;
– қўшиққа солиб айтилувчи шеърлар тўпламида ва ҳоказо.

Бу рўйхатни нашр турлари (журнал, газета, деворий газета ва ҳоказо)га қараб яна давом эттириш мумкин. Яъни бир асарга тузилаётган китоб мақсади ва йўналишидан келиб чиқиб, турли комбинацияда ёндашилади. Нашрларнинг ҳар бири ана шу шеърни ўзича талқин этади, уни китобга ғоявий-бадиий жиҳати, мақсад ва йўналиши асосида жойлаштиради. Ана шу жойлаштириш асосида матнга муносабат, яъни талқин ётади. Бундай нашр турларининг вужудга келишига давр, ношир, муаллиф, китобхон, олим ва бошқалар сабабчи бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири асарга ўз дунёқараши ва эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Демак, бадиий асарни бирор нашрда, ўтмишда эса қўлёзмада берилиши муайян муносабат ва ундан келиб чиқувчи талқин асосига қурилар экан. Шундан келиб чиқиб, биз бадиий асар матнининг қўлёзмада берилишини китобат талқини деб атадик. Бундай талқин туринининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, талқин гап-сўзсиз, билвосита ифодаланади[1].

Энди Навоий "Хамса"сининг китобат талқинини мисоллар воситасида кузатамиз. Алишер Навоий "Хамса"си уч йўналишда китобат этилган:

I. "Хамса" ва унинг таркибидаги достонлар китобати.
II. "Хамса"нинг Навоийнинг бошқа асарлари билан китобати.
III. "Хамса"нинг бошқа муаллифлар асарлари билан китобати.

[1] Шарқ қўлёзма китобатчилиги хусусиятлари ҳақида қ.: Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М.: ИВЛ, 1986; Ахунджанов Э.А. Историко-типологическое исследование истории книги и книжного дела в туркестане. Древность. Средние века. Автореф. дис... д-ра. истор. наук. Т., 1998.

I. “Хамса” ва унинг таркибидаги достонлар китобати тарихи узун ва ёндашув нуқтайи назаридан қизиқарли. Бу ҳақда гапирганда, аввало, Навоий “Хамса”сидаги достонлар тартиби масаласига тўхталиш лозим. Унинг дастлабки кўчирилиши ва китобат қилинишида Навоий бевосита иштирок этган ва бошқарган. “Хамса”нинг 1485 йил Абдулжамил котиб кўчирган нусхаси таркибидаги беш достон биз бугунги кунда билган тартибга эга бўлмаган. “Лайли ва Мажнун” достони “Хамса”да иккинчи, “Фарҳод ва Ширин” эса учинчи ўринда туради, деган фикрлар ҳам илгари сурилган[1]. Е. Бертельс ўзи фойдаланган юқоридаги қўлёзма ва Шоҳмурод котиб литографияси асосида шундай хулосага келган кўринади. Лекин “Фарҳод ва Ширин” олдин ёзилган, кўчириш мобайнида котиб ёки саҳҳоф туфайли бундай ҳолатга келган, деган фикр ҳам мавжуд[2]. Аслида ҳам шундай бўлган. Чунки аввалги бобда кўриб ўтганимиздек, Навоий хамсанавислик анъанасининг ҳамма жиҳатига, жумладан, Низомийдаги тартибга риоя қилган. Бундан ташқари Навоийнинг ўзи ҳам “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”да “Хамса” таркибидаги достонлар тартибини йўл-йўлакай айтади. Хотифдан Навоийга нидо келганида (8-боб), у

Ясодинг равзаи заркор тарҳин,
Чиқординг “Ҳайратул аброр” тарҳин (ФШ, 162) –

дейди-да, шундан сўнг “Фарҳод ва Ширин” достонини ёзишга йўл кўрсатади. Ёки Навоий “Лайли ва Мажнун” муқаддимасида (5-боб) аввалги икки достони – “Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин”ни ёзиб тугатганлиги ҳақида маълумот беради:

Ким икки бурунгига қўюб гом,
Ком ўлди манга раво саранжом (ЛМ, 349).

“Хамса” каби бир неча достондан иборат асар макон ва замонда, нусха кўчириш, китобат қилиш мобайнида талаб ва эҳтиёжга қараб, турли таркиб ва тартибда ўзгариши – ўрин алмашиши табиий. Форсий адабиётида “Панж ганж” ёки “Хамса” номи жуда кам учраса-да, диний-тасаввуфий характердаги рисолалар йиғиндисига нисбатан ҳам ишлатилган (масалан, Ганжбахш кутубхонасида шундай тўплам бор[3]). Шу билан бирга, “механик” тарзда тузилган йиғма “Хамса” тартиб беришга уринишлар ҳам бўлган: котиблар турли хамсанависларнинг мустақил “Хамса”сидан биттадан достон олиб, йиғма “Хамса” тузган ҳолатлар ҳам маълум. Теҳрондаги Сенат кутубхонасида ана шундай йиғма “Хамса”лар бор. Уларнинг таркиби қуйидагича[4]:

1. Навъий, “Сўзу гудоз”.
2. Вахший, “Фарҳод ва Ширин”.
3. Зулолий, “Маҳмуд ва Аёз”.
4. Файзий, “Нол ва Домон”.
5. Файёз Лоҳижий, “Сом ва Баҳром”.

Бу достонлар мавзуси, бешлик сифатида бир жойга йиғилишига мувофиқ шу жойда қай-

[1] Бертельс, Навои и Джами. С.139.
[2] Нагиева Дж. М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку, 1986. С.92-93.
[3] Алиев, Темы и сюжеты. С.16.
[4] Ўша жойда.

сидир даражада ўз талқинини топяпти. Чунки ҳар қандай қўлёзма ва умуман, китобга киритилган матн муайян муносабат маҳсулидир.

Рус матншунос олими Д. С. Лихачев ўзи ўрганган манбалар асосида биз фикр юритаётган мавзу борасида шундай дейди: тўплам китобларни ташкил этган адабий асарлар орасидаги муносабат турлича бўлиши мумкин. Бунда тўпламдаги асарлар мундарижасига кўра яқин бўлиши ёки тарихий жараён давомида вужудга келган, ё котиб механик ишининг ягона нусхадаги маҳсули ҳам бўлиши, ҳатто муқовасознинг турли давр ва мазмундаги асарларни бир муқова остида бирлаштириши оқибатида юзага келиши мумкин[1].

Дарҳақиқат, китобат талқини, хусусан, "Хамса" китобатида достонлар муайян мақсад асосида ёки шунчаки бир муқова остига бирлаштирилиши мумкинлиги эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Навоий "Хамса"си ва уни ташкил этган достонлар китобати тўғрисида гапирганда икки жиҳат – қўлёзмадаги таркиб ва достонлар тартибининг қандай эканлигига эътибор қартиш керак.

Тартиб масаласи. Навоий "Хамса"си достонлари қўлёзмаларда тўлиқ ҳолда берилганда "Ҳайрат ул-аброр" достони доимо Навоий давридагидек биринчи ўринда келтирилган. "Фарҳод ва Ширин", асосан, иккинчи бўлиб келади. Баъзида иккинчи достон сифатида "Сабъаи сайёр"[2], айрим ҳолларда учинчи ўринда[3]. Лекин бешлик тўлиқлигича берилган қўлёзмаларда Навоий "Хамса"синиг бугун биз билган тартиби, асосан, сақланиб қолган. Достонлар тартибидаги ўзгариш – ўрин алмашиш замирида ҳам уларга бўлган муносабат ётади. Илмда Низомий "Хамса"сидан айрим муҳим қисмлар олиниб, "Хулосаи Хамса" ("бешлик" квинтэссенцияси) деб аталиб, китобат этилган ҳолатлар ҳақида ҳам маълумотлар бор[4].

Ҳатто бундай "Хулосаи Хамса"ларни Навоий тузган ёки улар Навоийнинг бевосита бошчилигида тузилган, чунки бу тип асарларнинг энг қадимийси XV асрга тааллуқли, деган қараш ҳам мавжуд[5]. Лекин Навоий "Хамса"си билан боғлиқ бундай ҳолатларни учратмадик.

Таркиб масаласи. Бунда бешликнинг таркиби ўзгаришга учрайди:

– "Хамса"нинг тўрт достони берилган қўлёзмалар[6];

– уч достон киритилган қўлёзмалар[7];

– икки достон берилган қўлёзмалар[8];

– бир достондан иборат қўлёзмалар[9].

Навоий "Хамса"синиг ҳар бир достони алоҳида, беш жилдда, бирин-кетин китобат қилинганлари ҳам учрайди[10].

---

[1] Лихачев Д.С. Текстология: на материале русской литературы X–XVII вв. М.–Л.: Наука, 1962. С.233.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4439.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7554.
[4] Рудянов Г.М. (о книге): Каграманов Дж., Аллахяров К.Г. Рукописи произведений Низами Гянджеви в мировых хранилищах. Баку, 1987. 87 с. // Реферативный журнал, общественные науки в СССР: литературоведение. 1988. №6. С.174-175.
[5] Нагиева Дж. М. Бакинские рукописи. С.14.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1177; ЎРШИ-1, №7740...
[7] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №978; ЎРШИ-1, №7549...
[8] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №6877; 1810.
[9] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1063; 726...
[10] АНАИР.

Навоий бешлигининг тартиби ва таркибидаги ўзгаришлар замирида, албатта, муайян қонуният ётади. Китобат талқини ва унга хизмат қилувчи манбалар ҳақида ана шу қонуниятдан келиб чиққан ҳолда сўз юритиш мумкин. Масалан, бешликдаги достонлар аслидагидан камайтирилиб кўчирилганида, аксарият ҳолларда "Сабъаи сайёр" ва "Садди Искандарий" достонлари тушириб қолдирилган. Бошқа достонлар тушириб қолдирилган қўлёзмалар ҳам бор. Бизнингча, бунда даврга хос қарашлар, эҳтиёж ва диддан келиб чиқилган.

II. "Хамса"нинг Навоийнинг бошқа асарлари билан китобати. Бунда "Хамса" (баъзан, тўртта ва ундан камроқ достонлар билан) Навоийнинг барча ёки айрим асарлари билан китобат этилади:

Куллиётда берилиши. Навоийнинг ўзи ҳам махсус куллиёт тузган, деган фикр бор[1]. Кейинчалик, шоир асарларини китобхонларга яхлит ҳолда тақдим этиш учун ҳам куллиётлар тузилган. Бироқ Навоий куллиётини ўз ичига тўлиқ олган қўлёзмалар кам учрайди. Масалан, Навоий "Хамса"синг куллиёт таркибидаги нусхаси мавжуд бўлиб, унда "Хамса" достонлари тартиби сақланган ҳолда, достонлар оралиғида Навоийнинг бошқа асарлари ҳам бериб борилган[2].

"Хамса"нинг Навоийнинг айрим асарлари билан китобат қилиниши. Навоийнинг айрим асарлари билан китобат этилган "Хамса" тўпламлари мавжуд[3]. Бундай қўлёзмаларда "Хамса"дан ташқари "Хазойин ул-маоний"ни ташкил этган тўрт девон, "Бадоеъ ул-бидоя" дебочаси (қўлёзмаларда ушбу дебоча алоҳида асар сифатида берилади), "Маҳбуб ул-қулуб" ва баъзида Навоийнинг илмий ёки мемуар асарларидан айримлари берилади.

"Хамса" ва яна битта асар киритилган қўлёзмалар. Бундай манбаларда, кўпинча, "Хамса"га қўшиб Навоийнинг иккита асаридан бири китобат этилган. Булар:

А) "Лисон ут-тайр" билан бирга китобат этилган тўпламлар[4];

Б) "Маҳбуб ул-қулуб" билан бирга китобат қилинган нусхалар[5].

III. "Хамса"нинг бошқа муаллифлар асарлари билан китобати кўп учрамайди. Чунки бундай қўлёзмалар буюртмачи ёки китобат этувчидан нозик таблик ва масъулият талаб қилади. Масалан, Бухорода 1822–1823 йилларда қўйидаги асарларни ўз ичига олган қўлёзма тузилган:

– "Тарихи анбиё";
– "Тарихи мулуки ажам";
– "Мажолис ун-нафоис" (парча);
– "Маҳбуб ул-қулуб";
– "Ўғузнома";
– "Юсуф ва Зулайҳо" (туркий);
– "Лисон ут-тайр";
– "Хамса";
– "Тазкираи авлиё" (Фариддидин Аттор)[6].

Бундай типдаги катта ҳажмли қўлёзмалар кам учрайди. Навоий "Хамса"сидаги бир ва

[1] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Б.15-16.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №31.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №526; 2589; 163; 1248.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №229/2; 224/2; 447/2.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2913/1.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7412.

бир неча достон бошқа муаллифлар асарлари билан китобат этилган ҳоллар ҳам мавжуд. Масалан, Жомийнинг “Субҳат ул-аброр” достони ҳошиясига Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ёзилган нусха учрайди[1]. Муайян асарнинг бошқа асар ҳошиясида берилиши, яъни китобхонларга Навоий бешлигининг бир достонини Жомий фалсафий достони билан бирга тақдим этилиши ўрганишга молик масала (шунга ўхшаш ҳодиса “Хамса” китобатида ҳам учрайди: Низомий “Панж ганж”и ҳошиясига Хусрав Деҳлавий “Хамса”си ёзиб чиқилган қўлёзма бор[2]). Қўлёзмаларда асарни бошқа турли бадиий асарлар билан бирга берилиши муайян муносабат, асарни қабул қилиш асосида вужудга келган бўлиб, ўзига хос талқиний манба бўла олади. Бу “Хамса” китобати, умуман, ҳар қандай баёз, антологиялардаги каби таърифи берилмаган, асарни китобда уюштириш асосига қурилган талқиндир. Бунда матн ва уни ташкил этувчи бўлаклар – “Хамса” ва унинг таркибидаги достонлар муайян жиҳатдан уюштирилади, комбинация асосида талқин этилади.

Бир қарашда таснифларимиздаги қисмлар, уларнинг ички бўлиниши, “Хамса” ва уни ташкил этган достонларнинг ҳар хил комбинацияда келишининг талқинга алоқаси йўқдек. Аслида эса ана шу китобат жараёнидаги ҳар мисол замирида интерпретация, субъектнинг матнга ёндашуви ётади. Агар котиб, ҳатто ҳуснихат машқ қилиш учун асар ёки унинг бирор қисмини кўчирган тақдирда ҳам барибир шу асарни танлаши биланоқ, уни талқин қилади.

1811 йил Навоий “Хамса”си тўлиқ ҳолда Қўқон хони Амир Умархон (1810–1822) фармони билан Қўқонда кўчирилади[3]. Кейинчалик, аниқроғи, 1824 йил яна Амир Умархон буйруғи билан қайта кўчирилади. Мана шу қўлёзмада Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони ўрнига “Лисон ут-тайр” қўйиб китобат этилган. Навоий достонларининг бундай тарзда жамланган нусхаси кам учрайди. Демак, Амир Умархон истаги асосида биринчи достон ўрнига Навоий фалсафий фикрларини умумлаштирувчи, умрининг охирида ёзилган олтинчи достонни киритиш тавсия этилган. Бу ҳукмдор қарашлари ва талабларида муайян ўзгариш бўлганини кўрсатади. Бунинг замирида, дарҳақиқат, муайян қараш, Навоий ижоди, “Хамса”ни XIX аср биринчи чорагидаги тушуниш ва қабул қилиш ётади. Ёки “Хамса”нинг “Лисон ут-тайр” билан бирга китобат этилиши бу асарни олтинчи достон сифатида тақдим қилишдан ташқари, Навоий фалсафаси, дунёқарашини шу тўплам воситасида ўқувчиларга яхлит ҳолда етказишни ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. “Хамса”нинг “Маҳбуб ул-қулуб” билан бирга кўчирилган қўлёзмаларидан ҳам ана шундай мақсад кўзда тутилган: Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини жамловчи асар – “Маҳбуб ул-қулуб”ни бешлик билан бир ўринда бериш орқали Навоий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий фикрлари тўғрисида яхлит тасаввур пайдо қилинган.

Навоий ижоди ҳақида маълумот бериш ниятида тузилган яна бир тур қўлёзмаларда “Хамса” билан бирга “Хазойин ул-маоний”, “Бадоеъ ул-бидоя” дебочаси, баъзида “Лисон ут-тайр” китобат қилинган. Агар юқоридаги олти асарни китобат этиш асосида Навоий дунёқараши ҳақида маълумот бериш бош мақсад саналган бўлса, кейингисида шоир ижодини

---

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8292.

[2] Низомий “Хамса”сига ишланган расмлар. Т., 1985, VI расм.

[3] Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. Қўқон Адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. 1991, (3)57. Б.13. Қўқон адабиёт музейи фондида сақланаётган Алишер Навоий “Хамса”си қўлёзмалари ҳақида қ.: Турдиалиев А. “Қўқон адабиёти музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. T.: Tamaddun, 2017. Б.41-45.

китобхонларга тавсия қилиш асосий мақсадга айланган. Навоий ижоди ва дунёқараши тўғрисида тасаввур беришга қаратилган тўплам таркибига замон ва маконга қараб ҳар хил муносабатда бўлинган. Бир муқова остида шоир асарларининг бирор қисмининг берилиши ёки бошқа адиблар асарлари билан китобат этилиши детерминал заминга, қонуниятга эга: китобат – оқибат, сабаб эса ижтимоий, сиёсий, маданий муҳит ва бошқа жиҳатлар[1].

Навоий "Хамса"си китобатининг юқоридаги турлари, мисоллар ва умуман, бизнинг фикрларимиз Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар ва улар тавсифланган адабиётларга суяниб амалга оширилди[2].

Хулоса қилиб айтганда, Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалари ҳам талқиний манба сифатида хизмат қилади.

4.2. Қўлёзмадан нусха кўчириш талқин сифатида ва унинг манбалари

Агар бадиий асарнинг китобат талқини адабий манбашунослик билан боғланган бўлса, қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнидаги асар матни талқини эса бевосита матншунослик фани билан боғлиқ.

Қадимда китоблар қўлда кўчирилиб кўпайтирилганлиги боис, айниқса, котиб ва хаттотларнинг асарни китоб ҳолига келтиришдаги ўрни катта бўлган. Котиб нусха кўчириш жараёнида ўзини матнга аралашиш, уни ўзгартиришга ҳаққи бор киши деб билган. Нусха кўчириш жараёнида матнга давр руҳи, тили, цензура, ўз позицияси ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, бир оз эркин муносабатда бўлинган, матннинг айрим ўринлари қолдирилиб, қўшиб ёки ўзгартириб борилган. Масалан, Низомийнинг "Искандарнома" достонини кўчирган котиб уни шиа мазҳаби талабларига мослаштирган, халифа Али номини давр ва шароитдан келиб чиқиб Ҳусайн деб алмаштирган, ўз даври учун архаик бўлган сўзларни замонавийларига ўзгартирган[3]. Ёки дейлик, Шоҳмурод котиб Навоий "Хамса"сини литографик нашр учун тайёрлашда асар матнини соддалаштирган, XX аср боши кишиси учун айрим мураккаб ва қийин туюлган сўзларни чиқариб ташлаган[4]. Матнга ана шундай ёндашув матншунослик ишига, шоир асарлари асл матнининг аниқланишига халал беради. Бироқ буларнинг ҳаммаси матн тарихини ўрганишда фойдалидир. Матнни кўчириш жараёнида унга ана шундай муносабатда бўлган котиб фаолияти билан матнни муайян даражада талқин этиб борган. Агар китобат талқинида "Хамса" бирор асар билан комбинацияда берилса, бешлик парчаланиб, бир ёки бир неча достоннинг китобат этилиши яхлит асар матнига нисбатан муносабат бўлганда, нусха кўчириш жараёнида асарнинг ичида бирор ўзгариш амалга оширилган. Масалан, "XVI аср ўрталаридан бошлаб кишиларнинг ўзгарган дидлари эҳтиёжи ҳисобга олиниб, кўпинча, катта асарларнинг айрим бўлакларидан таркиб топган тўпламлар тузила бошланган"[5]. Ушбу фикр Жомийнинг "Туҳфат ул-аҳрор" достони ҳақида айтилган бўлиб, олимлар XVI асрдаёқ бу асардан эҳтиёж ва дидга мос қисм-

[1] Масалан, биз ўрганаётган ҳодиса – асарнинг бошқа асарлар билан биргаликда китобат қилиниши рус адабиётшунослигида "конвой" деб аталади, қ.: Лихачев, Текстология. Б.236.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи; Алишер Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи Қ.Муниров, М.Ҳакимов. Т.: Фан, 1986.

[3] Бертельс, Низами и Фузули. С.463.

[4] Бертельс, Навои и Джами. С.452.

[5] Додхудоева Л., Зиёвиддинова А. "Неизвестный список поэмы Джами "Тухфат ал-ахрор" с миниатюрами" // Жоми ва робитаҳои адаби, китоби аввал. Душанбе, 1989. С.154.

ларни олган.

Навоий “Хамса”си ҳам кўчирилиш жараёнида талқин этилиб, қуйидаги ҳолатлар кузатилган:

1) достон номининг ўзгартирилиши;

2) достон матнидаги ички ўзгаришлар;

3) қўлёзмаларнинг тарқалиши ва нусхалар миқдори.

1) достон номининг ўзгартирилиши, асосан, котиблар томонидан амалга оширилган. Бунда котиб, масалан, асар матнини кўчириш жараёнида сарлавҳани хамсанавислик анъанасига асос бўлган Низомий бешлигига кирган айни шу мавзудаги достон номи билан атаб кетаверган. Айтайлик, Навоий “Хамса”сининг 898 / 1492-93 йилда Ҳиротда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган нусхасида достонлар Низомий достонлари номи билан кўчирилган[1]:

“Ҳайрат ул-аброр” – “Маҳзан ул-асрор”;

“Фарҳод ва Ширин” – “Хусрав ва Ширин”;

“Лайли ва Мажнун” – “Лайли ва Мажнун” (чунки икки бешликда ҳам достонлар номи бир хил);

“Сабъаи сайёр” – “Ҳафт пайкар”;

“Садди Искандарий” – “Искандарнома”.

Мана шундай ҳолатнинг Навоий тириклигида кўчирилган қўлёзмада амалга оширилганлиги ва албатта, бундан унинг бохабар бўлганлиги ушбу ҳодисани диққат билан ўрганиш кераклигини кўрсатади.

Навоий “Хамса”сининг яна бир нусхасида (928/1521-22 йили Шоҳруҳияда кўчирилган[2]) унинг таркибидаги биргина “Сабъаи сайёр” достони “Ҳафт пайкар” тарзида берилган. Қолган достонлар аслидагидек номланган. Навоий “Хамса”си достонлари номининг нусха кўчириш жараёнида бундай тарзда, яъни қисман ўзгартирилиши учраб турадиган ҳодисадир. Демак, Навоий “Хамса”си достонларининг номлари икки хил турда ўзгартирилган экан:

А) барча достон номлари;

Б) баъзи достон номлари.

Достон номлари, энг аввало, кўчириш жараёнида Низомий бешлиги достонлари номига мослаштирилган. Ёки қўлёзмада бешлик таркибидаги муайян достоннинг ўша ҳудудда машҳур бўлган номи берилган. Достон номини ўзгартириш, назирагўйликка асос бўлган Низомий достони номини сақлаш ҳодисаси фақат “Хамса” билан боғланмайди. Масалан, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони 1592–1596 йилларда кўчирилган Навоий куллиёти нусхасида “Китоби “Мантиқ ут-тайр” шаклида берилган[3]. Демак, нусха кўчириш жараёнида анъанага асос бўлган асар номини ўзгартирмай сақлаб қолиш ҳодисасида ҳам анъанавийлик бор экан. Акс ҳолда, ижодкор ҳаётлигидаёқ, унинг асари номи ўзгартирилмаган бўларди. Шарқ тафаккурида анъанага риоя этиш шу даражада бўлганки, масалан, Навоий “Хамса”сининг қўлёзмаларидан бирида “Фарҳод ва Ширин” достони ичида бу достон сюжетига алоқаси бўлмаган, аслида, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ига ишланган анъанавий тасвирдаги миниатюралар ҳам учрайди (“Чўмилаётган Ширин”, “Ширин Хусравни кўрмоқда”[4]).

---

[1] АНАИР. 44, 48, 50, 52, 54-расмлар.

[2] Ўша асар. 60-63-расмлар.

[3] Ўша асар. 232-расм.

[4] Ўша асар. Б.16.

Номланишдаги ўзгаришлар, моҳиятан ва нисбатан Навоий достонига яқинроқ ҳодиса (масалан, “Садди Искандарий” – “Искандарнома”), аммо миниатюралардаги ушбу ҳолат ғалати туюлади.

Навоийга ёш замондош, у билан болалигида кўришган Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ”сида Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини “Тазкират уш-шуаро” деб атайди[1]. Асарнинг асл номини Восифийнинг билишига шубҳа йўқ. “Тазкират уш-шуаро” эса Навоий “Мажолис ун-нафоис”и ва умуман, шу тип ва руҳдаги асарлар моҳиятини ифодаловчи, айни пайтда Навоийдан илгарироқ яратилган Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасининг номи эди. Навоийнинг ўзи ҳам Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу тазкирасини “Мажолис ун-нафоис”да “Мажмат уш-шуаро” тарзида келтиради[2]. Ҳар икки ном ҳам Давлатшоҳ Самарқандий асари характерига мос. Бу далиллар қадимда асарларни номлаш ва аташда муайян эркинлик мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Навоий “Хамса”си қўлёзмаларини кузатиш ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Масалан, Навоий бешлиги достонларининг қўлёзмаларда ўзгартириб берилган номларига мисоллар келтирайлик:

1) “Фарҳод ва Ширин” – “Фарҳоднома”[3];

2) “Сабъаи сайёр” – “Баҳромнома”[4], “Баҳром”[5], “Достони шоҳ Баҳром”[6], “Ҳафт пайкар”[7].

3) “Садди Искандарий” – “Искандар”[8], “Достони Искандар”[9], “Искандарнома”[10], “Қиссаи Малик Искандар”[11]. Ёки котиби номаълум, 1845–1846 йиллар ичида Қўқонда кўчирилган қўлёзмада “Садди Искандарий” достони бошланишидаги сарлавҳа “Ҳазрати Искандар” деб берилган[12]. Бунда Искандар шахсиятига алоҳида эътибор сезилади.

“Ҳайрат ул-аброр” ва “Лайли ва Мажнун” достонлари номи қўлёзмаларда деярли ўзгаришсиз берилган. “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” эса номи энг кўп ўзгартирилган достонлар сирасига киради. Масалан, шоир Шермуҳаммад Мунис (1778–1826) “Сабъаи сайёр” номини 1799 йил кўчирган нусхадаги колофонда “Сабъаи сайёрат” тарзида беради[13]. Аксарият қўлёзмаларда эса Навоий “Хамса”си достонлари номи умуман ёзилмаган[14]. Ёки достонлар 1-дафтар, ё китоб, ё жилд тарзида санаб кўрсатилган[15]. Бу ҳолат Навоий “Хамса”си машҳурлигини кўрсатишдан ташқари, шарқ адабиёти ва китобатида асар сарлавҳаси масаласи бугун биз одатланган тарздан анча фарқ қилганлиги, ном қўйиш даврлар ўтиши билан асарни аташда қатъият мавжуд бўлмаганлигини намоён этади. Асардан нусха кўчириш жараёнида унинг номи ўзгартирилганда бу янги ном достонлар моҳиятига таъсир қилмаганлигини ҳисобга олиш зарур.

---

[1] Зайниддин Восифий, Бадоеъул вақоеъ. Б.126.
[2] АНМАТ. 13-том. Б.135.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4358/1.
[4] Ўша қўлёзма.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9751/2.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9744/2.
[7] АНАИР. 52-расм; Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7554; 1679/2.
[8] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9751/2.
[9] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9744/2.
[10] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7554.
[11] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8831.
[12] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7863.
[13] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2/1.
[14] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1302; 4439...
[15] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8261....

Шу ўринда, асар номини ўзгартириш ҳам ўзига хос талқин ва ёндашув эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

2) достон матнидаги ички ўзгаришлар ҳодисаси икки турга бўлинади:

А) асар қисмлари жойининг ўзгариши;

Б) асар таркибидаги қисқаришлар.

А) асар қисмлари жойининг ўзгариши. Котиблар нусха кўчириш жараёнида асардаги муайян қисмлар ўрнини ўзгартирган. Масалан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони Боку қўлёзмасида боб охиридаги байт, кўпинча, навбатдаги бобнинг биринчи байти сифатида кўчирилган[1].

Бу достонда Навоий ҳар бир боб охирида уч-тўрт байтда соқийга мурожаат этади. Ана шу мурожаатнинг сўнгги байти Боку қўлёзмасида кейинги бобнинг дастлабки байти сифатида тақдим этилган. Лекин буни котиб амалга оширган деб аниқ айтиб бўлмайди. Чунки бундай ўзгариш Низомий достонлари кўчирилган даврдан бошланган. Масалан, Е.Э.Бертельс ҳам бундай ҳолатни кузатганлигини қайд этади: "Низомий ўз "Искандарнома"сининг нисбатан катта бўлакларини икки-уч байтли лирик киритмалар билан ажратади. Бунда "Шарафнома"да соқийга, "Иқболнома"да мутрибга мурожаат берилади, бироқ уларнинг жойлашиш ўрни унчалик аниқ эмас. Чунки эски қўлёзмалар бу киритмалар боб якуни ёки навбатдаги бобнинг кириш қисми бўлиши мумкинлигини аниқлашга имкон бермайди. Эски литографияларнинг катта қисмида улар якун сифатида тақдим этилган. Соқий ва мутрибга мурожаатни бундай бирлаштириш Низомий достонининг икки қисмини яхлит деб ҳисоблаш истагидан келиб чиққандир[2].

Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида эса соқий ва муғаннийга мурожаат Искандар воқеаси тасвирланган бўлим ниҳоясида берилган. Соқий, муғанний ёки муаллифнинг ўз-ўзига мурожаати котиб талқинида ё аввалги, ё кейинги бобга қўшилган. Бу далил, албатта, муайян тадқиқотни талаб этади.

Навоий "Хамса"си қўлёзмаларида уни ташкил этувчи достонлар таркиби кескин ўзгармаган. Масалан, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий "Хамса"лари асосида "Хулосат ул-Хамса" типидаги тўпламлар тузилган, Жомийнинг "Туҳфат ул-аҳрор"идан даврлар ўтиши билан айрим боблар талаб ва эҳтиёжга кўра кўчирилган бўлса, Навоий "Хамса"си достонлари таркиби юқоридаги адиблар бешликларидан фарқли тарзда, аксарият ҳолларда яхлит берилган. Навоий "Хамса"си достонлари алоҳида олиниб, китобат этилган, аммо муайян достон ҳажмининг кескин қисқартирилиши ёки камайтирилиши кам учрайди.

Навоий "Хамса"сининг 1820–1822 йилларда Бухорода кўчирилган нусхасида "Ҳайрат ул-аброр" композициясига кичик ўзгартириш киритилган ўрин мавжуд[3]: ушбу достон сўнгида Навоий ўзининг бу асарни яратиши ва унда айтилган фикрлари кескинликка йўйилмаслиги учун оёғи тойиб йиқилиб, шоҳ бошига ош тўкиб юборган қул ҳақидаги ҳикоятни келтиради (64-боб). Шоир камтарлигининг бадиий ифодаси бўлмиш ҳикоят қайд этганимиз қўлёзмада достон бошига кўчирилиб, учинчи ва тўртинчи муножотлар оралиғида берилган. Достон матни охирида эса берилмаган. Бизнингча, котиб бу ҳикоятнинг ўрни достон бошида деб, ҳам асар композициясига нисбатан ўз муносабатини билдирган, ҳам достонни талқин этган.

---

[1] Нагиева Дж. М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Б.91.

[2] Бертельс, Навои и Джами. С.337.

[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.

Б) асар таркибидаги қисқаришлар. Бу ўринда қўлёзмаларда “Хамса” таркибидаги достонлар матни билан боғлиқ қисқаришлар тўғрисида сўз юритиш жоиз. Масалан, юқорида таъкидлаганимиз оёғи тойиб йиқилган қул ҳақидаги ҳикоят бир неча қўлёзмада тушириб қолдирилган[1].

Навоий бу билан ўзини ўқувчилар олдида қулдек ҳолатда – хизматдалигини алоҳида таъкидламоқчи бўлган. Сарой муҳитига Навоий каби яқин бўлмаган котиблар XIX асрдаги шароитдан келиб чиқиб, бундай ҳикоятни ўзлари кўчирган нусхага киритишни лозим топмаган.

“Хамса”нинг яна бир нусхасида “Садди Искандарий” достонидан қисқартирилган ўрин мавжуд. Котиб унинг сўнгги тўртта бобини тушириб қолдирган ва асарни “юқори мастур бўлғон...” (85-боб) боби билан якунлаган[2].

Аммо ушбу боб ҳам тўлиғича берилмаган. Бундан етти донишманднинг Искандарга қилган насиҳатлари (хирадномалари) ўрин олган. Котиб бу етти хирадноманинг бешинчисидан кейин бобни ҳам, достонни ҳам якунлаган. Матн ичида хирадномаларни рақамлаб қайд этиб борган. Бизнингча, котиб “Хамса” бешта достондан иборат бўлгани боис бешинчи хирадномадан кейин тугатиб қўя қолган. Бу жиҳатга диққат қаратиш истаги кейинги тўрт бобдан буткул воз кечишга олиб келган.

Қўлёзмалардан бирида “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи бобидаги дастлабки 13 байт тушириб қолдирилиб, унинг ўрнига Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги етти байтдан иборат ғазал қўшиб кўчирилган[3]. Ушбу достоннинг биринчи боби бошланишида “бисмилло...” калимасининг моҳияти таърифланади. Котиб айнан мана шу жойни олиб ташлаган. Лекин унинг ўрнига қўйилган ғазал фалсафий-тасаввуфий бўлиб, композицион жиҳатдан боб руҳиятига унчалик уйғунлашмаган. Бизнингча, котиб достонни айни шу ғазал билан бошланишини истаган.

Демак, котиб асар матнига нисбатан ўз ёндашуви ва муносабатини билдириши, уни ўз дунёқараши ва диди асосида талқин этиши, китобхонга тақдим қилиши мумкин бўлган.

3) Қўлёзмаларнинг тарқалиши ва нусхалар миқдори асар талқинида муҳим ўрин тутади. Бунга ҳатто асардан нусха кўчириш жараёнидаги талқинлардан бири сифатида қараш мумкин. Муайян муҳит ва даврдаги асар нусхалари талаб-эҳтиёждан келиб чиқади ҳамда асарни қабул ва талқин қилишни кўрсатади.

Масалан, Навоийнинг насрий мероси ичида энг кўп кўчирилган асари “Маҳбуб ул-қулуб” бўлиб, унинг қўлёзмалари адибнинг бошқа насрий асарларига нисбатан тез-тез учраб туради[4]. Айни миқдорий кўрсаткич “Маҳбуб ул-қулуб” мазмунига маънавий эҳтиёж тарзидаги ўзига хос муносабат бўлиб, герменевтика учун объект сифатида хизмат қила олади.

Ҳирот адабий муҳитида Навоий “Хамса”си Султонали Машҳадий томонидан 1491–1501 йиллар мобайнида уч марта кўчирилган[5]. Шаҳрисабзда эса Ёрмуҳаммад Қора Шаҳрисабзий бу асарни беш маротаба кўчиради[6]. Каримжон ибн Раҳимжон номли хаттот эса бу асарни Қўқонда етти марта кўчирганлиги ҳақида маълумот бор. Қўқон Адабиёт музейи катта

---

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №162; 1429/1; 404; 224/2.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1810.
[4] Алишер Навоий: Қомусий луғат. I жилд. Т.: Sharq, 2016. Б.331.
[5] Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. Урганч: Хоразм, 1996. Б.103.
[6] Шулардан учтаси: Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №3592/1; 8261; 13242.

илмий ходими Аҳмаджон Мадаминов (1926–2008)нинг маълумот беришича, шу шаҳарда яшовчи 91 ёшли Бакир Ғофуров Навоий “Хамса”сининг ўз отаси илтимоси билан кўчирилган нусхасини айни музейга топширган[1]. Асар сўнгида котиб исми келтирилади:

Вагар Роқимин кимса жўён эрур,
Каримжон ибн Раҳимжон эрур.

Шу саҳифада хаттот “Хамса”нинг кўчирилишига доир таърихни айтган:

Муҳаммад Ғофир улким, фазли ҳақдин,
Халойиқ ичра етмиш беҳад икром.
Камолу фазойилдин худованд,
Анга қилмиш ниҳоятдин кўп инъом.
Талаттуфдин мени мафтунға қилдим,
Навоий “Хамса”син бутмакка аҳком.
Мен айлаб ҳукмиға ўзумни маҳкум,
Китобат ичра ўткардим кўп айём.
Туганмай умрум айёми, туман шукр,
Туганди бу китобу топти итмом.
Тугангач, илтимос эттим хираддин
Ки, таърихидин этгай доғи эълом.
Деди пири хирадким, топти охир,
Биҳамдиллаҳ, етинчи “Хамса” анжом (275)[2].

“...етинчи “Хамса” анжом” ибораси таърих санаси бўлиб, 1273/1857 йилни англатади. Айни вақтда бу ибора котиб Каримжон ибн Раҳимжоннинг “Хамса”ни етти марта кўчирганлигини билдиради[3].

Бакир Ғофуровнинг айтишича, отаси – Муҳаммад Ғофур Муҳаммад Яъқуб ўғли ўз даврининг фозил кишиларидан бўлган. Мазкур зот ўз меҳмонлари – адабиёт ихлосмандларини уйига тез-тез таклиф қилиб, китобхонлик, навоийхонлик қилиб турган, банорас тўқиш касби билан шуғулланиб рўзғор тебратган, 1904 йили вафот этган...

Асарга бир котибнинг такрор-такрор мурожаат этиши унга шу даврда бўлган эҳтиёждан келиб чиқади ва асарни талқин ҳамда қабул қилиш билан боғланади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, подшолар ва уларнинг кутубхоналарида сақлаш учун мўлжалланган “Хамса” нусхалари бадиий жиҳатдан безалиши билан ажралиб турган[4]. Худди шундай безатилган қўлёзма 1845–1846 йилларда Бухорода котиб Абдукарим томонидан кўчирилган бўлиб[5], нусха сўнгида бир неча саҳифада подшонинг шажараси берилган. 1881 йил, яъни қўлёзма кўчирилганидан 35 йил ўтгач, Мақсуд исмли киши унга Бухоро яқинидаги Фатҳобод деган жойда Бухоро амири Саййид Амир Музаффар (1861–1885) ша-

[1] “Меҳнат байроғи”, 1984, 19 февраль.
[2] Алишер Навоий. Хамса. Қўқон Адабиёти музейи, №6664. Варақ 275а.
[3] Каримжон ибн Раҳимжон кўчирган “Хамса”лардан яна иккитаси Тошкентда сақланади: Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1997, 1856 йили кўчирилган; Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №13126, 1879-1880 йилларда кўчирилган.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8817/2.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9751/2.

жарасини қўшади[1]. Амир шажарасининг айнан “Хамса” қўлёзмасида ёзилиши, албатта, тасодиф бўлмай, балки асарнинг қадри баландлигини кўрсатади.

“Хамса” қўлёзмаларда тўлиқ ва бештадан кам миқдорда кўчирилганини жадвалда кузатамиз. Асар қўлёзмаларининг аксарияти XVIII–XIX асрларда уч мустақил хонлик ҳудудида кўчирилганлиги боис уларни ҳисоблашда таянч қилиб олдик:

Достонлар миқдори / **Хонликлар (ҳудудлар)**	5	4	3	2	1	**Жами**
Бухоро	34	2	6	1	8	51
Қўқон	17	5	3	5	7	37
Хива	22	2	4	2	13	43
Шарқий Туркистон	7	3	2	1	2	15
Ноаниқлари	4	2	3	1	10	20
Жами	84	14	18	10	40	166

Биз ушбу тадқиқотда таянч қилиб олган “Хамса”нинг тўлиқ 84 нусхасидан 34 таси Бухоро амирлигида, 17 таси Қўқон хонлиги, 22 таси Хива хонлиги ва 7 таси Шарқий Туркистонда кўчирилган. Тўрт тўлиқ нусханинг кўчирилган жойи аниқ эмас. Қизиғи шундаки, ўзбек тили ва адабиёти кенг қўлланган ва ривожланган Қўқон ва Хива хонлигига нисбатан адабий муҳитида форс тили етакчилик қилган Бухоро амирлигида “Хамса” кўпроқ кўчирилган. Бизнинг назаримизда бунинг воситасида ўзбек тилидаги адабиёт бўшлиғи тўлдирилган.

Шарқий Туркистонда “Хамса”нинг 15 та турли нусхаси учраши, албатта, эътиборга молик. Қолаверса, бу унинг тарқалиши географияси кенглигини намоён этади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, “Хамса” таркибидаги достонлар миқдоридан қатъи назар, асосан, уч хонлик ҳудудида кўчирилган. Ушбу жараёнда парадоксал бир ҳолат мавжуд: “Хамса” нусхалари ичида бешта ёки битта достон берилган қўлёзмалар нисбатан кўпроқ учрайди.

Энди жадвалда фақат битта достонга эга нусхалар миқдорини кузатамиз:

“Хамса” / **Регионлар (хонликлар)**	**“Ҳайрат ул-аброр”**	**“Фарҳод ва Ширин”**	**“Лайли ва Мажнун”**	**“Сабъаи сайёр”**	**“Садди Искандарий”**	**Жами**
Бухоро	3	–	1	4	–	8
Хива	8	2	2	1	–	13
Қўқон	3	–	1	3	–	7
Шарқий Туркистон	1	–	–	–	1	2
Ноаниқлари ёки бошқа	3 *(биттаси Жуздонда, Хуросон)*	2	2 *(биттаси Хуросонда)*	1	2	10
Жами	18	4	6	9	3	40

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9751/2, 325б-328б.

Жадвалдан кўриниб турибдики, “Ҳайрат ул-аброр” достони нисбатан кўп кўчирилган экан. Ушбу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкин: Марказий Осиёдаги учта хонликда бу даврда нисбатан маданий-маънавий юксалиш бўлганига қарамай, фалсафий-сўфиёна достонлар ўқувчилари доираси торайган. Ўтмиш адабиётини фақат зиёли, маълум тайёргарликка эга китобхонлар қабул қилган ва талқин этган. “Хамса” достонларининг танлаб китобат этилиши китобхон диди ўзгарганидан дарак беради.

Навоий “Хамса”сининг муайян ҳудудда кўчирилгани ва даври тўғрисидаги тасаввурни янада кенгайтириш учун бу масалани асар энг кўп кўчирилган ҳудуд – Бухоро хонлиги мисолида кўриб чиқамиз[1]. Манғитлар ҳукмдорлиги (1747–1920) даврида Бухоро адабий ва маданий муҳитида нисбатан форс-тожик тилдаги ижодкорлик етакчилик қилган. Бизга XIX–XX аср бошларида Бухоро хонлигида яшаб ижод этган бир неча ижодкор номи маълум. Навоий “Хамса”си бу ҳудудда кўпроқ кўчирилганлигини юқорида кўрдик. Қуйидаги жадвалда Навоий “Хамса”сининг Бухоро хонлигида кўчирилган ҳудудлари ва даврлари ўз аксини топган (бунда фақат тўлиқ – беш достонни ўз ичига олган қўлёзмалар назарда тутилган):

[1] Erkinov A. “Les manuscrits du Khamsa de `Alî Sher Nava`i et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits” // Boukhara-la-Noble [Cahiers d’Asie Centrale 5–6], Tachkent-Aix-en-Provence, 1998. P.169-180.

Жадвал[1]

№	Бухоро хонлиги ҳудудлари				Нусханинг кўчирилган йили	Сақланиш ўрни ва инвентар рақами
	Бухоро ва унинг атрофи	Самарқанд	Қарши	Шаҳрисабз		
1.	+				1801–1802	ЎРШИ-1, 4358/1
2.	+				1820–1822	ЎРШИ-1, 4238
3.	+				1822–1823	ЎРШИ-1, 7412/8
4.				+	1821–1825*	ЎРШИ-1, 3592/2
5.	+				1825–1826	ЎРШИ-1, 185/6
6.	+				1826–1827	ЎРШИ-1, 9744/2
7.				+	1829–1830	ЎРШИ-3, 2913/1
8.				+	1828–1831*	ЎРШИ-1, 8261
9.				+	1833**	ЎРШИ-1, 3599/1
10.				+	1833–1834 *	ЎРШИ-1, 13242
11.			+		1834–1835	ЎРШИ-1, 11301
12.			+		1836–1837	ЎРШИ-1, 8198
13.					1841–1842	ЎРШИ-1, 9469
14.	+				1841–1842	ЎРШИ-1, 4438
15.	+				1841–1842	ЎРШИ-1, 7439
16.	+				1848–1849	ЎРШИ-1, 6128
17.	+				1845–1846	ЎРШИ-1, 9751/2
18.	+				1846–1849	ЎРШИ-1, 4440/1
19.		+			1849–1850	ЎРШИ-1, 1708
20.	+				1849–1850	ЎРШИ-1, 9287/1
21.		+			1851–1852	ЎРШИ-1, 162
22.	+				1851, 1854	ЎРШИ-1, 186/1
23.		+			1855	ЎРШИ-3, 4047/2
24.	+				1855–1857	ЎРШИ-3, 142
25.				+	1857–1858	ЎРШИ-1, 3464
26.	+				1856–1860	ЎРШИ-1, 5196
27.				+	1861 **	ЎРШИ-1, 11946/1
28.	+				1865–1866	ЎРШИ-1, 9743
29.	+				1865–1866	ЎРШИ-1, 9495
30.	+				1865–1866	ЎРШИ-1, 5984/2
31.	+				1879, 1882	ЎРШИ-1, 9471
32.	+				1885	ЎРШИ-3, 2101
33.	+				1887–1890	ЎРШИ-1, 1316
34.	+				1888–1990	ЎРШИ-1, 5197
Жами	22	3	2	7		

[1] * белгиси котиб Ёрмуҳаммад Шаҳрисабзий кўчирган қўлёзмаларни билдиради. Самарқандда (Самарқанд Давлат университети, №1008817) ва Тошкентдаги бошқа бир фондда (Ўзбекистон Миллий университети, №179884) ҳам бу котиб қаламига мансуб қўлёзмалар мавжуд.

** белгиси билан котиб Муҳаммад Юнус Бобожонхожа Шаҳрисабзий томонидан кўчирилган қўлёзмалар белгиланган. Бу асарнинг яна бир нусхасини у Тошкентда кўчирган (Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9350/1).

Навоий “Хамса”сининг Бухоро қўлёзмалари 1580 йилдан бошлаб учрайди[1]. Унинг яна 1591 ҳамда 1682 йили кўчирилган нусхалари мавжуд[2].

Бухоро хонлигида “Хамса”, айниқса Амир Ҳайдар (1800–1825) ва Амир Насрулло (1826–1860) ҳукмронлиги даврида кўп кўчирилган. Ҳудудий дифференцация жиҳатдан Бухоро ва унинг атрофи (22 нусха) ҳамда Шаҳрисабз (7 нусха) етакчилик қилади.

Муайян ҳудуддаги адабий эҳтиёж ҳам асар қўлёзмаларининг вужудга келишига таъсир этади. Масалан, 1821–1876 йиллар мобайнида Шаҳрисабзда мазкур асар 8 марта кўчирилган. Бунда котиб Ёрмуҳаммад Шаҳрисабзийнинг (5 нусха) ва Муҳаммад Юнусхожа ибн Бобожонхожа Шаҳрисабзийларнинг (2 нусха) ўрни алоҳида.

Бу асарга Шаҳрисабзда кўп эҳтиёж сезилган ва мурожаат қилинганлигининг этник ва маданий асослари бор: “Сабъаи сайёр”даги учинчи ҳикоят бевосита Шаҳрисабз билан боғлиқ. Унда Саъд исмли кишининг Мисрдан Шаҳрисабзга сафари билан боғлиқ саргузаштлари тасвирланган. Навоий “Хамса”сида Шаҳрисабз билан боғлиқ ҳикоят борлиги учун у бу ерда кўп ўқилган ва кўчирилган.

Шаҳрисабзликлар Саъднинг ўз юртларидаги сеҳрли саргузаштларини ўқиб, қуйидагича хулосага келганлар: Навоийнинг бу ҳикоятни ўз асарида келтириши бежиз эмас. Навоийнинг Самарқандга борганлиги маълум (у Ҳиротдан Самарқандга келиб, у ерда 1465–1469 йиллар мобайнида яшаган), бу ҳолда Навоий Шаҳрисабз орқали Самарқандга олиб борувчи Китоб тумани ҳудудидаги Тахтақорача тоғ довонидан ўтган.

Кишининг туғилиб ўсган ерига бўлган улкан муҳаббати уни бутун умри давомида киндик қони тўкилган жойга тортади. Марказий Осиёда эса бу жиҳат маҳаллий аҳоли психологиясининг алоҳида қиррасига айланган. Навоий “Хамса”си ҳам Шаҳрисабз афсонаси сабабли бу ҳудудда кўп кўчирилган ва Навоий асари ҳамда шахсиятига алоҳида эҳтиром билан қарашган.

Фикримиз исботи учун Шаҳрисабз билан боғлиқ яна бир мисол келтирамиз. Бу ҳудудда форс-тожик тилидаги “Қиссаи Мирза Ҳамдам” асари ҳам кўп кўчирилган[3]. Бу халқ қиссасида Абдураҳмон Жомийнинг Мирзо Ҳамдам исмли болага бўлган мажозий меҳр-муҳаббати тўғрисида гап боради. Ҳатто Навоий “Хамса”сининг бу насрий асар билан бирга кўчирилган нусхаси ҳам мавжуд[4]. Бу қиссада Жомий Мирзо Ҳамдамга ғойибона меҳр қўяди ва дарвиш кийимини кийиб Самарқандга йўл олади. Бу шаҳарда Хитой буғрохони ва Ҳирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро иштирок этган тўқима воқеалар рўй беради. Шаҳрисабзликлар Ҳиротдан Самарқандга келаётган Жомийни Шаҳрисабздан ўтган бўлиши керак, деб ўйлаганлар. Бунинг натижасида мазкур қисса Шаҳрисабз котиблари томонидан бир неча марта кўчирилган бўлиши керак.

Бухоро хонлигида Навоий “Хамса”си турли ҳукмдорлар даврида кўчирилган. Шаҳрисабз додҳоси (кейинчалик рус армияси генерали) Жўрабек (1840–1906) бу асарни кўчиришни Муҳаммад Юнусхожа Шаҳрисабзийга топширган[5]. Маълумки, Жўрабекнинг қўлёзмаларга бой кутубхонаси бўлган. Рус шарқшуноси В.В. Бартольд ҳам бу кутубхонани тилга олган.

---

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2630/1.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752.
[3] Масалан, Алишер Навоий. Хамса, ЎРШИ-3, №4505, 1895 йили Шаҳрисабзда кўчирилган, котиб – Мулла Муҳаммад Аминбек мирохур Хивақ.
[4] Алишер Навоий. Хамса, ЎРШИ-1, №186, 1851, 1854 йилларда Бухорода кўчирилган, котиби Раҳмонқулбек мирохур.
[5] Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани. Т.: Мерос, 1996. Б.43.

Жўрабек кутубхонасида Навоий “Хамса”сининг яна бир нусхаси мавжуд бўлган[1]. Генерал Жўрабек “Хамса”га алоҳида эҳтиром кўрсатган.

Шарқшунос олим А.А.Семенов ўз вақтида Навоий “Хамса”сининг қўлёзмаларидан бирига алоҳида эътибор қаратган эди[2]. “Ҳайрат ул-аброр” қўлёзмасининг дастлабки саҳифасига йирик бир мактуб ҳам ёпиштирилган. Мактуб Бухоро ҳукмдори Абулфайзхон (1711–1747) тилидан Нодиршоҳ Афшорга (1736–1747) ёзилган бўлиб, у сўнгги Аштархоний ҳукмдор ва Бухорони забт этган Эрон ҳукмдори ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади[3]. Ушбу мактуб жавоб характерида бўлиб, ўзида қуйидаги маълумотларни жамлаган:

1. Ҳукмдор Абулфайзхон Муҳаммад Раҳимхонни (1747–1758) унинг отаси Муҳаммад Ҳакимбий (1740–1743) ўрнига оталиқ вазифасига тайинлагани тўғрисида маълумот беради. Мактуб муаллифи Хонзодни саройга, ўз олдига, юборишини сўрайди;

2. Хожа Калонхожа улфатнинг ўғирланган 12 минг нодирий миқдордаги мулки юзасидан олиб борилган суриштирув натижалари жавоби берилган;

3. Муҳаммад Аминхожанинг ува, ҳасан, салур уруғларидан бўлган бир неча юз оилани Бухородан Эронга, Қоровул аҳолисини эса Амударёнинг нариги томонига мажбуран олиб кетганлиги тўғрисидаги арзи айтилган. Мактубда уни битувчининг Нодиршоҳга нисбатан тобелиги ва вафодорлиги яққол сезилади[4].

Мазкур қўлёзма чиройли безатилган бўлиб, Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885–1910) даврида кўчирилган. Қўлёзма бошига мана шу мактубни ёпиштирган шахс Навоий асарини уни сақлаш учун энг ишончли жой деб ҳисоблаган. Бу, ўз навбатида Навоий асарлари, хусусан, бешлигининг Бухоро хонлиги маданий ҳаёти ва муҳитида муҳим ўрин тутганлигини намоён этади.

Шу ўринда қўлёзмаларнинг котиблари хусусида ҳам тўхталиш жоиз. Маълумки, Бухоро хонлигида иккита: Самарқанд ва Бухоро хаттотлик мактаби мавжуд бўлган[5]. Сўнгги маълумотларга кўра, XVIII асрдан XX аср бошигача Марказий Осиёда 137дан ортиқ хаттот фаолият олиб борган[6]. Шундан 49 нафари (35 фоиз) Бухоро хонлиги ҳудудида яшаган. 137 нафар ҳаттотдан 55 нафари Навоий “Хамса”сини кўчиришда иштирок этган. Уларнинг 25 нафари Бухоро хонлигида фаолият олиб борган. Гувоҳ бўлганингиздек, рақамлар анча салмоқли. Айниқса, Шаҳрисабз хаттотлари алоҳида ажралиб турган. Жумладан, хаттот Ёрмуҳаммад Шаҳрисабзий 1814–1834 йиллар мобайнида “Хамса”ни 5 марта кўчирган. Агар “Хамса”нинг 50 минг мисрадан ортиқ эканини ҳисобга олсак, у бунинг учун қўлда, тахминан, 250 минг мисра шеърий матн кўчиргани аён бўлади. Бухоролик котибларнинг ҳаммаси фақат Навоий “Хамса”си учун қўлд, тахминан, 1 800 000 мисрадан ортиқ матн кўчирган. Унинг еттидан бир қисми фақат Ёрмуҳаммад Қаро Шаҳрисабзийга, қолган олти қисми эса 24 нафар хаттотга тегишли. Бу хаттот ўз умрининг катта қисмини “Хамса”ни кўчиришга сарфлаган.

---

[1] Алишер Навои. Хамса. ЎзМУ кутубхонаси, №09/825, 1858 йили 10 августдаа Самарқанднинг Анҳор туманидаги Димишқи Нўмон деган жойида кўчирилган, котиб – Рўзақул ибн Холиқназар.

[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №316, 1887-1890 й., хаттот – Мирзо Исмоилбек.

[3] Семенов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в государственной публичной библиотеке. Т., 1940. С.25.

[4] Бу икки ҳукмдор муносабатлари ҳақида қ.: Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара. М.: ИВЛ, 1958. С.218-219.

[5] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т.: Фан, 1971. Б.63-102; Равшанов П. Адабий саҳифалар: Қашқадарё ўтмиш адабий ҳаёти тарихидан. Т.: Ўқитувчи, 1985. Б.118-125.

[6] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар.

Ёр Муҳаммад котиб кўчирган “Хамса”нинг бешинчи нусхасида китоб эгаси форс тилида муқова ичига қуйидагиларни ёзган: “*1294 йили жумодус-соний ойининг ўнинчи куни, шанбада мен Алишер Навоий “Хамса”сини Шамсиддинбойвачча Ашур Муҳаммад ўғлидан ... тиллага сотиб олдим. Бунда тоғам Эшон Шукруллохожа воситачилик қилди. Мулло Охунд Ибодуллохожа, Мулла Шариф ясовулбоши ва Оламиён Мирза Аюблар ҳам бор эдилар*”[1].

Афсуски, қўлёзма қиймати кўрсатилган рақам ўчириб ташланган. Аммо бир китобни сотиб олишда тўрт нафар гувоҳнинг қатнашиши унинг қиммат баҳоланганини кўрсатади. Яна бир жиҳат: бу хаттот кўчирган қўлёзма ўша ҳудуд ва маданий муҳитда юқори баҳоланган. Буни қўлёзманинг 40 йилдан кейин (1294/1877 йил) сотилаётгани ҳам яққол исботлаб турибди. Яна бир шаҳрисабзлик хаттот – Муҳаммад Юнусхожа ибн Бобожонхожа Навоий “Хамса”сини уч марта кўчирган[2]. У ҳам ўз даврининг машҳур хаттоти бўлган ва ўттизга яқин асарни кўчирган, шундан ярмидан ортиғи Алишер Навоий асарларидир. Шикаста хати услубида жуда чиройли ҳуснихатга эга бўлган ва Бедил асарларини кўчиришга ихтисослашгани учун бедилнавис номини олган[3]. Ҳозирги кунда у кўчирган Бедил девонининг тўрт нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Кўриниб турганидек, Бухоро хонлиги адабий муҳитида Навоий “Хамса”си алоҳида ўрин тутган. Бухоро шаҳри, хусусан, Шаҳрисабз беклигида Навоий асарлари севиб мутолаа қилинган. Буни асар нусхаларининг кўплиги, хаттотлар асосий вақтларини унинг асарларини кўчириш учун сарфлаганликларидан ҳам билиш мумкин.

Ушбу қисмнинг якуни сифатида шуни алоҳида таъкидлаш керак, асар матнидан нусха кўчириш жараёнида унга нисбатан бўлган турли муносабат, асар номланишининг ўзгариши, нусха кўчирилган ҳудуд ва миқдор, матнни турли даражада қисқартириш ва ўзгартириш ҳамда китобат қилиш замирида ҳам талқин мавжуд бўлар экан.

4.3. Луғатлар талқин манбаи сифатида

Шарқ филологиясида луғат алоҳида ўрин тутади. Луғатлар, одатда, бадиий асарда фойдаланилган сўзлар асосида тузилади. Уларга изоҳ ва маънолар берилади. Муайян бадиий асарга тузилган луғат фақат шу асар маъносини изоҳлаш учун хизмат қилади. Бу жараён гарчи лингвистиканинг объекти бўлса-да, луғат тузиш мобайнида асар матни ўзига хос талқин этилади. Сўзлар байт маъносини, ўз навбатида байтлар асарнинг умумий мазмунини ифодалашга хизмат қилар экан, луғатлар ҳам бадиий асар матни учун талқин манбаи бўла олиши мумкин.

Навоий “Хамса”си кўплаб луғатларга материал берган, ўз навбатида унга луғатлар тузишган. Навоий ижодий мероси билан боғлиқ луғатларни уч турга бўлиш мумкин:

I. Навоий асарлари учун махсус тузилган луғатлар.

II. Навоий асарлари материалларидан фойдаланилган луғатлар.

III. Навоий асарлари қўлёзмаларининг ўзидан ўрин олган луғатлар.

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №13242.
[2] Улардан бири 1872 йили Тошкентда кўчирилган, қ.: ЎРШИ-1, №9350/1.
[3] Муродов, Ўрта Осиё хаттотлик. Б.125.

I. Навоий асарлари учун махсус тузилган луғатлар, асосан, икки тилдан иборат бўлиб, улар воситасида ўзга тилдаги китобхоннинг Навоий асарларини тушунишга кўмак бериш мақсад қилинган[1]. Булар жумласига қуйидаги луғатларни киритиш мумкин:

- "Бадоеъ ул-луғат" (XVI аср боши; туркий-форсий);
- "Санглоҳ", Мирза Маҳдихон тузган (1759-60 йиллар; туркий-форсий).
- "Китоби луғати атрокийа", Фатҳ Алихон тузган (1862 йилда тугалланган; туркий-форсий).
- "Фарҳанги ҳазрат мир Алишер мулаққаб ба ал Навоий" (1849 йил; Навоий девонидаги қийин сўзлар изоҳи учун луғат).

Хусусан, фақат Навоий "Хамса"си учун тузилган қўлёзма луғатлар ҳам учрайди[2]. Ёки Навоий асарлари учун шеърий луғатлар ҳам тузилганлиги аҳамиятга молик[3].

II. Навоий асарлари материалларидан фойдаланилган луғатлар учун унинг асарлари фақат материал берган махсус объект вазифасини бажармаган. Шунга қарамай, уларнинг асар талқинида ўз ўрни бор. Бундай луғатларга мисол:

- "Абушқа" (1552 йил тузилган);
- "Луғати туркий" (бобурийлар даври; туркий-форсий).

III. Навоий асарлари қўлёзмаларининг ўзидан ўрин олган луғатларга Навоий асарлари, аниқроғи, "Хамса" қўлёзмаларида унинг матни атрофи ва ҳошияларига ёзилган луғатларни киритиш мумкин. Унда матндаги айрим сўзлар маъносига шу жойнинг ўзида изоҳ берилади. Масалан, номаълум шахс томонидан 1845–1848 йилларда кўчирилган қўлёзмада "Хамса"нинг уч достони – "Сабъаи сайёр", "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Садди Искандарий"да учрайдиган қийин сўзлар маъносини изоҳлаш учун шундай луғат яратилган[4].

У анча қулай бўлиб, матндаги қийин сўзлар маъноси, шу жойнинг ўзида, матн ҳошиясида изоҳлаб кетилган. Бир таёқнинг икки учи бўлганидек, иккинчи томондан, у чекланган ҳам. Чунки бундай луғат бир, нари борса иккинчи нусхадан кейин қолдирилиб кетилади. Лекин бошқа луғатлардан фарқли равишда унда матн талқини нисбатан ёрқин акс этади. Чунки матнга ёндашган котиб ёки шахс диди, матн ва уни ташкил қилган сўзларга муносабат, сўз маънолари тарихи яққолроқ кўзга ташланади.

Қўлёзмалардан ўрин олган луғатларни матн талқини нуқтайи назаридан ўрганишда бир неча жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1) **луғат жойлашган ўрин** матн талқинида муҳим аҳамиятга эга. Қўлзёмалардан ўрин олган луғатларнинг бир қўлёзма ёхуд "Хамса"нинг барча достони доирасида бир хил тарзда тузилган ҳолати кам учрайди. Ҳатто фақат битта достон учун тузилган луғат ҳам йўқ ҳисоби. Масалан, "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳоднинг фақат Арманистонга йўл олгунигача бўлган воқеаларни ўз ичига олган қисмига тузилган луғат мавжуд[5]. Ёки "Садди Искандарий"нинг фақат бир бобига, ҳошияга ёзилган луғат учрайди[6]. "Сабъаи сайёр" достонининг еттинчи ҳикоятида Баҳром еттинчи иқлим йўлидан келган мусофирдан Дило-

---

[1] Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. Т.: Фан, 1992.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7254; Меликўзиев Ў. "Навоий "Хамса"сига тузилган икки луғат" // Адабий мерос. 1981, (4)20-сон. Б.57-61.
[3] Умаров Э. Навоий асарларига шеърий луғат // Адабий мерос. 1973, Том 3. Б.288-289.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7863; "Хамса бо ҳалли луғат" // Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати Т.: Фан, 1985. С.592-634.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4439.

ромнинг дарагини эшитади. Асар кульминацияси – Дилоромнинг топилиши билан боғлиқ воқеа арафасида ҳошияда, уч бет ҳажмда форсча шеърий луғат келтирилган[1]. Масалан:

Панбе омад момуғ, қуёш – хуршид,
Янглиғ омад чунин, армон – умид [2]...

Луғатнинг бундай тарзда берилиши тузувчининг матнга нисбатан муносабати, китобхон эҳтиёжидан келиб чиқади. Айрим қўлёзма ҳошияларида эса луғат сўзлиги муқим келтирилмаган, ўрни-ўрни билан саҳифаларда ё кўпайиб, ё камаймаган[3];

2) луғат сўзлиги. Бадиий асарлар учун тузилган луғатларда, одатда, тушуниш қийин ёки архаик сўзлар маъноси изоҳланади. Навоий "Хамса"си қўлёзмаларидаги луғатларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бунда, кўпинча, арабча ёки форсча сўзлар маъноси берилган. Масалан:

Муфрит – ҳар нарсани ҳаддидан ошурган;

Мижмар – бўй (яъни, ҳид таратувчи нарса) соладурган қопча;

Шўъбада – жоду қилган[4].

Қўлёзмалардан ўрин олган луғатларда сўзлик тузишда контекстга асосланилади. Масалан, "дажам" сўзи бир ўринда "ғамгин ва махмур бўлган" деб изоҳланган бўлса, бир неча варақдан сўнг худди шу сўз "хору ҳақир" маъносини бериши таъкидланади[5]. Демак, қўлёзмадаги луғат сўзлигида контекст билан боғлиқ конкретлик, матнни тез тушуниш ва уни шу жойнинг ўзида талқин қилишга интилиш сезилади. Навоий "Хамса"си қўёзмаларидан ўрин олган луғатларда туркий сўзлар изоҳи кам учрайди. Демак, Навоий асарлари тили вақт ўтган сайин китобхонлардан, кўпроқ арабий ва форсий сўзлар қатлами ҳисобига узоқлаша борган;

3) луғатларда, асосан, эски ўзбек, баъзан форсча сўзлар изоҳланган. Масалан:

Баруманд – яъни бархурдор, соҳиби бахту давлат;

Шабдиз – аспи тезрафтор;

Ҳамроз – яъни ҳамсир;

Дебо – матои гаронмоя[6].

Шуниси қизиққи, аксарият ҳолатларда форсча сўз форсча изоҳланган. Бу бизнингча, ўқувчилар аудиториясининг форсийзабонлигидан эмас, балки ўтмишда форс тилини саводли, зиёли одамлар яхши билганлиги ва бу тил орқали тушунтириш осонроқ бўлганлиги билан боғлиқ.

4) луғатга асос бўлган манба масаласи. Қўлёзмадан ўрин олган луғатларда сўзлар икки хил манба асосида изоҳланган:

А) изоҳловчи сўз маъносини ўз тушунчаси асосида таърифлайди: масалан, душиза – ўн икки яшар қиз. Ундан бир аср олдин – XVШ аср охиридаги "Хамса" қўлёзмасида бу сўз маъ-

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752. Варақ 202б-203б.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752. В.203а.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4358/1.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.

носи “кўкраклари анордек қиз” тарзида изоҳланган. Демак, бир сўз ҳам контекст, ҳам ўша даврдаги маъносидан келиб чиқиб, икки хил изоҳланяпти[1];

Б) луғат тузувчи сўз маъносини бирор мўътабар луғат ёки манбага суяниб изоҳлайди. Шарқда, асосан, Муҳаммад ибн Абдухолиқнинг “Канз ул-луғот” (1466 йил) асари ана шундай манба вазифасини ўтаган. Шу боис Навоий “Хамса”си қўлёзмаларида баъзи сўзлар маъноси изоҳидан кейин бу луғат биргина сўз – “Канз” деб қисқартирилган ҳолда кўрсатилган. Сўз маънолари айрим ҳолларда бошқа мўътабар луғатлар асосида ҳам берилган. Масалан, бир қўлёзмада сўз маъноси Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тафсирига ҳавола этилиб изоҳланган[2];

5) сўз маъносини изоҳлаш ўрни икки хил бўлиши кузатилади:

А) сўз маъноси ҳошияда ёзиб кўрсатилади. Бундай ҳолат кўп учрайди;

Б) сўз маъноси матн ичида берилади. Бу нисбатан кам учрайди.

Матндаги айрим сўзларнинг изоҳланишини матннинг ҳам ўзига хос, ҳам муайян тил билан боғлиқ талқини сифатида қабул қилиш мумкин.

4.4. “Хамса” ва ундаги достонларга тузилган шарҳ ва изоҳлар талқини аҳамияти

Шарҳ ва талқин масаласи. Мусулмон Шарқида хамса жанридаги асарлар кўп ва хўб шарҳланган. Масалан, биргина Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор” достонига бир қанча шарҳ битилган. Шарҳда, асосан, асарда қўлланилган сўз ва бадиий санъат кенг тавсифланади, баъзи воқеалар замиридаги мавзу, мақсад-муддао изоҳланади. Шарҳ, айниқса, шарқ маданияти билан боғлиқ герменевтика учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Қуръонни шарҳлаш, қуръоншунослик ва қуръоний эгзегетика – Унинг ботиний маъноларини ўрганувчи тафсир ёки шарҳларни ўз ичига олган манбалар жуда кўп[3].

Шарқда шарҳлаш, ҳошия илми – матнга муносабатда бўлиш, уни талқин қилишга катта эътибор қаратилган. Фалсафий, тасаввуфий, диний, адабий шарҳлар ёзилган. Жумладан, бадиий асарлар матнини шарҳлаш кенг тарқалган. Лекин Навоий асарлари, хусусан, “Хамса” достонлари шарҳи ё кўп бўлмаган, ё ҳозирча бизгача етиб келмаган. Навоий “Хамса”си достонлари қисман шарҳланган қўлёзмалар мавжуд. Котиблар китобхонлар учун қулайлик туғдириш мақсадида уларнинг айрим қисмларини шарҳ билан таъминлаган. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонини кўчириш пайтида котиблар хотима ўрнида уни шарҳлаган ва баҳолаган қўлёзмалар ҳам мавжуд[4]. Жомий “Хамса”сидан ўрин олган достонларнинг иккитасига шарҳлар битилган:

1. Ғулом Самад ибн Гулмуҳаммад ва Шамъий (XVI аср) “Субҳат ул-аброр” достонига “Шарҳи “Субҳат ул-аброр” номли шарҳ яратган;

2. Муҳаммадбоқи Суйунжий ва Муҳаммад Гулхавий эса “Юсуф ва Зулайҳо” достонига “Шарҳи “Юсуф ва Зулайҳо” деб аталувчи шарҳни битган[5].

Ғалати парадокс: форс-тожик адабиётида унинг сўнгги классиги саналган Абдураҳмон Жомийдан кейин бадиий асарларга шарҳ ёзиш кўпайди. “Агар XI–XV асрлар мобайнида ба-

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[3] Собрание восточных рукописей АН УзССР. Том IV. Т.: Фан, 1957; Том VII, 1964; Том IX, 1971.
[4] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и. С.260.
[5] Афсахзод, Лирика Абд ар-Рахмана Джами. С.8.

дий адабиёт намуналарига шарҳлар ёзиш жуда кам кузатилган бўлса, XVI асрдан бошлаб шарҳ форсийзабон маданиятнинг кучли тармоғига айланади. XVI асргача шарҳлар, асосан, Эрон ва Мовароуннаҳрда ёзилган, лекин XVI асрдан бошлаб форс-тожик адабиёти асарларини шарҳлаш Туркия ва Ҳиндистонда сезиларли даражада тараққий этади"[1].

Бу ҳолат XVI асрдан бошлаб форс-тожик адабиёти ҳудудий адабиётларга бўлингани, юксалиш давридан сўнг ўрта аср классикларини ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўзбек адабиётида ҳам XV аср, аниқроқ айтганда темурийлар давридан сўнг регресс даври бошланган.

Изоҳларнинг талқиний аҳамияти. Юқорида таъкидлаганимиздек, котиблар қўлёзмани кўчириш жараёнида матн ҳошияси ёки ичида айрим изоҳларни бериб борганлар. Ундан мақсад матн мазмун-моҳиятини китобхонга тўлиқ етказиш, котибнинг матн асл кўриниши тўғрисидаги фикрларини ифодалашдан иборат бўлган.

А) вариантлилик. Котиблар бирор асарни кўчирганда айрим сўз вариантларини ҳошияда кўрсатиб, унинг олдига "бадал" – "тенг" белгисини ёзиб қўйган. Бу билан улар сўзнинг шу кўриниши ҳам вариант сифатида қўлланиши мумкинлигига эътибор қаратган. Масалан, "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 16-мақолотида бир байт шундай берилади:

Турфа хаёле анга истаб кўнгул,
Ранги сақарлот била долу гил[2].

Ҳошияда "хаёле" сўзининг уч варианти кўрсатилган: ғабойи, бинойи, жафойи. Лекин нашрда бу сўз юқоридагилардан бутунлай бошқача "турфа абойи..." тарзида берилган. Демак, котиб қўлёзмани кўчириш билан бирга матншунослик билан ҳам шуғулланяпти. Матнни уч-тўрт қўлёзмани кўриб, қиёслаб кўчиряпти.

Шоир Мунис (1778–1836) ҳам Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонини 1799 йил кўчириш жараёнида бир неча қўлёзмани қиёслаб, ўрганган. Масалан, шу достон матнидаги:

Қайси мулк ичра не бўлур ҳосил,
Бўлур эрди хизонаға дохил[3] –

байтининг иккинчи мисрасидаги "дохил" сўзини ҳошияда "нусха" деб белгилаб, вариантига "восил" сўзини келтирган. П. Шамсиев нашрида ҳам мисра "восил" билан тугаган (СС, 486).

Қўлёзмада баъзан нафақат бир сўз, балки бутун мисранинг ҳам варианти келтирилиши мумкин: Масалан, "Сабъаи сайёр" достонидаги

Бағри қотқунча элини кулдурубон

мисраси ҳошияда "нусха" сўзидан кейин қуйидаги вариантда берилган[4]:

Бағри қонғунча балки кулдирубон.

[1] Насриддинов, Проблема. С.24.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2/1. В.25а.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8198. В.154а.

Котибнинг “нусха” сўзини мисрадан олдин ёзгани унинг бошқа нусхадаги мисра кўринишини ҳам мақбул ҳисоблагани, матнни талқин этиб, матншунослик билан ҳам машғул бўлганлигини кўрсатади. Вариантлилик – матншуносликка хос бундай изоҳлар котиб асарни ҳам кўчиргани, ҳам талқин этгани китобхоннинг асарни тўлиқ тушунишини истаганлигини англатади. Котибларнинг матншунослик билан ҳам шуғулланган, йиғма текст тузганлиги уларнинг адабий-танқидий ва матншунослик фаолияти олиб борганликларини кўрсатади[1]. Бу ўринда, асарнинг яхлит матни вариантининг вужудга келишида, даставвал муаллифнинг ўзи ҳам муҳим роль ўйнаши мумкинлигини унутмаслик лозим[2].

Б) асар маъносига оид изоҳ. Котиблар асарни кўчириш жараёнида уни тўлиқ ёки бирор қисмини изоҳлаши мумкин. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достонида Навфал билан Мажнуннинг учрашиши билан боғлиқ воқеа ёритилган боб (21-боб) сарлавҳаси ёнида, ҳошияда шундай байт келтирилади[3]:

Достони Мажнуни каронаи даст,
Ишқе дар пўсти айш ниҳон шуда.

Маъноси:

Мажнун достони ниҳоясига етди.
Ишқ ҳаёт пўсти (дунё, жамият) остида яширингандир.

Байтда Мажнун ишқи сурат – дунё ишлари ортида яширинган илоҳий неъмат эканлигига ишора қилинган. Яъни котиб ўз изоҳ – таърифи билан достондаги ишқнинг илоҳий эканлигини таъкидламоқда, ўқувчига воқеаларнинг кейинги ривожи ҳақида олдиндан йўналиш бермоқда.

В) сўзлар изоҳи. Бунда айрим сўз ва атамаларга батафсил изоҳ берилади. Масалан, “*Дебоча” сўзига бир қўлёзмада шундай изоҳ берилган: “дебоча деб ҳар нарсанинг юзини айтур. Дебочаи китоб деб маънонинг бир жўзвини айтур. Маъно жамолиси бўлғай, яна бир жўзвки маъноси тафсираси бўлғай, дебочаи китобдан кейин келган. Мундин мурод хутбаи китоб бўлғай”*[4].

“Фарҳод ва Ширин” достонида қўлланилган “қутр” сўзига батафсил изоҳ берилган қўлёзма мавжуд[5]. Изоҳга тортилган бундай сўзлар мураккаб тушунча ёки архаик бўлиши мумкин;

Г) Рақамли изоҳлар. Бунда рақамли изоҳлар абжад ҳисоби, яъни ҳарф ва сонда ифодаланган рақамлар замиридаги сўз ва маънога изоҳ берилган. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”даги

Отики беш ҳарф қилур хитоб,
Минг бир эрур айласанг они ҳисоб

---

[1] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т.: Фан, 1959. Б.25; Сирожиддинов С., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. Т.: Akademnashr, 2015.
[2] Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи. Т.: Маънавият. 1997; Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли қўлёзмаси ва асар вариантлилиги масаласи” // Адабий мерос. 1998, 1(67)-2(68)-сон. Б.29-34.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752. В.138а.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4358/1.

байтида “Низомий” исмининг абжаддаги йиғиндисига ишора этилмоқда. Котиб ҳошияда ҳар бир ҳарфга тўғри келувчи сонларни келтиради ва форс тилида “бу рақамлар жами “1001” бўлади” дейди[1]. Ёки яна шу қўлёзмада котиб йил ойлари тилга олинган ўринда ҳар бир ном устига унинг йилдаги тартиб рақамини қўйиб чиққан;

Д) киши номлари изоҳи. Ушбу изоҳларда тарихий ва афсонавий шахс ёки асар қаҳрамонларининг аниқ айтилмаган номлари изоҳланади. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достони охиридаги

Ул икки ягонаи замона
Ким ишқда келдилар ягона –

байтидаги биринчи мисра остига котиб “Лайли ва Мажнун”, деб ёзиб, мисрада қайси қаҳрамон кўзда тутилганлигини таъкидламоқда[2]. Ёки шу қўлёзмада ишора қилинган яна бир қанча образларнинг номлари аниқ кўрсатилган.

Мухтасар айтганда, қўлёзмаларда асар матни учун тузилган турли изоҳлар, ўз навбатида талқиний манба сифатида ҳам хизмат қилади. Бу изоҳлар муайян давр кишилари учун яратилган. Тузувчи ўз даври китобхонларига тушунарли бўлиши учун матннинг айрим қисмларини изоҳлаган. Ушбу изоҳлар эса асарнинг умумий талқинига хизмат қилади.

Ушбу кичик, аммо адабий манбашунослик ва адабиётшунослик фанлари учун муҳим бўлган йўналиш – асарнинг қўлёзмалардаги талқини манбаларига оид муаммолар қўйилган бобни якунлаб, шуни таъкидлаш керакки, асарнинг қўлёзмалардаги талқини бошқа талқинлар қаторида муҳим ўрин ва аҳамиятга эга. Алишер Навоий “Хамса”си қўлёзмалари кўчирилишининг макон ва замондаги хусусиятларини ўрганиш адабиётшунос ва навоийшунослар зиммасидаги навбатдаги долзарб вазифа саналади. Тадқиқотимизда кўриб чиқилган манбалар эса адабий герменевтика учун қизиқарли материал бера олиши билан аҳамиятлидир.

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.

V БОБ. НАВОИЙ “ХАМСА”СИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ МАНБАЛАРИ

Навоий “Хамса”сига қизиқиш у ёзилган даврдаёқ бошланган. Бу унинг ўша пайтданоқ шуҳрат топганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, унинг бадиий жиҳатдан ҳам талқин этилишига сабаб бўлган. “Хамса”, умуман, Шарқдаги барча машҳур достонлар таржима қилинган ёки насрий баёни келтирилган. Ушбу жараёнда ўша асар, табиийки, бадиий нуқтайи назардан талқин ҳам қилинган. Масалан, Низомий “Хамса”сига пайров ёзилгани ҳам унинг бадиий талқинига мисол бўла олади: сафавий шоҳ Аббос I (1587–1629) даврида отбоқарлик қилган Ҳидоятулло Роъий “тазриқ” (ёлғонга айлантириш) адабий услубининг асосчиси саналади[1]. Манбаларда у бемаъни бешлик муаллифи сифатида эсланади[2]. Бир куни шоҳ Аббос I унга Низомий “Искандарнома”си вазнида ҳазил тариқасида буткул бемаъни, майнавозчиликдан иборат парча ёзишни буюради. Бироқ Ҳидоятулло бутун бошли пайров бешлик яратиши мумкинлигини айтади. Шунда шоҳ Аббос I унга муайян муддат бериб, агар ана шу вақт ичида ваъдасини бажармаса, ҳар бир пайров даражасига кўтарилмаган ёки мантиқли байт учун биттадан тишини суғуриб олишини буюради. Келишилган вақтда у 10 минг байтдан иборат бешлигини олиб келади. Ўзаро келишувга мувофиқ, бешлик махсус кишилар томонидан обдон текширилади ва улар орасидан фақат мантиқли байтлар ажратиб олинади. Бундай байтлар атиги учта чиқади ва бунинг эвазига муаллифнинг учта тиши суғуриб олинади. Қолган барча бемаъни байт учун эса Роъийга 9 минг 997 Аббосий олтин танга тўланади. Манбаларда майнавозчиликдан иборат мана шундай достонлардан мисоллар келтирилган. Масалан, Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига шундай пайров ёзилган:

Мен муҳаббат ҳақида фиғон чеккан кун,
Кўкатфуруш ўрдак сотарди.
Ит ва маймун ҳам ошиқ эдилар,
Нидо эшитилди: “Мажнун!”.

Бундай пайровлар, айниқса, Низомий бешлигига нисбатан кўп учрайди. Шунга ўхшаш бир мисол Б.Рифтин мақоласида ҳам келтирилган[3]. Бироқ улар кўрсатилгандек пайров ўрнида эмас, анъанани жиддий давом эттириш факти сифатида келтирилган, муаллифга Навоийнинг “Хамса”сига жавоб айтиш буюрилган, деб таъкидланган (?!).

Шу билан бирга Низомий “Хамса”сига жиддий жавоб ўрнида ёзилган кўплаб “Хамса”, ўнлаб алоҳида достонлар мавжуд. Бироқ биз бу ўринда Навоий “Хамса”си ёки унинг алоҳида достони таъсирида ёзилган асарларни эмас, фақат қўлёзмаларда Навоий “Хамса”сидан таъсирланиш натижасида битилган шеърий лавҳалар ёки бошқа жанрларда бешлик талқин этилган манбалар хусусиятини кўрсатиш билан чекландик.

Ўзбек адабиётида Ғарбга хос жанрлар, асосан, XX аср бошида пайдо бўла бошлади. Масалан, Хуршид XX аср бошида Навоий достонлари асосида драмалар ёзади. Бироқ биз ўргана-

[1] Алиев, Темы и сюжеты.С.253-254.
[2] Эркинов А. “Хамсанавис отбоқар” // Муштум. 1997, 5-сон. Б.14.
[3] Рифтин Б.Л. “Типология и взаимосвязи средневековых литератур” // Типолгия и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. М., 1974. С.39; Воҳидов, XV асрнинг иккинчи ярми. Б.66-67.

ётган даврда эса бадиий асарлар фақат Шарққа хос бадиий жанрлар асосида талқин этилган. Масалан, Навоий “Хамса”си қуйидаги манбалар асосида талқин қилинганини кузатиш мумкин:

1. Бадиий кириш ва хотималар.
2. Халқ китоблари.
3. Миниатюралар.
4. Таржималар (қисман).

Энди ана шу манбаларнинг асосий хусусиятлари ва уларда Навоий бешлиги қандай талқин этилганлигини таҳлил қиламиз.

5.1. Бадиий кириш ва хотималар

Бадиий кириш, айниқса, хотима қўлёзмаларда кўп учрайди. Котиблар асарни кўчириш жараёнида ундан таъсирланишади ва шеърий хотима – ўз муносабатини ёзиб киритади. Бундай шеърий муносабат – талқин икки хил бўлади:

А) мустақил;

Б) анъанавий.

А) мустақил шеърий муносабат, асосан, котибларнинг бешлик сўнгига ёзган якуни – хотимадан иборат. Масалан, “Хамса”нинг 1800–1801 йилларда Хоразмда кўчирилган нусхасида котиб Маҳмуд ибн Турди Саид Хоразмий уни беш хазина деб атайди:

Мужаллад бўлуб бир китоб ўлди панж,
Маоний элига эрур панж ганж.
Бири “Ҳайрат ул-аброр” ўлуб сар-басар,
Солиб ҳайрат эл аро шўру шар.
Бири доғи “Фарҳоду Ширин” сўзин,
Баён айлади сар-басар чин сўзин.
Бири бўлди афсонаи муҳтарам,
Қилиб “Лайлию Мажнун” ҳадисин зам.
Бири ошиқ шоҳ Баҳром эрур,
Шаҳаншаҳ аниси Дилором эрур.
Бири баҳру бардин ривоят деди,
Сикандар сўзидин ҳикоят деди.
Бўлуб ҳар бириси анинг баҳру кон,
Жавоҳир била лаъли беҳаду сон.
Бунёд этарга бўлуб кўп ҳавас,
Биров соридин қилдилар мўлтамас[1].

Бешлик якунида келтирилган бундай шеърий хотималарга яна кўп мисол келтириш мумкин. Масалан, бир қўлёзмада котиб шоҳ ва гадо ҳақидаги ҳикоятни келтирган[2]. Айрим

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №3459.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8817/2.

қўлёзмаларда эса “Хамса” тугаганидан кейин котиб ўз шеърларини беради. Бир ўринда котиб “Ҳайрат ул-аброр”дан сўнг достон тугатганини, энди навбатдагисига ўтаётганини таъкидлайди[1]:

“Ҳайратул аброр” тамомин қилиб,
Қўйди қадам боқийға азмин қилиб.
Боқийси дей Хусраву Ширин сўзи,
Ошиқи Фарҳод ҳазинин сўзи.

Мустақил, ноанъанавий тарздаги шеърий парчалар достон бошланишида нисбатан кам учрайди. Масалан, қўлёзмалардан бирида форс тилидаги шундай йўлланма учрайди[2]:

“Ҳайратул аброр” номи ин китоб,
Аҳли маъниро деҳад дурри хушоб.

Умуман, Навоий “Хамса”сини кўчирган котибларнинг ундан таъсирланиши натижасида мустақил тарзда битган хотималари қўлёзмаларда кўп бўлмаса-да, учраб туради. Масалан, Ботир Валихўжаев Навоий (1932–2005) “Хамса”си охирида Навоий хамсанавислик анъанасини такомиллаштириш асосида оригинал асар яратишни истаган деб, Навоийнинг қуйидаги мисраларига эътибор қаратади[3]:

Манга “Хамса” такмили бир ён эди,
Бу мақсуд таҳсили бир ён эди.
Не тил била дей шукр маъбудима
Ки, еткурди охир мақсудума.
Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтуб икки йил.
Чекиб хома бу нома итмомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға
Ки, аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,
Йиғиштирса бўлмас бари олти ой
Ки, бўлдунг бу раъноға суратнамой.
Сўзунгники яхши кўрарсен ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.
Сўзунгким санга келди холо писанд,
Писанд эркин эл ичра ё нописанд.

Олим Навоий бунда уч масалани тилга олган, дейди:
1) “Хамса” анъанасини такомиллаштиргани;
2) асарни икки йил, аниқроғи фақат ёзилган вақтни жамласа, олти ойда ёзиб тугатгани;

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7440.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8198.
[3] Валихўжаев Б. “Алишер Навоий “Хамса”си ва унинг Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида тутган мавқеи” // Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганиш масалалари. Самарқанд. 1987. Б.7-8.

3) асарини энди халқ қандай кутиб олажаги.

Олим ўз фикрида давом этиб яна ёзади: кейинги масала, яъни халқнинг “Хамса”ни қандай қабул қилгани ҳақида шуни айтиш керакки, “Хамса” яратилган даврдан ҳозирги кунга қадар барчани ҳайратда қолдириб, муаллифи шарафига офаринлар ёғдириб келмоқда. Биргина мисол: 1825 йилда котиб Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий Навоий “Хамса”сини ниҳоятда катта меҳр-муҳаббат ва масъулият билан кўчириб, охирида ўзининг бу асардан олган таассуротини шундай баён этган:

Йўқтурур баҳр аро наво чеккан,
Бўйла булбул киби садо чеккан.
Баҳри маънида гавҳар кони,
Дуржи маънида бу Али сони.
Турфа сеҳрею, йўқ эъжозе,
Шеър аро кўргузуб неча созе.
Бўлди маълум оби ҳайвондур,
Экан ул балки мурдаға жондур.
Кимса гар бўлса кўнгул мурда,
Ўқуғоч назми айламиш зинда.
Булбули хушнаво Навоийдур,
Комилу босафо Навоийдур[1].

Демак, Навоий бешлигидан руҳланиб, шоирларнинг шеър битиши, шеърият орқали ижодкорни мадҳ этиб, асарга муносабат билдириш ҳолати кенг тарқалган.

Б) Навоий “Хамса”си қўлёзмаларида анъанавий шеърий муносабат ҳам учрайди. Масалан, Навоий бешлигининг 1819–1821 йилларда кўчирилган, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 1062 рақами остида сақланаётган қўлёзмасидан бошлаб, достонлар аввалида эпиграф битиш анъанаси бошланган. Хусусан, котиб томонидан “Фарҳод ва Ширин” достони бошланиши бир байт эпиграф, охирида эса бир байт хотима шеър ёзилган. Байт асарнинг бошланишида қизил, сўнгида қора сиёҳда ёзилган. Демак, котиб ўз эпиграфига китобхон диққатини жалб этишни истаган. Қўлёзмаларни ўрганиш натижасида қуйидаги эпиграф ва хотима, ё бир неча қўлёзмада айнан учраши ёки ҳар бир қўлёзмада уларнинг ўзига хос ёзиш анъанаси мавжудлиги аниқланди.

“Ҳайрат ул-аброр” достони бошланишида:

“Ҳайрат ул-аброр” аввал дафтари,
Фақр сори раҳравнинг раҳбари[2].

“Фарҳод ва Ширин” достони аввалида:

Сўнгра Фарҳоди шижоатпешадур,
Ширин анга мужиби андишадур[3].

[1] Ўша асар. С.8.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №185/6; 4439.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1062; 185/6; 4238.

Охирида:

Топиб итмом чун Ширину Фарҳод,
Бу маҳзунни алар руҳи қилур шод[1].

“Лайли ва Мажнун”нинг бошланишида:

Дафтари солис бу Мажнуни араб,
Лайли мижаредур анга айшу тараб[2].

“Сабъаи сайёр” аввалида:

Тўртунч Баҳром иши шоҳонадур,
Бир Дилороми учун афсонадур[3].

“Садди Искандарий”нинг бошланишида:

Бешинчи насабдин қариндур,
Етти иқлим мусаххар айлагиндур[4].

Шу достоннинг бошқа нусхасида унинг бошланишидан аввал қуйидаги байт келтирилади:

Ҳазрати Искандари офоқгир,
“Хамса” анжомин мунга берди амир[5].

Демак, Навоий “Хамса”си достонлари қўлёзмаларида эпиграф, баъзида хотима битиш анъанага айланган экан. Бунда котиблар ё ўзлари нусха кўчираётган қўлёзмадаги эпиграфни аслидагидек қолдирган ёки ўзлари эпиграф ёзган.

Ушбу эпиграфлар бадиий муносабат учун мисол бўлиш билан бирга достонлар ва улардаги қаҳрамонларнинг айрим жиҳатларини талқин этиш учун ҳам материал бера олади. Масалан, юқоридаги мисолда Искандар “ҳазрат” деб аталмоқда. Бизга маълумки, Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида Искандар образи Низомийдагидан фарқли равишда, пайғамбар сифатида берилмайди. Лекин котиб уни ҳазрат деб атаган. Бундай атама бошқа қўлёзмада ҳам учрайди[6].

Қўлёзмалардаги шеърий кириш – эпиграф ва хотималарни кузатиш, XIX аср бошидан бошлаб, Навоий “Хамса”сига бундай кичик шеърий муносабат билдириш муайян даражада анъанага айланганлигини кўрсатади.

---

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1062; 185/6; 4238.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1062; 185/6; 4238.
[3] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1062; 185/6; 4238.
[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №185/6.
[6] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7863.

5.2. “Хамса”нинг халқ китобларидаги талқини

Ўзбек адабиёти тарихида ёзма адабиёт намуналарини халққа мослаштириш ва яқинлаштириш мақсадида унинг насрий баёнини амалга ошириш анъанаси шаклланган. Бундай турдаги асарлар – халқ китобларининг яратилиши, асосан, XVIII асрдан бошланади[1]. Жумладан, Навоий “Хамса”си таркибига кирган айрим достонлар ҳам ана шу даврдан бошлаб халқ китобларига айлантирилган. Бу анъана кейин ҳам давом этган. Масалан, XX асрнинг иккинчи чорагида ҳам Навоий достонларининг насрий баёни мавжуд[2].

Навоийдек буюк санъаткорнинг китоблари асрлар давомида кўчирилган ва зиёлилар унга доимо катта эҳтиёж сезган. Бироқ барча китобхон ҳам уларнинг мазмун ва моҳиятини бирдек тушунмаган. Мисол учун XVI аср, темурийлар давридан сўнг бадиий адабиётга эътибор сусайди. Сулолалар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги тож-тахт учун кураш, жангу жадаллар оқибатида ҳокимият қўлдан қўлга ўтиб, марказлашган давлатга путур етади. Бунинг натижасида сарой адабий муҳити ҳам барҳам топади. Айни шундай шароитда мавжуд бадиий асар намуналарини халқ эҳтиёжига мослаб тақдим этиш имконияти кенгаяди. Санъатдан узоқ шоҳ, ҳеч бўлмаса обрў учун мумтоз адабиёт вакиллари, жумладан, Навоий асарларини кўчиртириши мумкин эди. Лекин саройда адабий муҳит заифлиги оқибатида бадиий санъат аҳли бир қадар жўнроқ юмушлар билан шуғулланишга мажбур бўлди. Масалан, Умар Боқий Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонларининг насрий баёнини яратади[3]. Уларни оддий халқ учун тушунарли бўлган содда ва равон тилда ифодалаш билан, биринчидан, халқ манфаати кўзланган бўлса, иккинчидан, бу асарлар ўша даврда Хоразмда хонлик қилган ағайи Авазбекка (1790–1804) ҳадя қилинган ва унинг ҳурмат-эътибори қозонилган[4]. Демак, тил ва ифоданинг соддалигига интилишдан мақсад фақат халқнинг эмас, балки асар тақдим этилган шоҳ савияси ҳам ҳисобга олинган. Бундан ташқари Умар Боқий асарнинг насрий баёнини ҳам оммабоп, ҳам қизиқарли вариантга айлантирган[5].

XVIII асрдан халқ китоблари ва оммавий адабиётнинг қўлёзмалари кўпая бошлади. Халқ китобларида бадиий асар энди муайян давр, китобхон диди ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда баён этилади. Халқ китобини яратаётган шахс, ўз навбатида, бадиий асарни талқин ҳам қилади. Бунда у ўз нуқтайи назари, дунёқараши ва албатта, китоб мўлжалланган аудитория талаби ва манфаатидан келиб чиқади. Талқин жараёнида асосий эътибор асарнинг оммага мўлжалланганлигига қаратилади. Бундай ҳолат шеърий асарнинг насрий, яъни нисбатан осон ва содда тарзда тақдим этишга йўл очади. Масалан, XX аср бошида “Ҳайрат ул-аброр”дан бошқа, “Хамса” таркибига кирган барча достоннинг (баъзилари қисман) насрий баёни амалга оширилиб, 1908 йилда “Хамсаи беназир” ёки “Насри “Хамса” номи билан Тошкентда литографик усулда нашр этилади. Унинг кириш қисмида насрий баён муалли-

---

[1] Мазкур мавзунинг ўрганилиши ҳақида қаранг: Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т.: Адабиёт ва санъат, 1974; Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди.

[2] Замонавий насрий баёнлар тўғрисида қ.: Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. Б.119-150.

[3] Тожибоева О. “Хамса” талқинларида давр руҳи. Т., 2015.

[4] Неъматов Ҳ., Жумаев Т. “Сўзбоши” // Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун (насрий достонлар). Қарши, 1993. Б.4-5.

[5] Комилов, Бу қадимий санъат. Б.62.

фи шундай деб ёзади: “Аммо ушбу замоннинг аксар одамлари саводхон фақат бўлўб, назмнинг фаҳмидин ожиз ва бебаҳрадурлар. Шул жиҳатдин авомуннос ҳам баҳра олурмикан деб, қосирона, назмнинг наср тариқида бақадри тоқат баён қилдим”[1]. Демак, насрий баён этувчи бу ишга омманинг шеърий асарни тушунишда ожизлигини ҳисобга олиб киришганини таъкидламоқда. Халқ учун бадиий асарни насрий баён этиш ҳодисаси, демак, XX аср бошида ҳам, айни вақтда биз ўрганаётган, ҳали Шарққа Ғарбга хос қарашлар кириб келмаган даврга ҳам хос экан. Навоий асарлари ва умуман, ёзма адабиёт вакили меросидан айрим асарлар танлаб олиниб халқ китобига айлантирилар экан, ана шу жараёнда асарни талқин этилишида икки жиҳатга эътибор қаратилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бунда ижодкорнинг

1) қайси асари (ижодкор меросидан кайси асар танланмоқда);

2) қай тарзда (халқ китобига айлантирилиш услуби) деган саволларга жавоб топиш лозим бўлади.

1) Ижодкор меросидан айнан қайси асарнинг танланиши масаласи талқин жараёни учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда халқ китоби учун танланган асарнинг муайян давр китобхонлари эҳтиёжини кондиришга қаратилганлигига эътибор берилади. XVIII аср сўнгида Умар Боқий Навоий “Хамса”сидан “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун”ни танлаб олиб, насрий баён этган бўлса, XX асрда Маҳзун “Фарҳод ва Ширин”нинг насрий баёнини амалга оширди. 1908 йилга келиб “Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр”дан бошқа барча достоннинг насрий баёни нашр қилиниши бешлик достонларига муносабат ҳар бир даврда турлича бўлганлигини кўрсатади. “Ҳайрат ул-аброр” достони муайян сюжетга эга эмаслиги ва фалсафий характери билан халқ китоби тариқасида тақдим этилмаган. Ҳозирча “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” достонларининг тўлиқ насрий баёнига эга бўлмасак-да, лекин уларга асос бўлган сюжет билан боғлиқ халқ китоблари талай. Масалан, “Баҳром ва Гуландом” циклидаги асарлар Шарқда кўп тарқалган. Ёки “Искандарнома” номи билан аталувчи ўзбек тилидаги халқ китоблари мавжуд[2]. “Фарҳод ва Ширин” ва “Лайли ва Мажнун” достонларининг халқ китобларига айлантирилишини улар сюжетининг қизиқарли ҳамда нисбатан мураккаб эмаслиги билан боғлаш мумкин. Масалан, “Насри “Хамса” – “Хамсаи беназир”-дан ўрин олган “Садди Искандарий” достонининг насрий баёнида ҳам асосан халқ орасида машҳур бўлган ҳикоятлар танлаб олинган, холос.

2) Халқ китобига айлантириш услуби масаласи асарни қай услубда халқ китобига айлантиришга оид бўлиб, у оригинал матнини насрий баён матни билан солиштириш воситасида ўрганилади. Бунда матннинг китобхонга тақдим этиш жараёни диққат марказида туради. Халқ китобини яратиш жараёнида муаллиф шеърий матнни насрий баён воситасида соддалаштиради, фақат айрим ўринларда шеърдан иқтибос келтиради. Биз ушбу ўринда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонларининг Умар Боқий томонидан халқ китобига айлантирилиши мисолида уларнинг талқин этилиши услубини кузатамиз.

Аввало, бу асарнинг насрий баёнга айлантирилиши билан боғлиқ мавжуд назарий фикрларга тўхталамиз. Адабиётшунос Ғ.Саломов насрий баёнларни (олим насрий баённи табдил деб атаган) шундай таснифлайди:

[1] Алишер Навоий. Насри “Хамса”. ЎРШИ-3, №31.
[2] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №997.

1) ўзлаштирма табдил;

2) изоҳловчи табдил.

Умар Боқийники ўзлаштирма табдил бўлиб, Навоий нусхасига нисбатан бирмунча мустақил ва эркиндир[1]. Бундай ижод намунаси китобхонга мустақил нашр сифатида тақдим этилиши мумкин (изоҳловчи табдилга олим Ғафур Ғуломнинг насрий баёнини киритган).

Адабиётшунос Н.Комилов эса бу жараённи қуйидагича таснифлайди:

1) шарҳ, тафсир (текстни тушунтириб бериш);

2) сўзма-сўз таржима;

3) эркин (ўзгартириб) насрий баён қилиш.

Масалан, Огаҳийда "Ҳафт пайкар" – эркин насрдир, Умар Боқийники ҳам шу жумлага киради[2]. Демак, Умар Боқий насрий баёни эркин, ўзлаштирма жиҳатлари билан характерланади.

Халқ китобига айлантириш жараёнида Умар Боқий Навоий достонини икки жиҳатдан ўзгартирган ва қуйидаги талқинларни амалга оширган:

1. Архитектоник талқин.

2. Насрий баён талқини.

1. Архитектоник талқин деганда халқ китоби муаллифининг асар таркиби, тузилишига нисбатан муносабати, уни ўз нуқтайи назаридан ўзгартириши тушунилади. Бунда асар қисмлари яхлитланиб, муаллиф соддаликка интилади. Масалан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони 54 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда муайян воқеа тилга олинган. Боб сарлавҳасида эса ана шу қисмда тасвирланувчи воқеанинг қисқача таърифи берилади. Умар Боқий ушбу достонни халқ китобига айлантиришда композицион яхлитлаш йўлидан боради. Достонни бир неча бўлакка бўлиб, уларга ўзи ном бериб чиқади. Навоий достонидаги деярли барча сарлавҳадан воз кечади. Умар Боқий "Фарҳод ва Ширин" достонидаги бобларга қуйидагича сарлавҳа қўйган:

А) асар бошланиши Навоий достони биринчи бобидек сарлавҳасиз берилган[3];

Б) ва Оллоҳи аълам шаҳзода Фарҳодни ойнаи Искандарга боққани ҳикояси[4];

В) шаҳзода Фарҳодни ойнаи Искандарни тамошо қилиб, оташи ишққа гирифтор бўлғани[5];

Г) Фарҳодни ариқ қозимоқ била бало тоғини бошиға ёғдурғонини ҳикояси[6];

Д) ва бу аснода Фарҳод париваши учун Хисрави золимни элчи йиборгани ҳикояси[7];

Е) "Фарҳодни ул хайлнинг", деб бошланувчи 42-боб сарлавҳаси Умар Боқий баёнида ҳам тўлиқ сақлаб қолинган[8];

Ж) алқисса, бу фасл Фарҳодни жон баҳақ таслим қилғони бутурур[9].

Демак, Умар Боқий "Фарҳод ва Ширин"ни халқ китобига айлантириш мобайнида уни композицион жиҳатдан етти бўлакка бўлади. Фарҳод ва Хусрав мунозарасига бағишланган

---

[1] Саломов, Таржима ташвишлари. Б.149.

[2] Комилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в.). Автореф. дис... докт. филол. наук. Т., 1987. С.27; Комилов, Бу қадимий санъат. Б.60-62, 192.

[3] Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун (насрий достонлар). Қарши, 1993. Б.8.

[4] Ўша асар. Б.13.

[5] Ўша асар. Б.21.

[6] Ўша асар. Б.26.

[7] Ўша асар. Б.35.

[8] Ўша асар. Б.40.

[9] Ўша асар. Б.48.

41-боб сарлавҳасини тўлиғича сақлаб қолиб, 168 байтдан иборат ушбу бобнинг 55 байтини келтиради. Бу байтларнинг ҳам аслини, ҳам мазмунининг қисқача насрий баёни ва қолган байтларнинг ҳам насрий баёнини беради. Умар Боқийнинг бу бобдан шу қадар кўп байтни аслича келтириши, бу қисмнинг асар композицияси, воқеалар тугуни, конфликтдаги авж нуқта эканлигидан келиб чиққан. Умар Боқий асарни етти бўлакка композицион жиҳатдан тақсимлашда Фарҳод – бош каҳрамон тасвири ва асар сюжетининг муҳим ўринларига эътибор қаратади.

Архитектоник талқинда халқ китоби муаллифи аслият матнидаги образлар ёки уларнинг айрим муносабатларини олиб ташлаши ҳам мумкин. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳоднинг Қорун ва Монийдан ҳунар ўрганиши лавҳаси мавжуд. Умар Боқий баёнида эса ана шу қисмдан Моний билан боғлиқ лавҳаларнинг ҳаммаси олиб ташланган. Ёки достондаги портрет, пейзаж, лирик чекиниш билан боғлиқ қисмларнинг олиб ташланишини ҳам шундай мақсад билан боғлаш мумкин.

2. Насрий баён талқини халқ китоби жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда ёзма адабиёт намунаси ҳам насрий баён этилади, ҳам баъзи ўринларда шеърий парчалар берилади. Биз ўрганаётган халқ китоблари яратилиши жараёнида ёзма адабиёт намунаси насрий баён этилар экан, бунда ушбу жараён байтма-байт асосда амалга оширилмайди. Бунда асосий мақсад – аслият матнидаги мотивларни бериш, воқеаларнинг муҳим компонентларини ифодалашдан иборат. Шу боис асардаги портрет, пейзаж, лирик кириш ва чекиниш каби асар архитектоникаси билан алоқадор қисмлар насрий баёнга тортилмайди. Масалан, Умар Боқийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони насрий баёнида Фарҳод ва Ширинниг бир-бирига ёзган мактублари ҳақида қисқача маълумот берилади, холос. Насрий баён давомида муаллифнинг мақсади достондаги сюжетни ва уни ташкил этган асосий мотивларни сақлаб қолишдан иборат бўлган. Бу жараён давомида насрий баён муаллифи достон асл матнига яқинлашиши ёки аксинча, узоқлашиши мумкин. Масалан, Умар Боқий Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига анча ижодий ёндашади[1]. Шунинг учун достон матни ва унинг халқ китобидаги вариантини ўрганиш, бунда асар сюжети таркибидаги лавҳалар ва уларнинг насрий баёнга айлантирилишини қиёсий планда тадқиқ этиш лозим. Бунинг учун достондаги мотивлар, турли лирик қисмларни халқ китобидаги айнан шу бўлаклар билан қиёслаш ва шу асосда унинг жадвалини тузиш керак. Чунки жадвалда ўзаро фарқлар, насрий баён муаллифининг талқин этиш усуллари, принцип ва конуниятлари яққол ва тез аниқланади.

Насрий баён жараёнида матн орасида шеърлар ҳам бериб борилади. Масалан, Умар Боқий матн ичида Навоий достонидан жуда кўп парча келтиради. “Фарҳод ва Ширин”нинг Маҳзун томонидан тайёрланган насрий баёни матни ичида ҳам шеърлар мавжуд бўлиб, улар Маҳзуннинг ўзи ёки бошқа муаллифларга тегишлидир[2]. Умар Боқий насрий баёнида 152 мисра шеър келтирилган, шундан 132 мисраси Навоийники[3].

Халқ китобларида шеърий парчалар қуйидаги ҳолатларда олиниши мумкин:

А) Аслиятдан. Насрий баёнга айлантирилаётган матннинг ўзидан айрим парчалар олинади. Масалан, Фарҳод ва Хусрав ўртасидаги мунозара Умар Боқий томонидан аслидагидек, тўлиқ берилади;

[1] Неъматов, Жумаев, “Сўзбоши”. Б.5.
[2] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и. Б.263.
[3] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. III том. Т.: Фан, 1978. Б.163.

Б) Ижодкорнинг бошқа асарларидан олинади; “Масалан, Навоий ғазалларидан парча олиниб, насрий баён матнига киритилади”[1];

В) Насрий баён муаллифи ўзининг шеърларини келтиради. Масалан, Фарҳод билан Шопурни Меҳинбону ўз саройида меҳмон қилиши билан боғлиқ воқеа насрий баён этила туриб, баён қилувчининг қуйидаги байти келтирилади:

Кўзингни чун жигаринг била шустушў қилиб,
Наззора қилғил ўшал юзга чашми пок била.
Жаҳонга берма кўнгил, гуруснарўйи харис,
Кўзунгни тўйдурур айём мушти хок била.
Карашма била айлади мани ул шўх,
Яна не шеваларинг бор экан ҳалок била”[2].

Г) Бошқа шоирлардан ҳам шеърлар келтирилади. Лекин кейинги икки ҳолат – баён муаллифи билан бошқа шоирлар шеърларини аниқлаш осон эмас. Насрий баён мобайнида муаллиф асарни кенг оммага мўлжаллаб соддалаштиради, образлар, ибораларни халқ оғзаки ижодига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Масалан:

- халқ орасида машҳур бўлган образлар ва улар билан боғлиқ воқеаларни келтиради. Дейлик, Навоий Фарҳоднинг ариқ қазиши воқеаси ўрнида, у бемисл кучга эга эди, деб таъкидласа, Умар Боқий унинг кучини Рустами Достонга қиёслайди[3]. Яъни Навоий асарида мавжуд бўлмаган, айни шу ўринда келтирилмаган Рустам образини баёнга ўзи киритиб, Фарҳоднинг куч-қудратини унинг воситасида қиёслайди;

- халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган, мотив, образ ва предметлар аслият матнидаги тушунчалар ўрнида қўлланади. Масалан, Навоий достонида Фарҳод ариқ қазиётганида унинг олдига келган Ширинни кўриб ҳушини йўқотади. Навоий уни маҳд-тахтга солиб саройга олиб кетишди, дейди:

Ани маҳд ичра солиб хисрав ойин
Ёниб ўрдуларига зору ғамгин (ФШ,248).

Умар Боқий эса Фарҳодни сандиққа солиб, олиб кетишди деб, маҳдни сандиқ билан алмаштиради[4]. Халққа тахт эмас, балки ошиқ қаҳрамон билан боғлиқ сандиқ образи (“Тоҳир ва Зуҳра” да Тоҳирнинг сандиққа солиб, дарёга ташланиши лавҳаси билан қиёсланг) яқинлиги табиий ҳол;

- муаллиф халқ орасида машҳур бўлган ибораларидан қаҳрамон қиёфаси, ҳолатини очишда унинг тилидан келтириб фойдаланади. Дейлик, аждар билан Фарҳод олишар экан, у Ҳақни ёд этиб жангга киришади:

Очиб оғзин ютарга айлади хез,
Қилиб ҳақ ёдини шаҳзода ҳам тез (ФШ, 206).

---

[1] Эркинов С. “Хамса” анъаналари” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986. Б.135.
[2] Неъматов, Жумаев, “Сўзбоши”. Б.4.
[3] Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун. Б.27,28.
[4] Ўша асар. Б.30.

Насрий баёнда эса бу ҳолат қуйидагича тасвирланади: аждар “Ё ханнон, ё маннон, ё далили дармондагон, ё дастгири бечорагон!” – деб Худо ёди била ўқ-ёй қўлиға олиб, яқин борди”[1].

– Муаллиф муайян асарни халқ китобига айлантириш жараёнида унинг тилини ҳам анча соддалаштиради. Масалан, Умар Боқий баёнида 2000 сўз қўлланилган бўлса, Алишер Навоий фойдаланган сўзлар миқдори эса 26 000 та (?!)[2].

“Демак, Умар Боқий “Фарҳод ва Ширин” қиссасини ёзишда бир жиҳатдан Навоий достони асосида борса, иккинчидан, халқ достонлари формасида ишлайди. Бу қисса ҳам халқ орасида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини оммалаштиришга сабабчи бўлган”[3].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ёзма адабиёт намунасини халқ китобига айлантириш жараёнида муаллиф матнни халқ диди, дунёқараши, халқ оғзаки ижоди бадииятига мослаб талқин этади. Халқона образ ва иборалардан фойдаланади. Бунда асар халқ афсона ва эртакларига ўхшаб қолади, жўнлашади. Шу боис уларни талқиний манба сифатида ўрганиш керак.

Бироқ ёзма адабиёт намунасининг халқ китобига айлантирилиш жараёни қиёсий планда ўрганилар экан, бунда насрий баён муаллифи фойдаланган асар матни масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Дейлик, биз халқ китобини талқиний манба сифатида ўрганиш учун асар асл матни ва насрий баён матни мотивларини қиёслаб ўрганиш зарур, деймиз. Аммо, масалан, Умар Боқийнинг Навоий достонларини насрий баёнга айлантиришда айнан қайси қўлёзмадан фойдаланганлигини билмаймиз. Умар Боқий асарини Навоий достонлари билан қиёсий ўрганишда Навоий асарларининг ҳозирги мавжуд нашрларидан фойдаланяпмиз. Демак, бу ўринда бизнинг хулосаларимиз ҳам нисбий бўлишини ҳисобга олиш шарт. Лекин биз учун энг аҳамиятлиси шеърий асар бадиий жиҳатдан баён этилганида ҳам талқин этилади, ҳам талқин учун манба бўла олади.

5.4. Навоий “Хамса”сига ишланган миниатюралар - талқиний манба сифатида

Шарқ мумтоз адабиётини миниатюраларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўлёзмани асар мазмунига мос миниатюралар билан безаш анъана тусини олган. Бадиий асарларга ишланган миниатюраларда асар воқеалари тасвир воситасида изоҳланган, талқин этилган[4]. Шарқда миниатюра ўрта аср Эрон тасвирий санъати таркибида вужудга келган ва ривожланган. Эроний халқларда у Исломдан олдинги даврда пайдо бўлган.

Миниатюра ўрта асрга келиб Эрон тасвирий санъатининг асосий жанрларидан бирига айланди. Хамсанавислик анъанаси вужудга келиши билан уларга миниатюра ишлаш ҳам анъанага айланди. Низомий “Хамса”си қўлёзмаларидаги миниатюралар уч турга бўлинади[5]:

---

[1] Ўша асар. Б.16.

[2] Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. дис-яси автореф. Т., 1997. Б.15.

[3] Афзалов М. “Фарҳод ва Ширин” достонининг халқ варианти ҳақида. Филол. фан. Номз. дис. Т., 1950. Б.24.

[4] Oriental Miniatures. Vol.III: The 19th-20th Centuries. Madraimov Abdumajid, Musaev Shahniyaz and Ismailova Elvira (eds.). Tashkent, 2004.

[5] Додхудоева Л. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. М.: ИВЛ, 1985. С.13.

1. Миниатюра – иллюстрация.
2. Миниатюра – талқин.
3. Безак миниатюра (фронтиспис, колофон ости ёки қўлёзма охиридаги миниатюралар).

Дастлабки икки тур миниатюра асарни талқин этишда муҳим ўрин тутади. Миниатюра-иллюстрация кўпроқ бирор лавҳани талқин этса, талқиний миниатюра эса бадиий асар матнини тушунтириш ва ўқувчига сингдиришга хизмат қилади. Чунки ушбу миниатюраларда асосий эътибор бирор лавҳанинг ўзига эмас, балки асарнинг умумий ғоясига, уни умумлаштиришга қаратилади. Шарқ миниатюрасида бадиий асар ғоясини умумлаштириш, уни рамзийлик воситасида ифодалаш устувор аҳамият касб этади. Бунинг натижасида шоир ва рассомларнинг "маъно ортидан қувишлари" кучайган. "Миниатюрадаги дабдабали ранглар безаги, чизиқлар ва фигуралар уйғунлиги остида бизнинг замондошимиз тушуниши ҳамма вақт ҳам мумкин бўлмаган маънолар яширинган"[1]. Чунки ушбу жараёнда миниатюра воситасида "рассом ва шоир бирор сюжетни фақат ифодалаш билан чекланмайди, айни вақтда бу ўзига хос "маросим"да китобхон ҳам иштирок этади. Бу "маросим" турли тасвирий элементлар орасидаги ўзаро муносабат ва қоидалар мантиғига бўйсунади"[2]. Миниатюра бадиий асар матнини тушунишни осонлаштиради ва ёрдам беради. Ўрта аср китобхони диди ҳам шунга мос бўлган. Миниатюрачи ўз талқинини ўқувчига миниатюраси воситасида сингдирган ва тақдим этган. Албатта, у бу жараёнда мавжуд анъана доирасида ҳаракат қилганини ёддан чиқармаслик керак.

Форс-тожик ва ўзбек санъатидаги миниатюралар ҳозирга қадар фақат санъатшунослик нуқтайи назаридан ўрганилган, бироқ бадиий асар матни билан миниатюра ўртасидаги муносабат, миниатюрада асардаги муайян лавҳанинг қандай талқин этилиши масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Бундай йўналишдаги тадқиқотлар, асосан, форс адабиёти (ёки шу тилдаги адабиёт) намуналарига ишланган миниатюралар доирасида амалга оширилган. Анъанавий миниатюраларда рассомнинг тасвир замирига муайян воқелик ёки тарихий муаммоларни сингдиришига доир фикрлар ўртага ташланган[3]. Санъатшуносликда Навоий асарларига ишланган санъат намуналари[4], Навоий портретлари ёки унинг китобат санъатига муносабати масалалари бирмунча ўрганилган бўлса-да[5], лекин шоир асарларига ишланган миниатюраларнинг матн талқини, хусусан, "Хамса" сюжетлари талқинидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилмаган. Навоий асарлари қўлёзмаларига ишланган миниатюралар бир қанча бўлиб, дунё қўлёзма фондларида учраб туради[6].

---

[1] Шукуров Ш. "Охота за смыслом" в искусстве Ирана" // Сад одного цветка: статьи и эссе. М., 1991. С.91.

[2] Шукуров Ш. "Шах-наме" Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция: текст и иллюстрация в системе Иранской культуры XI–XIV веков. М., 1983. С.160.

[3] Назарли М.Д. "К интерпретации творческого метода сефевидских живописцев" // Народы Азии и Африки. 1988, №6, 30–45; Назарли М. Д. "Исторический контекст литературной иллюстрации" // Проблемы интерпретации памятников культуры востока. М.: Наука, 1991. С.174–189.

[4] Камбарова Ш. Сюжеты поэм Алишера Навои в искусстве Средней Азии. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1979; Исмаилова Э.М. Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII–XIX вв. Т.: Фан, 1982. С.91-98; Исмоилова Э.М. "Сўзбоши" // Шарқ миниатюраси. Т., 1980; Исмоилова Э.М. "XVIII–XIX асрда Мовароуннаҳр миниатюра мактаблари" // Шарқ миниатюра мактаблари: мақолалар тўплами. Тўпловчи А.Мадраимов, Н.Норматов. Т., 1989. Б.192–201.

[5] Шарқ миниатюра мактаблари: мақолалар тўплами. Тўпловчи А.Мадраимов, Н.Норматов. Т., 1989.

[6] Adahl K. "A Copy of the Divan of Mir 'Ali Shir Nava'i of the Late Eighteenth Century in the Lund University Library and the Kashmiri School of Miniature Painting" // Persian Painting from the Mongols to the Qajars: Studies in Honor of Basil W.Robinson. R. Hillenbrand (ed.). London–New York: Tauris, 2000. P.3-18; Goeseke G. "Die Miniaturen im Dīwān von Mīr 'Alī Sīr Nawā`ī der Bibliothek der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft in Halle. Ein Beitrag zur

Қўлёзмаларда берилган миниатюраларни ўрганишда икки масалага эътибор қаратиш лозим:

1. Миниатюранинг қўлёзмадаги позицияси масаласи. Қўлёзмада берилган миниатюрани асар матнининг қайси ўрнида, қайси воқеа баёнида, яъни асар матнига нисбатан позициясига қараб ўрганиш зарур. Асардаги муайян воқеа асосида миниатюра чизган рассом ёки унга жой ташлаб кетган котиб ана шу расм ўрнини танлаши билан матн ва лавҳага муносабатда бўлади. Навоий "Хамса"сига ишланган миниатюралар аксарият ҳолларда талқин этилган лавҳа билан ёнма-ён берилганлигини кузатиш мумкин[1].

2. Миниатюрада асар талқини масаласи. Ушбу масала анча мураккаб бўлиб, миниатюра санъати ва ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти талқини ва эстетик қарашлари билан боғлиқ специфик жиҳатларни қамраб олади. Матн ва миниатюрадаги талқин ҳақида гапирилганда, қўлёзмаларда берилган миниатюралардаги тасвирнинг матнга муносабати акс эттирилган расмда матндаги воқеа ва кўриниш қай даражада ўз ифодасини топганлиги масаласига, албатта, тўхталиш лозим. Бунда икки йўналиш мавжуд. Улар Шарқ адабиётига хос бўлган, анъанавийлик ва оригиналлик ўртасидаги муносабат воситасида намоён бўлади.

Уларни кузатамиз:

1) оригинал миниатюралар. Бундай миниатюралар кўп эмас. Чунки Низомий бешлигидан кейин унга ишланган миниатюралар ҳам худди хамсанависликдек анъанавий кўриниш олди. Оригинал миниатюралар икки хил бўлади:

А) оригинал лавҳага ишланган оригинал миниатюралар. Улар кўпроқ Навоий "Хамса"сидаги ҳикоятлар билан боғлиқ. Масалан, "Ҳайрат ул-аброр"да Имом Фахр Розий ва Хоразмшоҳ тўғрисидаги ҳикоят билан боғлиқ, бу икки шахснинг ҳаммомдаги учрашуви тасвирланган миниатюра мавжуд[2]. У оригинал лавҳага ишланган миниатюра сирасига киради. Бундай миниатюрага яна "Лисон ут-тайр"га ишланган расмларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Масалан, Искандарнинг боғланган девни олиб кетиши тасвирланган миниатюра 1824 йил Қўқонда кўчирилган қўлёзмада мавжуд бўлиб, у ҳозиргача шу мавзуга ишланган янги асар саналади[3];

Б) анъанавий лавҳага ишланган оригинал миниатюра. Бундай миниатюралар Низомий, Хусрав Деҳлавийда ҳамда Навоий "Хамса"сига кирган достонларда ҳам учрайди. Лекин ҳозирча унга мисол келтиришдан тийилиб турамиз. Чунки хамсанависликда анъанавий ҳисобланган лавҳага фақат Навоийдан сўнг миниатюра чизила бошлангани билан боғлиқ далилни топиш учун Низомийдан Навоийгача бўлган бешликларга ишланган барча миниатюрани кузатиб, қиёслаб чиқиш лозим. Қолаверса, ҳозирги кунда илм аҳли қўлида бўлган барча миниатюрани ҳам бешликларга ишланган барча расмлар деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Муайян миниатюранинг анъанавий лавҳага биринчи бор ишланганлигини, аввало, исботлаш керак. Агар ана шундай асар топилса, Навоий бешлигидаги лавҳа асосида чизилган миниатюранинг талқини билан боғлиқ масала анчайин ойдинлашган бўларди. Яъни Навоий асаридаги лавҳа тасвирига миниатюрачи рассом қачон киришгани, уни айнан шу анъанавий лавҳа нима учун қизиқтиргани билан боғлиқ далиллар асар талқини учун

Schule von Qazwīn" // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. 1961, №36. P.288-307.

[1] АНАИР.

[2] АНАИР. 87, 243-расм.

[3] Исмаилова, Искусство оформления. С.94-95.

муҳим аҳамият касб этади. Бундай миниатюралар, албатта, йўқ эмас. Масалан, 1591 йил кўчирилган Навоий "Хамса"сида бир неча миниатюра учрайди, лекин улар анча жўн ишланган[1]. Уларга мурожаат қилайлик: "Фарҳод ва Ширин"да йил фасли базми тасвирланган ўринда Фарҳод ва ҳоқон, уларнинг ҳузурида уч мусиқачи аъён ва хизматкорлар ўтирибди. Расмдаги ранглар оч, тасвир ҳам жўн. Қўлёзмада бундай расмлар кўп учрайди. Гарчи миниатюралар ҳаваскорлик даражасида чизилган бўлса-да, лекин "Хамса"нинг ёзилиши даврига нисбатан яқинлиги ва ноанъанавий лавҳаларга ишлангани билан аҳамиятлидирлар.

Умуман олганда, оригинал миниатюранинг оригинал, биринчи марта муайян ижодкор асарига ишланганлигини аниқлаш мураккаб масала саналади. Устига-устак, "Хамса" каби анъанавий жанрда ёзилган асарларга ишланган миниатюраларнинг ҳам ўз анъанаси мавжуд бўлган. Бундай ҳолат ўз навбатида далилларни исботлашни янада мушкуллаштиради.

2) анъанавий миниатюралар. Булар Низомий "Хамса"сидан бошлаб давом этиб келаётган миниатюралардир. Низомий бешлигидан ўрин олган бир воқеа ёки лавҳага баъзан бир нечта миниатюра ишланган ва шу тахлит муайян анъана шаклланган. Масалан, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонида Хусравнинг булоқ сувида чўмилаётган Ширинни кўриб турган лавҳасига 1386 йилдан XIX аср бошигача 126 та миниатюра ишланган[2].

Анъанавий миниатюралар икки хил бўлади:

А) "Хамса" достонларида мавжуд бўлган лавҳага ишланган анъанавий миниатюралар.

Унга Низомийдан бошлаб давом этиб келаётган лавҳага ишланган, анъана сифатида шаклланган миниатюралар киради. Бунга мисол жуда кўп. Масалан, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонида келтирилган Фарҳоднинг Ширинни оти билан бирга ариқдан ўтказиб қўйиши лавҳасига 44 та миниатюра ишланган[3]. Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги айни шу лавҳага ҳам бир неча миниатюра чизилган[4]. Мажнуннинг саҳрода ҳайвонлар орасидаги тасвири борасида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин;

Б) "Хамса" достонларида мавжуд бўлмаган воқеа ёки матнга номутаносиб, лекин муайян анъана асосида ишланган миниатюраларни ҳам киритиш мумкин. Бундай миниатюра, аслида, салафларда мавжуд бўлган лавҳага ишланган, лекин бошқа бир хамсанавис асарида гарчи ўша лавҳа йўқ бўлса-да, анъанадан келиб чиққан ҳолда бериб кирилаверган. Бунда анъана устуворлиги ва унга нисбатан муносабат сабаб бўлади. Бундай миниатюралар ўз вақтида Низомий достонларига ишланган, лекин анъанага эргашишдан келиб чиқиб миниатюрачи рассом уни қаҳрамон ёки мавзуси билан муайян даражада боғланган достон қўлёзмасига ҳам киритган. Масалан, Қўқон хони Амир Умархон фармони билан 1824 йилда кўчирилган Навоий "Хамса"си қўлёзмасининг "Фарҳод ва Ширин" достонига Хусравнинг булоқ сувида чўмилаётган Ширинни кўриб тургани тасвирланган миниатюра ҳам берилган[5]. Ваҳоланки, Навоийнинг ушбу достонида бундай лавҳа йўқ. Ёки Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонида Баҳром маст бўлиб Дилоромни ёлғиз даштга ташлаб кетади. Эртаси куни ўзига келиб уни ўша жойдан топа олмагач, маъшуқаси ҳажрида ғам-изтироб чекади. Навоий Баҳромнинг айрилиқ шомидаги азобланиши тасвирига алоҳида боб бағишлаган (*СС, 501-504*). Унда шундай мисралар бор:

---

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752.
[2] Додхудоева, Поэмы Низами. С.127-133.
[3] Ўша асар. С.152-154.
[4] АНАИР. 70, 93, 274-расм.
[5] Алишер Навоий. "Хамса". ЎРШИ-3, №23/2; АНАИР. 275-расм.

Ул хаёл ичра печу тоб урубон,
Чарх жисмиға юз таноб урубон,
Қошининг шавқидин қади хам ўлуб.
Заъф ичинда ҳилолдин кам ўлуб (СС, 502).

Ушбу байтлардан сўнг “Бузоқ кўтарган Фитна” номли миниатюра берилади. Бу миниатюра – аслида, Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонидаги лавҳага ишланган. Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида эса бундай лавҳа умуман йўқ. Демак, рассом анъанага эргашган. Мазкур ҳолат шуни кўрсатадики, рассом турли муаллифларнинг назира-достонларидаги мазмун ва ғоявий йўналиш, улар ўртасидаги фарққа эътибор қаратмаган. Классик даврда эса бундай фарқларга катта эътибор бериларди[1]. Ушбу ҳолат айни вақтда Шарқ миниатюрачилигига хос эканини ҳам қайд этиш жоиз. Шарқда бадиий асарларни миниатюралар билан “иллюстрация қилишда расмнинг асар матнига мувофиқ келиши муҳим саналмаган. Бу ҳолат стереотип композициялар шаклланган адабий анъанани кенгроқ ифодалай олиши билан боғланса керак”[2]. Муайян лавҳа ва унга ишланган миниатюра орасидаги мутаносиблик масаласини фақат анъана ёки миниатюрачи рассом хатоси, ёндашув услуби билан ўлчаб бўлмайди. Иллюстрация матндаги сюжетга у ёки бу даражада яқинлашиши, рассом матнда ифодаланмаган ва умуман, кўзда тутилмаган атрибут ва персонажлар фаолияти тасвирини расмларига киритиши мумкин. “Бироқ бундай йўқотиш ва пайдо қилишни фақат рассомнинг ўзгарувчан эстетик позицияси натижаси, деб тушунтириб бўлмайди. Аввало, бунинг ортида мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаган рассом тафаккурининг қатъий тартиби ётибди”[3].

Достон матнига миниатюранинг номувофиқлиги ҳолати фақат Навоийга эмас, балки салафлар достонларига ишланган миниатюраларга ҳам хос. Масалан, Хусрав Деҳлавийнинг “Мажнун ва Лайли” достонида Мажнун отаси билан чўлда учрашади. Рассом эса миниатюрасида бу учрашувни боғда тасвирлаган[4]. Матн билан миниатюра ўртасидаги бундай номувофиқлик ҳатто Низомийнинг “Хамса”сига ишланган миниатюраларда ҳам учрайди[5]. Бундай ҳолатлар, асосан, миниатюрадаги талқин характери билан боғлиқ. Шу боис бундан таажжубланмаслик керак. Чунки достонни ўқиётган “китобхон тасвирни матндан келиб чиққан ҳолда ўзи талқин этиши лозим бўлади”[6]. Биз бу билан матн ва миниатюра ўртасидаги номутаносибликнинг ҳар қандай кўриниши миниатюрачилик анъанасига бориб тақалади, деган фикрдан йироқмиз. Навоий “Хамса”си достонларида тилга олинмаган лавҳага ишланган миниатюранинг Навоий “Хамса”си қўлёзмасига киритилишини анъана билан боғлаш мумкиндир. Бироқ Низомий “Панж ганж”ида мавжуд бўлмаган ёки ўзгача талқин этилган лавҳага чизилган миниатюрани вужудга келишини фақат анъанавийликнинг ўзи биланоқ боғлаб бўлмайди. Бу ўринда рассом талқини, фантазияси ва даврга хос эстетик қарашларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Юқоридаги назарий фикр ва далиллардан хулоса чиқариб, шуни таъкидлаш керакки, достонлардаги муайян лавҳаларга ишланган миниатюраларнинг, умуман, миниатюранинг бадиий асар талқинидаги, муаллиф ғоясини очишдаги ўрни каттадир.

---

[1] Исмаилова, Искусство оформления. С.96.
[2] Додхудоева, Поэмы Низами. С.29.
[3] Шукуров, “Шах-наме” Фирдоуси. С.158.
[4] Шукуров Ш. Искусство средневекового Ирана. М.: Наука, 1989. С.170.
[5] Додхудоева, Поэмы Низами. С.32-35.
[6] Додхудоева, Поэмы Низами. С.36.

Энди Навоий “Хамса”си достонларига ишланган айрим миниатюраларни матн талқини нуқтайи назаридан таҳлил қиламиз. Бунда “Хайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин” достонларига ишланган биттадан миниатюрани танлаб оламиз. Миниатюрадаги маъноларни ечишда тасаввуфий луғат ва мавжуд тажрибаларга суяндик[1].

“Ҳайрат ул-аброр”. “Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати” миниатюраси[2]. Ушбу миниатюра достоннинг илмга таъриф берилган, ўн биринчи мақолатига илова этилган имом Фахр Розий билан султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида ҳаммомда бўлиб ўтган суҳбат лавҳасига ишланган. Бу миниатюра қўлёзмага 1492 йил Ҳиротда киритилган.

Илм таъриф этилган ўн биринчи мақолатда Навоий илмнинг жамиятдаги ўрни, олимларнинг ўз мақсадига машаққат билан етишиши, уларнинг меҳнати қадр, рағбат ва эътирофга лойиқлигини таъкидлайди. Олимларга билимсиз ва жоҳил кишиларни қарши қўяди (*ҲА, 94-98*). Мақолатга илова этилган ҳикоятда шундай дейилади:

Имом Фахриддин Розийни тақдир Хоразмга етаклайди. Лекин Хоразмшоҳ бу хабарни эшитса-да, уни на таклиф қилади, на кўришга келади. Ҳақни таниган Розий ҳам унинг олдига бормайди. Бир куни улар тасодифан ҳаммомда учрашиб қолади. Шоҳ имомни мулзам қилиш ниятида ундан қиёмат куни, яъни инсон бу дунёда кўриши мумкин бўлмаган воқеа ҳақида сўрайди. Розий унга ҳеч иккиланмай шундай деб жавоб беради: “Қиёмат куни мана шу ҳаммомга ўхшаш бўлади. Унда шоҳ билан гадо теппа-тенг бўлиб, ўртасида тафовут қолмайди. Сен каби бойлик ва ҳашам аҳли – моддий олам қулларининг ҳамма нарсаси ташқарида қолиб кетади. Илм аҳли эса у ерга ўзи билан бирга умри давомида йиққан нарсалари – билимларини олиб боради. Кўрдингми, сенинг султонлигингдан ҳеч фойда йўқ, илм эса бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фақат наф келтиради”.

Биз тилга олган миниатюра ана шу ҳикоятга талқин сифатида вужудга келган. Миниатюра қўйилган саҳифанинг юқори бурчагида ҳикоятдан уч байт келтирилган:

Бўлди басе пардада гуфту шунуд,
Парда чу қўпмади ародин не суд.
Бор эди ҳаммомда бир кун имо,
Шаҳ дағи ҳаммомда қилди ҳиром.
Бир-бири бирла бўлубон мухталит,
Шоҳ савол этти бўлубон мунбасит.(ҲА , 97).

Шундан сўнг миниатюра берилган. Уни қуйидагича талқин этиш мумкин: ҳаммом – дунё тимсоли, унда шоҳ билан имом дунё сиру синоати ҳақида гаплашяпти. Имом Фахриддин Розий – олим, у боқийдир, ҳақиқий васл нариги дунёда бўлиши, бу дунё қисқа ва ўткинчи эканлигини теран англайди. Шу боис ҳам гўзал олам – у дунё тимсоли миниатюранинг юқори қисмидан ўрин олган. Имом у дунёда шоҳу гадо, олиму султон ўртасида ҳеч қандай тафовут бўлмаслигини, унгача ҳаёт шу тарзда давом этаверишини таъкидлайди. Тасвир ўртасида ҳамма бир хил – кийимсиз – Қиёмат куни, ўнг томонда эса эшик очиқ, ундан уч хил кийим кийган киши келяпти: ҳаёт давом этяпти. Бу тасвир шу билан бирга шоҳнинг дунёни ўзгача тушунишини англатади. Тасвир ўртасидаги икки малак тимсоли илҳом ва

[1] Улудағ С. Тасаввуф терминлари сўзлиги. Истанбул, 1991; Шукуров, “Охота за смыслом”.
[2] АНАИР. 87, 243-расм.

кашф оламига ишора. Агар одам илҳом ва кашф мақомига эришса, уни англаса, илоҳий васлга етишиши муқаррар. Миниатюранинг юқори қисмида ваҳдат олами яшил рангли гумбаз воситасида ифодаланган. Ўнг тарафдаги эшик очиқ турибди, чунки Аллоҳ ва унинг раҳматини англаш учун одам қалби доимо бедор бўлмоғи лозим.

“Фарҳод ва Ширин”. “Золи маккора Фарҳодга Ширинниng ўлими ҳақида хабар бермоқда” миниатюраси[1]. Ушбу миниатюра “Хамса”нинг 1485 йилда Ҳиротда кўчирилган нусхасига киритилган. Миниатюра юқорисида қуйидаги икки байт берилган:

Ғараз гар жон эди, олдинг ано ҳой,
Ўлук тандин не истарсен яно ҳой.
Кўнгул қонин ичардин тўйғил эмди,
Мени ўз меҳнатимға қўйғил эмди. (ФШ,306).

Бу Фарҳоднинг сўзлари бўлиб, достоннинг 48-боби ниҳоясида берилган. Ушбу бобда Фарҳоднинг олдига махсус юбортирилган афтодаҳол золи маккора келиб, Хусрав билан Меҳинбону ярашди, Ширин эса ўзини ўлдирди, деган нохуш хабарни етказиб, алдайди.

Миниатюра ана шу воқеа асосида ишланган. Унда Фарҳод ва ёлғон хабар олиб келган кампир табиат – тоғу тош фонида тасвирланган. Тасвирда Фарҳод, теша, золи маккора, оҳу, тоғ эчкиси, шайх, шер, табиат, баргсиз дарахтлар каби образлар мавжуд. Тасвирни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин: Фарҳод – комил инсон, илоҳий руҳ сирини англашга қодир. Бунинг учун унда қувваи ҳофиза ҳам, илоҳ сиридан хабар берувчи ишққа лиммо-лим кўнгил ҳам бор. Лекин комил инсон фоний дунёда туриб, Аллоҳ васлига восил бўлмоғи учун ўз нафси аммарасини енгмоғи керак. Бунда унга фақат тариқат восита бўлиши, фақат у комил солик вужудини енгиб, илоҳий руҳ оламига олиб чиқиши мумкин. Нафси аммора (Ёсуман) илоҳий руҳ мазҳари (Ширин)нинг сўнганлигидан хабар бермоқда. Солик кўнглида уйғонган шубҳа унга вужуд томонидан қилинаётган тажовузга ишора. Шу боис тасвирда комил солик қалбидаги турфа туйғулар тимсоли алоҳида-алоҳида ўринда берилган. Фарҳод эгнидаги кўк ранг кийим комил инсон тимсоли, жигарранг риёзат босқичини ўтаганлигига ишора, дастор – мутафаккир (тафаккур қилувчи шахс), қизил қалпоқ – баҳри раҳмат (инсон тафаккурининг эзгулик манбаи эканлиги)ни англатади. Кўзининг кичиклиги ёки қисиқлиги эса бу дунё ишларига боқмаслик, қўлнинг очиқлиги бу дунё моли – моддиятга бепарволигига ишорадир. Белидаги камар ўз мақсадига етишиш йўлида собитлиги ва ҳиммати баландлигини англатади.

Кўриниб турибдики, миниатюра бобда берилган лавҳанинг ўзидан кўра бошқачароқ, мазмундан кўра кенгроқ фикр ва маънони англатяпти. Яъни у асарнинг айни шу ўрнига фақат иллюстрация бўлмай, муайян талқин вазифасини ҳам бажаряпти. Миниатюрачи рассом Фарҳод образини ушбу лавҳа воситасида талқин этмоқда. Бундай ҳолат Шарқ миниатюрасига хос хусусият бўлиб, “тасвирий баён иллюстрация қилинаётган сюжетга эмас, тасвир ва сўз санъатини умулаштирувчи ғояга йўналтирилган. Бу ғоя моҳияти ва мантиғи сўз санъати ва тасвирий санъатдаги баённинг турли даражадаги қатъияти ва кетма-кетлигида намоён бўлади”[2].

[1] АНАИР.
[2] Шукуров, “Шах-наме” Фирдоуси. С.160.

Ушбу қисм сўнгида Навоий “Хамса”си талқини учун аҳамиятли бўлган, юқорида биз айрим мисоллар келтирган Қўқон қўлёзмасига ишланган миниатюралар хусусиятларини чуққурроқ таърифлаш, таҳлил қилиш керак бўлади[1]. Чунки улар воситасида уч хонлик даврида Навоий достони матни талқини ҳамда китобхонлар диди ўзгарганлигини билиш имкони туғилади. Бу нусхани Қўқон хони Амир Умархон фармойишига кўра, Мулла Рўзи котиб 1824 йилда кўчиради. Ушбу қўлёзмада 48 та миниатюра жамланган бўлиб, уларни Муҳаммад Амин Косоний чизган. Бироқ бу миниатюралар ишланиш услуби ва сифати жиҳатдан ўрта аср намуналарига мос эмас, бадиий жиҳатдан ҳам анча заиф. Ўрта аср санъати тасвир ва буёқларга бойлиги, қатъийлиги, кенг фон ва асар сюжетига мутаносиблиги билан алоҳида ажралиб туради. Айни шу қўлёзма миниатюралари тўғрисида билдирилган қуйидаги фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ: “Достонлар мазмуни уларга ишланган миниатюраларга нисбатан талқин учун янада жиддийроқ ва чуқурроқ фалсафий маъно беради”[2]. Бизнингча, рассом тасвирдаги рамзийлик ва мавжуд анъаналарга бефарқ қарайди. Бу жиҳат яна биз юқорида таъкидлаган рассомнинг Навоий достонида учрамайдиган, аммо салафларида мавжуд бўлган анъанавий лавҳага оид миниатюраларни ҳам қўлёзмага киритганлигида яққол намоён бўлади. Демак, рассом анъанавий лавҳага уни чуқур англамасдан мурожаат қилади. Миниатюра матндаги муайян лавҳани изоҳлаши, талқин қилиши шарти уни қизиқтирмайди. Қолаверса, мазкур тасвирий санъат асарларида кашмир миниатюраларининг услуби сезилади[3].

Масалан, фоннинг кичрайиши кашмир услубига хос хусусият. Бундан ташқари биздаги мавжуд анъанага кўра, бош қаҳрамон оёғи тасвирда очиқ кўриниши керак. Аммо бу миниатюрада тош бош қаҳрамон ва унинг оти оёғини тўсиб қўйган[4]. Санаб ўтилган бу ва бошқа хусусиятлар миниатюралар даврлар ўтиши билан ўзгариб борганлигини кўрсатади.

Демак, бадиий асарларга ишланган миниатюраларни шу асар матни, ундаги образ, метаобраз ва ғоялар талқини юзасидан ўрганиш лозим.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, Навоий “Хамса”сига ишланган миниатюраларни талқин нуқтайи назаридан ўрганишда қуйидаги вазифалар муҳим, деб ҳисоблаймиз:

1. Дешифр масаласи. Навоий “Хамса”сига ишланган миниатюраларни дешифр этиш, яъни уларнинг шифри: образлар, ранглар, тасвир асосидаги маъноларни ечиш лозим. Бунинг учун иккита вазифани амалга ошириш зарур бўлади:

А) Навоий давридан то XX асргача бўлган китобхонлар дидини ўрганиш зарур. Уни билмай туриб миниатюралар дешифрини амалга ошириш мушкул ёки реципиентни нотўғри йўлга олиб кириб кетиши мумкин. “Миниатюранинг ботинида шундай мураккаб мазмун яширинки, уни чуқур тушуниш учун махсус тайёргарлик даркор”[5]. Шу боис айтиш жоизки, миниатюраларнинг биз қисқа тарзда амалга оширган талқинларини ҳам мукаммал ва етарли деб бўлмайди. Ўрта асрнинг юксак дидли китобхони миниатюраларни айнан шундай бўлмаса-да, лекин шунга яқин алфоз ва йўналишда талқин этган. Бундай фикрни Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор” достонидаги ҳикоятга ишланган битта миниатюра ҳақида йигирма бетдан иборат мақола ёзган санъатшунос Ш.Шукуров ҳам қайд этади[6].

[1] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №23/2.
[2] Исмаилова, Искусство оформления. С.95
[3] Ўша жойда.
[4] АНАИР. 270, 271, 273, 274, 275, 276, 284, 285-р.
[5] Исмоилова Э.М. “Сўзбоши” // Шарқ миниатюраси. Т., 1980. С.6.
[6] Шукуров, “Охота за смыслом” в искусстве Ирана. С.109.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, китобхонлар дидидаги ўрта асрларга хос жиҳатлар XVI аср ўрталаридан бошлаб ўзгара бошлаган. Биз ўрганаётган даврда ҳам гарчи Шарққа хос умумий руҳият сақланса-да, бадиий дид, бадиий асарга ишланган миниатюралар талқини бир хил меъёрда бўлмаган. Ўрта асрлардан узоқлашган сари миниатюралардаги рамзийлик ҳам заифлашиб, тасвирда жўнлашув сезила бошлайди. Биз, Шарқ, хусусан, ўрта аср китобхони бадиий дидини ўрганиш воситасида миниатюралар руҳиятига чуқур кириб боришимиз мумкин;

Б) миниатюрадаги образлар, ранг ва тасвирнинг мажозий маъноларини излаш, аниқлаш, шу йўналишда луғатлар тузиш керак. Чунки дешифрни махсус луғатларсиз амалга ошириб бўлмайди, яъни декодер луғатлар тузиш зарур. Албатта, бундай луғатларни тузишда миниатюранинг чизилган даври, унинг мактаб ва услубларини ҳисобга олиш шарт. Чунки образлар миниатюрада ҳам шарқ адабиётида бўлганидек, бир хил ёки ўзгармас маънога эга эмас. Уларнинг маъно ва талқини даврлар ўтиши билан ўзгариб турган. Масалан, бундай тип луғатни айнан Навоий "Хамса"сига ишланган миниатюралар асосида ҳам тузиш мумкин.

2. Индекс масаласи. Юқоридаги барча ишлар ташкилий масала – Навоий "Хамса"сига ишланган миниатюралар индекси тузилганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун Низомий бешлигига ишланган батафсил индекс тажрибасидан фойдаланиш керак[1]. Мухтасар айтганда, Навоий "Хамса"сига ишланган миниатюралар бадиий талқиний манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

5.4. Таржималар бадиий талқин сифатида

Бадиий асар таржима жараёнида бир тилдан иккинчи тилга ўгирилар экан, бадиий жиҳатдан талқин этилади, "таржима қилиш талқин этиш демакдир"[2]. Лекин Шарқ адабиётида таржимонлар таржима объектига нисбатан эркин муносабатда бўлган. Улар ўзларини таржима жараёнида матнни ўзгартиришга ҳақли деб ҳисоблаган. Масалан, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонини туркий тилга таржима қилган Қутб (1340 йилда) оригинал матнга эркин муносабатда бўлган, асарга ўзгартиришлар киритган[3].

Таржима учун ўша асарга муайян жамият ёки гуруҳда эҳтиёж туғилиши керак. Масалан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) – Феруз Огаҳийга Низомийнинг "Ҳафт пайкар", Хусрав Деҳлавийнинг "Ҳашт беҳишт" ва Ҳилолийнинг "Шоҳу гадо" асарини таржима қилишни буюради. Бу уч асарда ғоялар, фалсафий фикрлар эротик лавҳалар қобиғида берилгани боис ҳам шоҳ уларни таржима бўлишини хоҳлаган. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари форс тилига бир неча марта таржима қилинган. Ёки дейлик, Фирдавсий "Шоҳнома" асарининг ўтмишда насрий йўл билан таржима қилиниши замирида ҳам муайян қонуният мавжуд[4]. Бироқ Навоийнинг "Хамса"си таржималари жуда кам учрайди. Маса-

---

[1] Додхудоева, Поэмы Низами. С.101-305.

[2] Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т.: Ўқитувчи, 1978. Б.103.

[3] Ганиханов М.А. Сравнительный анализ поэм "Хусрав и Ширин" Низами и Кутба. Автореф. дис. канд. филол. наук. Т., 1994

[4] Фирдавсий ва ўзбек адабиёти ҳақида қ.: Ҳомидов Х. Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси. Т., 1985; Ҳомидов Х. "Шоҳнома"нинг шуҳрати. Т., 1991; Ҳомидов Х. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1990; Хамидов Х. Фирдоуси и узбекская литература.

лан, XVI аср турк шоири Ломеъийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони Навоийнинг шу номли асари таржимаси ҳисобланади. У Навоийнинг достонини усмонлича турк тилида бироз ихчамлаштириб баён этган[1]. “Фарҳод ва Ширин” достонини эса грузин уйғониш даври адибларидан бири ўз тилига таржима қилган[2]. “Сабъаи сайёр” достонидан айрим ҳикоятлар Ғарб тилларига XVI асрдаёқ таржима қилинганлиги тўғрисида фактлар мавжуд[3]. Лекин биз ўз ишимизда Навоийнинг Шарқ мусулмон мамлакатларида таржима этилишини тадқиқ этишни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари юқорида қайд этилган таржималарнинг манбалари қўлимизда бўлмагани учун ҳам бу борада бирор фикр билдиролмаймиз. Лекин Навоий бешлигининг Шарқда XX асргача таржима этилишига оид манбалар топила бориши билан уларни бадиий талқин манбаи сифатида ўрганиш имконияти кенгаяди.

Навоий “Хамса”си бадиий талқинига оид ушбу бобни ҳам якунлаб, ҳам ўз кузатишларимиздан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, бадиий талқин ва унинг асосини ташкил этган метаобраз талқинни асл матндан анча узоқлаштиради. Бешлик таркибидаги достонларнинг айрим таржималарида объект – асар матни деярли ўзгаришсиз қолади, ичида баъзи қисқариш, қўшимча ва мантиқий муносабат етакчилик қилади. Бадиий талқин ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлгани учун эркин тус олади. Масалан, 1908 йилда “Хамса”нинг насрий баёни – “Насри “Хамса” асари Тошкентда тошбосма усулида босиб чиқарилади[4]. Насрий баён бешликнинг асл матнидан узоқлашгани ва ўзгарганидан ташқари унга киритилган иллюстратив расмларда ғалати ҳолатни кузатиш мумкин.

Достонларнинг айрим лавҳаларига ишланган расмларда баъзи аёллар кийими ва кийиниш услуби XX аср бошидаги рус аёлларининг модали кийимларини эслатади[5]. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достонининг бошланишида Лайлини севиб қолган Мажнун ҳушидан кетади. Шунда Лайли унинг бошини тиззасига қўяди. Худди шу лавҳага ишланган расмда Лайли елкаси ва олд тарафи ярмигача очиқ кўйлакда тасвирланган: расм услуби Европа гравюраларини эслатади. Рассом европача услуб анъаналари асосида шаклланган боис Навоий қаҳрамонлари кийимларини миниатюра йўналишидан бошқача тарзда талқин этган[6].

У пайтда ўзбек аёллари паранжида юрганлиги, уларнинг ясаниб юришларини очиқ тасвирлаш ва кўриш имкони бўлмаганлиги боис рассом Навоийнинг аёл қаҳрамонларини реал объект – рус аёллари ва улар кийими фасонида тасаввур қилади. Бадиий талқин айни вақтда яна шундай хусусиятга эгаки, бадиий асар талқин этиб бўлганидан сўнг асардаги образлар бошқа образлар, яъни метаобраз билан ифодаланганда унинг ўзини ҳам талқин этиш керак бўлади. Шарқдаги бадиий талқин ва метаобраз масалалари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Навоий “Хамса”си бадиий талқинлари талқиний манбалар ичида ўз ўрнига эга. Бунга шубҳа йўқ. Шу боис улар ҳам адабий герменевтика фани доирасида тадқиқ этилиши лозим.

Автореф. дис. д-ра филол. наук. Т., 1990.

[1] Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и. Б.253

[2] Эркинов С. “Хамса” анъаналари” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986. Б.128.

[3] Бертельс, Навои и Джами. Б.441-446.

[4] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №31; Алишер Навоий. Насри “Хамса”. Т., 1908.

[5] Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №10673, СС: Б.13,23,29,65; ЛМ: Б.5; ФШ: Б.53,107; рассом Раҳматуллоҳ ибн Мулла Абдушукур китобда “Рисовальщик Абдушукуров Р.” деб кўрсатилган.

[6] Эркинов А. “Лайли европача кийинганми?” // Саодат. 1998, 4-сон. Б.18-19.

ХУЛОСА

Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг ушбу асар яратилган даврдан бошлаб то XX асргача бўлган талқинларини ўрганишда биз, аввало, матн талқини билан шуғулланувчи таълимот – герменевтикага суяндик. Аниқроғи, фалсафа фанининг бир тармоғи бўлган фалсафий герменевтикани бадиий адабиётга татбиқ этиш, яъни адабий герменевтикани тадқиқотимизнинг методологик асоси қилиб олдик. Ушбу таълимотга суянишимиз бежиз эмас, чунки адабий герменевтика бадиий матн талқинини ўрганади ва бир қанча талқин турлари асосида назарий фикрлар ҳосил бўлишига хизмат қилади[1].

Талқин тушунчаси таҳлилдан кўра кенг қамровли бўлиб, асар воситасида ифодаланган мазмун, ғоявий йўналишни умумлаштириб, яхлит ҳолда ўрганади. Шу боис ўзбек адабиётшунослигига бу таълимотни яхлит ҳолда олиб кириш лозим. Чунки дунё филологияси тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, филология ва умуман, матн ва унинг талқини билан шуғулланувчи ижтимоий фанлар, маданий обида ҳамда санъат асарларини ўрганувчи адабиётшунослик ва санъатшунослик соҳалари герменевтика фалсафаси асосида ривожланмоқда. Адабиётшуносликда матн талқини азалдан мавжуд экан, демак, герменевтика фани билан боғлиқ жиҳатлар ўзбек филологияси замирида ҳам қадимдан амал қилган. Ҳар бир олим тадқиқот жараёнида бошқа соҳалар билан ҳам у ёки бу даражада муносабатга киришади. Фақат бу таълимотни илмга яхлит ҳолда татбиқ этиш аввалги муносабатлардан фарқ қилади, деб ҳисоблаймиз.

Собиқ совет тузумида ўша давр мафкураси ва қарашларига бадиий асар матни талқинини атай мослаштирилганидан катта авлод адабиётшунослари хабардор. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, матн талқинининг турли йўналишларига кенг йўл очилди. Бу, албатта, жамиятни демократлаштириш жараёни натижасидир.

Санъатшунослик ва адабиётшунослик турфа феъл ва қарашга эга инсонлар бўлгани каби хилма-хил талқинларга интилиши жоиз. Талқин қанча кўп бўлса, бадиий асар шунча ютади ва бу ҳолат унинг қимматини оширади. Инсон янги тузум, муҳит ва шароитда ўз характерининг янги қирраларини намоён қилганидек, бадиий матн ҳам турли ёндашувда турлича мазмун ва моҳият касб этиб боради. Бир сўз билан айтганда, талқин назарияси – герменевтика кенг соҳа саналади.

Ушбу тадқиқотимизда Шарқ намояндалари томонидан муайян маданий муҳитда Навоий “Хамса”сининг талқин этилиши манбаларига эътибор қаратдик, уларни ўрганиб чиқдик. Шарқ бадиий матнлари талқини Шарққа хос ва мос бўлган алоҳида ёндашувни талаб этади. Ботиний маънолар талқини, албатта, анча мураккаб жараён. Чунки яширин маъно фақат битта эмас, бир нечта бўлиши мумкин. Биз шарқ адабиётининг мазкур муҳит намояндалари томонидан талқин этилишини Алишер Навоий “Хамса”си вужудга келганидан то XX аср бошларигача бўлган талқинлари манбаини аниқлаш воситасида бошладик. Чунки бу босқичдаги талқинларни кузатиш учун, аввало, талқиний манбаларни аниқлаш, уларни тасниф қилиш керак эди. Алоҳида босқич мавжуд бўлганлигини кўрсатилиши керак эди.

---

[1] Мазкур таълимотнинг бугунги кун адабиётшунослик илми учун аҳамияти ҳақида қ.: Эркинов А. “Бадиий матн талқини” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996, 4 апрель; Эркинов А. “Герменевтика – матн талқини таълимоти” // Жамият ва бошқарув. 1-сон, 1997. Б.72-75.

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, Шарқда Навоий “Хамса”си ёзилган ва ундан кейинги даврларда унга яхлит асар сифатида қаралган. Аждодларимиз ушбу бешликни ўзига хос йўналишда, бугунгидан фарқли тарзда талқин қилган. Бу жараённи икки босқич – XV асрдан то XX аср бошигача, XX аср бошидан бугунгача бўлган босқичларга бўлиш мумкин. Биринчи босқични шартли равишда шарқона, кейингисини ғарбона деб аташ мумкин. Аввалги босқич Чор Россиясининг Туркистонни босиб олишидан олдинги давр бўлиб, унда, асосан, шарқона тафаккур устувор бўлган, Шарқ зиёлилари ўз маданиятларини бугунгидан фарқли равишда, айни шу маданият ўлчовлари билан талқин этган. Лекин 1920–1930-йиллардан бошлаб аждодларимиз тафаккурида Ғарб таъсири кучаяди. Мадрасада эмас, дунёвий мактабда ўқиган кишилар адабиётни энди ғарбона қарашлар асосида қабул қиладиган бўлди. Бунинг натижасида, бугунги кун кишилари ўзбек мумтоз адабиётини тушунишдан йироқлашди. Ушбу икки давр ўртасида, яъни XX аср бошида ўтиш босқичи мавжуд бўлган. Айни шу даврда шарқона қарашлар ғарбона тушунчалар билан омухта бўлиб кетди. Бундай ҳолат ўтиш даврига хос табиий жараён саналади. Айни шу даврда янги жадидчилик ҳаракати юзага келди, қадимчилар ва жадидлар ўртасида баҳс-мунозара кучаяди. Биз бу ўринда XX асрни чегара сифатида шартли тарзда олдик. Ўз навбатида, босқич масаласи ҳам шартли бўлиб, аждодларимизнинг ўз муҳитидаги асарларни талқин этишлари билан боғлиқ. Бироқ бу босқични Афғонистон ўзбекларининг ўзбек мумтоз адабиётини талқин қилиши билан алоқадор деб бўлмайди. Аммо биз назарда тутган босқичга Навоий “Хамса”-си талқинининг бир йўналиши деб қараш мумкин, холос. Масалан, М. Бахтин муайян бир маданиятни тушуниш учун унга бошқа маданият кўзи билан қараш кераклигини, у маданиятни унинг яратувчилари томонидан талқин қилинишини эса талқиндаги бир йўналиш деб атайди. Шунга қарамай, Навоий “Хамса”сининг ўша муҳит намояндалари томонидан тушунилиши ва талқин этилиши алоҳида бир йўналиш бўлиб қолади. Талқиннинг ушбу йўналиш ва тури ўша давр манбаларида акс этган. Бундай манбаларнинг дастлабкиси Навоийнинг ўз бешлиги ва унинг яратилиши билан боғлиқ фикрларида акс этган. Навоийнинг ўз “Хамса”сига доир қарашлари кенг кўламли бўлиб, улар асарнинг турли жиҳатига тааллуқлидир. Биз уларнинг ичида фақат биттаси – Навоийнинг хамсанавислик анъанасига муносабати ва ўз “Хамса”сини ёзиши жараёнидаги адабий-эстетик қарашларини ўргандик. Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўз “Хамса”сини бирин-кетин ёзади. Лекин Жомий хамсанавислик анъанаси энди эскирди, деб Хусрав ва Ширин ҳамда Лайли ва Мажнун мавзуларини қаламга олмайди. Асосий эътиборини фалсафий-дидактик достонларга қаратади. Афсонагўйлик қилиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Лекин Навоий бу масалага ўзгача ёндашади. У афсона фақат шакл, иккинчи даражали нарса эканлигини, “Лайли ва Мажнун” достонини ёзишдан мақсади афсона ҳикоя қилиш эмас, аксинча, муайян мақсад-мазмунни ифодалаш эканлигини қайд этади. Унингча, афсона шоир айтмоқчи бўлган фикр ва ғоя учун бир шакл – либос, холос. Жомий Навоийнинг ана шу қарашлари таъсирида “Лайли ва Мажнун” достонини ёзади. Навоий “Садди Искандарий” достони учун Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” достони композицияси асос бўлганлигини айтади. Навоий Жомийдан фарқли тарзда афсонага суяниб, анъанага тўлиқ мос келувчи “Хамса” асарини ёзади. “Хамса” жанри асосида ётган анъанавий афсонани муайян даврда қайта тирилтиришда қандай йўлдан бориш кераклигини намоён этади. Салафларнинг ўз бешликларига асос бўлган афсоналарни яхши билмасликлари, такрорнинг кўплиги, ҳақиқатга зид фикрларнинг

айтилиши, ишқни дарддан айро тарзда баён қилиниши, муайян мотивнинг йўқлиги, маддоҳликка берилиш каби камчиликларга сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Навоийнинг “Хамса” яратишида ўзи эътибор қилган жиҳатлар: мавзу билан боғлиқ тарихий асарларни ўрганиш, манбаларда учрамайдиган гапларни топиб айтиш, тарихий ҳақиқатга амал қилиш, ишқ ва дарднинг муштарак ифодаси, муайян мотивга асос бўлган ўринларни алоҳида қайд этади. Навоий салафларнинг айнан қайси достони ўз бешлигига асос бўлганлигини санаб ўтади. Бу ҳолат Навоий “Хамса”си талқинида алоҳида аҳамиятга эга. Навоийнинг Жомий қаламига мансуб “Хирадномайи Искандарий” достони ўзининг “Садди Искандарий” достонига асос бўлганлиги ҳақидаги фикри достон талқини манбаи сифатида эътиборга молик.

Навоий “Хамса”сини талқин этишда Шарқ иррационал автоинтерпретацияси манбалари – ижодкор мероси ёки “Хамса” таркибидаги бир хил образ, сюжет, ҳикоятлар асосидаги талқинлар алоҳида ўрин тутади.

Навоий “Хамса”си бадиий, тарихий ва илмий асарларда у ёки бу муносабат билан тилга олинади. Бу ҳам ўз навбатида Навоий асарини талқин этиш, муайян бир даврда тушуниш ва қабул қилиш манбаи бўла олади. Аммо бундай манба кам учрайди. Қўлёзмалардаги Навоий “Хамса”си талқини ўз хусусияти ва аҳамиятига кўра алоҳида эътиборга молик. Чунки талқиннинг бу турида Шарқ маданиятига оид специфик жиҳатлар ўзини яққол намоён этади. Дастлаб қўлёзмалар билан боғлиқ китобат талқини – матннинг муайян комбинацияда тақдим этилишига эътибор қаратиш лозим. Навоий бешлиги кўчириш жараёнида қўлёзмада алоҳида ёки бошқа асарлар билан бирга китобат этилади. Бунда Навоийнинг бошқа асарлари “Хамса” билан бирга китобат этилиши мумкин. Навоий ижоди ҳақида яхлит тасаввур пайдо қилиш мақсадида “Хамса”, асосан, Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган ижтимоий-фалсафий асарлари билан бирга китобат этилган. Ёки Навоий “Хамса”си турли даврдаги машҳур ёхуд буюртмачи табига маъқул келган асарлар билан ҳам китобат этилган қўлёзмалар мавжуд. Китобат талқини – асарнинг бошқа асарлар билан комбинацияда берилиши Шарқ китобатчилиги ва талқинининг ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Ҳар бир даврда Навоий “Хамса”си достонлари қўлёзмага қисман ёки тўлиқ кўчириб киритилганда уни тузувчилар ўзига керакли ёки ўқувчи дидига мос қисмини танлаб олган. Бу ҳам, албатта, талқиндан келиб чиқилган.

“Хамса” асрлар мобайнида қўлёзмадан қўлёзмага кўчирилганда ундаги достонларнинг номлари баъзан ўзгартириб берилган. Бунда Низомий бешлигидаги достонлар номи баъзан Навоий достонларига берилгани ва яна бошқа бир қатор бошқа номлар билан тақдим этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу жиҳат ўтмишда бадиий асарларнинг номланишида бугунгидан фарқли ўлароқ, қатъият бўлмаганлигини кўрсатиш билан бирга достонларга бўлган муносабат – талқинни ҳам англатади. Қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнида асарнинг талқин этилишига ундаги таркибнинг ўзгартирилиши, бешлик ва уни ташкил этган достонлардан ўзига керакли қисмларни кўчириб олиш ҳам мисол бўла олади.

Бадиий асар учун тузилган луғатларнинг ҳам уни талқин этишда ўз ўрни бор. Айниқса, луғат ичида, қўлёзма матни ҳошиясида учрайдиган луғат талқиний жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Чунки матннинг муайян бўлаги саҳифа ҳошиясидаги луғат воситасида изоҳланганда асарнинг конкрет қисми шу жойнинг ўзида талқин этилади. Луғатлар билан боғлиқ яна бир талқин тури қўлёзмалардаги изоҳлар бўлиб, уларда асардаги турли сўз,

ибора, атама ва тушунчалар изоҳланади, айрим сўзларнинг вариантлари берилади. Демак, котиб муайян қўлёзмани кўчириш билан параллел равишда матншунослик фаолиятини ҳам олиб борган. Буларнинг ҳаммаси асар матнининг алоҳида олинган давр аудиториясига етказиш йўлларини излашдан келиб чиқиб, талқиний аҳамият касб этади.

Навоий "Хамса"си XX асргача ҳам бадиий жиҳатдан талқин этилган. Бунда унинг достонлари, асосан, насрий баён қилинган, халқ китобига айлантирилган, китобхонларга соддалаштирилган ҳолда тақдим қилинган. Достонларга ишланган миниатюралар воситасида ҳам асардаги лавҳалар бадиий талқин топган. Бунда Навоий ғоялари ранглар ва тасвирлар воситасида тушунтириб берилади. Сўз санъати "Хамса" яна санъат воситасида, яъни бадиий образлар орқали талқин этилади.

Яққол кўриниб турганидек, Навоий "Хамса"си ёзилганидан буён, то XX асргача Шарққа хос тафаккур ва ёндашувлар, шу муҳитга мос маданий қадриятлар ўлчовида талқин этилган. Яъни маданият ўз навбатида уни вужудга келтирган, уни ташувчи муҳит кишилари томонидан талқин қилинган. Ушбу босқич Шарқ мусулмон мамлакатлари учун умумий бўлиб, Туркистон минтақаси Чор Россияси мустамлакасига айланганидан сўнг барҳам топа бошлаган. Биз, ўзбеклар учун, бу XX аср бошларига тўғри келади. Шу боис уни шартли тарзда чегара сифатида белгиладик. Чунки тафаккур ва маданиятга хос муносабат, тушуниш ва ўзгариш тез содир бўладиган жараён эмас. Ўзбеклар тафаккуридаги ўзгаришлар Туркистон ҳудудидаги бошқа туркий халқларникидан (аввал мустамлакага айланганларидан) фарқ этади. Юқоридаги қарашлардан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, XX асргача Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос яшаш тарзи ва у билан боғлиқ маданият мавжуд бўлган. Аждодларимиз ўз маданиятини мавжуд муҳит ўлчовларида, ҳозиргидан фарқли тарзда талқин этгани ва бу ёндашув талқиннинг бир босқичи, тури эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу фикрлар назарий жиҳатдан чуқурлаштирилиши ва янада кўпроқ асосга эга бўлиши керак. Бу ишда биз ана шу назарий қарашлар ўз аксини топиши мумкин бўлган манбаларни кўрсатишга, уларнинг хусусиятлари ва талқиний аҳамиятини очишга интилдик. Бу мақсад манбаларга синхрон аспектда ёндашишни тақозо этади. Навбатдаги босқич эса масалани диахрон йўналишда ўрганишдан иборат. Чунки ҳар қандай назарий фикр, биринчи навбатда, у таянган манбаларни аниқлаш, замин ва назарий асосларини мустаҳкамлаб олиш орқали амалга оширилади.

Тадқиқотдан чиқарилган назарий хулосалар, фактологик материал ҳамда талқиний манбаларни Шарқнинг бошқа халқлари адабиётларига ҳам олиб кириш ва татбиқ этиш мумкин. Лекин бунда, албатта, ўша адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, талқиний манбалари характерини ҳисобга олиш лозим бўлади. Масалан, Низомийнинг "Панж ганж"и талқини манбаларини кузатганимизда уларнинг хусусият ва характери ўзгарганлигига гувоҳ бўлдик. Низомий бешлигига кўплаб шарҳлар битилган, ўз навбатида ана шу шарҳларнинг ўзи ҳам алоҳида турдаги манбалар силсиласини ҳосил эта олади. Аммо ҳозирча Навоий "Хамса"сига тузилган шарҳга эга эмасмиз. Лекин бу бизнинг мавзумизга бевосита материал беролмаса-да, Шарқдаги бадиий матн талқини учун далил бўла олади. Ёки Низомий бешлигининг форс тилида битилгани, асар талқинидаги тил масаласи ҳам бизникидан фарқли тарзда алоҳида ўринга эга бўлиши мумкин. Чунки Низомий достонларининг туркий ёки бошқа тилларга таржималарининг ўзи ҳам бадиий талқин учун ҳам материал беради, ҳам талқиний манба доирасини янада кенгайтиради. Албатта, фақат "Хамса" талқини умумий

манзарани ҳосил қилишда етарли эмас. Биз бу ўринда ўзбек адабиётидаги фақат бир асар талқини манбалари асосида фикр юритдик ва шубҳасиз, бошқа жанрдаги асарлар талқинини ўрганиш талқиний манбалар доирасини кенгайтиради.

Шарқ бадиий матнлари талқини масаласини кенг доирада ва янада чуқур ўрганиш маданиятимиз ва тафаккуримиз тарихи учун янги ва қизиқарли маълумотлар беради. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, кузатишларимиз ўзбек мумтоз адабиётини Шарқ адабиётининг ажралмас қисми сифатида тадқиқ қилиш керак, деган хулосага олиб келади. Бу, ўз навбатида ўзбек мумтоз адабиёти ва умуман, шарқшуносликка герменевтика таълимотини олиб киришни тақозо этади. Шарқда герменевтика учун материал етарли. Бунга турли талқинлар, минг йиллар давомида битилган ўнлаб йўналишдаги манбаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Демак, галдаги вазифа ана шу манбаларни бир тизимга солиш, Шарққа хос герменевтика асосларини яратишдан иборат.

Талқинларга оид кузатишлар бизда бу борада муайян маданият мавжудлигидан ташқари, талқинчи-реципиент масаласига ҳам эътибор қаратишни тақозо этади. Бунда реципиент асар муаллифи, китобхон, шоир, тарихчи, олим, насрий баён муаллифи, қўлёзма буюртмачиси, котиб, миниатюрачи рассом, луғат тузувчи, шарҳловчи ва ҳоказо бўлиши мумкин. Бизнингча, бу ўринда, айниқса, қўлёзмани кўчирувчи котиб муҳим ўрин тутади. Котиб дейилганда, кўп ҳолатда матн кўчирувчи, яъни техник иш билан машғул, нари борса хаттотлик санъатини эгаллаган шахс кўз олдимизга келади. Лекин қўлёзмалардаги талқинларни ўрганиш котибларнинг асар матнига ўз муносабати ва ёндашуви мавжудлиги, мустақил фикрга эгалиги, ижодкор шахс эканлигини намоён қилди. Талқинларни ўрганиш жараёни уларнинг ортида турган реципиент шахсияти ва аудиторияси хусусиятларини ҳам тадқиқ қилишни кун тартибига қўяди.

Ушбу тадқиқотда асосий эътибор гарчи Навоий “Хамса”сининг ўтмишдаги талқини манбаларига қаратилган бўлса-да, бироқ ундаги фактларни аждодларимиз маданияти, тафаккур тарзини ўрганиш, бугунги давр аспектида аксиология, социология, рецептив эстетика, библиопсихология ҳамда адабиётни тарихий-функционал ўрганиш соҳасига ҳам татбиқ қилиш ва ундан фойдаланиш мумкин.

Шартли қисқартмалар

АНАИР – Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. Тузувчилар Ҳ.Сулаймонов, Ф. Сулаймонова. Т.: Фан, 1982.

АНМАТ – Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилддлик. Тошкент: Фан, 1987–2003.

ЛМ – Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун // Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1960, 337-455.

СЗФ – "Современная западная философия: словарь". М.: Энциклопедия, 1991.

СИ – Алишер Навоий. Садди Искандарий // Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1960, 617-852.

СС – Алишер Навоий. Сабъаи сайёр // Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1960, 457-615.

СЭС – Советский энциклопедический словарь. М.: Совтс. энцикл, 1985.

ФШ – Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин // Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1960, 147-336.

ЎРШИ-1 – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, асосий фонд.

ЎРШИ-3 – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, "Ҳамид Сулаймонов" номли фонд.

ҲА – Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр // Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Т., 1960, 13-146.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Қўлёзма манбалар

1.Алишер Навоий. Девон. Миср миллий кутубхонаси (Қоҳира), Lit.Turc.68.
2.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ЎРШИ-1, №1828.
3.Алишер Навоий. Насри “Хамса”. ЎРШИ-3, №31.
4.Алишер Навоий. Хамса. ЎзМУ кутубхонаси, №09/825.
5.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1062.
6.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1063.
7.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №10673.
8.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1302.
9.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №13126.
10.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №13242.
11.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1679/2.
12.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №185/6.
13.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №186
14.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №1997.
15.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №3459.
16.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №3592/1.
17.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4238.
18.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4358/1.
19.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №4439.
20.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №6877.
21.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7254.
22.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №726.
23.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7412/8.
24.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7440.
25.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7549.
26.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7554.
27.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7740.
28.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7811/2.
29.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7863.
30.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8198.
31.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8261.
32.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8292.
33.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8817/2.
34.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №8831.
35.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9350/1.
36.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9744/2.
37.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №9751/2.
38.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1177.
39.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1248.

40.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1429/1.
41.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №162.
42.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №163.
43.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №1810.
44.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2/1.
45.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №224/2.
46.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №229/2.
47.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №23/2.
48.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2589.
49.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2630/1.
50.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2752.
51.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №2913/1.
52.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №316.
53.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №404
54.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №447/2.
55.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №4505.
56.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №526.
57.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №978.
58.Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, №997.
59.Аҳмадий. Искандарнома. ЎРШИ-3, №742.

Нашр этилган манбалар:

1.Абдураҳмони Жомий. Феҳрести асарҳои дар бораи ў, ки дар СССР аз чоп баромадаанд (1917–1988). Душанбе: Дониш, 1989.
2.Айний Садриддин. Асарлар. 8 томлик. 5-том. Т., 1991.
3.Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар (альбом). Тузувчи Ҳ.Сулаймон. Т.: Фан, 1970.
4.Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Т.: Фан, 1968.
5.Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.: Фан, 1987–2003.
6.Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. Т.: Akademnashr, 2017.
7.Алишер Навоий. Насри "Хамса". Т., 1908.
8.Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Т., 1960.
9.Амир Хусрау Дихлави. Маджнун и Лайли. Составл. Текста и предисловие Т. Магеррамова. М.: ИВЛ. 1975.
10.Амир Хусрау Дихлави. Матла' ал-анвар. Подготовка текста и предисловие Т. Магеррамова. М.: ИВЛ. 1975.
11.Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойи ус-санойиъ. А.Рустамов таржимаси. Т.: Фан, 1981.
12.Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 1981.
13.Бобур. Мухтасар. Т.: Фан, 1971.
14.Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Мерос, 1990.
15.Давлатшоҳ Самарқандий. "Тазкират уш-шуаро"дан // Навоий замондошлари хотирасида. Т., 1986. Б.14-20.

16.Джами Абдурахман. Бахаристан. М., 1987.
17.Джами Абдурахман. Хираднамаи Искандари. Критич. текст и предисловие Г.А.Тарбията. М., 1984.
18.Жомий Абдураҳмон. “Ҳафт пайкар”дан // Навоий замондошлари хотирасида. Т., 1986. Б.12-14.
19.Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун, Саломон ва Абсол. Т., 1989.
20.Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. Т.: Мерос, 1979.
21.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т., 1989.
22.Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986.
23.Нишотий. Ҳусн ва Дил, шеърлар. Т.: Фан, 1967.
24.Саид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи Б. Қосимхонов. Т., 1992.
25.Саккокий. Ғазаллар, қасида // Ҳаёт васфи. Т., 1988. Б.227-284.
26.Спор о древних и новых. М., 1985.
27.Тазкираи шуарои Кашмиру Панжоб. Карачи, 1967.
28.Тазкираи шуарои Кашмиру Панжоб. Карачи, 1968.
29.Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун (насрий достонлар). Қарши, 1993.
30.Фурқат. Асарлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи Х.Расул. 1-жилд. Т., 1991.
31.“Хамса бо ҳалли луғат” // Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.: Фан, 1985. Б.592-634.
32.Хожа. “Мақсад ул-атвор”дан намуналар // Асрлар нидоси. Т., 1982. Б.93-117.
33.Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т., 1967.
34.Ҳусайн Бойқаро. Девон, рисола. Т.: Фан, 1968.
35.Шота Руставели. Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон. Т., 1959.
36.‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015 / Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони (1471 й.). Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. Токио: ILCAA, 2015.

Илмий адабиётлар:

1.Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний” жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. 4-5-6-сон. Б.9-16; 1995. 1-сон. Б.10-18; 1998. 6-сон. Б.3-10; 2000. 5-сон. Б.3-11.
2.Абдуқодиров А. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. Т., 2014.
3.Авдеенко Е.А. “Герменевтика” // Лит. энцикл. словарь. М., 1987. С.77.
4.Айбек, Дейч Ал. Алишер Навои. Ташкент, 1968.
5.Академические школы в русской литературоведении. М., 1975.
6.Акимушкин О.Ф. “Комментарии” // Дж. Руми. Поэма о скрытом смысле. Москва: Наука, 1986. С.232-259.
7.Акрамов Б. Навоий шоҳбайтлари. Т., 2007.
8.Алиев Г.Ю. Амир Хусрау Дихлави и его “Пятерица” // Амир Хусрау Дихлави. Матла‘ ал-анвар. М.: Наука, 1975. С.5-57.
9.Алиев Г.Ю. Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока. М., 1960.
10.Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М., 1985.
11.Алиев С. Литературно-эстетические взгляды Физули. Автореф. дис. доктор. филол. наук. Баку, 1990.

12.Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари: мақолалар. Т.: Фан, 1995.
13.Алишер Навоий “Хамса”си (тадқиқотлар). Т.: Фан, 1986.
14.Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1987.
15.Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи Қ.Муниров, М.Ҳакимов. Т.: Фан, 1986.
16.Алишер Навоий ва фалсафа тарихининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам. Т., 2016.
17.Алишер Навоий: Адабиётлар кўрсаткичи. Т., 1991.
18.Алишер Навоий: Қомусий луғат. II жилдлик. Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. Т.: Sharq, 2016.
19.Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т.: Фан, 1993.
20.Амирқулов С. “Муқоисаи достонҳои “Юсуф ва Зулайҳо”и Ҳозиқ ва Жомий” // Жашнномаи Жомий. Ленинобод, 1966. С.98-120.
21.Антипова Г.А. “От герменевтики к гуманитарным наукам” // Текст как явление культуры. Новосибирск, 1989. С.23-35.
22.Араслы Н. Низомий ва турк эдебияти. Баку, 1980.
23.Араслы Н.Г. Ариф Ардебили и его поэма “Фархаднаме”. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1969.
24.Арзуманова Н. Низами в английской литературоведении. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1984.
25.Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара. М.: ИВЛ, 1958.
26.Асадуллаев С. “Жомий ва Хотифий” // Жашнномаи Жомий. Ленинобод, 1966. С.36-47.
27.Афзалов М. “Фарҳод ва Ширин” достонининг халқ варианти ҳақида. Филол. фан. номзоди дис. Т., 1950.
28.Афсахзод А. Лирика Абдурахмана Джами. М.: ИВЛ, 1988.
29.Афсаҳзод А. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жоми. Душанбе: Адиб, 1981.
30.Ахунджанов Э.А. Историко-типологическое исследование истории книги и книжного дела в туркестане. Древность. Средние века. Автореф. дис... д-ра. истор. наук. Т., 1998.
31.Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. Т., 1971.
32.Бақоев М. “Жомий ва Хусрав” // Абдураҳмони Жомий. Душанбе, 1965. С.137-147.
33.Бартольд В.В. “Мир Али-Шир и политическая жизнь” // Сочинения. Т. II (2). М., 1964. С.199-262.
34.Бартольд В.В. “Улугбеки его время” // Сочинения. Т. II (2). М., 1964. С.25-198.
35.Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. Изд. 2., М.: Наука, 1986.
36.Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13 томах. Том V. М.: Наука, 1954.
37.Белоконь С.И. Предмет и задачи литературоведческого источниковедения. Автореф. дис. канд. филол. наук. М., 1978.
38.Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. М.: Наука, 1983.
39.Берков П.Н. Введение в технику литературоведческого исследования. Л., 1955.
40.Бертельс А.Е. “Поэтический комментарий шаха Нигматуллаха Вали на философскую касыду Насир-и Хусрау” // Сад одного цветка. М., 1991. Б.7-30.
41.Бертельс Е.Э. Навои и Джами. М.: Наука, 1965.
42.Бертельс Е.Э. Низами и Фузули. М.: Наука, 1962.
43.Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. Л.: Наука, 1928.

44.Бласс Ф. Герменевтика и критика. Пер.с немец. Одесса, 1891.
45.Болдырев А.Н. “К вопросу о литературно-критических взглядах Джами и его современников” // Народы Азии и Африки. 1969, №2. Б.44-47.
46.Борев Ю. “Теория художественного восприятия и рецептивная эстетика, методология критики и герменевтика” // Теории, школы концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М.: Наука, 1985. Б.3-68.
47.Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. Опыт прочтения “Медного всадника”. М., 1981.
48.Борев Ю. Эстетика. М., 1988.
49.Брегель Ю. “Предисловие” // Бартольд В.В. Сочинения. Т. II(2). М., 1964. С.5-24.
50.Бурсов Б.И. Реализм всегда и сегодня. М., АН СССР, 1967.
51.Валихождаев Б. Из истории развития эпической поэзии в узбекской литературе. Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Самарканд, 1968.
52.Валихўжаев Б. “Алишер Навоий “Хамса”си ва унинг Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида тутган ўрни” // Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганиш масалалари. Самарқанд, 1987. Б.3-10.
53.Валихўжаев Б. “Хамса” такмили” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986. Б. 81-89.
54.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1993.
55.Волин С.Л. “Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях” // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. С.203-235.
56.Вохидов С. “Хамсат ул-мутахаййирин” Навои и его роль в изучении литературных связей таджикского и узбекского народов XV в. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1966.
57.Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари. Т.: Фан, 1984.
58.Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. Т.: Фан, 1992.
59.Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. Т.: Фан, 1983.
60.Всемирная история, в 10 томах, Т. III, М.: Наука, 1957.
61.Выготский Л. С. Психология искусства. М.: Наука, 1986.
62.Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991.
63.Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988.
64.Гайденко П.П. “Герменевтика” // Философский энциклопедический словарь. М., 1983. С.111-112.
65.Ганиханов М.А. Сравнительный анализ поэм “Хусрав и Ширин” Низами и Кутба. Автореф. дис. канд. филол. наук. Т., 1994.
66.Герменевтика древнерусской литературы. Сборник 1-2. М., АН СССР, 1989.
67.“Герменевтика и искусство” // Эстетика, словарь. М., 1989. С.58-60.
68.“Герменевтика” // Краткий словарь по эстетике. М., 1983. С.30.
69.Гулиев Ф. “Поэма Низами Гянджави в английской восприятии”. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1990.
70.Гуральник У. “Адаптируя” классику // Вопросы литературы. 1980, №8. С.84-123.
71.Гусейнова Г.А. Низами в Иранском литературоведении. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1990.
72.Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий

талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис-яси автореферати. Самарқанд, 2017.

73.Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. I. Джалелиддин Руми. Тбилиси: Университет, 1979.

74.Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. II. Юнус Эмре. Тбилиси, Университет, 1985.

75.Добролюбов Н.А. Литературная критика. В двух томах. Т.2. Л., 1984.

76.Додхудоева Л. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. М.: ИВЛ, 1985.

77.Додхудоева Л., Зиёвиддинова А. "Неизвестный список поэмы Джами "Тухфат ал-ахрор" с миниатюрами" // Жоми ва робитаҳои адаби, китоби аввал. Душанбе, 1989. С.146-156.

78.Жалолов Т. "Хамса" талқинлари. Т.: Фан, 1960.

79.Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. дис-яси автореф. Т., 1997.

80.Жўрабоев О. "Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2016. Б.34-35.

81.Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Интерпретация произведения как феномена культуры" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.69-101.

82.Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Обострение интереса к смысловой интерпретации искусства и методологические искания герменевтики" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.115-133.

83.Зись А.Я., Стафецкая М.П. "Художественная коммуникация и рецепция как ее завершающее звено" // Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985. С.168-201.

84.Иброҳимов А. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. Т.: Фан, 1976.

85.Идрис Шах. Суфизм. М.: ИВЛ, 1994.

86. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1969.

87.Имамназаров М.С. Проблемы метода и поэтики эпического творчества Хосрова Дехлеви. Дис... д-ра. филол. наук. Т., 1989.

88.Имомназаров М. "Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.6-8.

89.Имомназаров М. "Ҳақиқат ва мажоз" // Шарқ юлдузи. 4-сон, 1988. Б.176-181; 4-сон, 1990. Б.147-152; 4-сон, 1991. Б.159-166.

90.Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. Т., 2015.

91.Ингарден Р. Исследование по эстетике. Пер с польс. М.: Наука, 1962.

92.Инцкирвели Ц. Христианские мотивы в "Витязе барсовой шкуре". Автореф. дис. канд. филол. наук. Тбилиси, 1991.

93.Ирисов А. Литературное наследие ибн Сины (источники, своеобразие художественного творчества). Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Т., 1996.

94.Исмаилова Э.М. Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII–XIX вв. Т.: Фан, 1982.

95.Исмоилова Э.М. "Сўзбоши" // Шарқ миниатюраси. Т., 1980.

96.Исмоилова Э.М. “XVIII–XIX асрда Мовароуннаҳр миниатюра мактаблари”// Шарқ миниатюра мактаблари: мақолалар тўплами. Тўпловчи А.Мадраимов, Н.Норматов. Т., 1989. Б.192-201.

97.Источниковедение и текстология средневекового ближнего и Среднего Востока. М., 1984.

98.Источниковедение. Теоретические и методологические проблемы. М.: Наука, 1969.

99.Исҳоқов Ё. “Хамса” поэтикасига доир” // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. 1-сон. Б.24-28.

100.Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965.

101.Камбарова Ш. Сюжеты поэм Алишера Навои в искусстве Средней Азии. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1979.

102.Кныш А. “Та‘вил” // Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991. Б.218-219.

103.Кобидзе Д.И. “Джами и грузинская литература” // Абдураҳмони Жомий, Душанбе: Дониш, 1973. С.82-83.

104.Комилов Н. Бу қадимий санъат. Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.

105.Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009.

106.Комилов Н. Хорезмская школа перевода: проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в. Автореф. дис... докт. филол. наук. Т., 1987.

107.Конрад Н.И. “Алишер Навоий” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, 2-сон. Б.5-11.

108.Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука, 1966.

109.Косиков Г.К. “Культурно-историческая школа” // Литературный энциклопедический словарь. М. , 1987. С.173-174.

110.Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. М.: Наука, 1972.

111.Крымский А.Е. История персии, литературы и дервишской теософии. Том 3. М.: Университет, 1907.

112.Крымский А.Е. Низами и его современники. Баку, 1981.

113.Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. М., 1991.

114.Курбанмамадов А. Эстетика Абдурахмана Джами. Душанбе: Дониш. 1984.

115.Курилов В.В. “Психологическая школа” // Лит. энцик. словарь. М., 1987. С.312.

116.Куркина Л.Я. “Герменевтика и “Теория интерпретации” художественного произведения” // Герменевтика: история и современность. М., 1985. С.245-269.

117.Кязимов М.Д. Нормативность и творческая индивидуальность в назире на “Хамсе” Низами (на анализе “Хафт пейкар”). Автореф. дис. д-ра филол. наук. Баку, 1990.

118.Кязимова А.Т. Творчество Низами в Англии и США (перевод, восприятие, оценка). Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1989.

119.Лейбин В. Фрейд, психоанализ и современная западная философия. М.: Наука, 1990.

120.Лихачев Д.С. Избранные работы. Том 3. Л.: Наука, 1987.

121.Лихачев Д.С. Текстология: на материале русской литературы X–XVII вв. М.–Л.: Наука, 1962.

122.Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. “Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари” // Адабий мерос. 1991, (3)57-сон. Б.10-15.

123.Мадраимов А. XV–XVI асрлар Марказий Осиё қўлёзма китоби тарихи манбалари (Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация. Т., 2003.

124.Мадраимов А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари. Т., 2021.
125.Малахов В.С. “Гадамер” // СЗФ: словарь. М., 1991. С.67-69.
126.Малахов В.С. “Герменевтика” // СЗФ: словарь. М., 1991. С.74-76.
127.Малахов В.С. “Истина и метод” // СЗФ: словарь. М., 1991. С.118-119.
128.Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
129.Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. Т.: Фан, 1978.
130.Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
131.Маллаев Н. Ўзбек Адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Т.: Ўқитувчи, 1976.
132.Мамадалиева З. Алишер Навоийнинг “Лисон-ут тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2011.
133.Манн Ю. Диалектика художественного образа. М.: Наука, 1987.
134.Маркес Г.Г. “Из беседы с Мануэлем Перерой” // Писатели Латинской Америки о литературе. М., 1982. С.258-269.
135.Масловский В.И., Хализев В.Е. “Историко-функциональное изучение литературы” // Лит. энцик. словарь. М., 1987. С.38.
136.Мелиқўзиев Ў. “Навоий “Хамса”сига тузилган икки луғат” // Адабий мерос. 1981, (4) 20-сон. Б.57-61.
137.Мўминов И.М. Танланган асарлар, уч томлик. I том. Т.: Фан, 1969.
138.Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т.: Фан, 1971.
139.Муртазоев Б.Х. Сравнительное изучение “Семь планет” Алишера Навои и “Восемь райских садов” Амира Хосрова Дехлеви. Автореф. дис. канд. филол. наук. Т., 1992.
140.Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. X–XV вв. М.: Наука, 1989.
141.Мухторов А. Дурдонаҳои маданияти тожикон дар ганжинаҳои Ҳиндустон. Душанбе: Ирфон, 1984.
142.Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
143.Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Т., 2005.
144.Муҳиддинов М. Нурли қалблар гулшани. Т., 2007.
145.Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси (“Хамса”ларнинг биринчи достонлари асосида). Филол. фанлари доктори. дис-яси. Т., 1995.
146.Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари (илмий мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир М.Муҳиддинов. Т.: Tamaddun, 2017.
147.Нагиева Дж. М. Алишер Навои и азербайджанская литература (XV–XIX). Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Баку, 1986.
148.Нагиева Дж. М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку, 1986.
149.Нагиева Дж. М. Навои и азербайджанская литература: XV–XIX вв. Т.: Фан, 1990.
150.Назарли М. Д. “Исторический контекст литературной иллюстрации” // Проблемы интерпретации памятников культуры востока. М.: Наука, 1991. С.174-189.
151.Назарли М. Д. “К интерпретации творческого метода сефевидских живописцев” // Народы Азии и Африки. 1988, №6. С.30-45.
152.Нарзуллаева С.Н. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Востока. Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Баку, 1980.

153.Насриддинов А. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. Автореф. дис. д-ра. филол. наук. Душанбе, 1990.

154.Неъматов Ҳ., Жумаев Т. “Сўзбоши” // Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун (насрий достонлар). Қарши, 1993. Б.3-6.

155.Низомий “Хамса”сига ишланган расмлар. Т., 1985.

156.Норқулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. Урганч: Хоразм, 1996.

157.Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Т.: Фан, 1994.

158.Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.

159.Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани. Т.: Мерос, 1996.

160.Пиотровский М.Б. Коранические сказания. М.: Наука, 1991.

161.Пригарина Н.И. “Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии” // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.,1989. С.95-120.

162.Проблемы интерпретации памятников культуры востока. М., 1991.

163.Прохоров Е.И. “Герменевтика” // Краткая литературная энциклопедия. Т.2, М., 1964. С.138-139.

164.Равшанов П. Адабий саҳифалар: Қашқадарё ўтмиш адабий ҳаёти тарихидан. Т.: Ўқитувчи, 1985.

165.Радий Фиш. Джалелиддин Руми. М.: Наука, 1987.

166.Райхонов Д.М. Место и значение произведений Навои в литературной жизни уйгуров (XVII–XIX вв.). Автореф. дис. канд. филол. наук. Алма-ата, 1992.

167.Рамазонов Н. “Илк девон”даги расмий деволарга кирмаган ёки ўзгаришлар билан киритилган мисра ва байтлар” // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 20-том, Т.: Фан, 2003. С.427-508.

168.Рамазонов Н. “Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, 1-сон. Б.17-23.

169.Рамазонов Н. “Яна “таҳрирни таҳрир” масаласи хусусида” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.78-89.

170.Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. Т., 2015.

171.Расулов А. Танқидчилик уфқлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.

172.Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995.

173.Рифтин Б.Л. “Типология и взаимосвязи средневековых литератур” // Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. М., 1974. Б.9-116.

174.Рубакин Н.А. “Библиологическая психология и литературоведение”. Доклад обществу любителей российской словесности, читанный 11 мая, 1927 г. в Москве” // Литературный текст: проблемы и методы исследования. Калинин, 1987. Б.136-165.

175.Рудянов Г.М. (о книге): Каграманов Дж., Аллахяров К.Г. “Рукописи произведений Низами Гянджеви в мировых хранилищах”. Баку, 1987. 87 с. // Реферативный журнал, общественные науки в СССР: литературоведение. 1988, №6. С.174-175.

176.Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в Московских собраниях (каталог). Состав. И.Зайцев. М.: Центр книги Рудомино, 2016.

177.Рукописная книга в культуре народов востока: Очерки. кн. I. М.: ИВЛ, 1987; кн. II, 1988.

178.Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половины XV века. М.: ИВЛ. 1963.
179.Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т.: Ўқитувчи, 1978.
180.Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.
181.Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. Т., 2004.
182.Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Т., 2005.
183.Салоҳий Д. “Таҳлил ва талқин масъулияти” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.74-78.
184.Самохвалова В.И. “Литературно-эстетические взгляды Джами и их значение для развития поэзии” // Народы Азии и Африки. 1974, №4. С.139-146.
185.Сатторов А. “Тухфаи Соми” Сом Мирзо Сафави как первоисточникдля изучения персидско-таджикской литературы XV– первой половины XVI вв. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1972.
186.Сафо Очил. Орзулар кўкидаги шафақлар. Т., 1993.
187.Саъдий А. “Яссавий ким эди?” // Яссавий ким эди? Т., 1994. Б.10-17.
188.Семенов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в государственной публичной библиотеке. Ташкент, 1940.
189.Сирожиддинов Ш. XV–XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. Самарқанд: Зарафшон, 1997.
190.Сирожиддинов С., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. Т.: Akademnashr, 2015.
191.Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: “Akademnashr”, 2011.
192.Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. Самарқанд, Зарафшон, 1996.
193.Сирожиддинов Ш., Эркинов А. “Сўзбоши” // Алишер Навоий: Қомусий луғат. 1-жилд. Т.: Шарқ, 2016. Б.8-30.
194.Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: (қиёсий-типологик-текстологик таҳлил). Филол. фан. доктори дис-яси автореферати. Т., 1998.
195.Скафтымов А.П. “К вопросу о соотношении теоретического и исторического рассмотрения в истории литературы” // Ученые записки саратовского университета. Том 1. Вып. 3, Саратов, 1923. С.54-68.
196.Словарь иностранных слов. М.: ИВЛ, 1987.
197.Собрание восточных рукописей АН УзССР. Том IV. Т., Фан, 1957; Том VII, 1964; Том IX, 1971.
198.Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли қўлёзмаси ва асар вариантлилиги масаласи // Адабий мерос. 1998, 1(67)-2(68)-сон. Б.29-34.
199.Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи. Т.: Маънавият, 1997.
200.Солиҳова Ҳ. Уйғур достончилиги ва насри тараққиётида Алишер Навоий “Хамса”сининг ўрни. Филол. фанлари номзоди автореф. дис. Т., 1995.
201.Сотимов У. Инкордан иқроргача. Урганч: Хоразм, 1995.
202.Стариков А.А. “К вопросу о традиции эпической “пятерицы” в литературах восточного средневековья (Низами–Хосров Дехлеви и их подражатели) // Взаимосвязи литератур Востока и Запада. М., 1961. С.57-68.

203.Старостин Б.А. “Духовно-историческая школа” // Лит. энцикл. словарь. М., 1987. С.102-103.

204.Суванкулов И. “Поэтическое наследие джизакских поэтов конца XIX и начала XX вв. (Аламкаш, Муаззам, Махмур Коризий и др.)” Автореф. дис. канд. филол. наук. Самарканд, 1970.

205.Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Наваи. Том 1-3. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент-Москва, 1955–1961.

206.Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М.: Наука, 1985.

207.Тожибоева О. “Хамса” талқинларида давр руҳи. Т., 2015.

208.Турдиалиев А. “Қўқон адабиёти музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.41-45.

209.Улудағ С. Тасаввуф терминлари сўзлиги. Истанбул, 1991 (турк тилида).

210.Умаров Э. “Навоий асарларига шеърий луғат” // Адабий мерос. 1973, Том 3. Б.288-289.

211.Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. Т.: Фан, 1992.

212.Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Т.: Ёзувчи, 1994.

213.Фалсафа. 1-қисм. Т.: Фан, 1992.

214.Фалсафа. Т.: Фан, 1997.

215.Фармонов Р. Развитие французской общественно-политической мысли в годы второй республики (1848–1851). М.: Луч. 1990.

216.Фильштинский И.М. История арабской литературы: V – начало X века. М., 1985.

217.Фильштинский И.М., Шидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII–XII вв.). М., 1971.

218.Фитрат А. “Аҳмад Яссавий” // Яссавий ким эди? Т., 1994. Б.18-32.

219.Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Т., 1995.

220.Фогелер Я.Г. “История возникновения и этапы эволюции философской герменевтики” // Герменевтика: история и современность. М., 1985.

221.Фрейд З. “Я” и “Оно”. Тбилиси, 1991.

222.Фролов Д.В. Классический арабский стих. М.: Наука, 1991.

223.Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М.: ИВЛ, 1986.

224.Хализев В.Е. “Интерпретация” // Лит. энцикл. словарь. М., 1987. С.127-129.

225.Хализев В.Е. “К теории литературной критики” // Филологические науки. 1977. С.3-15.

226.Хамидов Х. Фирдоуси и узбекская литература. Автореф. дис. д–ра филол. наук. Ташкент, 1990.

227.Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. М., 1976.

228.Художественные традиции литератур востока и современность: ранние формы традиционализма. М., 1985.

229.Чудакова М.О. Рукопись и книга. М.: Наука, 1986.

230.Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т.: Фан, 1986.

231.Шарипов Х. Формирование таджикской литературно-теоретической мысли в X–XI вв. Автореф. дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1970.

232.Шарқ миниатюра мактаблари: мақолалар тўплами. Тўпловчи А.Мадраимов, Н.Норматов. Т., 1989.

233.Шацкий Е. Утопия и традиция. М., 1990.

234.Шидфар Б.Я. "Некоторые особенности образной системы арабской суфийской поэзии" // Вопросы восточной текстологии и истории литератур народов ближнего и среднего востока. Научн. сессия посвящ. памяти Е.Э. Бертельса. М., 1975. С.38-40.

235.Шихиева С.М. Лирика Насими. Автореф. дис. канд. филол. наук. Баку, 1991.

236.Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. Т.: Фан, 1989.

237.Шодиев Э. Навоишиноси дар Тожикистон: Фехрист. Хужанд, 1996.

238.Шодиев Э. "Хамса" ва форс-тожик адабиёти // Алишер Навоий "Хамса"си. Т., 1986. Б.91-101.

239.Шомухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои. Т.: Фан, 1984.

240.Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. Т.: Фан, 1963.

241.Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. Т.: Фан, 1971.

242.Шпет Г.Г. "Герменевтика и ее проблемы" // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1989. Москва, 1989. С.211-249; 1990. С.219-259; 1991. С.215-255.

243.Шукуров Ш. Искусство средневекового Ирана. М.: Наука, 1989.

244.Шукуров Ш. "Об изображениях пророка Мухаммада и проблеме сокрытия лика в средневековой культуре ислама" // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989. С.252-267.

245.Шукуров Ш. "Охота за смыслом" в искусстве Ирана" // Сад одного цветка: статьи и эссе. М., 1991. С.91-110.

246.Шукуров Ш. "Шах-наме" Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция: текст и иллюстрация в системе Иранской культуры XI–XIV веков. М., 1983.

247.Эпштейн М.Н. "Интерпретация" // Кратк. литерат. энциклоп. Т.9. М., 1978. С.330.

248.Эпштейн М.Н. "Критика в конфликте с творчеством" // Вопросы литературы. 1975, №2. С.131-168.

249.Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. Ташкент, 2012.

250.Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо. Т., 2011.

251.Эркинов А.С. Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1998.

252.Эркинов А. "Алишер Навоий – хослар шоири" // Мулоқот. 1997, 4-сон. Б.42-43.

253.Эркинов А. "Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний"си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил)" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. Б.19-38.

254.Эркинов А. "Бадиий матн талқини" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996, 4 апрель.

255.Эркинов А. "Герменевтика – матн талқини таълимоти" // Жамият ва бошқарув. 1997, 1-сон. Б.72–75.

256.Эркинов А. “Лайли европача кийинганми?” // Саодат. 1998, 4-сон. Б.18-19.
257.Эркинов А. Матншуносликка кириш. Т., 1997.
258.Эркинов А. “Машаққатсиз роҳат бўлмас” // Ёшлик. 1988, 2-сон. Б.72-73.
259.Эркинов А. “Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 1-сон. Б.10-18; 2016, 1-сон. Б.19-25.
260.Эркинов А. С. “Подражательность или оригинальность: оценка В. В. Бартольдом узбекской классической литературы” // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. Т., 2009. С.72-78.
261.Эркинов А. “Рамзларга яширинган маъно” // Фан ва турмуш. 1991, 1-сон. Б.14–15.
262.Эркинов А. “Сукут, сукут...”// Ёшлик. 1987, 5-сон. Б.76–78.
263.Эркинов А. “Хамсанавис отбоқар” // Муштум. 1997, 5-сон. Б.14.
264.Эркинов А. “Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққуюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил)” // ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.).Tokyo, 2015. Б.27-43.
265.Эркинов С. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1974.
266.Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. Т., 1971.
267.Эркинов С. “Хамса” анъаналари” // Алишер Навоий “Хамса”си. Т., 1986.
268.Юсифов Х.Г. Низами и восточный ренессанс. Автореф. дис. д-ра филол. наук. Баку, 1987.
269.Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. Т., 2011.
270.Юсупова Д. “Наводир ун-ниҳоя” фақат ғазаллардан иборат девонми?” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.: Tamaddun, 2017. С.54-60.
271.Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи: Алишер Навоий даври. Т.: Tamaddun, 2016.
272.Якубовский А.Ю. Культура и искусство Средней Азии. Л.: Наука, 1940.
273.Якубовский А.Ю. “Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои” // Алишер Навои. М.–Л., 1946. С.5–30.
274.Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. III том. Т.: Фан, 1978.
275.Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити: XVIII–XIX асрлар. Т.: Фан, 1961.
276.Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.
277.Қаюмов А. Садди Искандарий. Т.: Адабиёт ва санъат, 1975.
278.Қудратуллаев Ҳ. Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
279.Қурбонова А. “Хамса” сарлавҳалари бадийяти. Т., 2016.
280.Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома. Т.: Халқ мероси, 1996.
281.Ғаниева С. “Сўзбоши” // Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т., 1961. Б.6-13.
282.Ғаниева С. Абдураҳмон Жомий. Т.: Фан, 1989.
283.Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2010.
284.Ғаниева С., Неъматов Ҳ. “Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари” // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т., 1993.

285.Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори: адабий ўйлар, мақолалар. Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.
286.Ҳайитметов А. “Навоий эстетикасининг юксак босқичи” // Алишер Навоий “Хамса”-си. Т., 1986.
287.Ҳайитметов А. “Шеърки, ҳам тушти менинг шонима” // Ўзбекистон Адабиёти ва санъати. 1996 йил, 9 февраль.
288.Ҳайитметов А. Абдураҳмон Жомий. Т., 1989.
289.Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т.: Фан, 1959.
290.Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т.: Фан, 1963.
291.Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари.Т.: Ўқитувчи, 1993.
292.Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
293.Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан: (X–XV асрлар). Т.: Фан, 1970.
294.Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Т., 1991.
295.Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т., 1979.
296.Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Т.: Фан, 1983.
297.Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Т., 1991.
298.Ҳамидова М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1994.
299.Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. Т.: Фан, 1981.
300.Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
301.Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. Т.: Ўқитувчи, 1995.
302.Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. Т., Шарқ, 1998.
303.Ҳомидов Х. Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси. Т., 1985.
304.Ҳомидов Х. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1990.
305.Ҳомидов Х. “Шоҳнома”нинг шуҳрати. Т., 1991.
306.Ҳусейнзода Ш. “Шеър ва шоирий аз назари Жомий” // Жашнномаи Жомий. Ленинобод, 1966. С.20–35.
307.Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 1-4-жилдлар. Т., 2008-2009.
308.Adahl K. “A Copy of the Divan of Mir ‘Ali Shir Nava’i of the Late Eighteenth Century in the Lund University Library and the Kashmiri School of Miniature Painting” // Persian Painting from the Mongols to the Qajars: Studies in Honor of Basil W.Robinson. R.Hillenbrand (ed.). London–New York: Tauris, 2000. P.3-18.
309.Böwering G. The Mystical Vision of Existence in Classical Islam: The Qur’ânic Hermeneutics of the Sûfî Sahl At-Tustarî (d. 283/896), Berlin-New York, 1980.
310.Erkinov A. “The Perception of Works by Classical Authors in the 18th and 19th centuries Central Asia: The Example of the Xamsa of Ali Shir Nawa`i” // Muslim Culture In Russia and Central AsIa from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol.2. A. von Kügelgen, M.Kemper, A.Frank (eds.). Berlin, 1998. P.513-526.
311.Erkinov A. “La querelle sur l’ancien et le nouveau dans les formes litteraires traditionnelles. Remarques sur les positions de Jami et de Nava’i” // Annali del’Istituto Universitario Orientale. vol. 59 (Napoli), 1999. P.18-37.

312.Erkinov A. “Les manuscrits du Khamsa de `AlI Sher Nava`i et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits” // Boukhara-la-Noble [Cahiers d’Asie Centrale 5–6], Tachkent-Aix-en-Provence, 1998. P.169-180.

313.Goeseke G. “Die Miniaturen im Dīwān von Mīr ‘Alī Sīr Nawā`ī der Bibliothek der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft in Halle. Ein Beitrag zur Schule von Qazwīn” // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. 1961, №36. P.288-307.

314.Kleinmichel S. “Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler” // Turk edebiyati Tarihi. 1 jild. Istanbul, 2006. P.683-691.

315.Kleinmichel S. “Mir Aliser Nava’i und Ahmed Pasa” // Archivum Ottomanicum. 17, 1999. S.77-211.

316.Mīr ‘Alīšīr Nawā’ī. Kellner-Heinkele Barbara, Kleinmichel Sigrid (eds.) Würzburg, 2003.

317.Ökten E. Jāmī (817-898/1414-1492): His biography and intellectual influence in Herat. Ph.D. dissertation. The University of Chicago, 2007.

318.Oriental Miniatures. Vol.III: The 19th-20th Centuries. Madraimov Abdumajid, Musaev Shahniyaz and Ismailova Elvira (eds.). Tashkent, 2004.

319.Peri B. The Influence of Mīr Alī-Šīr Navāyī’s persian poetry on the ghazals of the ottoman Sultan Selim I (1512–1520) // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.74-80.

320.Subtelny M. “Mīr ‘Alī Shir Nawa’ī” // EI^2, VII. P.90-93.

321.Subtelny M. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007.

322.Toutant M. Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l’époque des derniers Timourides au miroir de la Khamsa de Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī. Leuven: Peeters, 2016.

323.Walmsley N. The Yasaviyya in the Nasā’im al-maḥabba of ʿAlī Shīr Navā’ī: A Case Study in Central Asian Hagiography // Journal of Sufi studies. 2014, №3. P.38-66.

ИЛОВАЛАР

1-илова
Алишер Навоий “Хамса”си талқини учун аҳамиятли айрим қўлёзмалар тавсифи

I

Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-1, №7412/8

Ушбу қўлёзма Алишер Навоий “Хамса”сининг китобат талқини нуқтайи назаридан аҳамиятлидир. Ундан қуйидаги асарлар жой олган:

1) “Тарихи анбиё”;
2) “Тарихи мулуки Ажам”;
3) “Мажолис ун-нафоис”;
4) “Маҳбуб ул-қулуб”;
5) “Ўғузнома”;
6) “Юсуф ва Зулайҳо”;
7) “Лисон ут-тайр”;
8) “Хамса”;
9) “Рисолаи Аттор “Тазкират ул-авлиё”.

Қўлёзма 1238/1822-1823 йилда Бухорода котиб Раҳимқул ибн Қодирқул Ҳисорий томонидан кўчирилган[1]. Қўлёзмадаги тўққизта асарнинг олтитаси Навоий қаламига мансуб. Битттаси форсча – Фариддидин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асари. “Юсуф ва Зулайҳо” асарини тавсиф этган олим уни Дурбекники деб таъкидлайди. Қўлёзмадаги асарлар, асосан, шоҳлар, анбиё ва авлиёларга бағишланган. Демак, котиб ана шундай шахслар билан боғлиқ асарларни бир ўринга тўплаган кўринади.

Навоий “Хамса”си қўлёзмада қуйидаги тартибда келтирилган:

А) “Ҳайрат ул аброр”;
Б) “Лайли ва Мажнун”;
В) “Сабъаи сайёр” (қўлёзмада “Баҳром ва Гуландом” деб берилган).
Г) “Фарҳод ва Ширин”;
Д) “Садди Искандарий” (“Искандарнома” деб берилган).

Яъни “Хамса” таркибидаги достонларнинг тартиби ўзгартирилган. Қўлёзмадаги асарларнинг бир жойда ва шу тартибда тақдим этилиши асосида, албатта, муайян эҳтиёж ва қонуният мавжуд. Чунки 2-3 йил ўтиб Бухорода ана шу қўлёзмадан кўчирилган бошқа бир нусха таркибининг асосий қисми ҳам айни шу асарлардан иборат[2]. Бу қўлёзмага ундан олдинги қўлёзма асос қилиб олинган бўлиши мумкин. Бу асарлар, афтидан, бир ўринда муайян эҳтиёж ва талаб асосида жамланган. Ундан китобат талқинига доир муайян маълумот олиш мумкин.

---

[1] Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзмалари каталоги, 1986, 6.
[2] Алишер Навоий. Хамса, ЎРШИ-1, 185/6.

II ҚИСМ

НАВОИЙНИ АНГЛАШ САРИ

НАВОИЙ ВА ЖАМИЯТ

II

АЛИШЕР НАВОИЙ. ХАМСА. ЎРШИ-1, №4238

Ушбу қўлёзма 1236–1237/1820–1822 йиллари Бухоро шаҳрида номаълум котиб томонидан кўчирилган. У Алишер Навоий "Хамса"сидан нусха кўчириш, изоҳ ва луғатлар тузиш нуқтайи назаридан аҳамиятлидир. Қўлёзмада котиб биринчи достон композициясида айрим ўзгартиришлар қилган, бир ҳикоят ўрнини алмаштирган. Унда, айниқса "Садди Искандарий" достони матни талқинига кўп эътибор берилган: айрим ўринлари қисқартирилган. Арабча диний манбалардан олиниб, киритилган мисоллар қора чизиқ билан ажратиб кўрсатилган, ҳаракатлари ҳам берилган. Матнинг бирор ўрнида номлар саналганда устига қора чизиқ тортилиб, саноқдаги тартиб рақами тепасида кўрсатилган. Масалан, Ашконий шоҳлар таърифига бағишланган бобда Искандар, Доро ва Баҳром номлари саналганда, уларнинг устида тартиб билан рақамлар кўрсатилиб борилган. Ёки Сосонийларга бағишланган бобда йигирма тўққиз шахс исми устида тартиб рақами ёзилган. Баъзи сўзлар устидан аввал қизил чизиқ тортилиб, сўнг рақами кўрстилган. Бу рақам ҳошияда ҳам такрорланиб, сўзлар маъноси форс ва эски ўзбек тилида изоҳланган. Матнда маъноси тушунтирилиши керак бўлган сўз устига қизил чизиқ, изоҳланадиган сўз устига эса қора чизиқ тортилган. Асар матнидаги айрим ҳодисалар саноғи мисра устида рақам билан кўрсатилади. Масалан, Искандар билан боғлиқ воқеалар тафсилотида (33-боб) котиб уларнинг саноғини беради. Масалан, 12-байтда қўйидагича кўрсатилган:

Валоят қилиб тангридин мултамас,
___12___
Нубувватқа топиб доғи дастрас.

Айрим ҳолатларда сўзларнинг варианти берилади. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги бир байт ёнида ҳошияда шундай дейилган: "хома" – бадал – "нома" (46а). Яъни сўзнинг варианти матннинг ичида кўрсатилаяпти. Кўринишидан, котиб бир неча қўлёзмадан фойдаланган. Айрим ўринларда Навоий фикрини бошқа шоирлар шеъри асосида изоҳлаган. Масалан, тузлук-тўғрилик таърифига бағишланган (49-боб)да тўғрилик ҳақида гапириб, уни Бедил ва турк машойихи байтлари билан қиёслайди (244а).

Бедил:

Дуруштонро мулойим тийнатиҳоям хижил дорад,
Забон аз нармгўйи сарнигун афганад дандонро.

Ва мисли машойихи турк:

Яхши тил билан йилон индин чиқар,
Ямон тил билан мусулмон диндан чиқар.

Ушбу икки мисол тўғрилик таърифланган бобнинг сўнгроғида келтирилган. У Навоийнинг шу ўринда келтирилган фикрларини параллел равишда изоҳлаш ҳамда матн талқини нуқтайи назардан аҳамиятлидир. “Садди Искандарий”да айрим мисол ва кичик воқеалар фалсафий қисмлар ичида келтирилса, котиб унинг бошланишида “тамсил” деб матн орасидаги ҳошияга ёзиб қўяди. Айрим ўринларда матнда турли диний қаҳрамонлар номи ишора ёки сифатловчи билан кўрсатилади. Котиб эса улар воситасида қайси қаҳрамон назарда тутилганлигини шу мисра остида қайд этади. Қўлёзмада “Садди Искандарий” достонининг сўнгги қисмлари узилган ҳолда берилган, демак, асар композициясига нисбатан ҳам муайян муносабат билдирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, одатда, котиб достондан олдин эпиграф келтиради. Бу эпиграфлар, асосан, бир хил тарзда – ҳар бир достондан олдин берилади. Ушбу қўлёзмада эса бундай анъанани фақат “Садди Искандарий” достонида учратамиз. Мухтасар айтганда, мазкур қўлёзма Навоий “Хамса”сининг нусха кўчириш мобайнидаги талқини нуқтайи назаридан аҳамиятлидир.

III

АЛИШЕР НАВОИЙ. ХАМСА. ЎРШИ-1, №7863.

Ушбу қўлёзма Алишер Навоий “Хамса”сининг луғат талқини нуқтайи назаридан аҳамиятли саналади. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида у ҳақда шундай дейилади: “Луғат 1845–1848 йилларда “Хамса бо ҳалли луғат” деб номланган қўлёзма варақларининг ҳошиясида номаълум шахс томонидан тузилган.

Луғат Алишер Навоий “Хамса”сининг уч достони: “Сабъаи сайёр”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий”да учраган қийин сўзларнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида яратилган. Луғатни нашрга тайёрлашда ундаги сўзлар жойлашуви ҳозирги ўзбек алфавити тартибига мослаштирилди, лекин сўз ва изоҳлар ўз ҳолатида келтирилди”[1]. Ушбу китобда изоҳланган сўзлар луғати алифбо тартибида берилган. Матн талқинини ўрганиш учун луғатлар, аслида, қўлёзманинг ўша саҳифасида берилгани маъқул. Чунки котиб бу луғатни муайян саҳифадаги сўз маъносини тушунтириш учун тузган. 726 бетли қўлёзманинг 376 саҳифаси луғатдан иборат. Яъни ҳар икки бетнинг бири матни ҳошиясида луғат берилган. Қўлёзмада саҳифаси ҳошиясига ёзилган луғат фақат шу саҳифадаги матнни эмас, балки у билан боғлиқ бошқа боб ёки қисмга ҳам хизмат қилади. Масалан, “Садди Искандарий” достонида бир мақолот бошланишида берилган луғат унинг кейинги бетдаги давоми учун ҳам хизмат қилади. Баъзан кейинги саҳифада ҳам яна луғат берилиши мумкин, аммо аввалги саҳифадаги луғат бобнинг сўнгигача сўз маъносини ифодалайверади. Лекин котиб айни тартибга мунтазам риоя қилмаган. Мухтасар айтганда, ушбу луғат матнни айни шу ўринда талқин қилишда муҳим ўрин тутади.

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.: Фан, 1985, 592.

Бадиий матн талқини билан алоқадор ҳамда китобда учровчи айрим атамалар луғати (луғат ҳақида)

Герменевтика, аслида, фалсафий таълимот бўлиб, у кейинги ўн йилликларда бадиий адабиётга фаол татбиқ этила бошланди. Фан тармоғи сифатида ҳали нисбатан ёш бўлганлиги учун у билан боғлиқ атамалар “маром”ига тўла етмаган, шаклланиш босқичидадир.

Тадқиқотимиз талқин ва унинг манбалари билан боғлиқ бўлганлиги боис бадиий матн талқинига оид айрим атамаларга таъриф бердик, айримлари изоҳланди. Луғатлардаги сўз ва атамалар қисқача таърифланди.

Луғат

Автоинтерпретация – бадиий асарни унинг муаллифи томонидан таъриф этилиши. Бунда автоинтерпретация бадиий асарни тўлиқ қамраб олиши, умумий характер касб этиши ёки унинг айрим жиҳат ва масалалари билан боғланиши мумкин.

Автокоммуникатив интерпретация – муаллиф ўз асарининг матни қораламасини тузатиши, таҳрир этиши жараёнидаги талқин. Бунда у ўзи билан ўзи мулоқотга киришади, ўз матнини талқин этади[1].

Адабиётни тарихий-функционал ўрганиш – адабиётшуносликнинг бир тармоғи бўлиб, омма онгида адабиётнинг функциялашуви, бадиий асарнинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниши тарихий динамикаси, ижодкор репутациясини ўрганади. Бадиий асар танқидчилар ва олимлар, актёр ҳамда режиссёрлар, профессионал бўлмаган шахслар томонидан талқин этилади. Унинг воситасида ижтимоий-маданий контекст ўзгаришининг адабиётга таъсири, турли авлод вакиллари эстетик дидининг бадиий ижод функциясини аниқлашдаги ўрни каби масалалар тадқиқ этилади[2].

“Акс таъсир” қонунияти – бу (закон обратного усилия) қонуниятига мувофиқ муайян мақсад, кайфият ва ижтимоий шароитда яратилган асар китобхонга тескари таъсир қилади[3].

Аксиология – қадриятлар ҳақидаги таълимот.

Апперцепция – муайян ҳодиса ва нарсани тушуниш, қабул қилиш учун инсонга психологик фаолият ва тажрибанинг зарурлиги. Айни вақтда тушунишда инсон психологик ҳолати ва вазиятнинг ўрни мавжудлиги[4]. Шарқ санъати, хусусан, бадиий адабиётни талқин қилишда анъанавийлик муҳим ўрин тутиши апперцепция тушунчаси ва у билан боғлиқ жараёнга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Библиопсихология – библиологик психология тушунчасининг қисқартирилган шакли. Ушбу соҳада китобнинг вужудга келишидан бошлаб, то уни ўқиган кишиларга, жамиятга қилган таъсиригача бўлган жараён ўрганилади. Китоб муайян эҳтиёж асосида ижодкор, ношир ва нашриёт ҳамкорлигида пайдо бўлади, одамлар онги, ижтимоий психологияга

---

[1] Чудакова, Рукопись и книга, 104.
[2] Масловский В.И., Хализев В.Е. Историко-функциональное изучение литературы // Литературный энциклопедический словарь. М., 1987, 138.
[3] Рубакин, Библиологическая психология, 154.
[4] Философ. энцик. словарь. М., 1983, 32.

таъсир кўрсатади. Библиопсихология ана шу жараёнда жамиятнинг китобга муносабатини ўрганувчи, ижтимоий руҳиятни тадқиқ этувчи, социологиянинг бир тармоғидир[1]. Китоб ва уни ташкил этган матнни талқин этишда, ижтимоий психологияни ўрганишда библиопсихология муҳим ўрин тутади.

Брюнетьер назарияси – бадиий асарни ўрганиш асар яратилган муҳит билан унинг ўртасидаги муносабат аниқланиши ёки топилиши билан тугалланиши керак. Брюнетьер у ёки бу жанрдаги асарни тушунишни айни шу давр билан аниқламоқчи ва якунламоқчи бўлади[2].

Геннекен қонуни – унга мувофиқ китобхон билан асар муаллифи мнемалари (мнема – хотирадан кенгроқ тушунча бўлиб, ташқи таъсир остида нохуш кайфиятдан ҳосил бўлган ҳолат) қанчалик бир-бирига мос келса, муаллифни шунчалик чуқур ва мукаммал тушуниш мумкин. Агар икки томон бир-бирини ўзаро яхши тушуна олмаса, уларнинг наслий, ижтимоий ва индивидуал мнемалари ҳам нисбатан кам мос келади[3].

Герменевтика – матнни тушуниш ва талқин этиш санъати, интерпретация ҳақидаги таълимот. Файласуфлар герменевтиканинг мақсад ва вазифаларига турлича муносабат билдирган. Фалсафий герменевтиканинг мақсади интерпретациянинг турли услубларини амалда қўллаш ва унинг доирасини кўрсатиб беришдан иборат[4]. Герменевтиканинг бадиий матн талқинида ёрдам берувчи асосий вазифа ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) талқинчининг бугунги воқелик ҳамда маданий анъаналарни матн билан солиштириши воситасида унга кириб бориши;

2) бадиий матн мантиғига кириш ва унга сингиш ҳолати;

3) бадиий образларни шахсий ва эстетик тажрибадаги образлар билан қиёслаш воситасида матнни англаш;

4) бадиий асар қабул қилинаётган руҳий олам ва контекстни (воқелик, маданият, шахсий тажриба) кенгайтириш. Соф илмий нуқтайи назардан герменевтика бадиий асар ортида нимани (автор шахсияти, асар яратилган тарихий воқелик ёки маданий анъанани) кўриш керак деган масалани кўтариб чиқади. Асар тарихий-конкрет мазмунини топиш ва таҳлилга киришишда яхлитликка йўналтирилади[5].

Декод – кодни ечиш, дешифр қилиш. Бадиий асардаги фикрлар муайян, ўз даврига хос ёки муаллиф атайин амалга оширган код асосига қурилади. Асарда гўё бошқа давр ва муҳит мўлжалга олингандек кўринади[6].

Диалог – М.М.Бахтин фикрига кўра ўзга маданиятни тушуниш учун кўчиш – у томонга буткул ўтиб кетиш шарт эмас. Ўзгани тушуниш учун уни ўзликни сақлаб қолган ҳолда талқин этиш лозим. Айни шу ҳолат диалог бўлиб, бунда суҳбатдошлар мустақил ҳамда ўзлигини сақлаб қолган ҳолда мулоқотга киришади. Шу билан бирга фақат ўзлик доирасида қолиб кетмайди. Бир маъно ва мазмун бошқаси, яъни ундан фарқ қиладигани билан ёнма-ён келганида ўзлигини намоён этади: улар орасида диалог бошланади[7].

---

[1] Рубакин, Библиологическая психология.
[2] Скафтымов, К вопросу о соотношении, 54.
[3] Рубакин, Библиологическая психология, 153.
[4] СЗФ, 1991, 76.
[5] “Герменевтика и искусство”.
[6] Бертельс, Поэтический комментарий, 27.
[7] Бахтин, Эстетика, 354.

Диахрония – воқеликни тарихий аспект ва ривожланиш жараёнида ўрганиш, матннинг тарихий шароит мобайнида талқинда турланишини ҳисобга олиш. Диахрония синхрониянинг акси.

Ижодий-генетик ёндашув (телеогенетик ёндашув) – бадиий асарни унинг яратилиши жараёни билан боғлиқ ҳолда ўрганиш[1].

Изоҳ – Шарқ қўлёзмаларида котиблар матннинг айрим ўринларига изоҳлар битган. Баъзи мураккаб сўзлар маъноси турли манбалар асосида изоҳланган. Котиблар ҳам асар матнидаги сўзларнинг вариантларини кўрсатган, ҳам маълум маънода матншунослик фаолияти билан шуғулланган. Бундай изоҳларни асар матни талқинининг бир кўриниши деб қабул қилиш мумкин.

Интерпретация – матндаги мазмун, ғоя ва концепцияни англаб етиш, асарни муайян тарихий-маданий шароитда талқин этиш. Интерпретация бадиий асарнинг маъно ва мазмунига асосан турлича бўлиши мумкин[2]. Герменевтикада интерпретация ўқувчига ахборот берадиган матн маъносини тушунтиришга йўналтирилади. Талқинлар турли-туманлиги ва фарқлар экзистенциялар (инсон мавжудлиги ва дунёқараши) хилма-хиллигига боғлиқ. Шу боис битта ёки алоҳида интерпретация бўлмайди[3]. Айрим олимлар интерпретация билан англаш, тушунишни бир хил ҳодиса деб ҳисоблайди.

Ифоданинг бардавомлиги – (недосказанность[4]). Бадиий образга хос кўпмаънолилик унинг ифодавий бардавомлиги ва талқини тугалланмаганлиги билан ҳам белгиланади. Маҳорат билан яратилган юксак образлар ҳар бир даврда янги маъно ва мазмун касб этади. Образ муттасил янги маъно бағишлаб, янгича талқин этилар экан, бу унинг ифодавий бардавомлиги, тугалланмаганлиги билан бевосита боғлиқ бўлади.

Китобат талқини – асар матнининг китобда алоҳида ёки бирор асар билан бирга берилиш комбинацияси (тўплам, сайланма, анталогиялар) асосида матнга муносабат билдириш, яъни уни талқин этиш.

Код – ахборотнинг муайян рамз, белги ва образ воситасида берилиши. Код рамзларнинг ҳам мажмуаси, ҳам уларни ечиш ва аниқлаш жараёни саналади. Матнда ижодкор фикри ва ғоялари муайян кодлар тизими асосида берилади. Бунга образ ва ишоралар мажумаси хизмат қилади. Уни ечиш реципиент талқини асосида амалга ошади. Аммо бадиий адабиётда образ ташиган маъно унинг характеридан келиб чиққан ҳолда бардавом, туганмас экан, кодлашган система – матн ифодалаган маънони аниқлаш ҳам осон кечмайди. Буни декод жараёни воситасида амалга ошириш лозим.

Маданий-тарихий мактаб – XIX аср ўрталарида Ғарбда вужудга келган адабиётшунослик тармоғи. Бу мактабда историзм метод даражасига кўтарилган. Мактаб вакиллари бадиий асарга омма руҳияти, маънавияти ва тафаккурининг турли даврдаги муҳри (изи) маҳсули, деб қараган ва унга генетик нуқтайи назардан ёндашган. Ижтимоий ҳодисаларга табиий фанларга оид илмий услубларни татбиқ этиш, бадиий асар билан биологик организм ўртасида ўхшашлик қидириш, адабиёт тарихига эволюцион схемаларни олиб кириш ушбу мактабга хос хусусиятлардир[5].

[1] Борев, Эстетика, 58-60.
[2] Эпштейн М.Н. “Интерпретация” // Кратк. литерат. энциклоп. Т.9. М., 1978, 330; Хализев В.Е. “Интерпретация” // Лит. энцикл. словарь. М., 1987, 127-129.
[3] СЗФ, 1990, 76.
[4] Борев, Эстетика, 140-142.
[5] Косиков Г.К. “Культурно-историческая школа” // Литературный энциклопедический словарь. М. , 1987, 173-

Метаобраз – бир образни бошқа образ воситасида тушунтириш. Одатда, бадиий асар талқини жараёнида санъат тили мантиқ тилига ўгирилади, бадиий матн ақл, мантиқ билан тушунтирилади. Лекин бу матн санъат намунаси бўлгани боис, уни санъат тили ёки образлар воситасида ҳам тушунтириш мумкин. Бир санъат туридаги образ бошқа санъат туридаги образ орқали талқин этилади.

Моноинтерпретация – асарни фақат битта йўналиш воситасида талқин этиш. Бу қараш хато бўлиб, унда санъатнинг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинмайди. Интерпретациянинг вазифаси чекланади.

Психологик мактаб – XIX аср охирида Россия ва Европада вужудга келган. Унда асосий эътибор асар руҳиятига қаратилган. Бадиий ижод маҳсулининг психологик жиҳатлари тадқиқот предмети саналган. Улар биринчи навбатда муаллифнинг ички оламини ўрганишган, бадиий асарни ана шу оламнинг модели деб ҳисоблашган. Асарнинг барча хусусияти ижодкор шахси билан боғланган. Асарлар ўртасидаги фарқ ҳам ижодкор шахси ва психологиясидаги тафовутдан келиб чиқади, деб қаралган. Бу мактаб вакиллари адабиёт ва санъат тарихий ривожини иккинчи ўринга қўйишган. Асарни қабул қилишда субъектнинг роли, ўқиш пайтидаги ҳолати муҳим деб ҳисобланган[1].

Рецептив гуруҳ – асарни тушунишда умумий руҳият ва кайфиятга эга, қарашларида умумийлик ва ўхшашлик мавжуд бўлган гуруҳ[2].

Рецептив эстетика – воқеликни бадиий қабул қилиш назарияси.

Реципиент – санъат асари ва тарихий обидани талқин этувчи шахс.

Руҳий-тарихий мактаб – XIX–XX аср ўртасида Германияда вужудга келган. "Ҳаёт фалсафаси" ва романтизм эстетикасига таянади. Бу мактабда адабиётнинг маънавий-тарихий ва психологик талқинлари муштарак ҳолатда ўрганилади. Асарни ўрганиш жараёнида хаёл ва тафаккур ҳамда тажрибада бошдан кечирилган нарсалар биринчи ўринга қўйилади. Бунда субъект (муаллиф) ва объект (давр) уйғунлиги ҳосил бўлади. Бу оқим вакиллари, асосан, дунёқарашлар ва ижодкорлар шахси типологияси билан шуғулланган, давр руҳи ва ижодкор дунёқарашининг фалсафий асосларига кириб боришни асосий йўл деб ҳисоблаган.

Сент-Бев биографик методи историзм асосига қурилган бўлиб, унга мувофиқ асарни талқин этиш учун ижодкор биографиясини билиш шарт. Сент-Бев таржимайи ҳоли номаълум муаллиф асари устида фикр юритишдан бош тортган. Муаллиф ҳаёти ва шахси тўғрисида маълумотга эга бўлмай, асар яратилган даврда ижодкорни ўраб турган шароит ва муҳитни аниқламай туриб, асардан муайян маъно ва мазмун излашни тан олмаган[3]. Бунинг асосида асарни ўрганишда ижодкор шахси ва биографияси биринчи ўринда туради, деган метод вужудга келган.

Синхрония – икки ва ундан ортиқ ҳодисанинг ўзаро мос келиши ёки тилнинг муайян бир даврдаги ҳолати[4]. Нарса, ҳодиса ва унинг хусусиятларини бир давр доирасида ўрганиш. Синхрония – диахрониянинг акси. У асарни талқин этишда қўлланиладиган назария йўналишига ўхшайди. Асар талқинини синхрон аспектда ўрганиш талқин турларининг хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради.

174.

[1] Курилов В.В. "Психологическая школа" // Литературный энциклопедический словарь. М., 1987, 312.

[2] Борев, Эстетика, 428.

[3] Скафтымов, К вопросу о соотношении, 55.

[4] СЭС, 1207.

Тафсир – Қуръон шарҳи. У тарихий-филологик ва Ислом ҳуқуқшунослиги нуқтайи назаридан шарҳланиши мумкин.

Таъвил – Қуръонни ботиний, рационал ёки рамзий-мажозий жиҳатдан талқин этиш. Ундан кўпроқ сўфийлар, тасаввур аҳли фойдаланган[1].

Талқин – Қ.: интерпретация.

Тэн формуласи – нарсани тушуниш, унинг сабабини билиш ва бу сабабни ҳар жиҳатдан кузатиш[2].

Тушуниш – герменевтиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, Ф.Шлейермахердан сўнг категория мақомини олган. Тушуниш – асар мазмунини яхлит ҳолда қабул қилиш, демак. У бутуннинг бўлакларини англашдан бошланади. Бадиий асарни талқин этиш учун реципиент аввал уни тушуниши, ҳам тил, ҳам маъно йўналиши туғрисида муайян тасаввурга эга бўлиши керак. Бу тушунишдан аввалги ҳолат бўлиб, тушуниш жараёнининг амалга ошишини таъминлайди. Тушуниш бир томондан матнда, бошқа томондан талқинчининг тайёргарлиги ва руҳий оламида акс этган маданий анъананинг объектив қатламини кўрсатади[3]. Тушуниш талқин воситасида амалга ошади[4]. Айрим олимлар тушуниш билан талқинни айни бир нарса, деб қарайди.

Тушунишдан аввалги ҳолат (предпонимание). – Инсон ёки реципиент бирор нарсани тушуниши учун аввал унинг ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши, шу асар тили, умумий йўналиши, айни шу типдаги асарлар ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим. Ана шу босқичдан сўнг тушунишга бориш мумкин[5].

Шарқ иррационал автоинтерпретацияси – Шарқ санъатига хос услуб бўлиб, ижодкор унда ўзи англамаган ҳолда ўз асари ва унинг муайян жиҳатини талқин этади. XX асргача бўлган Шарқ адабиёти анъанавийликка асосланган. Шунга кўра муаллиф ўз асарида бир хил образ, ҳикоя, мавзу ва мотивлардан фойдаланиши мумкин. Ушбу жараёнда мазкур компонентлар бири-бирини ёки бири бошқасини талқин этиши мумкин. Бир хил компонентнинг турли мақсадда қўлланиши уларда кўзда тутилган маънога аниқлик киритади. Асар муаллифи ушбу жараёнда ўзи англамаган ҳолда иштирок этиб, ўз асари талқинида қатнашади.

Шарҳ – бадиий асар матнини изчил, кенг маънода изоҳлаш, тушунтириш. Шарқ маданияти тарихида шарҳларнинг алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, бу соҳа илм ва санъат даражасига кўтарилган. Шарҳлар Қуръон билан боғланганида тафсир ёки таъвил номини олган, бадиий, хусусан, фалсафий-рамзий асарларни шарҳлаш алоҳида йўналишга айланган. Шарқда, ҳатто бадиий асарлар бадиий йўл – шеър билан ҳам шарҳланган. Шарҳлар, айниқса, Шарқ матни талқинида муҳим ўрин тутади. Чунки уларда бадиий санъат намуналари ўша давр муҳити ва кишилари томонидан талқин этилган. Шарҳ матнни тушунишнинг кўҳна намунаси сифатида кўп маълумот бера олади.

Экзегетика – моҳиятан герменевтика демак.

---

[1] Кныш, Та‘вил.
[2] Скафтымов, К вопросу о соотношении, 67.
[3] Борев, Эстетика, 425.
[4] СЗФ, 75.
[5] СЗФ, 235.

Эзотерик – яширин, сирли, хосларга хос ҳолат. Эзотерик тушунчаси зоҳирийликнинг акси, Шарқдаги ботинийликка мос келади[1].

Қўлёзмадан нусха кўчириш талқини – қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнида асар матнини талқин этиш, унга муносабат билдириш. Котиб асар қўлёзмасини давр талабидан келиб чиқиб қисқартириши ёки муайян ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Ҳошия – Ғарб матншунослигида глосс атамасига тўғри келади. Шарқда ҳошия, асосан, қўлёзмаларда қўлланилади, асар матнидан ташқаридаги нарсаларни англатади. У Шарқда алоҳида илмий йўналишга айланган. Ҳошияда асар матни ҳам шарҳланган, ҳам унга луғат ва изоҳлар тузилган. Унинг моҳияти, асосини талқин ташкил этади. Ҳошия Шарқ матнлари талқинида муҳим ўрин тутади.

[1] Словарь иностранных слов. М.: ИВЛ, 1987, 570.

НАВОИЙ “САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИНИНГ ОВ ЛАВҲАСИДАГИ РАМЗИЙЛИК[1]

Алишер Навоий (1441–1501) “Хамса”си (1483–1485 й. яратилган) ўзининг нафақат бадиий жозибаси, балки ҳали тўла англаб етилмаган фикр ва рамзий ишоралари билан ҳам бой ва боқийдир. Қуйида “Хамса” таркибидаги тўртинчи достон – “Сабъаи сайёр” сўнгидаги рамзий маънога эга лавҳа тўғрисида сўз юритамиз.

Навоий “Хамса”си ва унинг достонлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар анча[2]. Лекин улар ичида Навоий рамзий маънолари қатламларини очиб берувчилари кўп эмас.

Эътиборимизни Навоий “Сабъаи сайёр” достони сўнгидаги ов лавҳаси ва ундаги рамзийлик жалб этди. Алишер Навоий Темурийлар (1370–1506), айниқса, Темурий Ҳусайн Бойқарога (1469–1506) яқин бўлган. Болаликдан Ҳусайн Боқаро билан бирга ўсганлиги сабабли ўз фикрини, саройдаги бошқа аёнлардан фарқли тарзда, нисбатан очиқроқ айта оларди. Шунга қарамай, бунда ҳам маълум бир меъёр мавжуд бўлгандир. Чунки Хусайн Бойқаро ўрта аср Шарқи ҳукмдори – монарх эканлиги сабабли унга нисбатан танқидий фикр билдириш анча мураккаб бўлганлиги эҳтимоли катта. Унинг Навоий танқидларини “кўтара” олиш чегараси қаергача борганлигини биз аниқ била олмаймиз.

Шуниси маълумки, Навоий мусулмон Шарқи бадиий асарларида учрайдиган ҳукмдорларга насиҳат қилиши тарзидаги фикрларни ўз асарларига, хусусан, “Хамса” достонларига киритган. Улар муносабати билан Ҳусайн Бойқаро фаолиятига ҳам ишора қилиб ўтган. Ҳусайн Бойқаро атрофидаги сарой аъёнлари ичида Навоийга қарши бўлганлари ва унинг ҳукмдорга қилган бирор панд-насиҳатини ёмонликка йўйишлари мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Шу боис Навоий ўз фикрини асарларидаги афсонавий қаҳрамонлар ва воқеаларни ўрнак этиб кўрсатиш орқали рамзий тарзда билдирган ўринлари ҳам мавжуд. Мана шундай воситалардан бири “Сабъаи сайёр” ва ундаги Баҳром образи эканлиги ҳақида ўз вақтида тадқиқотларда айтилган.

ХХ асрда Евгений Бертельс (1890–1957) ва Натан Маллаев (1922–1996) айни ов лавҳаси ҳақида ўз илмий ишларида фикрлар билдирганда қайсидир даражада рамзийликка ҳам тўхталганлар. Е.Э.Бертельс ов лавҳасидаги ҳаммани ер ютиши Темурийлар давридаги сарой аъёнларига ўгит сифатида яратилган, деб таъкидлаган[3]. Н.Маллаевнинг ёзишича, “Баҳром сарой аҳли, қўшин ва Дилором билан катта овга чиқади. Лак-лак ҳайвонлар, қушлар қириб ташланади, қон ариқ бўлиб оқади. Бу овлоқ бир вақтлар ботқоқ ер экан. Кўп қон тўкилиши ва қаттиқ ёмғир ёғиши билан ернинг усти қатлами юмшаб, ботқоқлик очилади. Натижада Баҳромни ҳам, унинг ҳамроҳларини ҳам, халқ таъбири билан айтганда, ер ютади. Бу билан Навоий Баҳромнинг ҳалокатини янада даҳшатлироқ қилиб тасвирлайди...”[4]. Баҳром образининг салбий жиҳатлари орқали “темурий шоҳ ва шаҳзодаларга хос салбий қирраларни танқид қилади. Баҳром айрим жиҳатлари билан Ҳусайн Бойқарони эслатади,

---

[1] Мақола нашр этилган манба: Эркинов А. Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг ов лавҳасидаги рамзийлик // Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи ва уларнинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман (6-7 ноябрь 2020 й). Самарқанд, 2020. Б.166-169.

[2] Алишер Навоий. Қомусий луғат. Икки жилдлик. Тошкент: Шарқ, 2016.

[3] Бертельс Е.Э. Избранне труды. Навои и Джами. Москва: Наука, 1965. С.165.

[4] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. Б.481.

Навоий Баҳром орқали темурий шаҳзодаларни огоҳлантирмоқчи бўлади[1]. Навоий "Сабъаи сайёр" достони сўнгида – 30-бобда туш эпизодини келтиради ва тушида Баҳромни кўрганини ёзади[2]. Шунда Баҳром Ҳусайн Бойқаро ҳақида Навоийга гапиради. Ҳусайн Бойқаро фаолиятининг ижобий томонларини таърифлайди. Сўнг ўзидаги бор нуқсонларнинг Ҳусайн Бойқарода ҳам мавжудлигини айтади ва бундан афсусланади[3].

Е.Э.Бертельс ва Н.Маллаев таҳлиллари қизиқарли. Бунда Баҳромни ер ютиши кўпроқ Дилоромга етказган жабри учун жавоб сифатида баҳоланиб (Н.Маллаев), ов эпизодининг ижтимоий жиҳатига (Е.Э.Бертельс) ҳамда рамзийлик масаласига тўхталинган. Ов саҳнасига умумийроқ таъриф берилган. Мазкур олимлар ўз қарашларини ифодалаган даврдаги совет мафкурасида подшоларга салбий қараш, ҳукмдор фақат ёмон бўлади, деган типдаги манфий баҳоланиш мавжуд бўлган. Бунинг таъсири ўша давр тадқиқотларида ҳам сезилиб туради. Биз ов лавҳаси ҳақидаги баъзи қарашларимизни ўз вақтида қисман ва илмий-оммабоп тарзда билдирган эдик[4]. Айни мақоламизда уларни илмий жиҳатдан ривожлантирдик.

Достон воқеалари бизга яхши маълум. Севгилиси Дилором билан аразлашиб қолган шоҳ Баҳром уни чўлга ташлаб кетиб, сўнг йўқотиб қўяди. Баҳромнинг ёри дардида ўртаниб, тушкун аҳволга тушишига қарши ва ҳасратларини унутиши учун етти қаср қурилади. Баҳром уларда айш-ишрат қилади, кунларини вақтихушликда ўтказиб, давлат ва халқ тақдири билан иши бўлмай қолади. Оқибатда халқнинг аҳволи оғирлашади. Асар сўнгида Баҳром Дилоромни топишига қарамай, ишратпарастликни давом эттираверади. Шикор – катта ов уюштиради. Ана шу ов лавҳасидаги яширин маъно халқи тақдирига бефарқ подшолар, тор маънода олганда, Ҳусайн Бойқарога қаратилганлиги эҳтимоли катта. Достон айнан ов қилиш манзараси ва шоҳ Баҳромнинг ўлими билан якунланади.

Навоий "Сабъаи сайёр"ининг 28-бобида Баҳром уюштирган ов тасвирланган [Алишер Навоий, 1992: 408-417] Баҳром ўз кишилари билан катта яйловда кийиклар ва гўр номли ҳайвонларни овлай бошлайди. Овчилар кўплаб жониворларни ўлдирадилар, ер улар қонидан лолазордек қизаради:

Захм ила сайд баски зор ўлди,
Марғзор ўйла лолазор ўлди

Навоий ов жойида, яъни яйлов ўрнида бир даврлар ботқоқлик бўлганини таъкидлайди. Яйловга тўкилган қон ерга сингади ва у ер остидаги нам билан қўшилиши натижасида яйлов юзаси юмшай бошлайди. Боз устига осмонни булут қоплаб, кучли ёмғир ёққани туфайли яйлов яна янгидан ботқоққа айланади ва барча жонзот ер қаърига чўка бошлайди:

Чарга даврики халқдин тўлди,
Ер юки оғир эрди хам бўлди.

---

[1] Ўша жойда.
[2] АНМАТ. 10-том. Б.423-438.
[3] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Б.481.
[4] Эркинов А. "Рамзларга яширинган маъно" // "Фан ва турмуш". 1991 йил, 1-сон. Б.16-17; Erkinov A. "Padişahlara Sembolik Nasihat Verme Vasıtaları (Özbek Mümtaz Edebiyatı Misalinde)" // I. Milletlerarasi Türkiye-Özbekistan münasebetleri sempozyumu (8-10 kasim 2018) özet/bildiriler kitabi. Kastamonu: Kastamonu Üniversitesi, 2018. S.318-329.

Ўйла юмрулди ерга юз минг хайл,
Қилдилар бир йўли су қаърига майл.

Ҳамма – Баҳром ва Дилором, овнинг бошқа ҳамма қатнашчилари, кийиклар ҳамда бошқа жонзотлар ботқоқ қаърига чўкиб ҳалок бўлади. Шоҳ Баҳромнинг табиатга қилган зулми ўзининг ҳам, аъёнлар ва ҳайвонларнинг ҳам бошига етади. Бу лавҳа асарнинг зоҳирий, табиатга етказилган жабр учун унинг одамлардан ўч олиши билан боғлиқ юзаки маъносидек кўринади.

Айни пайтда ов манзараси иккинчи, ботиний маънога ҳам эга. Унга кўра яйловдаги ов ва у билан боғлиқ воқеаларда Навоий қайсидир даражада ўз жамиятига ишора қилган, ёмонликдан огоҳлантирган. Баҳром Дилоромни йўқотганидан кейин ишратпарастлик қилганди, халқ аҳволи оғирлашиб, унинг юрти қора гўрга айланган эди:

Неча йил бўйла комлар сурди,
Ҳой- ҳуйин фалакга еткурди.
Оқибат ҳе дегунча чархи даний,
Тийра гўр айлади унинг ватани.

Баҳромнинг халқ ва давлат ишларига бефарқлиги ов манзарасидаги рамзий образларда акс этган. Ҳар бир образнинг рамзий маъноси қуйидагилардан иборат деган фикрдамиз:

кийиклар (ва овланаётган жонзотлар) – халқ;
кийиклар қони – халқ қони, халқнинг азобланиши;
ёмғир – халқ кўз ёши;
яйлов – жамият, ҳукмдор қўли остидаги мамлакат;
ботқоқ – шоҳ давлатининг муваққат, ўткинчилиги.

Дилором ва сарой аъёнлари асл қиёфалари билан иккинчи, рамзий маънода ҳам иштирок этадилар. Баҳром қайсидир даражада Ҳусайн Бойқарони акс эттиради. Энди шу рамзийлик асосида ов лавҳасини кузатайлик. Демак, кийиклар қони ерга тўкилади, яъни ҳукмдорнинг бефарқлиги оқибатида халққа бўлган жабр кучаяди. Яйлов (шоҳ қўли остидаги мамлакат) ўрнида қачонлардир ботқоқ бўлганди, яъни бу давлат муваққат эди. Халқ кўз ёши ва қони муваққатликка қўшилиб давлатни емиради. Шоир давлатнинг муваққат асосига эътиборни қаратиб ёзади:

Чун гияҳ бутмиш ўйлаким беша
Тубини маҳкам айламиш реша.
Бир қориға захомат анга,
Реша бандидин истиқомат анга.

Бу ҳам давлатнинг ўзини зўр-базўр ушлаб турганлигига ишорадир. Қон ерга сингиб, ер остидаги ботқоқ намига бориб қўшилади. Навоий ботқоқ тушунчасини тасвирга катта нарсани ўйлаб киритгандир. Ботқоқнинг устки қисми, одатда, оддий ўтлоқдан айтарли

фарқланмайди. Лекин оёқ қўйилса, у қалқиб, одамни зўрға ушлаб туради ёки домига тортади. Шу маънода, Навоийнинг фикри шундай: шоҳ ҳокимиятининг (бунда Баҳром кўзда тутиляпти) пойдевори муваққат. Шоҳ давлат ишларига аҳамият бермаса, халқи эътиборсиз қолади ва амалдорлар уни талон-торож қилади. Кийикларнинг қони тўкилса, бунинг оқибатида зўрға барпо этилган яйлов (жамият) барбод бўлади.

Тасвирда ботқоқликнинг тикланишини тезлаштирган омиллар қаторида ёмғир суви (халқнинг кўз ёши) ҳам тилга олинади. Юқоридан ёмғир суви ва қон ерга сингиб, ер остидаги намлик билан қўшилади:

Қуйидин суву юқоридин нам,
Юқоридин наму қуйидин ҳам.

Лавҳадаги рамзийликка яна бир ишора бор. Бошқа ҳайвонлар қаторида, ботқоққа чўкаётган шер ва жайрон қандай бўлмасин жон сақламоқчи бўладилар. Улар табиатан ўзаро дўст бўлмайдиган ҳайвонлардир. Шер кийикни овлаб ейиш илинжида бўлади. Шу сабаб кийик доим таъқиб остида бўлиб, шердан узоқроқда яшашга интилади. Лекин мана шундай ўзаро зид ҳайвонлар ўлимлари олдидан бир-бирларига чирмашиб, чўкиб кетишдан сақланмоқчи бўладилар. Аммо ҳаракатлари зое кетади. Барча ов олиб борилаётган ботқоқлик устидагилар қатори улар ҳам чўкиб ҳалок бўладилар. Навоий бу билан кучли ва ожиз жонзот ўртасида ўлим вақтида фарқ йўқ, дейди. Бундаги шер – ҳукмдорлар, аъёнлар, жайрон – оддий халқ рамзи. Ҳокимият едирилгач, ҳоким ҳам, оддий кишилар ҳам бирдек, ҳатто шу вақтда бир-бирларини қўллаб-қувватласалар ҳам ўладилар, дейилмоқда. Ов тасвири асарнинг бутун воқеаларидан келиб чиққан мантиқий якун сифатида намоён бўлади. Навоий бундай фикрларини Баҳромдек шоҳ орқали Ҳусайн Бойқарога билдириши осонроқ эди.

Достон сўнгида Навоий Баҳромни тушида кўрганлигини айтади. Тушида Баҳром келиб Навоий билан суҳбат қуради. Баҳром Навоийга ўзининг асардаги тасвирланиши борасида миннатдорчилик билдиради. У Бойқарони тилга олиб, унинг ўзига ўхшашлигини айтади. Шу билан бирга Баҳром Навоийга шоҳингга бориб айт, шоҳлар минг йил яшасалар ҳам, ўлар чоғда ҳаммаси тамом бўлади, улардан фақат яхши номгина қолиши мумкин, дейди.

Хуллас, достондаги ов манзарасининг ботиний маъноси ва унда қатнашганларнинг рамзий талқини шулардан иборат. Навоий асарларидаги рамзларга яширин маъноларни уқиб олиш доим ҳам осон кечмас. Зеро, шоир буюклигининг сабабларидан бири ҳам шунда.

2020 йил

НАВОИЙНИ АНГЛАШ САРИ

Навоийни тушунмаймизми?[1]

“Ёш ленинчи” рўзномасининг 1991 йил 15 январь сонида филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Қодировнинг “Навоийни тушунамизми?” номли баҳс уйғотувчи, бугунги кун руҳида ёзилган мақоласи эълон қилинди. Менда ҳам шу мақола муносабати билан бугун Навоийни (айниқса, талабалар ўртасида) ўқиб тушунишимиз даражасига доир фикрлар уйғонди, уларни ўртага ташламоқчиман.

Умуман, ўзи пок бўлса ҳам, марказдан[2] дашном эшитиб, туҳматлар туфайли ёмон отлиққа чиққан халқимизнинг қаддини Навоий таваллудини иттифоқ, жаҳон миқёсида нишонлаш орқали кўтарамиз. Лекин ҳақиқатан ҳам улуғ бобомиз деб кўкрагимизга урганимиз билан, унинг буюклигини таъкидлаганимиз билан халқимизнинг асосий қисми Навоийни ўқиб осонгина тушуна олмайди. Яъни Навоийнинг буюклиги биз учун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган. Ваҳоланки, бу умумий ҳақиқат хусусий кўриниш – ҳар бир кишининг Навоийни мутолаа қилганидан кейин қалбида исботи билан ўрин олмас экан, ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шу боис ҳар бир ўзбек ўзи учун Навоийни кашф қилиши даркор (гарчи бу орзулигича қолаётган бўлса ҳам). Қандай қилиб дерсиз? Бунинг учун Навоий асарларини ўқиб тушунибгина қолмай, уларнинг мағзини чақиш, уқишни ҳам билиш лозим. Сабаби Навоий асарларининг тилини тушуниш ҳали Навоийни тушуниш, унинг асарларидаги фикрларни англаш дегани эмас...

Нима учундир китобхонлар классик ёзувчиларнинг асарлари ҳақида гап кетганда “асарларининг тили қийин, тушуниб бўлмайди...” каби гапларни гапирадилар, бу гапларда жон бор. Аммо тил муаммоси ўтмиш ёзувчиларининг асарларини тушунишда биринчи поғона холос, яъни зинанинг қуйи поғонаси. Зинанинг қолган поғоналари: шарқ адабиёти, унинг ўзига хос ҳусусиятлари, ёки дейлик, Навоий ижодидаги ўзига хослик кабилар борки, уларни унутиб бўлмайди. Шарқ адабиётидаги ўзига хосликка бир мисол:

Филология фанлари доктори Содир Эркинов хотирлашича, у киши Москва шаҳрида аспирантурада ўқиб юрган кезлари (1956 йили) машҳур Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс (1890–1957) ўз олдига ёш олимлар қатори у кишини ҳам чақириб, адабиётга доир шундай савол берибди: Сизга бир ҳафта муҳлат бераман, шу вақт ичида ўйлаб ёки китоблардан қидириб бўлса ҳам, саволимга жавоб топиб келинг: Озарбайжон адабиётининг таниқли намояндаси Низомий Ганжавий ўзининг қарилик чоғида ёзган “Искандарнома” достонида бир ўринда ўзи ҳақида гапириб:

...Ҳиндистонимни соғиндим..., деб ёзиб кетган. Нега Низомий бундай деб ёзган? Биринчидан, у ҳинд миллатига мансуб эмас, озарбайжон миллатидан. Иккинчидан, бутун умрини Ганжа (Озарбайжондаги шаҳар) шаҳрида ўтказган, Ҳиндистонга бормаган. Учинчидан, шоирнинг Ҳиндистонга ҳеч қандай алоқаси йўқ?! Сиз Низомий нима учун шундай деганини топиб келинг... Ёш олимлар мазкур саволга Е.Э.Бертельс ўйлаган жавобни топа олмабдилар. Ниҳоят, жавобни олимнинг ўзи айтибди: Ҳиндистон табиати гўзал, у ерда қиш бўлмайди.

---

[1] Эркинов А. “Навоийни нега тушунмаймиз?” // Ёш ленинчи. 1991, 6 сентябр. Б.2.

[2] Марказ деганда, СССР (1922–1991) пойтахти ва шу давлат маркази бўлган Москва шаҳри тушунилмоқда (2021 йил, А.Э.).

Шу боис йил бўйи у ерда баҳор ҳавосидек мусаффолик ҳукмрон. Баҳор эса ёшлик, қувонч рамзи. Низомий ҳам Ҳиндистонни – баҳорни – ёшлигини қўмсаб шундай деган. Фақатгина шарқ адабиётидаги рамзийликдан бохабар, унинг энг нозик нуқталарини тушунувчи кишигина бундай маъноларни топиши мумкин. Олимлар учун қийинлик қилган бундай муаммоларни топишни оддий китобхон қайдан билсин?.

Тил муаммосидан ташқари ана шундай жиҳатларни ҳам билиш лозимдир. Чунки тилни луғатдаги сўзларни ёдлаш орқали бирмунча ўзлаштирган билан адабиёт ва мафкура, яшаш тарзига доир хусусиятлар борки, уларга оид маълумотларсиз эски ўзбек тилини билиш билан кўп нарсага эришиб бўлмайди. Буни шундай бир мисол билан исботлаш ҳам мумкин: Тошкент Давлат дорилфунунига бир неча йиллар давомида Афғонистон жумҳуриятидан талабалар келиб, ўзбек филологияси куллиётида таълим олиб кетдилар (айниқса, 1980-йилларда). Ана шу талабалар афғонистонлик ўзбеклар бўлиб, улар ўз мамлакатларида форс (дарий) тилидаги мактабларни битиришган эди. Уларнинг Навоийни тушунишда биздан бир устунликлари бор эди: Навоий асарларидаги форсча ва арабча сўзларни бемалол тушунишар эди, шоир асарларидаги маъноларни бирмунча чиқара олишарди. Навоий ғазалини эски қўлёзмалардан ўқиб маъносини нисбатан тушунардилар. Улар ўзбеклар (Ўзбекистондаги) нега Навоийни ўқиб англай олмайдилар. Биз тушунамизку, дердилар. Лекин мен Навоий асарларининг тилини тушуниш муаммо бўлмаган бу талабаларниинг ҳаммаси классикларимиз меросини бемалол ва чуқур тушуниб, уни талқин қила олганларини деярли кўрмадим. Бир-икки талабаларгина Навоийнинг асарлари борасида мулоҳаза билдира олардилар, холос. Кўриб турибсизки, Навоий тилини тушуниш ҳали унинг асарларини ҳис қилиш ва уқиш эмас, балки биринчи катта босқичлардан бири экан. Албатта, афғонистонлик ўзбеклар бизга нисбатан анча Шарқона муҳитда ўсганлар, аммо бу ҳам масаланинг тўла ечими бўлмай, Навоий асарларини тушуниш борасида нисбий ютуқ экан.

Энди тил муаммосидан бошқа, Навоийни тушунишда ўзига хос ўрин тутувчи жиҳатлар – хукмрон мафкура – ислом дини, фалсафа, мусулмон Шарқи адабиётига тегишли томонларга диққатимизни қаратайлик.

Аввалambор, ислом динининг Навоий ижодини тушунишдаги ўрни ҳақида. Буни қарангки, биз Навоий яшаган давридаги мафкурани ислом динидан деярли ажратиб олиб ўргандик. Бу худди балиқни у сузиб юрган сувидан ажратиб олиб, қуруқлик жонзотлари қаторида ўрганишдек бир гапдир. Балиққа қуруқлик жониворидек муносабатда бўлинса, баҳо берилса, қандай бўлишини тасаввур қилинг! Сувсиз балиқ балиқ бўла оладими?.

Масалан, Навоий асарларида ўтмиш адабиётида бўлганидек, Исо, Марям, Нуҳ, Одам, Юсуф, Жаброил, Сулаймон, Ҳизр ва бошқа Қуронда номлари зикр этилган қаҳрамонлар бор. Ўқувчи аввалдан ана шу диний қаҳрамонлар билан таниш бўлмаса, Навоийнинг фикрларини тушунмаслиги мумкин.

Масалан, бир байт бор:

Эй Навоий, дардлиғ ноланг қилур элни ҳалок,
Айтқил: Сури қиёмат, йўқса афғондурму ул? –

сўзларнинг луғавий маънолари бўйича байт мазмуни: Эй, Навоий, сенинг ишқ йўлида чеккан дардли ноланг элни ҳалок қилмоқда, айтгин-чи, бу қиёмат найининг овозими ёки се-

нинг фиғонингми? Лекин байтнинг мазмуни ҳали тўлиқ очилмади. Бу ерда ислом динидаги Исрофил билан боғлиқ бир гапга ишора қилинмоқда. Исрофил қиёмат куни сурнайини икки марта чалар экан. Биринчиси қиёмат бошланганлигини билдирса, иккинчи марта чалинганда барча ўликлар тирилар экан. Юқоридаги байтнинг иккинчи мисраси мазмунини янгидан чиқарамиз: айтгин-чи, бу қиёмат куни чалиниб, ўликларни тирилтирувчи оҳангми ёки ҳалок қилувчи нола?. Кўриб турибсизки, маъно анча чуқурлашади. Аммо сиз "Навоий асарлари луғати"да (4 томлик) – бунақанги маълумотларни топа олмайсиз...

Биз яна Навоий давридаги зиёлиларнинг кўпчилиги амал қилиб келган, улар учун ҳаётий асос бўлган тасаввуф фалсафасини билишимиз керак. Совет давридаги кишилар онги ва дунёқарашини баҳолаш учун марксизм-ленинизм фалсафасини билиш керакми?! Худди шу каби Навоийнинг дунёқараши, борлиқ ва инсонга муносабатини билиш учун ислом дини ва тасаввуфдан бохабар бўлиш зарур. Бизда эса тасаввуф фалсафаси таъқиб ва тақиқ этиб келинди. Натижада, шоир фалсафасини билиш – шоирни тушуниш йўлига яна бир тўсиқ қўйилди.

Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиётида Навоий ижодини ўтиш муносабати билан ҳозирда тасаввуфга нисбатан тузукроқ ва кенгроқ тўхталинади. Бу ўзининг баъзи самараларини ҳам бермоқда, талабаларда бу фалсафага қизиқиш катта. Лекин шунга қарамай, талабалар бу соҳада, айни пайтда оқсамоқдалар ҳам (чунки тасаввуф бўйича қўлланмалар йўқ, бу фалсафа ҳатто олимлар учун очилмаган қўриқ).

Навоий ижоди бўйича бир талабадан шоирнинг:

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода кирган уйга қайғу келмади, –

байтидаги "бода" нимани билдиради деб сўрасам, байтни шу образнинг маъносидан келиб чиқиб таҳлил қилинг десам, байтда ошиққа: "ёрингни кутавериб қийналмай ароқ (май, шароб ҳам эмас) ичгин, аламни ароқ чиқаради", демоқчи деб жавоб берди. Жавобдан кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан. Чунки "бода"нинг мажозий маъноси "илоҳга бўлган муҳаббат" эканлигини дарсда неча марта айтилган эди. Энди айтинглар-чи, ана шу талаба Навоий тилидаги тушунарсиз сўзларни ёдлаб олиб, Навоийни тушуна оладими? Тасаввуф шеъриятида биз билиб юрган бода, нигоҳ, зулф, ёр ва бошқа ўнлаб образлар мажозий маънога эга. Мен аминманки, агар ана шу образларнинг тасаввуфдаги маъносини ёдлаб чиқса ҳам, юқоридаги талаба ҳеч қандай мазмун чиқара олмайди. Чунки у ана шу фалсафанинг моҳиятини тушуниб олмаган ёки халқимизнинг асосий қисмидек ундан бебаҳра. Буни қарангки, бу талаба шу соҳа мутахассиси – филолог бўлади.

Яна бир жиҳат борки, биз Навоийни тушуниш учун уни ҳам назарда тутишимиз керак: Навоий асарларини зиёли, муайян филологик тайёргарлиги бор одамлар учун ёзган. Масалан, Навоийнинг 26035 та сўз қўллаганлиги, бу жиҳатдан А.С.Пушкин, В.Шекспирдан ўзиб кетганлиги ижобий ҳол, шоирнинг сўз бойлигини кўрсатади. Бу сон кўплаб арабча ва форсча сўзлар ҳисобига ҳам шу қадар катта. Навоий ҳам ана шу икки тилдаги сўзлардан фойдаланган, бу тилларни эса ўқимишлиларгина чуқур билганлар. Яна давр бадиий адабиёти анъанасига кўра шоирлар мураккаб тил билан иложи борича турли-туман сўзларни қўллаб шеър битишлари лозим эди. Биз Навоий асарлари ва ўша давр китобхонлари масаласига тўхталмаймиз, бу катта ва алоҳида масала. Аммо шуни айтиш лозимки, Навоий асарларини

ўша даврда ҳам адабиётдан муайян тайёргарлиги, бадиий диди бор кишилар тушуниб ҳис қила олганлар. Шу боис ҳам, айниқса, Навоий ва бошқа Шарқ шоирларининг шеърларини турлича талқин қилиш анъанаси мавжуд бўлган. Масалан, Навоийнинг

Қаро кўзум келу мадрумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум каби ватан қилғил, –

деб бошланувчи машҳур ғазалига бир неча шарҳлар мавжуд. Бу ғазалнинг энг содда талқинини ҳам ўқувчи ғазал бўйича маълумоти бўлмай туриб, нотаниш сўзларнинг маъноларини билибоқ амалга ошира олармикан?! Шарқ шеъриятидаги анъанавий образлар, ишоралар сўзнинг турли маъноларидан бирига эътибор бериш, мавзулари доираси бўйича маълумотларсиз шеърнинг таг-тагига кириш, ўша маънолардан лаззатланиш мумкинмикан?

Ниҳоят, мусулмон Шарқидаги шоирлик касбининг ўзига хос томонларини билмай туриб, шоирни чуқур ҳис қилиш мумкин эмас. Чунки шоирни тушуниш учун у эргашган анъаналарни билиш зарур. Арабшунос олим А.Б.Куделин “Ўрта аср араб поэтикаси” (Москва, 1983) китобида IX–X асрларда арабларда шоир бўлишни истаган киши қуйидаги босқичларни босиб ўтиши лозимлиги шарт қилиб қўйилганлигини ёзади (кейинчалик бу жиҳатлар бизнинг классик адабиётга ҳам сингиб кетди):

1) Салафлари шеъриятидан иложи борича кўпроқ намуна ёдлаб олиш; яъни улар қўллаган образлар, ўхшатиш ва бошқа бадиий тасвир воситаларини ўзлаштириб олиш.

2) Ёдланган нарсаларни “унутиш” лозим. (Аниқроғи, салафларидаги мисраларни бирмунча ўзгартириб такрорламаслик учун уларнинг шеърияти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун шундай қилинган).

3) Энди шоир маънолар, образларни янги жиҳатдан талқин этиши, лекин бунда мавжуд образлар ва мавзулар анъанаси доирасида қолиши лозим. Сўнгги босқич шеър яратишни англатади...

Навоий шеъриятига, асарларига ҳам ана шу адабиётдаги хос жиҳатлар нуқтайи назаридан туриб баҳо бериш лозим бўлади. Масалан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан исталган бир байтни мисол қилиб келтирайлик: Ширинниng ташқи кўриниши чизилмоқда:

Кўзи беҳол хоболудлиқдин,
Лаби майгун шароболудлиқдин.

Мазмуни: Ширин кўзларининг чиройи уйқусираганлигидандир, лабларининг қизиллиги эса май юқи қолганидандир. Шарқ адабиётида ёр кўзининг гўзаллиги сузилиб туриши ва лабнинг чиройи қизиллиги билан белгиланган. Адабиётда кўз ва лабнинг ана шу хусусиятларини юзлаб шоирлар Навоийгача ифодалаганлар. Навоий кўзнинг чиройига – сузилишига уйқудан уйғонганликни сабабчи қилиб кўрсатмоқда. Афсуски, китобхонларимиз адабиётдаги ана шундай анъаналардан, на Навоий ва ундан олдинги, кейинги шарқ адабиётидан хабардорлар!.

Хулосаласак, Навоийни кенг маънода тушуниш, ҳис қилиш учун ўша давр тилини билиш, Навоий асарларидаги сўзларнинг луғавий маъноларини тушунишнинг ўзи ҳали етарли эмас. Тил муаммосидан ташқари ислом дини, тасаввуф, умуман, фалсафа, Шарқ ада-

биёти хусусиятларини билишимиз керак бўлади. Аслини олганда, Навоийни тушунишда туғилган муаммоларни турғунлик сиёсати туғдирган, эндиликда ўтмиш маданиятимиз ва тарихимизга ижобий муносабат кучаяётган экан, Навоийни тушуниш ҳам осонлашади, деб ўйлайман.

1991 йил, сентябрь

Алишер Навоий – хослар шоири[1]

"Мулоқот" журналининг 1996 йил 4-сонида А.Рашидовнинг "Навоийни нега тушунмаймиз?" деб номланган хати ва унга Маҳкам Маҳмуд Андижонийнинг жавобларини ўқиб, хурсанд бўлдим. Сабаби Навоийни тушунишга интилиш, маданият ва адабиётимиз учун куйиниш бундай саволнинг кун тартибига қўйилишига олиб келган. Мен бир неча йиллардан бери Навоий асарларини ўзбек китобхонлари ўтмишда ва бугунги кунда қандай талқин этганлари, умуман, Навоийни тушуниш ва талқин этиш борасида изланиб юрганим боис, шу мавзуга оид ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Шўролар даврида "санъат халқникидир" деган фикр бўларди. Аслида, "йўқсуллар доҳийси" бу фикрни партия адабиётини омма орасига олиб кириб, унинг воситасида оммага коммунистча қарашларни сингдириш учун айтган эди. Мазкур ғояни ҳар қандай турдаги санъатга татбиқ этиш оқибатида санъат жўнлашди. Санъатнинг ранг-баранглиги йўқолди. Санъатнинг олий турига бир гуруҳ олифталарга хизмат қилувчи нарса деб қаралди. Аслида эса санъат санъат учун хизмат этиши – хослар, жамиятнинг муайян гуруҳигина қабул қилиши мумкин бўлган асарлар ва уларнинг яратувчилари мавжудлиги азалдан маълум.

Алишер Навоийдан олдин яшаган Яссавий ёки ундан кейин ижод этган Сўфи Оллоёр асарларини асл матндан ўқиб тушуниш мумкин, лекин Навоий асарлари ҳақида бундай деб бўлмайди, дейди А.Рашидов. Маҳкам Андижоний эса Навоийни тушуниш баркамол инсонларгагина насиб этишини таъкидлайди. Бу – ҳақ гап. Чунки Яссавий ва Сўфи Оллоёрдан фарқли равишда Навоий ўзининг асарларини зиёли, саводи юксак даражадаги ёки руҳан, қалбан ҳис қилувчи одамлар учун яратган. Шу маънода Навоий – хослар шоири. Ўтмишда оддий халқнинг ҳар бир хонадонида Машраб, Яссавий девонлари сақланган. Уларни ўқиб, шеърхонлик кечалари уюштирганлар. Лекин айни вақтда навоийхонлик, бедилхонлик кечалари ҳам уюштирилган. Бироқ омма орасидаги шеърхонлик кечаларидан фарқли равишда навоийхонлик, бедилхонлик кечалари асосан зиёли, ўқимишли кишилар орасида ўтказилган. Чунки Навоий ўз асарларида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган бўлиб, унинг асарларини тушуниш учун араб ва форс тилларини билиш лозим. Бошқа тиллардаги сўзлар ҳисобига ҳам шу миқдорга етган Навоий асарлари тили мураккаблашган. Аммо тил мураккаблиги Навоийни тушунишдаги бош муаммо эмас. Асосийси, Навоийнинг фикри мураккаб, фалсафий. Мукаммалликка интилаётган шахсгина бу мураккабликни тушуниши мумкин.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Навоийни ўтмишда ҳам осонгина тушунаверишмаган. Навоий асарларига тузилган ўнлаб луғатлар унинг асарлари қўлёзмаларига тушунарсиз сўзлар учун ҳошияларда изоҳларнинг келтирилиши ҳам бундан далолат беради. Наво-

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. "Алишер Навоий – хослар шоири" // Мулоқот. 1997. 4-сон. Б.43.

ийнинг ўзи ҳам шеърларидаги сермаънолилик ҳақида “Фавойид ул-кибар” девонидаги бир қитъасида шундай дейди:

Назмим ичра ғариб маънилар,
Ғурабо хайлидин нишонадурур.
Анда ҳар байт неча маъни ила,
Байт эмас, ғарибхонадурур.

Ана шу сермаънолилик асарни тушунишни мураккаблаштиради.

Яна бир жиҳатни қайд этиш лозим бўлади. Шўролар даврида ҳар қандай ҳолатда ҳам санъатнинг оммабоплигига интилиш кучли эди. Бирор асар ёки ижодкорнинг зўрлиги унинг омма орасидаги машҳурлиги билан боғланар, “фалончи зўрми, нега уни ҳамма танимайди?” қабилидаги саволлар одатий гап бўлган. Ваҳоланки, санъатнинг энг олий тури соф санъат бўлиб, уни хосларгина тушуниб, қадрига етади. Навоий номи ўз даврида машҳур бўлган бўлса, бу ҳам унинг асарларини яхши тушунган китобхонлар ҳисобигадир. Шу маънода, Навоий оммабоп ижодкор бўлган эмас. Лекин бу гаплар Навоий асарлари халқчиллиги, улардаги инсон манфаатлари учун интилиш ғоясини инкор этмайди, Навоий ўзбек халқининг фахри эканлигини унинг мероси, хусусан, “Хамса”си ва девонлари Туркистон заминида юзлаб нусхаларда кўчирилиши, шоҳларнинг бу асарга бўлган эътибори, сарой адабий муҳитидаги ўрни ҳам шуни исботлайди.

Қисқаси, Алишер Навоий хослар шоири бўлганлиги учун ҳам уни омма ҳамма вақт ҳам бемалол тушунавермаган. Қайтага, ўтмишда ҳам, бугун ҳам, масалан, унинг достонлари соддалаштирилиб, насрий баёнда халққа тақдим этилганига мисоллар мавжуд. Навоийнинг фикри мураккаб, мураккаб нарсаларнинг ечими ҳам ҳеч қачон осон бўлмаган. Зеро, унинг асарлари чуқур маъноларига хослар етиб боришган.

1997 йил

НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ ВА МЕТОДОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР

Алишер Навоийни ўрганиш ва герменевтика масалалари[1]

Мазкур мақолада менинг адабиётшунос сифатида Навоий ижодини ўрганиш учун герменевтикага қандай мурожаат қилганлигим ҳақида қисқача маълумот берилади. Мен 1990 йили "Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати ("Садди Искандарий" достони мисолида)" деган мавзуда филология фанлари номзоди диссертациясини ҳимоя қилдим. Маълумки, номзодлик диссертацияси мавзусини илмий раҳбар шогирдига беради. Аммо докторлик диссертацияси учун мавзу танлашда бошқа йўлдан борилади. 1994 йили мен филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов (1938–2012) билан илмий суҳбат қуриб, у киши раҳбарлигида докторлик диссертацияси ёзиш истагим борлигини билдирдим. Бунгача домла мен ишлаган ўзбек филологияси факультетида ҳам дарс бериб турардилар (ўзлари, аслида, рус филологияси факультети қошидаги "Таржима назарияси" кафедрасида ишлардилар). Суҳбат асносида мен устоз Нажмиддин акага докторлик мавзуси танлаб, сизнинг раҳабарлигингиз остида уни ёзиш ниятидаман, деб айтдим. Навоий ижоди билан боғлиқ бир неча режалаштириб қўйганим тахминий мавзуларни ҳам кўрсатдим. Шунда домла: "номзодлик диссертацияси мавзусини илмий раҳбар беради. Сиз фан номзодисиз, бу олим сифатида етишганликни билдиради, докторлик учун мавзуни ўзингиз ўйлаб топишингиз керак", – дедилар. Шундан кейин мавзу масаласида нима қилишни билмай бошим қотди. Қайси мавзуни танлашни ўйлай бошладим.

1991 йили менинг совет навоийшунослигига бағишланган "Қолипдаги фан" номли мақолам чоп қилинганди[2]. Унда мен ўтган совет тузуми мафкурасининг навоийшуносликка салбий таъсири ҳақида ёзгандим. Ўзбекистон мустақиллигидан аввалги китобларда ўтмишдаги бадиий асарларга ёндашув ва баҳолар деярли бир хил бўлиб, улардан чиқарилган хулосалар ҳам кўп жиҳатдан ўхшаш эди. Чунки совет замонида коммунистик мафкурага мос ягона ва сийқа методология юқоридан сиёсий кўрсатмалар асосида, илмга тайёр ҳолда бериларди. Унга риоя қилиш мажбурий ва шунинг ўзи етарли эди. Бундай шароитда эндиликда, янги даврда асар таҳлили услублари қанақа бўлиши керак, қайси йўлдан бориб асарларга ёндашган маъқул, деган савол туғиларди. Бу 1990-йиллар боши учун табиий савол эди.

Бир кун мен кутубхонада "Контекст: адабий-назарий тадқиқотлар" (Контекст: литературно-теоретические исследования)[3] номли китобни кўриб қолдим. Унда берилган мақолаларда герменевтика ва бадиий асар талқин ҳақида қизиқарли маълумотлар бор эди. Шу мақола баҳона бўлди-ю, мен герменевтика таълимотига қизиқиб кетдим. Герменевтиканинг фалсафий асослари ёритилган бир қанча илмий тадқиқотлар билан танишдим[4]. Ўз-

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. "Алишер Навоийни ўрганиш ва герменевтика масалалари" // Алишер Навоий ва фалсафа тарихининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам. Тошкент, 2016. Б.27-37.
[2] Эркинов А. "Қолипдаги фан" // Ёшлик. 1991. 2-сон. Б.76-77.
[3] Шпет Г.Г. "Герменевтика и ее проблемы" // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1989. Москва, 1989. С.211-249; Шпет Г.Г. "Герменевтика и ее проблемы" // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1990. М., 1990. С.219-259; Шпет Г.Г. "Герменевтика и ее проблемы" // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1991. М., 1991. С.215-255.
[4] Авдеенко Е.А. Герменевтика // Литературный энциклопедический словарь. Москва, 1987. С.77; Антипова Г.А. "От герменевтики к гуманитарным наукам" // Текст как явление культуры. Новосибирск, 1989. С.23-35;

бек тилидаги адабиётлар ичида бу атама ва таълимот ҳақидаги дастлабки маълумотлар баъзи адабий-танқидий тадқиқот ва фалсафа фани бўйича қўлланмада учрарди, холос[1].

Янги даврда Навоий асарлари эндиликда қандай талқин этилиши керак, деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Герменевтикадек анча кенг ва чуқур бир таълимотни англаш асносида унинг жавоби: талқинлар турлича бўлиши ва уларнинг ҳар бири, агар асосга эга бўлса яшашга ҳақли, деган хулосага олиб келди. Дарҳақиқат, бадиий асар талқинларининг кўплиги ҳақиқатнинг чексизлиги, ҳар бир шахс ва даврга хос ҳақиқат нисбий, ўзига хос эканлиги билан белгиланади. Шарқ адабиётидаги машҳур ва Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида ҳам келтирилган кўрлар ҳақидаги ҳикояни эсланг: Ҳиндистонга бориб, фил ҳақида уни ушлаб тасаввур олган кўрлардан фил қандай экан, деб сўрашганида, бири у гумбаз, бири у катта тиш, бири у дум, бири у катта елпиғич, деб жавоб беради. Уларнинг фикрлари нотўғри бўлмай, бу таассуротларни бир ерга тўпласа, ягона бир фил ҳосил бўлиши мумкин эди. Фил ҳақиқат рамзидир. Кўрлар эса инсонлар. Навоий айтмоқчи, инсонлар ҳам ҳақиқатни ўз билганларича талқин этадилар. Фил ва уни ушлаб билганларни бадиий асар ва рецепиентга ўхшатиш мумкин. Рецепиент фикри асар маъносининг қайсидир қиррасини акс эттиради ва ҳеч қачон, у қанчалик истамасин, сўнгги қараш бўла олмайди. Фанда мавжуд бу хулоса бадиий асарни кенг ва турли жиҳатдан талқин қилиш мумкинлигига йўл очади.

Мен Навоий "Хамса"сини ўз тадқиқот объектим қилиб олдим ва унга герменевтикани боғлашга уриндим. Мен учун энг асосийси – ўлкамизга ғарбона қарашлар кириб келмасидан олдинги даврда Навоий асарлари қандай қабул қилинганлиги, талқин этилганлиги ва бу асарларга китобхонларнинг Шарқона муносабати мавжуд бўлганлигини аниқлашдан иборат эди. Масалани бу тарзда қўйишни истаганим бежиз бўлмаган. Мен Ғарбда таълимот сифатида вужудга келган герменевтика ва унинг тармоқларидан бири бўлган адабий герменевтиканинг Шарқдаги асослари ва улар тарихини излаш, Шарқ адабий талқинчилигининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш орқали биздаги бу йўналиш илдизларини очиб беришга уриндим.

***

Мен докторлик диссертациям учун Алишер Навоий "Хамса" асарининг асар яратилган давридан то XX асргача бўлган талқинларини асос қилиб олдим. Бу иш профессор Нажмидин Комилов илмий маслаҳатчилиги остида тайёрланиб, "Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари" деган ном остида 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қўлёзмалар институтида "10.01.11. – Адабий манбашунослик ва

Бласс Ф. Герменевтика и критика. Пер.с немецкого. Одесса, 1891; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. Опыт прочтения "Медного всадника". М., 1981; Борев Ю. "Теория художественного восприятия и рецептивная эстетика, методология критики и герменевтика" // Теории, школы концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М.: Наука. 1985. С.3-68; Борев Ю. Эстетика. М., 1988. С.423-442; Гадамер Х.Г. Актуальность прекрасного. М.: Наука, 1991; Гадамер Х.Г. Истина и метод. М.: Наука, 1988; Гайденко П.П. "Герменевтика" // Философ. энцик. словарь. М., 1983. С.111-112; Герменевтика древнерусской литературы. Сборник. Книги 1, 2. М.: АН СССР, 1989; "Герменевтика и искусство" // Эстетика, словарь. М., 1989. С.58-60; Теории, школы, концепции. Художественная рецепция и герменевтика. М., 1985; Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. М., 1991; Куркина Л.Я. Герменевтика и "Теория интерпретации" художественного произведения // Герменевтика: история и современность. М., 1985. С.245-269; Рикёр П. Герменевтика, этика, политика. М.: Наука, 1995; Фогелер Я.Г. "История возникновения и этапы эволюции философской герменевтики" // Герменевтика: история и современность. М., 1985. С.11-38; Шацкий Е. Утопия и традиция. М., 1990, ва бошқалар.

[1] Расулов А. Танқидчилик уфқлари. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985; Фалсафа. 1-қисм. Тошкент: Фан, 1992. Б.124-126; Фалсафа. Тошкент: Фан, 1997. Б.278.

матншунослик” мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинди[1]. Диссертациямда ўрганиш объектимга даврий чегара қўйгандим. Навоий ва умуман ўтмишда, Шарқона муҳитда яратилган ҳар қандай асарга ёндашувда шартли тарзда оладиган бўлсак, икки давр мавжуд эди:

1. Навоий “Хамса”си яратилганидан (1485 йил) то бадиий асарларга ғарбона ёндашув бошланган, тахминан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган босқич.

2. Тахминан XX асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача бўлган босқич.

Бу икки босқич асар яратилган муҳит руҳиятини билиш нуқтайи назаридан ажратилганди. Аслида, фақат биринчи босқичгина диссертациям объекти бўлган. Айни босқичлардаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш учун бир мисол келтирайлик. Масалан, бир саволни ўртага ташлаш мумкин: Америкадаги ўрмонни ким яхшироқ билади? Бу ўрмонда яшовчи ҳиндуми ёки шу ўрмон бўйича Европада китоб ёзган олимми? Албатта, мутахассис олим кўп билими, аниқроғи, мантиқий билими билан ҳиндудан кўра кўпроқ нарса билиши аниқ. Аммо шу ўрмонга бориб, ҳиндулар билан ўрмонни кезганида ўзи яхши сезмаган кўпгина хусусиятларни билиб олади. Чунки ўрмонда туғилиб ўсган ҳинду ўрмонни китобдек ўқий олади. Унда мантиқий билимдан кўра сезги, интуиция етакчилик қилади. Бундай руҳий ва ҳиссий маълумотга эса европалик олим эга эмас. У ўрмонни кўп йиллар кезган, ўрганган бўлса ҳам, ҳиндудек унинг бир қисмига айланмаган. У ўрмонни мантиқий билим билан била олади. Демак, олим ва ҳиндунинг ўрмон ҳақидаги билимлари алоҳида-алоҳида йўналишда бўлиб, бир-бирларини тўлдиради.

Шарқ адабиёти ва маданиятини ўрганувчи, унга муносабатда бўлувчи ўзбекларнинг XX асргача бўлган қисмида ўша ҳиссий билиш етакчилик қилган. Улар ана шу шарқона муҳит руҳиятида ўсиб туриб, Шарқни ўзига хос тарзда англаганлар. Лекин кейинчалик ундан узоқлашган. Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаш керакки, биз Навоий “Хамса”сининг ўзбек адабиётшунослиги муҳитида бугун ва ўтмишда қабул этилиши тўғрисида гапирмоқдамиз. Ҳозирги пайтдаги Шарқ маданиятининг бизлар томондан қабул этилиши келтирилган мисолдаги европалик олимникидан фарқ қилади. Чунки биз “Хамса”га ёндашув ҳақида гап кетганида, асосан, ўз минтақамиз – Ўрта Осиёни асос қилиб олдик ва агар мисол бўйича тушунтириш керак бўлса, бугунги талқин этувчи ўзбеклар бу ўрмонда яшаган ҳиндунинг шаҳарга кетиб қолган вакилларига ўхшайди. Чунки ўрмонни тарк этиб шаҳарда яшаб қолган ҳиндунинг авлодлари энди ҳиссий билимдан, муҳитдан узоқда туриб ўрмонни биладилар. Аммо улар ўз авлодларидан сақланиб қолиб, қондан қонга, руҳиятдан кўчувчи аллақандай сезгиларни ҳам аждодларидан қабул қилиб оладилар.

Шу маънода улар ўрмонда яшовчи ҳинду билими билан европалик олим ўртасида, икки томонни бирлаштириш даражасида ўрмонни биладилар. Замонавий ўзбеклар ҳам ўз классик адабиётларини бугунги кунда мана шундай позиция – ўтмиш муҳитидан қисман узилган бир шароитда биладилар. Лекин уларда ўзлари шарқлик бўлганликлари учун руҳият ва маънавиятда сақланган хусусият ҳамда европача маданиятни қисман бирлаштирган ҳаёт тарзи кузатилади. Шу билан улар шарқшунос ғарбликлардан фарқ қиладилар.

---

[1] Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XX аср манбалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1998; Эркинов А. Источники интерпретации “Хамса” Алишер Навои в XV–XX вв. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент, 1998. Мазкур диссертация сўнгидаги адабиётлар рўйхатида айни диссерацияни ёзишда фойдаланган герменевтика ва адабий герменевтикага оид кўплаб китоб ва мақолалар номи келтирилган. Кейинчалик мазкур диссертация асосида китоб нашр этилди: Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV–XX аср боши). Тошкент: “Tamaddun”, 2018. 300 б.

Талқин этувчининг қай маданий муҳитга даҳлдор эканлиги билан боғлиқ бу масалага чуқур кирмаган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, Шарқни билишда ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда учта гуруҳ намоён бўлмоқда:

1) Шарқликларнинг ўзи (асосан, XX асргача);

2) Ғарб билан Шарқ бирлашган ҳудуддаги Шарқликлар (асосан, бизнинг асримиз);

3) Ғарбликлар (шарқшунос – ориенталистлар).

Биз ўз диссертациямизда, асосан, биринчи гуруҳга эътибор қаратгандик. Асли ғарблик шарқшуноснинг иккинчи гуруҳдагилар билан яқинлиги сезиларли бўлса-да, бу масалага чуқурроқ кирмаймиз. Қисқаси, юқоридаги фикрларнинг барчаси XX асргача бўлган талқинлар, муайян руҳиятга эга муҳит мавжуд бўлганлигини кўрсатиш ниятида келтирилди. Шарқда талқин манбалари сифатида тафсир, турли асарларга ёзилган шарҳлар мавжуд бўлган бўлса-да, улардан ташқари бадиий асарнинг Ғарбдаги бевосита кўзга ташланиб турувчи (асарга тақриз, асар таҳлили ва бошқалар) талқинларидан ташқари талқин манбалари ҳам мавжуд бўлган. Уларни биз Навоий "Хамса"сининг XV–XX аср бошларидаги турли манбалардан изладик[1]. Шарқда бадиий асар талқинининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатмоқчи бўлдик.

Шу мақсадда Навоий "Хамса"сининг XX асргача бўлган даврдаги талқини манбаларини таснифлаш, бу жараёнда ана шу даврни кейингиларидан ажратувчи томонларига ҳам эътибор қилишга тўғри келади. Биз диққатимизни қаратган давр – Навоий "Хамса"си яратилганидан XX аср бошларигача бўлган оралиқни масаламиз нуқтайи назаридан яхлит бир босқич сифатида олиб ўргангандик. Бизнинг бош мақсадимиз Шарқона талқинни кўрсатувчи асос – манбаларни аниқлашдан иборат бўлганди[2]. Навоий "Хамса"си талқини, ҳар қандай асар талқинида учраши мумкин бўлганидек, уч хил томондан талқин этилган. Булар:

А) муаллифнинг ўзи (Навоий);

Б) замондошлар (масалан, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир);

В) кейинги давр кишилари (масалан, Бобур, хаттотлар, китобхонлар, ноширлар ва бошқалар).

Кейинги икки гуруҳни ўз ичида яна қисмларга ажратиш мумкиндир. Бироқ биз талқинни ташувчи шахс ва гуруҳларни эмас, талқиний информацияга эга манбалар – талқиний манбаларни ўрганишга эътибор қаратиш мақсадида бўлганмиз. Бу маълумотлар қуйидаги манбаларда жойлашган:

1. **Навоий "Хамса"си**

Навоийнинг бу асари, маълумки, беш достондан иборат. Уларни ёзиш жараёнида Навоий ўзидан аввал ёзилган Низомий Ганжавий ёки Хусрав Деҳлавий "Хамса"лари ва умуман, хамсанавислик анъанасига тўхталади. Унинг шу фикрларини ўзи яратган "Хамса" таркиби, анъанавий мавзуларнинг ишланиши билан солиштириш орқали бу асар талқинига оид фикрлар ҳам юзага чиқади.

---

[1] Маълумки, Навоийнинг "Хамса" асари 1485 йили ёзиб тугалланган ва қуйидаги беш достондан иборат: "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий".

[2] Бизнинг диссертациямиз "10.01.11. – Адабий манбашунослик ва матншунослик" мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинган. Шу боис вазифам ҳам бадиий асар матни билан боғлиқ манбаларни илмий истифодага олиб киришдан иборат бўлиши керак эди. Менинг мавзуим доирасидаги мақсадим аждодларимиз амалга оширган Навоийнинг "Хамса" асари талқинлари акс этган манбаларни аниқлаш ва уларнинг бу бешлик талқини учун қанчалик хизмат қила олишини кўрсатишдан иборат бўлган.

2. **Достонларнинг кириш қисмида**

А) хамсачилик анъанасидаги асарлар (Жомий, Хожа,..).

Навоий “Хамса”си билан бир вақтда ёки ундан кейин ёзилган “Хамса”ларда Навоий бешлигига муносабатлар ҳам ўрин олганки, уларни ҳам биз талқини манба сифатида баҳолай оламиз.

Б) бу анъанадан ташқаридаги асарлар (Нишотий). Бунда хамсанавислик анъанасига кирмаган, аммо Навоий “Хамса”сига нисбатан мулоҳазаларга эга асарлардаги қарашларга эътибор қаратилади. Булар жумласига, масалан, Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонидаги фикрларни киритиш мумкин.

3. **Тазкиралар**

Шоирлар таржимайи ҳоли ва ижоди ҳақида қисқача маълумот беришга мўлжалланган асарлар бўлмиш тазкираларда Навоий “Хамса”си ҳақида фикрлар билдирилган ўринлар учрайди. Булар сирасига Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш шуаро” (1486 йили ёзилган) ҳамда Сом Мирзо Сафавий “Туҳфаи Сомий” тазкираларини киритиш мумкин.

4. **Тарихий асарлар**

Уларда ҳам йўл-йўлакай Навоий асарлари, жумладан, “Хамса”сига оид фикрлар берилади. Бундай тарихий асарлар сирасига Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” ва Мир Саид Шариф Роқимнинг “Тарихи Роқимий”си кабиларни киритиш мумкин.

5. **Илмий асарлар**

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” номли илмий асарида ўз “Хамса”си достонларига асос бўлган ва ўзидан аввалги ижодкорлар томонидан яратилган достонларни кўрсатиб ўтган. Улар контекстида Навоий достонлари талқинига янгича қараш мумкин бўлади. Навоий “Хамса”сига оид фикрлар келтирилган илмий асарлар сирасига Бобурнинг аруз вазни назарий масалаларига бағишланган “Мухтасар” рисоласини ҳам киритиш мумкин.

6. **Мемуар асарлар**

Ҳусайн Бойқаронинг “Рисолаи Ҳусайний” ва Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарларини мемуар асарларга киритиш мумкин. Уларда кўпроқ Навоий бешлигига оид баҳолашлар берилган.

7. **Навоий “Хамса”си қўлёзмалари**

Навоий “Хамса”си ёки унинг таркибига кирган достонларнинг қўлёзмаларда (тўлиқ беш достон ёки айрим достонлар) келтирилиши заминида ҳам бу асарга муносабат ётади. Масалан, турли даврларда “Хамса”даги айрим достонлар ўқувчиларга бир хил таъсир қилмаслиги ва умуман, бешликнинг айрим достонларига эҳтиёж пайдо бўлиб, фақатгина бир ёки бир неча достон қўлёзмада келтирилган ҳолатлар учрайди.

Масалан, 1811 йили Навоий “Хамса”си тўлиқ ҳолда Қўқон хонлиги ҳукмдори Амир Умархон (1810–822) фармони билан яхлит ҳолда кўчирилган[1]. Кейинчалик бўлса, яна Амир Умархон буйруғи билан 1824 йили бешлик қайта кўчирилган, аммо бу сафар қўлёзмада “Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр” достони ўрнига “Лисон ут-тайр” достонини қўйиб, китобат этилган. Навоий достонларининг бундай тарзда жамланган нусхалари кам учрайди. Демак, Умархон истаги асосида, биринчи достон “Ҳайрат ул-аброр”га нисбатан Навоий фалсафий

[1] Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. “Қўқон Адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари” // Адабий мерос. 1991, (3)57-сон. Б.13.

фикрларини умумлаштирувчи, умрининг охирида ёзилган олтинчи достон орқали “Хамса”га кириш тавсия этилмоқда. Амир Умархон қарашлари, талабларида ҳам муайян ўзгаришлар бўлган кўринади. Бунинг замирида эса муайян қараш, Навоий ижоди, “Хамса”сини XIX аср биринчи чорагидаги тушуниш ва қабул қилиш ётади. Ёки “Хамса”нинг “Лисон ут-тайр” билан китобат этилган нусхаларининг мавжуд бўлиши бу асарни олтинчи достон сифатида тақдим этилишидан ташқари Навоий фалсафаси, дунёқарашини шу тўплам воситасида яхлит ҳолда ўқувчиларга тақдим этилишидан ҳам келиб чиққандир. “Хамса”нинг “Маҳбуб ул-қулуб” билан бирга кўчирилган қўлёзмаларидан ҳам принципда ана шундай йўналишдаги мақсад кўзда тутилган: Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини жамловчи асар – “Маҳбуб ул-қулуб”ни бешлик билан бир ўринда бериш орқали Навоий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий фикрлари тўғрисида яхлит тасаввур бермоқчи бўлинган.

Қўлёзма орқали асар ёки унинг таркибига муносабат билдиришга яна бир мисол. Навоий “Хамса”сидаги “Ҳайрат ул-аброр” достони такрибига кичик ўзгартириш киритилган ўрин мавжуд: ушбу достон сўнгида Навоий ўзининг бу асарни яратиши ва унда айтилган фикрлари кескинликка йўйилмаслиги учун оёғи тойиб йиқилиб, шоҳ бошига ош тўкиб юборган қул ҳақидаги ҳикоятни келтиради (64-боб). Шоир камтарлигининг бадиий ифодаси бўлмиш бу ҳикоятнинг тўртта қўлёзмада тушириб қолдирилганлигини кузатиш мумкин[1].

Навоий мен достондаги фикрларим билан ўқувчиларга нисбатан қулнинг ҳолатидекман, демоқчи бўлган. Навоийдек саройга яқин бўлмаган котиблар ҳукмдор билан боғлиқ бундай ҳикоятни ўзлари кўчирган нусхаларга киритмай қўя қолганлар. Демак, қўлёзмалар ҳам асар матнига нисбатан талқиний манба бўлар олар экан.

8. **Луғатлар**

Шарқ филологик илмида луғатчилик алоҳида ўринга эга. Муайян бадиий асарга тузилган луғат шу асар маъносининг тушунарли бўлиши учун хизмат қила олади. Навоий асарларига тузилган луғатлар, асосан, икки тилли бўлиб, улар воситасида ўзга тилдаги аудиторияга Навоий меросини тушунтириш мақсад қилиб олинган[2]. Булар жумласига қуйидаги луғатларни киритиш мумкин: “Бадоеъ ул-луғат” (XVI аср), “Санглоҳ” (Мирза Маҳдихон тузган, 1760 й.), “Китоби луғати атрокийа” (Фатҳ Алихон тузган, 1862 й.), “Фарҳанги ҳазрат мир Алишер мулаққаб бил-Навоий” (1849 й.).

Навоий “Хамса”си ёки унинг алоҳида достонларига ёзилган луғатлар қаторига қўлёзмадаги асар матни атрофига, ҳошияларга ёзилган луғатларни киритиш мумкин. Бундай луғатларда матндаги бир қисм сўзлар айни ўринда изоҳлаб кетилаверади. Масалан, 1845–1848 йилларда кўчирилган қўлёзмада номаълум шахс томонидан “Хамса”нинг уч достони: “Сабъаи сайёр”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарий”ларда учраган қийин сўзларни тушунтириш учун шундай луғат яратилган[3]. Бундай луғатлардан мақсад асар мазмунини китобхонга яқинлаштириш бўлган.

9. **Насрий баёнлар**

Навоий “Хамса”сини китобхонларга яқинлаштиришга бўлган интилиш бу асар достонларини насрий баёнга айлантиришда ҳам кузатилади. Масалан, Умар Боқий Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонларининг насрий баёнини оддий халқ

---

[1] ЎРШИ-3, №162; 1429/1; 404; 224/2.
[2] Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. Тошкент: Фан, 1992.
[3] ЎРШИ-1, №7863; “Хамса бо ҳалли луғат” // Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тошкент: Фан. 1985. Б.592-634.

учун тушунарли бўлган содда ва равон тил билан ифодалаб, биринчидан халқ, манфаатини кўзласа, иккинчидан, бу асарларни ўша даврда Хоразмда хонлик қилган ағайи Авазбекка (1790–1804) ҳадя қилиб, унинг ҳурматини қозонади[1]. Бундан ташқари Умар Боқий асарни оммага мос қизиқарли нарсага айлантирган[2]. Бунда Навоийнинг кўрсатилган икки достони халқ эртаги кўринишида китобхонга тақдим этилган.

Бошқа бир мисол: XX аср бошида Навоий "Хамса"сининг "Ҳайрат ул-аброр"дан бошқа достонлари насрий баёни амалга оширилиб, 1908 йили "Хамсаи беназир" ёки "насри "Хамса" номи остида Тошкентда литографик усулда нашр этилган. Нашр бошидаги кириш сўзида насрий баён муаллифи замонамиздаги аксар одамлар шеърий асарни қабул қилишда ожизликка эгалар. Шу сабаб шеърий асарни насрий кўринишга ўгириб бердик, дейди. Демак, насрий баён этувчи омманинг шеърий асарни тушунишдан ожизлигини ҳисобга олиб, насрий баёнга киришганлигини таъкидламоқда. Халқ учун бадиий асарни насрий баён этиш, яъни соддалаштириш ҳодисаси XX аср бошига ҳам хос бўлган кўринади. Насрий баён ҳам асар матнига нисбатан ўзига хос ёндашуви билан талқин турларидан бири бўла олади.

10. **"Хамса"га ишланган миниатюралар**

Бунда Навоий бешлиги достонларидаги айрим лавҳалар бадиий тасвир орқали талқин этилади. "Хамса"даги воқеа ва образлар бошқа санъат туридаги образлар тилига (миниатюра) ўгирилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, миниатюралар ҳам ўзига хос талқиний манба бўла олади.

Биз бу манбалардан "Хамса" талқинига доир маълумотларни олишимиз мумкин. Кўриниб турганидек, бу манбалардаги талқинлар ўз характерига кўра турличадир. Масалан, қўлёзмалардаги талқин, асосан, китобат этувчи ва котиб томонидан амалга оширилади. Китобат этиш жараёнида "Хамса" яхлит ёки бирор қисми туширилган тарзда берилиши ёки асрлар давомида бу бешликни кўчириш жараёнида котиб буюртмачи ёки давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ҳатто ўз нуқтайи назари асосида матнга нисбатан муайян муносабатда бўлиши, уни маълум даражада ўзгартириши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўриб ўтганимиз талқинлар жараёнида бир одам ёки кўпчилик иштирок этиши мумкин. Айни жиҳати билан бу талқинлар, қайсидир даражада социология, библиопсихлогия каби соҳаларга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Биз ўрганаётган даврдан кейин – ўтиш даври ва янги замон талқинларининг манбалари янги даврга хос манбаларга алмашинади. Масалан, "Туркистон вилоятининг газети"нинг 1880 йил 9-сонида Навоий ҳақида дастлабки мақола ёзилди[3]. Аста-секин бошқа мақолалар ҳам ёзила бошланди, XX асрдан бошлаб "Хамса" достонлари асосида драмалар яратилди, ўзбек адабиётшунослик фани, унинг алоҳида тармоғи – навоийшунослик вужудга келди. Диссертация, монография, рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратилади. Буларнинг барчаси Навоий "Хамса"сининг янги даврдаги талқини манбалари бўла олади. Мана шу манбалардан тортиб кейинги йиллардаги Навоий бешлиги айрим достонларининг тасаввуфий талқинига бағишланган тадқиқот ва мақолаларни ва XX аср биринчи чорагидан кейин яратилган бошқа юзлаб тадқиқотларни кейинги босқич талқини сифатида қабул этиш мумкин[4]. Аммо бизнинг мавзуимиз объектига улар кирмаганлиги боис бу манбалар-

[1] Неъматов Х., Жумаев Т. "Сўзбоши" // Умар Боқий. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун (насрий достонлар). Қарши, 1993. Б.4-5.
[2] Комилов Н. Бу қадимий санъат. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. Б.62.
[3] Мўминов И.М. Танланган асарлар, уч томлик. I том. Т.: Фан, 1969. Б.192.
[4] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи : Биринчи китоб. Тошкент: Ёзувчи, 1996.

ни биз тадқиқотимизда махсус ўрганмадик. Бу иккинчи босқич ҳақидаги умумназарий фикрларимиз мавзуимиз объекти бўлган давр хусусиятларига ойдинлик киритиш учун қиёс сифатида келтирилди. Албатта, бизнинг фикрларимиз, даврлаштиришимиз нисбий бўлиб, Навоий "Хамса"си талқинларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Бизнингча, ўзбек классик адабиётини қабул қилишда бу даврлаштиришни кенгроқ ўрганиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мен ўз диссертациямни яратишда иложи борича адабий герменевтика билан боғлиқ фан ютуқларини ўзбек мумтоз адабиёти намунаси бўлган Навоий "Хамса"сига татбиқ қилишга ҳаракат қилдим. Навоий "Хамса"сига яратилишидан то XX аср бошигача бўлган муносабатлар манбаларини аниқлаб, уларни илмий истифодага олиб киришга уриндим. Бу асар талқини мисолида кўрсатилган давр алоҳида босқич бўла олишини, талқиннинг ўзига хос шакллари бизнинг муҳитимизда мавжуд бўлганлигини асослашни мақсад қилиб қўйгандим. Буни қанчалик амалга ошира олганлигимни аниқлаш эса файласуфлар ва адабиётшунослар ҳукмига ҳавола.

2016 йил

НАВОИЙГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРАДИМИ?
(ёки бадиий матн талқини)[1]

XX асрнинг 80-йиллари охирида, давр ўзгариб қадриятлар янгилана бошлаган бир вақтда, бир дўхтир танишим менга савол бериб қолди: "Ҳамма шоирларга қараш ўзгаряпти... Нима, энди Навоийга нисбатан ҳам муносабат ўзгарадими?"

Адабиётшунос олимлар учун эриш туюлувчи бу жўн саволнинг жавоби қандай бўлиши ўзингизга маълум. Лекин шундай саволнинг туғилиши, одамларнинг асарлар, ижодкорларга нисбатан муайян муносабати борлигининг ўзи кишини ҳам қувонтиради, ҳам ўйлантиради. Бу саволга "Йўқ! Навоий барибир, буюк шоир сифатида қолаверади!" деган жавоб тайин ва бунга шак-шубҳа йўқ.

Бироқ кўпдан бери собиқ иттифоқ даврида коммунистик мафкурага хизмат қилишдан қутилган бугунги адабиётшунослик қайси йўлдан бориб, асарларни қандай баҳолайди, деган савол, бу савол билан боғлиқ баҳсни олимлар кутишарди, десам ёлғон бўлмас. Сабаби: оддий кишиларки қадриятлар, асарларга муносабатлар ўзгараётганига бефарқ эмас экан, олимлар қалбидаги бу борадаги дардлар бисёрроқ эканлиги аниқ.

Умуман, XXI асрда ўзбек адабиётшунослиги қандай йўлдан боришига қизиқиш ва бу ҳақдаги фикрлар, қарашлар, мулоҳазалар зиёлилар қалбида аллақачон пайдо бўлгани ва вақти келиб матбуот саҳифаларига кўчиши табиий эди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида қизғин давом этаётган баҳс Аҳмад Отабой ва профессор Умарали Норматовнинг мақолаларидан бошланди[2]. Бунда У. Норматов кейинги вақтларда "соф санъат" назарияси тарафдорлари XX аср ўзбек адабиётини ўрганишда бир ёқламаликка йўл қўйишлари мумкинлигини таъкидлаб, ушбу даврни ўрганишда илмий-социологик йўналишгина қўл келишини уқтиради.

---

[1] Мақола нашр қилинган манба: Эркинов А. "Бадиий матн талқини" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996, 5 апрель.

[2] Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995 йил, 1-3 сентябрь.

Умуман, У.Норматов мақоласи мунозарага чорлаши билан эътиборни тортади. Сабаби устозимиз ўзбек адабиётшунослиги XX аср ўзбек адабиётини текширишда қайси йўналишдан кетиши лозим, деган саволни яхлит тарзда кун тартибига қўйди. Бироқ ҳар бир инсонга ўз фарзанди азизроқ кўринганидек, ижтимоий таҳлилни ҳам мутлоқлаштириш керак эмас. XX аср адабиётини ўрганишда ундан ҳам фойдаланиш керак. Адабиётни ўрганишдаги йўналишлар ва уларнинг ҳар бирини ўзларича маъқул дегувчи мунаққидлар тўғрисида гап кетганда, Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги Ҳиндистонга бориб филни ушлаб, унинг қандай эканлигини билган кўзи ожизлар ҳақидаги ривоят ёдга тушади: чунончи, филнинг оёғини ушлаган киши уни устунга ўхшар экан деса, хартумини ушлаган аждарҳо, тишларини пайпаслагани уни иккита суякдан иборат деса, қулоғини ушлаб кўрган бошқа бирови уни елпиғич, деб таърифлабди. Уларнинг гапларини тинглаган ҳинд файласуфи бундай зиддиятли, айни пайтда чала фикрлар учун ожиз кишиларни айбламабди. Чунки улар филни пайпаслаб билишганди. Агар уларнинг фикри бир жойга жамланса, фил тўғрисида муайян тасаввур ҳосил бўлиши мумкин...

Навоий ривоятини сўзма-сўз тушунмай, унинг моҳиятидаги мантиққа эътибор бериш керак бўлади. Ожизлик – бу инсоннинг илоҳий ҳақиқатни тўла-тўкис била олмаслиги. Инсонга хос ҳақиқатнинг нисбийлигидир. Одамлар ҳақиқатни ўзларича биладилар, ўз тушунчаларини ҳақиқат билан айнан бир, деб қарайдилар. Ваҳоланки, ҳақиқат билан улар тушунчалари орасида тафовут бўлиши табиийдир, дейилмоқда ривоятда. Бадиий асар талқинида ҳам ҳудди шундай ҳолат мавжудлигини унутмаслик лозим бўлади.

Рус адабиётшунослиги тарихига назар ташласак, XX асрнинг 20-йилларидаёқ мана шундай мунозаралар бўлиб ўтганлигини кузатиш мумкин. Ўшанда адабиётни ўрганишда тарихийлик ва назариявийлик муносабатлари қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида баҳс бўлганди. Рус олими Александр Скафтимов бу воқеаларни ўрганиб, уларда тарихийлик ва назариявийлик каби адабиётшуносликни икки қутбга тортиш тенденцияси мавжудлигини таъкидлаб, бу йўналишларни илоҳийлаштиришнинг чекланган томонларини танқид қилганди. Тарихийлик (асарни яратилган даврдан келиб чиқиб баҳолаш) ва назариявийлик асарни соф санъат ўлчовлари асосида баҳолаш (муносабатлари) ҳам, айнан У.Норматов мақоласида келтирилган "соф санъат" (назариявийлик) нуқтайи назаридан текшириш ва ижтимоий талқин (тарихийлик) қутблари билан бир нарсадир.

Бу каби баҳслар бошқа халқларда ҳам ўз вақтида рўй берган. Зеро, адабиётни ўрганишда адабиётшунослик қайси йўлдан бориши керак, деган саволнинг кун тартибига чиқиши тарихий жараён маҳсули экани аниқ. Истиқлол шарофати билан хилма-хил фикрлаш имконияти берилган даврда адабиётшуносликни фақат бирор-бир йўл бўйлаб кетишини қатъий белгилашнинг иложи йўқ. Дунё маданияти тажрибаси шуни кўрсатмоқда. Бадиий асарни баҳолаш мезонини қонунлаштириш вулгар социологизмча, ягона таълимотга сиғиниш даврини такрорлаши мумкин. 1970-йиллардаёқ рус олими Д.С.Лихачёв адабиётшунослик методикасини аниқ фанларники каби бир йўналишга солишга қарши турганида ҳам айнан шу ҳолатдан келиб чиққан эди.

Бундай шароитда XX аср яратилган асарларни таҳлил этишда "соф санъат" назарияси асосидами ёки "холис, соғлом, юксак маърифатли адабиётнинг сўз санъати эканини асло назардан соқит этмайдиган теран, илмий-социологик тадқиқот" (У. Норматов) йўналишидан борамизми, деб савол қўйиш ва унга аниқ жавоб излаш даври ўтди. Саволнинг кун тар-

тибига қўйилиши табиий жараён маҳсули экани маълум. Аммо аччиқ ҳақиқат бу саволга шундай жавобини беради: “Аниқ, қонунлаштирилган йўналиш керак эмас!” Чунки адабиётшунослик илмий тажрибаси, талқин таълимоти ва назарияси билан шуғулланувчи соҳа – герменевтика шуни талаб қилади. Лекин соф санъат нисбатан етакчилик қилишини, ҳар қандай йўналишлардан устунроқ эканлигини унутмаслик керак. Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, 1920 йилларда бу йўналишдаги мунозарани бошлаган рус адабиётшунослиги 1970 йиллардаёқ бизнинг бугунги баҳсларимиз босқичини бошидан кечириб бўлган эди. 1981 йили рус олими Ю. Борев “Талқин ва баҳолаш санъати”, “Мис чавандоз”ни ўқиш тажрибасидан” (“Искусство интерпретации и оценки, “Опыт прочтения “Медного всадника”) номли китоби билан адабиётшуносликда катта бурилиш ясади. А.С.Пушкиннинг 15 бетли асари ҳақида 250 бетли монография ёзиб, унда бу кичик достоннинг ўнга яқин йўналишидаги талқинларини таклиф этди. Асарни фалсафий, ижтимоий, қиёсий-типологик, маданий муҳит ёки шоир таржимайи ҳоли нуқтайи назаридан ва бошқа жиҳатларига кўра ўрганди.

Хўш, герменевтика нима? “Герменевтика” сўзи грекча бўлиб “тушунтираман”, “талқин этаман” деган маънони англатади. Шу билан боғлиқ равишда герменевтика инсоннинг тушуниши, борлиқни талқин этиши жараёнининг назарий асосларини ўрганади. Фалсафа илмининг таркибий қисми бўлган герменевтика таълимот сифатида таркиб топганига бир асрдан ошди. Бу соҳа, умуман, ижтимоий фанлар билан яқиндан муносабатдадир. Аслида, бадиий матн талқин масаласи билан қадимги юнонлар шуғулланишни бошлаб берганлар. Герменевтика ижтимоий фанлардаги матн, тарихий ёдгорликлар талқини билан шуғулланувчи фалсафий таълимотдир. Фалсафийлиги унинг умумийлик хусусияти билан боғланади. Бу таълимот бадиий матн билан шуғулланганида “адабий герменевтика” номини олса ҳам, адабиётшуносликдан кенгроқ соҳадир. Масалан, “Навоийга нисбатан ҳам муносабат ўзгарадими?” деган савол омманинг адабиётни талқин этиши билан боғланган бўлиб, ушбу савол адабиётшуносликни унчалик қизиқтирмаслиги мумкин. Бироқ герменевтика учун бу савол ўрганиш объекти бўла олади. Умуман, бадиий матннинг ҳар қандай талқинини, асарни тушуниш хусусиятларини бу соҳа тадқиқ этади. Бугунги кунда Ғарб адабиётшунослигига герменевтика таълимоти шу қадар сингиб кетганки, ҳатто унинг таърифи атрофидаги баҳсларда олимлар бир неча қутбларга бўлиниб кетишган. Батафсил тафсилотларга берилмай, бу ўринда биз герменевтикани ижтимоий фанлар методологияси эмас, тушуниш назарияси сифатида қабул қилинганлигини таъкидлаш билан чекланамиз.

Адабий герменевтика ўзбек адабиётшунослиги бундан кейин қайси мезонларга суяниш лозим, деган саволга битта йўлгагина асосланиб бўлмайди, деган жавобни бериб шундай тавсияни таклиф этади: “Сиз асарни ўз ёндашувингизга кўра асосли талқин этаверинг, биз уларни кузатамиз ва ҳеч кимнинг тарафини олмаймиз!” Лекин бунда шарт шуки, асар талқини асосли бўлса, бас! Чунки герменевтика амалий фан, асар талқинларини ўрганувчи соҳадир.

Асар талқини мантиқий асосланган бўлишини ёқлайдиган адабий герменевтика бу талқинларни қатъий туриб оқламайди, қораламайди ҳам. У бирор талқин йўналишигагина сиғиниб, ўшанигина тўғри деб қарашга қарши, холос.

Дарҳақиқат, нафақат турли кишилар, балки бир шахснинг ўзи йиллар давомида бир асарни такрор ўқиб, ундан янги маъно қирраларини топади. Чунки ҳаёт ўзгаради ва инсон-

ни ўзгартиради, кишининг қарашлари ёши ошиши билан, нисбатан, бошқача бўлиб боради. Асарни аввал ўқиганида айрим нуқталарга эътибор бермаганлигига таажжубланади. Бир шахсдаки ўзгариш, турлилик мавжуд экан, асарга нисбатан хар ҳил муносабатларга табиий ҳол деб қараш керак бўлади. Аксинча, бадиий асарнинг янги маъно қирралари очила бориши ушбу асар кучини кўрсатади. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Ориповнинг "Тилла балиқча" шеъри атрофида турли мунозаралар бўлди. Улар яна давом этар. Бундан бу шеър фақат ютади. Серталқинлилик "Тилла балиқча"ни бузмайди, янгиламайди, унинг мавқейини кўтаради, холос. Лекин ҳар ким ўз фикрини ҳақиқат деб ўйлайди. Шу жараёнга кўра герменевтикада кўплаб мактаблар ва назариялар вужудга келган. Масалан, Ф.Брюнетер (1848–1907) назариясига кўра бадиий асарни ўрганишда унинг яратилган замонаси билан муносабатини тадқиқ этишнинг ўзидаёқ талқинни тугатса бўлади; қиёсий метод асарнинг манбаларини аниқлашнигина ёқлайди. Шарль Сент-Бёвнинг (1804–1869) биографик методича, асарни ўрганишда ёзувчининг таржимайи ҳолини билиш керак бўлади. Ҳатто у таржимайи ҳоли маълум бўлмаган ижодкор асарини ўрганишдан бош тортган. Э.Геннекен (1858–1888) қонунига кўра, ўқувчи асарни тушуниши учун унинг ижодкори билан бир ҳил, ташқи таъсирдан ҳосил бўлувчи ҳолатга эга бўлиши лозим. Ҳар бир йўналиш ўз ёндашувини тўғри деб тушунади ва бу ҳол филни пайпаслаб кўриб билган кишилар гуруҳини эслатади. Чунки, масалан, Сент-Бёв методинигина тўғри деб билсак, унда биографияси деярли номаълум ўнлаб ўзбек классик адабиёти намоёндаларининг асарларини ўрганиш мумкин бўлмай қолади...

Яратганнинг ҳақиқитидан бошқа ҳамма ҳақиқатлар нисбий экан, унда бу йўналишларга нисбий деб қараш керак бўлади. Шу боис ҳам XX асрдаги герменевтик фалсафанинг отаси Х.Г.Гадамернинг (1900–2002) "Ҳақиқат ва метод" деб номланган капитал тадқиқотида ҳақиқат ва унга етишиш методлари фалсафий жиҳатдан ўрганилган. Бугунги ўзбек адабиётшунослигига ҳам герменевтика таълимотини тадбиқ этиш ўринлидир.

Бадиий матн талқинида турли йўналишларнинг мавжудлиги, уларнинг баъзиларини "соф санъат"га, баъзиларини ижтимоийликка ва бошқа томонларга тортишлар, ўзиникинигина маъқул деб топишлардан чўчимаслик керак. Аслида, хато талқин вужудга келар экан, у ҳам ижтимоий борлиқ таъсирида пайдо бўлади, осмондан тушмайди. Зеро, турли-туман талқинлар – нисбий ҳақиқатлар орасидаги кураш бизни Аллоҳ ҳақиқати сари бошлайди. Шу боис адабий герменевтика адабиётшунослигимизнинг эртасидир. Сабаби бу таълимотдаги фикрга кўра: танқидчилик навбатдаги давр учун янги ва нисбатан аниқроқ фикр айтиш имкониятини қолдиради. Ҳеч ким, ҳеч қачон бутун ҳақиқатни айтиб бера олмайди. Бу фалсафий таълимот герменевтиканинг қонунидир.

1996 йил

НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ АКС-САДОСИ

Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққўюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил)[1]

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табриз
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.

اكر بير قوم كريوز يوقسه مينك دور
معين ترك اولوسى خود منينك دور
آليب مين تحت فرمانيم غه آ سان
چيريك چيكماى ختا دين تا خرا سان
خرا سان دما كيم شيراز وتبريز
كه قيلميش دور نى كلكيم شكرريز

Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин" (1483 йил)[2]

Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган уч байтини шундай талқин қилса бўлади: Навоий ўз асарлари Хитойдан Хуросонгача бўлган (яъни маркази Ҳирот шаҳри бўлган ва Темурий Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган) ерлардаги туркий халқлар ичида тарқалганлигини ғурур билан таъкидлайди. Унинг шеърларини нафақат яшаш ери Хуросонда, балки Шероз ва Табризда, яъни айни марказлардаги туркий қавмлар орасида ҳам биладилар. Шу вақтгача шеърдаги Навоий томонидан Шероз ва Табриз шаҳарларининг ёдга олиниши муайян контекстга эга бўлмай, айни ерларда шоир асарлари тарқалиши ҳақидаги умумий маълумот сифатида маъно таширди. Кенгроқ олиб қараганда, Ўрта Осиё ва ҳозирги Эрондаги туркий халқлар орасида шоир шеърлари ёйилиши, деб тушуниларди. Бундан ташқари айни мисраларни мусулмон Шарқи шеъриятидаги фахрия[3] имкониятларидан фойдаланиш, деб ҳам баҳолаш мумкин. Бироқ яқинда санъатшунослар орасида маълум бўлган, лекин

---

[1] Нашр этилган манбалар: Эркинов А. "Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони" // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012 йил, 1-сон. Б.10-18; Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган девонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016 йил, 1-сон. Б.19-25. Айни пайтда, мақолага қуйидаги китобнинг «кириш» қисми асос бўлган: Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015. Б.27-43. Мазкур мақоланинг уч – ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги вариантлари кетма-кет берилди. Улар учун умумий библиография уч мақола сўнгида келтирилган. Мақола 2014 йилда менинг Японияда Токио ҳорижий тиллар университети (TUFS) қошидаги Осиё ва Африка маданиятлари ва тиллари институти (ILCAA) таклиф этилган профессори сифатидаги фаолиятим жараёнида тайёрланган. Институт раҳбарияти ҳамда проф.Нобуаки Кондога мазкур китобни нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш мобайнидаги ёрдамлари учун миннатдорчилик билдираман. Мазкур мақоланинг инглизча нашри: Erkinov A. «From Herat to Shiraz: the Unique Manuscript (876/1471) of 'Alī Shīr Nawā'ī's Poetry from Aq Qoyunlu circle» // Littérature et société en Asie centrale. Nouvelles sources pour l'étude des relations entre culture et pouvoir du XVe siècle jusqu'à nos jours. M.Toutant and G. Aitpaeva (eds.) [Cahiers d'Asie centrale 24], IFEAC (Bishkek-Paris), Petra, 2015. P.47-79. Айни қисмдаги асосий фикрлар менинг қуйидаги маърузамда ўз аксини топган: «Text Copying and Editing in the 15th century: manuscripts of 'Alīshēr Navā'ī's lyrical poetry under the Aq Qoyunlu and the Timurids» on the occasion of the 5e Journée d'études et atelier de travail (Workshop) Series Catalogorum organised by the UMR7528 "Mondes iranien et indien" (17 October 2014, Paris, France).

[2] АНМАТ, 8-том. Б.475; Эркинов С. Навоий "Фарҳод ва Ширин"и ва унинг қиёсий таҳлили. Тошкент: Фан, 1971. Б.247; Қаюмов Азиз, 1979, "Фарҳод ва Ширин" сирлари. Тошкент: ҒҒБАН, 1979; Комилов Нажмиддин, 2009, Тасаввуф. Тошкент: Ўзбекистон. Б.182-192.

[3] Фахрия/ифтихория (арабча ўзини мадҳ этиш; ғурур, шуҳрат; шаън; юксаклик маъноларида) – шеърий услуб бўлиб, шоирнинг ўзини мадҳ қилишини англатади. бунда шоир ўз шеърий маҳоратидан ғурурланади.

ўзбек классик адабиёти мутахассислари орасида номаълум бўлиб келаётган бир қўлёзма таркибига диққат қаратиш имконияти пайдо бўлди. Мазкур қўлёзма Қоҳирада жойлашган Миср Миллий кутубхонаси – Дорул кутубда сақланади[1]. Навоий девонидан ташкил топган мана шу қўлёзма нусхасининг қўлга киритилиши ва девон матни билан танишиш муносабати билан Навоийнинг юқорида келтирган мисралари фахрия бўлибгина қолмай, балки аниқ ва асосли маънога эга бўлиб чиқди.

Маълумки, Ҳирот Темурийларнинг (1370–1506) сўнгги вакили Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) даврида гуллаб-яшнаган[2]. Бу ҳукмдор даврида ўзбек мумтоз шеърияти классиги Алишер Навоий (1441–1501) яшаб ижод этган. Темурийларга қўшни бўлган заминдаги Оққўюнлилар сулоласи (1378–1501) ҳам санъат тараққиётига катта эътибор қаратарди. Оққўюнлилар сулоласи қисман ҳозирги Туркия Шарқи, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон территориясида ҳукмронлик қилиб, Темурийлар билан яқин алоқаларда бўлиб келган[3]. Навоий девонининг 876 йили 12 ражаб ойи / 1471 йили 24 декабрда тахминан Оққўюнлилар сулоласининг марказий шаҳарларидан бўлган Шерозда кўчирилган нусхаси нодир қўлёзмалардан бири ҳисобланади. Бу даврда Оққўюнлилар сулоласи вакили Халил (1442–1478 йиллари яшаган) Шероз шаҳрида 1472–1478 йиллари ҳоким бўлган[4]. У 1478 йили фақатгина олти ой мобайнида Оққўюнлилар ҳукмдори бўлиб, мазкур сулола пойтахти – Табризда яшаган. Шундан сўнг у укаси Султон Ёқуб (1463 йили туғилган, 1478–1490 йилларда ҳукмронлик қилган) тарафидан ўлдирилади ва шу укаси тахтни эгаллайди[5].

Навоийнинг тилга олинган девони биз томондан шартли тарзда “Оққўюнли мухлислар девони” деб аталиб, факсимилеси ва жорий ёзувдаги матни нашр этилди[6]. Мазкур девон Навоийнинг ўзи ҳали девон тартиб беришни бошлашидан аввалроқ Навоий шеъриятининг Оққўюнлилар давлати муҳитидаги мухлислари томонидан тузилган[7]. 2012 йилгача навоийшуносликка Навоийнинг 870/1465-1466 йили кўчирилган “Илк девон”игина маълум эди. У Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан тузилган – бевосита муаллиф томонидан тартибланмаган дастлабки мажмуа. Уни Султонали Машҳадий (1432–1520) кўчирган[8]. “Оққўюнли мухлислар девони” Навоий шеъриятининг унинг ўзи, яъни муаллиф томонидан тартиб берилмаган иккинчи девони бўлиб, уни Навоий шеърияти ихлосмандлари тузган-

---

[1] Алишер Навоий. Девон. Миср миллий кутубхонаси (Қоҳира). Қўлёзма инвентарь рақами –Lit.Turc.68. 876/1471 йили кўчирилган. Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р.Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020.

[2] Szuppe M. Entre Timourides, *Uzbeks et Safavides: questions d’histoire politique et sociale de Hérat dans la première moitié du XVIe siècle.* Paris, 1992; Subtelny M. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007.

[3] Minorsky V. “Ak-koyunlu” // Encyclopaedia of Islam[2]. Vol.I, 1960. P.320-322.

[4] Khunjī Rūzbihān. Persia in A.D. 1478-1490. An abridged translation of Fadlullāh b. Rūzbihān Khunjī’s Tārīkh-i ‘Ālamārā-yi Amīnī, by V. Minorsky. London: Royal Asiatic society, 1957. P.25-40.

[5] Woods J. The Aqqoyunlu: Clan, Confederation, Empire (2nd ed.). Salt Lake City, 1999. P.125-147.

[6] Erkinov A. From Herat to Shiraz: the Unique Manuscript (876/1471) of ‘Ali Shir Nawa’i’s Poetry from Aq Qoyunlu circle // Littérature et société en Asie centrale. Nouvelles sources pour l’étude des relations entre culture et pouvoir du XVe siècle jusqu’à nos jours. M.Toutant and G. Aitpaeva (eds.) [Cahiers d’Asie centrale 24], IFEAC (Bishkek-Paris), Petra, 2015. P.47-79.

[7] Мазкур девон қўлёзмаси нусхасига диққатимизни қаратган франциялик олим доктор Симон Реттигга (Simon Rettig) миннатдорчилик билдирамиз.

[8] Алишер Навоий, Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Тошкент, 1968; Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV-XIX асрлар. Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова нашри. Тошкент: Фан, 1982. 1-13- расмлар; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965; Eckmann Janos. “Nevaî’nin İlk Divanları Üzerine” // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten. 1971. S.253-269.

лар. У Навоий яшаган Ҳиротда эмас, тахминларга кўра қўшни сулола ҳудудидаги Шероз шаҳрида тузилган. Айни дамгача бизга бу девоннинг фақатгина битта қўлёзмаси маълум. Мазкур девон ҳозирча Оққўюнлилар давлатидаги Навоий шеърияти мухлислари томонидан, унинг шеърларидан тузилган ва бизга маълум бўлган тўпламдан бири бўлиб қолмоқда. Бу девон котиби Абдураҳим Хоразмий бўлиб, у Анисий тахаллуси билан машҳур бўлган. Шу тахаллусда шеър ёзган[1]. Айни қўлёзма фанга маълум бўлишига қарамай, ундаги Навоий девони таркиби ва матн хусусиятлари ўрганилмаган эди. Масалан, ундаги шеърлар тили Оққўюнлилар давлати заминида ёйилган ўғуз туркчасига мослаштирилган. Қуйида биз девон таркиби ҳамда Навоийнинг йигитлик даврида кўчирилган мазкур девон вужудга келган ижтимоий-маданий муҳит – девон яратилиш контекстини тадқиқ этишга уриниб кўрамиз.

Навоий асарлари қўлёзмалари

Мусулмон Шарқида нафақат қўлёзмаларни тайёрлаш, балки уларнинг тарқалиши, трансмиссияси турли ахборот алмашинуви ва маданият ривожига катта ёрдам бериб келган[2]. Навоий асарларига эга қўлёзмалар туркий дунёда кенг тарқалган эди. Мусулмон Шарқи қўлёзмалар фондларида Навоий асарлари қўлёзмаларининг ўнлаб, баъзида юзлаб нусхаларини учратиш мумкин. Навоий асарларига эга қўлёзмаларни кўчирган хаттотлар ҳақидаги маълумотларнинг ўзиёқ бир рисолани ташкил этган[3]. Ҳозирги вақтда биз Навоий “Хамса”си ёки ундаги алоҳида достонларнинг кўплаб қўлёзмаларига эгамиз. Биргина ЎРШИ фондларида “Хамса”нинг XV–XX асрларда кўчирилган бир юз олтимшдан ортиқ турли таркибдаги қўлёзмалари сақланади. Навоий “Хамса”си қўлёзмалари тарқалиши ва миқдорини ўрганиш унинг Ўрта Осиё интеллектуал ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлганлигини кўрсатади[4]. Айни натижа ўз вақтида бу бешлик феҳристининг тартиб берилишига олиб келган эди[5].

Мазкур ҳолатни “Хамса” қўлёзмаларидан ташқари 500 йил – XV аср охири – XX аср бошларигача бўлган давр мобайнида кўчирилган Навоий асарларига эга бошқа кўплаб қўлёзмаларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг собиқ Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти[6] фондида Навоийнинг 24 аса-

[1] Бу хаттот ҳақида қуйироқда гап кетади.

[2] Szuppe M. “Circulation des lettrés et cercles littéraires. Entre Asie centrale, Iran et Inde du Nord (XV^{e}–XVIII^{e} siècle)” // Annales. Histoire, Sciences, Sociales. n^{o} 5-6 (septembre-décembre,). 2004. P.997-1018.

[3] Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент: Фан, 1991.

[4] Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV–XX аср боши). Тошкент: Tamaddun, 2018; Erkinov A. “Les manuscrits du Khamsa de ‘Ali Sher Navâ`i et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits” // Boukhara-la-Noble. Cahiers d’Asie Centrale 5-6, 1998, P.169-180; Erkinov A. “The Perception of Works by Classical Authors in the 18th and 19th centuries Central Asia: The Example of the Xamsa of ‘Alī Shir Nawa`i” // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol.2: Inter-Regional and Inter-Ethnic Relations. A.v.Kügelgen, M.Kemper and A.Frank (eds.). Berlin, 1998. P.513-526.

[5] Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи Муниров Қ., Ҳакимов М. Тошкент: Фан. 1986.

[6] Мазкур институт Тошкентда 1978–1998 йилларда фаолият кўрсатган. У ёпилгандан сўнг қўлёзмалар фонди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондига 3-фонд ёки шартли равишда “Ҳамид Сулаймонов фонди” номи остида ўтказилган. Айни институтнинг қўлёзмалари бир қисми қуйидаги каталогда тавсиф қилинган: КФИР. I-II. Ташкент, 1988, 1989. Мазкур институтга проф.Ҳамид Сулаймонов (1911–1979) ва академик Азиз Қаюмов (1926–2018) директорлик қилганлар. Институт тарихи ҳақида қ.: Erkinov A. “Manuscript Collections of the Former Uzbek Academy of Sciences’ Institute of Manuscripts (1978–1998)” // Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Re-

рига эга 254 та қўлёзмаси сақланган эди[1]. Бундан ташқари 1879–1917 йилларда Ўрта Осиё тошбосма нашриётларида Навоий асарлари 70 марта чоп этилган[2]. Мазкур кўрсаткичлар туркий адабий муҳит вакили ҳисобланган шоир учун алоҳида ҳодиса ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган маълумотлар Навоий асарлари қўлёзмаларининг фақатгина Тошкент қўлёзма фондларидаги миқдорини кўрсатади. Дунё фондларининг барчасидаги Навоий асарлари қўлёзмалари миқдори бундан ўнлаб марта кўпроқдир. Ўз вақтида Навоий асарларининг Туркия фондларидаги қўлёзмалари махсус тавсиф этилган эди[3]. Навоий асарлари ва улар қўлёзмаларининг Кавказда тарқалиши ҳам махсус тадқиқ қилинган[4]. Навоий асарлари нашрлари, тавсифлари ҳамда матнларининг манбашунослик таҳлили давом этмоқда[5]. Масалан, айни йўналишда Навоий шеърларига эга қўлёзмаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинган[6].

“Оққўюнли мухлислар девони” қўлёзмасининг аниқланиши

Мазкур девоннинг аниқланиш тарихи қизиқ бўлганди. 2006 йили Берлинда чет эллик санъатшунослардан бири менга иккита миниатюра фотонусхасини кўрсатди. Миниатюралар Алишер Навоий девони қўлёзмасига ишланган эди. У бу миниатюралардаги тасвирларнинг улар билан ёнма-ён берилган Навоий ғазали мазмунига қанчалик мос келиш-келмаслигини аниқлаб беришимни сўради. Ўзи эски ўзбек тилидан бехабарлигини таъкидлади.

---

search. №8/1 (Helsinki - Saint-Petersburg, 2002). P.36-38.

[1] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Тошкент: Фан, 1983

[2] Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи(каталог). Тузувчи Б.Қосимхонов. Тошкент, 1988.

[3] Levend A.S. “Türkiye kitapliklarindeki Nevai yazmalari” // Türk Dili Araştirmalari Yilği. 1958. S.127-209.

[4] Кабулова Р.В. Традиции “Маджалис ун-нафаис” Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садикбека Садики “Маджма ул-хавас”). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Ташкент, 1979; Султанов Т.И. Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. Нагиева Дж. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку: Элм, 1986; Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. Ташкент: Фан, 1990. Айниқса, мазкур китоблар муаллифи Озарбайжонлик навоийшунос олима проф. Жаннат Нагиева (1927–2010) кузатишлари жуда қизиқ.

[5] Шамсиев П. Научно-критический текст “Хамсы” Алишера Наваи и принципы его подготовки. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент, 1961; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент: Akademnashr, 2011; Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2011; Алишер Навоий. “Хазойин ул-маоний”. Девон. 4 жилдлик. Тузувчи О.Давлатов. Тошкент: Tamaddun, 2011; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи: Алишер Навоий даври. Тошкент: Tamaddun, 2013, ва бошқалар.

[6] Riue C. Catalogue of the Turkish manuscripts in the British Museum. London, 1888. P. 295; Ethe H. Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu manuscripts in the Bodleian Library. Vol.II, Oxford, 1930. P.1195-1196; Волин С.Л. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи. Под редакцией А. К. Боровкова. М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. С.203-235; Goeseke G. “Die Miniaturen im Dīwān von Mīr ‘Alī Sīr Nawā`ī der Bibliothek der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft in Halle. Ein Beitrag zur Schule von Qazwīn” // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. 36, 1961. P.288-307; Алишер Наваи. Дивāн. Издание текста, предисловие и указатели. Л.В. Дмитриева. Москва, 1964. С.3-41; *Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева.* Тошкент: Фан, 1991; Adahl K. “A Copy of the Divan of Mir ‘Ali Shir Nava’i of the Late Eighteenth Century in the Lund University Library and the Kashmiri School of Miniature Painting”. Persian Painting from the Mongols to the Qajars: Studies in Honor of Basil W.Robinson. R. Hillenbrand (ed.). London–New York: Tauris, 2000. P.3-18; Richard F.Catalogue des manuscrits persans, Bibliothèque nationale de France, Département des manuscrits. Tome II : Supplément persan. 2 vol. Rome, 2013.

Алишер Навоийнинг миниатюрали қўлёзмалари оз эмас, улар чет эл кутубхоналарида учраб туради. Шу боис қўлёзмага кўп ҳам аҳамият бермадим. Бунинг устига ғазалда анъанавий мазмун кучли бўлганлиги учун унга ишланган минитюралар ҳам анъанавий сюжетга эга бўлиши, ҳамма вақт ҳам унинг ёнида келтирилган шеър мазмунига мос келавермаслиги одатий ҳол. Мен миниатюраларни кўриб, мана шу фикримни айтдим. Лекин диққатимни бир жиҳат жалб қилганди. Миниатюра ёнидаги Навоий ғазалидан олинган байтнинг тили биз билган эски ўзбек тили (“чиғатой туркийси”)дан бироз фарқ қиларди.

Масалан, қўлёзма саҳифасидаги ғазалда шундай мисралар келтирилганди:

Ул гунаштекким, анга мониъ ўлур абри баҳор.

Навоий нашрларида мазкур мисра қуйидагича берилган:

Ул қуёшдекким, анга мониъ бўлур абри баҳор

“Қуёш” сўзи ўрнига унинг ўғуз тилларидаги варианти – “гунаш”нинг қўлланганлиги ягона мисол эмасди. Навоий тилида бундай ўғузча элементлар иккала миниатюра ёнидаги ғазаллар бошқа мисраларида ҳам учрарди. Масалан, “ўлмас” ўрнига “ўлмаз” ёзилганди, “бор” сўзи “вор”, “қани” сўзи “хани” деб берилганди ва ҳоказо. Мен, табиийки, ўша олимдан мазкур минатюраларга эга қўлёзманинг қаерда кўчирилгани ва сақланиш ерини сўрадим. У қўлёзманинг ўрта асрларда ҳозирги Кавказ ёки Эрон ҳудудида кўчирилганлигидан бошқа у ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини, бир танишидан шу фотонусхаларнигина олганлигини айтди. Буни тушунса бўларди, чунки у миниатюра бўйича мутахассис бўлганлиги боис уни қўлёзмадаги шеърлар эмас, расмларгина қизиқтирарди, холос. Бу олим менга қўлёзманинг сақланиш жойини топишга ёрдам беришга ваъда берди. Аммо аниқ бир натижа бўлмади. Мен турли китоблар, феҳрестлардан бу қўлёзмага оид маълумотларни қидирдим. Аммо йиллар давомида мазкур қўлёзмага олиб борувчи излар ўчиб борар, борган сари қўлёзмани топишдан умидим ҳам узилиб бўлганди.

Орадан бир неча йили ўтиб, Парижда Оққуюнлилар сулоласи даври миниатюралари бўйича изланиш олиб бораётган француз олими доктор Симон Реттиг билан тасодифан гаплашиб қолдим. Ундан ўзим излаётган қўлёзма ҳақида сўрадим. У Оққуюнлилар даврида Навоий девонига ишланган икки минатюра ҳақида эшитганлигини, аммо мазкур қўлёзмани ўзи кўрмаганлигини айтди. У бу қўлёзма Қоҳирада сақланишини маълум қилди. Айни қўлёзма мен излаган манба эканлигига ҳали юз фоиз ишонишга асос ҳам йўқ эди. Турган гапки, бунинг учун қўлёзманинг асл нусхасини кўриш лозим.

Мен Қоҳирадаги қўлёзмалар фондлари (бу шаҳар кутубхоналарида бир неча юз минг қўлёзма сақланади) билан боғланиш йўлларини излаб турганимда франциялик санъатшунос олимдан хабар келди. У қўлёзманинг Қоҳирадаги қайси кутубхонада сақланиши ва қўлёзма ҳақидаги мавжуд фикрлар манбасини маълум қилганди. Кўп уринишлардан кейин 2010 йил сўнгида қўлёзманинг рангли фотонусхасини қўлга киритишга муваффақ бўлдим.

“Оққўюнли мухлислар девони” қўлёзмаси ҳақида

Навоийнинг биз фикр юритаётган девони қўлёзмаси ҳақидаги дастлабки умумий маълумот 1935 йилда нашр этилган Қоҳира кутубхонасидаги расмли қўлёзмалар феҳристида бор[1]: Алишер Навоий девони қўлёзмаси (Lit. Turc. 68) 67 варақдан иборат. Қўлёзма 200x130 мм ҳажмга эга, ундаги матн 140x75 мм. Матн настаълиқ ёзувида икки устунга ёзилган бўлиб, 876/1471-1472 йили кўчирилган. Котиби – Абдураҳим ибн Абдураҳмон ал-Хоразмий. И.Шукиннинг (Ivan Stchoukine) юқоридаги тавсифида қўлёзманинг араб тилидаги колофонида кўрсатилган котиб исми тўғри келтирилган бўлса-да, қўлёзманинг кўчирилиш даври 876/1471-1472 йил деб берилган. Ваҳоланки, қўлёзманинг кўчирилиш куни ҳам, ойи ҳам колофонда 876 йил 12 ражаб деб аниқ кўрсатилган[2]. Афтидан, қўлёзмани тавсифлаган Шукин колофонга етарлича диққат қаратмаган.

Қўлёзма колофонида (67а саҳифа) араб тилида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب كتبه العبد
الفقير المحتاج الى رحمة الله الغنى عبد الرحيم بن
عبد الرحمن الخوارزمى ستر الله عيوبه واحسن
احواله و غفر ذنوبه فى ثانى عشر رجب المرجب
سنه ست و سبعين و ثما نما الهجريه

Таржимаси:
Мазкур китобни кўчириш Маликул Ваҳҳоб (Аллоҳ) ёрдами билан якунланди. Китобни (Раббининг) марҳаматига муҳтож фақир Абдураҳим ибн Абдураҳмон ал-Хоразмий (Аллоҳ унинг айбларини яшириб, аҳволини яхшиласин ва гуноҳларини кечирсин) ҳижрий 876 йил Муқаддас ражаб ойининг ўн иккинчисида кўчиришни тугаллади.

Қўлёзмада Оққўюнлилар миниатюра мактаби услубида чизилган иккита миниатюра мавжуд (18б, 47б).

Қўлёзмада Навоийнинг жами 229 та шеъри келтирилган. Улар қуйидаги жанрлардадир:

№	Жанр	Миқдори	Саҳифа
1.	Ғазал	224	1б-62б
2.	Мустазод	1	62б-63а
3.	Мухаммас	3	63а-65а
4.	Таржиъбанд	1	65а-67а

Қўлёзманинг асосий хусусиятларидан бири Навоий шеърлари тилининг ўғуз туркчасига адаптация қилингани, ўғуз туркийсида сўзлашувчи китобхонлар аудиториясига яқинлаштирилгани[3]. Биз мазкур қўлёзма ёки унга ишора билан боғлиқ маълумотларни ўғуз турклари орасида Навоий асарлари ва улар киритилган қўлёзмаларнинг тарқалиши билан боғлиқ тадқиқотлардан топа олмадик[4]. Ҳозирча бу қўлёзма “Оққўюнли мухлислар девони”нинг ягона нусхаси бўлиб турибди.

---

[1] Stchoukine I. “Les manuscrits illustres musulmans de la Bibliotheque du Caire” *// Gazette des Beaux-Arts 77,* 1935. P.151, fig. 8.

[2] Алишер Навоий. Девон. Миср миллий кутубхонаси (Қоҳира). Lit.Turc.68.

[3] Бунга мисолларни қуйироқда келтирамиз.

[4] Birnbaum E. “The Ottomans and Chagatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Navā'i`s Divan in Ottoman Orthography” // Central Asiatic Journal. 20(3), 1976. P.157-190; Kleinmichel S. Mīr Alīšēr Navā'ī und Ahmed Paša. Archivum Ottomanicum. №17 (1999). P.77–211; Kleinmichel S. “Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler” // Turk edebiyati Tarihi, Vol. 1. Istanbul, 2006. S.683-691; Küt G. “Ali Şir Nevai” // Turkiye diyanet vakfi İslam Ansiklopedisi. Çilt 2. Istanbul, 1989. S.453; Nagieva Dj. Azerbaycanda Navai. Baku: Elm, 2001; Çetindağ Yusuf. ‘Alī Şir Nevai’nin Osmanlı Şiirine Etkisi. Ankara, 2006 ва бошқалар.

Миниатюрашунос Присцилла Сужек (Priscilla Soucek) Навоийнинг мазкур девони қўлёзмаси тўғрисида шундай деб ёзади: “Навоий девони Абдураҳим Хоразмий томонидан кўчирилган. У 1471–1478 йиллари Шерозга ҳокимлик қилган Оққўюнли султони Узун Ҳасаннинг (1453–1478) ўғли Халилга ёки бирор мансабдорга атаб кўчирилган бўлиши керак. Чунки мазкур қўлёзмага миниатюра ишлаган рассом деб тахмин қилинган Дарвиш Муҳаммад ҳам Халил саройида яшаб ижод этган”[1].

Демак, Навоийнинг “Оққўюнли мухлислар девони” тахминан Шерозда кўчирилганлиги маълум бўлади. Лекин санъатшунос П.Сужек қўлёзмани Навоий девони нусхаларидан бири деб, унинг таркибига аҳамият бермаган. Бундан ташқари у қўлёзма билан таниш бўлмаган, шекилли. П.Сужек ҳам юқоридаги феҳристда берилганидек, қўлёзманинг кўчирилиш даврини 876/1471-1472 йил деб кўрсатган. Демак, бу тадқиқотчи ҳам қўлёзманинг ўзини кўрмаган ёки кўчирилиш муддатига етарлича аҳамият қаратмаган. Қўлёзманинг кўчирилиш муддати ва таркибидаги Навоий шеърларига аҳамият бермаслик ҳамда қўлёзмага санъатшунос олимларнигина мурожаат қилиб келганлиги боис унинг навоийшунослик учун аҳамияти очилмасдан қолиб келаверган. Буни бошқа мисоллар ҳам кўрсатади[2].

Қўлёзманинг бошланиши (1b):

ای صفحه رخسارینك ازل خطیدن انشا

دیباچه حسننکده ابد نقطه سی طغرا

Охири (67a):

یادینك نی قیلای حریف مجلس

فکرینك نی ایتای کونکولکا مونس

“Оққўюнли мухлислар девони” аниқланиб, 2012 йили фанга маълум қилинганидан сўнг[3] олимлар томонидан унга оид тадқиқотлар яратилди[4].

Қўлёзма котиби

Қўлёзмани Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот Низомиддин Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий 1471 йил сўнгида кўчириб тугаллаган[5]. Бу хаттот

[1] Soucek P. “‘Abd al-Raḥīm b. ‘Abd al-Raḥman Khārazmī” // Encyclopædia Iranica. Vol.I, 1985. P.143.

[2] Robinson B. A Descriptive Catalogue of the Persian Paintings in the Bodleian Library. Oxford, 1958. P.79.

[3] Эркинов А. “Дунёда ягона қўлёзма (Алишер Навоий ихлосмандлари томонидан тузилган янги девони топилди) ” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 йил, 17 февраль.Б.1-4; Эркинов А. “Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 1-сон, Б.10-18.

[4] Имомназаров М. Уч девон муқоясаси // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. Б. 12-17; Seyhan T.O. “Akkoyunlular Döneminde Ali Şir Nevâyî Şiirlerinden Seçmelerin Lehçelerarası Aktarımıyla Ortaya Konulan Oğuzca Divan” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: “Turon- Iqbol”, 2018. Б.17-50; Юсупова Д. “Илк девон”дан “Оққўюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар трансформацияси” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. Турон-Иқбол, 2018. Б.69-76; Джабборов Р. “Оққўюнли мухлислар девони”нинг Алишер Навоий лирикаси ва давр маданий муҳитидаги ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2020.

[5] Dost-Muhammad. A *Treatise on Calligraphists and Miniaturists.* Ed. M.Abdullah Chaghtai, Lahore, 1936. P.16; Çağman F.“Topkapı Sarayı Miizesi Hazine 762 no.lu Nizami Hamsesinin Minyatürleri” // *Sanat Tarihi Yilliği.* 5. 1972-73. Istanbul, 1973. S.603; Stchoukine I. “Les peintures turcomanes et safavides d’une Khamseh de Nizami achevee a Tabriz en 886/1481” // *Arts Asiatiques*. 14, 1966. P.3-4; Soucek P. “ ‘Abd al-Raḥīm b. ‘Abd al-Raḥman Khārazmī” // Encyclopædia Iranica. Vol.I, 1985. P.143; Woods J. The Aqqoyunlu: Clan, Confederation, Empire (2nd ed.). Salt Lake City, 1999. P.138; Gholami Y., Suheyl U. “

Хоразмий номи билан Оққўюнлилар салтанатида ижод этган оила вакилидир. Мазкур оиладан уч киши ўша даврда ўзларининг хаттотлик ҳунарлари билан машҳур бўлганлар. Булар:

1. **Абдураҳмон Хоразмий** – Абдураҳим Хоразмийнинг отаси бўлиб, ўз даврида шуҳрат қозонган. У томонидан кўчирилган қўлёзмалар 1436–1462 йиллар оралиғига тўғри келиши ҳақида маълумотлар мавжуд[1].

2. **Абдулкарим Хоразмий –** Абдураҳим Хоразмийнинг укаси бўлиб, хаттотлик тарихига бағишланган ўрта аср манбаларида таъкидланишича, ўз даврида жуда машҳур бўлган ва "Подшоҳ" тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган[2]. У акаси Анисий услубида хат битган[3].

3. **Абдураҳим Хоразмий –** Анисийнинг ўзи. Анисий ўша даврлардаги машҳур хаттот Заҳириддин Азҳар Табризийга (1422–1502) ҳам шогирд бўлган[4]. Анисий Азҳарнинг хат услубини янада маромига етказган[5]. Азҳар кўчириб тугатмаган бир қўлёзманинг давомини кўчирган[6]. Хаттотлик санъати тарихида бир қўлёзманинг икки моҳир хаттот томонидан кўчирилиши жуда кам учрайдиган ҳодисалардандир. Бунда икки хаттот матни ёзувда бир хил услубда бўлиши зарур бўлиб, бу матн давомини кўчираётган хаттотдан катта маҳорат талаб қиларди. Анисий мана шундай масъулиятли вазифани уддалай олган санъат эгаси бўлган[7]. У бир қанча асарлар қўлёзмаларини кўчириб тайёрлаган. Булар қаторида Саъдий "Бўстон"и, Ҳофиз Шерозий девони, Низомий Ганжавий "Хамса"си ва хаттотнинг ўз шеърлари мажмуаси – "Девони Анисий"ларни қайд этиш мумкин[8].

Тилга олинган ака-ука Хоразмийлар ўз даврининг машҳур хаттотлари эди[9]. Мазкур ота ва бола хаттотлар 1456–1476 йилларда Табризда Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Ёқуб

'Abd al-Rahim Khwarazmi" // Encyclopaedia Islamica. Vol.1, Leiden-Boston: Brill, 2008. P.284-286.

[1] Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān. Tehrān: Elmi, 1363[1985]. S.378-380; Soucek P. " 'Abd al-Raḥmān Khᵛārazmī" // Encyclopædia Iranica. Vol.I, 1985. P.147.

[2] Sām Mīrzā Ṣafavī. Tadhkira-yi tuḥfa-yi Sāmī. R.Humāyunfarrukh (ed.). Tehrān, 1384 [2005]. S.28; Кази Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. Перевод и предисловие Б.Заходера. Москва, 1947. S.101; Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān. P.409-411, 1107; Soucek P. "'Abd al-Karīm b. 'Abd-al-Raḥmān Khᵛārazmī " // Encyclopædia Iranica. Vol.I, 1985. P.123-125.

[3] Mustaqīm-zāde. Silsilat al-khaṭṭaṭīn. Франция миллий кутубхонаси қўлёзмаси. Инв. №Suplement turc. 1156. B.19b.

[4] Азҳар Табризийнинг хаттотлик фаолияти ҳақида қаранг: Norouzian G. "The Calligraphy of the Gulistān Palace Library Kalila va Dimna (MS. 2198) and the Style of Mawlānā Zahīr al-Dīn Azhar al-Tabrīzī: Methods of Calligraphic Comparison" // *Journal of Fine arts (honar-ha-ye-tajassomi)*. University of Tehran, vol 18, no.4, winter 2014. P.55-66.

[5] Muṣṭafa 'Ālī, Manāqib-e hunarvarān. Transl. T.Subhāni (transl.). Tehran: Sorush, 1369 [1990]; Mirzā Sanglākh Khurāsānī. Tazkirat al-khattatin (Imtihān al-fuzalā). M.Qurbānī (ed.). Mashhad, 1388 [2009]. S.175-182; Mālik Daylami. "Mālik Daylami's Introduction to the Amir Husayn Beg Album" // A Century of Princes: Sources on Timurid History and Art. W.M.Thackston (transl.). Cambridge: Massachuestts, 1989. P.352.

[6] Lentz W., Lowry G.D. Timur and the princely vision. Persian Art and Culture in the Fifteenth Century. Los Angels-Washington, 1989. P.245; *Album Prefaces and Other Documents on the History of Calligraphers and Painters.* W.M.Thackston (ed.). Leiden–Boston–Köln: Brill, 2001. P.50; Blair Sh. Islamic Calligraphy. Edinburg: Edinburg University Press, 2006. P.283-284.

[7] Anushta H. Dānish-nāme-ye adab-e fārsī. Adab-e fārsī dar Āsiyā-ye Miyāne. Jild 1. Tehrān: Sāzmān-e chāpu entishārāt, 1380 [2001]. S.144; Анисий томонидан кўчирилган қўлёзмалар учраб туради. Масалан, Россия миллий кутубхонасида (Санкт-Петербург шаҳри): [Anonim]. Muraqqa. Россия миллий кутубхонаси (Санкт-Петербург). Dorn 147. Лист 12.

[8] Bayānī. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān. S. 386-387; Soudavar A. Art of the Persian Courts: Selections from the Art and History Trust Collection. New York: Rizzoli, 1992. P.136-137.

[9] Huart C. Les Calligraphes et les Miniaturistes de l'Orient musulman. Osnabrück, 1972. P.257-258; Аминов Ҳ. Хоразмда китоб тарихи манбалари (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари: ЎзР ФА ЎРШИ қўлёзмалар фонди асосида). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент, 2010. Б.7, 64.

(1478–1490) ҳузурида фаолият олиб борганлар[1]. Ота-бола Хоразмийларнинг оилавий хаттотлик фаолиятлари ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилади[2].

Шуниси қизиққи, баъзи маълумотларга кўра, мазкур хаттот ота-бола Хоразмийлар ҳиротлик машҳур хаттот Султонали Машҳадий билан ижодий мусобақага киришиб (балки рақобатлашиб), унинг хаттотлик услубига қарши бориб, настаълиқ хатида ўз услубларини ишлаб чиққанлар. Мазкур услуб "услуби Анисий" ёки "шеваи Анисий" деб атала бошланган[3]. Гарчи хат ихтирочиси Абдураҳмон Хоразмийнинг ўзи бўлса-да, ўғли Абдураҳим Хоразмий унга анчагина янгиликлар киритган[4]. Шероз хаттотлари улар услуби йўлидан бориб ижод қилганлар[5].

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлисида Мавлоно Анисий деган шоир ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Мавлоно Анисий – кам бизоат шоир эрди ва муттаҳам анга эрдиким элнинг шеърини ўзига боғлар. Бу матлаъни дер эрдиким, мен айтибмен:

Гарчи межўяд дилам доим висоли ёрро,
Ёр межўяд ба рағми ман дили ағёрро.

Бу матлаъ ҳар кишининг бўлса, маҳалли музояқа эмас. Қабри Ҳирийдадур"[6]. Бу ўринда Навоий Мавлоно Анисийнинг қабри Ҳиротда эканлигини таъкидлаган. Биз тилга олган Оққуюнлилар девони кўчирувчиси Анисий ҳам шеър ёзганлиги тарихдан маълум. Бироқ Навоий тилга олган Анисийнинг Оққўюнлилар девонини кўчирган Анисий билан айнан бир шахс эканлиги ҳозирча аниқ эмас. Афтидан, тилга олинган бу шоир Анисий биз тилга олган Абдураҳим Хоразмий эмас. Ҳакимшоҳ Муҳаммад Қазвиний (1559 йили вафот этган) 1522 йили Навоийнинг "Мажолисун нафоис" асарини форс тилига таржима қилган. У таржима мобайнида асарга янги шоирлар, масалан, Оққўюнли муҳити шоирлари ҳақидаги маъумотларни қўшган. Мана шу қаторда биз кўриб ўтаётган Анисий – Абдураҳим Хоразмийни шоир ва хаттот сифатида тилга олиб ўтган[7].

Сом Мирзо Сафавий (1517–1576) шоирларга бағишланган "Туҳфаи Сомий" тазкирасида Абдураҳим Хоразмийни Мавлоно Анисий номли шоир сифатида таништириб, шундай маълумот келтиради: "Мавлоно Анисий асли хоразмликдир. Султон Ёқуб хизматида бўлган. Настаълиқ хатини юксак маҳорат билан ёзгани учун халқ уни Султонали Машҳадийдек деб биларди"[8]. Анисий 1460–1494 йиллар оралиғида, яъни ўттиз йилдан кўпроқ давр

[1] Костыгова Г. Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV-XIX веков. Москва, 1963. P.11; Uluç L. Türkmen Valiler, Şirazlı Ustalar, Osmanlı Okurlar. XVI yüzyıl Şiraz elyazmaları. Istanbul, 2006. P.25-28; Seki Yoshifus. "Pajūheshhāyi dar bāra-ye du muraqqa'i Sulṭān Ya'qūb: yādgārii az 'aṣre Qaraqoyūnlū va Aqqoyūnlū" // Nāme-ye bahārestān. Tehrān, 2009. S.1, 11, 86.

[2] Mustaqīm-zāde. Silsilat al-khaṭṭaṭīn. BNF. Suplement turc. 1156. B.17a; Mustaqīm-zāde Sa'd al-Dīn Efendi. Tuḥfat al-khaṭṭaṭīn. Istanbul, 1928. S.653, 673.

[3] Mustaqīm-zāde. Silsilat al-khaṭṭaṭīn. BNF. Инвентар рақами Suplement turc. 1156; Mustaqīm-zāde Sa'd al-Dīn Efendi. Tuḥfat al-khaṭṭaṭīn. S.673; Mustafa Âli's Epic Deeds of Artists: A Critical Edition of the Earliest Ottoman text about the Calligraphers and Painters of the Islamic World. E. Akin-Kivanc (ed., transl. and commented). Leiden-Boston: Brill, 2011. P.253.

[4] Habīb Iṣfahānī. Khat va khattatan. Istanbul, 1887. S. 232; Huart C. Les Calligraphes. P.258; Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971. Б.104.

[5] Mir Sayyid Ahmad. "Mir Sayyid Ahmad's Introduction to the Amir Ghayb Beg Album" // A Century of Princes: Sources on Timurid History and Art. W.M.Thackston (trans.). Cambridge: Massachuestts, 1989. P.354.

[6] АНМАТ, 13-том. Б.54.

[7] Mīr Niẓām al-Dīn 'Alī shīr Navā'ī. Tadhkira-ye "Majālis al-nafā'is. A.Ḥikmat (ed.). Tehrān: Manuchehri, 1363 [1984]. S.301.

[8] Sām Mīrzā Ṣafavī. Tadhkira-yi tuḥfa-yi Sāmī. S.28.

мобайнида Оққўюнлилар саройида хизмат қилиб, сулола ҳукмдорлари учун бир неча қўлёзмаларни кўчирган[1].

Қози Аҳмад эса хаттотлар ва рассомлар тўғрисидаги рисоласида Анисий ўз тахаллусини Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Ёқуб уни ўзига яқин тутиб (анис – дўст маъносида), уни шундай деб атаганлиги асосида олганлигини таъкидлайди. У яна кўпгина Шероз шоирлари Анисий шогирдлари бўлиб, унинг услубига эргашиб шеър битишларини ҳам айтган[2]. Демак, Анисий – Абдураҳим Хоразмий яхши шоир ҳам бўлган экан. Анисий форсча шеърларидан иборат девон яратиб, уни 899/1493-94 йили ўзи кўчирган ва бу дастхат нусха бизгача етиб келган[3]. Лекин "Оққўюнли мухлислар девони"ни уни кўчирган Анисийнинг айнан ўзи тузганми ёки бошқа ихлосмандларми, ҳозирча маълум эмас.

Навоийнинг мазкур девонидаги шеърларда ўғуз элементлари учраши фақатгина хаттотнинг келиб чиқиши Хоразмдан эканлиги билан боғланмайди. Мақсад Навоий шеърлари тилини Оққўюнлилар муҳитидаги туркий китобхонларга яқинлаштириш бўлган. Демак, 1471 йили, ҳали 30 ёшлардаги шоир Навоий Оққўюнлилар саройи китобхонлари орасида эҳтиром топган ва улар Навоий шеърларини ўзлари сайлаб олиб, девон шаклида тартиб берганлар. Бу кезларда туркий муҳитда Навоий шоир сифатида танилиб, Ҳусайн Бойқаро саройидаги сиёсий фаолиятини эндигина бошлаётган эди.

Биз тўплаган маълумотлар Анисий ҳаёти ҳақида умумий тасаввур беради. Аммо улар Навоий девонининг кўчирилиш сабабларини аниқлаштириш учун камлик қилади.

Навоий ва Шерозу Табриз

Навоий девони вужудга келиши сабабларини аниқлаштириш учун Темурийларнинг бизни қизиқтирган Шероз шаҳри билан муносабатлари тарихига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, Табриз Оққўюнлилар пойтахти бўлиб, Шероз шаҳри маданият, айниқса, китоб яратиш маркази сифатида шуҳрат қозонган эди[4].

Темурийлардан Искандар Султон ибн Умаршайх (1409–1415) тарихда санъат ва маданият ҳомийси сифатида ном қолдирган. У Шероз шаҳри ҳокими бўлган вақтда унинг кўрсатмасига биноан эски ўзбек тилида Лутфийнинг "Гул ва Наврўз" ва Ҳайдар Хоразмийнинг "Маҳзанул асрор" достонлари яратилган. XV асрнинг биринчи ярмида кўпгина шоир, хаттот ва рассомлар Шерозда яшаб ижод қилганлар. Темурийларнинг катта маданий маркази ҳисобланган Ҳирот ҳамда Шероз ва Табриз ўртасида кучли маданий алоқалар йўлга қўйилган эди[5].

Алишер Навоий ижодининг шуҳрати Шарқдаги туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, бунда унинг Темурийлар (1370–1506) саройига яқинлиги ҳам катта ўрин тутади. XV асрдан бошлаб Шарқда Амир Темур шахсиятига эътибор ва тақлид ҳамда Темурийлар даврининг Шарқ маданиятига таъсири турли илмий ишларда кўп жиҳатдан ёритил-

[1] Soucek "'Abd al-Raḥīm b. 'Abd al-Raḥman Khārazmī".
[2] Кази Ахмед. Трактат о каллиграфах. С.87.
[3] Alparslan A. "Abdürrahîm-i Hârizmî" // Türkiye diyanet vakfi İslam Ansiklopedisi. Çilt 1. İstanbul, 1988. S.256-257.
[4] Soucek P. "The Arts of Calligraphy" // The Arts of the Book in Central Asia. B.Gray (ed.) Paris and Boulder, Colorado: UNESCO and Shambala Publications, 1979.
[5] Titley N. Persian Miniature Painting and Its Influence on the Art of Turkey and India: The British Library Collections. London: The British Library, 1983. P.47, 53, 61, 68, 72, 74, 80; Pfeiffer Judit (ed.) *Politics, Patronage and the Transmission of Knowledge in 13th-15th Century Tabriz*. Leiden-Boston: Brill. 2014; Anooshahr A. "The Timurids and Turkomans: Transition and Flowering in the Fifteenth Century". T.Daryaee (ed.). // The Oxford Handbook of Iranian History. Oxford, 2012. P.271-284.

ган[1]. XV аср сўнгидан бошлаб эса Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврини маданий ўрнак, модель сифатида баҳолаш ва қараш Усмонлилар (1299–1922) ва Сафавийлар (1502–1736) сулолалари саройларида мавжуд бўлган[2]. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабатлар ва сарой адабий ҳамда маданий муҳитига тақлид Қўқон (1710–1876) ва Хива (1804–1920) хонликлари даврида ҳам муайян даражада кўзга ташланади[3]. Мазкур жараёнларда Алишер Навоий шахсияти ва шеъриятининг ўрни катта. Шу маънода, Навоий ижодига Ғарб тилларидаги тадқиқотларда ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда[4].

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Алишер Навоийнинг Оққўюнлилар муҳити билан муносабатлари кам ўрганилган. Масалан, биз ҳозиргача Навоий ва Оққўюнли ҳукмдор Халил (фақат 1478 йили подшолик қилган) орасидаги алоқаларга доир маълумотга эга эмасмиз. Сўз юритаётганимиз, "Оққўюнли мухлислар девони" Халил Шероз шаҳрида ҳоким бўлганида (1471–1478) кўчирилган. Айнан Оққўюнлилар ва Навоий ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз кетадиган бўлса, Навоий Халилдан кейин тахтга ўтирган Султон Ёқуб билан дўстона муносабатларда бўлган[5]. Навоий "Мажолисун нафоис" тазкирасида Султон Ёқуб ҳақида маълумот бериб, уни мақтайди ҳамда форс тилидаги шеърларини келтиради[6]. Ҳусайн Бойқаро даври маданий муҳитининг машҳур тарихчиси Ғиёсиддин Хондамир (1475–1536) ўзининг "Ҳабиб ус-сияр" (1524 йили тугалланган) асарида Навоий ва Султон Ёқубга алоқадор воқеани эсга олади: бир куни Навоий Султон Ёқубга Абдураҳмон Жомий куллиётини юборишга қарор қилибди. Жомийнинг китоби муқовасини бошқа унга ўхшаши билан адаштирган кутубхоначи элчига бошқа китобни топширибди. Бу адашиш элчи ўзининг олимлиги билан мақтанмоқчи бўлганида маълум бўлибди. Султон Ёқуб ўзига Жомий куллиётини келтирган элчидан "йўлда зерикмадингизми", деб сўраганида, у ўзи билан зерикишга ўрин қолдирмайдган ҳамроҳ – Навоий томонидан Султонга совға сифатида юборилган Жомий асарларини йўлда мутолаа қилиб келганлигини айтибди. Султон Ёқуб бу китобни кўришни истабди. Шунда элчи ўзи билан бошқа китобни келтиргани маълум бўлибди. Бу айби туфайли элчи Навоий назаридан четда қолибди[7]. Бироқ Навоийнинг айни алоқалари Султон Ёқуб Оққўюнлилар тахтига ўтиргандан сўнг, яъни 1478 йилдан кейинги даврга оид бўлиб, 1470-йиллар бошига доир маълумотларни учратмадик.

---

[1] Lockhart Lawrence. Nadir Shah: A Critical Study Based Mainly upon Contemporary Sources. London, 1938. P.233.

[2] Fleischer C. Bureaucrat and Intellectual in the Ottoman Empire: The Historian Mustafa Ali (1541–1600). Princeton, 1986. P.273-292; Quinn Sh. "Notes on Timurid Legitimacy in Three Safavid Chronicles" // Iranien Studies. 31/2, 1998. P.149-158; Quinn Sh. Historical Writings During the Reign of Shah 'Abbas: Ideology, Imitation, and Legitimacy in Safavid Chronicles. Salk Lake City, 2000. P.89, 99-102, 127-128; Bernardini M. "Hatifi`s Timurnama and Qasimi's Shahnameh-yi Ismail: Considerations for a Double Cultural Edition" // Society and Culture in the Early Modern Middle East: Studies on Iran in the Safavid Period. A.J.Newman (ed.). Leiden, 2003. P.3-18; **Tucker E.** Nadir Shah's Quest for Legitimacy in Post-Safavid Iran. Florida, 2006. P.10-13, 38, 68-75, 78; Dale S. "The legacy of the Timurids" // India and Central Asia: Commerce and Culture, 1500–1800. S.C.Levi (ed.). New Delhi, 2007. P.176-199**.**

[3] Solihov Miyon Buzruk. O'zbek adabiyoti tarihiga umumiy qarash. Toshkent, 1930; Erkinov A. "Тимуридский маньеризм в литературной среде Хивы при Мухаммад Рахим-хане II (на примере антологии "Маджму'а-йи шу'ара-йи Феруз-шахи)" // Вестник МИЦАИ. №8, 2008. P.58-65; Erkinov A. "Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand" // Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècle. F.Richard, M.Szuppe (eds.). Paris, 2009. P.285-330.

[4] Mīr 'Alīšīr Nawā'ī. B.Kellner-Heinkele, S.Kleinmichel (eds.). Würzburg, 2003; Walmsley N.G. O Navai!: Imitation, Innovation, and the Invention of a Central Asian Literary Icon, 1500-1900, Department of Central Eurasian Studies. PhD Indiana University, 2016, (unpublished)

[5] АНМАТ, 15-т. Б.25.

[6] АНМАТ, 13-т. Б.167-168.

[7] Khwandamir. Tarikh-e Ḥabīb al-siyar. M.D.Siyāqī (ed.). Jild 4, Tehrān: Khayyām, 1353 [1974]. S.350-351.

Аниқроқ қилиб айтганда, Навоийнинг ўзи “Оққўюнли мухлислар девони”дан хабардор бўлганми ёки йўқми, ҳозирча бизга маълум эмас. Шунга қарамай, айрим маълумотлар мавжуд. Алишер Навоий ўзи тартиб берган дастлабки девони – “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасида халқ ичида ўзининг 1000–2000 байтдан ортиқроқ шеърлари тўплаб кўчирилганлиги ва тарқалганлигини, яъни ихлосмандлари томонидан тузилган бундай тўпламлар бир нечта бўлганини таъкидлайди: “...халойиқ аросида минг байт – икки минг байт ортуғроқ-ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди”[1]. “Илк девон” кўчирилгандан кейин беш йил ўтиб, яъни 1471 йили янги бир тўплам – Оққўюнлилар девонининг тартиб берилиши Навоий фикрларини тасдиқлайди. Шуниси диққатга сазоворки, мана шу янги топилган тўплам Навоий айтган ҳажм атрофида – 1300 дан кўпроқ байт шеърга эга.

Шунингдек, Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида шеърларининг нафақат ўзи яшаган Хуросондаги туркий халқлар, балки Табриз ва Шероздаги шеърият ихлосмандлари орасида ҳам тарқалганини қайд қилиб ўтган:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.

Айнан Шероз ва Табриз Оққўюнлилар салтанатининг марказий шаҳарлари бўлган. Ўша замонларда Темурийлар ва уларга қўшни бўлган Оққўюнлилар сулоласи ўртасида яхши муносабатлар мавжуд эди. Оққўюнлиларнинг энг машҳур ҳукмдори Узун Ҳасан ҳатто ўзини Амир Темурнинг насл-насабидан деб ҳисоблаган[2]. Бундан ташқари Навоий ўз шеърлари фақат Ўрта Осиёдаги туркий халқлар ичидагина эмас, балки туркмон – ўғуз туркларининг орасида ҳам эътирофга сазовор бўлганини таъкидлаб ўтадики, булар Оққўюнлилар девонининг вужудга келиши бежиз эмаслигини кўрсатади:

Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам[3].

Навоийнинг Оққўюнлилар сулоласи салтанатида машҳур бўлганлигини мазкур сулола ҳукмронлиги ҳудудида яшаган шоир Кишварийнинг Темурийлар саройига ҳавас билан қараганлигини кўрсатувчи қуйидаги байти ҳам тасдиқлайди:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайн Бойқаро[4], –

яъни Кишварийнинг шеърлари Навоий шеърларидан қолишмайди, қанийди унинг ҳам Ҳусайн Бойқародек ҳукмдор ҳомийси мавжуд бўлса эди...

---

[1] АНМАТ, 1-т. Б.24.
[2] Babinger F.Mehmed the Conqueror and his time. R.Manheim (transl.), W.C.Hickman (ed.). Princeton: Princeton University Press, 1978. P.190.
[3] АНМАТ. 8-том. Б.475.
[4] Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. Ташкент: Фан, 1990. P.60.

Демак, Оққўюнлилар орасида Ҳусайн Бойқаро саройи ва унинг маданий муҳитига намуна сифатида қаралган экан. Шу ўринда яна бир жиҳатни қайд этиш керак бўлади: биз кўриб ўтаётган "Оққўюнли мухлислар девони"дан ташқари Анисийга Абдураҳмон Жомий шеърларини кўчириш нисбат берилган[1]. Айни ҳолат ҳам Оққўюнлиларнинг Темурийлар муҳитининг ўзларига даврдош босқичига қизиқиш билан қараганликларини кўрсатади.

Девон тили хусусида

Оққўюнлилар салтанатидаги ўғуз турклари тилнинг маҳаллий қадимги вариантида матн битганлар. Шунинг учун Навоий шеърларини кўчиришда топганимиз қўлёзмада ўғуз элементлари қўлланган экан. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: *қуёш-гунаш, бер-вер, йиғлар-ағлар, эрмас-эрмаз, сарғариб-сарарув, йўқ-йўх* ва ҳоказо.

Оққўюнлилар девонидаги Навоий шеърлари тилининг ўғузлаштирилиши хусусиятлари ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган "Меҳр кўп кўргуздум..." деб бошланувчи ғазал матнини девондаги тил ҳолатида тўлиқ кўрсатишни жоиз деб билдик. Уни халқаро илмий транскрипцияда келтирамиз[2]:

Mehir čox görsatdim, ammā mehribānē dapmadïm,
Jān basē qïldïm fïdā, ārām-i jānē dapmadïm.

Ğam bilä jānïma yetdim, ğamgusārē görmädim,
Hajr ilä dilhasta oldum dilsitānē dapmadïm.

ʻİsq ara yüz miŋ malāmat oxïna oldum nišān,
Bir kamān abrūda düzlükdän nišānē dapmadïm.

Göŋlüm ičrä sarv-oxdur, ğunča paykān, gul tikän,
Dahr bāğï ičrä böyle gulsitānē dapmadïm.

Husn mulki ičrä sen-täg šāh-i zālim görmädim,
ʻİšq köyindä özüm-täg nātavānē dapmadïm.

Čox oxïdïm Vāmiq-u Farhād-u Majnūn qissasïn,
Öz išimdän bulʻajabrağ dāstānē dapmadïm.

Ul amān ičindä olsun, ey Navāyī garči män,
Bir zamān ʻišqïnda mehnatdïn amānē dapmadïm.

Tabʻ ganjïndan maʼānī xurdasïn, yüz qatla hayf,
Kim, nisār etmağa šāh-i xurdadānē dapmadïm (42b).

[1] Костыгова Г. Образцы каллиграфии. С.11.
[2] Оққўюнлилар девонидан олинган Навоий айни шеъри матни туркий тиллар учун қабул қилинган халқаро транскрипцияда берилди. Мазкур девондаги шеърлар тили эски ўзбек тили ва ўғуз туркийси билан аралаштириб берилгани учун биз келтираётган шеър транскрипцияси шартлидир.

Шу ўринда ўтмишда матнларни кўчиришдаги ўзига хос жиҳатларни ёдга олиш керак бўлади. Масалан, матнни кўчириш жараёнида хаттотлар ўзга матнни “тўғрилашлари” билан ўша матн тилини замонавийлаштириб, матн синтаксиси ва ибораларини соддалаштирганлар. Матнга уни тушунтирувчи байтлар киритганлар, бироқ бу билан муаллиф матнини бузаётганларини ҳис этмаганлар. Аксинча, аслият матнини ўз замондошларига яқинлаштиряпмиз, матн қабул этилишини осонлаштиряпмиз, деб ўйлаганлар[1]. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб томонидан XI асрда яратилган “Қутадғу билик” (Саодатга олиб борувчи билим) достони Ҳиротда XV асрда қайта кўчирилиб, асар матнидаги XI асрга хос баъзи сўзлар XV асрдаги туркий сўзларга алмаштирилган[2]. Афтидан, бошқа регион ва давр матнини ўз муҳитига мослаштириш туркий тилли маданият тарихида учровчи ҳодиса экан.

XVI асрда Навоий девонлари Табризда бир неча марта кўчирилган (масалан, 907/1530-31 йили Шерозда Навоийнинг “Лисонут тайр” достони). Улар ҳам “Оққўюнли мухлислар девони” сингари ўғуз турклари муҳитида тайёрлаган. Бироқ биз кўриб ўтаётган девон матнидан фарқли тарзда бу девонларда эски ўзбек тили ўғуз турклари муҳитига мослаштирилмаган[3]. Айни дамда шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзида Навоий шеърлари мажмуасининг ўғузча элементларга эга бўлган нусхалари ҳам учраб туради. Масалан, бир қўлёзмада Навоий шеърларидаги айрим сўзлар ўғуз туркийсига мослаштириб берилган. Айни мажмуа 915 йил 24 шаъбон / 1509 йил 7 декабрда кўчирилган, котиби ва кўчирилиш жойи номаълум. У Бодлеян кутубхонасида (Оксфорд шаҳри, Буюк Британия) 283 инвентарь рақами билан сақланади[4].

Шу ўринда бир жиҳатга диққат қаратиш лозим: Навоий шеърлари ўша муҳитда биз қайд этган кўринишда кўчирилган бўлса-да, Оққўюнлилар саройи шеърияти тили, асосан, форсий бўлган. Буни Оққўюнлилар муҳитидаги кўплаб мисоллар исботлайди[5].

Бироқ ўғуз турклари муҳитида XV–XVI асрларда кўчирилган барча қўлёзмалар ҳам “Оққўюнли мухлислар девони” каби адаптация қилинган эски ўзбек тилига эга эмас. Масалан, XVI аср бошида Навоий шеърлари Усмонлилар муҳитида қўлёзма ҳолида кўчирилган. Анисий кўчирган девондан фарқли тарзда уларда эски ўзбек тили Навоийда қандай бўлса, шундай ҳолатда сақланган. Уларда бир нечтагина ўғуз туркийсидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин. Айни вақтда уларда усмонли турк тилидаги матнларда қўлланиладиган араб ёзуви услуби таъсири сезилади. Масалан, Навоий шеърлари матнлари диакритик белгилар билан берилган[6].

---

[1] Смирнова О. П. “Некоторые вопросы критики текста (“Сборник летописей” Рашид ад-Дина. “Шах-наме” Фирдоуси и “История Бухары” Наршахи)” // Письменные памятники Востока: историко-филологические исследования: Ежегодник. 1968. Москва: Наука, 1970. С.160-161.

[2] Sugahara M. “Kutadgu Bilig’in Herat (Viyana) Nüshası ve XV. Yüzyıl Türk Dili” // Doğumunun 990. Yılında Yusuf Has Hacib ve Eserleri Kutadgu Bilig Bildirileri (26-27 Ekim 2009). M.Duman (ed.). Ankara, 2011. S.471-478.

[3] Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV–XIX асрлар. 123-133, 141-163, 182-189, 201-210, 231-237, 253-257-расмлар.

[4] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики. С.224-225.

[5] Mīr Niẓām al-Dīn ‘Alī shīr Navā’ī. Tadhkira-ye “Majālis al-nafā’is”. P.286-312; Lingwood Ch. Politics, Poetry, and Sufism in Medieval Iran: New Perspectives on Jāmī’s Salāmān va Absāl. Leiden-Boston: Brill, 2014. P.111-131.

[6] Элеазар Бирнбаум (Eleazar Birnbaum) (1930 й.туғ.) мазкур ҳолатни усмонийчилик (османизм/osmanism) деб атаган (Birnbaum E. “The Ottomans and Chagatay literature...”).

Навоий лирикаси босқичлари янгиланиши

Мазкур қўлёзманинг Навоий шеърий ижодхонасини ўрганишдаги ўрни катта. Навоийнинг ўзи тузган дастлабки девони “Бадоеъ ул-бидоя” эди. Унгача қўлимизда Навоий шеърларига эга ва унинг ихлосмандлари томонидан тузилган, Султонали Машҳадий томонидан 870/1465-1466 йиллар кўчирилган “Илк девон”гина мавжуд эди. Демак, “Илк девон” бизга 25 ёшгача бўлган Навоий шеъриятини кўрсатса, Оққўюнлилар девони 30 ёшлардаги шоир Навоийнинг ижод оламини ўрганишга кўмаклашади. Бундан ташқари “Оққўюнли мухлислар девони”даги кўп ғазаллар “Илк девон”да учрамайди. Шу боис янги девондаги ғазалларнинг катта қисми 1465–1471 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб чиқиши мумкин. Буни атрофлича ўрганиш лозим. Мана шу даврда яратилган ғазаллар сирасига Навоийнинг “Меҳр кўп кўргуздум...” деб бошланувчи ғазалини ёки бошқаларни киритиш мумкин.

Навоийшуносликда ҳозирга қадар Навоий шеърияти тўрт давр – босқичга бўлиб ўрганиб келинган. Бунда Навоий девонлари вужудга келиш давридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда белгиланган эди:

Босқичлар	Навоий девонлари	Тузилиш йили[1]
I	Илк девон	1465-1466
II	Бадоеъ ул-бидоя	1470–1480*
III	Наводир ун-ниҳоя	1480–1490*
IV	Хазойин ул-маоний	1492–1498

Оққўюнлилар девонининг топилиши муносабати билан энди Навоий шеъриятини беш босқичда ўрганишга зарурат сезилади. Янгиланган тартибни қуйидагича белгилаш мумкин:

Босқичлар	Навоий девонлари	Тузилиш йили
I	Илк девон	1465-1466
II	Оққўюнли мухлислар девони	1471
III	Бадоеъ ул-бидоя	1470–1480*
IV	Наводир ун- ниҳоя	1480–1490*
V	Хазойин ул-маоний	1492–1498

Ўз даврида Навоий ижодхонаси ва шеърияти тарихини ўрганиш йўналишида айрим ишлар бошланган эди[2]. Эндиликда “Оққўюнли мухлислар девони”нинг топилиши муносабати билан Навоий шеърияти босқичлари билан боғлиқ масалаларни жадвалдаги янги кетма-кетликда ўрганиш керак бўлади. Айни пайтда Навоий девонларидаги шеърлар матнининг шоирнинг ўзи томонидан таҳрир қилиниши масаласини ҳам янгидан кўриб чиқилиши лозим.

---

[1] Юлдузча қўйилган девонлар яратилиш муддати ҳақида фанда фарқлилик борлиги сабабли тахминий йиллар кўрсатилди.

[2] Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965; Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. Тошкент, 2004; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Тошкент, 2005; Рамазонов Н. “Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, 1-сон. Б.17-23; Салоҳий Д. “Таҳлил ва талқин масъулияти” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.74-78; Рамазонов Н. “Яна “таҳрирни таҳрир” масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. Б.78-89.

Қўлёзма контексти: Шарқий (Султонали Машҳадий) ва ғарбий (Абдураҳим Анисий) хаттотлик мактаблари ўртасидаги ижодий мусобақа масаласи

Алишер Навоий “Оққўюнли мухлислар девони”нинг Шерозда тузилганлигига оид қарашлар унинг вужудга келиши сабаблари билан боғлиқ саволларни келтириб чиқаради. Кўплаб манбаларда Машҳадий ва Анисийларнинг настаълиқ[1] хати бўйича йирик хаттотлар бўлганликлари эътироф этилади, бу эса улар ўртасида ўзига хос ижодий мусобақа (балки, рақобат) мавжуд бўлганлигини ҳам билдириши мумкин. Адабиётларда айни масала бўйича баъзи маълумотлар мавжуд. Хоразмийлар оиласи (ота ва ўғиллар) настаълиқ хатида ўз услубларини ишлаб чиққанликларини юқорида қайд этган эдик. Бу услуб “услуби Анисий”, “шеваи Анисий” номлари билан шуҳрат қозонган[2].

Балки айни жиҳат настаълиқ хатининг икки кўриниши, аниқроқ қилиб айтганда, бу хат мактаблари ўртасидаги мусобақалашувга олиб келгандир. Бизга маълум бўлишича, бу ҳақдаги дастлабки маълумотни Усмонлилар саройи тарихчиси Мустафо Олий (1541–1600)[3] ўзининг “Маноқиби ҳунарварон” (Истеъдод эгалари фаолияти) (1587 йили ёзиб тугалланган) рисоласида келтирган[4]: “Гарчи улар Султонали Машҳадий билан замондош бўлсалар-да, маҳорат ва истеъдодга оид масалаларда унинг рақобатчисига айланган эдилар”[5]. Шундай бўлса-да, ўша даврдан бизгача етиб келган манбалар ичида муаллифнинг айни маълумоти ҳозирча ягона бўлиб қолмоқда. Ўша давр хаттотлари ҳақидаги илк манбалардан саналмиш Сом Мирзо Сафавийнинг (1517–1567) “Туҳфаи Сомий” ҳамда Қози Аҳмад Қумийнинг (1546 йил туғилган) “Гулистони ҳунар” (1608 йили тугалланган) асарларида бу рақобат ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас[6]. Сомийнинг таъкидлашича, халқ орасида настаълиқ хатида ёзиш санъати борасида Анисий Султонали Машҳадий билан тенг деб ҳисобланган[7]. Демак, кўриняптики, Анисий маҳорати Султонали Машҳадийга қиёсланиб баҳоланган, чунки Машҳадий Анисийга нисбатан машҳурроқ бўлган[8].

XX аср олимлари ўз тадқиқотларида икки мактаб ўртасидаги рақобатга Султонали Машҳадий ва Анисий (Хоразмийлар оиласи) шахсиятлари орқали диққат қаратганлар. Арменагбей Сакисян (Armenag Bey Sakisian) шундай деб ёзган: Темурийлар Шарқий Эронда ҳукмронлик қилиб турган давр – XV асрнинг иккинчи ярмида Табриз Ҳиротдан ўзиб кетишга ҳаракат қиларди. Мир Алишербек билан рақобатда бўлган Биноий Ҳиротни тарк қи-

---

[1] Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān. S.195.

[2] Mustaqīm-zāde. Silsilat al-khaṭṭaṭīn. B.17a; Mustaqīm-zāde Sa‘d al-Dīn Efendi. Tuḥfat al-khaṭṭaṭīn. S.673; Mustafa Âli’s Epic Deeds of Artists. Ы.253.

[3] Бу муаллиф ҳақида қаранг: Fleischer C. Bureaucrat and Intellectual in the Ottoman Empire: The Historian Mustafa ‘Ali (1541–1600). Princeton, 1986.

[4] Huart C. Les Calligraphes et les Miniaturistes de l’Orient musulman. Osnabrück: Otto Zeller Verlag, 1972. P.6-7, 86-87, 235.

[5] Muṣṭafa ‘Ālī. Manāqib-e hunarvarān. M.Kamāl-bek (ed.). Istanbul: Maṭb‘a-ye ‘āmra, 1926. P.27; Mustafa Âli’s Epic Deeds of Artists. P.253. “Маноқиби ҳунарварон” китоби ноширн доктор Эсра Акин-Киванч (АҚШ) ҳам биз билан мулоқот чоғида Машҳадий ва Анисий ўртасидаги айни рақобатнинг мавжуд бўлганлигини тахмин қилди.

[6] Akimushkin O. The Sources of “The Treatise on Calligraphers and Painters” by Qoḍi Ahmad Qūmi” // Manuscripta Orientalia. 1/1 (Helsinki-Saint-Petersburg), 1995. P.5-11; Акимушкин О. Средневековый Иран. Культура, история, филология. Санкт-Петербург: Наука, 2004. С.190-205.

[7] Sām Mīrzā Ṣafavī. Tadhkira-yi tuḥfa-yi Sāmī. S.28.

[8] Шу каби фикрлар: Dost-Muhammad. “The Bahram Mirza Album, preface by Dost-Muhammad” // Album Prefaces and Other Documents on the History of Calligraphers and Painters. W. Thackston (ed.), Leiden–Boston–Köln: Brill, 2001. P.10.

лишга мажбур бўлганида Султон Ёқуб саройига боради. Настаълиқ ёзувига ўзгаришлар киритган уч машҳур ҳаттот[1] мазкур подшоҳ саройида яшаб ижод қилар эди. Ушбу хаттотлар ўзгариш киритган ёзув анъанавий услубга содиқ бўлиб, қолган хуросонлик замондошлари – таниқли Султонали Машҳадий услуби билан рақобат қилар эди[2].

Замондош олимлардан Марказий Осиё ва Эрон хаттотлиги тарихи билан шуғулланган Галина Костигова (1999 йил вафот этган) Султонали Машҳадий хаттотлик услубига қарши бўлган хаттотлар мавжудлигини ва булар – Абдураҳмон Хоразмий ва унинг ўғиллари эканлигини ёзган[3]. А.Муродовнинг таъкидлашича, "бу тахрибчилар (хат қоидасини бузувчилар) Султонали Машҳадий билан замондош бўлганликлари учун уларнинг ораларида қарама-қаршиликлар юз берди. Лекин Султонали Машҳадий тарафдорлари ғалаба қилдилар[4]. "Эроншунослик энциклопедияси"даги хаттотликка бағишланган мақолада таъкидлаб ўтилган рақобатга кенгроқ ҳамда икки ҳудуд ва икки мактаб услублари нуқтайи назаридан қаралган[5].

Олег Акимушкин (1929–2010) настаълиқ хати услублари ҳақида гапириб, XV аср охирида икки мактаб шаклланганлигини таъкидлайди:

а) Шарқий/Хуросон хаттотлик мактаби. Бу мактаб вакиллари машҳур хаттотлар: Султонали Машҳадий, Мирали Ҳиравий, Имод ал-Ҳасанийлар ҳисобланарди.

б) Ғарбий Эрон/Шероз хаттотлик мактаби. Абдураҳмон Хоразмий ва унинг ўғиллари бу мактабнинг асосий намояндалари бўлишган. "Иккинчи мактаб вакиллари (уларнинг асосчиларини истисно қилганда) исмлари бадиий ёзув санъати ҳақидаги рисолаларда тилга олинмайди. Буни, афтидан, фақат шундай изоҳлаш мумкин: айни рисолалар муаллифлари ушбу мактаб аъзолари ишлаб чиққан хаттотлик қоидаларини тан олмаганлар ва уларнинг вакилларини машҳур хаттотлар қаторида санаб ўтишни жоиз деб билмаганлар. Ўн олтинчи асрга келиб, хаттотликдаги Шарқий услуб Ғарбий услубни сиқиб чиқарди"[6]. "XVI аср давомида бу мактаб Шерозда фаолият кўрсатиб, XVII аср бошларига келиб, аста-секин йўқолган"[7]. Юқорида номлари келтирилган муаллифлар сингари хаттотлик ҳақидаги китоб муаллифи Маҳди Баёний (1906–1968)[8] ҳам икки мактабнинг настаълиқ ёзуви услубидаги фарқларини кўрсатиб беради. Унинг таъкидлашича, Ғарбий Эрон услубида хат кўчириш ҳозиргача, қисман, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда сақланиб қолган[9]. Шунга қарамасдан, таъкидлаш жоизки, Анисийнинг услуби Машҳадийнинг услубига нисбатан муқобил услуб деб ҳисобланган[10]. Табризлик бир шоир муболаға санъатини қўллаб, Анисийнинг хаттотлик санъатидаги маҳорати ҳақида қуйидагича ёзган эди:

---

[1] Ота-бола Хоразмийлар назарда тутилаяпти. Булар: Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий – Анисийнинг ўзи; унинг укаси – Абдукарим Хоразмий; отаси – Абдураҳмон Хоразмий.
[2] Sakisian A. La miniature persane du XII au XVII siecle. Paris et Bruxelles, 1929. P.34-35.
[3] Костыгова Г. Образцы каллиграфии... С.11.
[4] Муродов А.Ўрта Осиё хаттотлик санъати. Б.104.
[5] Yūsofi G.-H. "Calligraphy" // Encyclopædia Iranica. Vol.IV. P.697.
[6] Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān... S.384-386. Soudavar A. Art of the Persian Courts: Selections from the Art and History Trust Collection. New York: Rizzoli, 1992. P.136.
[7] Акимушкин О. "Персидская рукописная книга" // Рукописная книга в культуре народов Востока: очерки. Книга первая. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1987. С.351-352.
[8] Dabīrsīāqī M., 1998, "Bayānī, Mehdī" // Encyclopædia Iranica. Vol.VIII. P.882.
[9] Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān... S.385-386.
[10] *Roxburgh* D. *Prefacing the Image: The Writing of Art History in Sixteenth-Century Iran*. Leiden–Boston–Köln: Brill, 2001. P.236, 240.

Ёрон, макунид хушнависий,
Ки ин хатм шудаст бар Анисий[1].

Мазмуни:

Дўстлар, хаттотлик билан шуғулланиб ўтирманг,
Чунки Анисий бу санъатни маромига етказиб бўлган.

Мазкур мулоҳазалар бизни бир жиҳатдан қизиқтиради: нима қилган тақдирда ҳам настаълиқ ёзуви мактаблари/услубларининг вужудга келиши Анисий мансуб бўлган иккинчи йўналишнинг (ғарбий Эрон/Шероз) Шарқий услуб сингари катта ўринга эга бўла олмаслигига олиб келган. Демак, айни фикрлар бу мактаблар ўртасида қандайдир ижодий мусобақа мавжуд бўлган бўлса керак, деган хулосага олиб келади. Аниқроқ қилиб айтганда, балки 1465–1470 йилларда бу икки услуб вакиллари – Султонали Машҳадий/Ҳирот ва Анисий/Шероз орасида рақобат мавжуд бўлган. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу икки хаттот бир устоз – Азҳар Табризийнинг шогирдлари бўлишган[2]. Кўринадики, улар бир устоздан таҳсил олишган ва икки собиқ шогирдлар орасида рақобатнинг вужудга келишига уларнинг бир жойда таҳсил олганликлари ҳам асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Менинг тахминимча, “Оққўюнли мухлислар девони” таркиби ана шу рақобатни кўрсатишга асос бўла олади. Масалан, бу девондаги 224 ғазалдан 216 таси “Бадоеъ ул-бидоя”га ва фақат биттасигина “Наводирун ниҳоя” (Беҳад нодирликлар)га киритилган. Демак, “Оққўюнли мухлислар девони” ўз таркибидаги ғазаллари билан “Бадоеъ ул-бидоя”га яқинроқ бўлиб чиқади. Юқорида таъкидланганидек, “Оққўюнли мухлислар девони” Анисий ёки бошқа бирор шахс томонидан тузилганлиги аниқ эмас. Шунга қарамай, айрим тахминларни илгари суриш мумкин. Анисийни ўша давр манбалари ўз даврининг Султонали Машҳадийси деб аташган. Унинг Султонали Машҳадий билан хаттот сифатида муайян ижодий мусобақа ва қандайдир оилавий рақобати борлиги ҳақида айрим қарашлар мавжудлигини юқорида таъкидлагандик. Анисий “Илк девон” билан таниш бўлган ва бу девон таркибини такрорламаслик ҳамда янги девон тузиш учун кўпроқ Навоийнинг 870/1465-1466 йилдан кейинги беш йилда яратган шеърларини ўз мажмуасига киритган бўлиши мумкин. Ёки уни Навоийнинг сўнгги йилларда ёзилган, яъни энг янги ғазалларигина қизиқтирган. Балки шунинг учун борган сари маҳорати ошиб бораётган шоир Навоийнинг энг янги шеърлари билан ўз муҳити ўқувчиларини таништириш Анисий учун муҳим бўлгандир. Шуниси қизиққи, Оққўюнлилар девонидаги ғазалларнинг аксарият қисми беш ёки етти байтдан таркиб топган. Бу девонда “Илк девон” таркибида учрайдиган баъзи ҳажман катта ғазаллар ҳам беш ёки етти байтдан иборат тарзда, яъни қисқартириб берилган. Яъни мазкур девонни тартиб берган деб тахмин қилинаётган Абдураҳим Хоразмий, бизга номаълум бўлган сабабларга кўра кўпгина ғазалларни қисқартириш йўлидан борган кўринади. Балки айни ҳолат “Илк девон”дан шаклан узоқлашиш мақсадида амалга оширилгандир.

Бундан ташқари “Оққўюнли мухлислар девони”нинг пайдо бўлишига Султонали Машҳадийнинг “Илк девон”ни кўчириш жараёнида йўл қўйган баъзи хатолари сабаб бўлиши мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) қайд этиб ўтганидек: “Чиройли хат битувчилардан ҳам анча киши бор эди. Лекин барчасининг пешқадами настаълиқ ёзувида

[1] Bayānī M. Aḥwāl va āthār-e khūshnavīsān... S.384-385; *Roxburgh* D. *Prefacing the Image*... P.101.
[2] “Preface to a Safavid Album copied by Muhammad-Muhsin” // *Album Prefaces and Other Documents on the History of Calligraphers and Painters*. W. Thackston (ed.), Leiden–Boston–Köln: Brill, 2001. P.36.

Султонали Машҳадий эди. У Султон Ҳусайн мирзо ва Алишербекнинг кўплаб матнларини кўчирди. Ҳар куни ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун ёзарди”[1].

Шу ўринда Султонали Машҳадий билан боғлиқ яна бир маълумотни ёдга олишга тўғри келади. Ўз вақтида Темурий ҳукмдор Ҳусайн Бойқаронинг буйруғи билан Машҳадий номига бир ҳужжат тузилган бўлиб, унда подшоҳ бу хаттотнинг қўлёзмаларни хатолар билан кўчиришини танқид қилади ҳамда хатосиз ёзишга даъват этади[2]. Туркий тилни билган китобхон учун “Илк девон”даги хатоларни аниқлаш қийин эмас. Улар шуни кўрсатадики, Султонали Машҳадий мазкур девонни кўчирган вақтда (870/1465–1466 йилларда) ҳали туркий тилни яхши билмаган кўринади. Афтидан, бу пайтда у туркий матнларни кўчириш борасида ҳам етарлича тажрибага эга бўлмаган. Кейинчалик хаттот ушбу камчиликни бартараф қилади. Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзмалар миқдори 50 донадан ортади[3]. У Алишер Навоийнинг бир неча асарларини кўчирган[4]. “Илк девон”дан ташқари, масалан, Навоийнинг “Наводирун ниҳоя”[5] девони ҳам мазкур хаттот томонидан кўчирилган. Эҳтимол, “Илк девон”даги хатолар Анисийнинг “Оққўюнли мухлислар девони”ни тузишига туртки бўлган. Шу билан бирга девон тузувчиси (балки Анисий) Султонали Машҳадий матнидан узоқлашиб, эски ўзбек тилидаги матнни ўз ҳудудидаги ўғуз-туркий тилига мослаштирганини ҳам назарда тутиш лозим. Бу тузувчининг хатоси ҳисобланмас ва бошқа тарафдан ўша давр анъаналарини кўрсатарди: бирор-бир муаллиф асл матнини кўчираётганларида котиблар унга бошдан эркин ёндаша олганлар ва ўз даврлари қадриятларидан келиб чиқиб, матнни ўзгартирганлар[6].

Менимча, “Оққўюнли мухлислар девони” тузилишига сиёсий шароит билан боғлиқ яна бир тахмин хизмат қилиши мумкин. Маълумки, шаҳзода Султон Халил 1471 йили Шерозда ноиб сифатидаги фаолиятини бошлайди. Айнан шу йили “Оққўюнли мухлислар девони” кўчирилади. 1469 йил Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаб, Темурий ҳукмдорга айланади. Навоий унинг саройида муҳрдор вазифасида хизмат қилар эди. У шоир сифатида бу давргача ҳам машҳур эди. Бироқ Ҳусайн Бойқарога яқин шахс сифатида 1470 йилларда унинг мавқейи янада ортади. Балки Султон Халил сиёсий мақсадни кўзлаб, Навоий девонини кўчиришга буйруқ бергандир. Бу унинг Темурийлар билан яқинлашиш ёки улар назарида ўз сиёсий мавқейини юксалтиришига хизмат қилиши мумкин эди.

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар В.Раҳмонов, К.Муллахўжаева. Тошкент: O`qituvchi, 2008. Б.140.

[2] Семенов А.А. “Ератская художественная рукопись эпохи Наваи и её творцы” // Алишер Наваи. Москва–Ленинград, *1946. С.163-165; Album Prefaces and Other Documents on the History of Calligraphers and Painters*... P.351.

[3] Костыгова Г. Жизнь и творчество таджикского каллиграфа-художника Султан Али Мешхеди (1432–1520). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Ленинград, 1953.

[4] Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV-XIX асрлар. Нашрга тайёрловчилар Ҳ. Сулаймонов, Ф. Сулаймонова. Тошкент: Фан, 1982.

[5] Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. ЎРШИ-1, №1995; АНАИР. 14-22-расмлар.

[6] Бертельс Е. Низами и Фузули. Москва: Наука, 1962. С.463; Бертельс Е. Наваи и Джами. Москва: Наука, 1965. С.452.

ХУЛОСА

“Оққўюнли мухлислар девони” Темурийлар ҳудудидан ташқарида – Оққўюнлилар салтанатида – тузилган Навоий ҳаётлиги пайтидаги илк қўлёзмаларидан биридир. У муаллиф томонидан тартиб берилмаган, шоир шеърияти мухлислари томонидан “Илк девон”дан кейин тузилган иккинчи девон ҳисобланади. Агар “Илк девон” Алишер Навоийнинг 1466 йилгача бўлган шеъриятини ўзида акс эттирса, “Оққўюнли мухлислари девони” 1471 йилда кўчирилган ва шоирнинг 1466–1471 йил оралиғидаги ижодий босқичи, айни пайтда, кенгроқ олиб қараганда, 30 ёшгача бўлган ижодий фаолияти ҳақида маълумот берадики, бу босқич яқин кунларгача фан учун номаълум эди. Тахминимизча, мазкур девон тузилиши асоси сифатида настаълиқ ёзувига доир икки услуб – Шарқий/Машҳадий ва Ғарбий/Анисий мактаблари орасидаги рақобатни кўрсатиш мумкин. Биз учун энг муҳим жиҳат шундаки, Алишер Навоий шеърияти шуҳрати ҳали шоирнинг ёшлигидаёқ ўша даврдаги кучли маданий марказлардан бири – қўшни Оққўюнлилар сулоласи (марказлари Табриз ва Шероз шаҳарлари)гача ёйила борган. “Оққўюнли мухлислар девони”нинг вужудга келиши асослари қандай бўлишидан қатъи назар, ёш Навоий шеъриятининг қўлёзма ҳолатида кўчириш учун танланиши, шоирнинг ўзи фахр билан таъкидлаганидек, унинг шоирлик маҳоратининг тан олинишини билдиради.

2015 йили “Оққўюнли мухлислар девони” факсимилеси Японияда, Токио хорижий тиллар университети қошидаги Шарқшунослик институтида чоп этилди[1]. Мазкур нашрда айни девоннинг факсимиле нашри ҳамда инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги “Кириш” қисми келтирилган[2]. 2020 йили эса айни девонга кирган шеърларнинг кирилл ёзувидаги табдили нашрдан чиқди[3]. Эндиликдаги вазифа “Оққўюнли мухлислар девони”ни Алишер Навоийнинг бошқа девонлари билан қиёсий тадқиқ килиш ҳамда шоир ижодий эволюциясидаги ўрнини ўрганишдан ўрганишдан иборат.

2012–2020 йиллар

[1] ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015.
[2] Китоб 209 саҳифадан иборат бўлиб, унинг 1-68 бетини уч тилдаги “Кириш” қисми ҳамда 69-207-саҳифаларини девон факсимилеси эгаллаган.
[3] Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р.Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020.

XV–XIX аср баёзларида Алишер Навоий шеърларининг келтирилиши масаласи (Тошкент ва Париж фондлари қўлёзмалари асосида)[1]

Баёз – турли шоирлар шеърларини ўз ичига олган шеърий тўплам. Уларда шоирлар шеърлари муайян тўпловчи ёки гуруҳ ўқувчилар диди асосида йиғилади. “Баёз” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “оқ” деган маънони англатади. Мазкур атама матнлар аралаш ёзилган қоралама нусха – мусаввадага нисбатан антонимдан келиб чиққан. Арабшунос олим А.Холидовнинг (1929–2002) таъкидлашича, муаллифлар хизматида бўлган профессионал хаттотлар уларнинг қоралама (мусаввада, тасвид) ишларини оққа (табйиз, мубайяза, баёз) кўчирганлар. Яъни улар босмахоналар пайдо бўлганидан кейинги даврда ҳарф терувчилар ва корректорлар қиладиган ишни амалга оширганлар. Баъзида бу ишни муаллифнинг ўзи бажариб, оқлама вариантни ўқиб тузатган[2]. Баёз атамасини турли шоирлар шеърлари мажмуасига нисбатан ишлатиш Мусулмон Шарқида кенг тарқалган[3]. Баёзларни китобхонлар ўзлари билан олиб юрганлар ва улар шеърий мажлислар ҳамда мусиқий кечаларни ташкил қилишда репертуар сифатида катта ўринга эга бўлган[4]. Баёзлар шоирларнинг алоҳида шеърий девонларига китобхонлар эҳтиёжи камайиши ёки шеърият ихлосмандларининг ўзларига ёққан турли шоирлар шеърларини бир муқова остидаги қўлёзмага жойлашга бўлган интилишлари мевасидир. Ўрта Осиёда дастлабки шеърий мажмуалар XV аср охири – XVI аср ўрталаридан пайдо бўла бошлаган. Бунинг ўз асослари бор.

X–XV асрларда Ўрта Осиё ва Эрондаги адабий ҳаёт ўзаро боғланган эди. XVI асрнинг дастлабки ўн йилида адабий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Сафавийлар (1502–1736) сулоласи сиёсати Ўрта Осиё ва Эрон орасидаги муносабатларнинг батамом узилишига олиб келади.[5] Баёзлар ҳам шу даврдан, яъни регионал адабиётлар ривожланиши, классик шоирлар камайиши даври ва жараёнида бўшлиқни тўлдириш учун вужудга келган. XVII асрдан баёзлар бироз кўпая бошлаган. Хусусан, XIX асрда баёзлар жуда кўп тайёрланган. Баёзлар адабиёт тарихини ўрганишда ўзига хос материал беради. Масалан, икки тилли баёзларда туркий ва форсий шеърларни берилишига қараб туриб, бу тиллардаларги асарларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш мумкин.

Баёзлар адабиётшунослигимизда Ё.Исҳоқов, М.Ҳамидова ва Б.Абдуллаевалларнинг ишларида ўрганилган[6]. Сўнгги йилларда немис олималари томонидан биздаги отин ойилар ўз-

---

[1] Мақола нашр этилган манба: Erkinov A. “Persian-Chaghatay Bilingualism in the Intellectual Circles of Central Asia during the 15th-18th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz)” // International Journal of Central Asian Studies. C.H.Woo (ed.). vol.12, 2008. P.57-82 (www.iacd.or.kr/pdf/journal/12/3.PDF). Айни мақола муаллифнинг 2005 йили Австрия Фанлар академиясининг Эроншунослик институтида (Вена шаҳри) қилган маърузаси асосида ёзилган. Маъруза учун мени институтга таклиф этган директор проф.Берт Фрагнерга миннатдорчилик билдираман. Мақола 2003–2005 йиллари “Франция илмий тадқиқотлар марказининг (Париж, Франция) Эрон дунёси бўлимида “Дидро” стипендияси доирасида малака ошириш даврида ёзилган.

[2] Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. Москва, 1985. С.157.

[3] Dāneshpazhūh M.T. “Bayāz” // Encyclopaedia Iranica. Tom III (3). P.886; Richard F.Catalogue des Manucrits Persans. I. Ancien Fonds. Paris, 1989. No.40; Naushahī S.A. Fehrest-e nuskhehā-ye khattī-ye fārsī. Karachi. Islāmābād, 1404 [1983]. S.127-140; Munzavī A. Fehrest-e nuskhehā-ye khattī-ye ketābkhāna-ye Ganjbakhsh. Jild 1, Lahor, 1357 [1978]; Munzavī A. Fehrest-e nuskhehā-ye khattī-ye fārsī-ye Pākistān. Jild 8, manzumahā (2). Islāmābād, 1366 [1987].

[4] Hiravi N.M. Tarikhi nuskhapardāzi va taskhikhi intiqodiyi nuskhahāyi khattiy. Tehran, 1380 [2001]. S.201-203.

[5] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. Москва, 1988. С.262-265, 296.

[6] Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи // “Ўзбек адабиёти тарихи масалалари” тўплами. Тошкент, 1976. Б.78-101; Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. Тошкент, 1981; Абдуллаева Б. Тошбосма баёзларнинг илмий тавсифи // Адабий мерос. 1989, 4(50). Б.37-44.

маросимларида фойдаланадиган баёзлар тўғрисидаги қизиқарли фикрлар билдирилди[1]. Баёзларни тадқиқ этишда улардаги шеърлар иккитиллилиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди[2]. Умуман олганда, ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий шеъриятининг қўлёзмаларда тақдим этилиши, кўпроқ каталоглардаги тавсифлар доирасида кўриб ўтилган[3]. Лекин Навоийнинг туркийдаги шеърларини Ўрта Осиё баёзларида айнан қайси даврлардан бошлаб келтирила бошланганлиги масаласи ҳали илмда ўрганилмаган.

Хўш, баёзларда Навоий шеърлари қачондан келтирилган? Навоий – туркий адабиётнинг йирик вакили. Шу боис бизни, биринчи навбатда, унинг эски ўзбек тилидаги шеърларининг баёзларда келтирилиши қизиқтирди. Ҳозиргача баёзларда Навоий шеърларининг берилиши Мавжуда Ҳамидованинг қайд этганимиз китобида эсланган[4]. Олима фикрича, Навоий шеърлари баёзларда учраши бўйича шоирлар ичида биринчи ўринда туради. Китобда мазкур хулосага келиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги 400 баёздан ўзбек мумтоз адабиётига алоқадор барча қўлёзма баёзлар жалб этилганлиги таъкидланади. Лекин "ўзбек адабиётига алоқадор" деган тушунчага 230 та баёз киритилганлиги айтилган бўлса-да[5], бу баёзлар айнан қайси даврга тегишлилиги кўрсатилмаган. Навоий шеърлари балки бу баёзларда келтирилиши бўйича, дарҳақиқат, биринчи ўринда турар. Лекин бизни Навоий шеърларини хронологик-даврий тартибга кўра баёзларга қачондан бошлаб киритилганлиги масаласи қизиқтиради. Бунинг устига М.Ҳамидова маълумотларидан бери орадан салкам 40 йил вақт ўтди ва институт фондлари янги қўлёзмалар билан бойиди. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли бўлган Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти (1978–1998 йиллари фаолият юритган) фонди ҳисобига бу даврда янги топилган баёзлар анча кўпайди[6]. Ҳозирда бу институт фонди ЎРШИ қўлёзма фонди таркибига Ҳ.Сулаймонов фонди номи билан олинган. Шу сабабдан мазкур масалани янги баёзлар асосида, хронологик жиҳатдан бошқатдан кўриб чиқишга эҳтиёж уйғонади.

Биз Навоий шеърларининг баёзларда келтирилиши тарихини аниқлашда Ўрта Осиёда кўчирилган баёзларга суяндик. Бундай баёзлар ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 740 дан ортиқ ҳамда Париж миллий кутубхонасидаги 12 та экан[7]. Лекин мазкур фондлардаги баёзлар ичида фақат кўчирилиш санаси кўрсатилганларигина бизнинг саволимизга жавоб топишга ёрдам бериши мумкин. Қўлёзмада санаси қайд этилган баёзлар мазкур миқдор – 752 нинг кичик бир қисмини, 200 га яқин баёзни ташкил этади, холос. Сабаби

---

[1] Kleinmichel S. Halpa in Choresm (Harazm) und ātin āyi im Ferghanatal: Zur Geschichte des Lesens in Uzbekistan im 20. Jahrhundert. Teil 2. Berlin. 2000, (Anor 4). S.324-338; Krämer A. Geistliche Autorität und islamische Gesellschaft im Wandel. Studien über Frauenälteste (otin und xalfa) im unabhängigen Uzbekistan. Berlin, 2002. S.140,151.

[2] Erkinov A. "Les copies des anthologies poétiques persan-chaghatây de la Bibliothèque nationale de France: contribution à l'étude des bayâz de l'Asie Centrale (XVe-XIXe s.)" // Studia Iranica. 33/2 (2004). P.221-242.

[3] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент, 1983.

[4] Ҳамидова М. Қўлёзма... Б.45-46.

[5] Ҳамидова М. Қўлёзма... Б.11.

[6] КФИР, I–II, 1988, 1989; Erkinov. A. "Manuscript Collections of the Former Uzbek Academy of Sciences Institute of Manuscripts (1978–1998)" // Manusripta Orientalia. vol. 8, no 1, 2002. P.36-38.

[7] 2003–2005 йиллар мобайнида мен Франциянинг "Дидро" стипендияси йўналиши бўйича Парижда жами бир йил Франсуа Миттеран номли Париж миллий кутубхонаси қўлёзмалар бўлимида тадқиқот олиб бордим. Илмий изланишларимиз доирасида айни фондда сақланаётган қўлёзма баёзларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу ишларни амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам берган мазкур кутубхонадаги "Форсийзабон қўлёзмалар бўлими" бошлиғи Франсис Ришар ва "Эрон дунёси тадқиқотлари маркази" раҳбари Бернард Уркад ва илмий ходим Мария Шуппеларга миннатдорчилик билдираман.

– баёз тузувчилар унинг қўлёзма ҳолида кўчириб тугалланиши санасини кўрсатишни шарт деб ҳисобламаганлар. Кўчирилиш санаси кўрсатилмаган 550 дан ортиқ баёз эса бизнинг саволимизга керакли жавоб бера олмайди ва биз ўз масаламизни ўрганишда уларга суяна олмаймиз. Санаси тахминий кўрсатилган қўлёзмаларга асосланиб қатъий, хулосалар чиқариш эса дунё манбашунослик илмига ёт. Шунинг учун биз фақат тайёрланиш санаси аниқ кўрсатилган баёзларгагина суянамиз. Мана шундай санаси кўрсатилган ва XX асргача кўчирилган 52 та баёз мавжуд. Мазкур миқдордан 40 баёз XIX асрда кўчирилган ва уларда Навоий шеърлари кўплаб келтирилади. Умуман, Ўрта Осиё баёзларидаги шеърлари туркий тилда берилган муаллифлар ичида Навоий энг дастлабки ўринни эгаллайди.[1] Биз ўз текширишимизда XIX асрдан аввал кўчирилган ва тайёрланиш санаси кўрсатилган XV–XVIII асрларга оид 12 та баёзга асосландик. Булардан XV асрга – 4 та[2], XVI асрга – 4 та, XVII асрга – 2 та, XVIII асрга – 2 та баёз оид. Айни шу давр баёзларида Навоий шеърлари секин-аста келтирила бошланган.

Айни давр баёзлари хронологиясини 1-жадвалда ҳам кузатамиз: жадвалнинг биринчи устунида тартиб рақами, иккинчисида – қўлёзманинг фонддаги сақланиш-инвентарь рақами ҳамда айни фонд қўлёзмалари тавсифланган феҳристда эсга олиниши кўрсатилган[3]. Учинчи устун қўлёзманинг кўчирилиш санасини; ҳ/м – айни сананинг ҳижрий/милодий йиллардаги англашилишини билдиради. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи устунлар баёзда келтирилган шеърлар миқдорини, сўнг, шу жумладан, форс тилидаги (ф.т) ва туркий тилдаги (т.т.) шеърлар ададини англатади. Энг сўнгги устун баёздаги шеърлар муаллифи – шоирлар нечта эканлигини англатади. Бунда Навоий ва Фузулийдан кейин берилган рақамлар дастлабкиси баёздаги шоир шеърлари умумий миқдори, шу жумладан, қавсдагилар – биринчиси форсий, иккинчиси эса туркий шеър миқдорини билдиради. Масалан, “Навоий-21 (6/15)” – баёзда Навоийнинг 21 та шеъри берилган, шу жумладан, 6 та форсий ва 15 та эски ўзбек тилидаги шеърни англатади.

1- жадвалда кўриниб турибдики, Навоийнинг эски ўзбекчадаги шеърлари биринчи марта 1780 йили кўчирилган баёзда учрайди[4]. Бу баёзда Навоийнинг 21 та шеъри берилган бўлиб, шулардан 6 таси форс тилида, 15 таси ўзбек тилидадир. Яна 1785 йил баёзида Навоийнинг ўзбек тилидаги 31 та шеъри келтирилган. Бундан аввал эса “Навоий” тахаллуси остида (форсча шеърларида қўллагани “Фоний” тахаллуси билан эмас) унинг форс тилидаги бир байти (бу ғазал матлаъсига ўхшайди) 1487 йили кўчирилган шеърлар мажмуасида учрайди (3-сонли баёз), холос.

Ба замми тиғи ту мурдан ҳаёти ҳоли манаст,
Ҳаёти жон чи буд, умри жовидони манаст.[5]

---

[1] Бу жиҳатдан Навоий билан фақат Фузулий тенглашиши мумкин.

[2] Шуни таъкидлаш керакки, XV асрда кўчирилган мазкур тўрт баёз Париж миллий кутубхонасида сақланади. Ўзбекистонда сақланаётган баёзларнинг энг дастлабкиси XVI асрда кўчирилган. Шу жиҳатдан Париж баёзлари ҳисобига Ўрта Осиё баёзлари тарихи бир аср олдинга сурилди. Уларсиз минтақамиз баёзчилиги тарихини тасаввур қилиш мушкул.

[3] BNF-SP – Париж миллий кутубхонасидаги баёзни англатади. ЎРШИ – Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондини билдиради. Бундан ташқари белгилар қуйидаги китобларни англатади: B1 – Blochet E. Catalogue des manuscripts persans de la bibliotheque Nationale. Tom III, Paris, 1928 (яъни, Э.Блоше. Париж миллий кутубхонаси форс тилидаги қўлёзмалари каталоги); СВР. Том II. Ташкент, 1954.

[4] 1-жадвал, №12 (BNF-SP. №1735).

[5] 1-жадвал, №3 (BNF-SP. №781. Варақ 284 б).

1-жадвал

XV–XVIII аср баёзлари ва улардаги шеър ва шоирлар миқдори

№	Қўлёзманинг Инвент. рақами	Кўчирилиш йили (х/м)	Шеърлар	Форс тилида	Туркий тилда	Шоирлар миқдори
1.	BNF-SP-№1473 (B1, III, 1975)	1475	1186	1186	0	25
2.	BNF-SP-№1425 (B1, III, 1983)	1480	300	300	0	15
3.	BNF-SP-№781 (B1, III, 1971)	Раби ул-аввал, 892/март-февраль, 1487	1643	1643	0	17 Навоий-1(1/0)[1]
4.	Ancien Fonds, №349 (B1, III, 1974)	902/1496-97	1076	1076	0	7
5.	ЎРШИ-1, №348 (СВР, II, 1709)	964/1556-57	149	149	0	44
6.	ЎРШИ-1, №209/3,6,12 (СВР, II, 1710)	970/1562–978/1571	234	234	0	41
7.	BNF-SP-№802 (B1, III, 1986)	XVI аср	41	41	0	14
8.	BNF-SP-№786 (B1, III, 1982)	XVI аср	46	46	0	11
9.	ЎРШИ-1, №2812 (СВР, II, 1423-1424)	1063/1652–1072/1662	1087	1086	1 (бир байт)	142 (Фузулий-11(10/1)
10.	ЎРШИ-1, №349/2	1155/1742-43	181	179	2 тўртлик ва фард	25
11.	BNF-SP-№1735 (B1, III, 2005)	1194/1780	91	71	20	15 (шу жумладан, Навоий-21(6/15), Фузулий-5 (4/1)
12.	ЎРШИ-1, №7038 (СВР, XI, 7303)	1200/1785-86	232	183	47	41 (Шу жумладан, Навоий-0/31, Фузулий-0/2)

[1] “ / “ белгиси шеърларнинг қайси тилда эканлигини англатади. Масалан, 1/0 бўлса, бу баёздаги шоирнинг битта шеъри форсийда, туркийда эса шеъри келтирилмаганлигини билдиради.

Мазкур қўлёзма Кобулда ҳокимлик қилган темурий шоҳлардан Улуғбек ибн Абусаид ибн Мироншоҳ (1460–1505) учун тайёрланган ва ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланмоқда. Лекин мана шу байт қиёсланганда у Навоийнинг форс тилидаги шеърларидан ташкил топган “Девони Фоний”нинг Тошкент ва Теҳрон нашрларида учрамади.

Тилга олинган XV–XVIII баёзларида туркий тилдаги биринчи шеър Фузулий (1494–1556) ғазалларидан бири матлъасидир. У 1063/1652-53–1072/1661-62 йилларда кўчирилган баёзда келтирилган[1]. Бу матлаъ баёзда келтирилган 1087 дона шеърдан фақат биттаси, холос. Қолган шеърлар форс тилида.

Туркий тилдаги дастлабки шеърнинг келтирилиш даври XVII асрга тўғри келиши муносабати билан бунинг сабабларини изладик. Бизнингча, классик адиблар ва баёзлар муносабатини ўрганиш лозим. Шунинг учун юқоридаги баёзлар таркибидаги шоирлар ва шеърлар тилини ўрганиш ва қиёс учун қўшимча маълумот берар деган умидда 1500 йилгача яшаб ўтган форс ва чиғатой адабиёти классикларидан неча шеър баёзларда келтирилишини жадвалда ифодаладик (2-жадвал)[2].

[1] ЎРШИ-1, №2812. 34 б.

[2] Бундан Фузулий мустасно, чунки у туркий тилдаги дастлабки классиклардан саналади ва баёзларда унинг

2-жадвал

1500 йилгача яшаган шоирлар шеърларининг XV– XVIII аср баёзларида келтирилиши[1]

№	Шоирлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Жами
	Абу Абдулло Рудакий (860–941)	–	–	–	–	–	–	–	–	+	–	–	–	1
	Абулқосим Фирдавсий (940–1020/30)	–	–	–	–	–	+	–	–	+	–	–	–	2
	Носир Хусрав (1004–1088)	–	–	–	–	–	+	–	–	+	–	–	–	2
	Умар Хайём (1048–1122)	–	–	–	+	–	–	–	–	–	–	–	–	1
	Авҳадуддин Анварий (1105–1187)	+	–	–	–	–	–	–	–	+	–	–	–	2
	Фаридиддин Аттор (1148-51–1221)	+	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	1
	Саъдий Шерозий (1184-1298)	+	–	–	–	+	+	–	–	+	–	–	+	5
	Жалолиддин Румий (1207–1273)	+	–	–	–	–	–	–	–	+	–	–	–	2
	Фахриддин Ироқий (1207–1289)	+	–	–	–	–	–	–	–	+	–	–	–	2
	Хусрав Деҳлавий (1253–1325)	+	+	–	+	+	+	+	–	+	–	–	–	7
	Салмон Соважий (1291–1377)	+	+	–	–	–	+	–	+	–	–	–	–	4
	Камол Хўжандий (1318-21–1401)	+	–	–	–	+	–	+	–	–	–	–	–	3
	Ҳофиз Шерозий (1325–1389)	+	+	+	–	+	–	–	+	+	–	+	+	8
	Котибий Нишопурий (ваф. 1435 й.)	+	+	+	–	+	+	–	–	–	–	–	–	5
	Исмат Бухорий (ваф.1437 й.)	+	–	+	–	–	+	+	–	–	–	–	+	5
	Абдураҳмон Жомий (1414–1492)	–	+	–	+	+	+	+	+	+	–	+	+	9
	Алишер Навоий (1441–1501)	–	–	+	–	–	–	–	–	–	–	+	+	3
	Фузулий (1494–1556)	–	–	–	–	–	–	–	–	+	–	+	+	3

кўплаб шеърлари Навоий шеърлари билан келтирилган.

[1] Бунда дастлабки устун тартиб рақамини, иккинчи – форс ва туркий адабиёт классикларининг яшаган даврига кўра хронологик тартибдаги берилиши ва ўн иккита устунчалар ва улардаги рақамлар юқорида 1-жадвалдаги ўн иккита баёз тартиб рақамини англатади. Мазкур устунчаларга тўғри келувчи мусбат “+” ва манфий “ – “ белгилари ана шу баёзда номи тилга олинган классик шоир шеърлари келтирилган (“+”) ёки келтирилмаганлигини (“–“) билдиради. “Жами” – ҳаммаси бўлиб ўн учта баёздан нечтасида ана шу шоир шеърлари келтирилганлигини билдиради.

Баёзларда Навоий билан олдинма-кетин Фузулий шеърлари келтирилган. Умуман, баёзларда туркий шеърлар берилиши мана шу икки классикдан бошланади ва уларнинг шеърлари бошқаларга нисбатан баёзларда анча кўп келтирилган.

2-жадвал асосида 3-жадвални тузамиз: ўн иккита баёздаги шеърлар берилиши миқдорига кўра шоирлар қуйидаги ўринларни эгаллайдилар (туркий шоирлар ажратиб кўрсатилган):

3-жадвал

Шоирларнинг 12 та баёзда эгаллаган ўрни ва улар шеърларнинг келтирилиш миқдори

Эгаллаган ўрин	Шоир номи	12 баёздан нечтасида келиши
1.	Абдураҳмон Жомий	9
2.	Ҳофиз Шерозий	8
3.	Хусрав Деҳлавий	7
4.	Саъдий Шерозий	5
5.	Котибий Нишопурий	5
6.	Исмат Бухорий	5
7.	Салмон Соважий	4
8.	***Алишер Навоий***	3(1/2)
9	Авҳадуддин Анварий	3
10.	Камол Хўжандий	3
11.	***Фузулий***	3(2/1)
12.	Абулқосим Фирдавсий	2
13.	Жалолиддин Румий	2
14.	Носир Хусрав	2
15.	Фахриддин Ироқий	2
16.	Рудакий	1
17.	Умар Хайём	1
18.	Фаридиддин Аттор	1

Гарчи бир шеъри форс тилида ва икки шеъри туркий тилда келтирилган бўлса-да, Алишер Навоийнинг 8-ўринда туриши ҳамда форс адабиётининг баъзи классикларидан (Рудакий, Фирдавсий, Румий, Анварий, Умар Хайём, Носир Хусрав...) кўра юқорироқ кўрсаткичга эриша олганлиги муҳим. Шунга қарамай, айни фактлар баёзларда классик шоирларга, хусусан, ўз классик даври чўққисини ўзбек адабиётидан II–III аср аввалроқ кечирган форс адабиёти намуналари бўлган шеърларга кўпроқ ўрин ажратилганлигини кўрсатади. Навоийнинг дастлабки туркийдаги шеърининг 1780 йилда тартиб берилган баёзда келтирилиши, унгача эса унинг фақат форс тилидаги байтининг учраши, шунингдек, энг дастлабки туркий мисолнинг XVII аср баёзида берилгани XV–XVI асрлардаги баёзчилик анъаналари ва мажмуалар учун танланадиган шеърлар тили масаласига алоҳида эътибор зарурлигини кўрсатади. Аслида, XVI асрдан бошлаб, форс тилидаги адабиёт тарқалган территорияларда маҳаллий аҳоли она тилига эътибор кучаяди. Форс адабиётида таназзул бошланади. Форс адабиёти бошқа тиллардаги адабиётлар тараққиёти ҳисобига қашшоқлашади[1]. Туркий

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. Москва, 1988. С.300.

тилдаги шеърларнинг ана шу даврдан бир, ҳатто икки аср ўтгандан кейингина баёзларда келтирила бошлангани мазкур тарихий процеснинг натижасидир.

Қиёс учун бошқа фондларга мурожаат қиламиз: Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди каталогига асосланадиган бўлсак, ҳозирги кунда мазкур фондда жами 135 баёз сақланади. Уларнинг 95 % ига XIX асрда тартиб берилган[1]. 135 баёздан 90 таси икки тилли, қолган 45 таси фақат форс тилидаги шеърларни ўз ичига олган. Бу фонддаги энг қадимий баёз 1731 йилга оид. Унда (№1510) фақат форс тилидаги шеърлар берилган. 1710–1773 йиллар саналарига эга туркий-форсий икки тилли баёзда (№1512) эса Навоий шеърлари мавжуд эмас. Яъни каталог асосида кузатадиган бўлсак, XVIII аср ва ундан олдинги давр баёзларида туркий шеър берилмаган.

Нега шундай? Албатта, Навоийнинг ўзбек классик адабиётининг йирик вакили эканлиги, ўз давридаёқ анча машҳур бўлганлиги ўзи ва замондошлари томонидани эътироф этилган. Навоийшунослик учун бу аксиома даражасидаги гап. Лекин баёз – специфик жанр ва адабий дидлар ўлчови бирлиги, қўлёзма жанри. Унда муайян шоирнинг машҳурлиги ўз ўрнига эга. Аммо баёзларда форс адабиёти ва бошқа тилдаги адабиётлар бир текисликда ўлчанади. Натижада ўз тарихига кўра кўпроқ тарихга эга бўлган форс адабиёти классикларига нисбатан каттароқ ўрин ажратилади. Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий шеърларига XV асрда катта эътибор қаратилганини Шайбонийлар (1500–1601) сулоласи асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон ҳам девонидаги бир ғазалида таъкидлаб ўтган.

Сўнгги маълумотларга кўра, ҳатто Ҳиндистонда топилган қўлёзмалар бу ердаги маҳаллий аҳоли туркий тилдаги шеърлар (Навоий, Фузулий), диний адабиётлар (Қуръон, ҳадис ва сўфийлик рисолаларининг туркийга таржималари), тарихий ва географик асарларни ўқиганлигини кўрсатади[2]. Шу боис баёзлардаги туркий шеърларнинг келтирилишини ўша давр китобхонлари тилини билиш учун сўнгги хулоса деб қаралиши керак эмас.

Баёзлардаги форс классикларига кўпроқ аҳамият берилиши сабабларини ўрта асрлардаги бошқа, қўлёзмалар билан боғланган жанрлардан ҳам излаб кўрамиз. XV–XVI аср шароитидаги форсий шеърият ва Навоийнинг форсий меросига бўлган муносабатни тадқиқ қилиш юзасидан “Радойиф ул-ашъор” тўпламларига мурожаат қиламиз. Маълумки, радойиф ул-ашъор алоҳида бир турдаги тўплам бўлиб унда ғазаллар ва уларга эргашиб ёзилган назира-ўхшатмалар ўрин олади. Айни шеърлар радифлари асосида алифбо тартибида жойлаштирилади. Ана шундай асарларнинг дастлабкиларидан бири – Фахрий Ҳиравийнинг (1490–1563) “Туҳфат ул-ҳабиб” (929/1522-23 йили тузилган) номли антология-мажмуасидаги маълумотларга мурожаат қиламиз. Бу асар асосида 1523 йилдаги натижага кўра қуйидаги шоирлар шеърларига назиралар қилинган (4-жадвал). Бунда назиралар миқдорига кўра ўринлар белгиланган[3]. 2-устунда ўрин эгаллаган шоир номи, учинчида – нечта ғазали назирага асос бўлганлиги, тўртинчида – ана шу ғазалларга бошқа шоирлар томонидан қанча назира-ғазал битилганлиги кўрсатилган. Иккинчи ва учинчи жадвалларда номлари келтирлиган шоирлар Фахрий мажмуасида учраса, ажралиб туриши учун улар курсив ҳарфлар воситасида қалин қилиб кўрсатилди. Жадвалга фақат энг биринчи ўрин эгаллаган шоирдан тортиб, Навоийнинг ўзигача бўлган қисмигина олинди.

---

[1] Каталог восточных рукописей академии наук Таджикской ССР. Том V, Душанбе, 1974. №1508-1645.
[2] Каромат Д. Тюркская лексикография в Индии // Общественные науки в Узбекистане. №3, 2003. С.69.
[3] Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами: проблемы текста поэтики. Москва, 1988. С.130-131.

4-жадвал

Шоирлар шеърлари ва уларга Фахрий Ҳиравийнинг “Туҳфат ул-ҳабиб” асарида келтирилган назиралар миқдори

Эгал. ўрни	Шеърлари назирага асос бўлган шоирлар	Назирага асос бўлган шеър	Ғазал-назиралар сони
1.	***Хусрав Деҳлавий*** (1253–1325)	48	308
2.	***Саъдий Шерозий*** (1184–1298)	31	231
3.	***Абдураҳмон Жомий*** (1414–1492)	27	135
4.	***Ҳофиз Шерозий*** (1325–1389)	23	125
5.	Ҳасан Деҳлавий (1254–1327)	13	66
6.	***Камол Хўжандий*** (1318–1401)	13	61
7.	Низорий (1247–1320)	10	57
8.	***Салмон Соважий*** (1300–1376)	7	40
9.	Шоҳий (ум. в 1458 г.)	7	43
10.	Хожу Кирманий (1281–1352)	6	35
11.	***Котибий Нишопурий*** (вафоти 1435 й.)	5	19
12.	Заҳир Форёбий (1156–1201)	4	43
13.	Хумом (ум. в 1314 г.)	4	40
14.	Осафий (1449–1517)	4	23
15.	Имод (1310–1372)	4	18
16.	Риёзий (ум. в 1479 г.)	3	11
17.	Нематуллоҳ Вали (1329–1431)	2	19
18.	Озарий (1382–1462)	2	15
19.	***Исмат Бухорий*** (ум. в 1437 г.)	2	13
20.	***Алишер Навоий*** (1441–1501)	2	12

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, гарчи шеърларига назиралар қилиниши бўйича форс адабиёти классикларининг ўрни бироз ўзгарган бўлса-да, биз учун муҳим нуқта мавжуд. Ажратиб кўрсатилган шоирларнинг барчаси (Камол Хўжандийни мустасно қилганда) кўриб ўтганимиз ўн икки баёзда ҳам бироз ўзгаришлар билан, Навоийдан юқорироқда келтирилган эдилар (3-жадвал). Бу жадвалга кўра Навоийнинг форс тилидаги икки ғазалига ўн иккита назира битилган. Демак, форсийзабон муаллиф сифатида ҳам Навоий баёзларда келтирилган ва форс адабиёти классикларидан кейин муайян ўринга эга бўлган. Фахрий Ҳиравий асарида Навоийдан кейин яна 15 шоир номлари бор (жами шоирлар – 35 та. Навоийдан кейинги 15 шоирдан 5 таси Навоийдан аввал яшаганлар). Улар ғазалларига Навоийга нисбатан назира камроқ битилган муаллифлар бўлиб, 35 шоир ичида Навоий 20-ўринда турар экан.

Классиклар шеърларига, айниқса, баёзларда шеърлари энг кўп келтирилган Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларга эътибор ва эргашишнинг кучли бўлиши ўша муҳит учун табиий эканлигини Навоийнинг форс тилидаги шеърий мероси

воситасида ҳам кузатиш мумкин. У ўзининг форсий “Девони Фоний” тўпламидаги 552 ғазалидан 393 тасини (яъни – 70 %) форс адабиёти классикларига назира ёки жавоб тарзида ёзган[1]. Мазкур девонидаги ана шу жавобларнинг асосий қисми Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий ғазалларига амалга оширилган[2]. Навоий ўзининг туркий ва форс тиллари қиёсига бағишланган “Муҳокамат ул-луғатайн” (905/1499-1500 йили ёзилган)[3] асарида ҳам бу уч адиб ҳамда Саъдий Шерозий мероси унинг форс тилидаги шеъриятига таъсир қилганлигини қайд этган[4].

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Навоий ўзининг туркий тилдаги ғазалиётида ҳам Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларни ўз устозлари деб билади ва буни “Хазойин ул-маоний”га кирган ғазалларида ҳам таъкидлаб ўтади[5]. Ғазалларидан бирида эса ана шу уч муаллифни назарда тутиб, ўзининг шеърияти улар таъсирида эканлигини қайд қилади:

Навоий назмига боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин бир байти ҳоли.

Ўз замондош шоирлари шеърларидан ташқари бу уч ва бошқа форс адабиёти классик адиблари шеърларини баёзларда келтириш ўша давр учун анъанавий ҳолат бўлган[6]. Лекин туркий адабиёт классикларининг XV аср ва ундан кейинги давр адабий муҳитидаги ўрни қандай? Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да таъкидлашича,[7] салафларидан фақат Лутфийнинг (1366–1462)[8] бир неча байтларигина форс адабиёти классиклари шеърияти билан тенглаша олган.[9] Демак, туркий шеъриятнинг Лутфийдек кучли бир вакили Навоий таърифида форс адабиёти классиклари билан қисман тенглаша олар экан. Мана шундай шароитда туркий адабиёт вакилларининг баёзларда кам келтирилиши ҳам тушунарли бўлади. Умуман, мазкур мулоҳазалар туркий адабиёт классикларининг форс адабиёти классиклари билан бир жойда ўлчаш лозим бўлган вазиятга, шу жумладан, баёзларга оид. XV аср ва ундан кейин ҳам Лутфий ва Навоийнинг туркий китобхонлар орасида машҳур бўлганлиги бизга яхши маълум.

---

[1] Алишер Навоий. Девони Фоний. Париж миллий кутубхонаси. Ancien fonds, №285. Варақ 160 б–333 б. Кўчирилган санаси – зулҳижжа 933 йил / сентябрь–октябрь 1527 йил (Richard F.Catalogue des Manucrits Persans. I. Ancien Fonds. par F.Richard. Paris, 1989. P.285).

[2] АНМАТ. 18-19-томлар.

[3] The Cambrige History of Iran. Vol. 6, The Timurid and Safavid periods. Ed. P.Jackson, L.Lochhart, Cambrige, 1986. P.139.

[4] АНМАТ. 16-том. Б.32; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. Б.23; Мирзаев А. “Фоний ва Ҳофиз” // Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968. Б.53-62; Исоков Ё. Навоий ва Хусрав Деҳлавий // Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968. Б.88-106.

[5] АНМАТ. 3-том. Б.496; 4-том, Тошкент, 1989. Б.469; 5-том, Тошкент, 1990. Б.450; Ўзбек адабиёти тарихи. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. Тошкент, 1978. Б.91-92.

[6] Ризаев З.Р. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI–XVII вв. Ташкент, 1971. С.7.

[7] Philologiae Turcicae Fundamenta. II. Wiesbaden, 1964. P.351.

[8] Birnbaum E. “Lūtfī” // Encyclopédie de l’Islam. 2e édition 2, vol.V. P.841-843; Philologiae Turcicae Fundamenta. P.308-313; Лутфий. Сенсан севарим. Ғазаллар, рубоийлар, қитъалар, туюқлар, “Гул ва Наврўз” достони. Нашрга тайёрловчилар С.Эркинов, Э.Фозилов, Э.Аҳмадхўжаев. Тошкент, 1987.

[9] Алишер Наваи. Мухакамат ал-лугатайн. Қўлёзма BNF, Supplement turc, 317. Варақ 281 б (Blochet E. Catalogue des Manuscrits turcs. Tom I. Supplement. Paris, 1932. P.317); Mir ‘Ali Shir. Muhākamat al-Lughatain. Ed. R. Devereux. Leiden. 1966. P.33-34; Quatremere E. Chrestomathei en turk oriental contenant plusieurs ouvrage de l`Emir Ali-Schir, des extraits des Memories du Sultan Baber, du traite du Miradj, du Tezkirat-el-Avlia et du Bakhtiar-Nameh. 1er fascicule. Extraits d`Ali-Schir. Paris, 1841. P.35.

“Радойиф ул-ашъор”лардан бирининг бошланишида баёзда шеърлари берилган 135 шоир номи келтирилган[1]. Рўйхат сўнгида эса шоирлар миқдори – 135 рақами ҳам бор. Бизни айни шоирлар номлари берилишидаги кетма-кетлик қизиқтирди. Масалан, дастлабки 10 шоир исми келтирилгандан кейин “алайҳа ал-раҳма” – Худо раҳмат қилсин, деган ибора берилган (жадвалда улар номлари курсивда келтирилди). Қуйида баёздаги феҳрист асосида тузилган жадвалда ана шу ўн шоир ва улардан кейин келган (11-ўринда), шеърлари энг кўп берилган муаллиф – Қўқон хони Амир Умархонни (1810–1822) ҳам жадвалга киритдик. Бунда 1-устунда шоирнинг феҳристда берилиши асосидаги тартиб рақами, иккинчиси – шоир номи ва қиёс учун улар яшаб ўтган йиллар, учинчисида – ана шу шоирнинг баёзда нечта шеъри келтирилганлиги, тўртинчисида – мазкур шоир шеърларининг баёзнинг нечанчи саҳифасидан бошлаб берилганлигини англатади.

5-жадвал

Аноним радойиф ул-ашъор
(ЎРШИ-1, №2335, 1301/1883-84 йили тузилган)
рўйхатидаги шоирлар ва улар шеърлари миқдори

№	Қўлёзма рўйхатидаги тартиб	Жами нечта шеъри берилган	Қайси саҳифадан асари берила бошланган
1.	*Бедил* (1644–1721)	62	1б
2.	*Жомий* (1414–1492)	22	33а
3.	*Ҳофиз* (1325–1389)	22	22а
4.	*Исмат Бухорий* (вафоти 1437 й.)	4	95а
5.	*Саъдий Шерозий* (1184–1298)	2	102а
6.	*Ҳазрат имом Муъин*	1	319а
7.	*Имло* (1688–1749)	3	177б
8.	*Мушфиқий* (1538–1588)	7	20б
9.	*Шоҳ Машраб* (1640–1711)	1	246б
10.	*Амир Навоий* (1441–1501)	13	88б
11.	Амир Умархон (1810–1822)	114	25а
12.	Амир Хусрав Деҳлавий (1253–1325)	2	289б
13.	Амир Низомий Ганжавий (1141–1209)	1	57а
14.	Саййидо (ваф.1707–1711 й.)	14	13б
15.	Бобо Соиб (1601–1677)	14	23б
16.	Мулло Гулмуҳаммад Афғон (XVIII– XIXасрлар)	17	24а
17.	Сарир (1186 й. вафот этган)	1	12б

Баёз Бедил шеърлари билан бошланган. Лекин баёз ичидаги шеърларни беришда юқоридаги тартибга Бедилдан кейин амал қилинмаган. Бунга шоирларнинг келтирилган шеърлари миқдори (3-устун) ва қайси саҳифадан бошлаб берилганлиги (4-устун) орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жадвалдаги шеърларнинг келтирилиш миқдори ва феҳристдаги кетма-кет-

[1] ЎРШИ-1, №2335 (1301/1883-84 йили Мирзо Ғозиёний кўчирган).

лик, баёзда шеъринининг берила бошлаш ўрни ҳам номутаносиб. Жадвалдаги кетма-кетлик, афтидан, шоирларнинг классик сифатидаги машҳурлигига асосида тузилган.

Агар мазкур рўйхатдан худди 2-жадвалга ўхшаб XVI асргача яшаган шоирларнигина қолдирсак ва бу икки маълумотларни қиёсласак, шундай манзара ҳосил бўлади:

6-жадвал

Шоирлар кетма-кетлигини 2-жадвал ва радоиф ул-ашъор (ЎРШИ-1, №2335) асосида солиштириш

2-жадвалдаги шоирлар кетма-кетлиги	Феҳристда
Жомий	Жомий
Ҳофиз	Ҳофиз
Хусрав Деҳлавий	Хожа Исмат
Саъдий Шерозий	Саъдий
Хожа Исмат	Ҳазрат имом Муъин
Котибий Нишопурий	Амир Навоий
Навоий	Хусрав Деҳлавий

Икки қисмдаги шоирлар бир хил номларига қарасак, улар икки ҳолатда ҳам бир-бирларига анча яқин бир тарзда, кетма-кетликда берилганлигини кузатиш мумкин. Фақат Хусрав Деҳлавий Навоийдан кейинга тушиб қолган. Демак, юқорида келтирилган феҳристдаги шоирлар кетма-кетлиги нисбатан шоирнинг классик сифатидаги аҳамиятига қараб таъминлаган.

Масалан, Бедил XVIII асрдан бошлаб баёзларда шеърлари жуда кўп берилувчи муаллиф бўлиб, шу асосда биринчи ўринга чиққан (5-жадвал). Машрабнинг туркий мухаммаси келтирилган. У Навоийдан юқорироқда берилган. Амир Умархон бўлса, шеърлари ҳаммадан кўпроқ келтирилган бўлса-да, Навоийдан кейин берилган. Навоий шеърларининг баёзларда XVIII аср сўнгидан берила бошлаши унгача бўлган даврда баёзларда, биринчи навбатда, форсийзабон адабиёт классикларига кўпроқ эътибор қаратилганлиги билан боғлиқ. Мазкур анъана XIX аср баёзларида туркий тилдаги шеърлар пайдо бўла бошлаган даврда ҳам ўз кучини сақлаб қолган. Фақат XIX аср баёзларида Бедил, Жомий билан тенглаша оладиган, вақти билан ундан ўтадиган даражада шеърлари кўп бериладиган муаллифга айланган[1].

Мазкур мулоҳазалар, асосан, Навоий даври, XV аср охири – XVI аср бошларидаги шароитда Навоий шеърлари ўрнига бағишланди. Лекин бизни Навоий туркий шеърларининг баёзларда берилишидаги даврийлик кўпроқ қизиқтиради. Шу муносабат билан Навоий шеърларининг фақат баёзлардагина эмас, балки унинг шеърий девонларининг беш аср – XV–XIX асрлардаги қўлёзма нусхаларидаги ўрнини қиёслаш лозим. Бунда икки масала мавжуд:

1) Девонлар таркиби ва баёз. Навоий тўрт девонни ўз ичига олган “Хазойин ул-маоний” мажмуасини тузган. Бу мажмуадан кейин Навоийнинг унга кирган девонлари нафақат тўлиқ ҳолда, балки фанда шартли тарзда “Терма девон” деб аталувчи Навоийнинг тур-

[1] Умуман олганда, Ўрта Осиёда Алишер Навоий асарлари жуда кўп нусхада кўчирилган. Форс-тожик классикларидан Ҳофиз, Жомий ва Бедил кабилар қўлёзмалари энг кўп кўчирилган муаллифлар ҳисобланадилар. Бу жиҳатдан, Жомий аввалги ўринда, ундан кейин эса Бедил ва Ҳофиз турадилар (Erkinov A. “Manuscripts of the works by classical Persian authors (Hafiz, Jami, Bedil): Quantitative Analysis of 17th-19th c. Central Asian Copies” // Iran : Question et connaissances. Actes du IVe Congres Europeen des etudes iraniennes organise par la Societas iranologica Europaea.Paris, 6-10 Septembre 1999. vol.II : Period medievale et moderne. Cahiers de Studia Iranica. 26. Edit. M.Szuppe. Paris, 2002. P.213-228).

ли шеърларини ўз ичига олган йиғма девон тарзида ҳам кўчирила бошланган. XV асрдан кейин Ўрта Осиёда форс классик адабиёти кульминацион даври тамомланди. Шу вақтдан бошлаб аста-секин баёзлар вужудга кела бошлади. Бу бежиз бўлмай, умумий тенденциядан келиб чиқади. XVI аср ўрталаридан бадиий дидлар ўзгара бошлади. Бунга мос тарзда шу даврдан эътиборан, кўпинча, катта асарларнинг алоҳида (масалан, бирор кичик) қисмларидан таркиб топган қўлёзма тўпламлар пайдо бўлди[1].

Навоийнинг мана шундай тўлиқ ва терма девонлари кўчирилиш миқдорини қиёслайлик. Масалан, Ҳ.Сулаймонов 1961 йили Тошкент қўлёзма фондларида Навоий девонларининг 109 та, Санкт-Петербургда – 40 (7 таси "Хазойинул маоний" девони) қўлёзмаси мавжудлигини таъкидлаган[2]. ЎР ФА га қарашли бўлган Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти (1978–1998) фондида – 106 дона қўлёзма мавжуд бўлган[3]. Ҳ.Сулаймонов таъкидлаган Тошкент фондларининг асосини Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти фонди ташкил этган[4]. Мавжуд мазкур маълумотларда тўлиқлик ва аниқлик етарли бўлмаса-да, қиёслаш учун уларни жадвалда акс эттирамиз:

7-жадвал

Навоий девонлари ва "Терма девонлари"нинг XVI–XIX асрларда кўчирилиш миқдори

Асрлар	Тошкент фондларида	Қўлёзмалар институти	Санкт-Петербург фондларида	Жами
XV	8	2	2	12
XVI	5	3 (3)	9	17
XVII	4	0	5	9
XVIII	4	2(1)	2	8
XIX	88	98 (82)	22	208
Жами	**109**	**105**	**40**	**254**
Шу жумладан "Терма девон"лар	80	86	33	199

Мисолдан кўриниб турганидек, Навоий девонлари 5 аср мобайнида жами 254 қўлёзма нусхада кўчирилган экан. Шундан шоир девонларининг тўлиқ нусхалари 55 қўлёзма, "Терма девон"лар эса 199 қўлёзмани ташкил қилар экан. Бу "Терма девонлар" Навоийнинг тўлиқ девонларига нисбатан уч ярим баробардан кўпроқ тузилганлигини кўрсатади. Демак, тарқалиши ва мутолаа қилинишига кўра Навоий шеъриятининг сайланган нусхалари – "Терма девон"лар юқорироқ миқдорга эга бўлган. Ҳатто фанда "Илк девон" (870/1465-66 йили тузилган) номини олган, Навоий шеърияти ихлосмандлари тузган мажмуа ҳам, дастлаб, "Терма девон" деб аталган.[5] Бундан ташқари Навоий ҳаётлиги давридаёқ (898/1492-93 ва 905/1499-1500 йиллари) унинг шеърлари асосида ана шундай "Терма девон"лари

[1] Додхудоева Л., Зиёвиддинова А. Неизвестный список поэмы Джами "Тухфат ал-ахрар" с миниатюрами // Жоми ва робитаҳойи адаби. Китоби аввал. Душанбе, 1989. С.54.
[2] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трех томах. Диссертация доктора филологических наук. Ташкент-Москва, 1955-1961. С.54-58.
[3] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг..., №9-113.
[4] 1961 йилда Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ҳали ташкил топмаган эди.
[5] Сулейманов, Текстологическое... С.156.

тузила бошланган.[1] Лекин, афсуски, юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан, қўлёзмалар институти фондини ҳисобга олмаганда (М.Ҳакимов каталоги асосида) келтирилган миқдордан айнан қанча қисми "Терма девон" эканлигини билсак-да, улар қайси даврда кўчирилганлигини аниқ айта олаймиз. Фақат қўлёзмалар институти фондидаги нусхалар асосида хулоса қиладиган бўлсак (жавдалда қавс ичига олинган рақамлар), Навоий "Терма девон"лари унинг шеърияти XVI–XIX аср нусхаларининг каттагина қисмини ташкил қилар экан: XVI аср нусхаларининг барчаси (3), XVIII аср нусхаларининг ярмини (1), XIX асрда эса 98 нусханинг 82 таси (84 %). Демак, Навоий меросини сайланган ҳолда тақдим этиш ҳамма даврларда етакчилик қилиб келган. Буни бошқа, хусусан, Навоий қўлёзма асарлари Самарқанд университетида сақланувчи нусхалари тавсифига бағишланган каталоглар ҳам исботлаб турибди[2]. Мазкур каталогларга асосланадиган бўлсак, Навоий "Терма девон"лари унинг тўлиқ девонлари нусхаларига нисбатан тўрт марта кўпроқ кўчирилган бўлиб чиқади.

Масалан, тошбосма усулида "Хазойин ул-маоний" тўпламидан фақат учинчи девон – "Бадоъе ул-васат" 1882 йили Хивада Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) топшириғи билан шоир Комил Хоразмий (1825–1899) томонидан чоп этилган, холос. Навоий "Терма девон"лари 1888–1916 йиллар давомида Ўрта Осиёдаги босмахоналарда тошбосма усулида 34 марта нашр қилинган (мазкур "Терма девон"лар таркибига кўра бир-бирига ўхшаб кетади)[3]. Демак, XX аср бошида ҳам Навоий лирик мероси бутунлигича – "Хазойин ул-маоний" кўринишида эмас, балки ундан териб (танлаб) олинган шеърлар тарзида мутолаа этилган. Навоий асарларига нисбатан бундай сайлаб олиб ўқишни Навоий "Хамса"сига кирган беш достонни алоҳида қилиб кўчириш XVIII, айниқса, XIX асрда кучайганида ҳам кузатиш мумкин. Бешликни бундай бўлаклар ҳолида китобхонларга тақдим этиш классик асарга нисбатан муносабат ҳамда ўқувчилар бадиий диди ўзгариб боришидан далолат беради[4]. Яъни XVIII–XIX асрларда классик адиблар ва улар асарларига бўлган муносабат ўзгаришининг кучайиши бежиз бўлмай, бунгача бўлган жараёнлар давомидир.

Навоий "Терма девон"лари, "Хазойин ул-маоний" ва унга кирган девонлари ҳамда унинг шеърларини баёзларда келтирилишини қиёслаш шуни кўрсатадики, Навоий девонлари кўчирилиши ва тарқалиши баёзларда унинг шеърлари берилишига нисабатан анча юқори даражада бўлган. Бунда ҳам Навоий шеърларининг танланма ҳолати – "Терма девон"лар етакчилик қилган. Улар эса, ўз навбатида, баёзлар тузиш анъанасига яқин турувчи, балки унга ўз даврида қайсидир даражада асос ҳам бўлган тўпламлардир.

Қиёс қиламиз: шу тип йиғма девонлар тузиш, масалан, шеърлари ҳаётлик чоғи – XV асрдаёқ анча кенг тарқалган, юқоридаги жадвалларда доимо энг баланд ўринни эгаллаб келган Жомий (у баёзларда ҳам шеърлари энг кўп келтирилган шоирлардан ҳисобланади) девонларининг XVI–XIX аср нусхаларида ҳам учрайди (улар каталогда "Ғазаллар" деган

---

[1] Сулейманов, Текстологическое... С.218-227.

[2] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент, 1970; Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари библиографик кўрсаткичи. Самарқанд, 1990.

[3] Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи (каталог). Тузувчи Б.Қосимхонов. Тошкент, 1988.

[4] Erkinov A. "The perception of works by classical authors in 18th and 19th century Central Asia: The example of the Xamsa of 'Ali Sir Nawa'i" // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol. 2: Inter-Regional and Inter-Ethnic Relations. Ed. by A.v. Kuegelgen, M.Kemper, A.Frank. [Islamkundliche untersuchungen. Band 216]. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1998. P.513-526.

сарлавҳа остида берилган: ЎРШИ-1, №2608/2; №232/3; №6708, 1297/1879-80 йиллари кўчирилган, котиб – Худойберган; №237/3 ва бошқалар)[1]. Шундай ҳолатни: Хусрав Деҳлавий "Терма девон"ларининг унинг тўлиқ девонлари қўлёзмаларига нисбатан бир неча марта кўплигида ҳам кузатиш мумкин[2]. Бу эса яна бир бор юқоридаги фикрларни тасдиқлайди: Навоий ва бошқа классик адиблар тўлиқ девонларига нисбатан уларнинг "Терма девон"лари кўпроқ тарқаган экан.

2) Девонлар ва даврийлик. Айни вақтда Навоий юқоридаги тур девонларининг XV–XIX асрларда кўчирилиш миқдорига эътибор қаратайлик. Чунки Навоий шеърларининг баёзларда XVIII аср сўнгидан келтирилиши сабабларини излашда унинг девонларининг бунгача бўлган даврини билиш ҳам керакли хулосаларга олиб келиши мумкин. Агар биргина юқоридаги 7-жадвал маълумотларига асосланадиган бўлсак (254 қўлёзма), Навоий девонлари XV–XVIII асрларда 46 нусхада (19 %), XIX асрда 208 (81 %) нусхада кўчирилган бўлиб чиқади. Бу бешдан бир қисм қўлёзма тўрт аср давомида, қолган бешдан тўрт қисм(!) нусхалар биргина XIX асрда кўчирилганлигини кўрсатади. Демак, Навоий девонларининг XIX асргача кўчирилиш даражаси ҳам нисбатан кам бўлган экан. Яна қиёс учун шеърлари баёзларда энг кўп келтирилувчи Жомий девонларига назар ташлайлик. Бунинг учун биргина ЎРШИ фондига назар ташлайлик: шоирнинг тўлиқ ва терма девонлари XV–XIX асрлар давомида 56 марта кўчирилган.[3] Улардан 60 %дан кўпроғи XIX асрга тўғри келади. Шеърлари ҳаётлик чоғиданоқ анча кенг тарқалган Жомий девонларининг беш аср давомида кўчирилиш миқдори Навоийга нисбатан балки камроқдир. Лекин Жомий шеърларининг деярли ҳар бир баёзда келтирилиши унинг девонлари кўплаб нусхаларда кўчирилишига монелик қилмаган. Бундан ташқари Навоийгина эмас, балки Жомий девонлари ҳам XIX асргача камроқ (лекин Навоийникидан кўпроқ (!) кўчирилгани аён бўладин. Бу ҳам табиий бир ҳолат. Баёзларга, аввало, форс классик шоирлар киритилар экан. Классиклар девонлари қўлёзмалари ҳам кўпроқ кўчирилган бўлиши мумкин.

Темурийлар (1370–1506) тарих саҳнасидан кетгандан сўнг Ўрта Осиёда тил шароити ўзгарди. Шайбонийлар (1500–1601) ҳокимиятида дастлаб туркий тилдаги ижодкорлик, кейинчалик, айниқса, ўз пойтахтларини Бухорога кўчирганларидан кейин форс тилида ижодкорлик етакчилик қилди. Аштархонийлар (1601–1747) ва манғитлар (1747–1920) сулоласи даврида ҳам вазият шундайлигича қолди. XVI–XVIII асрлар мобайнида эски ўзбек тилидаги ижодкорлик ва шоирлар камчиликни ташкил қилганлиги фандаги маълум факт. Фақатгина саройларда туркий тилга эътиборнинг ошиши бу тилдаги адабиётга бўлган муносабатни ҳам юксалтирди. Бу жараёнлар эса XVIII аср охирларига тўғри келади.

Қўқон хонлигида минглар сулоласи ҳокимияти даврида (1709–1867) Умархон (1810–1822) салтанатида темурийлар замонига тақлид қилиш, хусусан, Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) даври маданий муҳитига ўхшашга интилиш кучли бўлган[4]. Шеъриятда эса Алишер

[1] СВР. II. №1199; Рукописи произведений Абдаррахмана Джами в собрании института востоковедения академии наук Узбекской ССР. Сост. А.Урунбаев, Л.М.Епифанова.Ташкент, 1965. С.46; КФИР. II. С.231-233, 235-238.

[2] Муниров К. Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари. Тошкент, 1975.

[3] Рукописи произведений Абдаррахмана Джами ... С.17-23; КФИР. II. Р.226-239.

[4] Erkinov A. "Un temoin important du mecenat de Mupammad-'Ali khān, le manuscript Supplement persan 1446 de la BNF" // Studia Iranica. 37, 2008. P.129-138; Erkinov A. "Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand" //Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siecles / Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F.Richard and M. Szuppe (eds.), [Cahiers

Навоий ижоди бу хонлик шоирлари учун идеал эди. Қўқон хони Умархон ва унинг рафиқаси Нодира (1792–1842) ўз шеърларида Навоий лирикаси услубига эргашганлар. Бу даврда яшаган шоир Султонхон тўра Адо эса (вафоти 1250/1828-29 йил)[1], Умархонга бағишланган ғазалларидан бири сўнгида бу шоҳни Хусайн Бойқарога, ўзини эса Алишер Навоийга ўхшатади:

Гар Навоийдин Адо сўзни ўткарса, не тонг,
Шаҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайн Бойқаро[2].

Умархон ўз девони дебочасида ўз шажараси Амир Темур (1370–1405) ва Бобурга (1370-1506) бориб тақалишини таъкидлаган[3]. Умархоннинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822–1842), гарчи ўз ҳукмронлиги даврида отаси давридаги сарой адабий муҳитини тарқатиб юборган бўлса ҳам, Фузулийга[4] эргашиб шеърлар яратган. Шунга қарамай, 1254/1838-39 йиллари унинг буйруғига кўра Навоий "Хазойин ул-маоний"си Қўқонда олти ой давомида уч юз нусхада, бир хил ҳажм ва таркибда кўчирилган.[5] Навоий шеъриятига Хива хонлигининг қўнғиротлар сулоласи даврида (1804–1920) ҳам катта эътибор қаратилган. Демак, Қўқон ва Хива хонликларида туркий адабиёт классиги Алишер Навоий шахсияти ва шеъриятига муносабат XVIII аср охири XIX аср бошларида кучайган. Бу фактларнинг барчаси Навоий шеърларининг баёзларда XVIII аср 2-ярмидан бошлаб келтирилиши баёзнавислик анъаналари ҳамда хонликлар территориясидаги туркий шеърият ва унинг классикларига бўлган муносабат оқибати эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолат фақатгина туркий тилли муҳитгагина эмас, ҳатто эроний группа тиллари тарқаган ҳудудга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Масалан, Помир-Бадахшондаги эроний ҳалқлар ҳам ўз шеърларини она тилларида эмас, асосан, форс тилида ёзганлар. Бунга юқорида номи форс классиклари қаторига киритилган исмоилийлик адабиётининг йирик намояндаси Носир Хусрав (1004–1088) ижоди мисол бўла олади[6]. Ёки бўлмаса яна бир мисол: Ўрта Осиё баёзларида шеърлари келувчи кўпгина форс адабиёти классиклари шеърлари Туркия ва Ҳиндистонда кўчирилган баёзларда ҳам кўплаб учрайди[7]. Айни вақтда туркий тилдаги шеърият масаласида Усмонлилар салтанатида кўчирилган баёзлар анча маҳсулдор бўлиб чиқди[8]. Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Эрон баёзларидан фарқли тарзда Туркиядаги баёзлар XVI асрдан бошлаб икки тиллидир. Уларда форсча, усмонли туркча шеърдан ташқари туркий тилда ҳам шеърлар келтирилади. Бу шеърлар Алишер Навоий, Бобур ва Убайдуллахонга тегишли. Шуниси диққатга сазоворки, Алишер Навоийнинг туркийдаги шеърлари XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиё баёзларида эмас,

---

de Studia Iranica 40], Paris: AAEI, 2009. P.285-330.

[1] Philologiae Turcicae Funamenta. P.392; Ўзбек адабиёти тарихи. IV том. Тошкент, 1978. Б.51-54.

[2] ЎРШИ-1, №7510. Варақ 121 б.

[3] Амирий. Девон. ЎРШИ-1, №147. Варақ 2 а.

[4] Bombaci A. Histoire de la Litterature Turque. Traduit par I.Melikoff. Paris, 1968. P.53, 126, 203-219.

[5] Масалан: ЎРШИ-1, №1709. Варақ 477 а; ЎРШИ-3, №941; Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои... С.52-53; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси... Б.26; Ҳакимов М. Навоий асарларини... Б.6.

[6] Gabrielle van den Berg. "Examples of Persian and Shughni poetry from Tajik Badakhshan" // Proceedings of the Third European Conference of Iranian Studies held in Cambridge, 11th to 15th September 1995. Part 2: Mediaeval and Modern Persian Studies. Ed. C.Melville. Wiesbaden, 1999. P.107.

[7] Blochet E. Catalogue des manuscripts persans de la bibliotheque Nationale. Tom III. Paris, 1928. №1968-2012; Tom IV, 1934. №1934, 2469, 2471.

[8] Париж Миллий кутубхонасидаги турли баёзларни ўрганиш шундай хулосага олиб келди.

балки Усмонлилар салтанати баёзларида келтирилган. Биттагина баёзда 20 %гача туркий тилдаги шеър берилган. Бу – XVI аср учун ғоят катта кўрсаткич[1].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, XX асргача чиғатой адабиёти ва хусусан, Алишер Навоий ижоди, Ҳусайн Бойқаро даври Усмонлилар саройи маданияти учун тақлид (иммитация) объекти, тақлид учун модель бўлиб хизмат қилган.[2] Шуларга қарамай, усмонли турклар баёзларида ҳам 80 % шеър – яъни катта қисм шеърлар форс тилида. Демак, форс тилидаги шеърлар баёзларда катта ўринга эга бўлган.

Ҳозиргача биз эга бўлган ва тадқиқотга тортган 12 та баёз асосида айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг дастлабки шеъри Ўрта Осиё баёзларида XVIII аср 2-ярмидан келтирила бошланган.

Мазкур ҳолат ўзбек адабиётидан аввалроқ ўз чўққисига эришган форс адабиёти классикларига баёзларда алоҳида эътибор қаратилиши билан боғланади.

Ўрта Осиё территориясидаги хонликлар ва улар орқали адабий муҳитларнинг кучайиши Навоий ва умуман, туркий тилдаги шеъриятга эътиборнинг кўпайишига олиб келган.

XVIII асрдан бошлаб қўлёзмаларнинг кўплаб нусхаларда кўчирилиши ҳам туркий тилдаги шеърларнинг баёзларда кескин кўпайишига йўл очди.

Фақатгина Усмонлилар баёзларида XVI асрдан бошлаб туркий тилдаги шеърлар форс тилидаги шеърлар билан ёнма-ён келтирилган. Бу ҳолат Усмонлилар саройи тили, бошқа регионлардан фарқли тарзда, туркийда бўлганлигидан келиб чиқади.

2008 йил

---

[1] Бошқа фондларларги XVI аср Усмонлилар муҳити баёзларида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан, 973/1565-1566 йили кўчирилган баёз: қўлёзма - B306-B307 (Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института востоковедения. Том III. Москва, 1980. №800, 801).

[2] Fleischer C. Bureacrat and Intellectual in the Ottoman Empire: The Historian Mustafa Ali (1541–1600). Princeton, 1986. P.273-292; Imber C. “Ideals and Legitimation in Early Ottoman History” // Suleyman the Magnificent and His Age: The Ottoman Empire in the Early Modern World. M.Kunt, C.Woodhead (eds.). London, 1995. P.138-153.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДИБЛАРИНИНГ УСМОНЛИЛАР МАДАНИЙ МУҲИТИДАГИ ЎРНИ ТАРИХИДАН (XV–XIX АСРЛАР)[1]

Абдураҳмон Жомий

Абдураҳмон Жомийнинг Шарқ маданий ҳаётида тутган ўрни катта бўлган[2]. Мазкур мақолада биз усмонли турклар сулоласи заминида Жомий шахсияти ва унинг ижодига бўлган муносабатнинг айрим қирраларини кузатамиз. Илмий тадқиқотларда мавзуимиз бўйича айрим қайдларгина мавжуд[3].

Темурийларнинг (1370–1506) Усмонлилар сулоласи (1299–1923) билан алоқалари темурий ҳукмдор Хусайн Бойқаро (1469–1506) подшолиги даврида кучли бўлган. Ҳусайн Бойқаро подшолиги даврида Ҳиротда адабиёт ва санъат ривожланади. Форс адабиёти классиги Абдураҳмон Жомий ва ўзбек адабиёти классиги Алишер Навоийлар айни адабий муҳитда яшаб ижод қилдилар. Уларнинг мусулмон Шарқи мамлакатларидаги маданий марказлар билан алоқалари кучли бўлган. Навоий ва Жомий шахсияти, фаолияти ва бадиий ижодига Шарқнинг турли маданий марказлари, саройларида алоҳида эътибор ва эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Бадиий ижоддаги ютуқлари билан бир қаторда, Шарқда Жомий сўфий авторитет сифатида катта обрўга эга бўлган, Навоий эса мутафаккир сифатида танилган. Масалан, Жомий усмонли ҳукмдор Фотиҳ Меҳмет II (1451–1481), Боязид II (1481–1512), Оққўюнли ҳукмдорлардан Узун Ҳасан (1453–1478) ва Султон Ёқуб (1478–1490) кабилар билан ёзишмалар олиб борган. Бундан ташқари яна Оққўюнли ҳукмдорлардан Бағдодда Мақсудбей ва Диёрбакрда Меҳметбейлар Жомийни жуда ҳурмат қилишган[4]. Меҳмед II (1444–1446, 1451–1481) Жомийга унинг ҳаж сафар учун 5 000 тилла танга юборган ҳамда Жомийни ўз саройига таклиф қилган. Лекин унинг таклифномаси Жомийгача етиб бормаган[5]. Усмонли шоири Латифий (1491–1582) 1546 йилда ёзиб тугалланиб, Сулаймон I Қонуний (1520–1566)га тақдим қилган ўзининг “Латифий тазкираси” асарида ёзишича, Меҳмед II Жомийга ҳар йили 1000 тилла танга юбориб турган[6]. Худди

---

[1] Мақолага асос бўлган нашрлар: Эркинов А. “Абдураҳмон Жомийнинг Усмонлилар маданий муҳитидаги ўрни тарихидан” // Абдурахмон Жомийнинг ижод олами. Тошкент: “TAMADDUN”, 2014. Б.23-30; Эркинов А. “Алишер Навоий асарларининг усмонли турклар маданий муҳитида тутган ўрни (манбашунослик материаллари асосида)” // Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари (илмий мақолалар тўплами). Тошкент “Tamaddun”, 2017. Б.55-65.

[2] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва: Наука, 1965; Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Москва, 1988; Subtelny M. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007.

[3] Ritter, H. “Cami” // Milli Eğitim Bakanlığı İslâm Ansiklopedisi. Ç.3, 1918. P.15-20; Bernardini, M. “Ottoman ‘Timuridism’: Lāmi‘i Çelebi and his *Şehrengiz* of Bursa”. // *Irano-Turkic Cultural Contacts in the 11th-17th Centuries*. Éva M. Jeremiás (ed.). Piliscsaba, [2002] 2003. P.1-16; Uluç, L. Turkman Governors, Shiraz Artisans and Ottoman Collectors: Arts of the Book in 16th Century Shiraz. Istanbul, 2006; Ökten, E. Jāmī (817-898/1414-1492): His biography and intellectual influence in Herat. Ph.D. dissertation. The University of Chicago, 2007.

[4] Akram Amini (Bayburdi). Topkapı Sarayı müzesi kütüphanesinde bulunan, Nur Al-Din Abd Al-Rahmān Cami’nin eserlerindeki minyatürlerin üslup gelişmesi. Doktora thezi. Istanbul, 1979. S.13.

[5] Babinger F.Mehmed the Conqueror and his time. Transl.R.Manheim, W.C.Hickman (ed.). Princeton: Princeton University Press, 1978. P.472; Babinger F.Fatih Sultan Mehmed ve zamanı. Transl. D.Körpe. İstanbul: Oğlak yayıncılık ve Reklamcılık Ltd., 2003. S.399.

[6] Babinger F.Mehmed the Conqueror and his time. Transl.R.Manheim, W.C.Hickman (ed.). Princeton: Princeton University Press, 1978. P.472.

шундай ишни отасидан кейин тахтни эгаллаган ўғли Боязид II ҳам бажариб турган[1]. Жомий "Силислатуз заҳҳоб" достонининг 3-дафтарини Боязид II га бағишланган эди[2]. Яъни Жомийнинг Усмонлилар муҳити ҳукмдорлари билан бевосита алоқалари мавжуд бўлган.

Жомий Оққўюнлилар муҳитида ҳам таниқли бўлган. Жомий ўзининг "Саламон ва Абсол" достонини Султон Ёқубга бағишлаб яратган[3]. Навоий эса Султон Ёқуб билан дўстона муносабатларда бўлган[4]. Навоий "Мажолисун нафоис" тазкирасида Султон Ёқуб ҳақида маълумот бериб, уни мақтайди ҳамда форс тилидаги шеърларини келтиради[5]. Ҳусайн Бойқаро даври маданий муҳитининг машҳур тарихчиси Ғиёсиддин Хондамир ўзининг "Ҳабибус сияр" (1524 йили тугалланган) асарида Навоий ва Султон Ёқубга алоқадор бир воқеани эсга олади: бир куни Навоий Султон Ёқубга Абдураҳмон Жомий куллиётини юборишга қарор қилибди. Жомийнинг китоби муқовасини бошқа унга ўхшаши билан адаштирган кутубхоначи унинг ўрнига элчига бошқа китобни топширибди. Адашиш элчи ўзининг олимлиги билан мақтанмоқчи бўлганида маълум бўлибди. Султон Ёқуб элчидан йўлда зерикмадингизми, деб сўраганида, у ўзи билан зерикишга ўрин қолдирмайдиган ҳамроҳ – Навоий томонидан Султонга совға сифтида юборилган Жомий асарларини йўлда мутолаа қилиб келганлигини айтибди. Султон Ёқуб бу китобни кўришни истабди. Шунда элчи ўзи билан бошқа китобни келтиргани маълум бўлибди. Бу айби туфайли элчи Навоий назаридан четда қолибди[6].

Оққўюнлилар сулоласи салтанати учун темурийлар муҳити ўрнак бўлган. Мазкур сулола ҳукмронлиги ҳудудида яшаган шоир Неъматулло Кишварий Темурийлар саройига ҳавас билан қараганлигини кўрсатувчи қуйидаги байти ҳам тасдиқлайди:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайн Бойқаро[7], –

яъни Кишварийнинг шеърлари Навоий шеърларидан қолишмайди, қанийди унинг ҳам Ҳусайн Бойқародек ҳукмдор ҳомийси бўлса эди...

Усмонлилар муҳитида ҳам Ҳусайн Бойқаро саройи маданий муҳитига ҳавас билан қараш мавжуд бўлган. Усмонлилар саройининг таниқли тарихчиси Мустафо Олий (1541–1600) шоирлар Жомий ва Навоийдек бўлишни орзу қилган. Усмонли шоирлардан Ломеий (1472–1532) ҳақида "Ломеий – Усмонлилар Жомийси" деган ибора мавжуд бўлган[8]. Демак, улар ўз шоирларини баҳолаш учун Жомийнинг шоирлик мартабасидан фойдаланишган.

Жомий шахсиятининг юксалишида темурийлар муҳити, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврининг катта ўрни Усмонлилар учун кейинги даврларда ҳам ўрнак бўлиб қолган. Усмонлилар муҳитида машҳур бўлган сайёҳ Авлиё Чалабий (1611–1682) ўзининг машҳур

---

[1] Latifi tezkiresi. Isen M. (haz.). Ankara, 1999. S.72.
[2] Erkinov A. "Timurid authority and the Ottoman sultan: some notes about three manuscripts with Jami`s products from the library of Bayezid II (1481–1512)" // Proceedings of 7e European Conference of Iranian Studies, Societas Iranologica Europaea (Krakow, Poland). 7-10 September, 2011. Krakow, 2014. P.59-72.
[3] Бу ҳақда қаранг: Lingwood Ch. "The *Qebla* of Jāmi is none other than Tabriz": 'Abd al-Rahman Jāmi and Naqshbandi Sufism at the Aq Qoyunlu Royal Court" // *Journal of Persianate Studies*. 2011, 4, no. 2, P.233-245; Lingwood Ch. Politics, Poetry, and Sufism in Medieval Iran: New Perspectives on Jāmī's Salāmān va Absāl. Leiden-Boston: Brill, 2014.
[4] АНМАТ. 15-том. Б.18.
[5] АНМАТ. 13-том. Б.139-140.
[6] Khvāndamīr. Tarikh-e Ḥabīb al-siyar. M.D.Siyāqī (ed.). Jild 4, Tehrān: Khayyām, 1353 [1974]. S.350-351.
[7] Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. Ташкент: Фан, 1990. С.60.
[8] Latifi tezkiresi. Isen M. (haz.). Ankara, 1999. S.275.

“Саёҳатнома” асарида Ҳусайн Бойқаро саройидаги шеърият йиғин-мажлисларини (“Ҳусейн Байкара мажлислери” номи остида) тез-тез эслаб ўтади[1]. Чалабий асарида мазкур йиғинлар юқори даражадаги маданият белгиси сифатида таърифланади ва Чалабий бошқа шу каби шеърият кечаларини ҳам Ҳусайн Бойқаро йиғинларига ўхшатади.

XVIII асрда яшаган усмонли шайхи ва шоири Шайх Ғолиб усмонли ҳукмдор Салим III (1789–1807) даврида яшаб ўтган. У Малатдаги мавлавийхонада шайхлик қилган. Шайх Ғолиб Салим III саройида яратилган шароитдан ниҳоятда мамнун бўлиб, бу ҳумдор даврида олим ва шоирларга катта эътибор берилгани учун уни мадҳ қилади. Айниқса, ўзига алоҳида ҳурмат кўрсатилганини таъкидлайди. Шайх Ғолиб ҳукмдорининг бундай муносабатини муболаға қилиб, Ҳусайн Бойқаронинг Жомийга эҳтиромли муносабатидан ҳам юқорироқ деб баҳолайди:

Keremler kim senin devrinde gördü Gālīb-i nāçar,
Hüseyin Baykara‘dan görmedi Cāmī gibi yektā
Bu gūne lutf kim gördüm asla görmemişler
Kızılarslan u Sultan Baykara‘dan Gencevī Cāmī[2].

Яъни:
Сенинг даврингда бечора Ғолиб кўрган карамни
Жомий ҳатто Ҳусайн Бойқародан кўрмаган.
Бугун менга қилинган лутфни ҳеч вақт
Қизиларслон ва Ҳусайн Бойқародан Низомий Ганжавию Жомийлар ҳам кўрмаганлар.

Шайх Ғолиб бошқа бир ўринда, Салим III га бағишланган қасидаларидан бирида, Ҳусайн Бойқаро ва Жомий муносабатларини ҳурматнинг юқори даражаси сифатида баҳолайди ҳамда айни шароитни бу хусрави соҳибқирон (Салим III) яратиб берганлигини таъкидлайди:

Huseyn-i Baykara bahş etmemişti Monlā Cāmī‘ye,
Bana ol kāmı kim bu husrev-i sāhib kıran verdi[3].

Усмонлилар муҳитидаги шоирлар ўзларининг шоирлик маҳоратлари даражасини кўрсатиш учун Шарқ классик адиблари, жумладан, темурийлар муҳитидаги шоирлар қаторида ўзларини кўришни истаганлар. Усмонли шоири Жалилий Шарқ классик адиблари Низомий Ганжавий, Жомий ва Абдулло Ҳотифийларни мадҳ этиш баробарида, ўзини улардан кейин тўртинчи ўринда келаётган шоир деб ҳисоблаган[4]. Менинг шеърларимни Жомий тингласа, уларнинг кучидан маст бўларди, дейди:

Celîlî’nin sözlerini Câmî duysa mest olur[5].

---

[1] Evliya Çelebi. Evliya Çelebi Seyahatnamesi. O.Ş.Gökyay (ed.). Istanbul, 1996. S.100, 102, 105, 207, 306.
[2] Okcu N. Şeyh Galib, Hayatı, Edebi Kişiliği, Eserleri, Şiirlerinin Umûmi Tahlîli ve Divânın Tenkidli Metni. Cilt 1. Ankara, 1993. S.64; III.Selim (İlhamī). (Hayatı, edebi kişiliği ve divanın tenkitli metni). K.Yılmaz (haz.). Edirne, 2001. C.LXXIX.
[3] Mustafa İsen. Şeyh Galip Kitabı. İstanbul: Büyük Şehir Belediyesi, Kültür Yayınları. Numara: 18, 1995. S.39-44.
[4] Kazan S. “Hâmidî-zâde Celîlî ve gazelleri” // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall 2007. P.472.
[5] Kazan S. “Hâmidî-zâde Celîlî...”. P.480.

Жомийнинг шоирлик маҳорати даражасига қараб шоирлар шеърияти кучининг баҳоланишига Усмонлилар муҳитидан яна шундай мисолни ҳам келтириш мумкин: Латифий қайд этганимиз тазкирасида усмонли шоирлари ҳақида шундай дейди: “Истеъдодсиз шоирлар на Низомийни, на Жомийни тан олмайдилар”[1].

Жомий ва Навоийлар усмонли шоирларига ҳомийлик ҳам қилганлар. Беҳиштий тахаллусли шоир Боязид II ҳукмронлиги даврида бир хатога йўл қўйиб, Туркиядан қочишга мажбур бўлади. У Жомий ва Навоийлар олдига келиб, улар хизматида бўлади. Улар Беҳиштийнинг ўзи орқали Усмонлиларга унинг гуноҳини кечириш ҳақида хат бериб юборадилар. Бунинг натижаси ўлароқ Беҳиштий кечирилади ва саройга ишга олинади[2]. Кастамонулик Жомийи Румий исмли шоир Жомийнинг хизматига келиб, унинг муридига айланади[3]. Анадолулик нақшбандий шайхи Абдулло Илоҳий (1491 йили вафот этган) Амир Бухорийнинг пири бўлган. У Хуросонга борганида Жомий билан учрашган[4].

Жомий ижоди ҳам Усмонлилар муҳитига катта таъсир кўрсатган. Масалан, усмонли шоири Атоийнинг (XVI аср) “Лайли ва Мажнун” достонидаги бош қаҳрамонлар талқинида Жомий “Лайли ва Мажнун”ининг таъсири сезилиб туради[5]. Бу даврдан бироз кейинроқ яшаган Атоий Навизода (1583–1635) номли адиб турк адабиётининг йирик вакили бўлиб, таниқли шоир Навий Малкарали (1533–1598) унинг отаси эди. Атоий Навизоданинг “Хамсаи Атоий” асарининг биринчи достони “Субҳат ул-абкор” Жомийнинг “Субҳат ул-аброр”ига яқинлиги билан ажралиб туради[6]. Яҳёбей Тошлижолининг (1582 йили вафот этган) “Юсуф ва Зулаҳо” достони мазмуни Жомийнинг шу номдаги асарини ёдга солади. Бу шоир ўзининг таниқли салафлари сифатида Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоийларни тилга олган[7].

Амир Темур турк шоир Ломеий Чалабийнинг (1472–1532) бобоси Алипошшони ёшлигида Самарқандга олиб кетган. Бу ерда у наққошлик санъатидаги маҳоратини ошириб, кейинчалик Бурсага қайтиб келганида Яшил Жом ва Яшил Турбани қурган[8]. Ломеий Чалабий турк тилидаги шеърларида Жомийга тақлид қилган. Чалабий яратган “Саламон ва Абсол” достони ўқувчида Жомийнинг шу номдаги достонининг усмонли туркчадаги мазмунан яқин кўринишидек таассурот қолдиради[9].

Усмонлилар султани муҳитида Жомий асарларининг усмонли турк тилига кўплаб таржималари амалга оширилган[10]. Масалан, Жомий “Ҳафт авранг”и достонлари, шеърлари, “Нафаҳотул унс”, “Шавоҳидун нубувва”, “Арбаин” ва бошқа асарларини шулар қаторига киритиш мумкин[11]. Биз келтирган маълумотлар Абдураҳмон Жомий асарларининг Усмонлилар адабиётидаги ўрнига оид айрим қайдларгина бўлиб, айни йўналишда амалга оширилажак ишлар ҳали олдинда.

---

[1] Latifi tezkiresi. S.27.
[2] Latifi tezkiresi. S.130-131.
[3] Latifi tezkiresi. S.141.
[4] Latifi tezkiresi. S.58.
[5] Алиев. Темы и сюжеты... С.66-67.
[6] Бертельс Е.Э. Низмаи и Фузули. Москва, 1962. С.214.
[7] Алиев. Темы и сюжеты... С.120-121.
[8] Bernus-Taylor, M. “Le décor du “Complexe Vert à Bursa”, reflet de l’art timouride” // L’Héritage timouride: Iran – Asie centrale – Inde, XVe-XVIIIe siècle. M. Szuppe (ed.). Cahiers d’Asie Centrale 3-4. Tashkent and Aix-en-Provence, 1997. P.251-266.
[9] Алиев. Темы и сюжеты... С.135-136; Bernardini, M. “Ottoman ‘Timuridism’...
[10] Okumus O. Abdurrahman Cāmī. Turkiye diyanet vakfi İslam Ansiklopedisi. Çilt 2. Istanbul, 1993. S.97.
[11] Latifi tezkiresi. S.252, 296; Karatay F.E. Topkapi Sarayi Müzesi Kütüphanesi Turkche yazmalar kataloğu. Cild II. Istanbul, 1961.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Алишер Навоий ижодига қизиқиш ҳамма вақт мавжуд бўлган. Бунга яқинда Ғарбда француз тилида нашр бўлган француз олими Марк Тоутантнинг Навоийга бағишланган 700 бетли китобини мисол қилиб олиш мумкин[1]. Айни пайтда Навоийнинг Шарқ, жумладан, туркий халқлар маданий ҳаётида тутган ўрни катта[2]. Мазкур мақолада биз усмонли турклар сулоласи заминида Навоий шахсияти ва унинг ижодига бўлган муносабатнинг айрим қирраларини кузатамиз ҳамда бунга оид манбаларга диққатни қаратиш ниятидамиз. Чунки ҳар қандай адибнинг яшаган ва кейинги даврга ижодий таъсири остида шу шоир ижодига ундан таъсирланган халафлар муносабати мавжуд бўлади.

Навоий ижодининг туркий халқлар, масалан, ўғуз турклари муҳитига таъсири ҳақида бирмунча ишлар амалга оширилган. Булар сирасида, жумладан, озарбайжон адабиётига Навоий таъсирига оид Жаннат Нагиева (1927–2010), Раъно Қобулова, Тўлқин Султонов, Рустам Жабборов тадқиқотларини эслаш мумкин[3]. Айнан Усмонлилар муҳити шоирларидан, масалан, Аҳмад Пошшо, Меҳри Хатун, Сайид Али Раис каби ижодкорларга Навоий таъсирига оид тадқиқотлар яратилган. Буларга, жумладан, Фуод Кўпрулу (1890–1966), Заки Валиди Тўғон (1890–1970), Камол Эраслан, Элизар Бирнбаум (1930-2019), Усман Серткая, Зигрид Клайнмихел, Танжу Сейҳан, Лола Улуч, Ференч Чиркес, Юсуф Четиндоғ ҳамда ўзбек олимларидан, масалан, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Абдумурод Тилавов, Роҳила Рўзмонова ва яна бир қатор тадқиқотчилар ишларини киритиш мумкин[4]. Туркиялик олимлар айни йўналишда фаол эканликларини қайд этиш керак бўлади[5]. Айни пайтда қилиниши зарур бўлган ишлар ҳам анча. Сабаби, масалан, мавзумиз доирасида олиб қарайдиган бўлсак, ҳали

---

[1] Toutant M. *Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l'époque des derniers Timourides au miroir de la* Khamsa *de Mīr 'Alī Shīr Nawā'ī*. Leuven: Peeters, 2016.

[2] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва: Наука. 1965; Subtelny M. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Leiden-Boston: Brill, 2007.

[3] Nagieva Dj. Azerbaycanda Navai. Baku: Elm, 2001; Кабулова Р.В. Традиция "Маджалис ун-нафаис" Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Саидбека Садики "Маджма ул-хавас"). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Ташкент, 1979; Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р. Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020; Жабборов Р. Навоийнинг озарбайжонлик шогирди // Тафаккур. 2019 йил №1. Б.120-122; Султанов Т.И. Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020; Djabborov R. Ağqoyunlu hökmdari Cahanşah Həqiqi özbək şairi Əlişir Nəvai nəzərində // Dil və ədəbiyyat jurnali, №1 (113), Azerbaycan Dövlət üniversiteti, 2020. S.34-38.

[4] Togan A.Z.V. "Ali Şir" // Islam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Maarıif matbasi, 1940. S.349-357; Sertkaya O. "Osmanlı šairlerinin Çağatayca šiirleri" // Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi 18 (1970). S.133-138; Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Navā'i`s Divan in Ottoman Orthography" // Central Asiatic Journal. 20(3), 1976. P.157-190; Sertkaya O. "Osmanlı Şairlerinde Alî Şir Nevâyî Tarzı ve Nevâyî'ye Anadolu'da yazılan Nazireler" // 560. Doğum, 500. Ölüm Yıldönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri (24-25 Eylül 2001). Ankara, 2004; Kleinmichel S. Mīr Alīšēr Navā'ī und Ahmed Paša. Archivum Ottomanicum. №17 (1999). S.77–211; Kleinmichel S. "Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler" // Turk edebiyati Tarihi, Vol. 1. Istanbul, 2006. S.683-691; Uluç L. Türkmen Valiler, Şirazlı Ustalar, Osmanlı Okurlar. XVI yüzyıl Şiraz elyazmaları. Istanbul, 2006; Муҳиддинов М. Нурли қалблар гулшани. Тошкент: Фан, 2007; Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва усмонли шеърияти. Н.Ҳасан, Р.Рўзмонова таржимаси. Тошкент: "Muharrir", 2011; Рўзмонова Р. Алишер Навоий анъаналарининг усмонли турк шеъриятига таъсири (Аҳмад Пошо ва Сайид Али Раис Котибий ижоди мисолида). Филология фанлари номзоди диссертацияси. Самарқанд, 2011; Тилавов А. "Алишер Навоийнинг усмонли шеъриятига таъсири" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.289-291.

[5] Туркиялик олимларнинг Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва нашр қилишдаги ишлари бирмунча кўп бўлиб, фикримизча, улар бўйича алоҳида библиографик кўрсаткич яратилиши мақсадга мувофиқ. Бундай кўрсаткич тузишни Самарқанд Давлат университети Шарқ тиллари кафедраси мустақил тадқиқотчиси Абдумалик Қурбонов 2019 йилдан бошлаган.

Усмонлилар муҳитидаги Навоий ўрни ва таъсирига оид манбалар кўлами ва хусусиятлари кенг қамровда ўрганилиши керак. Ўзбекистон мустақиллигигача айни мавзуда нисбатан кўпроқ ҳориж олимлари тадқиқот олиб борганлар. Эндиликда айни йўналишда ватанимиз олимлари улуши ошиши, Р.Рўзмонова диссертацияси каби ишлар амалга оширилиши зарурати туғилмоқда[1]. Зеро, Навоийдек шоирнинг кучи унга бошқа муҳитдаги эътибор орқали янада чуқурроқ кўринади.

Навоий ижодига Усмонлилар мансуб бўлган ўғуз турклари орасидаги муносабат унинг ҳаётлиги давридаёқ бошланганди. 1471 йили Шерозда Оқ қўюнлилар салтанатида Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий – Анисий томонидан кўчирилган Навоийнинг "Оққўюнли мухлислар девони" мазкур йўналишдаги илк қадамлардан бўлган[2]. Айни девонда Навоий шеърлари тили қисман ўғуз туркийчасига мослаштирилган. Турк олимаси проф.Танжу Сейҳаннинг таъкидлашича, Туркия кутубхоналарида Навоий шеърларининг, қисман, усмонли туркчасига мослаштирилган нусхалари учраб туради. Афтидан, ўғуз турклари Алишер Навоий шеърларини ўз муҳитларига яқинлаштириш мақсадида шундай йўл тутган кўринадилар.

Алишер Навоий ижодининг шуҳрати мусулмон Шарқдаги туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, бунда унинг Темурийлар (1370–1506) саройига яқинлиги ҳам катта ўрин тутади. Шарқда XV асрдан бошлаб Амир Темур шахсиятига эътибор ва тақлид ҳамда Темурийлар даврининг Шарқ маданиятига таъсири турли илмий ишларда кўп жиҳатдан ёритилган. Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) ҳукмронлиги даврига идеал бир муҳит ва маданий ўрнак сифатида қараш, масалан, Усмонлилар сулоласи даврида XV аср сўнгидан мавжуд бўлган[3]. Ҳусайн Бойқаронинг ўз даврида адабиёт ва санъатга, хусусан, Алишер Навоийга ҳомийлик қилиши Шарқ маданияти тарихида, жумладан, Усмонлилар муҳитида бошқа шу каби ҳомийлик намуналари қаторида кўрсатиб келинган[4]. Айни давр Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даври деб ҳам аталган. Таниқли турк олими Фуод Кўпрулу мазкур давр ифодаси учун "Бойқаро-Навоий даври"деб қўшалоқ атама танлаган[5].

Айнан Ҳусайн Бойқаро подшолиги давридан бошлаб Темурийларнинг Усмонлилар сулоласи билан алоқалари анча кучайган[6]. Алишер Навоий асарларига эга қўлёзмалар ҳам Усмонлилар муҳитида кенг тарқалган эди. Масалан, Навоий асарларига эга, унинг ҳаётли-

---

[1] 2009 йили Истанбулга илмий сафарим чоғида мен Темурийларнинг, жумладан, Алишер Навоийнинг усмонли турклар маданий муҳитига таъсирига оид манбаларни тўплашга уриндим. Илмий кутубхона ва қўлёзма фондларига бордим. Вақтим имкон берган даражада маълумотлар тўпладим. Аммо мазкур ишни амалга ошириш учун анча муддат зарур деган хулосага ҳам келдим. Айни сафар натижаси ўлароқ қуйидаги тадқиқотлар вужудга келди: Эркинов А. "Абдураҳмон Жомийнинг Усмонлилар маданий муҳитидаги ўрни тарихидан" // Абдурахмон Жомийнинг ижод олами. Тошкент: "Tamaddun", 2014. Б.23-30; Erkinov A. "Timurid authority and the Ottoman sultan: some notes about three manuscripts with Jami`s products from the library of Bayezid II (1481–1512)" // Proceedings of 7e European Conference of Iranian Studies, Societas Iranologica Europaea (Krakow, Poland). 7-10 September, 2011. Krakow, 2015. P.59-72.

[2] 'Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015; Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р. Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020.

[3] Mustafa Ali's Council for Sultans of 1581. Andreas Tietze (ed., trans.), 2 vols.Vienna, 1979. P.105-106; 1982. P.211; Fleischer C. Bureaucrat and Intellectual in the Ottoman Empire: The Historian Mustafa Ali (1541–1600). Princeton, 1986. P.70-71, 273-292.

[4] Gelibolulu Âlî. Künhül Ahbar'ın Tezkire Kısmı. Haz. Mustafa Isen. Ankara: AKM Yayınları, 2000. S.140; Tûbâ Isınsu Isen-Durmus. II. Selim dönemı sonuna kadar osmanlı edebî hâmîlık gelenegı. Doktora tezi. Ankara, 2006. S.37-38.

[5] Köprülü F."Çagatay edebiyati" // İslam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Millieğitim basımevi, 1945. S.300-305.

[6] Сирожиддинов Ш., Эркинов А. "Сўзбоши" // Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-жилд. Тошкент: Шарқ, 2016. Б. 8-30.

ги давридаги қўлёзмалар ғоят ноёб бўлиб, улардан бир нечтаси Истанбул кутубхоналарида сақланади. Мисол тариқасида улардан айримларини жадвалда қайд этиб ўтамиз[1]:

Истанбул кутубхоналарида сақланувчи
Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган айрим қўлёзмалар

№	Алишер Навоий асари номи	Кўчирилиш даври (йил)
	Хамса	895/1489-90
	Хамса	900/1494-95
	Куллиёт	900/1494-95
	Куллиёт	901/1495-96
	Ғаройиб ус-сиғар	906/1500-1501
	Хамса	910/1504-05
	Насойим ул-муҳаббат	906/1500-01
	Бадоеъ ул-васат	907/1501-02

Усмонли ҳукмдорларнинг Алишер Навоийга муносабати у ҳаёт бўлган даврданоқ бошланган. Баъзи маълумотларга кўра, Навоий Усмонли султонлардан ҳадялар олиб турган[2]. Машҳур бўлиб кетган ҳикояни ҳаммамиз яхши биламиз: Усмонлилар ҳукмдори Боязид IIга Навоий ўзининг ўттиз уч ғазалини юборган[3]. Боязидга мазкур ғазаллар маъқул келади ва у олдига шоир Аҳмад Пошони чақириб, сен шу ғазалларга ўхшаш, усмонли туркчасида ғазал ёзгин, деб буюради. Усмонлилар муҳитидаги тазкирачиларнинг маълумот беришича, Аҳмад Пошо Навоий ғазалларини ўрганиб, уларга эргашиб ғазаллар ёзган. Бунинг натижасида унинг шеърий маҳорати ошган ва Аҳмад Пошо шеърияти кейинги давр турк шоирлари учун намуна бўлган. Натижада турк шоирлари Навоийга эргашиб ғазаллар ёза бошлаганлар. XVI–XIX асрларда Усмонлилар муҳитида Навоий шеъриятига эргашиб усмонли туркчасида ёки эски ўзбек тилида ижод қилиш, шеър ёзиш ўзига хос анъанага айланган[4]. Масалан, турк шоирлари энг кўп таъсирланган ва эргашган асарлардан бири бу Навоийнинг "ўйнар" радифли ғазали бўлган[5]. Яна бир кичик мисол: Жалилий тахаллусли Усмонли шоири Навоийнинг "жудо" радифли ғазалига эргашиб шеър битган ҳамда Навоий ва Фузулий шеърияти услуби йўлидан борган[6].

Мазкур даврда Навоий шеърларига назира ёзган шоирлар қаторида Надим, Шайх Ғолиб (1757–1799) кабиларни тилга олиш мумкин[7]. Шайх Ғолиб Салим III (1761–1808) саройи шо-

---

[1] Мазкур жадвални тузишда қуйидаги адабиётлардан фойдаланилди: Karatay F.E. Topkapi Sarayi Müzesi Kütüphanesi Turkche yazmalar kataloğu. Cild II. Istanbul, 1961; Togan A.Z.V. "Ali Şir" // Islam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Maarıif matbasi, 1940. S.349-357; Türkce yazma divanlar katalogu. Cilt. XII–XVI. Asir. Istanbul, 1950. S.52-53.

[2] Tekin G. "Fatih Devri Edebiyati" // Istanbul Armağani: Fetih va Fatih. Istanbul, 1995. S.180.

[3] Gelibolulu Âlî. Künhül Ahbar'ın Tezkire Kısmı. Haz. Mustafa Isen. Ankara: AKM Yayınları, 2000. S.132; Çavusoglu, Mehmet. "Kânûnî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevayî Tesiri Üzerine Notlar"// Atsız Armaganı. Istanbul, 1976. S.81.

[4] Gelibolulu Ali. Kunhul Ahbar'ın Tezkire Kısmı. Haz. Mustafa Isen. Ankara: AKM Yayınları, 2000. S.132; Çavusoglu, Mehmet. "Kânûnî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevayî Tesiri Üzerine Notlar" Atsız Armaganı. Istanbul: 1976. S.81; Uluch L. Türkmen valiler, Shirazli ustalar, Osmanli okurlar. XVI yüzyil Shiraz elyazmalari. Istanbul, 2006, S.471-472, 501, 503.

[5] Бенедек Пери. "Буюк шоирга эргашиб" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2017 йил, 10 февраль.

[6] Kazan S. "Hamidi-zade Celili ve gazelleri" // Turkish Studies International Periodical for the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 2/4 Fall 2007. P.486.

[7] Köprülü F."Çagatay edebiyati" // İslam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Millieğitim basımevi, 1945. S.305; Gönül Tekin. "Othmanli Literature" // EI². P.211.

ири бўлиб, Навоий асарларини ўқиш учун эски ўзбек тилини махсус ўрганган, дейилади[1].

Машҳур адмирал Сайид Али Раис (1498–1562) Котибий тахаллуси остида шеърлар ёзган. Шеърларини эски ўзбек тилида ҳам битган ва шеъриятда Алишер Навоийга тақлид қилган[2].

Усмонли турклар ҳукмдори Султон Салим I (1512–1520) сафавийлар (1502–1736) сулоласи билан катта жангларда қатнашган ва ғалабалар қозонган (масалан, 1514 йилдаги Чолдирон жанги). Навоий ижоди бўйича қатор мақолалар муаллифи венгриялик профессор Бенедек Перининг таъкидлашича, Султон Салим эронлик рақибларига ўз шеърий кучини кўрсатиш учун форс тилида шеър ёзган ва форсча шеърларидан иборат девон тузган[3]. Айни жараёнда форсийзабон шоирларга эмас, Навоийнинг форс тилидаги шеърлари мажмуаси – "Девони Фоний"си шеърларига эргашган[4]. Туркий классик – Навоийнинг айнан форс тилидаги шеърларига Султон Салимнинг назира битиши остида сиёсий асос мавжуд: у эроний сулолага ўзининг форсийда шеър битишда ҳам кучга эгалигини кўрсатишга интилган. Лекин бунинг учун форс шоирига эмас, Навоийнинг, яъни ўз туркий муҳитидан чиққан машҳур туркий шоирнинг форс тилидаги шеърларига тақлид қилган.

Усмонли султон Сулаймон Қонуний (1520–1566) Алишер Навоийдан жуда таъсирланган ва Навоий асарларига эга уч қўлёзмани саройи кутубхонасида сақлаган. Булардан бири – Навоий "Хамса"си 1531 йили Сулаймон саройида Истанбулда кўчирилган[5].

Тазкиранавис Латифий (1491–1582) ўзининг усмонли шоирларга бағишланган ва султон Сулаймон Қонунийга тақдим этган тазкирасида (1546 йилда тугалланган) Басирий тахаллусли шоир тўғрисида маълумот келтиради. Унинг ёзишича, Басирий Эронга яқин жойдан чиққан бўлиб, Боязид II даврида Жомий ва Навоий тавсиясига кўра Усмонлилар ўлкасига келганида ўзи билан Навоий девонини олиб келган[6]. Яна айни тазкирадаги маълумотга кўра туркистонлик Жамилий тахаллусли шоир Навоий шеърлари услубида шеър битган. Жамилий Навоийнинг уч девонидаги ҳар бир шеърга жавоб ёзган[7]. Унинг жавоблари бу уч девондаги ҳар бир шеърга қофияма-қофия тўғри келган. Аммо улар вазн ва қофияга кўра жавоб шеърлар бўлганлар[8]. Латифий хатто Фузулийни ҳам Навоий шеъриятига яқин услубда шеър битган деб ҳисоблаган[9].

Бир қатор усмонли адиблари Навоийнинг турли асарларидан илҳом олганликларини ёзганлар. Жумладан, Лорандали Ҳамдий (XVI аср) 1542 йили "Лайли ва Мажнун" достонини яратган. Асарини яратиши сабаблари тўғрисида гап кетганда у Жомий ва Навоийлар

[1] III.Selim (İlhamī). (Hayatı, edebi kişiliği ve divanın tenkitli metni). K.Yılmaz (haz.). Edirne, 2001. S.LV; Naci Okcu. Şeyh Galib, Hayatı, Edebi Kişiliği, Eserleri, Şiirlerinin Umûmi Tahlîli ve Divânın Tenkidli Metni, Kültür Bakanlığı Yayınları. Cilt 1-2. Ankara, 1993.

[2] Eraslan K. "Seydi Ali Reis`in Chağatayca gazelleri" // Istanbul Universitesi edebiyat fakultesi turk dili ve edebiyati dergisi. 18 (1970). S.133-138; Рўзмонова Р. Алишер Навоий анъаналарининг усмонли турк шеъриятига таъсири...

[3] Diwan-i Yawuz Sultan Salim. P. Horn (ed.). Berlin 1908.

[4] Peri B. The Influence of Mīr Alī-Šīr Navāyī's persian poetry on the ghazals of the ottoman Sultan Selim I (1512–1520) // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.74-80.

[5] Karatay F.E. Topkapi Sarayi Müzesi Kütüphanesi Turkche yazmalar kataloğu. Cild II. Istanbul, 1961, №2293; Rogers J.M. & Ward R.M. Suleyman the Magnificent. London, 1999. P.93-99; Osmanli resim Sanati. S.Bağci. F.Çağman, G.Rende, Z.Tanindi. Istanbul, 2006. S.57.

[6] Ўша асар. S.128.

[7] Тазкира муаллифи Навоий девонларини учта деганда Навоийнинг айнан қайси девонига асосланаётгани бизга маълум эмас. Балки у Навоий девонлари сони тўртта эканини билмаган.

[8] Latifi tezkiresi. S.147.

[9] Latifi tezkiresi. S.180.

лаймон Афанди билан учрашиш учун Истанбулда жойлашган ўзбеклар таккасига махсус келган[1]. Кейинчалик Шайх Сулаймон Афандининг мазкур луғатини тилга олган Игнац Кунош уни немис тилига таржима қилиб, нашр эттирган[2]. Бу ҳолат Ғарб олимлари томонидан эски ўзбек тилига ўша даврдан бошлаб муайян қизиқиш мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий ижодининг Усмонлилар муҳитига таъсирига оид мисолларни Ўрта Осиё адабий муҳитида тайёрланган айрим қўлёзмалар ҳам исботлайди. Қўқон хони Умархон (1810–1822) 1820 йили дипломатик совға сифатида Усмонлилар султони Маҳмуд II (1808–1839) учун икки нодир қўлёзма – "Қуръон" ва "Муҳаббатнома" номли шеърий тўпламни юборади[3]. "Муҳаббатнома" Алишер Навоий, Умархон (у Амирий тахаллуси билан ижод қилган), Лутфий ва Фузулий девонлари мавжуд эди[4]. Шуниси муҳимки, Умархон айни тўпламда ҳажман анча катта Навоий "Хазойин ул-маоний"сини, яъни тўрт девонни тўлиқ ҳолда келтиради. Аслида, Навоийнинг шеърларидан тузилган "Терма девон"лар XVI асрданоқ мавжуд бўлган. Масалан, 1516 йили кўчирилган "Навоийдан мунтахаб" (яъни Навоийдан танланган шеърлар – "Терма девон") деб шартли аталувчи Навоий шеърлари тўплами Истанбулдаги Тўпқопи музейи кутубхонасида сақланади[5]. Яъни Умархон "Муҳаббатнома"га Навоий "Хазойин ул-маоний"сини эмас, унинг асосида яратилган "Терма девон"ни киритиб қўя қолса бўларди. Бу ҳажм жиҳатдан ҳам "Муҳаббатнома"ни тайёрлаш ишини осонлаштирарди. Лекин Умархон осон йўлдан бормайди: ҳажман катта – 492 варақ (салкам ярим метр баландликда ва эни 27 см ва олий даража безатилган) қўлёзма вужудга келади. Навоий "Хазойин ул-маоний"си "Муҳаббатнома" тўпламининг салкам тўртдан уч қисмини эгаллайди (қолганида Умархон, Лутфий ва Фузулий девонлари). Навоийнинг Усмонлилар муҳитидаги ўрни катталигини билган Умархон Навоий шеърлари асосий қисмни эгаллаган мана шундай тўпламни Усмонлиларга тақдим қилади. Яна шуниси муҳимки, усмонли султонига юборилган ҳадя китоблар "Қуръон" ва шеърий тўплам – "Муҳаббатнома" бўлиб, ушбу ҳол Навоий шеърларига эга тўплам Қўқон муҳити ва Усмонлилар маданий доиралари учун қадрият сифатида қаралади.

Янги даврга ҳам бир назар: Навоий ижоди ва асарлари тадқиқи, матнлари нашри Туркияда XX асрдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Айни йўналишдаги дастлабки катта ишлардан бири туркиялик навоийшунос Огаҳ Сирри Левенд (1893–1978) томонидан Навоий ижоди ҳақида тўрт жилдли китоб чоп этилган эди[6]. Ўтган аср охирларида Туркияда Навоий асарлари матнлари нашрлари амалга оширилган: жумладан, Навоий "Хазойин ул-маоний" сига кирган тўрт девон, "Муҳокамат ул-луғатайн", "Насойим ул-муҳаббат" ва бошқа асарлари матнлари Туркияда нашр этилган[7]. Навоий "Илк девон" ва "Мажолис ун-нафоис" каби асарлари

---

[1] Bekıroğlu N. Şair Nigar Hanım. Güftesi garplı, besteşi şarklı. İstanbul, 1998. S.206.

[2] Sejx Sulejman Efendi`s Cagatay-Osmanisches Wörterbuch. Ignas Kunos (ed.). Budapest, 1902.

[3] Маҳмудов Ш. "Қурони карим – элларни боғлаб турувчи мустаҳкам қудратли восита" // Имом Бухорий сабоқлари. №10, 2010. Б.85-87.

[4] Эркинов А. "Умархон туздирган "Муҳаббатнома" мажмуаси тарихий манба сифатида" // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009. Б.217-222; Эркинов А. "Ноёб қўлёзма изидан" // Moziydan sado. 2009. 4-сон. Б.20-21; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. Тошкент, 2017.

[5] Karatay F.E. Topkapi Sarayi Müzesi Kütüphanesi Turkche yazmalar kataloğu. Cild II. Istanbul, 1961. №2302.

[6] Levend A.S. Alişir Nevai. I-IV cilt. Ankara: Türk tarih kurumu basimevi, 1965–1966.

[7] Масалан: Alî Şir Nevâyî. Fevāyidü'l-Kiber. Türk Dil Kurumu Yayını, Ö.Kaya (haz.), Ankara, 1996; Alî-Şîr Nevāy. Bedāyi'ü'l-vasat. Üçünçi Dîvān, TDK Yayınları. K.Türkay (haz.), Ankara, 2002; Alî Şir Nevâyî. Garaibü's-Sıgar. Türk Dil Kurumu Yayını. G.Kut (haz.), Ankara, 2003; Alî Şir Nevâyî. Nevādirü'ş-Şebāb. Türk Dil Kurumu Yayını, M.Karaörs (haz.). Ankara, 2006; Alî Şir Nevâyî. Muhakemetü'l-Lugateyn. Türk Dil Kurumu Yayınları, B.Özönder. F.Sema (ed.). Ankara, 1996.

танқидий матнларини яратиш бўйича диссертациялар ҳимоя қилинган[1]. Шоир достонларидан, масалан, “Ҳайрат ул-аброр” танқидий матни чоп этилган[2]. Бундай нашрларга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Умуман, Алишер Навоий ижодига усмонли турклар маданий муҳитидаги эътибор, ҳатто унинг матнлари тилини ўғузлаштиришга интилиш маълум даражада анъанага айланган. Айни маълумотлар Алишер Навоий ижоди ва сиймосининг Усмонлилар сулоласи давридаги катта ўрни бугунги кунда ҳам давом этаётганлигини кўрсатади.

Биз келтирган маълумотлар Алишер Навоий бадиий меросининг Усмонлилар адабиётидаги ўрнига оид айрим қайдларгина бўлиб, айни йўналишда амалга оширилажак тадқиқотлар ҳали олдинда.

2014–2017 йиллар

[1] Türk V. Nevâ’î Mecalisü’n-Nefa’is (Metin-İnceleme, Dizin), 2 Cilt. Fırat Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Türk Dili Ve Edebiyatı Bölümü Türk Dili Anabilim Dalı, Danışman: Prof. Dr. Tuncer Gülensoy, Elazığ (Basılmamış Dr. tezi) 1990; Özdarendeli N. Alî Şir Nevâyî İlk Divan inceleme-metin-dizin, Danışman: V.Türk, Trakya Üniversitesi / Sosyal Bilimler Enstitüsü / Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı. (Basılmamış doktora tezi) 2001.

[2] Alî Şir Nevâyî. Hayretü’l-ebrâr (Karşılaştırmalı Metin). Hazirlayan M.Sabir, T.Seyhan. Istanbul: Kesit, 2016; Alî Şir Nevâyî. Hayretü’l-ebrâr (Alfabetik Sözlük-Dizin).Hazirlayan M.Sabir, T.Seyhan. Istanbul: Kesit, 2016.

XIX АСР БОШИ ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЛЕГИТИМАЦИОН СИЁСАТ ВА УНИНГ ШЕЪРИЯТДА ИФОДАЛАНИШИ (АДО ВА ФАЗЛИЙ ШЕЪРЛАРИ МИСОЛИДА)[1]

Ўзбек адабиётшунослигида XIX аср боши Қўқон саройи адабий муҳитида ижод қилган Адонинг қуйидаги байти машҳур:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шаҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро

– яъни агар Адо сўзда (шеърда) Навоийдан ўзиб кетса нима қилибди, (Ахир) шоҳ Умархон зўрми ёки Султон Ҳусайн Бойқаро.

Адабиёт тарихи китобларида мазкур байт Қўқондаги феодал сарой муҳити вакили Султонхон тўра Адонинг мақтанчоқлиги, ўзини Алишер Навоийдан устун қўйиши сифатида баҳоланган. Навоийдек шоирдан Адонинг ўзини зўрроқ ҳисоблаб, Қўқон хони Умархон (1810–1822) Ҳусайн Бойқародан кўра афзалроқ санаяпти деган тарзда талқин қилинган. Мазкур ҳолат Навоийга нисбатан ҳурматсизлик ва беписандлик сифатида баҳоланган. Шаклан олиб қараганда шундай. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур байтни мусулмон Шарқи шеъриятида тарқалган фахрия усули деб аташ мумкин. Унга кўра ижодкор ўз шеърий маҳоратини кўрсатиш учун ўзини мақтайди (бугунги ибора билан айтганда, реклама қилади). Бундай ёндашувда Адо байтига қўйилган "айб" анча юмшайди. Лекин гап фақат фахрия усулида эмас. Кузатишлар адабиётга синфийлик мезонида ёндашиш хос бўлган совет замонида сарой аристократ адабиёти намунаси сифатида таърифланган мазкур байтдан бошқа катта, маданий-сиёсий мақсад кузатилганлигини кўрсатяпти.

Аввалambор, шуни таъкидлаш керакки, мазкур байт Умархон буйруғи билан 1821 йили Қўқон адабий муҳитида тузилиб[2], Амирий[3] тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархоннинг ва Қўқон сарой муҳитидаги 70 дан ортиқ шоир шеърларини ўз ичига олган "Мажмуаи шоирон" баёзида келтирилган[4]. Бу тўпламнинг бошқа ўрнида Адо, Умархон даври билан солиштирганда Ҳусайн Бойқаро замонаси ҳеч нарса бўлмай қолди, деган:

Бо ин жумла дод он қадри зеби сухан
Ки, мансух шуд даври Султон Ҳусайн.

Таржимаси:

---

[1] Нашр қилинган манба: Эркинов А. "XIX аср боши Қўқон хонлигида легитимацион сиёсат ва унинг шеъриятда ифодаланиши (Адо ва Фазлий шеърлари мисолида)" // "Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзуидаги Республика илмий анжумани материаллари. Фарғона, 2009. Б.207-210.

[2] Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII–XIX асрлар). Тошкент, 1961.

[3] Амирий. Девон. Нашрга тайёловчи М.Қодирова. Тошкент, 1972; Девони Амирий. ЎРШИ-1. №3642. 1270/1854-1855 йили кўчирилган.

[4] Мажмуаи шоирон. ЎРШИ-1. №7510. Хаттот – Муҳаммад Юнус Самарқандий. Мазкур қўлёзма асар яратилганидан бир йил ўтиб, 1238/1822-23 йили кўчирилган.

У [шеърий] сўзга шу қадар зеб бердики,
Султон Ҳусайн даври [ва бу давр шеърияти бунинг олдида]
сояда қолиб кетди.

Шеърда Умархон саройи муҳитидаги маданий юксалишини таъкидлаш учун шундай бўрттириш йўлидан борилган. “Мажмуаи шоирон”да унинг тузувчиларидан бири Фазлийнинг қуйидаги фахрияси ҳам бор:

Манам Фазлии номвар дар замон,
Низомии аср худам дар сухан.
Ба гуфтор дорам зи Жомий нишон,
Ба ашъори туркий Навоий баён

Таржимаси:

Мен замонанинг шуҳрат топган Фазлийсиман,
Сўзда ўз асримнинг Низомийсиман,
Шеърда Жомийдек шоирман,
Ўзбекча шеърда эса Навоийдекман.

Демак, ўзини Шарқ адабиётининг классикларидан қолишмайдиган шоир эканлигини таъкидлаш, ўзбек шеъриятида Навоийдекман, ҳатто Низомийдекман ёки форсийча шеърда Жомий кабиман дейиш Қўқон адабий муҳитида учраб турадиган ҳодиса бўлиб чиқяпти. Бундай мисолларни “Мажмуаи шоирон”дан яна топиш мумкин. Хўш, нега шундай? Адо ёки Фазлийларнинг Ҳусайн Бойқаро даври шоирларидан қолишмасликлари ҳақидаги таъкидлари тасодифми ёки муайян мақсадга қаратилган ҳаракат маҳсулими?

2003 йили Париждаги Франция миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондидан мавжуд бўлган у, ҳозиргача таркиби нотўғри кўрсатиб келинган бир баёзнинг[1] хусусиятини аниқлаш, бундай саволлардан келиб чиқувчи жавобнинг топилишига йўл очиб берди[2]. Мазкур баёз 1836 йили Умархоннинг ўғли, Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842) учун кўчирилган. Унда “Хон” тахаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммадалихоннинг иккита ғазали, Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган қасидаси ва Қўқон саройидаги 70 шоирдан бири Дабирнинг Муҳаммадалихонга бағишланган қасидаси келтирилган. Тўпламда тартиб бўйича аввалига Хон шеърлари, Жомий қасидасидан ва Дабирнинг Муҳаммадалихонга ёзган қасидасининг берилиши тасодифий эмас. Бу билан Дабир подшоҳини Ҳусайн Бойқарога (Ҳусайн Бойқаро “Ҳусайний” тахаллуси билан шеърлар ёзган[3]), ўзини эса Жомийга ўхшатмоқчи. Жомийнинг ўз даври ҳукмдорига ёзган қасидаси ва у билан кетма-кет берилган Дабир қасидаси ҳам бунга билвосита ишора қилаяпти. Айни баёзни Дабирнинг ўзи тузган ва ўз қўли билан кўчирган. Яъни, моҳиятан, Дабир Адо ва Фазлий йўлидан бориб, ўзини Ҳирот муҳити шоиридек деб баҳолаган.

[1] Баёз. BNF–SP. №1446.
[2] Erkinov A. “Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand” // Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siecles / Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F.Richard, M.Szuppe (eds.), (Cahiers de Studia Iranica). Paris, 2008. P.285-330; Erkinov A. “Un temoin important du mecenat de Muhammad-‘Ali khan, le manuscript Supplement persan 1446 de la BNF” // Studia Iranica. 37, 2008. P.129-138.
[3] Ҳусайн Бойқаро. Девон, рисола. Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. Тошкент, 1995.

Шу ўринда академик Азиз Қаюмовнинг қуйидаги гаплари ёдга келади: “Умархон бошлиқ сарой шоирлари XIX аср биринчи чорагидаги Қўқон адабий муҳитини Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий яшаган даврдаги XV аср Ҳирот адабий муҳитига монанд қилиб тасвирлар эдилар”[1]. Яъни бу даврда Ҳусайн Бойқаро даврига Қўқон адабий муҳитини ўхшатишга интилиш мавжудлигидан келиб чиқиб, Қўқон саройи муҳити шоирлари ўзларини Навоий-ю Жомийга ўхшатиб, ҳукмдорларни эса бир шоҳ – Ҳусайн Бойқаро каби эканлигини турли воситалар орқали таъкидламоқчи бўлганлар. Қўқон адабий муҳити Ҳиротдагидан қолишмайди, демоқчи бўлганлар. Шу ўринда Қўқон хонлигининг келиб чиқиши билан боғлиқ “Олтин бешик” афсонасини эслаш керак бўлади[2]. Унга кўра, 1512 йили Бобур ўз хонадони билан душманлари таъқибидан қочиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетаётганида ичида ўғилларидан бири ётган бешикни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик маҳаллий аҳоли бу болани топиб олиб, унинг кимнинг авлоди эканлигини билиб, ўзларига раҳбар қилиб тайинлашади. Болага Олтин бешик деб исм қўйиб, тарбиялаб катта қилишади ва ундан Қўқон хонлари авлоди тарқайди. Олтин бешик 1512–1545 яшаб ўтган дейилади[3]. Қўқон хонлигига 1710 йили минг уруғи асос солганлигини эсласак, Темурийлардан кейинги салкам 200 йиллик бўшлиқ (дастлабки Қўқон хони Шоҳрухбий (1709–1721) давригача) “Олтин бешик” афсонаси хамда тарихан мавжуд бўлмаган ўнта ҳукмдор номи орқали тўлдирилади. Мана шундай афсона йўли билан Қўқон хонлигига асос солган минг уруғи ўз шажарасини темурийларга боғлайди. Шуниси қизиққи, “Олтин бешик” афсонаси XIX аср бошидан, яъни Умархон ҳукмронлиги даври Қўқон тарихчилари асарларидан бошлаб келтирилади[4].

Афтидан, Умархон даврига келиб Қўқон хонларининг ўзларини темурийларга боғланишларини исботлаш, ифодалаш ва буни асослашга бўлган эҳтиёжлари кучайган кўринади. Чунки “Мажмуаи шоирон”нинг айни шу даврда тузилиши, унда марказий ўринни Умархонга қасидалар ва Умархон шеърларига эргашиб ёзилган ғазаллар эгаллаши, Адо, Фазлий ҳамда Дабирнинг Навоий-ю Жомийларга ўхшашга даъво қилиши, ниҳоят Олтин бешик билан боғлиқ афсонанинг тарихий фаоллашуви айнан бир даврга – XIX асрнинг 10-30-йилларига тўғри келаяпти. Айни ҳаракатларнинг ортида Қўқон хонлари ўзларини темурийлар билан нафақат насл-насабда, балки маданий даражада ҳам боғланишларини, масалан, Умархон даври Ҳусайн Бойқаро даврини эслатишини шеърий ижодкорлик орқали кўрсатмоқчи бўляптилар. Мазкур ҳаракат Қўқон хонлигида давлат маданий сиёсати даражасида ўз ифодасини топганлигини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.

---

[1] Ўзбек адабиёти тарихи. IV том. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми. Тошкент: Фан, 1978. Б.53.

[2] Бейсембиев Т.К. “Тарих-и Шахрухи” как исторический источник. 1987; Бейсембиев Т.К. “Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по идеологии в Средней Азии (на материалах сочинений кокандской историографии)” // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI–XVIII вв. Алма-ата, 1983. С.94-105; Бейсембиев Т.К. “Возрождение чагатайской государственной идеи в Мавераннахре (конец XVIII – начало XIX вв.)” // Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашт-и Кипчака. Алматы, 2004. С.97-114; Вахидов Ш. Источники использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении “Тухфатут-таварихи хани” (“Тарихи Джаханнамаи”)”. Адабий мерос. 4(50), 1989. С.31-36; Воҳидов Ш.Х. XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1998.

[3] Наливкин В. “Краткая история кокандского ханства” // История Средней Азии. Издатели А.И. Булдаков, С.А. Шумов, А.Р. Андреев. Москва, 2003. Р.288-290; Эргашев Қ. Нодирабегим ва Олтинбешик афсонаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 35-сон.

[4] Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамоий. ЎРШИ-1. №9455; Ибрат И. Фарғона тарихи. // Мерос. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Бобобеков, М.Ҳасаний. Тошкент, 1994; Ибрат. Тарихи Фарғона. ЎРШИ-1. №11616. 1344/1925-1926 йили кўчирилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср боши Қўқон хонлигидаги давлат ворислилик (легитимацион) сиёсатида Темурийларга боғланишни ҳар жиҳатдан, жумладан, маданий муҳитда кўрсатишга бўлган интилиш кучайган. Адо ва Фазлийнинг келтирилган шеърлари мана шу сиёсатга мос мисоллар бўлиб чиқаяпти. Адо, Фазлий Намангоний ва “Мажмуаи шоирон”даги бошқа шеърларда ҳам бундай муносабат мавжуд. Демак, XIX аср боши Қўқон хонлигида давлат легитимацион сиёсати асосларини кучайтириш учун шеъриятдан ҳам фойдаланилган.

2009 йил

ТЕМУРИЙЛАР – ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СУЛОЛАВИЙ ЛЕГИТИМАЦИЯСИ УЧУН МОДЕЛЬ СИФАТИДА (XIX–XX АСР БОШИ САРОЙ БАЁЗЛАРИ МИСОЛИДА)[1]

Ўзбек адабиёти тарихида баёзларнинг ўзига хос ўрни бор. Баёз – бу турли шоирлар шеърларини ўз ичига олган шеърий тўплам бўлиб, унда муайян даврдаги китобхонлар диди акс этади[2]. Баёзлар, моҳиятан, бадиий адабиётга хизмат қилади. Лекин айни пайтда ижтимоий-сиёсий масалалар, хусусан, сулола легитимацияси учун хизмат қилиши ҳам мумкин. Биз ушбу мақолада айнан шу турдаги баёзлар ва уларнинг тузилиш тамойиллари ҳақида фикр юритамиз[3].

Мазкур мақоланинг ёзилишига 2003 йили Париждаги Франция миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондидаги ҳозиргача таркиби нотўғри тавсифлаб келинган кичик бир баёз сабабчи бўлди. Бу баёз Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842) тахтда ўтирган даврда, 1251 йил шаввол ойи / 1836 йил январь-февраль ойларида кўчирилган[4]. У 8 бетдан иборат бўлиб, унда 4 та шеър келтирилган. Баёзда Муҳаммадалихоннинг эски ўзбек тилидаги икки ғазали, Дабирнинг Муҳаммадалихонга бағишланган форсий қасидаси ва Абдураҳмон Жомийнинг (1442–1492) Ҳусайн Бойқарога (1469–1506) бағишлаган форсча қасидаси келтирилган:

Муаллиф номи	Шеър жанри	Саҳифалари
Муҳаммадалихон	Ғазал (2 та)	1 б-2 а
Дабир	Қасида	2 б-3 а
Абдураҳмон Жомий	Қасида	3 б-4 а

[1] Мақола мазмуни қуйидаги нашрларда ўз ифодасини топган: Erkinov A. “Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand”// Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles // Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F.Richard, M.Szuppe (eds.), (Cahiers de Studia Iranica 40). Paris: AAEI, 2008, P.285-330; Erkinov A. Persian-Chaghatay Bilingualism...; Erkinov A. Un temoin important du mecenat de Muhammad-‘Ali khan, le manuscript Supplement persan 1446 de la BNF. In: Studia Iranica. 37, 2008. P.129-138. Мазкур мақола Германиянинг Герда Хенкель (Gerda Henkel Stiftung – AZ 10/ZA/08) фонди лойиҳаси доирасида ёзилди. Мақолага асос бўлган Муҳаммадалихон билан боғлиқ баёз Парижда, Франция миллий кутубхонасида сақланади.

[2] Баёзлар ўзбек адабиётшунослигида Ё.Исоқов, М.Ҳамидовалар томонидан ўрганилган. Ҳозирги вақтда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 700 га яқин турли баёзлар сақланади (Erkinov A. Les copies des anthologies poétiques persan-chaghatây de la Bibliothèque nationale de France: contribution à l’étude des bayâz de l’Asie Centrale (XVe-XIXe s.) // Studia Iranica. 33/2 (2004). P.221-242).

[3] Қўқон хонлиги тарихи ва адабий муҳити билан боғлиқ бир қатор хорижий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, афсуски биздаги илмий жамоатчиликка улар яхши маълум эмас (Nettleton. S.S. “Ruler, Patron, Poet: ‘Umar-khan in the blossoming of the khanate of Qoqan, 1800–1822” // International Journal of Turkish Studies. Winter 1981-82 . vol.2, No2. P.127-140; Khudāyar I. Gharibāha-ye āshnā. She‘r-i fārsi-ye Māvara al-nahr qarn-e bist ba tike bar muhithayi adabi-ye Khoqand va Khvārazm. Tehrān: Mu`assasa-ye mutālat-e mellii. 1384/2006). Кейинги йилларда Қўқон тарихи ва адабиёти бўйича Бахтиёр Бобожонов, Темур Бейсембиев ва Николай Терлецкийлар томонидан оригинал тадқиқотлар яратилди [Бейсембиев Т.К. Кокандская историография: исследования по источниковедению Средней Азии XVIII–XIX веков. Алматы, 2009; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010; Terletsky N. “Some data about the early works of the Khuqand historiography”// Manusripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research. 11/1 (Helsinki-Saint-Petersburg, 2005). P.3-19.

[4] Баёз. Франция миллий кутубхонаси. BNF-Supplement persan, №1446.

Мазкур баёз француз Шарқшуноси Чарлз Шеффер (Charles Scheffer, 1820–1898) фондидан кутубхонага ўтган[1]. Биз аввалига бу қўлёзмани шунчаки анъанавий бир баёз деб ўйладик. Аммо иш жараёнида туғилган баъзи саволлар диққатимизни тортди. Масалан, Франция миллий кутубхонаси форсий қўлёзмалари тавсифига бағишланган каталогда Эдгар Блоше мазкур қўлёзмадаги Муҳаммадалихон қаламига мансуб икки ғазални Хива хонига тегишли деган хато хулосага келган[2]. Мазкур баёз матни тилла суви билан зарҳалланган жадвал-лар ичига ўзига хос тарзда кўндалангига жойлаштирилиб, ундаги ҳар мисра атрофи тилла суви билан афшон қилинган. Аслида, юзлаб баёзлар ичида бундай кўндалангига очилувчи баёзлар миқдори жуда кам, яъни бир фоизни ҳам ташкил қилмайди. Нега шундай? Нима учун бу баёз Муҳаммадалихон учун махсус тайёрланган экан? Баёзда бор-йўғи тўрттаги-на шеърни келтиришдан мақсад нима? Айнан шу каби саволлар мазкур мақоламизнинг вужудга келишига туртки бўлди. Фикримизча, бу баёз Қўқон хонлигидаги легитимацион сиёсатни асослаш учун махсус тузилган. Сабаби айнан XIX аср бошида легитимация масала-си мазкур хонликдаги сиёсат учун муҳим аҳамият касб этган эди. Зеро, Қўқон хонлигидаги легитимация масаласи ҳозиргача қисман ўрганилган[3].

Тарихдан маълумки, ҳокимият устида ҳукмронлик қилаётган бирор сулола сиёсий жиҳатдан кучайишни бошлаши билан ўз юзи – идентификация (ўзлиги), келиб чиқишини (шажара, генеалогия) излашга ва тузишга киришади, намунавий сулолаларга (масалан, Темурийлар (1370-1506) тақлид асосида ўзлигини намоён қилишга уринади. Темурийлар сулоласи ўз ҳокимияти даврида мусулмон Шарқининг кўп мамлакатлари учун намунавий модел саналиб, XV аср сўнгидан бошлабоқ, унга бир неча асрлар мобайнида тақлид қилин-ган[4]. Айни жараёнда Амир Темур (1370–1405) шахсияти ва сўнгги темурийлардан бўлмиш

---

[1] Франция миллий кутубхонасининг форс тилидаги қўлёзмалар бўлими бошлиғи Франсис Ришар маълумоти.

[2] Blochet E. Catalogue des manuscripts persans de la bibliotheque Nationale. Tom III, Paris, 1928, №2010.

[3] Бейсембиев Т.К. "Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по идеологии в Средней Азии (на материалах сочинений кокандской историографии)" // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI-XVIII вв. Алма-ата, 1983. С.94-105; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство. С.306-361; Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнавислик. Тошкент, 2010; Erkinov A. Les timourides, modeles de légitimité…; Erkinov A. Un temoin important du mecenat...

[4] Lockhart L. Nadir Shah: A Critical Study Based Mainly upon Contemporary Sources. London, 1938. P.233; Семенов А.А. "Культурный уровень первых Шейбанидов" // Советское востоковедение. №3, 1956. С.51-59; Subtelny M. E. "Art and politics in early 16th century Central Asia" // Central Asiatic Journal. Vol. 27. №1-2, 1983. P.121-148; Fleischer C. Bureaucrat and Intellectual in the Ottoman Empire: The Historian Mustafa Ali (1541–1600). Princeton, 1986. P.273-292; Szuppe M. Entre Timourides, *Uzbeks et Safavides: questions d'histoire politique et sociale de Hérat dans la première moitié du XVIe siècle.* Paris, 1992; Szuppe M. "L'evolution de l`image de Timour et des Timourides dans l`historiographie safavide, XVIe-XVIIIe siècles" // L`Héritage timouride. Iran – Asie centrale – Inde XVe-XVIIIe siècles [Cahiers d'Asie Centrale 7], M. Szuppe (éd.). IFEAC - Édisud, Tachkent - Aix-en-Provence. 1997. P.313-331; Imber C. "Ideals and Legitimation in Early Ottoman History" // Suleyman the Magnificent and His Age: The Ottoman Empire in the Early Modern World. M.Kunt, C.Woodhead (eds.). London, 1995. P.138-153; Michael J. "Centralization and Timurid Creativity" // Oriente Moderno. Numero monografico la civilta timuride come fenomeno internazionale. Michele Bernardini (ed.). Vol.II (Literatura-Arte). Nuova serie, Anno XV (LXXVI). 1996. P.533-550; Quinn Sh.A. "Notes on Timurid Legitimacy in Three Safavid Chronicles" // Iranien Studies. Historiography and Representation in Safavid and Afsharid Iran. R.Matthee (ed.). Vol.31, No.2, Spring 1998. P.149-158; Quinn S.A. Historical Writings During the Reign of Shah 'Abbas: Ideology, Imitation, and Legitimacy in Safavid Chronicles. Salk Lake City, 2000. P.89, 99-102, 127-128; Bernardini M. "Ottoman "Timuridism": Lami'i Çelebi and his Şehrengiz of Bursa" // Irano-Turkic Cultural Contacts in the 11th – 17th Centuries. E.M. Jeremiás (ed.). Piliscsaba, [2002] 2003. P.1-16; Erkinov A. "The Poetry of the Nomads and Shaybani Rulers of Transition to a Settled Society" // Central Asia on Display: Proceedings of the VII. Conference of the European Society for Central Asian Studies (27-30 September, 2000). G.Rasuly-Paleczek, J. Katsching (eds). Vienna, 2005. P.145-150; Tucker E.S. Nadir Shah's Quest for Legitimacy in Post-Safavid Iran. Florida, 2006. P.10-13, 38, 68-75, 78; Tucker E.S. "Seeking a World Empire: Nadir Shah in Tīmur's Path" // History and Historiography of Post-Mongol Central Asia and the Middle East. Studies in Honor of John Woods. J.Pfeiffer, S.Quinn & E.Tucker

Ҳусайн Бойқаро (1469–1501) давридаги Ҳирот маданий муҳитининг ўрни катта бўлган. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳри дунё миқёсидаги маданий марказ бўлиб, бу шаҳарда санъат ва фан жуда тараққий топган эди[1].

Масалан, Қўқон хони Умархон (1810–1822) даврига келиб, сулоланинг Темурийлар билан боғланиш истаги кучаяди: Муҳаммадалихоннинг отаси – Умархон даврида хонликда ижтимоий-сиёсий муҳит анча яхшиланиб, адабиёт ва санъат ривожланади. Мана шу шароитда легитимация масаласи долзарблик касб эта бошлайди. Натижада Қўқон хонлари ўз шажараларини Темурийлар билан боғлашга уринадилар.

Умархон даври Қўқон хонлигида маданий кўтарилиши билан ажралиб туради. Унинг саройида 70 дан ортиқ шоирдан иборат адабий муҳит шаклланиб, кўплаб тарихий асарлар яратилади ва уларнинг аксариятида "Олтин бешик" афсонаси келтирилади[2]. Мазкур афсона ҳақида турли тадқиқотлар мавжуд бўлиб, мазмуни халқимизга яхши таниш[3]. Унга кўра, 1512 йили Бобур ўз хонадони билан душманлари таъқибидан қочиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетаётганида, иложсиз ҳолда ўғилларидан бирини бешиги билан ташлаб кетишга мажбур бўлади. Болани топиб олган маҳаллий аҳоли вакиллари унинг айнан кимнинг авлоди эканлигини билиб, ўзларига раҳбар қилиб тайинлашар экан, унга Олтин бешик деб исм қўйишади. Уни парваришлаб, тарбиялаб вояга етказишади ва ундан Қўқон хонлари авлоди тарқайди. Мана шундай афсона йўли билан Қўқон хонлигига асос солган минг уруғи ўз легитимациясини темурийларга боғлайди[4]. Олтин бешик 1512–1545 йилларда яшаб ўтган дейилади.

В.П.Наливкин (1852–1918) бу маълумотларни тарихий ҳақиқат эмас, балки афсона деб ҳисоблайди ва уларнинг мавҳумлиги, деярли хронологик кетма-кетликка эга эмаслиги ҳамда ҳаддан ташқари қисқалигини бунга сабаб қилиб кўрсатади[5]. Дарҳақиқат, "Олтин бешик" афсонаси тарихий ҳақиқатга ўхшамайди. Шунга мос тарзда Қўқон хонлари легитимациясида ҳам сохталик кўзга ташланади. Чунки "Олтин бешик" афсонаси Темурийлар тарих саҳнасидан кетган даврдан (1506 йил) бошлаб, то Қўқон хонлиги вужудга келгунгача бўлган оралиқни (1710 йил) тўлдириш вазифасини ўташ учун керак бўлган. Мазкур афсона фақат XIX аср бошларига келибгина тарихий манбаларда қайд қилина бошлаган[6].

Бу афсонадан келиб чиққан ҳолда Қўқон хонлари темурийлар даврига интилиши керак эди. Зотан, Умархон ўз девонига ёзган дебочасида шажарасининг Амир Темур ва Бобур (1483–1530) билан боғланишини қайд этган:

"Вужудум гулбуни Темур кўрагон гулистонининг шажарасини самарасидур... Хилқатим ниҳоликим, Бобур султон чаманининг навбодасидур"[7]. Нодира тахаллуси билан шеърлар

(eds.). Wiesbaden, 2006. P.332-342; Dale S.F. "The legacy of the Timurids" // India and Central Asia: Commerce and Culture, 1500–1800. S.C.Levi (ed.). New Delhi, 2007. P.176-199.

[1] Gandjei T. Uno scritto apologetico de Husain Mīrzā sultano del Khorāsān. Annali dell`Istituto Universitaro Orientale di Napoli. V, (1953). P.157-183.

[2] Масалан, Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамоий. ЎРШИ-1, №9455. Варақ 1 б-15 б; Бейсембиев Т.К. Легенда о происхождении...

[3] Бейсембиев Т.К. Легенда о происхождении…; Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида…

[4] Мақоламиздаги Т.Бейсембиев, Б.Бабаджанов ва Ш.Воҳидов нашрларига қаранг.

[5] Наливкин В. Краткая история кокандского ханства. История Средней Азии. Издатели А.И. Булдаков, С.А. Шумов, А.Р. Андреев. Москва, 2003. P.287-290.

[6] Вахидов Ш. Источники использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении "Тухфатут-таварихи хани" ("Тарихи Джаханнамаи")" // Адабий мерос. 4(50), 1989, С.32-33; Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида... Б.129-137; Стори Ч.А. Персидская литература: био-библиографический обзор. Часть II. Пер. Ю.Э.Брегель. Москва: Восточная литература, 1972. С.1187-1189.

[7] Девони Амирий. ЎРШИ -1, №3642. 3[a] в. 1270/1854-1855 йили кўчирилган.

битган Умархоннинг умр йўлдоши Нодирабегим (1792–1842) эса шеърларида ўзининг Темур ва Бобур авлодидан эканлигини таъкидлаши қаторида, Олтин бешикни Бобурнинг ўғли сифатида тилга олади[1].

Умархон ва Нодираларнинг фарзанди Муҳаммадалихон буйруғи билан 1254/1838-1839 йили Қўқонда олти ой ичида бир хил ҳажм ва таркибда Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девони 300 нусхада кўчирилади. Шу қўлёзма нусхаларидан бирининг колофонида Қўқон хонлари шажараси Амир Темур ва Бобур билан боғланганлиги котиб томонидан таъкидланган:

"Муҳаммадалихон... Бобур дудмонин умдаси ва Темур хонадонин зубдаси..."[2].

1821 йили Умархон кўрсатмасига биноан "Мажмуаи шоирон" баёзи тузилади[3]. Бу мақоламиз бошида сўз юритганимиз Париж қўлёзмаси вужудга келишидан 15 йил аввал рўй берган. "Мажмуаи шоирон" Қўқон хонлиги саройи муҳитида ижод этган етмишдан ортиқ шоир шеърларидан ташкил топган. Улар бошида турган Умархон мазкур мажмуа воситасида янада кўпроқ темурийларга ўхшашга интилади. Айни нияти билан у сўнгги темурийлар давридаги маданий уйғониш даври – Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий фаолият юритган Ҳирот муҳитига эътиборини қаратади. "Мажмуаи шоирон"да Умархон шеърлари ва унга бағишлаб ёзилган назира, қасидаларнинг асосий ўринни эгаллашини ҳам унинг мазкур интилишидан келиб чиққан деб баҳолаш мумкин. Зеро, "Мажмуаи шоирон" 633 шеърдан ташкил топиб, уч асосий қисмдан иборат. Биринчи қисмнинг таркибини Умархонга бағишланган 76 та қасида ташкил қилади. Иккинчи қисм эса Умархон шеърлари ва уларга Қўқон саройи муҳитидаги барча шоирлар эргашиб ёзган пайрав ғазаллардан иборат бўлиб, қуйидаги жадвалда бу эргашишлар хусусиятлари кўрсатилган:

№	Ғазал (араб ёзувидаги ҳарфга)	Умархон ғазаллари	Шоирлар ғазал-пайравлари	Бир ҳарфга ёзилган жами шеърлар	Шеър радифи ва миқдори (агар мавжуд бўлса)
1	ا	2	36	38	–
2	ب	1	22	23	имшаб – 21
3	ت	2	21	23	ангушт – 16
4	ث	2	3	5	боис – 5
5	ج	1	8	9	тож – 9
6	ح	1	5	6	–
7	خ	1	8	9	–
8	د	2	16	18	руд – 7
9	ذ	1	7	8	коғаз – 7
10	ر	2	31	33	устиндадур – 6

[1] Нодира-Комила. Девон. Нашрга тайёрловчи М.Қодирова. Тошкент, 2001. Б.286, 297, 321.

[2] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. ЎРШИ-1. №1709. 1254/1838-1839 йили кўчирилган. Варақ 477 а.

[3] Кейинги йиллардаги изланишлар шуни кўрсатдики, фанда саройларда тузилган тазкиралар сифатида тақдим қилинган баъзи асарлар баёз бўлиб чиқди. Булар қаторига тилга олганимиз "Мажмуаи шоирон" ва Хива хонлигида 1908 йили тузилган "Мажмуаи шуаройи Ферузшоҳий" номли шеърий тўпламларни киритиш мумкин. Бу икки асар ҳозирга қадар тазкира жанрида деб қараб келинган. Яъни уларда шоирлар таржимайи ҳоли келтирилган дея кўрсатиларди. Аслида эса, бу икки асарда келтирилган шоирлар ҳақидаги қисқача маълумотлар улар шеърларидан олдин берилиб, шоир шеъри учун муқаддима вазифасини ўтайди, холос. Биз фақат"Мажмуаи шоирон" ва "Мажмуаи шуаройи Ферузшоҳий" асарларига диққат қаратмоқчи бўлганлигимиз боис уларнинг жанри, ҳозиргача кўрсатиб келинаётганидек, тазкира эмас, балки баёз эканлигини таъкидлаб кетмоқчимиз.

11	ز	1	12	13	ҳануз – 4
12	س	1	6	7	–
13	ش	2	12	14	этмиш – 3
14	ص	1	4	5	мархаз – 4
15	ض	1	6	7	–
16	ط	1	5	6	хат – 12
17	ظ	1	6	7	ҳаз – 6
18	ع	1	8	9	шамъ – 8
19	غ	2	13	15	тароғ – 14
20	ف	1	10	11	як тараф – 11
21	ق	1	10	11	уйонмоқ – 11
22	ك	1	15	16	кўрунг – 16
23	ل	1	5	6	қил – 6
24	م	1	14	15	ангуштам – 13
25	ن	3	49	52	чашми ман – 17 омад бурун – 19 ўлсун – 12
26	و	1	6	7	бу – 7
27	ه	2	24	26	устина – 18 ичра – 5
28	ى	5	45	50	тўти –23 ал-қамари – 8 бири – 11 дўндирди – 5
Жами		**42**	**407**	**449**	Бир хил радифли шеърлар – 304

Мазкур 2-қисм 449 та ғазалдан иборат бўлиб, унда Умархоннинг 42 (9 %) та ғазалига, 71 шоирнинг 407 (91 %) та ғазалига пайрав ғазал берилган. Бу икки тур ғазалларнинг миқдорий муносабатларини фоизларда батафсил акс эттириш мумкин (1-илова).

Жадваллардан кўриниб турганидек, пайрав ғазаллар миқдори Умархон ғазалларига нисбатан кескин ажралиб турибди:

Қисмлар	**Умархон мадҳ этилган шеърлар ва унинг шеърига пайравлар**	**Жами шеърлар (Умархон шеърлари ва мадҳ учун ёзилмаганлари билан бирга)**	**Баъзи шеърлар бошидаги маснавийлар**	**Саҳифалар**
I	76 қасида	80	79	15^{б}-119 ^{а}
II	407 ғазал	449	449	119^{б}-295^{а}
III	16 мухаммас	104	35	295^{а}-344^{б}
Жами	**499**	**633**	**563**	**1^{б}-347^{а}**

“Мажмуаи шоирон”да жами 633 та шеър мавжуд бўлиб, шулардан 449 таси, яъни 79 % Умархон билан алоқадор: Умархон ёзган, унинг шеърларига эргашиб яратилган ёки Умар-

хон мадҳ этилган. Қолган 21 % шеърлар нисбатан эркинроқ мавзуларда битилган. Умархон шеърий эргашишлар орқали ўз шахсиятини улуғламоқчи бўлган.

Мусулмон Шарқи адабий анъаналарига кўра, шоир туркий тилдаги шеъриятда ўз маҳоратини кўрсатиши учун шеърият гигантлари, жумладан, форс классиклари Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Хисрав Деҳлавий ва Жомийга, туркий адабиёт классикларидан Навоий ёки Фузулий шеърларига эргашиб шеър битиши керак бўлган[1]. Шуниси эътиборни жалб қиладики, "Мажмуаи шоирон" таркибига эътибор қилинса, Умархон шеъриятда фақатгина тўртта шоирни ўзидан устун деб билган чоғи: Темурийлар давридаги туркий шеър классиклари – Лутфий ва Навоий; форс адабиётининг икки классиги – Бедил ва Соиб (2-илова). "Мажмуаи шоирон"да Умархоннинг фақат шу шоирларга ёзган мухаммаслари келтирилган. Умархондан аввал бир вақтнинг ўзида фақат Алишер Навоий (1441–1501) шеърларига шунчалик кўп шеърий жавоблар ёзилганди. Кўринишидан, "Мажмуаи шоирон" воситасида Умархон ўзини замонасининг классик шоири сифатида тақдим этган. Айни вақтда бу усул билан Умархон Ҳусайн Бойқарога ўхшамоқчи бўлади. Бунга ишорани Умархон саройи шоири Султонхонхўжа Адонинг "Мажмуаи шоирон"да келтирган машҳур байтида ҳам кўриш мумкин:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг
Шаҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро[2].

Совет адабиётшунослигида мазкур мисолда Адо мақтаниб ўзини Навоийдан, Умархонни Ҳусайн Бойқародан устун қўйган, деган фикр ҳукмрон эди[3]. Аслида, Адо фахрия услубини қўллаб, шоирликда кучи борлигини таъкидлаш учун шундай деган[4]. Зеро, Шарқда фахрия услуби билан шоир ўз маҳоратини ҳозирги кун тили билан айтганда, реклама қилиши табиий ҳол саналган. Бу мисол орқали Адо ўзини Навоийга, Умархонни Ҳусайн Бойқарога ўхшатяпти. Бу ўхшатиш ортида Умархон замонини ҳар жиҳатдан сўнгги темурий Ҳусайн Бойқаро муҳитига қиёслаш ётибди.

Айни ёндашув – Ҳусайн Бойқаро муҳитига ўз даврини ўхшатишни 1836 йили Муҳаммадалихон учун кўчирилган, биз юқорида таркибини тавсифлаган Париж қўлёзмасида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур қўлёзмани Умархон саройи муҳитидаги Темурийларга ўхшашликка интилиш йўналиши таниш бўлган сарой шоирлардан бири машҳур хаттот Дабир кўчирган. Дабир қўлёзмага Муҳаммадалихоннинг икки ғазалини, Абдураҳмон Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаган қасидасини, ҳамда ўзининг Муҳаммадалихонга бағишлаб ёзган қасидасини киритганлигини таъкидлаган эдик. Афтидан, мазкур ҳолатда Дабир ўзини билвосита Жомийга, Муҳаммадалихонни эса Ҳусайн Бойқарога ўхшатмоқчи бўлган. Демак, Қўқон сарой адабий муҳитидаги икки баёз – "Мажмуаи шоирон" ва Париж тўпламларида темурийлар ва уларнинг муҳитига, хусусан, мазкур сулоланинг маданий юксалиш

---

[1] Erkinov A. "Persian-Chaghatay Bilingualism in the Intellectual Circles of Central Asia during the 15th-18th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz)" // International Journal of Central Asian Studies. C.H.Woo (ed.). vol.12, 2008, P.57-82.

[2] Мажмуаи шоирон. ЎРШИ-1, №7510. Варақ 121[6].

[3] Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII-XIX асрлар). Тошкент, 1961; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. IV том: XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми. Тошкент: Фан, 1978.

[4] Эркинов А. "Гар Навоийдин Адо сўзни ўткарса..." ёки Адо Навоийдан устун бўлмоқчимиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 6-сон.

вақти – Ҳусайн Бойқаро даврига ўхшашга интилиш ифода этилган экан. Айни маданий ҳолат воситасида Қўқон хонлиги ўзининг шажаравий жиҳатдан Темурийларга боғланиши бежиз эмаслигини кўрсатмоқчи ҳам бўлади. Бухоро хонлигидаги легитимация тарихи ва назариясини ўрганган Анке фон Кюгельген айни турдаги легитимацияни "тақлид қилиш учун намуна бўлган объектга эргашиш (ориентация) асосидаги легитимация" ("Exempel-orientierte Legitimitat" – "посредством ориентации на образец для подражания") деб атаган[1]. Қўқон хонлиги учун Темурийлар ва айниқса, Ҳусайн Бойқаро замонаси ана шундай "тақлид қилиш учун намуна бўлган объект" эди. Бундай тип легитимация юқорида келтирганимиз Олтин Бешик афсонаси ва Қўқон баёзларининг вужудга келиш асосини намоён қилган бўлиши мумкин.

Энди яна мақоламиз бошидан диққат марказимизда бўлган, Муҳаммадалихон учун тайёрланган Париж қўлёзмаси масаласига қайтсак. Умархон 1822 йили ҳаётдан кўз юмади ва 14 ёшли Муҳаммадалихон тахтга ўтиради. У ҳам отаси каби шеърлар ёзарди. Бироқ Муҳаммадалихон даврида Қўқон хонлиги саройида Умархон давридагидек адабий муҳит вужудга келмади.

Юқорида қайд этганимиздек, Париж баёзида тўрттагина шеър мавжуд. Қўлёзмада Жомий қасидасининг келтирилиши бу тўрт шеърнинг мазкур қўлёзмада келтирилиши сабабларини ойдинлаштиради. Бу худди "Мажмуаи шоирон" замирида Умархон даври Ҳусайн Бойқаро даврига ўхшатилгани каби Муҳаммадалихон замонаси ҳам ўша даврга ўхшатилаётган эди. Мазкур қиёс шоир Жомий шеърига мурожаат билангина фарқланади. Бироқ шоир Дабир Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган қасидасини қўлёзмада бежиз келтирмаган, бу унинг бош мақсади эди. Ўз ўрнида биз шоир Адонинг Умархонни Ҳусайн Бойқарога ўхшатгани, ўзини бу ҳукмдорга яқин шахс – таниқли шоир Алишер Навоийга ўхшатганлиги тўғрисида ёзган эдик. Париж қўлёзмасида бошқа бир йўл танланади: шоир Дабир Муҳаммадалихонга қасида ёзади ва ундан сўнг Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога аталган қасидасини келтиради. Демак, у ўзини Жомийга ва айни вақтда Муҳаммадалихонни Ҳусайн Бойқарога ўхшатмоқчи бўлади. Бунда қуйидагича қиёслаш намоён бўлади:

"Мажмуаи шоирон"	**Париж қўлёзмаси (BNF-Supplement persan 1446)**
1. А. Адо → Умархон 1. Б. Навоий → Ҳусайн Бойқаро	1. А. Дабир → Муҳаммадалихон 1. Б. Жомий → Ҳусайн Бойқаро
2. А. Умархон = Ҳусайн Бойқаро 2. Б. Адо = Навоий	2. А. Муҳаммадалихон = Ҳусайн Бойқаро 2. Б. Дабир = Жомий

Мазкур қиёсларни умумлаштириб, яхлит бир схема кўринишига солиш мумкин (3-илова). Демак, Дабир Муҳаммадалихон даври Умархон вақтида бўлганидек, Ҳусайн Боқаро ҳукмронлиги замонасига ўхшаш эканлигини қўлёзма воситасида кўрсатмоқчи бўлган. Бундан "Мажмуаи шоирон" контексти ва Қўқон хонлигидаги легитимацион сиёсат асосидагина Париж қўлёзмасининг тузилиш сабаблари кўзга ёрқин ташланади.

[1] Кюгельген А.ф. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). Алматы: Дайк пресс, 2004. С.212-245; Anke von Kugelgen, Die Legitimierung der mittelasiatischen Mangitendynastie in den Werken ihrer Historiker (18.-19.Jahrhundert), Beiruter Texte und Studien, Band 86, Istanbul : Ergon Verlag Wurzburg, 2002. S.215-252.


Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, шеърият (бизнинг мавзумиз доирасида эса баёзлар) ҳукмдорларнинг ўз маданий сиёсатларини юритишларига хизмат қилиши мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, легитимацион сиёсатга ҳатто адабий материал, саройдаги шоирлар давраси, яхлит олганда, санъат ҳам хизмат қила олар экан. Бунда темурийлар даврининг уйғониш палласи бўлган Ҳусайн Бойқаро ва унинг давридаги сиёсий арбоблар Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби шахсларнинг ўрни, уларнинг муносабатлари ва уларга тақлид катта аҳамият касб этишини зикр этилган баёзлар тадқиқи кўрсатмоқда. Шунингдек, бу баёзлар замирида сулолавий маданий юксаклик етарли самара бермай, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги муҳитини маданий модел сифатида танланиб, унга тақлид қилиш, тақлидан ўз маданий муҳитини унга мослаштириш асосида маънавий жиҳатдан легитимацияни асослашга интилиш ётади. Мазкур ҳолат сулола легитимациясини кўрсатишда ўзига хос услуб сифатида хизмат қила олади. Зеро, Парижда топилган Муҳаммадалихон даврида тайёрланган баёзнинг вужудга келиш сабабларини Умархон буйруғи билан тузилган “Мажмуаи шоирон” контекстида ўрганиш бизни ана шундай хулосаларга олиб келди. Унга кўра, бу икки ҳукмдор даврида (XIX аср 1-ярми) Қўқон хонлигида хонлик вакиллари оид бўлган минг уруғининг темурийлар билан боғлиқлик легитимациясини асослаш учун Олтин бешик афсонасидан ташқари маданий асослар қидиришга ҳам уринилган. Кўриб ўтилган икки баёз таркиби ҳам, улар воситасида темурийларга тақлид қилишнинг давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиши ҳам буни исботлаб турибди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, темурийлар даври Қўқон хонлигида кўчирилган икки баёзда хонлик сулолавий легитимациясини намоён этиш ва Темурийлар билан Қўқон хонлигининг маънавий ва маданий жиҳатдан боғланишини асослаш учун хизмат қилган.


1-илова

“Мажмуаи шоирон”нинг 2-қисмидаги Умархон шеърлари ва уларга ёзилган пайрав шеърлар миқдорий муносабати

(оч рангда Умархон шеърлари ва тўқ рангда бошқа шоирлар шеърлари)




2-илова
“Мажмуаи шоирон”да Умархон шеърларининг тутган ўрни



3-илова

“Мажмуаи шоирон” ва Париж баёзи (BNF-Supplement persan, №1446) **асосида Қўқон хонлиги ҳукмдор ва шоирларининг Ҳусайн Бойқаро муҳитига қиёсланиши:**



2009–2011 йиллар

УМАРХОН ТУЗДИРГАН “МУҲАББАТНОМА” ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА[1]

Ўрта Осиёнинг ҳорижий Шарқ мамлакатлар билан муносабатлари тарихи яна бир янги манба билан бойиди. Бунга хизмат қилиши мумкин бўлган янги қўлёзма асар Туркиядан топилди. Қўқон хони Амир Умархон (1810–1822) кўрсатмаси асосида тузилган ва турк султонига туҳфа сифатида юборилган “Муҳаббатнома” деб номланувчи қўлёзма мажмуа таркиби билан, ниҳоят, кўп изланишлар натижасида Туркияда шахсан танишишга муваффақ бўлдик. Мазкур мақолада “Муҳаббатнома”[2] шеърий тўпламининг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини қисман бўлса-да, кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз[3].

Умархон Қўқон хонлигидаги маданият ва адабий ҳаёт ҳомийси сифатида тарихда ўзига хос из қолдирган ҳукмдорлардан бўлгани бизга яхши маълум. У “Амирий” тахаллуси билан шеърлар ёзиб, девон тартиб берган. Умархон саройида адабий муҳит мавжуд бўлиб, бунда етмишдан ортиқ шоирлар бадиий ижод билан шуғулланганлар. Улар шеърлари Умархон кўрсатмаси билан 1821 йили тузилган “Мажмуаи шоирон” номли баёз – шеърий мажмуага тўпланган. Қўқон саройида Адабий муҳит масаласида Темурий Ҳусайн Бойқаро даврига тақлид қилинган[4]. Шу ўринда академик Азиз Қаюмовнинг қуйидаги гаплари ёдга келади: “Умархон бошлиқ сарой шоирлари XIX аср биринчи чорагидаги Қўқон адабий муҳитини Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий яшаган даврдаги XV аср Ҳирот адабий муҳитига монанд қилиб тасвирлар эдилар”[5].

Фанда айни маълумотлар маълум ва машҳур. Айни вақтда Умархон раҳбарлигида тузилган яна бир асар – “Муҳаббатнома” ҳақида фанда фақат умумий маълумотларгина мавжуд эди. Миён Бузрук Солиҳов (1891–1938) “Ўзбек адабиётига умумий бир қараш” номли китобида Умархон ўзининг ҳамда Алишер Навоий ва Лутфий девонларидан ташкил топган “Муҳаббатнома” номли қўлёзма мажмуа туздиртириб, уни 1820 йили халифа – турк султони Махмуд II (1808–1839)га совға тариқасида юборганини ёзганди[6].

1975 йили россиялик туркийшунос олим Александр Шчербак (1926–2008) айни қўлёзмани ўзининг Алишер Навоийдан аввалги даврда тузилган шеърий мажмуаларга бағишланган мақолаларидан бирида эслаб ўтганди. У “Муҳаббатнома” тўплами Лутфий ва Амирий шеърлари ҳамда Хайдар Хоразмийнинг “Махзан ал-асрор” асарларидан ташкил топган, дейди. Аммо А.Шчербакнинг “Муҳаббатнома” таркибига ҳақидаги маълумотлари унчалик тўғри эмасди. У мазкур мажмуанинг Туркия кутубхонасидаги сақланиш рақамини ҳам

---

[1] Мақола нашр қилинган манбалар: Эркинов А. “Ноёб қўлёзма изидан” // Мозийдан садо. 4 (44), 2009. Б.20-21; Эркинов А. “Умархон туздирган “Муҳаббатнома” шеърий мажмуаси тарихий манба сифатида” // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009. Б.217-223.

[2] Муҳаббатнома. Истанбул университети кутубхонаси, инв №5452, 1234/1818-19 й. кўчирилган

[3] 2007 йил Франциянинг Истанбулда жойлашган Анадолуни тадқиқ этиш институти стипендияси билан Туркияга икки ойлик илмий сафарга бориш имконияти туғилди. Шу муносабат билан Истанбул университети кутубхонасида деб кўрсатилган, кўпдан бери излаганим “Муҳаббатнома” қўлёзмаси билан танишишга муваффақ бўлдим.

[4] Erkinov A. “Les Timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand” // Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles / Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries, F. Richard and M. Szuppe (eds.), [Cahiers de Studia Iranica 40], Paris: AAEI, 2009. P.285-330.

[5] Ўзбек адабиёти тарихи. IV том. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми. Тошкент: Фан, 1978. Б.53.

[6] Miyon Buzruk Solihov. O`zbek adabiyoti tarihiga umumiy qarash. Toshkent, 1930. B.42-43.

нотўғри келтирган. Афтидан, олим бу қўлёзма таркиби билан шахсан ўзи таниш бўлмаган ёки уни кўрган тақдирида ҳам тўпламни ташкил қилган асарларни аниқлашда камчиликка йўл қўйган бўлиб чиқади. Бундан ташқари совет замонидаги сиёсат, саройлар маданий муҳитини қоралаш кабилар ҳам айни мажмуани етарлича ўрганилмай, четга суриб қўйилишига олиб келган. Шу сабабдан "Муҳаббатнома" яхлит тўплам ва Умархон томонидан туздирилган бир асар сифатида назардан четда қолиб кетган. Япон олими Хисао Коматсу Умархоннинг турк султонига юборган мактуби ҳақида фикр юритганида "Муҳаббатнома" мажмуасига ҳам ёдга олиб ўтган. Унинг маълумотига кўра, 1820 йили халифа, турк султони Махмуд IIга Умархон ўзининг сиёсий фаолиятида кўмак беришини сўраб хат йўллаган ва "Муҳаббатнома" ҳам ана шу мактуб билан юборилган совғалар қаторида бўлган[1].

2007 йили Туркияга қилган илмий сафаримиз давомида айни қўлёзмани ҳозиргача мавжуд маълумотларга асосланиб изладик. Сабаби қўлёзманинг кутубхона фондидаги сақланиш рақами адабиётларда олимлар кўрсатганига тўғри келмасди. Қидиришлар натижасида айни қўлёзмани топдик ва у билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Кўринишидан, қўлёзмани тузишда Умархон сиёсий мақсадларни кўзлаган.

Қўлёзмада аввалига Алишер Навоийнинг тўрт девондан ташкил топган "Хазойин ул-маоний"си, сўнг Амирий девони ҳамда булардан сўнг Лутфий ва Фузулий девонлари келтирилган экан. Шунга кўра, қўлёзма ҳажман анча катта. Мажмуа турк султонига тақдим этиш учун Қўқон хонлиги саройида тайёрланганлиги боис олий сифатга эга. Юқори сифатли қоғози, жимжимадор нақшлари, тилла суви югуртирилган безаклари... Қўлёзма саҳифаларидан олинган фотосувратларини бизга лутфан тақдим этган туркиялик санъатшунос Лола Улуч "Муҳаббатнома" XIX аср боши Ўрта Осиё китобат санъатининг юксак намуналаридан бири эканлигини ва ўлкамиздаги санъатлар тарихи учун ёрқин мисоллардан бири сифатида хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлади. Мажмуа охиридаги хотимада унинг номи "Муҳаббатнома" деб аталиши қайд қилинган. Шунга кўра, уни фанда шартли тарзда Амир Умархон "Муҳаббатнома"си деб аташ мумкин.

"Муҳаббатнома"да ўқувчи диққатини жалб қиладиган бир нуқта мавжуд бўлиб, бу унда келтирилган асарлар кетма-кетлигидан келиб чиқади. Тўпламда тўрт шоир шеърлари бор: дастлаб Алишер Навоий девони, сўнг Умархон девони келтирилади. Учинчи ўринда Лутфий девони берилади ҳамда тўплам Фузулий девони билан якунланади. Нега айни шундай кетма-кетлик танланган? Бу тасодифми ёки муайян мақсаддан келиб чиққанми? Бизнингча, "Муҳаббатнома" Умархон кўрсатмаси асосида тузилган экан, демак, унинг таркиби ҳам муайян мақсадга хизмат қилиши мумкин. Шундай бўлса, Умархон ўз девонини ўзбек мумтоз адабиётининг катта классик шоири Лутфий ва туркий адабиётда Навоийдан кейинги ўринда турувчи Фузулийдек улкан ижодкор девонларидан аввал келтиришидан қандай мақсадни кўзланган экан?

Жавобни XIX аср боши Қўқон саройи муҳити, ундаги сиёсий ва маданий жараёнлардан излаш ўринли бўлади. Маълумки, айни муҳитда Қўқон хонлари келиб чиқишларига кўра ўзларини Амир Темур авлодидан эканликларига урғу берардилар. Шунга кўра "Олтин бешик" афсонаси вужудга келганди. Унга кўра 1512 йили Бобур ўз хонадони билан душманлари таъқибидан қочиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетаётганида, ичида ўғилларидан бири ётган бешикни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик, маҳаллий аҳоли бу болани

[1] Komatsu H. "Khoqand and Istanbul: An Ottoman Document Relating to the Earliest Contacts between the Khan and sultan" // Asiatische Studien/Études Asiatiques. LX, 4, 2006, P.963-986.

топиб олиб, унинг кимнинг авлоди эканлигини билиб, ўзларига раҳбар қилиб тайинлашади. Болага Олтин бешик деб исм қўйиб, тарбиялаб катта қилишади ва ундан Қўқон хонлари авлоди тарқайди. Олтин бешик 1512–1545 яшаб ўтган дейилади. Қўқон хонлигига 1710 йили минг уруғи асос солганлигини эсласак, Темурийлардан кейинги салкам 200 йиллик бўшлиқ (дастлабки Қўқон хони Шоҳрухбий (1709–1721) давригача) "Олтин бешик"афсонаси хамда тарихан мавжуд бўлмаган ўнта ҳукмдор номи орқали тўлдирилади. Мана шундай афсона йўли билан Қўқон хонлигига асос солган минг уруғи ўз шажарасини темурийларга боғлайди. Шуниси қизиққки, "Олтин бешик" афсонаси XIX аср бошидан, яъни айнан Умархон ҳукмронлиги даври Қўқон тарихчилари асарларидан бошлаб келтирилади[1]. Миён Бузрук Солиҳов эса бу давр адабиётини ҳатто олтин бешик даври адабиёти, деб атаган.

Мана шудай бир шароитда насл-насабда Темурийлар давоми бўлишнинг ўзи етарли бўлмай, Умархон муҳитидан ҳам маънавий асослар излана бошланганди. Айни ниятда Қўқон хонлигида маданий жиҳатдан ҳам Темрийлар билан бўйлашиш орқали улар вориси эканлигини исботлашга уринилади. Бунинг натижаси ўлароқ, "Мажмуаи шоирон" баёзи тузилади. Ундан сал аввал эса "Муҳаббатнома" тузилганлиги ва уни халифа – турк султонига юборилиши ҳам тасодифий эмасди. "Муҳаббатнома" таркиби воситасида Умархон шундай қарашини илгари суради: шоир сифатида Темурийлар муҳитининг энг улкан туркигўй шоири Алишер Навоий ҳаммадан устун, туркий шеъриятда Навоийдан кейинги ўринда мен тураман; насл-насабда Темурийларга давомчиси эканлигим ва шоирлик маҳоратим шуни намоён қилади...

Бунга кўра, Лутфий ва Фузулийдек улкан шоирлар ҳам Амирийдан кейинги ўринга тушиб қоладилар. Айни вазиятда "Муҳаббатнома" таркибида Умархоннинг "нокамтарлиги" намоён бўлади. Мажмуани ташкил этган девонлар тартиби воситасида таъкидланган маънолар турк султони, халифага қаратилган эди. Халифага совға йўллаган хон учун туркий тилдаги шеъриятдаги шоир маҳоратидаги табиий кетма-кетлик ифодасидан ҳам кўра, "Муҳаббатнома" таркиби воситасида ўзини насаби ва маданий жиҳатдан Темурийларга боғлиқ эканлигини кўрсатиш ўта муҳим бўлган. Айни ниятда мажмуа учун фақат туркий шеърият классиклари девонлари танланган. Дарҳақиқат, Умархон шеърлари билан туркий адабиётда ўзига хос ўрин эгаллаган шоир. Лекин унинг ўзини Лутфий ва Фузулийдан аввалги ўринга қўйишини фақатгина сиёсий мақсадлари асосидагина оқлаш мумкин бўлади. Бизнингча, Умархон саройи сиёсий ва маданий муҳити қадриятлари "Муҳаббатнома"нинг кўриб ўтилган тартибда тузилишига олиб келган.

Умархон "Муҳаббатнома"си ва шоирлигининг Усмонлилар муҳити учун аҳамияти ҳар томонлама катта бўлган кўринади. Масалан, Умархон девони Туркияда XIX аср охири XX аср бошларида литографик усулда бир неча марта чоп этилган. Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлиги Умархон даврида ўзининг Темурийларга шажаравий боғланишини халифага билдириш истагида бўлган. Буни учун тарихий бирор асар орқали эмас, балки бадиий тўплам воситасида ифодалмоқчи бўлган. Шуниси қизиққки, XIX аср бошида Қўқон хонлигининг ўзида Темурийларга шажаравий боғлиқлик кўпроқ тарихий асарлардан ўрин ол-

[1] Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жахоннамои. ЎРШИ-1, № 9455. Варақ 1б-15б; Бейсембиев Т.К. 1983 "Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по идеологии в Средней Азии (на материалах сочинений кокандской историографии)" // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI-XVIII вв. Изд.В.А.Тулепбаев, Алма-ата. Р.94-105; Вахидов Ш. Источники использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении "Тухфатут-таварихи хани" ("Тарихи Джаханнамаи")" // Адабий мерос. 4(50), 1989. С.31-36.

ган “Олтин бешик” афсонаси орқали таъкидлаб келтирилган. Халифа олдида ўз қудратини кўрсатишда Темурийларга алоқадорликни насл-насаб ва қондошликдагина кўрсатишдан кўра, Қўқон маданий муҳити меваси бўлган “Муҳаббатнома” каби бир шеърий мажмуада акс эттириш муҳимроқ бўлган. Шунга келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, “Муҳаббатнома” шеърий мажмуаси тарих фани учун ҳам билвосита бўлса-да, зарурий маълумотлар бериши мумкин.

МАВЗУ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР[1]:

1.Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жахоннамои. Қўлёзма. ЎРШИ-1, инв. №9455.

2.Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010.

3.Бейсембиев Т.К. Кокандская историография: исследования по источниковедению Средней Азии XVIII–XIX веков. Алматы, 2009.

4.Бейсембиев Т.К. “Легенда о происхождении кокандских ханов как источник по идеологии в Средней Азии (на материалах сочинений кокандской историографии)” // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI–XVIII вв. Изд.В.А.Тулепбаев, Алма-ата, 1983. С.94-105.

5.Вахидов Ш. Источники использованные Аваз Мухаммад Аттаром в сочинении “Тухфатут-таварихи хани” (“Тарихи Джаханнамаи”)” // Адабий мерос. 4(50), 1989. С.31-36.

6.Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функцияси, вакиллари, асарлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

7.Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари (Мумтоз битиклар ва Абдулла Қаҳҳор асарлари таҳлили асосида). Тошкент, 2017.

8.Мадалиева О. “Огаҳ Сирри Левенд – Алишер Навоий асарлари феҳрестнависи” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2018. Б.77-83.

9.Муҳаббатнома. Қўлёзма. Истанбул университети кутубхонаси, инв №5452. 1234/1818-19 йили кўчирилган.

10.Ўзбек адабиёти тарихи. IV том. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми. Тошкент: Фан, 1978.

11.Эркинов А. «Олтин Бешик» афсонаси ва Дақоиқий Самарқандийнинг «Бахтиёрнома» асари” // Жаҳон адабиёти. №4, 2014 йил. Б.181-188.

12.Эркинов А. “Амир Умархон туҳфаси” // Жаҳон адабиёти. 2012 йил, 3-сон. Б.162-167.

13.Эркинов А. “Қўқон ҳукмдори Умархон (1810–1822) кутубхонаси масаласи” // “Амирий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қўқон, 2017 йил, 8-9 август. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.66-69.

14.Эркинов А. “Қўқон ҳукмдори Умархоннинг (1810–1822) шахсий уч муҳри” // Мерос. 2015, №2-3. Б.131-137.

15.Эркинов А. “Ноёб қўлёзма изидан” // Мозийдан садо. 4 (44), 2009. Б.20-21.

16.Эркинов А. “Умархон туздирган “Муҳаббатнома” тарихий манба сифатида” // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009. Б.217-223.

[1] Мазкур мақола нашр бўлганидан сўнг унинг мавзусига оид бир қатор янга адабиётлар чоп этилиши муносабати билан мавзуга оид адабиётлар рўйхатини келтирдик.

17.Эркинов А. “Хазойин ул-маоний”га эга “Муҳаббатнома” тўплами Огаҳ Сирри Левенд тавсифида” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2018. Б.378-382.

18.Эркинов А. “Рукопись на службе геополитики Кокандского ханства: Мухаббат-нама как дипломатический подарок ‘Умар-хана (1810–1822). османскому султану Махмуду II (1808–1839)” // Тезисы Санкт-Петербург. Восточный факультет СПбГУ. XXVII Международная научная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки «Локальное наследие и глобальная перспектива» «Традиционализм» и «революционизм» на Востоке. 24–26 апреля 2013. С.109-110.

19.Erkinov A. “Fabrication of Legitimation in the Khoqand Khanate under the Reign of ‘Umar-khān (1225–1237/1810–1822): Palace Manuscript of “Bakhtiyār-nāma” Daqāyiqī Samarqandī as Source for the Legend of Āltūn Bīshīk” // Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research. 19/2 (Helsinki-Saint-Petersburg, 2013). P.3-18.

20.Erkinov A. “Les Timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand” // Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles / Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries, F. Richard and M. Szuppe (eds.), [Cahiers de Studia Iranica 40], Paris: AAEI, 2009. P.285-330.

21.Komatsu H. “Khoqand and Istanbul: An Ottoman Document Relating to the Earliest Contacts between the Khan and sultan” // Asiatische Studien/Études Asiatiques. LX, 4, 2006. P.963-986.

22.Levend, Agah Sırrı.“Türkiye Kitaplıklarındaki Nevai Yazmaları” // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı - Belleten 6. 1958. S.127-209.

23.Miyon Buzruk Solihov. O`zbek adabiyoti tarihiga umumiy qarash. Toshkent, 1930.

2009 йил

ЛАЙЛИ ЕВРОПАЧА КИЙИНГАНМИ?[1]

Бир-бирини кўргач икки дилхоҳ
Чектилар анингдек оташин оҳ.

Ҳа, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони қаҳрамони Лайли европача кийинганми?! Бир қарашда савол ўринсиз туюлади. Мусулмон Шарқида машҳур афсона қаҳрамони Лайли қайдаю, европача кийиниш қайда, дерсиз! Аммо Лайли европача, яъни ўз муҳитига мос бўлмаган тарздаги кийимда тасвирланган ва умуман, шу йўналишдаги расмлар мавжуд экан...

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари 1905 йилда насрий баён қилиниб, “Насри Хамса” ёки “Хамсаи беназир” номи билан тошбосма усулида чоп этилган. Китобда Навоий достонлари мазмун-мундарижасига мос расмлар мавжуд бўлиб, уларни Раҳматулла ибн Мулла Абдушукур исмли киши ишлаганлиги қайд этилган. Китобда Навоий достонларидаги эркак ва айниқса, аёл қаҳрамонларнинг кийимлари мусулмон Шарқига мос бўлмаган тарзда – евро-

[1] Эркинов А. Лайли европача кийинганми? // Саодат. 1998. 4-сон. Б.29.

пача, аниқроғи, русча услубда тасвир этилган. Навоий “Хамса”сидаги “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Ширин, “Сабъаи сайёр”даги Дилором, “Лайли ва Мажнун”даги Лайлининг кийиниши Шарққа хос бўлмаган тарзда берилган. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достони дастлабида Мажнун Лайлини кўриб, уни севиб, ишқида ҳушини йўқотади. Шунда Лайли унинг бошини ўз тиззасига қўяди. Худди шу лавҳага насрий баёнда сурат ишланган. Тиззасига Мажнун бошини қўйиб, унга тикилиб ўтирган Лайли бўлса, елкалари очиқ, рус (балки, Европа?) аёллари ўша XX аср боши даврида кийган кўйлак кийиб олган. Лайли атрофидаги канизак қизлар либослари ҳам деярли шундай услубда тасвирланган, талқин этилган.

Хўш, нима учун рассом, агар унинг исмидан келиб чиқадиган бўлсак, мусулмон фарзанди бўла туриб Навоий асл қаҳрамонлари сиймосини уларнинг асл муҳитларидан узоқлаштирди? Мусулмон Шарқи аёлларини улар муҳитига мос кийимларда эмас, Ғарбона кийимларда тасвирлади? Бунинг сабабларини ўйлаб кўриш лозим. Ўша йиллари ўзбек аёллари паранжида юрганликлари учун уларни очиқ, масалан, ясаниб юришларини кўриш ва тасвирлаш имкони бўлмаганлиги, ўрта аср миниатюра санъати анъаналари XX аср бошига келиб деярли таназзулга учраганлиги билан бу ҳолатни боғлаш мумкин. Балки аёл гўзаллиги ўлчовида европалик аёл тимсоли етакчилик қила бошлаганлиги эҳтимоли билан бундай тасвирни изоҳлаш мумкин бўлар. Юқоридаги жиҳатлар XX аср боши аёлининг эстетик гўзаллигини белгилар, балки рассомнинг эстетик идеали ҳам айнан шу мезонлар билан белгиланар... Биз рассомнинг шахсияти ва дунёқарашини билганимизда аниқроқ хулоса чиқарган бўлардик. Ҳар ҳолда, рассом ўз воқелигидаги шароит, эстетик қадрият ва эҳтиёжлар асосида шундай йўл тутган бўлса керак. Бу масалани ўйлаб кўриш керак. Сиз бунга нима дейсиз? Бу масалада қиз болалар фикри қандай?

1998 йил

АҚШ президенти Рональд Рейган Навоий ҳақида

Америка қўшма штатлари Президенти Рональд Рейган (1911–2004) ва Алишер Навоий ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Гап шундаки, Америка президенти Алишер Навоий номини тилга олган. У Америка қўшма штатларининг 40-президенти сифатида 1981–1988 йиллари фаолият юритган. Қайта қуриш даврида (1985–1991) Рейган Москвага ташриф буюриб, 1988 йил 31 майда Москва давлат университети талабаларига маъруза қилган. Мазкур нутқ Рональд Рейганнинг “Очиғини айтганда” номли китобида “Москва давлат университети талабалари билан учрашувдаги нутқ ва саволларга жавоблар. 1988 йил 31 май” номи остида чоп этилган[1].

Нутқ давомида у қуйидаги фикрларни билдирган: Демократия – бу ҳокимиятнинг давлат системасигина бўлиб қолмай, балки ҳукумат имтиёзларини чекловчи, унинг ҳаётга аралашишига йўл қўймайдиган, ҳокимият устунликларини чеклаш тизими, ҳукумат ва сиёсатни асл муҳим нарсаларга нисбатан иккинчи даражали қилувчи, фаровонликнинг асл манбаси бўлган оила ва имон кабилар системасидан иборат. Умид қиламанки, мен ўз юр-

[1] “Выступление и ответы на вопросы на встреше со студентами Московского государственного университета. 31 мая 1988 г.” // Рональд Рейган. Откровенно говорья. Избранные речи. Москва: Новости, 1990. С.347-365.

тим фазилатларини мақташ ниятида буларга қайта мурожаат қилмаяпман, балки юртингиз қалби ва дилининг чинакам буюклигини таъкидлаш ниятида ҳамдирман...

Шу ўринда, Р.Рейган қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: "Аслида, Достоевский яшаган заминда ҳақиқат излаш тўғрисида, Кандинский ва Скрябиннинг ватанида – тасаввур кенглиги ҳақида, ўзбек шоири Алишер Навоийнинг олийжаноб ва бой маданиятга эга заминида – гўзаллик ва илиқлик борасида гапириш шартми?"[1] Яна у фикрларини давом эттирган: Сизнинг турфа мамлакатингизнинг буюк маданияти бутун инсониятга қаратилган.

СССР ҳудудидаги халқларнинг машҳур адибларини санаганида АҚШ президентининг Алишер Навоий номини тилга олиши муҳим ҳодиса.

2019 йил

МАЖНУНОНА МУҲАББАТ БУГУН КЕРАКМИ? (АНВАРНИНГ РАЪНОГА ФИДОИЙЛИГИЧИ?)[2]

Хаёлий ва ҳаётий севги

Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидаги Анвар севгилиси Раънога эришиши ва уни хон чангалидан қутқариши учун бутун умри давомида етишгани – саройдаги юқори мансабидан воз кечиши керакмиди?..

Бугун Шарқдаги машҳур асар – Алишер Навоий достони "Лайли ва Мажнун" асари қаҳрамони Мажнундек Лайлини севиши мумкинми? Ҳа, албатта! Бу кимга ҳам ёқмайди, айниқса, қизларга. Ўғил бола сени Мажнундек бутун борлиғи билан севса, Анвардек барча эришганидан воз кечиб, сени бошқа шаҳарга олиб қочиб кетса, сен учун ҳамма-ҳамма нарсага тайёр бўлса... Бунинг нимаси ёмон! Лекин... лекин замонамиз қизларига уларни Мажнундек ҳолатга тушиб севувчи йигитлар керак эмасга ҳам ўхшайди. Ўзи қиз болага Мажнундек муҳаббат қўювчи, ишқ йўлида ҳамма нарсани унутувчи йигитлар бормикан? Ёки Раънога бўлган севгиси йўлида Анвар каби ўзи эгаллаган юқори мавқейидан воз кечувчи йигитлар қолдимикан?

Мақоланинг саволнамо сарлавҳа ва зиддиятли фикрлар билан бошланиши бежиз эмас. Уларни мен ўйлаб топганим ҳам йўқ. Улар Тошкент олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг фикрлари ва муносабатларидан келиб чиққан. Мен ХХ асргача бўлган ўзбек адабиёти тарихи фани ўқитувчиси сифатида Тошкентдаги олий ўқув юртларида салкам ўттиз йилдан бери ишлаб келяпман. Шунинг учун талабаларнинг ўзбек мумтоз адабиёти асарлари қаҳрамонларига, бу асарлардаги бош мавзу – ишққа – бўлган муносабатларини яхши биламан, деб юрардим... Талабалар орасида шу мавзуда мунозара уюштираман деб ўзим "бало"га қолдим: юқорида кўрганингиз саволлар ва қарама-қарши фикрлар ўшанда туғилди. Ҳаммаси шундан бошланди.

2007 йил... март ойи ўрталарида талабаларга ўзбек мумтоз адабиёти фанидан дарс ўтаётган эдим. Кўчада баҳор... ҳаво илиб, дарахтлар гул тугаяпти. Дарсхонанинг очиқ ойнасидан гулларнинг асални эслатувчи ҳиди ичкарига сузиб киради. Алишер Навоийнинг

[1] Ўша асар. Б.354.

[2] Мазкур мақола 2005–2014 йили ёзилган. Илк марта чоп этилаяпти.

“Лайли ва Мажнун” достони ва ундаги ишқ масаласи ҳақида маъруза ўқияпман: Мажнун Лайлини севиб қолди, бу ишқи йўлида ўз яқинларидан воз кечди. Дашту саҳро кезиб, фақат Лайлига бўлган муҳаббатини ўйлади. Унинг учун ишқдан бошқа ҳамма нарса ўз аҳамиятини йўқотди.

Лекин талабалар, айниқса, қизларнинг хаёли кўчада. Уларни баҳор ва у уйғотаётган ҳиссиётлар 500 йил аввалги воқеа баёнидан чалғитади. Бу табиий ҳолатни сезиб, Мажнуннинг Лайлига бўлган муҳаббатининг илоҳий хусусиятлари таърифидан кейин дунёвий томонларига талабалар эътиборини қаратишга уринаман. Ёш тингловчиларни кўчадаги баҳор ва умуман, ўз кундалик ҳаётларига яқин бўлган муаммолар, реаллик кўпроқ қизиқтиради-да! Ўртага савол ташлайман: мана Мажнун Лайлига бўлган ишқи учун ҳамма яқинларидан воз кечди, даштга чиқиб кетди. Хўш, шундай турдаги мажнунона муҳаббат бугун бўлиши мумкинми? Қизлар, сизларни бир йигит Мажнундек севса, бунга қандай қараган бўлардингиз? Дарсхона жонлана бошлайди. Баҳорнинг илиқ ҳавосидан мудраган йигитлар ҳам, муҳаббатга ташна қалбларига дарахт гуллари ҳиди янги ҳислар олиб кираётган қизлар ҳам менга диққатларини кўпроқ қарата бошлайдилар. Чунки энди дарс уларни қийнаб турган ҳаётий масалалар билан боғланади. Бугунги кун Мажнунлари ва улар севгиси ҳақида мунозара бошланади... Ўқиётганингиз мазкур мақола ана шу мунозара маҳсулидир.

Мунозара

Талаба қизларга берилган “Мажнун ўз ишқи йўлида уйидан, яқинларидан воз кечиб чўлга кетди, сизни севган йигитни Мажнун сифатида тасаввур қила оласизми?”, деган саволга жавоблар берилади: қизларнинг аксарияти ўз севган йигитлари Мажнундек девонаваш йигит бўлишини истамасликларини айтдилар. Уларга тўпориоқ, ўзига ишонган, ишбилармон ва чўрткесар йигитлар кўпроқ ёқар экан. Бироқ Мажнундек ёрдан “узоқлашиш”ни истаб турган қизларни ўғил болалар ҳам бир “боплаб” қўймоқчи бўлишди. Талаба йигитлардан бири ўрнидан тезда туриб шундай деди: “мен Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён”идаги Анварнинг қилган ишидан норозиман. У етим эди, шунга қарамай катта натижаларга эриша олди, хон саройида катта мансаб эгаси бўла олди. Лекин Анвар Раънога бўлган севгисини деб Қўқон хони саройидаги мансабидан, йиллар мобайнида қийналиб эришган барча нарсаларидан воз кечди. Яхшиси, мансабини, ўз келажагини ўйлаб, саройда қолавериши керак эди. Ўз Раъносини, яъни уйланиш ва севиш учун қизни эса кейинчалик ҳам бошқа жойдан топиб олиши мумкин эди-ку!..

Ана, дарсда бошланди тўполон... Мажнундек севгидан сармаст ошиқ йигит қиз бола учун керак эмас, деб турган Раъноларга Анварнинг қилган иши “нотўғри”, у, яхшиси, “Раънони ташлаб кетиш керак эди!”, деган жойи тегиб кетганди. Севги масаласидан ҳам кўра қиз боланинг шаъни билан боғлиқ фикр – “бошқа “Раъно”ни кейинчалик ҳам топиб олса бўларди-ку”, – деган ўрни ёқмаган эди. Ҳатто бир қиз Анварни “айблаган” ҳалиги болага қарата, аламзадалик билан “мансабга эришиш учун ўз хотинингизни бошлиғингизга қўшиб қўясизми!” деб ҳам юборади... Йигитлар ва қизлар шу куни ёқалашиш даражасида бир-бирлари билан мунозарага киришиб кетадилар.

Бу фикрлар кишини ўйлантиради. XX асрда туғилиб ўсган биз – ўзбеклар учун Абдулла Қодирий қаҳрамонлари бўлмиш Анвар ва Раъно ёки Отабек ва Кумушлар доимо идеал қаҳрамон бўлиб келганлар. Улар ўртасидаги муҳаббат ҳам намунавий мисол сифатида

бўлиб қолган. Гап фақат Анварнинг талаба томонидан “айбланиши”да эмас. Балки Анвар тутган йўлга нисбатан ҳозирги ёшлар, янги шаклланаётган авлод – XXI аср кишиларининг муҳаббат ва асрий қадриятларга бутунлай бошқача қарай бошлаганида. Бундай муносабат натижасида инсоний юксак туйғу – севгига маънавий ўлчовлардан келиб чиқиб эмас, бойлик, мансаб, иш ўрнини эгаллаш, яъни моддий манфаат, тама билан боғлиқ қараш пайдо бўлмасмикан? Инсонлар орасида минглаб йиллар мобайнида мавжуд олий ҳис – ишқ-муҳаббат батамом йўқ бўлиб кетмас. Лекин ҳеч қандай ўлчовга сиғмайдиган севги, ҳиссиётларни шу кетишда фойда келтиришдан келиб чиқиб, ҳисоб-китоблар ўлчовига солиш тарафига кетиб қолмаяпмизмикан?

Ракурс
(жавоб берувчилар тахминан 18-24 ёшда)

Бугунги ёшлар фикрни ўрганиш учун Тошкентдаги турли олий ўқув юртлари ўзбек тилида ўқувчи гуруҳ талабаларига (журналист, филолог, диншунос) мақоламиз марказида турган қўйидаги иккита савол билан 2007–2019 йилларда мурожаат этдик:

1. Мажнунона муҳаббат бугунги кун учун керакми?
2. Анвар Раънога бўлган севгиси учун ҳамма нарсадан воз кечди. Бунга муносабатингиз қандай?

Қуйида бу саволларга берилган жавобларни келтирамиз.

Мажнун ишқига муносабатлар

***

Бу дунёда муҳаббат учун яшаш шарт эмас.

***

Бугунги кун конкретликни ёқтиради. Пассив одам доимо жамиятдан четда қолиб кетади. Тўғри, ҳаётда севги ҳам керак. Лекин Мажнун даражасида эмас.

***

Ақл билан яшовчилар, майли, Мажнунни таҳқирласинлар. Аммо аҳли дил – қалби амри билан яшовчилар дунёда энг юксак маънавият соҳибларидир. Бутун олам рад этса этсин, Мажнун ишқининг ҳақиқатда бўлганига ишонаман.

***

Бугун ҳам, эртага ҳам мажнунона муҳаббат керак эмас. Бу муҳаббат хоҳ илоҳий, хоҳ дунёвий асосга эга бўлган тақдирда ҳам.

***

Фақат севги билан қорин тўймайди, дейишади. Аммо инсон дунёга фақат қорин тўйғазиш учун келган эмас. Унинг ҳайвондан фарқи ҳам шунда.

***

Ҳозирги кунда мажнунона муҳаббат умуман йўқ. У керак ҳам эмас. Ўлдим-куйдим билан қорин тўйғазиб бўлмайди. Ҳаётга реал кўз билан қараш керак. Ҳаёт синовлари инсон ҳиссиётларини сўндиради. Ишқ йўлида девона бўлиш энди бу ёғига умуман бўлмаса ҳам керак.

***

Мажнун каби севиш керак. Ҳаётда кимдир сен учун яшаётганини сезмасанг, кимгадир керак бўлмасанг, яшашнинг маъноси қоладими? Севги йўлида Мажнундек азобланиш лозим. Қийналиб эришилган нарсанинг қадри кўпроқ бўлади.

***

Мажнун муҳаббати бугунги кунда сал энсани қотиради. Ёр учун жамиятдан, борлиғидан воз кечиш ақлга сиғмайди. Севги керак, аммо у билангина инсон ўз муаммоларини ҳал эта олмайди. Муҳаббат бўлиши шарт, бироқ Мажнун даражасида эмас. Масалан, бу мени зериктиради.

***

Мажнун ишқи бугун йўқ ва бунинг бўлишига ҳеч ким ишонмайди ҳам. Лекин бунинг сабабини фақат иқтисодга боғлашга қўшилмайман.

***

Муҳаббат барибир ўткинчи, ҳис-туйғулар ўзгарувчан. Севги бўлсин, аммо Мажнун даражасида эмас.

***

Ҳозирги кунда қизлар, ҳатто йигитлар моддий жиҳати ўзига етарли бўлмаса, ўз ёрларини ташлаб кетяптилар. Муҳаббат ҳирсга айланиб қолди. Бир-бирларига севишганлар етишдими, тамом, севги ҳам тугайди. Чин юракдан севувчилар жуда кам.

***

Мажнунона ишқ ҳозир ҳам бўлганда эди, йигитлар қизларни ҳар ойда кўйлакдек алмаштирмас эдилар. Аксинчаси ҳам мавжуд – йигитларни ҳам қизлар алмаштириб ташлаяпти.

***

Бугун мажнунона муҳаббат – ғирт аҳмоқлик, холос. Одам дунёга бир марта келади. Бир қизни деб ўлгиси келса... Дунёда ким кўп – қиз кўп. Мажнунона муҳаббат бир тийин. Севги тўйдан кейин бўлади.

***

Бугун атрофимизда Навоийга устозлик қилган Жомийдан кўра эстрада ашулачиси Майкл Жексоннинг ҳурмати баландроқ. Майкл Жексонни ҳамма танийди. Шу таққоснинг ўзи етарли эмасми?

***

Мажнундек ишққа содиқлик ҳозир мавжуд бўлганида ҳаётимиз гўзаллашарди.

***

Қанийди, Мажнундек ошиғим бўлса. Ким учундир яшасам, йиғласам, кулсам. Мен учун кимдир, каердадир яралган... уни кутиб яшайман.

***

Ҳозир кўнгил билан ҳисоблашиш йўқ. Мажнундек жон бериб, замондош қизлар эътиборини қозониб бўлмайди.

***

Бундай севги эртакка айланди.

***

Ҳозирги Лайли ва Мажнунларнинг Навоий давридагидан фарқи шундаки, улар саҳрога чиқиб жон бермаяптилар, ҳушларидан айрилмаяптилар, шунчаки 2 метр арқонда, 7-қаватларда жон беряптилар.

***

Муҳаббатни мен анча кенг тушунча деб ўйлайман. У бизнинг бу оламда мавжудлигимизга сабаб бўлган Аллоҳ таолога бўлган ошиқликдир. Инсонлардан кўраётган меҳримиз, муҳаббатимиз ва уларга ҳам шундай жавоб қайтаришимизнинг боиси эса уларда оз бўлса-да Аллоҳ васлини кўришликдир. Тўғри, инсон бу дунёда севиб, севилиб яшаши керак. Лекин фақат муҳаббатни деб дунё ташвишларидан кечиши шарт деганимас-ку?

***

Муҳаббат қалбда бўлиши керак, унинг манзили ўша ер. Ҳар куни тилга чиқувчи муҳаббатнинг қадри қолмайди. Уни амаллар билан ҳаммага исботлашнинг ҳам кераги йўқ.

***

Бир эр йигит ўз севгиси учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўзидан воз кечиши, ота-онасини ташвишга қўйиши аҳмоқгарчилик деб ўйлайман. Севги реал ҳаёт билан боғлиқ бўлиши керак.

***

...хоҳ инсонга, хоҳ Аллоҳга муҳаббат бўлса ҳам, мувозанатни билиш керак. Мажнун эса мувозанатни сақлай билмаган.

***

Мажнуннинг муҳаббати ҳозирги кунда иймон, эътиқод деб номланса керак. Иймонли одам дастлаб Яратганни севади, кейин у яратган нарсаларни.

***

Агар муҳаббат туфайли ўзини тута олмайдиган, ўзини идора қилолмайдиган даражада мажнун бўлса, бу ҳозирги замон нуқтайи назаридан керак эмас.

***

Мажнунона муҳаббат эгалари муҳаббатга, ёрга эришиши мумкин, аммо ҳаётда муҳимроқ роль ўйнайдиган нарсаларга эриша олмайди.

***

Мажнунона муҳаббат қайсидир маънода керак. Инсон шу жиҳатдан онгсиз мавжудотлардан ажралиб туради.

***

Мажнунона муҳаббат керак. Чунки мени мол-дунё, мансабию обрўси эмас, муҳаббати бахтли қила олади!

***

Мажнунона муҳаббатни “замон одамлари” тўғри қабул қилмайди. Лекин муҳаббат бугунги кун учун керак.

***

Мажнунона муҳаббат бугунги кун учун айнан керак, зарур. Чунки муҳаббат тушунчаси ҳозирги кунда беқадр ва саёз. Қизлар ҳам, йигитлар ҳам асл муҳаббат қандайлигини унутган.

***

Бугунги кунда Мажнундай муҳаббат керак, лекин ота-оналар розилиги билан, агар Мажнундай мени севиб ҳурмат қилса, мен унга турмушга чиққан бўлардим, қанча қийинчиликлар бўлишидан қатъи назар…

***

Илоҳий муҳаббат ҳар ким учун эмас. Ҳаракат ва мақсадлар Мажнунни Мажнун қилди.

***

Мажнунона муҳаббат керакмас. Агар шунақанги ҳамма севаверса, жамиятда ўсиш, ривожланиш бўлмайди. Ҳақиқий севги тўйдан кейин бўлади.

Анварнинг севгиси йўлидаги фидойилиги ҳақида

***

Анвар – аҳмоқ. Раънолар тўлиб ётибди-ку. Анвар келажагини ўйласин. Аммо Отабекнинг Кумушга бўлган муҳаббатини маъқуллайман. Зайнабга уйланса ҳам, кўнгли Кумушда эди.

***

Йигит киши ўз ёри учун курашса, бу яхши-ку. Ахир Раъно ҳам қараб тургани йўқ, у ҳам хонга қарши исён кўтарди. Йигит киши ушлаган нарсасини узиши шарт.

***

Бойликни истаганча топиш мумкин, лекин муҳаббатни топиш қийин

***

Севги – абадий эмас. Мен ҳам севиб турмушга чиққанман. Аммо муҳаббат учун ҳамма нарсадан воз кечмаган бўлардим.

***

Мен Анварни оқлайман. Надоматлар бўлсинки, ота-онам ўз “Раъно”имга етишишимни хоҳлашмаяпти.

***

Оилалиман. Муҳаббат – бу тўшак. Анварлар карьерасини ўйласин.

***

Масалаларни Анварга ўхшаб ҳал қилиш бугунги кунга тўғри келмайди.

***

Ахир, яшаш учун ҳис-туйғуларга берилиш эмас, ҳаракат қилиш керак. Анварнинг Раъно учун қилган ҳаракати менинг ҳаётим учун умуман керак эмас. Чунки бу ҳолат бизга ҳеч нарса бермайди.

***

Агар Анвар хон бўлганида ҳам нимага эришарди? Ахир, Искандардек бутун жаҳонни эгаллаган шоҳ бу дунёдан қўли очиқ – ўзи билан ҳеч нарса ололмай кетди-ку!

***

Анвар Раъно учун ўзини фидо этди. У бошқа жойга бориб ҳам ўз карьерасини яратиши мумкин-ку! Муҳими, Раъноси ёнида, қалби тинч, иккови бахтли.

***

Ошиққа мол-давлат керак эмас. Боши омон бўлса, бир бурда нонини топиб ейди. Агар Анвар ўзини, бойликни ўйлаганида бир умр азобланиб ўлиб кетган бўларди.

***

Севган одаминг билан бирга яшаб, ишлаб, яна пул ҳам топса бўлади.

***

Анвар Раънони деб фақат ўз амалидан воз кечди, холос. Ахир Раъно ҳам ўз ота-онасидан воз кечди-ку! Қочиш режасини ҳам Анвар эмас, Раъно тузди. У Анварни севмаганида воқеа бутунлай бошқача бўларди.

***

Анварнинг тутган йўли тўғри. У меҳнат қилиб йўқотган нарсаларини қайта тиклаб олиши мумкин.

***

Анварнинг Раъно учун барча нарсаларга қўл силтаб кетишини салбий баҳолайман. Одам олдин ўзини яхши кўрсин, кейин бошқаларни. Анвар мансабидан воз кечмаслиги керак эди.

***

Қийинчилик билан етишилган ёр қадрли бўлади. Ҳозирги кунда ҳам Анварлар кўпроқ бўлса, яхши бўларди.

***

Севгиси учун курашиш – ўзбек йигитига хос.

***

Анварда муҳаббат моддийлашган… бугунги кунда ҳам ўз Раънолари учун ҳамма нарсадан воз кечаётган Анварлар йўқ эмас... муҳаббат керак ва у – ҳаёт устуни.

***

Анвар шу ютуқларга эриша олдими, кейинчалик ҳам қила олади. Менимча, бу қарори ҳам тўғри, назаримда.

***

Муҳаббат инсонга бир марта берилади. Агар шундай бўлмаганда А.Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъри яратилмаган ва биз уни ардоқлаб тингламаган бўлардик.

***

Мен Анвар бўлганимда, ўйлаб ўтирмасдан у қилган ишни қилардим. Ҳатто бутун дунё мени телба деб ҳисобласа ҳам.

***

Нима, қатор-қатор хотинлари бор хонга бериб, мансабида ўзи керилиб юриши керакмиди?! Яшашдан нима маъно бор унда?

***

Анвар ўзининг лавозимидан ҳам, Раънодан ҳам воз кечмай, бу муаммони ҳал қилиши мумкин эди.

***

Муҳаббат кимгадир эришиш учун берилмайди.

***

Йигит бир қиз учун баридан воз кечди. Қиз бошида бундан хурсанд бўлади, кейин эса ўша йигитдан юз ўгиради. Чунки ҳеч нарсасиз қолган йигит кимга керак?

***

Анвар Раънонинг келажагини сақлаб қолди. Шу билан бирга ўз ғурурини ҳам оёқости қилишларига йўл қўймади.

***

Раънони оқлай олмайман. Лекин бизга “Анвар”лар керак!

***

Мен ҳам муҳаббатим учун ҳамма нарсадан бўлмаса ҳам, баъзи нарсалардан воз кечганман. Лекин оқибати жуда яхши бўлди.

***

Анвар тўғри иш қилди. Унинг ўрнида мен бўлсам ҳам, севган инсонимни оёқости қилдириб қўймасдим.

***

Анвар севгиси учун ҳамма нарсадан воз кечиши шарт эмасди, ҳаммани рози қилиб тўй қилса бўлар эди.

***

Анварда бироз қатъиятлилик етишмади... Муҳаббат ҳамма нарсадан устун турадиган улуғ туйғудир. Фақат ҳозирги кун одамлари ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланяптилар.

***

Мен ҳам севгилим учун ўқишимдан кечмоқчи эдим. Лекин у буни хоҳламади. Бу дунёда муҳаббат бор. Биз уни қадрлашимиз керак... Мен кечардим ҳамма нарсадан, ҳатто уни бир бор кўриш учун, овозини эшитиш учун.

***

Энг аввало, соғлик, тинчлик ва ўзи севган инсон ёнида бўлса, ҳаёти давомида эришган нарсаларини йўқотган тақдирида ҳам яна қайта юксалиб эришиши мумкин. Фикримча, Анвар тўғри қилган. Раъно Анварнинг ҳаётининг бир бўлаги, агар унга эришмаса, ҳаёти давомида эришган моддий манфаатларининг қизиғи бўлмайди.

Ҳаёт ва қарашлар – ўзгарувчан

Талабалардан бири Мажнун ишқидан энса қотади, дейди-да, айни пайтда Анвар бошқа жойда ўз карьерасини қилаверарди, деб Анварни оқлайди ҳам. Афтидан, Мажнун ишқидаги романтика, илоҳий муҳаббатга боғлиқлик бугунги кун кишиси учун мавҳум тасаввурлар қолдиради. Мажнун ва унинг ишқий саргузашти замондошларимиз учун ўз ҳаётлари билан у қадар боғланмаган, эртакнамо бир нарсадек. Анвар севгиси эса нисбатан конкрет. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”и ёки шу сюжетдаги асар мазмуни билан Абдулла Қодирий “Мехробдан чаён”ига нисбатан ўқувчиларга камроқ таниш эканликлари ҳам бунда роль ўйнаган кўринади.

Ҳозирги кун ёшлари қарашларининг бундай ўзгариши илдизлари анча чуқур. Бугун фан-техника жадал тараққий этиб кетди. Болаларнинг севимли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев айтганидек: замонамиз ёш болаларига ота-оналари тулки, бўри, учар гилам ҳақидаги эртакларни деярли айтмай қўйишди. Сабаби бир ўзбек болалар ёзувчиси айтганидек, ҳозирги болаларни ўрмон ҳайвонлари эмас, роботлар, техника билан боғлиқ қаҳрамонлар кўпроқ қизиқтирадиган бўлган. Тулки ёки бўрини бола ҳайвонот боғига бориб кўриши мумкин. Бунинг устига бундай мавҳум ҳайвонлардан кўра, болага реал натижага эришиши мумкин бўлган роботлар ва технологиялар кўпроқ ёқади. Компьютердаги тасвири бор, реаллика анча яқин ўйинларда ҳаётдаги қаҳрамонларни кузатиш, виртуал оламда кўп натижаларга эришиш имонияти бор.

Уйда ёнбошлаб ўтириб, телевизор, компьютер ёки интернет кабилар орқали бутун дунёни “сайр” қилиб чиқса, шартли тарзда бўлса ҳам ўтмишга саёҳат қилса бўлади. Шу боис бугунги кун ёшларини XX асргача бўлган воқеа ва улар замиридаги қадриятларга қизиқтириш нисбатан мураккаб бўлиб қолди. Бундан бир неча юз йиллар аввал бўлиб ўтган, ҳаётий эмас, орзудаги хаёлий қаҳрамонлар иштирок этган, романтика, ҳиссиётлар, оҳу фиғонларга тўла, атрофидаги воқеликдан кескин фарқ қилиб турувчи нарсларни тушуниш осон эмас. Чунки одамлар мўъжизавий нарсаларга ишонсалар ҳам ёки ишонишни истасалар ҳам буни фан-техника ютуқлари асосида қайсидир даражада амалга ошириб бериш мумкин бўлиб қолди. Мавҳум учар гиламдан кўра самолёт, аждарга қарши турувчи паҳлавондан кўра техник кучга эга машиналар анча реалроқ нарсалар бўлгани учун ҳам болалар реалист, амалиётчи бўлиб қолаяпти. Натижада улар ишқ-муҳаббат масалаларига ҳам романтикадан кўра, балки реал ҳаётий муаммолар орқали нигоҳ ташламоқдалар. Балки қизлар ўз ошиқларини мажнунваш бир қиёфада эмас, уддабурон, ишбилармон, тадбиркор кўринишида бўлишини истаётгандирлар. Йигитларимизга қизнинг оиласи қандай эканлиги муҳим бўлиб қолаётгандир… Барча йигит-қизларни бир хил қаричда ўлчаб бўлмас. Лекин шу ўртада ҳақиқий қалбда пайдо бўлувчи чин севгига путур етаётгандек…

Шуниси қизиққи, бундан 100 йил аввал Абдулла Қодирий (1894–1938) “Туркистон” газетасининг 1922 йил 17 сентябрь сонида “Лайли ва Мажнун” (кичкина филетўн)” номли мақола эълон қилган эди[1]. Унда “Лайли ва Мажнун” спектакли томошаси ҳақида гап кетади. Дидлар пасаяётганини истеҳзо билан танқид қилади. Демак, Лайлию Мажнунларга қарашлар ўзгара бошлаганига бир аср ҳам тўлибди, шекилли (?!)

Мақоламизни аниқ бир хулоса билан якунламаймиз. Мақсадимиз ҳозирда ёшлар қарашларидаги ўзгаришларга диққатни қаратиш эди, холос. Бир жиҳат аниқ – ҳақиқий муҳаббат доимо барҳаёт.

2004–2019 йиллар

[1] Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Олти жилдлик. Биринчи жилд. Шеърлар, ҳикоя ва очерклар, ҳажвиялар. Тошкент, 1995. Б.101-102

НАВОИЙ МАҚБАРАСИДАН УЧ СИҚИМ ТУПРОҚ: ҲИРОТ САФАРИ ТААССУРОТЛАРИ[1]

Ҳирот сафаридан ўзим билан Тошкентга келтирганим Навоий қабридан олинган уч сиқим туфроқ бўлди. Бир сиқимини отам қабрига олиб бориб қўшдим. Яна бирисини устозларим мозорига. Учинчисни навоийшунос шогирдимга топширдим... Нега?! Яхшиси Навоий мазори зиёратини амалга оширишга муваффақ бўлишимизга йўл очган имконият ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, ташкил этилаётган музокарлар кўп йиллардан бери жанглар ичида қолиб кетган Афғонистондаги вазиятни юмшатиш, минтақадаги барқарорликни таъминлаш учун амалга оширилаётган фаолият ўз самарасини ҳам бера бошлаяпти.

Ўзбекистон-Афғонистон алоқлари, борди-келдилар кучаймоқда. Бунинг маъанавий ва маданий ҳаётдаги исботи сифатида яқинда (7-8 апрель, 2021 йил) кунлари Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган конференцияни кўрсатиш мумкин. Унда ўзбекистонлик вакиллар ҳам иштирок этдилар. Улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Иргашев, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори профессор Шуҳрат Сирожиддинов, шу университет профессори Нурбой Жабборов, Ўзбеккино миллий агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Ризаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажидов, Маданият вазирининг маънавий-маърифий ва давлат тилини ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси, филология фанлари доктори Маъруф Йўлдошев, Хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов ва навоийшунос олим, филология фанлари номзоди Олим Давлатов, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти кафедра мудири Илёс Арабов ва адабиётшунос Гулбаҳор Ашурова бор эди.

Алишер Навоий умрининг катта қисмини ўтказган, ижодкор сифатида машҳур бўлишида катта ўринга эга бўлган Ҳирот шаҳрини ҳеч бўлмаса бир марта бўлса-да, кўриш, Ҳиротнинг Навоий қадами теккан кўчаларини кезиш нафақат навоийшунослар, балки ҳар бир ўзбек зиёлиси қалбининг бир бурчагида мавжуд бўлган орзу. Мен дорилфунундаги талабалик давримдан бошлаб навоийшунослик йўналишида мутахассис бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганнимга 40 йил бўлди. Ўшандан бери Ҳирот шаҳри Алишер Навоийнинг қадрдон маскани ва ўзбек мумтоз адабиётининг муҳим ўчоқларидан бири сифатида муттасил ўзига тортиб келган.

Ниҳоят, қадамимиз Ҳирот заминига тегди. Бизни Афғонистон Ислом Республикаси ҳукуматининг юқори вакиллари кутиб олишди. Афғонистон Президенти котибияти мудири Муҳаммад Шокир Коргар, Ҳирот шаҳар ҳокими ташрифимиздан мамнун эканликларини билдирдилар.

Шу куни Алишер Навоийга бағишланган конференция бошланди. Анжуманнинг ялпи йиғилишида Буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган тадбир иштирокчиларига Афғонистон раҳбари Ашраф Ғани ҳам видеомурожаат йўллаб, Мир Алишер

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. Навоий мақбарасидан уч сиқим тупроқ // Даракчи. 2021 йил, 27 май.

Навоий нафақат туркий халқлар, балки форс адабиётида ҳам муҳим ўрин тутувчи сиймоларидан бири экани, бу улуғ зот Афғонистон заминининг ҳам буюк ифтихори эканини дарий тилида, сўнг ўзбек тилидаги маърузасида қайд қилди:

"Азиз ва ҳурматли ватандошлар! Амир Алишер Навоий Афғонистон тарихи, маданияти ва маънавиятида ғурурланишимиз учун асос берувчи шахсдир. Ҳаммамиз унинг фикр ва ғояларидан фойдаланиб келяпмиз". Афғонистон Президенти котибияти мудири, Ҳиротдаги Алишер Навоий конференцияси ташкилий қўмитаси раиси Муҳаммад Шокир Коргар ҳам ўзбек ҳамда дарий тилларида маъруза қилди. Ҳирот шаҳар ҳокими айни шаҳар тарихи тўғрисида сўзлади.

Яна ялпи йиғилишда Ўзбекистон вакили Исматулла Иргашев ўзбек ва дарий тилларида Навоийнинг ўзбек халқи маданий ҳаётидаги ўрни ҳақида маъруза қилиб, Алишер Навоий ўзбек тилини дунёга олиб чиққан инсон, деб таъкидлаганида залда ўтирганлар қарсаклар билан бу фикрни олқишладилар.

Анжуманда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон сингари мамлакатлардан ҳам бир қатор адабиётшунос олимлар иштирок этишди. Буюк шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида маърузалар, шоир ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўзбекистонлик хонанда Илёс Арабов Навоий ғазалига басталанган мақомни ижро этди.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий Ҳиротда таваллуд топган, шу ерда Темурий султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. Ўз даврида Навоий раҳнамолигида Ҳиротда қатор масжиду мадрасалар, таълим ва шифо масканлари бунёд этилган. Ул зотнинг мақбараси ҳам айни шу шаҳарда. Сўнгги йилларда икки мамлакат ҳукумати ҳамкорлигида Алишер Навоий мақбараси қайта тикланмоқда. Ҳозирда унинг аттрофида Навоий боғини ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тадбир иштирокчилари улуғ бобомиз хоки мангу қўним топган мақбарани зиёрат қилиб, Навоий руҳига атаб дуолар ўқишди.

Ҳиротдаги Алишер Навоий конференцияси тадбирлари доирасида Навоий мақбарасини ҳам зиёрат қилдик. Шунда Ғафур Ғуломнинг "Навоий қабри устида" (1964 йил) шеъридаги қуйидаги мисралар ёдга келади:

Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,
Мазоринг бошида таъзим ила турмакдадурмен сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибмен интихоб айлаб.

Ҳирот азалдан Шарқ тамаддунининг қадимий бешикларидан бири саналади. Агар тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, афғонистонлик олимлар, маданий марказлар билан ҳам алоқалар ўрнатилса, теран томирларимизни, муштарак меросимизни тадқиқ этишда янги-янги марралар забт этилган бўлур эди.

Шўро сиёсати, ундан кейин Афғонистондаги урушлар, толибон ҳаракати билан боғлиқ жангу жадаллар Ҳиротдан, Навоий фаолият юритган муҳим марказдан бизни бирмунча узоқлатиб қўйди. Ёнимиздаги мамлакатдан маънан узоқлашдик. Қалбан эса Навоийга муттасил яқинлигимиз яшайверди. XX асрда умргузаронлик қилган ўзбекистонлик навоийшуносларнинг бир неча авлоди Навоий мақбарасини бир марта бўлса ҳам зиёрат қилсам эди, деган армон билан дунёдан ўтиб кетдилар.

Ҳирот сафаридан ўзим билан Навоий қабридан уч сиқим тупроқ келтиришимда балки рамзий маъно бордек. Бир сиқимини отам навоийшунос олим Содир Эркинов қабри тупроғига қўшдим. У киши бошқа навоийшунослар сингари Навоий мақбарасини зиёрат қила олмаган бўлсалар-да, Навоий хоки пойидан бир улуш у кишининг заминий бағрига келди. Яна бирисини устозларим Азиз Қаюмов ва Нажмиддин Комилов қабрларига элтдим. Учинчисни навоийшунос шогирдимга топширдим. Зеро, у ҳам Ўзбекистонда туриб бўлса-да, Навоий умргузаронлик қилган шаҳар ва ётган заминга яқинлашсин. Катта авлод навоийшуносларини ишини Алишер Навоий тупроғини қўлида ва кўнглида сақлаб давом эттирсин.

2021 йил, апрель

МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК

Шарқ классик адибларининг Ўрта Осиё қўлёзмалари миқдорий таҳлили (Ҳофиз, Жомий ва Бедил)[1]

Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида XVI–XIX асрларда Ўрта Осиёда форсийзабон машҳур адиблардан Ҳофиз Шерозий (1325–1389), Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ва Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1720) асарлари кўп миқдорда кўчирилганлигини кузатдим. Мазкур мақола айни адибларнинг Ўрта Осиё қўлёзма асарлари ҳақида маълумот бериш мавзусига бағишланди[2]. Буларни кўрсатишдан мақсад Навоийнинг XVII–XIX аср қўлёзмалари билан ёнма-ён форс классиклари қўлёзма асарларининг Ўрта Осиёда қанча миқдорда кўчирилганлигини аниқлашдан ва келгусида уларни қиёсий таҳлил қилиш учун манбаларни аниқлаб олишдан иборат бўлади.

Ўрта Осиёда асарлари айни даврда энг кўп кўчирилган ижодкорлар сифатида туркий адиблардан Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий (1166 й. ваф. эт), Фузулий (1494–1556), Сўфи Оллоёр (1644–1724) каби адибларни тилга олиш мумкин. Форс адабиётининг юқоридаги уч классиги қўлёзма асарлари тавсифини Ўрта Осиё ёки умуман, Мусулмон Шарқи форсий мероси билан боғлиқ деярли барча каталог/феҳристларда учратиш мумкин. Шу боис Ҳофиз, Жомий ва Бедил асарларини ўз ичига олган Ўрта Осиё қўлёзмаларини, аввало, миқдорий жиҳатдан ўрганиш муаммосига эътибор қаратиш лозим деган хулосага олиб келди. Аммо бу уч адиб қўлёзмаларининг Ўрта Осиёдаги умумий аниқ бир миқдорини аниқлаш мураккаб иш. Нашр қилинган мавжуд илмий тадқиқотлар ва фондлар каталогларидаги мавзуимизга оид маълумотлар ҳозиргача етарли ўрганилмаганлиги ҳамда умумлаштирилмаганини ҳисобга олсак, уларга диққат қаратиш орқали ҳам муайян тасаввур берувчи манзарани ҳосил қилиш мумкин. Биз ўз тадқиқотимизга Ўрта Осиё қўлёзма фондлари бўйича нашр қилинган каталог-феҳристлардаги маълумотлар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондини асос қилиб олдик. Чунки ҳозирча Ўзбекистоннинг барча шаҳарларидаги фондлар каталоглари нашр этилмаган. ЎзР ФА Шарқшунослик институти бўлса Ўрта Осиёдаги қўлёзмалар мажмуига эга бўлган энг катта фонддир.

Бундан ташқари шахсий коллекция-кутубхоналар ва аҳоли қўлидаги қўлёзмалар ҳозирча етарли ўрганилмаган. Уларни тавсифлаш навбатдаги вазифадир. Биз уларни ҳам имкон доирасида мазкур мақоламизга жалб қилишга интилдик. Масалан, илмий адабиётларда қайд этилганларини жалб этдик. Ўз вақтида Европага, асосан, Россияга олиб кетилган ва у

---

[1] Мақола нашр қилинган манба: Erkinov A. “Manuscripts of the works by classical Persian authors (Hāfiz, Jāmī, Bīdil): Quantitative Analysis of 17th-19th c. Central Asian Copies” // Iran: Questions et connaissances. Actes du IVe Congrès Européen des études iraniennes organisé par la Societas Iranologica Europaea, Paris, 6-10 Septembre 1999. vol. II: Périodes médiévale et moderne. [Cahiers de Studia Iranica. 26], M. Szuppe (ed.). Assocation pour l`avancement des études iraniennes-Peeters Press. Paris-Leiden, 2002. P.213-228. Мазкур мақола 1999 йил 6-10 сентябрь кунлари Парижда ўтказилган Европа эроншунослари жамиятининг 7-конгрессида ўқилган маъруза асосида ёзилган.

[2] 1999 йил февраль-июль ойларида Германиянинг ГТЦ ташкилоти кўмагида мусулмон Шарқи қўлёзма манбалари устида ишлаш йўналишида ўзбекистонлик Шарқшунослар билан малака оширишда иштирок этдим. Мазкур проектга проф. Юрген Паул (Мартин Лютер номидаги Халле-Виттенберг университети) раҳбарлик қилган. Проект менежери Аннетта Кремер (Бохум университети) бўлган. Айни мақолани тайёрлаш ва эроншунослар конференциясига Тошкентдан келиб иштирок этишимга ёрдам берган ГТЦ ташкилоти ҳамда Ю.Паул ва А.Кремерларга, мақолани тайёрлашда қўллаб-қувватлаган проф. Шодмон Воҳидов ҳамда Зикрилло Ишончларга миннатдорчилик билдираман.

жойдаги йирик шаҳарлар фондларида сақланувчи Ўрта Осиё қўлёзмаларини қисман эслаб ўтдик. Мақсадимиз мақоламиз асоси бўлган уч адиб ижодига аҳолининг муносабати қўлёзмалар воситасида қандай ифодаланганлигини ўрганиш бўлганлиги учун уларнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳозиргача мавжуд қўлёзма асарлари бизни кўпроқ қизиқтирди. Кўпгина қўлёзмаларда улар кўчирилган жой – макон номи берилмаган. Бизнинг мақсадимиз фақат Ўрта Осиёда кўчирилган қўлёзмаларнигина ўрганиш эмас. Мақсад – Ўрта Осиё минтақасида ҳозиргача мавжуд қўлёзмалар миқдорини имкон қадар аниқлашдир. Демак, биз учун асос бўлган база иккита экан:

1) Ўрта Осиё қўлёзма фондлари бўйича нашр қилинган каталоглар.

2) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фонди (бундан кейин – ЎРШИ).

Дунё бўйича уч адиб қўлёзмаларининг тарқалиши ва ўрганилиши катта масаладир[1]. XX асрда уч ижодкор асарлари ва уларнинг қўлёзмаларининг баъзи нусхалари тўғрисида тадқиқот ёки маълумотлар мавжуд бўлган[2].

Қўшни Афғонистонда ҳам бу шоирлар шеърлари кирган алоҳида қўлёзмалар кўп бўлган Қоҳирада Афғонистон – қўлёзма фондлари бўйича нашр қилинган феҳристга асослансак, бу уч адибнинг 100 дан ортиқ қўлёзмага асарлари кирган[3]. Агар бу уч авторнинг турли шеърий баёз ва кичик тўпламлардаги асарларини ҳам бу ҳисобга қўшсак, қўлёзмалар миқдори икки баробардан ҳам кўпроққа ошиши мумкин.

Биз кун тартибига қўйган масала махсус ўрганилмаган. Ўзбекистон ёки Тожикистонда Бедил ва Жомий ижодлари юзасидан муайян тадқиқотлар юзага келган. Аммо уларда, асосан, шоирлар ижоди ўрганилган[4].

Уч адибнинг Ўрта Осиё қўлёзмалари миқдори махсус ўрганилмаган. Аммо муайян каталог ва мақолаларда бу регион қўлёзмалари тўғрисида маълумот топиш мумкин. Масалан, ЎзР ФА Шарқшунослик ва собиқ Қўлёзмалар институтидаги[5] Абдураҳмон Жомий асарлари қўлёзмалари тавсифланган[6].

---

[1] Бу масалага доир ҳамма адабиётларга биз эга эмасмиз. Шу боис айрим библиография ва муҳим тадқиқотларни қайд этиш билан чекланамиз қ.: Родфар А. Ҳофиз пажухои ва ҳофизпажухи. Теҳрон, 1368; Browne T.F. Literary History of Persia, vol. II-III, Cambridge. 1984; Сафо З. Тарих-и адабиёт дар Ирон, Том III-V. Теҳрон, 1373; Rypka J. History of Iranian Literature. Dordrecht-Holand, 1968; Масалан, Германия фондларида учраши: қ.: Verzeichnis der Orientalischen Handschriften in Deutschland. Persische Handschriften und einige in den Handschiften einhaltente arabische und turkische Werke. Bd. XIV (1). Ed. W.Eilers, W.Heinz. Weisbaden 1968.

[2] Масалан: Галимова Г. “Старейшая рукопись стихов Хафиза” // Проблемы востоковедения, 1959, №4. С.103-112; Джалилова Р.П. “Бедиль и рукописи его сочинений в фонде ИВ АН УзССР” // Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. Ташкент: Фан, 1986. С.47-58; Абдураҳмон Жомий. Феҳрести асарҳои дар борай ӯ, ки дар СССР аз чоп баромадаанд (1917–1988). Душанбе, 1989; Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. Тошкент. 1981; Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. Тошкент, 1994.

[3] Manuscrits d Afghanistan. par. S.de Lougier de Beauregueil. Caire, 1964. Афсуски, Афғонистондаги сўнгги ҳарбий ҳаракатлар натижасида ва Қобулнинг бомбалардан хароб бўлиши оқибатида мазкур қўлёзмалар тақдири номаълумлигича қолмоқда.

[4] Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Тошкент. 1957; Мўминов И. Мирза Бедил. Тошкент. 1964; Шукуров Ш. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг поэтик мероси. Тошкент. 1981; Азимов М. Хафиз Ширази и узбекская литература (Влияние, интерпретация и перевод). Автореферат диссертации кандидата филологических наук. Ташкент. 1989.

[5] Мазкур институт 1978–1998 йиллар давомида Тошкентда фаолият кўрсатган. 1998 йили 1 сентябрда бу институт уч ташкилотга қўшиб юборилди:
1) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти.
2) Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти.
3) Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи. Қўлёзмалар институтининг қўлёзмалар фонди ЎРШИга Ҳ.Сулаймонов фонди ёки “ЎРШИ 3-фонд” номи остида ўтказилган.

[6] Рукописи произведений Абдаррахмана Джами в собрании Института востоковедения Академии наук Узбекской ССР.

Лекин мазкур феҳрист Ўрта Осиёдаги Жомий асарлари қўлёзмалари тўғрисида батафсил маълумот бера олмайди. Бу табиий, чунки уларнинг вазифаси муайян фонддаги, муайян адиб асарлари қўлёзмаларини тавсифлашдан иборат бўлган, холос. Ўрта Осиёдаги уч адиб асарлари қўлёзмаларини ўрганиш учун дастлаб уларнинг миқдорини аниқлаш зарур бўлади.

Қўлёзмалар миқдори

Ўрта Осиёда кўчирилган қўлёзмаларнинг муайян қисми бу региондан ташқарига олиб чиқиб кетилган. Масалан, Москва ва Санкт-Петербургдаги қўлёзма фондларининг бир қисми Ўрта Осиёдан келтирилган мана шундай қўлёзмалар асосида ташкил топган. Мазкур фондларда ҳам Ҳофиз, Жомий ва Бедил асарларининг Ўрта Осиёда кўчирилган нусхалари учраб туради[1].

Ўрта Осиё қўлёзмаларини ўрганишда XX аср бошигача бўлган даврни ажратиб олиш лозим. Сабаби Туркистонда 1879–1917 йилларда тошбосма китоблар чоп этилди. Бу даврда гарчи литографик нашр қўлёзмага бўлган эҳтиёжни анча камайтирган бўлса-да, ҳали қўлёзма кўчириш билан шуғулланиш мавжуд эди. Туркистон ўлкасида китоб нашр этишнинг йўлга қўйилиши билан қўлёзма кўчиришнинг камайиши табиий ҳол. Шу боис биз XX аср бошигача бўлган вақтни алоҳида давр сифатида кўрсатмоқдамиз.

XX аср бошигача Ўрта Осиёдаги уч муаллиф асарлари қўлёзмалари ҳусусида шу даврда тузилган айрим феҳристлар ва бу давр қўлёзмаларига бағишланган тадқиқотлардан маълумотлар олиш мумкин. Улар орасида муайян давр ва регионлар бўйича маълумотлар учрайди[2].

Юқоридаги манбалар асосида баъзи маълум кўҳна фондлардаги уч шоир асарлари миқдорини кўрайлик:

Изд. А.Урунбаев, Л.М.Епифанова. Ташкент, 1965; Зияев Т. “Ал-Фаваид ал-Зийаийа”нинг қўлёзма ва босма нусхалари” // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент. 1997. Б.165-171; Исломов З. Рукописи “Ал-Фаваид ад-Дийаийа” Абд ар-Рахмана Джами. Хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУз // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент. 1997. Б.141-164.

[1] Персидские и таджикские рукописи государственной публичной библиотеки им. М.Е.Салтикова Щедрина. часть I. Каталог. Ленинград. 1988. №475; Ворожейкина З.Н. Описание персидских и таджикских рукописей Института Востоковедения. Выпуск. 7. Персоязычная художественная литература (X–XIII вв.). Москва, 1980. №27; 53; 55; 73; Ниязов Х.Н. Описание персидских и таджикских рукописей Института Востоковедения. Выпуск. 8. Персоязычная художественная литература (X–XIII вв.). Москва, 1979. №32; 34; 52; Акимушкин О.Ф. Описание персидских и таджикских рукописей Института Востоковедения. Выпуск. 10. Поэтические сборники, альбомы. Москва, 1993. №53.

[2] Ўрта Осиёдаги XX аср бошигача мавжуд қўлёзмалар ва фондлар ҳақида қ.: Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. Ташкент 1889; Залеман К.Г. “Список рукописям, приобретенным в Туркестанском крае летом 1897 г.” // Известия императорской Академии наук. 1898, сер. V, том VIII, №1. С.IX-XI; Hartmann M. Die osttuekischen Handschriften der Sammlunq Hartmann. Berlin, 1904; Бартольд В.В. “Отчет о командировке в Туркестан” // Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. С.119-210; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан (август-декабрь, 1920) // Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. С.366-396; Бартольд В.В. “Занятия в туркестанских библиотеках и музеях летом 1925 г.” // Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. С.441-461). Қўқон хонлиги ва Фарғона водийсидаги қўлёзмалар: Валидов А. “Восточные рукописи в Ферганской области” // Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества. 1915. XXII, С.303-320); Бухоро хонлиги қўлёзмалари қ.: Валидов А. “О собрании рукописей в Бухарском ханстве” // Записки Восточного отделения императорского русского археологического общества. 1916. XXIII. С.245-262; Семенов А.А. “Лицевые рукописи Бухарской центральной библиотеки” // Иран. II. 1928. С.89-92; Беляев В.И. Арабские рукописи Бухарской коллекции Азиатского музея ИВ АН СССР. Ленинград, 1932; Иванов В.А. “Списки рукописей Бухарской коллекции” // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежегодник 1970. Москва, 1974. С.407-436.

Шайбонийлар (1500–1599) кутубхонасида ҳам бу шоирлар асарлари қўлёзмалари мавжуд бўлган: Жомий-17; Ҳофиз-1[1]. Хива хонлиги саройи кутубхонаси китоблари қайд этилган дафтарига асосланса, 1912 йили мазкур кутубхонада қуйидаги миқдорда қўлёзмалар бўлган: Жомий - 18; Бедил - 3[2]. Бу шоирлар асарларининг литографик нашрлари ҳам анча миқдорни ташкил қилади[3].

XX аср бошигача жами қуйидаги миқдорда қўлёзмалар бўлган: Ҳофиз-1; Жомий-35; Бедил-3.

Ўрта Осиё қўлёзмалари тавсифланган замонавий каталоглардаги маълумотлар ҳам зарур. Бундай каталоглар айнан Ўрта Осиё фондлари қўлёзмалари тавсифига бағишланган бўлиб, улар кўпчиликни ташкил этмайди. Ҳалигача тавсиф этилмаган фондлар анча. Нашр этилган каталоглар асосида Ўзбекистон ва Тожикистон фондларидаги Ҳофиз, Жомий ва Бедил қўлёзма асарлари миқдорини аниқлаш ҳам мумкин.

1-жадвал

Нашр этилган каталоглар асосида Ўзбекистон ва Тожикистон фондларидаги уч муаллиф қўлёзма асарлари миқдори

Мамлакат	Ҳофиз	Жомий	Бедил
ЎЗБЕКИСТОН			
Тошкент давлат университети, асосий кутубхона[4] Бухоро Марказий кутубхонаси тарих бўлими[5] Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси, Бухоро ш.[6]. Самарқанд Давлат университети[7]	– – 1 –	8 1 5 149	2 – 5 –
ТОЖИКИСТОН			
Тожикистон Фанлар академияси, Душанбе ш.[8] Фирдавсий номидаги Давлат кутубхонаси, Душанбе ш.[9]	28 1	97 9	124 2
ЖАМИ	**30**	**269**	**133**

Ўрта Осиёдаги шахсий кутубхоналарда ҳам қўлёзмалар анчагина. Аммо улар ҳозиргача етарли ўрганилмаган[10]. Масалан, тарихчи олим Садр Зиё (1867–1932) ўз кутубхонаси “Фихрист”ини тузган. Унда уч муаллифнинг 3 та қўлёзмаси тилга олинган[11].

---

[1] Akimuskin O.F. “Библиотека Шейбанидов” // I. Baldauf, M. Friederich (Hrsg.) Zentralasienstudien. Konferenzakten. ESCAS. IV. Bamberg. 8-12. Oktober. 1991. Berlin, 1994. S.325-341).

[2] ЎРШИ-3, №269; КФИР, I, №310.

[3] Туркистондаги тошбосма китоблар нашрлари ҳақида қ. : Hartmann M. Das Buchwesen in Turkestan und die tuerkischen Drucke der Sammlung Hartmann. Berlin, 1904.

[4] Семенов А.А. Описание таджикских, персидских, арабских и тюркских рукописей Фундаментальной библиотеки Средниазиатского государственного университета, вып.1. Ташкент, 1935; вып.2.Ташкент, 1956.

[5] Семенов А.А. Каталог рукописей исторического отдела Бухарской Центральной Библиотеки. Ташкент. 1925.

[6] Курбанов Г., Шварц Ф. Каталог арабографических рукописей Бухарской областной библиотеки им. Абу Али ибн Сины. Бухара. 1998.

[7] Фехрести осор-и Абдураҳмон Жомий. Изд.А. Пулатов, Аминов Ш. Самарқанд, 1989.

[8] Каталог восточных рукописей АН Таджикской ССР. Том II–III. Душанбе, 1968.

[9] Юнусов А. Фехрести дастнависихои точики-форси. Китобхонаи давлатии Республикаи тожикистон ба номи Фирдавси. Чилди 1. Душанбе. 1971.

[10] Кўҳна ва замонавий шахсий қўлёзма фондлари тўғрисида қ.: Бартольд В.В. “Библиотека Джурабека” // Бартольд В.В. Сочинения, том VIII. С.313-315; Бартольд В.В Отчет о комондеровке в Туркестанский край летом 1916 // Бартольд В.В. Сочинения, том VIII. С.336-339.

[11] ЎРШИ-3, №2460. Мазкур фихристда келтирилган қўлёзма асарлар ҳақида қ.: Vahidov Sh., Erkinov A. Le fihrist

XX аср бошигача бўлган айрим қўлёзмалар тўғрисида нашр этилган турли манбалардан ҳам маълумот олиш мумкин. Масалан, В.В.Бартольд ўз вақтида Мирзо Улуғбек расадхонасини очган археолог В.В.Вяткин (1869–1932) шахсий кутубхонасида Жомийнинг "Силсилат уз-заҳҳаб" ва "Туҳфат ул-аҳрор" достонларини ўз ичига олган қўлёзма тўпламни кўрганлигини[1] ҳамда 1925 йили эса "Девони Бедил"нинг 1288/1871-72 йилларда кўчирилган нусхасини учратганлигини таъкидлайди[2].

Лекин шу каби шахсий фондлардаги Ҳофиз, Жомий, Бедил қўлёзмалари миқдори тўғрисида аниқ бир фикр айтиш қийин. Чунки улар тўғрисидаги маълумотлар етарлича эмас. Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, айрим замонавий тавсифланган фондлар ҳамда анчагина шахслар қўлида бу шоирлар қўлёзмалари мавжуд. Шаҳрисабзлик хаттот ва шоир Равнақий-Шаҳрисабзий (1890–1978) фондида 3 қўлёзма бор. Тошкентда профессор Содир Эркинов (1930 йилда туғилган) шахсий кутубхонасида Ҳофизнинг 1294/1877 йилда кўчирилган қўлёзмаси мавжуд[3]. Проф. Нажмиддин Комилов (1938 йилда туғилган) қўлида Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" асари бор[4]. Тошкентдаги 146-мактаб директори; ўзбек тили ва адабиёти муаллими Шавкат Муродбековнинг (1958 йили туғилган) қўлида Бедилнинг 1900 йили кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Проф. Шодмон Воҳидов (1961 йили туғилган) кутубхонасида Ҳофизнинг 4 та қўлёзмаси бор. Шуниси қизиққи, бу китоб эгалари мазкур асарларни ўз ота-оналаридан мерос сифатида олганликларини таъкидлайдилар. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин. Биз кўрган бундай шахсий фондларда қуйидаги миқдорда қўлёзмалар бор: Ҳофиз-8, Жомий-7, Бедил-2.

ЎР ФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалар

Биз тадқиқотимизда уч шоирнинг алоҳида қўлёзма асарлари ёки улар девонлари кирган катта тўпламларни олдик. Кўплаб шоирлар шеърлари киритилган тўплам – баёзлар жалб қилинмади[5]. Сабаби агар баёзларни ҳам киритсак, қўлёзмаларни ўрганиш анча чигаллашади. Шу боис фақат бутун асарлар, девонлар ва девонлардан интихоблар кирган қўлёзмаларгина олинди. Масалан, "Девони Ҳофиз"нинг қўлёзмаларида (ЎРШИ-1, 802/1; 142/1) Ҳофизнинг ҳар икки ғазали орасида Умар Хайёмдан (1048–1131) бир рубоий ёзилган нусхалари учрайди. Ҳофиз, Жомий ва Бедил шеърларининг бошқа бир қўлёзма ҳошиясига ёзилган нусхалари ҳам мавжуд[6]. Бундай турдаги қўлёзмаларни китобхонлар аудиторияси, дидлар таҳлили нуқтайи назаридан ўрганиш керак.

(catelogue) de la bibliotheque de Sadr-i Ziya: une imaqe de la vie intellectuelle dans le Mavarannahr (fin XIX -e debut XX -e siècles) // Cahiers d`Asie Centrale. №7, 1999, P.141-173.

[1] Бартольд В.В. Отчет о комондировке в Туркестан (август-декабрь, 1920)... С.375.

[2] Бартольд В.В. Занятия в Туркестанских библиотеках и музеях летом 1925... С.446.

[3] Muminov A. Fonds nationaux et collections privies de manusrits en icrite arabe de l'Ouzbekistan // Cahiers d'Asie Centrale. Patrimoine manuscript et vie intellectuelle de l'Asie centrele islamique. 1999, №7. P.25-26.

[4] Muminov A.Fonds nationauxtionaux...

[5] ЎРШИ даги ўзбек адабиётига оид барча қўлёзма баёзлар тадқиқидан кейинги хулосага кўра, баёзларда шеърларининг учраши даражасига кўра биринчи ўринда Алишер Навоий, ундан кейинги ўринда Бедил ва Ҳофиз туради (Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. Тошкент, 1981. Б.46).

[6] Ўрта Осиёдаги шайбонийлар (1500–1599) тарихига оид "Зафарнома" (яна бир номи – "Абдулланома", 988/1580-81 й. ёзилган) асари қўлёзмаси ҳошиясига Мулла Мурод Муқимий номли котиб томонидан Ҳофиз девони кўчириб ёзилган (Собрание Восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители. Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова, Ташкент. 1998. С.248).

а) Қўлёзмалар миқдори

Энди Шарқшунослик институти фондидаги мазкур қўлёзмалар миқдорини кўриб чиқамиз[1].

Ҳофиз асарлари кирган қўлёзмалар – 176 та.

Жомий-470 та[2].

Бедил-412.

б) Жомий ва Бедил асарларини кўчирган котиблар

Уч шоир асарларини кўчирган котибларнинг кўпчилиги номаълум шахслар бўлиб, улар рўйхати анчагина жой эгаллаши мумкин. Биз улар ичида машҳурлари ҳамда бу шоирлар асарларини кўчиришга алоҳида эътибор қаратганларини эслаб ўтамиз.

Жомий асарларини кўчирган машҳур хаттотлар[3].

Маҳмуд Зарринқалам "Куллиёти ашъори Жомий"ни 909/1503-04 йили кўчирган (ЎРШИ-3, №969; КФИР, II, 84).

Муҳркан Худойберган Девон ибн устод Муҳаммадпаноҳ Хоразмий (ЎРШИ-1, №7010; №№7026; 6732; 6984; 6987; 6994; 1136/4; 1135/9).

Муҳаммад ал-Котиб ал-Ҳаравий: "Куллиёти Жомий", 908/1502-1503 й. кўчирилган (ЎРШИ-1, №1331).

Абд ал-Жалил Муҳаммад ал-Тобадиконий: "Нафаҳот ул-унс", 12 раби I 901/30 ноябрь 1495 й. к. (ЎРШИ-1, №4409).

Абу Тоҳир ибн Бурҳониддин ал-Ҳаравий/Ҳиравий: Нафаҳот ал-унс. Рамазон 903/ апрель - 1498 й. к. (ЎРШИ-1, №2136).

Бедил асарларини кўчиришда қуйидаги котиблар ажралиб туради:

Муҳаммад Юнусхожа Кеший (Шаҳрисабзий)[4]. У кўчирган Бедил асарлари кирган қўлёзмалар анча (ЎРШИ-1, №№5070 (бу қўлёзма "Куллиёти Бедил" бўлиб, у Муҳаммад Искандар додҳо ибн Оталиқ буюртмаси билан 1271/1854-55 йили кўчирилган); 3012/1; 11329; 3399; 3839; 3694; 2135).

Бедил асарини кўчиришдаги маҳорати туфайли у "бедилнавис" хаттот титулини олган[5].

Абдуллатиф ибн Муҳаммад Шариф Кеший Бедил асарларини уч марта кўчирган (ЎРШИ-1, №№10986; 9393/1(1222/1807-08 й.к.); 9753/1).

Аҳмад Маҳмуд Дониш калла (1827–1897) – Бухоро хонлигидаги машҳур тарихчи ва давлат арбоби бўлган. У Жомийнинг "Юсуф ва Зулайҳо" ва "Лайли ва Мажнун" достонлари қўлёзмаларини кўчириб, уларга миниатюралар чизган. Бу китоблар 10 000 танга турган[6].

---

[1] Бу ишни амалга оширишда Шарқшунослик институти қўлёзмалари тавсифланган каталогдан ҳам фойдаландик. Аммо унга фонд қўлёзмаларининг маълум бир қисми кирган (Собрание восточных рукописей. Томы I-XI. Ташкент. 1952–1987).

[2] Рукописи произведений Абдаррахмана Джами в собрании Института востоковедения ... Мазкур каталогда айтилишича, ўша даврдаги Институт фондида Жомийнинг 46 асари 531 қўлёзмада берилган экан (6-бет). Аммо бу миқдор 531 бўлмай, қайтариқларсиз 470 та қўлёзма асар бўлиб чиқди. Жомий асарларини ўз ичига олган қўлёзмалар кўплиги билан ажралиб туради. Масалан, Озорбайжон ФА Қўлёзмалар институтида бундай қўлёзмалар сони 430 нусхадан кўпроқдир (Нагиева Дж. Абд ар-Рахман Джами в Азербайджане // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент. 1997. С.130).

[3] Жомийнинг ЎРШИ фондида тўртта автографи мавжуд. Масалан: "Девони Жомий" (ЎРШИ-1, №116) ва "Шавоҳид ал-нубувват" (ЎРШИ-1, №4277); Рукописи произведений Абдуррахмана Джами в собрании Института...

[4] Бу хаттот ҳақида қ.: Erkinov A. Les manuscrits du Khamsa de'Ali Shir Nava'I et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits. Boukhara-la-Noble // Cahiers d'Asie central. n 5-6. 169-180.

[5] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971. Б.125.

[6] Айний С. Воспоминания, М., 1960. С.405-406. Allwort E. Central Asia: 130 year of Russian Dominace. A Historical Overview. III ed. London. 1994. S.174-176, 354-356, 524.

У Бедил девонини кўчириб, 20-30 тангадан сотган[1]. ЎРШИда Аҳмад Дониш кўчирган қўлёзмалар анча (ЎРШИ-1, №№2998 (1301/1883-84 й.к.); 373 (1298/1881 й.к.); 2334 (1263/1846-47 й.к.).

Мирзо Дўст Муҳаммад Араб ибн Муҳаммад Қобил (ЎРШИ-1, №№11401; 13255/2; 910 (1224/1809-10 й.к.).

Саййид Неъматулло Истравшаний "Девон-и Бедил"ни икки марта кўчирган (ЎРШИ-1, №№11376 (1231/1815-16 йили кўчирилган); 12331 (1238/1822-23 й.к.).

Ойхўжа Тошкандий "Куллиёти Бедил"ни 1232–1233/1816–1818 й.к. (ЎРШИ-1, №4420).

Домулла Отажон ибн Домулла Муҳаммад Карим "Куллиёти Бедил"ни 1324–1325/1906–1908 й.к.

Мирза Раҳим Кеший "Девони Бедил"ни 1286/1869-70 й.к. (ЎРШИ-1, №1634).

Булардан Бедил асарларини кўчиришга алоҳида эътибор қаратган регион сифатида Бухоро хонлигига қарашли шаҳар Шаҳрисабзни олиш мумкин. Шаҳрисабзлик хаттотлар Бедил шахсиятига алоҳида эътибор билан қараб, Бедил авлодлари Шаҳрисабздан чиққанлиги учун бу шахс асарлари кўплаб кўчирилган бўлиши мумкин[2].

Бедил девонларининг ёзув услуби ҳам ўзига хосдир. Кўпгина қўлёзмалар хати шикаста элементларига эга бўлган настаълиқдир. Бунинг устига, бу услубдаги ёзишда баъзи нуқталар туширib ёзилади. ЎРШИ фондидаги мен кўрган кўплаб қўлёзмаларда ҳам айнан шундай ёзув услуби учрайди[3].

Қадимий тавсифларда ҳам Бедил қўлёзмасидаги ёзув "шикастанамо" деб аталган[4]. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бадиий жиҳатдан безакли қўлёзмалар ёзувида бундай ҳолат, яъни ёзувни махсус мураккаблаштириш ҳолати учрамайди. Аксинча, бундай қўлёзмалардаги ёзув чиройли настаълиқда ва ўқишга жуда қулай (масалан, ЎРШИ-1, №№5070;№2858).

Бедил асарлари қўлёзмаларидаги бундай "шикастнамо" ёки "нимшикаста" ўқишга ноқулай – мураккаблаштирилган ёзув баъзи олимлар фикрича, махсусан қилинган. Маълумки, Бедил асарларидаги сермаънолилик уларни турлича талқин қилишга йўл очган. Эроншунос олим проф. Шоислом Шомуҳамедов (1921 й. туғ.) фикрига кўра, бу ҳолат Бедилни фақат хос ўқувчилар тушуниши ва авом ўз билганича уни талқин этиб, нотўғри йўлга кетмаслиги учун амалга оширилган[5]. Айни версияни ҳам ўйлаб кўриш мумкин.

---

[1] Муродов А. Ўрта Осиё... Б.83

[2] Erkinov A.Les manuscrits du Khamsa... S.174-175.

[3] 1998 йил 1-3 август кунлари IFEAC (Франциянинг Ўрта Осиёни тадқиқ этиш институти) томонидан уюштирилган археографик экспедицияда мазкур институт илмий котиби доктор Мариа Шуппе ва доктор Аширбек Мўминовлар билан бирга иштирок этган эдим. Айни экспедиция жараёнида Қарши Ўлкашунослик музейи қўлёзмалар фонди билан танишишга муваффақ бўлдик. Бу фондда 27 та қўлёзма сақланар экан. Улар билан танишиш жараёнида Бедил девонининг икки қўлёзмасини ҳам кўрдик. Улар ҳам шикаста элементларига эга бўлган насталиқ билан битилганди. Бу ҳолат тасодифий эмас. Биз – бир қатор ўзбекистонлик олимлар 1999 йили қўлёзмалар тавсифи бўйича Германия Федератив Республикасида малака оширишда бўлгандик. 12-30 апрель кунлари Фридрих Шиллер университети (Йена шаҳри) қўлёзмаларни тавсиф қилиш бўйича семинарда иштирок қилгандик. Уни германиялик олимлар докторлар Роземари Куиринг-Цохе ва Флориан Зобиройлар ўтказдилар. Семинар вақтида Йенадаги қўлёзмалар билан танишганимизда ҳам Бедил девонларининг худди шундай нусхалари учради. Демак, Германия (Европа) фондларида ҳам шундай қўлёзмалар учраб турар экан. Масалан, каталогдаги иллюстрацияга қ.: Verzeichnis der Orientalischen Handschriften in Deutschland. Persische Handschriften und einige in den Handschiften einhaltente arabische und turkische Werke. Bd. XIV (2). Ed. S.Divshali, P.Luft. Weisbaden, 1979. Tafel VI.

[4] Хива саройи кутубхонаси тавсифи: ЎРШИ, 269. Б.76). Бу кутубхона феҳристи ҳақида қаранг: Erkinov A., Vahidov Sh Une source meconnue pour 1`etude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim Khan II (Khiva, fin XIX e s.) // Cahiers d Asie Centrale, №7 1999. P.175-195.

[5] Бу фикрни бизга ЎРШИ катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Маҳмуд Ҳасаний билдирди (1999

Ўрта Осиёда уч шоир асарлари ўрни

Кўриб ўтаётганимиз уч шоир асарларига алоҳида муносабат ҳам қўлёзмаларнинг кўплаб кўчирилишига олиб келган. Жомийнинг “Ал-Фаваид ал-зийаийа би-шарҳ ал-кофия” асари мадрасаларда дарслик бўлганлиги ва шу билан боғлиқ тарзда жуда кўп нусхаларда кўчирилганлигини қайд қилиш керак бўлади[1].

Проф. Ш.Воҳидов Бухородаги Асирий мадрасасининг ички деворларидан бирида “Агар он турк-и...” ғазали матлаъсининг XX аср бошларида ёзилган матнини кўрган. Айни байт Тожикистонда халқ орасида

Агар он турк-и Шерозий ба даст орад дил-и моро,
Ба хол-и ҳиндуяш бахшам ду сарқанду як хурморо –

шаклида ҳам тилга олинади[2].

Ўзбекистон ва Тожикистондаги кўпгина қабристонлардаги қабртошларда Ҳофиз ва Саъдий Шерозий марсия ва бошқа шеърлари учрайди[3].

Ҳофиз қўли билан кўчирилган Саъдий девонини Садр Зиё (1867–1932) Туркманистоннинг Чоржуй шаҳрида бир аёлдан сотиб олади ва мазкур бебаҳо қўлёзма эвазига аёлга миннатдорчилик маъносида отаси қози Абдушукур (1888 й. ваф.) билан бу аёлнинг уч фарзандини болалигидан олиб тарбиялайди.

Ҳофизнинг Тожикистонда кирилл ёзувидаги нашрлари мавжуд бўлишига қарамай, халқ орасида ҳозир ҳам қўлёзмаларига эҳтиёж бор. Ҳофиз меросини Тожикистонда 1992–1994 йилларда “каломиллоҳи соний” сифатида талқин қилиш кучайган эди. Масалан, Тожикистоннинг Панжикент шаҳрида яшовчи хаттот Иброҳим Наққош маҳаллий телевидение орқали ана шундай турдаги талқинларни амалга оширган[4].

Жомийнинг, айниқса, XIX аср ўзбек адабиётига таъсири кучли бўлди. Ўзбек адиби Муқимий (1850–1903) уни пир деб ҳисоблаган[5]. Халқ орасида XVIII–XIX асрларда Жомий билан боғлиқ, насрий “Мирзо Ҳамдам” номли халқ қиссаси тарқалган.

йил, октябрь). У кишининг айтишича, Бедил асарларининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги тошбосма нашрларида ҳам шундай ёзув услуби сақлаб қолинган.

[1] Бу асарнинг Ўрта Осиёдаги қўлёзмалари тўғрисида қ. : Зияев Т. “Ал-Фаваид ал-Зийаийа”нинг қўлёзма ва босма нусхалари” // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент, 1997. Б.165-171; Исломов З. Рукописи “Ал-Фаваид ад-Дийаийа” Абд ар-Рахмана Джами. Хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУз // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент, 1997. Б.141-164; Муминов А. Каталог арабографических рукописей музея-заповедника “Азрет-Султан” в городе Туркестан. Туркестан, 1997. С.78, №93-96.

[2] Ҳофизнинг шеърида мазкур мисра аслида “Ба хол-и ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро” кўринишида экани яхши маълум.

[3] Масалан, 1997 йил 5-15 августда биз профессорлар Қ.Содиқов ва Ш.Воҳидовлар билан Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз районида археографик экспедицияда бўлганимизда ҳам шундай қабртошларни учратдик. Бундай мисоллар мавжуд манбалар: Аминов Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида)XV–XX асрлар). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. Ташкент. 1998.

[4] Тарих фанлари доктори Ш.Воҳидов маълумоти (1999 йил, октябрь). Бу хаттот ҳақида қ.: Вахидов Ш., Эркинов А. Ибрахим Наккаш // Ислам на территории бывшей российской империи. Энциклопедический словарь. Том II. Под. редакцией С.М.Прозорова. Москва: Наука, 2018. С.185-186.

[5] Орзибеков Р., Тоҳиров Қ. “Жомий ва XIX аср ўзбек адабиёти” // Абдураҳмон Жомий. 1989. Тошкент, 1997. Б.108.

Бедил билан боғлиқ бир ҳикоя ҳам машҳур: айтишларича, бир киши Бедилнинг шеърidan бирини шарҳлаб, ундан 100 маъно топган экан. Кечқурун туш кўрса, Бедил тушига кириб, сен барибир мен айтмоқчи бўлган маънога етиб бормабсан, деган экан. Бедил шеърларининг чуқурлиги ва кўпмаънолиги шундай ҳикоянинг туғилишига сабабчи бўлган, шекилли.

Шарқшунос А.А.Семенов (1873–1958) ТошДУ кутубхонаси қўлёзма асарлари каталогини тузар экан, Ҳофиз асарлари қўлёзмаларининг ҳолати яхши эмас, бу мадрасаларда уларнинг кўп фойдаланиб ўқилганлигидан бўлса керак дейди[1]. Шарқшунос олим Ибодулла Одиловнинг (1872–1944) таъкидлашича, ўтган асрнинг 1890-йилларида Бухорода зиёлилар ўртасида Бедилнинг баъзи фикрлари тўғрисида қизғин баҳслар бўлиб ўтган, бу баҳслар ҳатто кескин тортишувларга айланган. Руҳонийлар Бедилни исломдан чекинишда айблаганлар, баъзилар эса уни содиқ мусулмон деб кўрсатганлар. Бу баҳслар оқибатида Бухоро ҳукмдори Амир Аҳадхон (1885–1910) Бедил асарларини ўқишни ман қилиш ҳақида буйруқ чиқарган[2].

Бухоро амири Амир Ҳайдар (1800–1826) ҳузурига Ҳиндистондан бир тужжор 40 кунга меҳмонга келади. Унинг қўлида Бедил девонининг (дастхат нусхаси – автографи (?!) бор бўлган[3]. Амир Ҳайдар бу проторграфдан (асарнинг кейинги нусхалар учун асос бўлувчи қўлёзма) ким 40 кун мобайнида нусха кўчирса, уни мукофотлашини айтади. Фозил девона исмли хаттот 40 кун ичида битта мукаммал нусхани Амир учун, яна битта мухтасар нусхани ўзи учун кўчиради. Амир бу хаттотга 1000 ашрафий танга беради. Фозил девона бу пулга мадраса қурдиради[4].

Мазкур уч муаллифнинг бадиий ижоддаги обрўси Ўрта Осиёда ва ундан ташқарида ҳам азалдан юксак бўлган. Масалан, Алишер Навоий ғазал битишда ўзининг устозлари Ҳофиз, Деҳлавий, Жомийлар бўлганлигини қайд этади[5]. Ўрта Осиёда бу шоирларнинг шеърлари ҳам кенг ёйилган эди.

Шарҳлар. Ўрта Осиёда Ҳофиз, Жомий ва Бедил асарларига эътибор, улар асарлари мазмунини китобхонга тезроқ етказиб бериш учун интилишга олиб келди. Натижада улар асарларининг шарҳлари ва таржималари вужудга келди. Бу уч муаллифнинг меросига, хусусан, Жомий ва Ҳофиз асарларига Мусулмон Шарқида шарҳлар ёзилган.

Асрлар мобайнида Ўрта Осиёда навоийхонлик, бедилхонлик кечалари ўтказилган. Бедилхонлик ҳатто XX аср бошларигача давом этиб келган. Ўрта Осиёда асарлари адабий давраларда доимий шарҳланган муаллиф сифатида Бедил етакчи ўринлардан бирини эгаллаши мумкин. Адабиётларда XX аср бошида Хўжанддаги (Тожикистон) чойхоналарда ҳам Бедил асарлари қўлёзмаси бўлганлиги ва бу ерларда чойхўрлар унинг шеърларини шарҳлаганликлари борасида маълумотлар мавжуд[6]. Юқорида хаттотлар қаторида номини тилга олганимиз Аҳмад Дониш Бедил рубоийларига шарҳ ёзган[7]. У Бедилнинг “Чаҳор ун-

[1] Семенов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Ташкент, 1935; Бедил ва Ҳофиз асарлари эски мактабларида ўқилган қ.: Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. Ташкент, 1914. С.112; Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан: XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошлари. Тошкент, 1960. Б.42.

[2] Айний С. Образцы таджикской литературы. Москва, 1927. С.59.

[3] Муродов А. Ўрта Осиё... Б.77.

[4] Vahidov Sh., Erkinov A. Le fihrist (catalogue) de la biblirhegue de Sadr-i Ziya… S.147.

[5] АНМАТ, 16-том. Б.32; Хайитметов А. Навоий лирикаси. Ташкент, 1961. Б.23.

[6] Насриддинов А. Проблема художественного восприятия и комментирования произведений персидско-таджикской классической литературы. Автореферат диссертации доктора филологических наук. Душанбе. 1990 С.50.

[7] Шукуров Ш. Шарҳи Аҳмад Дониш ба рубоиёти М.Бедил // Аз тарихи афкори адабии халқи тожик. Душанбе,

сур” (1298/1880-81 й.к.) ва “Нукот” (1306/1288-89 й.к.) асарларини кўчирган. Бу қўлёзмада (ЎРШИ-11, №373. В.218 а) Аҳмад Дониш ўзи ва Бедилнинг табиатда ёнма-ён ўтирган суратини чизган ҳамда ўзини Бедил расмини чизаётган қилиб тасвирлаган[1].

ХХ аср бошидаги Туркистондаги ислоҳотчилик ҳаракати даврида Бедил шеърларининг кўпмаънолилигини турли ислоҳотчилик руҳидаги фикрларни улар воситасида илгари суришга йўл очган. Масалан, Абдурауф Фитрат (1886–1938) “Бедил” номли эссесини 1910 йилларда ёзган[2]. Унда Бедил шеърларидан ХХ аср боши Туркистондаги ижтимоий шароитига мос маънолар изланган. Бедил Бухоро жадидларининг фалсафий қарашларига маълум маънода таъсир қилган.

Ўтмишда Бедил шеърларни таҳлил қилиш анъанага айланган. Бедилхон олимлар мавжуд бўлган. Ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган Ҳасанхон маҳдум (1898–1979), 30 га яқин китоблар ёзган ва Бедил шеърлари шарҳи билан ҳам шуғулланган[3].

Муҳаммадёр ибн охунд Мулла Ниёз Бадал Ривгарий Ҳофиз девонига шарҳ ёзган (ЎРШИ-3, №№167; 446; 1929; КФИР, II, 81). Мазкур шарҳнинг қўлёзмаларидан бирини шарҳ муаллифи 1234/1818 йили ўзи кўчирган деган тахмин бор (қ.: ЎРШИ-3, №1929; КФИР, II, 81). Бу фондда “Девони Ҳофиз”га ёзилган муқаддима ҳам сақланади (ЎРШИ-1, №7/1; КФИР, II, 82). Уни Мавлоно Қутб Арш ул-Ҳилафо номли номаълум муаллиф ёзган.

Таржималар масаласида шуни айтиш керакки, Жомий асарларининг таржималари ўз замонида Алишер Навоий (1441–1501) томонидан бошланганди. У Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” (883/1478-79) асарини туркий машойихлар ва бошқа маълумотларни қўшиб, “Насойим ул-муҳаббат” номи остида таржима қилганди. Бу асар Хивада XIX аср охирида Бобожон Охунд ва Раҳмонқули Карим томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Айни таржима Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) буйруғи билан 1324/1906-07 йилда Муҳаммад Шариф Охунд Чағалай томонидан кўчирилади[4].

Жомийнинг сўфийлик мавзуидаги машҳур “Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳам Ўрта Осиёдаги бир неча туркий тилларга таржима қилинган. Масалан, 1169/1755 йили бу асар номаълум шахс томонидан “Таржимайи “Юсуф ва Зулайҳо” номи остида туркийга ўгирилади. Унинг хусусияти шундан иборатки, матндаги кўпгина қисмларга таржимон махсус сарлавҳалар қўйган. Қўлёзма 1287/1870-71 йили Воҳид Мулла Зайн томонидан кўчириб тугалланган[5].

“Юсуф ва Зулайҳо” достони ХХ аср бошигача Ўрта Осиёда яна икки марта эски ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Хивада ўзбек адиби Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (1809–1874) томонидан, ХХ аср бошида Тошкентда эса драматург Хуршид (1892–

1971. С.59-73.

[1] Саидқулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (I қисм) Тошкент. 1993. Илова; Мазкур қўлёзманинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, “Нукот” асарининг ҳошияларида бу асардаги шеърлар вазни тақтеси кўрсатилган.

[2] Фитрат. Бедил (Бир мажлисда). Ҳ.Болтабоев нашри. Тошкент, 1996; Совет даври илмий асарларида бу эссе ғоявий жиҳатдан қораланган қ. : Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик қараши. Тошкент, 1979. Б.13; Миён Бузрук Солиҳов. “Бедил” // Маориф ва ўқутғувчи. 1928 йил, 1-2-сон.

[3] Мазкур маълумотларни у кишининг фарзанди – Маҳмуд Ҳасаний ўзаро суҳбат вақтида маълум қилди (1999 йил, октябрь): Мен ёш бўлган пайтимда отам Ҳасанхон маҳдум ёнига бир гуруҳ муллаваччалар келишган. Улар Бедилнинг бир байти шарҳи устида тортишганлар. Ҳасанхон маҳдум байтнинг мазмунини тушунтириб, уларни қониқтирувчи жавобни берган. Мазкур байт талқини Фитратнинг “Бедил” асарида ҳам берилган қ.: Фитрат. Бедил... Б.33.

[4] Хива саройи кутубхонаси тавсифи, ЎРШИ-3, №269. Б.126.

[5] Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. том III, Поэзия и комментарии к поэтическим сочинениям, поэтика. Москва, 1980. №587.

1960) томонидан ҳам таржима қилинган. Огаҳий яна Жомийнинг “Саламон ва Абсол” ва “Баҳористон” асарини ҳам таржима қилган[1].

Маълумки, Сурурий ва Судий Баснавий Ҳофиз девонига шарҳлар ёзганлар. Масалан, Судий Баснавий “Шарҳи девони Ҳофиз” номли шарҳ битган[2]. Хивада XX аср бошида Судий Баснавий шарҳини Муҳаммад Девон Харрот қисқартириб, усмонли турк тилидан биздаги туркийга ўгирган[3].

[1] Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Огаҳий Шарқ адабиётидаги 19 та асарни эски ўзбек тилига таржима қилган.
[2] Бу девоннинг қўлёзмалари эски каталогларда кўп учрайди. Масалан: Rieu P.Ch. Supplement to the catalogue of the Persian manuscripts in British museum. London, 1895. №274: Rieu Ch. Catalogue of the Turkish manuscripts in British museum. London, 1888. Add.7765.
[3] Комилов Н. Бу қадимий санъат. Тошкент, 1988.

ХУЛОСА

Ҳофиз, Жомий ва Бедил асарларининг қўлёзмалари Ўрта Осиёда биз кўрганларимиз нашр қилинган каталоглар ва ЎРШИ фонди асосида қуйидаги миқдордадир: Ҳофиз – 219; Жомий – 783; Бедил – 559 (умумийси – 1561). Бу катта миқдор. Шунга қарамай, у минтақадаги қўлёзмаларнинг барча ададини акс эттира олмайди. Биз каталоглар, ўзимиз кўрган адабиётлар ва кузатган шахсий фондлардаги маълумотларни келтирдик, холос.

Келтирилган фактлар ва қўлёзмалар миқдори Ўрта Осиё маданий муҳитида бу уч муаллифнинг катта ўринга эга бўлганлигини кўрсатади. Гап қўлёзмаларнинг аниқ миқдори ва кўплигини кўрсатишдагина эмас. Балки улкан шоирларнинг Ўрта Осиё маданий ҳаётида тутган катта ўрни, улар асарларининг қўлёзма ҳолда қайт-қайта кўчирилиши ортидаги қонуниятларни излаш кераклигида. Мазкур қўлёзмалар таркиби илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганилиши керак. Эндиликдаги вазифа тавсиф этилмаган ва шахсий фондларда сақланаётган қўлёзмаларни аниқлаш, қайд этиш, тавсифлашдан иборат[1].

Худди мазкур уч адиб каби қўлёзма асарлари кўп кўчирилган Ўрта Осиёлик ижодкорлар қаторида Алишер Навоийни ҳам тилга олиш мумкин. Эндиликдаги вазифа мана шу адиблар қўлёзмалари устида қиёсий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

2002 йил

Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)[2]

Алишер Навоий асарлари матншунослиги ва манбашунослиги масаласи узоқ тарихга эга бўлиб, шоир яшаган даврга бориб тақалади. Бизга илмий-академик услубдаги XX асрда шаклланган матншунослик ва манбашунослик соҳаси муҳим. Чунки у Навоий асарлари матнларини тадқиқ этиш ва турли нашрларини амалга оширишда адабиётшунослик фани учун катта фойда келтиради. Биз ўз мақоламизда сўнгги ўн йилда аниқланган Навоий девонлари янги нусхалари ҳақида умумий маълумот бермоқчимиз.

2010–2020 йиллар давомида Навоий девонларининг шоир ҳаётлиги даврида кўчирилган бир неча қўлёзмалари аниқланди (топилди эмас!). Улар ҳақида мақолалар нашр қилинди. Айни мақолада шу қўлёзмалар ҳақида умумий ва бир жойда (мақолада) маълумот берамиз.

2010 йилгача Алишер Навоий девонлари қўлёзмалари ва уларнинг шоир тириклиги пайтида кўчирилган нусхалари тадқиқи бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда биз кўриб ўтадиган Навоий девонлари қўлёзма нусхаларининг қуйидаги олти нусхаси ҳақида қисман (баъзида нотўлиқ ва нотўғри) ёки умумий, девон таркиби ҳақида тасаввур бермайдиган маълумотлар келтирилган. Натижада бу асарларнинг навоийшунослик учун аҳамияти билинмай қолиб кетган.

---

[1] Худди шу каби фикрларни кўплаб нусхаларда кўчирилган Алишер Навоий асарлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

[2] Эркинов А. “Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)” // Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари: III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Наманган, 2020 йил 12-13 июнь, 1-китоб. Наманган, 2020. Б.88-96.

2010–2020 йиллар мобайнида Алишер Навоий девонлари ёки шеърий мажмуаларининг унинг ҳаётлиги пайтида кўчирилган қўлёзмаларидан бир нечтасини аниқлашга муваффақ бўлдик. Улар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. 876/1471 йил, Шероз (?)[1]. Котиби – Абдураҳим Хоразмий. Сақланиш жойи – Қоҳира, Миср Миллий кутубхонаси, Инв №Lit. Turc. 68[2]. Қўлёзма ҳажми 200x130 мм бўлиб, 67 варақдан иборат; 2 та миниатюрага эга. Айни девонда 229 та шеър мавжуд. Қўлёзманинг ўзида ва у ҳақида маълумотлар келтирилган илмий адабиётларда Навоий қаламига мансуб "Девон"(?!) деб келтирилган[3]. Лекин қўлёзма таркиби билан танишиш натижасида у навоийшуносликка номаълум бўлиб келган, аслида, Оққўюнлилар (1378–1501) салтанатида Навоий ихлосмандлари томонидан 1471 йили кўчириб тугалланган девон бўлиб чиқди. Шу боис мазкур девонни шартли тарзда "Оққўюнли мухлислар девони" деб атадик. Айни девон 2012 йили навоийшуносликка маълум қилинди. Қўлёзма Навоийнинг ҳали ўз девонларини тартиб беришидан аввал тузилганлиги ва таркибидаги девон шеърларининг ўғуз туркчасига мослаштирилганлиги билан аҳамиятли. Бундан ташқари "Оққўюнли мухлислар девони" "Илк девон"дан кейинги Алишер Навоий шеърларининг ихлосмандлар томонидан тузилган иккинчи тўплами (девони)дир. Айни девон матни жорий ёзувга ўгирилиб, 2020 йил Тошкентда нашр этилди[4].

2. Алишер Навоий. Султон Яъқуб сайланмаси. 885/1480-81, кўчирилиш жойи – Табриз (эҳтимол). Котиби – Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий. Сақланиш жойи – хориждаги номаълум шахсий коллекция[5]. Қўлёзмада Навоийдан 12 та шеърий парча бор. 2019 йили навоийшуносликка маълум бўлган. Биз уни шартли тарзда "Султон Яъқуб сайланмаси" деб атадик. Сабаби қўлёзма ҳақида унинг колофонида айни китоб Султон Яъқуб учун "ал-интихоб", яъни сайланма тарзида тузилди, дейилган. Интернет фактларидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур қўлёзма Буюк Британиядаги антиқа буюмлар савдоси билан шуғулланувчи Сотбис аукционида шахсий коллекция учун сотиб олинган. Ўшанда 12 варақдан (24 бет) иборат бўлган (қўлёзма аслида бундан кўпроқ саҳифага эга бўлган бўлиши ҳам мумкин!). Бизга бундан-да камроғи маълум – кичик қўлёзмадан олти саҳифаси нусхасини қўлга киритишга муваффақ бўла олдик, холос. Муҳими, уни ҳам "Оққўюнли мухлислар девони"дан, чамаси, 10 йил кейин – 885/1480-81 йили котиб Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий номи остида тайёрлаган. Бу вақтга келиб, Абдураҳим Хоразмий ўз тахаллусига ал-Яъқубий номини ҳам қўшган. Қўлёзма Оққўюнлилар (1378–1501) салтанати ҳукмдорларидан Султон Яъқуб (1478–1490) буюртмаси асосида тузилган. Биз фотонусхасини кўришга муваффақ

---

[1] Қўлёзманинг мазкур шаҳарларда кўчирилганлиги тахминийдир.

[2] Айни қўлёзмага оид тадқиқотлар: Эркинов А. "Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони" // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012 йил, 1-сон. Б.10-18; 2016 йил, 1-сон. Б.19-25; Эркинов А. "Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққўюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил)" // 'Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015. P.27-43; Жабборов Р. "Оққўюнли мухлислар девони"нинг Алишер Навоий лирикаси ва давр маданий муҳитидаги ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2020.

[3] Алишер Навоий. Девон. Миср Миллий кутубхонаси қўлёзмаси. Lit.Turc. №68. Варақ 1 б; Stchoukine I. "Les manuscrits illustres musulmans de la Bibliotheque du Caire" // *Gazette des Beaux-Arts 77*. 1935. P.151, fig.8; Soucek P. "'Abd al-Rahīm b. 'Abd al-Rahman Khārazmī" // Encyclopædia Iranica. Vol.I, 1985. P.143.

[4] Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р. Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020

[5] Эркинов А., Жабборов Р. "Навоий шеърлари "Султон Яъқуб сайланмаси"да" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2019. Б.36-41.

бўлган қўлёзманинг фақат айрим саҳифалари интернетга қўйилганлиги сабабли унинг таркиби ҳақида тўлиқ маълумот бера олмаймиз. Асосийси, тўплам “Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”дан кейинги Алишер Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан тузилган учинчи тўпламдир. Айни қўлёзма устида Рустам Жабборов билан ҳамкорликда тадқиқот олиб борилган.

3. Алишер Навоий. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Теҳрон нусхаси”. 888/1483 йили кўчирилган. Теҳрон, Эрон Шўро мажлиси кутубхонаси, инв. №14197[1]. Эрондаги туркий қўлёзмалар каталогида мазкур қўлёзма “Девони Навоий” номи остида келтирилган бўлиб[2], унда 866 та шеър мавжуд. Қўлёзма ҳажми – 240х160 мм, 268 варақдан ташкил топган. Аслида, қўлёзма таркибидаги асар Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидир. Қўлёзма 2018 йили навоийшуносликка маълум қилинди. Мазкур девон навоийшуносликка “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Теҳрон нусхаси” деган шартли ном билан киритилган.

4. Алишер Навоий. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул нусхаси. 889/1484-1485, Ҳирот шаҳрида Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Истанбул, Сулаймония, Ayasofya, №3981. Мазкур девон Сулаймоний кутубхонаси интернет каталогида Навоий “Девон”и номи остида келтирилган бўлиб, унда 852 та шеър мавжуд. Қўлёзма ҳажми – 256х170 мм, 161 варақдан иборат. Унинг таркибини ўрганиш Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девони эканлигини кўрсатди. Қўлёзма 2018 йили навоийшуносликка маълум қилинди. Қўлёзма устида ф.ф.н. Абдулатиф Турдиалиев билан ҳамкорликда изланишлар олиб борилган[3]. Навбатдаги вазифа – айни девоннинг факсимиле нашри. Мазкур девон навоийшуносликка “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул нусхаси” деган шартли ном билан киритилган.

5. Алишер Навоий. “Ғазалиёт девони”. 898/1492-1493 й. Ҳирот (?). Кўчирувчиси – Султонали Машҳадий. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (бундан кейин – ЎРШИ), 1-фонд, инв. №790. Қўлёзма ҳажми –235х340 мм, 102 варақ.

Мазкур девон айни институт қўлёзмалари каталогида Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони деб келтирилган[4]. Унинг таркибини ўрганиш, бу девон “Ғаройиб ус-сиғар” бўлмай, Навоий ғазаллари мажмуаси эканлиги аниқланди. Шу сабабдан унга шартли тарзда “Ғазалиёт девони” номини бердик ва 2017 йили унинг таркибини батафсил кўрсатдик[5].

6. Алишер Навоий. “Наводир ун-ниҳоя”. 905/1499-1500 й., Ҳиротда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган[6]. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Метрополитен музейида сақланади, инв. №21. Қўлёзма ҳажми – 240х151 мм бўлиб, 254 варақдан иборат; 15 та

---

[1] Эркинов А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган қўлёзмалари (1483 ва 1485 йиллар)” // Олтин битиклар. 2018, №1. Б.18-31.

[2] Şadi A. İran Kütüphaneleri Türkçe Yazmalar Kataloğu. Istanbul: Timaş Yayinlari, 2008. S.85.

[3] Турдиалиев А., Эркинов А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил)” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2018. Б.57-62.

[4] CBP. II. 1281.

[5] Эркинов А. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил) // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2017. Б.18-48.

[6] Catalogue of the Collection of Persian Manuscripts, Including also some Turkish and Arabic, Presented to the Metropolitan Museum of Art, New York by Alexander Smith Cochran. New-York: Columbia Univ.press, 1914. P.160-163; Аҳмедова Д. “Алишер Навоий ижодининг Америка Қўшма Штатларида ўрганилиши” // Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари. Т., 2018. Б.224-234.

миниатюраси бор. Ҳ.Сулаймонов маълумотича, айни девонда 863 та шеър бор[1]. Қўлёзма Метрополитен музейи каталогида Навоий “Девон”и деб келтирилган[2]. Ҳ.Сулаймонов уни “Терма девон” деб номлаган[3]. Қўлёзма таркибининг О.Мадалиева билан ҳамкорликдаги тадқиқи уни Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девони эканлигини кўрсатди ҳамда таркиби ҳақидаги нисбатан батафсил маълумотлар 2020 йили навоийшуносликка маълум қилинди[4].

Юқорида тилга олинган Алишер Навоий шеърлари кирган девон ва шеърий мажмуаларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

№	Навоий девонлари	Кўчирилиш йили ва жойи	Котиби	Сақланиш жойи
I	Оққўюнли мухлислар девони	876/1471 йил, Шероз (?)[5]	Абдураҳим Хоразмий	Қоҳира, Миср МК, Lit. Turc. №68
II	Султон Яъқуб сайланмаси	885/1480-81, Табриз (?)	Абдураҳим Хоразмий-ал-Яъқубий	Шахсий коллекция (?)
III	Бадоеъ ул-бидоя	888/1483	–	Теҳрон, Мажлис кутубхонаси, №367
IV	Бадоеъ ул-бидоя	889/1484-1485, Ҳирот	Султонали Машҳадий	Истанбул, Сулаймония, Ayasofya, №3981
V	Ғазалиёт девони	898/1492-1493 й. Ҳирот (?)	Султонали Машҳадий	Тошкент, ЎРШИ-1, №790
VI	Наводир ун-ниҳоя	905/1499-1500, Ҳирот	Султонали Машҳадий	Нью-Йорк, Метрополитан музейи, №21

Қайд этилган қўлёзмаларга оид маълумотлар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Алишер Навоий шеърий мажмуаларининг турли, масалан, хорижий фондлардаги қўлёзмалари шоир ижодий лабораториясини тадқиқ этиш учун янги имкониятлар яратмоқда.

2. Ҳозирга келиб ЎРШИ-1, №790 ва Метрополитен музейи №21 қўлёзмаларининг мавжуд номланишлари ўзини оқламади.

3. Алишер Навоий ўзи томонидан тузилмаган, ҳаётлиги даврида унинг ижоди ихлосмандлари томонидан тартиб берилган “Илк девон”и бизга маълум эди. Эндиликда “Оққўюнли мухлислар девони” (1471 й.) ва “Султон Яъқуб сайланмаси”нинг (885/1480-81 й.) аниқланиши Навоий ижодига бўлган қизиқиш доирасини кенгайтирди ва унга бошқа – Оққўюнлилар салтанатидаги муносабатни кўрсатади.

4. “Бадоеъ ул-бидоя” девони янги – Истанбул ва Теҳрон нусхаларининг аниқланиши ва уларнинг ҳозиргача маълум бўлган бу девоннинг тўрт нусхаси сингари 1480–1485 йиллар мобайнида кўчирилганлиги илмий жиҳатдан аҳамиятлидир. Жамланганда “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган нусхалари олтитага етди.

5. Кўриб ўтилган қўлёзмалар Навоий девонлари манбашунослиги бўйича янги тадқиқот ва хулосалар учун йўл очмоқда.

---

[1] Сулейманов Х. Текстологическое исследование... Том 1. С.222.

[2] Catalogue of the Collection... P.161.

[3] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики... Том 1. С.222-224.

[4] Эркинов А., Мадалиева О. “Терма девон” ёки Навоий “Наводир ун-ниҳоя”сининг сўнгги редакцияси? (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 905/1499-1500 йил) // Alisher Navoiy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. T., 2020. Б.19-21.

[5] Келтирилган асарларнинг мазкур шаҳарларда кўчирилиши тахминийдир.

“Илк терма девон” Оққўюнлиларга тегишлими?[1]

Алишер Навоийнинг ихлосманд ўқувчилари у яшаган даврда ҳам кўп бўлган. Бунга “Илк девон” (1466 й.)[2], “Оққўюнли мухлислар девони” (1471 й.)[3], “Султон Яъқуб сайланмаси” (1481)[4] каби Навоий шеърларини ўз ичига олган қатор қўлёзмалар мисол бўла олади. Қизиғи шундаки, мазкур шеърий тўпламлар Навоийнинг ўзи эмас, унинг ижоди мухлислари томонидан яратилган. Уларнинг бир қисми кейинги йилларда аниқланди[5].

Яқинда илмий изланишлар натижасида мазкур қаторга Навоий шеърлари жамланган яна бир мажмуа қўшилди[6]. У деярли шоир яшаган даврда – 1501 йили апрель-май ойларида, яъни Навоий вафотидан 4 ойлар чамаси ўтиб кўчириб тугалланган. Мазкур қўлёзма асарни шартли тарзда Навоийнинг “Илк терма девони” деб аташ мумкин. Ҳозиргача мавжуд баъзи маълумотларга кўра, айни терма девон Оққўюнлилар муҳитида кўчириб тугалланган. Мазкур сулоланинг ҳумронлик даври 1501 йилда тугалланганлиги ҳисобга олинса, мажмуа Навоийнинг Оққўюнлилар томонидан амалга оширилган сўнгги эътирофи саналиши мумкин. Муҳими, айни мажмуа “Илк терма девон” деб аталишга лойиқ. Бунинг сабабини қуйироқда тушунтирамиз.

Эроннинг Теҳрон шаҳридаги кутубхонасида Алишер Навоий шеърлари кирган қўлёзма нусхаси билан танишиш бизни ҳайратга солди. 1501 йили, Навоий вафотидан тўрт ойлар чамаси ўтиб, унинг шеърларидан иборат бир терма мажмуа тузилган экан. Унинг таркибида олтмишдан ортиқ шеър бор, улар Навоийнинг туркий девонларидан саралаб олинган.

Тилга олаётганимиз “Илк терма девон” қўлёзмаси Алишер Навоий дунёдан кўз юмгандан сўнг, 1501 йили баҳорда, кўчириб тугалланган. Биз илмий адабиётларда айни қўлёзма ҳақида бирор маълумот учратмадик. Фақат Теҳронда сақланаётган туркий тилли қўлёзмалар каталогида мазкур қўлёзма ҳақида бир неча сатр маълумот келтирилган, холос. Лекин у “Навоий девони” деб аталган[7]. Каталог муаллифи шундай умумий ном бергани учун қўлёзманинг моҳиятини – Навоийнинг айнан қайси ва қанақа девони эканлигини қайд этмаган.

Мазкур мажмуа 42 варақ – 84 саҳифадан иборат бўлиб, Алишер Навоийнинг олтмишдан зиёд шеърини ўз ичига олган. Мажмуа Теҳрон шаҳридаги кутубхонада сақланади.

Қўлёзманинг охирида унинг кўчирилган санаси ҳижрий ҳисобда 906 йил, шаввол ойи

---

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. “Навоийнинг “Илк терма девони” (1501 й.) Оққўюнлиларга тегишлими?” // “Alisher Navoiy va XXI asr”. Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligiga bag`ishlangan xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. Toshkent, 2021. Б.175-182.

[2] Алишер Навоий. Илк девон. Ҳ.Сулаймонов нашри. Тошкент, 1968.

[3] ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.). Tokyo: ILCAA, 2015; Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. Нашрга тайёрловчилар А.Эркинов, Р.Жабборов. Тошкент: Шарқ, 2020.

[4] Эркинов А., Жабборов Р. “Навоий шеърлари “Султон Яъқуб сайланмаси”да” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. Б.36-41.

[5] Алишер Навоий қўлёзма девонлари ва уларга оид тадқиқотлар ҳақида қуйидаги мақола библиографиясига қаралсин: Эркинов А. “Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)” // Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари: III Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Наманган, 2020 йил 12-13 июнь, 1-китоб. Наманган, 2020. Б.88-96.

[6] Айни қўлёзмага диққатимизни жалб қилган филология фанлари доктори Жалолиддин Жўраевга миннатдорчилик билдирамиз.

[7] Şadi A. İran Kütüphaneleri Türkçe Yazmalar Kataloğu. Istanbul: Timaş Yayinlari, 2008. S.99.

деб кўрсатилган. Бу сана 1501 йилнинг апрель-май ойлари оралиғига тўғри келади. Тўғри, у вақтда Навоий вафот этганига тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтганди. Аммо кўчирилган сана ҳар доим ҳам қўлёзма тайёрлана бошланган давр ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шуни ҳисобга олсак, уни тузишга киришиш тақрибан Навоий ҳаётлиги вақтига тўғри келиши мумкин. Муҳими, қўлёзмада унинг кўчириб тугалланган санаси кўрсатилган. Мажмуа охирида, шеърлар матни тугагандан кейин унинг кўчирилган санаси келтирилган, бироқ котиб исми бизга номаълум сабабларга кўра ўчирилган. Бу эса, афсуски, қўлёзманинг қаерда ва ким томонидан тайёрланганлигини аниқлашни мураккаблаштиради.

Мақоламиз "Навоийнинг "Илк терма девони" Оққўюнлиларга тегишлими?" деб номланган бежиз эмас. Аввало, Теҳрон кутубхонаси тавсифида кўриб чиққанимиз қўлёзма "Девони туркмонони Оққўюнлу" (Оққўюнли туркмонлар девони) деб номланган ва Оққўюнли туркмонлар даврида кўчирилган, деб ёзилган. Оққўюнлилар салтанати (1378–1501) қисман ҳозирги Туркия Шарқи, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудларида ҳукмронлик қилган ўғуз туркларига мансуб эканлиги маълум. Туркмон деганда эса ўша даврларда яшаган ўғуз турклари тушунилган. Бу сўзни айни маънода Навоий ҳам "Фарҳод ва Ширин" достонида қўллаган[1]. Тилга олинган кутубхона тавсифида "Девони туркмонони Оққўюнлу" номи қайси асосда қўйилгани (қўлёзма нақшлари, қўлёзма ёзуви услуби ёки бошқалар) айтилмаган. Муҳими, кутубхона тавсифида қўлёзманинг Оққўюнлиларга оидлиги кўрсатилганлиги.

"Илк терма девон"даги Навоий шеърлар мажмуаси "Оққўюнли мухлислар девони"даги каби шоир ғазалининг:

Эй, сафҳаи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро –

байти билан бошланади. Бу байт дастлаб Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя", кейинчалик "Ғаройиб ус-сиғар" девонларида келтирилган. Иккаласида ҳам мазкур ғазал билан девон бошланмаган, у учинчи ўринда келган.

Қўлёзма Навоийнинг қуйидаги рубоийси билан тугалланган:

Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи,
Оҳ ўқларидин ҳар нафас афгорлиғи.
Билман унутулғанму экандур манга ҳажр,
Ё кўпрак эрур бу қатла душворлиғи.

Мазкур рубоий ҳам юқоридаги байт каби Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" (80-ўринда) девонида, кейинчалик "Ғаройиб ус-сиғар"да (117-ўринда) келтирилган.

Маълумки, Навоийнинг Оққўюнлилар салтанатидаги мухлислари томонидан "Оққўюнли мухлислар девони" 1471 йили тузилган эди. Ундаги ғазаллар тилида Навоий шеърла-

[1] Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

рини ўғузлаштириш ҳолати яққол сезилиб туради (масалан, “топмадим” сўзи ўрнига “допмадим”…). Кўриб ўтаётганимиз қўлёзмада эса бундай жиҳат яққол кўзга ташланмайди. Ваҳоланки, бу мажмуадан 30 йил аввалги “Оққўюнли мухлислар девони”да бундай ҳолат мавжуд эди. Саволлар кетидан саволлар пайдо бўлаверди.

Мажмуанинг Оққўюнлилар муҳитида тайёрланганига доир саволлар билан ўғуз турклари қўлёзма санъати, хусусан, миниатюралари бўйича катта мутахассис, туркиялик профессор Лола Улучга мурожаат этиб, қўлёзма бошланишидан бир неча саҳифани олима эътиборига ҳавола қилдик[1]. Лола Улуч қўлёзма нусхаси, аниқроғи, унвон – қўлёзмадаги асар матни бошланишидан аввал келтириладиган рангли нақш билан танишиб, унинг услуби ҳақида шундай мулоҳазаларни билдирди: “Фикримча, сиз менга юборган тасвирни бемалол Султон Халилнинг Шероздаги ҳукмронлиги дастлабки йилларида яратилган, дейиш мумкин. Бошқача айтганда, у тахминан Алишер Навоийнинг “Оққўюнли мухлислар девони” қўлёзмаси яратилган даврга оид. Унвон нақши таркибида мавжуд бўлган қоратупроқ, заминдек қора рангни мен кўпроқ Қорақўюнлилар ёки Султон Халил ҳукмронлигининг дастлабки вақтларидаги қўлёзмалар нақшларида учратиб тураман”. Демак, қўлёзмадаги безаклар услубидан келиб чиққан ҳолда Лола Улуч ҳам унинг Оққўюнлилар муҳитида яратилганлигини таъкидламоқда.

Маълумки, Қорақўюнлилар (1410–1468) Оққўюнлилар каби сулола бўлиб, улар ҳам Оққўюнлилар яшаган заминда умргузаронлик қилган ўғуз турклари. Қорақўюнлилар билан курашлар натижасида Оққўюнлилар салтанати улар ўрнини эгаллаган. Маълумот учун таъкидлаш ўринлики, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Қорақўюнлилар ҳукмдорларидан Жаҳоншоҳ Ҳақиқий (1435–1467) ва Оққўюнлилардан Султон Яъқубни (1478–1490) ҳукмдорлар қаторида эслаб, шеърларидан намуналар келтиради[2]. Шу маънода олиб қараганда, мазкур икки сулола билан Темурийлар ўзаро муносабатда бўлганлар. Оққўюнлилар шаҳзодаси Султон Халил Шероз ҳокими (1471–1478) бўлган даврда 1471 йили Алишер Навоийнинг “Оққўюнли мухлислар девони” кўчирилган. Хусусан, Навоий Султон Яъқуб билан шахсий алоқада бўлган. Бу ҳукмдор даврида Навоий шеърларидан ташкил топган “Султон Яъқуб сайланмаси” 1481 йили Шерозда кўчирилган[3]. Яъни Оққўюнлилар қўлёзма санъатининг Алишер Навоий асарлари билан боғлиқ ўринлари аввалдан мавжуд бўлган.

Профессор Л.Улуч бу боғланишларни, биз сўз юритаётган ва Оққўюнлилар муҳитида кўчирилгани эҳтимоли бор бўлган, Навоийнинг “Илк терма девони”дан 30 йилларча аввалги даврига оид демоқда. Муҳими, мазкур қўлёзма мажмуа, Л.Улуч фикрича, Оққўюнлилар муҳитида тайёрланган бўлиши эҳтимоли катта. Буни яна бир жиҳат тасдиқлайди: ушбу мажмуагача Оққўюнлилар муҳитида Навоий шеърлари киритилган иккита қўлёзма тайёрланган. Булар: “Оққўюнли мухлислар девони” (1471 йил) ва “Султон Яъқуб сайланмаси” (1481 йил). “Илк терма девон” балки шу анъана давом сифатида 1501 йили юзага келгандир.

Навоий ўзи тартиб берган дастлабки девони – “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасида халқ ичида ўзининг минг-икки минг байтдан ортиқроқ шеърлари тўплаб кўчирилиб тарқалганини, яъни ихлосмандлари томонидан тузилган бундай тўпламлар бир нечта бўлганини таъкид-

[1] Проф. Лола Улуч билан суҳбат (Истанбул шаҳри, 28 февраль, 2020 йил).
[2] Джабборов Р. Оққўюнли мухлислар девони”нинг Алишер Навоий лирикаси ва давр маданий муҳитидаги ўрни... Б.35-37.
[3] Эркинов А., Жабборов Р. “Навоий шеърлари “Султон Яъқуб сайланмаси”да” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. Б.36-41.

лайди: “...халойиқ аросида минг байт – икки минг байт ортуғроқ–ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди”[1]. 870/1465–1466 йилда Ҳиротда Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан тузилиб, Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган “Илк девон”дан беш йиллар кейин, 1471 йили янги бир тўплам – “Оққўюнли мухлислар девони”нинг тартиб берилгани Навоий фикрларини тасдиқлайди.

“Султон Яъқуб сайланмаси”да ўнлаб ғазаллар ва шеърлардан парчалар мавжуд. Шу боисдан ҳам “Султон Яъқуб сайланмаси” деб номланган. Бу ном ҳам, “Оққўюнли мухлислар девони” номи ҳам шартли бўлиб, улар мазкур шеърий мажмуалар таркибидан келиб чиқиб қўйилган. Масалан, “Султон Яъқуб сайланмаси”да нафақат Навоий шеърлари, балки улардан олинган парчалар ҳам киритилган. Лекин унга нисбатан “Терма девон” атамасини қўллаш ўринли эмас, бунинг сабаблари бор.

Биз сўз юритаётган “Илк терма девон” номи бежиз юзага келмади. “Терма девон” номи ҳам шартли бўлиб, навоийшуносликда “Хазойин ул-маоний” тузилиши тугалланган 1498 йилдан кейин ундаги девонлардан (“Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат” ва “Фавойид ул-кибар”) олинган шеърлардан таркиб топган мажмуаларга нисбатан қўлланади. Марҳум олим филология фанлари доктори Муҳаммаджон Ҳакимов фикрича, шартли тарзда ном олган Навоий “Терма девон”ларида 1500 дан камроқ шеър келтирилган. “Илк терма девон” 84 бетдан иборат бўлиб, унда олтмишдан ортиқ шеър келтирилган[2]. Лекин унинг “Хазойин ул-маоний”дан кейин тузилганлигини инобатга олиб, сайланма деб эмас (сайланма Навоий ҳаётлиги даврида, “Хазойин ул-маоний”дан аввалги ҳодиса), “Илк терма девон” деб атадик. Балки Навоийнинг айни мажмуасини “Илк терма девон (1501 йил)” деб атаса ҳам бўлар. 1501 йил санасини таъкидлашдан мақсад унинг 1471 йили кўчириб тугалланган “Оққўюнли мухлислар девони”дан фарқлаш ва Навоийнинг энг дастлабки терма девонларидан эканлигини таъкидлашдир. Албатта, бундай номлаш ҳам шартлидир.

Номлашдан ташқари, биз 1501 йил санасини бежиз эсламадик. Чунки айнан 1501 йилга келиб Оққўюнлилар салтанати ҳукмронлиги ўз ниҳоясига етаёзган эди.

“Илк терма девон” Оққўюнлилар муҳитида тузилмаган тақдирда ҳам мажмуа Навоий шеъриятига илк муносабат намунаси – “Илк терма девон” сифатидаги хусусиятини сақлаб қолаверарди. Муҳими, ким томонидан амалга оширилганидан қатъи назар, бу мажмуанинг “Хазойин ул-маоний”дан олиб тузилган энг дастлабки (1501 йил) терма девон ҳамда Навоий шеъриятига замондошлари муносабатини яққол кўрсатадиган манба эканлиги.

1471 йилдаги 30 ёшли Навоий билан 1501 йилдаги 60 ёшли Навоий ўртасида катта фарқ бор. Оққўюнлилар 30 ёшли Навоий шеърларини ўғузлаштиришга жазм қилишгандир. 1469 йилдан муҳрдор ва 1472–1476 йиллари вазир бўлган ва умуман шу даврлардан бошлаб давлат арбоби, Хуросон, Мовароуннаҳр, Усмонлилар салтанати ва умуман, туркий дунёга шуҳрати кетган шоир Алишер Навоийнинг шеърлари матнини ўзгартишга бу сафар, эҳтимол, ҳаддилари сиғмагандир.

Саволлар кўп, тахминлар ҳам. Муҳими, Навоий шеъриятига бевосита доир бўлган “Илк терма девон”нинг аниқлангани, улуғ шоир яшаган даврга оид яна бир қўлёзма манба билан навоийшуносликнинг бойиганидир. Биз мазкур қўлёзма устидаги изланишларимизни давом эттириб, унинг факсимиле нашри ва табдилини амалга ошириш ниятидамиз.

2021 йил

---

[1] АНМАТ. 1-том. Б.24.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Тошкент: Фан. 1991. Б.7-8.

Алишер Навой қўлёзмалари бутунжаҳон феҳрести [1]

Алишер Навоий асарлари бутун дунё қўлёзма хазиналарига тарқалган. Улар Ашхобод, Берлин, Боку, Вена, Дублин, Душанбе, Ереван, Истанбул, Кобул, Кэмбриж, Лондон, Мюнхен, Нью-Йорк, Оксфорд, Париж, Санкт-Петербург, Теҳрон, Упсала, Қозон, Қоҳира, Ҳайдаробод каби шаҳарлардаги Шарқ қўлёзмалари фондларидан ўрин олган. Бу – фахрланишга арзирлик ҳолат.

2016 йил февраль ойида Берлинда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳамда Берлин давлат кутубхонаси, Ҳумбольдт ва Озод Берлин университетлари ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилганди. Унда хорижлик навоийшунослар ҳамда Ўзбекистондан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, ҳозирда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори проф.Шуҳрат Сирожиддиновлар билан биргаликда иштирок этгандик. Мазкур йиғин Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича Ўзбекистон ва хориж олимлари биргаликда ўтказган Европадаги дастлабки конференция эди. Ўзбекистон намояндаларининг чиқишлари катта зални тўлдирган хорижлик тингловчиларда яхши таассурот қолдирганлиги уларнинг ижобий муносабатларидан сезилди ва Навоий ижодига қизиқиш дунё миқиёсида катта ўринга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, Алишер Навоий асарларига эга қўлёзмаларнинг Европа кутубхоналарида сақланиши, Ўрта Осиёдан ташқари Шарқнинг турли мамлактларида ҳам Навоий асарлари асрлар давомида кўчирилиб тарқалганлиги тўғрисида маърузаларда маълумот берилди. Берлин давлат кутубхонаси қўлёзмалар фондидаги Навоий асарларига оид немис олимлари маърузаси навоийшунослар учун янгилик бўлди.

Конференцияда франциялик олим Марк Тоутант Алишер Навоийнинг “Хамса”си ҳақида маъруза қилди. Бунда у “Хамса”нинг ҳозиргача мавжуд нашрларига, асосан, Американинг Мичиган университети ва Париж Миллий кутубхонасидаги иккита қўлёзмасига суянди. Шу муносабат билан Навоий бешлигининг яна икки аҳамиятли қўлёзмаси навоийшунослик доирасига тортилади. Бу олимнинг Навоий “Хамса”сига бағишланган диссертацияси, 2016 йили сўнгида француз тилида нашр этилган китоби ҳам ўша икки қўлёзмага суяниб ёзилган. Демак, ўзбек илми ушбу қўлёзма нусхасидан кўчирмани қўлга киритишга интилиши керак. Алишер Навоий асарига эга ҳар бир қўлёзма илмий аҳамиятга эга бўлиб, биз улар асосида шоир асарлари факсимиле-фотонусхасини нашр этишни йўлга қўйсак, ўринли бўларди.

Алишер Навоий асарлари матнлари илмий тадқиқи ва нашри устида Мақсуд Шайхзода, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Ёқубжон Исҳоқов ва бошқа олимлар катта ишларни амалга оширдилар. Уларнинг ишлари янги авлод олимлари томонидан қисман давом эттирилмоқда. Мустақилликдан кейин академик Азиз Қаюмов ташаббуси билан ўзбек адабий манбашунослиги фанига алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишда бир қанча диссертациялар ёқлана бошланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Ижтимой барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида: “Очиқ тан олиш керак, тарихий-диний меросимизни ўрганиш, тиклаш ишлари ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас”, – деган ўринли фикрларни айтди.

[1] Эркинов А. “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон феҳристи” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил, 9 февраль.

Ғарб илмида бир қоида бор: фалсафа, тарих ва филология соҳаларига оид қўлёзма манбани аслият тилида ўқишни билмайдиган, қўлёзмадан фойдаланиш малакасига эга бўлмаган кишини илмий ишга, айниқса, диссертация ёқлашга қўйишмайди. Бизда эса совет тузуми араб ҳарфидаги матнлардан халқни шу қадар узоқлаштирдики, оқибатда, араб ёзувидаги матнларга асосланган Навоий асарлари ёки ўзбек мумтоз адабиёти бўйича араб ёзувидаги матн тугул бу алифбони билмайдиган "олим"лар етишиб чиқди. Улар Алишер Навоий асарларини нашрлардан олиб таҳлил қилиб кетавериш мумкин, деган қабилда ишлайди. Ваҳоланки, ҳар қандай нашр уни тайёрлаган олим нигоҳидан келиб чиқади ва ўзбек мумтоз адабиёти мутахассиси ёки навоийшунос Навоий асарлари нашрлари ўнлаб нусхаларда мавжуд бўлса ҳам, қўлёзмалар асосида Навоий матнлари билан танишиб бориши, қайта-қайта ўқиб, янги маълумотлар топиши керак. Бунинг учун бутунжаҳон миқёсида Навоий асарларига эга қўлёзмалар доирасини аниқлаб олиш зарур.

Манбашунослик ва матншунослик фанлари совет замонида нисбатан четга сурилиб қўйилганди. Катта ишлар амалга оширилганлигидан кўз юммаган ҳолда, ҳатто ўзбек мумтоз адабиёти билан шуғулланувчи бир қатор олимларнинг манбашуносликка, қўлёзмаларга беписандлик билан қараганларини қандай тушуниш мумкин? Масалан, 1990-йиллар охирида мен Алишер Навоий "Хамса"сининг Тошкентдаги қўлёзмалари бўйича тадқиқот олиб боргандим. "Хамса"нинг саксондан ортиқ қўлёзмасини тадқиқотимга жалб қилдим. Мақсадим, Навоий давридан йигирманчи аср бошигача кўчирилган "Хамса" қўлёзмалари бўйича мутафаккир меросига муносабат асосида халқимиз маданияти тарихини ўрганиш эди. Навоийшунос олимлардан бири менинг ишим билан танишгач, шунча қўлёзма кўришнинг нима кераги бор, нашрдан фойдаланиб қўя қолсангиз бўлмайдими, деди. Бу олимга нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолдим. Айни савол манбашунослик фанига беписанд қараш ҳукмронлик қилган, совет мафкураси буюртмаси асосида таҳлил этиш кўпроқ урф бўлган ўша йиллар хусусиятини кўрсатади. Гап айни бу олимда эмас, қўлёзмалар устида тадқиқот олиб боришга панжа остида қараб келган шўро тузумида. Афсуски, бунинг оқибатида, эски ўзбек ёзувини ўзлаштириш ва қўлёзма матнга яқинлашиш, академик илмга яқинлашиш ўрнига Навоий асарларини нашрдан ўқиб, фақат ҳосил бўлган ҳиссиётларини қоғозга тўкиб, шуни илм деб ўйлаган "навоийшунослар" етишиб чиқди.

Алишер Навоий меросини ўрганиш ўзбек халқи учун муттасил давом этувчи жараён ва ундан биз ҳеч қачон тўхтамаймиз. Ўзбекистон жаҳонга қараб тобора юз очиб бормоқда. Шу муносабат билан хориждаги ўзбек адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ меросни ўрганиш, тадқиқотларимизга жалб қилиш ўта муҳим вазифалардан биридир. Афсуски, айни йўналишдаги ишлар керакли даражада амалга оширилмаган. Совет замонидаги қатағон-қирғин йиллари кўплаб қўлёзма китоблар йўқ қилинди. Халқимиз ўз меросидан узоқлашди. Эндиликда биз, масалан, Навоий асарларига эга қўлёзмаларни тўплаш, уларни тавсифлаш ишларига кўпроқ киришишимиз керак. Ўз вақтида Алишер Навоий асарларига эга қўлёзмалар тавсифи бирмунча бошланган эди. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институтидаги Навоий қўлёзмаларини Абдулла Носиров ва Қавомиддин Муниров томонидан амалга оширилган тавсифи "Алишер Навоий қўлёзма асарлари" номи остида 1970 йили чоп этилган. Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фонди асосида айни ишни Муҳаммаджон Ҳакимов амалга ошириб, 1983 йили "Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи" китобини нашр қилган. Бу китоблар яратилганидан бери анча вақт ўтди, Навоий асарларининг янги нусхалари топилди

ва топилмоқда. Бунинг устига айни каталоглар фақат Тошкент китоб хазиналаридаги Навоий қўлёзмалари тавсифидан иборат бўлган, холос. Қизиғи шундаки, биз – илмий жамоатчилик ҳатто мамлакатимиз барча вилоятларидаги қўлёзма фондларида Алишер Навоий асарларига эга қанча қўлёзма мавжудлигини ҳануз аниқ билмаймиз.

Баъзи истиснолар ҳам мавжуд: Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейидаги қўлёзмаларни ўрганиш бўйича филология фанлари номзоди Абдулатиф Турдиалиев бошчилигида олиб борилаётган тадқиқот ишларини ҳам эслаб ўтиш лозим. Ҳозирда музей қўлёзма фондларидаги барча қўлёзмалар, жумладан, Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари қисқа тавсифи тайёрлаб бўлинган. Афсуски, асрлар давомида машҳур бўлиб келган Қўқон адабий муҳити маркази бўлган Қўқон шаҳрида А.Турдиалиевдан бошқа қўлёзмаларни тавсиф эта олиши мумкин бўлган тузукроқ мутахассислар деярли қолмади. Навоий асарлари қўлёзмалари қадрини билувчи зарур кадрларни тайёрлаш ва асраш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Хорижда Навоий асарлари қўлёзмалари феҳрест ёки тавсифлари алоҳида эмас, турли илмий нашрлар, каталоглар таркибида мавжуд. Биз Навоий асарлари қўлёзмалари бутун дунёга тарқалиб кетганлигини биламиз, аммо бу қўлёзмалар таркиби ҳақида етарлича маълумотга эга эмасмиз. Бунинг устига Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг, умуман тавсифга тортилмаганлари мавжуд бўлиши эҳтимоли ҳам катта. Масалан, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон ва Эрондаги баъзи феҳрестларда Навоий асарларига эга қўлёзмалар тавсифи учраб туради. Лекин улар тарқоқ ва Навоий асарлари қўлёзмаларининг ўша мамлакатдаги бир қисминигина қамраб олади, холос. Биргина мисол: Миср миллий кутубхонасида мавжудлиги таъкидланган, лекин навоийшуносликка 2012 йили маълум қилинган Алишер Навоийнинг “Оққуюнли мухлислар девони” Ғарбнинг баъзи илмий китобларида “Навоий девони” номи остида берилганки, ушбу аталиш девоннинг таркиби ҳақида аниқ тасаввур бермайди. Фақат бу девон қўлёзмаси таркиби билан танишибгина, унинг навоийшунослик учун аҳамияти очилди ва ушбу девон фотонусхаси нашр қилинди. Алишер Навоий бир неча девон яратганлиги бизга маълум, аммо хориж каталогларида, кўпинча, улар фақатгина “Навоий девони” номи билан келтирилган. Чунки Навоий девонини тавсифлаб, каталогга киритувчи олим Навоий ижодини яхши билмагани учун девонга умумий ном бериб қўя қолган. Эндиликда мана шу қўлёзмалар таркиби билан бевосита танишиш ва уларни “Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги” деб аталувчи феҳрестга киритиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида “чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш” ҳақида гапирилган.

Дарҳақиқат, жуда ўринли бу фикр бутун бошли янги йўналишда ишлашга олиб келади. Бизда Навоий асарлари қўлёзмалари ёки улардан олинган нусхаларининг барчаси Тошкентда бир ерга тўпланган ҳолда бўлиши керак. Биринчи навбатда, Алишер Навоий асари қўлёзмаларининг илмий ва бадиий жиҳатдан энг ноёб намуналарини, масалан, машҳур хаттот Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалар нусхалари келтирилиши лозим. Ҳозир-

да улар Теҳрон, Истанбул, Санкт-Петербург ва шу каби шаҳарлардаги қўлёзмалар кутубхоналарида сақланмоқда. Санкт-Петербургда Навоийнинг йигитлиги даври шеърлари киритилган ва 1465 йили кўчирилган "Илк девон"и қўлёзмаси мавжуд. У 1968 йилда Ҳамид Сулаймонов томонидан нашр этилган бўлишига қарамай, унинг замонавий фототехник воситаларда олинган янги кўчирмасини яратиб, Ўзбекистонга келтириш керак. Худди шундай гапни Санкт-Петербургда сақланувчи, Назарали Фоизий (Файзий) 1596 йил кўчириб тугаллаган бадиий безаклари мукаммал Навоий асарлари мажмуаси ҳақида ҳам айтиш мумкин. 1444 бетдан иборат айни улкан қўлёзма сафавийлар даври машҳур қўмондони Фарҳодхон сарой кутубхонаси учун тайёрланган. Қоҳирадаги машҳур Дор ул-кутуб кутбхонасида сақланувчи "Оққуюнли мухлислар девони" қўлёзмаси ҳам ғоятда аҳамиятли. У 1471 йили Анисий тахаллуси билан шеърлар битган Абдураҳим Хоразмий томонидан тахминларга кўра, Шерозда кўчирилган. Бу девон факсимиле нусхаси 2015 йили Токиода нашр этилди. Эндиликда мазкур қўлёзма кўчирма нусхасини, ундаги шеърларни жорий ёзувларга ўгирилган матни билан бирга чоп қилиш лозим. Мана шундай дурдона қўлёзмалар қаторига Қўқон хони Умархон саройида 1819 йили кўчирилган "Муҳаббатнома" номли мажмуани ҳам киритиш мумкин. Айни тўплам Усмонлилар султони Султон Маҳмуд II (1808–1839)га дипломатик совға сифатида юборилган. Девонлардан ташкил топган тўплам таркибида Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" куллиёти ҳам мавжуд. Истанбулда сақланувчи бўйи ярим метрли ва салкам 1000 бетли мазкур тўплам фотонусхасини ҳам Ўзбекистонга олиб келтириш савобли иш. Келтирилган кўчирмалар асосида бу қўлёзмаларнинг факсимиле-фотонусхаси сўзбошилар билан нашр этилиши ўринли бўларди.

Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида қуйидагилар айтилган: хориждаги мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, глобал интернет тармоғида кенг ёритиш, улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, каталоглар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш". Шундан келиб чиққан ҳолда эндиликда дунёнинг барча мамлакатларидаги Навоий асарларига эга қўлёзмаларни тавсифлаб кенг қамровли "Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги"ни яратиш вақти келди. Айни йўналишда биз имкон қадар хориж сафарларида маълумот тўплашга уриниб келаяпмиз. Эндиликда бу ишни системали тарзда амалга ошириш катта натижаларга олиб келиши мумкин. "Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон каталоги"нинг яратилиши бир неча йиллар давомида амалга оширилиб, бир неча жилд китоб ҳолида нашр этилишга арзигулик бир ишдир[1].

2018 йил

[1] Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан нашр этилган реестр таркибидан Алишер Навойнинг 198 та қўлёзма асари ҳақидаги қисқа маълумот киритилган (2021 йил – Э.А.) (Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри/ The Register of Manuscripts Located overseas concerning Uzbekistan's Cultural Heritage/ Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том I. Масъул муҳаррир Р.Баҳодиров. Тошкент: Nashriyot uyi "Tasvir", 2020; Эркинов А. "Алишер Навоий Туркия қўлёзмалари каталогини яратиш тажрибасидан" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2019. Б.411-412).

НАВОИЙНИНГ ҚЎЛЁЗМАСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФСБ ҚЎЛИГА ТУШДИ ("Илк девон"нинг ўғирланиши)[1]

Навоийнинг ҳаммамизга маълум "Илк девон"ининг қўлёзмаси бир пайтлар Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасининг нодир китоблар бўлимидан ўғирлаб кетилиб, жиноий йўл билан сотиб юборилишига сал қолган. Қўлёзмани Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ – Федеральная служба безопасности Российской Федерации) сақлаб қолган.

Ушбу қўлёзма 1465 йилда таниқли хаттот Султон Али Машҳадий (1432–1520) томонидан тахминларга кўра Темурийлар давлатининг маданий марказларидан бири бўлган Ҳирот шаҳрида кўчирилган. "Илк девон" – бу, қанчалик ажиб туюлмасин, Алишер Навоий лирикаси мухлислари томонидан тўпланган шоир шеърларининг биринчи (девон) тўпламидир. У кўчириб тугалланган вақтда Навоий эндигина 25 ёшга тўлган эди ва у Ҳиротдан ташқарида яшарди. Навоий ўзининг илк шеърлар тўпламини тузишда бевосита иштирок этмаган.

Қўлёзма шуниси билан муҳимки, унинг мазмун-моҳияти шоир 25 ёшга тўлгунига қадар ёзган шеърлари ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари мазкур қўлёзма таниқли хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилганлиги билан қимматли ҳисобланади.

Айни девон Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида сақланади. Қўлёзманинг Россияга келиб қолиш тарихи қуйидагича эди. Мавжуд маълумотларга кўра, Навоийнинг "Илк девони" тақдири таниқли рус дипломати, шоир ва ёзувчи, драматург ва бастакор – дворян Александр Сергеевич Грибоедов (1795 йил, Москва – 1829, Теҳрон) шахси билан боғлиқ. У рус адабиётида Россия театрларида ҳали ҳам намойиш этилаётган "Горе от ума" пьесаси билан шуҳрат қозонган.

1828 йилда А.С. Грибоедов Россиянинг Эрондаги элчиси этиб тайинланган эди. Хорижий мамлакатларнинг элчихоналари Эрон Озарбайжонининг маркази Табриз шаҳрида жойлашган эди. Эронга келганидан кўп ўтмай, Грибоедов 1797–1834 йилларда ҳукмронлик қилган Эрон шоҳи Фатҳ Али Шоҳ олдида ўзини таништириш учун Теҳронга жўнаб кетди. Янги тайинланган элчи шоҳ томонидан муносиб қабул қилинди. Теҳронда Грибоедов олдида мураккаб иш турар эди, унинг вазифаларига форслар қўлига тушиб қолган рус фуқароларини қидириб топиш ва Россияга қайтариш ҳам кирар эди. Анъаналарга таянадиган жамиятда кўп нарсалар мураккаб эди. Масалан, элчихонанинг баъзи ишлари маҳаллий аҳолини ҳам, форслар ҳукуматини ҳам ғазабга келтирди. Кўп ўтмай маҳбуслар борасида низолар келиб чиқди. 1829 йил 30 январь куни Россия элчихонаси биносига ҳужум уюштирилди, ҳужум пайтида А.С. Грибоедов бошқа кўплаб хизматчилар қатори ҳалок бўлди. Тўқнашув оқибатида кўплаб маҳаллий аҳоли ҳам ҳалок бўлди. Грибоедовнинг жасади Тифлисга (Тбилиси шаҳига) олиб кетилиб, ўша ерга дафн этилди. Тўкилган қон ўрнини босиш учун Эрон шоҳи Петербургга, Николай I (1825–1855)га атаб совғалар юборди. Улар орасида ҳукмдор Заҳириддин Бобур (1483–1530) авлодлари тахтини безаб турган машҳур "Шоҳ" олмос ҳам бор эди. Совғалардан яна бири Алишер Навоийнинг "Илк девони" қўлёзмаси эди. Шундай қилиб, бу ноёб асар Санкт-Петербургга, Россия миллий кутубхонасига келиб қолди.

[1] Мақоланинг русча варианти нашри: Эркинов А. "Как рукопись Навои попала в ФСБ, или "Странствие" бесценного манускрипта" // Народное слово. 11 ноября, 2018 г.

Бироқ қўлёзманинг “дарбадарлиги” шу билан тугамади. Россия миллий кутубхонасидаги энг қиммат қўлёзмалар қадимий нодир асарлар савдоси билан шуғулланувчи рус жиноятчи тўдаларининг қизиқишини уйғотди, улар ҳақида мен тасодифан билиб олдим. 1968 йилда ушбу қўлёзма факсимилда нашр этилди (яъни қўлёзма суратга олиниб чоп этилди). Бироқ бутун ҳаётим давомида Алишер Навоийнинг қўлёзма меросини ўрганиб, мен “Илк девон”нинг асл нусхаси билан танишиш имконига эга бўлмаган эдим. Бунга фақат 2015 йилда Россия миллий кутубхонасининг Нодир китоблар бўлимидаги қўлёзмалар тўпламини бориб кўрганимда муваффақ бўлдим.

Қўлёзманинг дастлабки саҳифасида унинг Эрон ҳукмдори Фатҳалишоҳ Қожор (1797–1834) кутубхонаси учун 1232/1816-17 йили олинганлиги қайд этилган. “Илк девон” қўлёзмасини билан танишиш учун у сақланаётган папкани очганимизда, алоҳида қоғозга мазкур қўлёзма билан танишиш санаси ҳамда ўз исми шарифларини ёзганларини кўриш мумкин. Бунда 1952 йилдан бошлаб турли олимлар исмлари келтирилган. Булар: Г.И.Костыгова (Машҳадий қўчирган қўлёзмалар бўйича диссертация ҳимоя қилган олима), Ҳамид Сулаймонов, Иванов, Камол Айни, Ёқубжон Исҳоқов, Ҳасанов, Воҳидий, Абдумажид Мадраимов, Мария Сабтельни, Феруза Мелвил ва бошқалар.

Айни рўйхатда қуйидаги ёзув ҳам бор эди: “1994 йил 11 декабрь куни қўлёзма Россия миллий кутубхонасидан ўғирлаб кетилди. 15 декабрь куни топилди ва 1995 йил 21 февралгача Россия федерал хавфсизлик хизмати(ФСБ)да сақланди. Шундан сўнг Россия Ички ишлар бошқармаси томонидан кутубхонага тантанали равишда қайтарилди”. Қўлёзма ҳақида маълумот топиш учун Нодир китоблар бўлими илмий ходимлари – фан номзодлари Ольга Василева ва Ольга Ястребоваларга мурожаат қилганимизда, улар ҳақиқатан ҳам 1994 йили ўғрилар томонидан қимматбаҳо қўлёзмалар кутубхона фондидан ўғирлаб кетилганлигини тасдиқладилар. Бу воқеа Россия матбуотида ёритилган эди. Ноёб китоблар бўлимидан оғирлиги 150 килограмм бўлган қўлёзмалар ўғирланган (!). Ўғрилик қилганлар мақсадлари уддасидан чиқа олмаганлар. Ўғирланган китобларни сотишга уриниш жараёнида қўлга тушишган. Мана шу 150 килограммлик қўлёзмалар орасида ғайриоддий конвертли, қаттиқ муқовали ва чиройли араб ёзувлари битилган Алишер Навоийнинг “Илк девони” қўлёзмаси ҳам бор эди. Афтидан, ўғрилар ушбу қўлёзманинг бебаҳолигини аввалдан билган ва катта жиноий режалар тузиб қўйган эди. Бир пайтлар Фатҳалишоҳ Россия императорлик саройига қимматбаҳо совғаларни саралаётиб, улар қаторига Алишер Навоийнинг “Илк девони”ни ҳам киритгани бежиз эмас эди.

Бироқ масала фақат “Илк девон”да эмас, ҳозирда Россия миллий кутубхонасида Алишер Навоий ҳаётлик пайтида ёзилган яна иккита ноёб қўлёзма сақланмоқда. Улардан бири Султон Али Машҳадий томонидан 1493 йилда кўчирилган “Хамса” асари қўлёзмаси. Бошқаси 1499 йил 31 июлда кўчириб тугатилган Навоий асарларининг катта ҳажмли бошқа бир тўплами 550 варақдан, яъни 1100 бетдан иборат. Тасаввур қилинг, ушбу қўлёзмалар Ҳиротда, Алишер Навоийнинг нигоҳи остида, тайёрланган ва шоир уларни қўлларида ушлаган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, бизнинг вазифамиз халқимиз меросини келажак авлод учун асраб қолишдир. Дунёда таниқли хаттот Султон Али Машҳадий томонидан қайта ёзилган 50 га яқин қўлёзма мавжуд. Уларнинг ҳар бири мусулмон китобчилик ишининг дурдона асарлари ҳисобланади. Султон Али Машҳадий таниқли темурийлар ҳукмдори, шоир замондоши

ва яқин дўсти – Ҳусайн Бойқаро (1469–1506 йилларда ҳукмронлик қилган) ва Алишер Навоийнинг шахсий нусха кўчирувчиси эди. Ҳусайн Бойқаро ҳам шеърий ижод билан шуғулланган. Замондошларининг ёзишича, Султон Али Машҳадий ҳар куни Ҳусайн Бойқаро учун ўттизта, Навоий учун эса йигирма байт шеър кўчирган. Уларнинг иккитаси – Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Алишер Навоийнинг “Илк девон” ва “Хамса” қўлёзмалари Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида сақланмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қимматлидир.

Тарихнинг бизга гувоҳлик беришича, дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган ва нафақат миллий, балки умумжаҳон меросини ифодаловчи маданий асарлар билан ҳар қандай воқеа юз бериши мумкин. Шуни ёдда тутиш лозим, барча бебаҳо моддий объектлар ҳам ўз маънавий қийматига эга. Шу сабабли ушбу ноёб қўлёзмаларнинг илмий муқаддималари ва шарҳлари билан бойитилган факсимилесини нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

2018 йил

НАВОИЙШУНОС УСТОЗЛАР

Азиз Қаюмов – фан ташкилотчиси

Илк бор Азиз Қаюмов (1926–2018) билан 1987 йили, февраль ойида танишганман. Ўшанда у киши Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директори эдилар[1]. 1986 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) ўзбек филологияси факультетини эндигина битиргандим. Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтига ишга кирмоқчи бўлдим. Институт директори Азиз Қаюмов олдига бордим. Мени шу даргоҳга стажер-тадқиқотчиликка қабул қилишди. 1988 йилда Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети ўзбек классик адабиёти (Ўзбекистон мустақиллиги даврида у ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси деб атала бошлади) кафедрасига ишга ўтиб кетдим. Лекин фан номзодлиги диссертациямга Азиз Қаюмов илмий раҳбар бўлганликлари сабабли Қўлёзмалар институти билан алоқаларим доим мавжуд бўлди. Кейинчалик қўлёзмалар бўйича мутахассис бўлишимга ҳам Қўлёзмалар институтига Азиз Қаюмов томонидан стажёр-тадқиқотчи сифатида қабул қилинганим катта таъсир қилди.

Айни мақоладаги менинг фикрларим ўз шахсий кузатишларим натижасида пайдо бўлган таассуротларим асосига қурилган. Азиз Қаюмов фан ташкилотчиси сифатида Ўзбекистон илмида сезиларли из қолдирган олимдир. Айни хулосага у кишининг филология соҳасига оид фаолиятлари, яъни амалга оширган ишларининг айрим қиррасига тўхталиш орқали мисоллар келтираман. Алишер Навоий асарлари матнлари илмий тадқиқи ва нашри устида Ҳамид Сулаймонов (1910–1979), Порсо Шамсиев (1897–1972), Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева (1932–2018) ва бир қатор олимлар катта ишларни амалга оширдилар. Улар бошлаган мазкур йўналиш янги авлод олимлари томонидан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейингина академик Азиз Қаюмов ташаббуси билан ўзбек адабий манбашунослиги фанига алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишда катта ишлар амалга оширила бошланди. Азиз Қаюмов 1978–1998 йилларда фаолият олиб борган Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтига раҳбарлик қилган йилларда адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослиги ривожланди. Айни йўналиш учун докторлик ҳимоя кенгаши очилиб, унда “Адабий манбашунослик ва матншунослик” (ихтисослик рақами – 10.01.11) фан номзодлиги ҳамда фан докторлиги илмий даражасини олиш учун бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинди.

1970-йилларда академик Азиз Қаюмов ташаббуси билан Ўзбекистонда илк бор бир қатор ёш ўзбек олимлари эски уйғур, Ўрхун-Енисей ва суғд ёзувидаги ёдгорликларни илмий тадқиқ қилишга киришдилар. Шу муносабат билан айни илмий йўналишлар ривожлана бошлади. Филология фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқов суғд тилидаги манбалар, филология фанлари доктори Қосимжон Содиқов эски уйғур ёзувидаги битиклар устида изланишлар олиб борди ва диссертациялар ҳимоя қилди. Филология фанлари доктори Насим Раҳмонов Ўрхун-Енисей ёзуви ёдгорликлари устида илмий изланишлар олиб бордилар. Натижада, уч соҳа – ривожлана бошлади. Бу олимларнинг бир неча китоб ва мақо-

[1] Мазкур институт 1978–1998 йиллари фаолият юритган.

лалари нашр этилди. Айни олимларнинг шогирдлари ва издошлари ҳам етишиб чиқди (масалан, суғдшуносликда тарих фанлари доктори Аъзамхўжа Отахўжаев). Дейлик, профессор Қосимжон Содиқов бошлаган йўналишни шогирдлари давом эттирдилар: Қудрат Омонов 1997 йили "XIV–XV асрларда уйғур хатида битилган имтиёз ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларининг лисоний-услубий тадқиқи" мавзуидаги номзодлик ва 2016 йили "Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомили (илк ва ўрта асрлар)" мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди; Рихситилла Алимуҳамедов 2016 йили "Қадимги турк-моний адабиёти манбалари" мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (бу ишда энди эски уйғур ёзувидаги эмас, балки монийлик ёзувидаги матнлар объект қилиб олинган). Қудрат Омонов ва Рихситилла Алимуҳамедов диссертацияларини Ўзбекистонда бундан салкам ярим аср аввал Азиз Қаюмов асос солган ўша хайрли йўналиш давоми сифатида қабул қилиш мумкин. Яъни юртимиздаги мазкур уч (ҳатто тўртта дейиш мумкин – монавийлик матнлари) йўналиш ривожи бевосита Азиз Қаюмов бошлаб берган ташаббус билан боғланади.

Азиз Қаюмов бошчилигида Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондидаги қўлёзмаларнинг икки жилддан иборат феҳрести нашр этилди (Каталог фонда Института Рукописей. Отв.ред. А.Каюмов. Том I, 1989; Том II, Ташкент, 1988). 1983 йили мазкур институт фондидаги қўлёзмалар асосида филология фанлари доктори Муҳаммаджон Ҳакимов (1935–2001) "Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи" китобини чоп эттирди (Муҳаммаджон Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Тошкент, 1983). Филология фанлари номзоди Бобохон Қосимхонов (1945–2018) Навоий асарларининг тошбосма нашрлари феҳрестини нашр қилганди (Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи (каталог). Тошкент, 1988). Мазкур феҳрестлар айнан Азиз Қаюмов институтга раҳбарлик қилган йиллари амалга оширилиб, манбашунослик соҳаси учун муҳим аҳамият касб этди. 1987–2003 йиллари Алишер Навоий "Мукаммал асарлар тўплами" 20 жилдлиги нашр этилганди. Унинг 1 ва 2-томларида Алишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" ва "Наводир ун-ниҳоя" девонлари илк дафъа жорий ёзувимизда чоп этилди. Айни девонларни нашрга тайёрлашда Қўлёзмалар институти илмий ходимлари – Шарофиддин Шарипов, Марям Раҳматуллаева ва Мухлиса Зиёвиддиновалар иштирок этишганди. Мазкур Алишер Навоий "Бадоеъ ул-бидоя" ва "Наводир ун-ниҳоя" девонларининг дастлабки нашри ташаббускори ва ташкилотчиси Азиз Қаюмов бўлган.

Азиз Қаюмов ёш олимларга ҳайрихоҳ олим бўлганлар. Бу хусусият у кишининг фан келажаги учун қайғуришидан келиб чиққан. Масалан, 1997–2006 йиллари Азиз Қаюмов қўллаб-қувватлаши, раҳнамолиги ёки раҳбарлиги остида ўша вақтдаги бир неча ёш олимлар диссертация ҳимоя қилишган эди. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: Зоҳиджон Исломовнинг "Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамат ул-адаб" асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни" мавзуидаги докторлик диссертацияси; Шуҳрат Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс манбалари" мавзуидаги докторлик диссертацияси; Шодмон Воҳидовнинг "Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функцияси, вакиллари, асарлари)" мавзуидаги докторлик диссертацияси; Абдулатиф Турдиалиевнинг "Маҳмуд Ҳаким Яйфоний адабий ва илмий меросининг манбалари" мавзуидаги номзодлик диссертацияси; Салима Нишонбоевна Эшонованинг "XX аср бошларида Қўқон

шоиралари (Нисо ва Хоний)” мавзуидаги номзодлик диссертацияси ҳамда ушбу сатрлар муаллифининг “Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XX аср манбалари” мавзуидаги докторлик диссертацияси ва бошқалар. Азиз Қаюмов ўша йиллари шахсан менинг диссертациям ёқланиши учун йўл очиб бериб хайрихоҳлик қилмаганларида, балки бу ишни анча кейин ҳимоя қилган бўлардим. Мен ўзим каби ўз вақтида ёш бўлган олимлар номидан яна бир бор Азиз Қаюмовга миннатдорчилик билдираман.

Шу ўринда 1993–1998 йилларда Қўлёзмалар институти қошидаги “Адабий манбашунослик ва матншунослик” (10.01.11) ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгашда ҳимоя қилган докторлик диссертациялари муаллифларини эсга олиш ўринли. Жумладан: Фатхулла Исҳоқов, Фатхулла Ғанихўжаев, Абдураҳим Маннонов, Мавжуда Ҳамидова, Шуҳрат Сирожиддинов, Зоҳиджон Исломов, Афтондил Эркинов...

Яна худди ўша йиллар айни кенгашда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари муаллифлари сирасида: Бобохон Қосимхонов, Абдуллатиф Турдиалиев, Исмоил Бекжонов, Акрам Ҳабибуллаев, Нурбой Жабборов, Бахтиёр Абдушукуров, Қудратулла Омонов, Расулзода, Сайёра Самандарова, Шоира Усмонова...

Азиз Қаюмов Қўлёзмалар институтига раҳбарлик қилган 1990-йиллар иккинчи ярмида айни институтда ишлаётган бир қатор илмий ходимлар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилгандилар. Масалан, Ботирбек Ҳасанов, Саидбек Ҳасанов, Мирсодиқ Исҳоқов, Ҳамидулла Дадабоев, Қосимжон Содиқов, Насим Раҳмонов... Мазкур рўйхатни давом эттириш мумкин. Муҳими, исмлари номга олинган олимларнинг кўпчилиги кейинчалик Ўзбекистондаги филология илмида катта натижаларга эришдилар.

Шу ўринда 1978–1998 йилларда фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар институти тарихидан айрим лавҳаларни ёдга олиш жоиз[1]. Бу илмий даргоҳ тарихи эса бевосита академик Азиз Қаюмов фалояти билан боғланган. Азиз Қаюмов 1979–1998 йилларда мазкур институтга директорлик қилганлар. Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Адабиёт музейи асосида 1978 йилда ташкил топган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қошида 1939 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган кичик бир музей базасида 1968 йили вужудга келган. Бу музейда тўпланган қўлёзмалар кейинчалик Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи топширилган. Қўлёзмалар институти ташкил топган кейин адабиёт музейи унинг йирик бўлинмаларидан бири – экспозиция бўлимига айланган.

Ўрта Осиёдаги биринчи Қўлёзмалар институти асосчиси ва биринчи директори профессор Ҳамид Сулаймонов (1911–1979) бўлган. Унинг ўлимидан сўнг институт унинг номи билан атала бошланди. 1979–1998 йилларда Азиз Қаюмов институтга директорлик қилди.

1968–1998 йиллар мобайнида музейда, кейинчалик эса қўлёзмалар институтида “Адабий мерос” номли ўзбек адабиёти тарихи бўйича материаллар ва тадқиқотлардан иборат тўплам чоп этилган. Бу тўпламнинг 68 нашри эълон қилинган.

1950 йилдан бошлаб қўлёзмаларни йиғиш ишларида Мўминжон Муҳаммаджонов (1883–1964), Ш. Афзалов ва А. Воротниковалар иштирок этганлар.

1968 йили Адабиёт музейи ташкил топганида фондда 300 қўлёзма мавжуд бўлган. Мана шу даврга қўлёзмалар стихияли тарзда тўпланган. Шу вақтдан бошлаб қўлёзмалар

[1] Мақоладаги мазкур қайдлар муаллифнинг айрим хотиралари асосида яратилган. Қўлёзмалар институти тарихини мукаммал кўринишда яратиш навбатдаги вазифалардандир.

фондини кенгайтириш учун мақсадли тарзда йиғила бошланди. 1978 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар институти Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида асосида ташкил топганида фондда 2500 жилддан кўпроқ қўлёзма тўпланиб бўлганди. 1972 йил 30 августда Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий комитети ва Вазирлар Кенгашининг 382-рақамли қарори эълон этилган. У халқ ичидаги амалий санъат намуналари ва ёзма маданий мерос ёдгорликларини тўплашга қаратилган эди.

Масалан, қўлёзмаларни йиғиш уларни сотиб олиш орқали амалга оширилган. Шу мақсад учун 1972–1990 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми 50 000 совет рубли (сўми) миқдорида пул ажратган.

1982 йилга келиб, энди Қўлёзмалар институти фонди 4 000 дона қўлёзмага эга бўлган. Улар араб ёзувида бўлиб, араб, форс, туркий ва бошқа тилларда битилган эди. Фонддаги тошбосма асарлар миқдори тахминан 5000 дона бўлган. Қўлёзмалар институти ёпилган вақтда фонддаги қўлёзмаларнинг умумий сони 7329 жилдни ташкил қилган. Булардан ташқари, фондда бошқа қўлёзма фондларидан олинган катта миқдордаги фотонусха ва микрофильмлар ҳам сақланган. Қўлёзма ва тошбосма китоблар фондидан ташқари Қўлёзмалар институти таркибида Ўзбекистон халқлари халқ оғзаки ижоди материаллари тўпланган алоҳида бўлим фаолият кўрсатган. Шунингдек, замонавий Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари, филолог олимлар ҳамда маданият ходимлари архивлари ҳам сақланади. Кўрсатилган барча фондларда бирламчи манбаларни тўплаш ишлари билан бир қаторда манбашунослик ва матншунослик йўналишидаги тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. 1998 йили Қўлёзмалари институти ёпилганидан сўнг экспозиция бўлими яна мустақил ташкилот – Навоий номидаги адабиёт музейига айланди.

Қўлёзмалар институти бўлим ва фондлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг уч илмий ташкилоти таркибига қўшилди:

1. Қўлёзма ва тошбосма асарлар фонди ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ўтказилган.

2. Фольклор фонди ЎР ФА Тил ва адабиёт институтига берилган.

3. Ёзувчи ва шоирлар архиви Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига топширилган.

Қўлёзмалар институти фондидаги 7329 қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондига ўтказилгандан сўнг мазкур институтдаги қўлёзмалар миқдори жами 25 954 жилдни ташкил эта бошлаган.

1972–1998 йиллар мобайнида Қўлёзмалар институтида археографик экспедициялар уюштириб турилган. Уларда Ҳамид Сулаймонов, Раҳим Мажидий, Холид Расул (1911–1991), Маҳбуба Қодирова (1919–2011), Муҳаммаджон Ҳакимов (1935–2001), Ботирбек Ҳасанов (1940–2000), Қосимжон Содиқов, Саидбек Ҳасанов (1945–2019), Р. Холиқов (1946–1983), Юсуф Турсунов, Бобохон Қосимхонов (1945–2018), Абдувоҳид Шокиров (1935–1994) ва бошқа олимлар иштирок этганлар. Айни экспедиция қатнашчилари Ўзбекистон бўйлаб ҳамда Жанубий Қозоғистон (асосан Чимкент вилояти), Қирғизистон (Ўш вилояти), Туркманистондан (Ўзбекистон билан чегара ҳудудлари) қўлёзмалар тўплаганлар.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида Қўлёзмалар институти билан илмий ҳамкорлик олиб бориб, қўлёзмаларни топиш ва тўплаш ишларига ёрдам берган олимлар мавжуд бўлган. Масалан, қўқонлик олимлардан Аҳмаджон Мадаминов (1930–2008), Султонхон Сотволдиев (1948–1998), Солижон Йўлдошев (1922–2012) ва Абдуллатиф Турдиалиев Фарғона водийсидаги қўлёзмалар ва улар эгаларини аниқлаш ишларида катта ёрдам кўрсатганлар.

Шундай қилиб, Қўлёзмалар институти томонидан аҳоли орасида юриб, йиллар давомида қўлёзмалар биттама-битта тўпланган. 1988–1989 йиллар давомида Қўлёзмалар институти ходимлари томонидан тайёрланган, рус тилидаги икки жилдлик "Қўлёзмалар институти каталоги" ("Каталог института рукописей") номли феҳрест нашр этилган. Мазкур нашрни амалга оширилишига Азиз Қаюмов бошчилик қилган. Бу каталогининг биринчи жилдида туркий тилдаги 1000 асар, иккинчи жилдида эса форс тилидаги 900 асар тавсифи берилган. Китобга кирган қўлёзма асарларни Қўлёзмалар институтининг қуйидаги илмий ходимлари амалга оширганлар: Азиз Қаюмов, Эркин Аҳмадхўжаев, Гулнора Аҳророва, Исмоил Бекжонов, М.Иноғомхўжаев, Зоҳиджон Исломов, Ҳомидхон Исломов, Мастура Хайруллаева, Ҳалима Мухторова, Марям Раҳматуллаева, Гулшан Раимова, С.Ражои, Раъно Қобулова, Исроил Шамсимуҳаммедов, Сайёра Шукруллаева, Шодмон Воҳидов, Фатхулла Ғанихўжаев, Сурайё Ҳайдарова, Мавжуда Ҳамидова, Ботирбек Ҳасанов ва бошқалар.

Яхлит олганда, Қўлёзмалар институтининг Азиз Қаюмов раҳбарлик қилган даврида (1978–1998) қўлёзма меросни тўплаш ва унинг устида илмий тадқиқот олиб бориш ишларида самарали натижаларга эришилган. Ёзганларим ва келтирганларим "Азиз Қаюмова – фан ташкилотчиси" мавзуига оид бир шогирднинг айрим қайдлари, холос.

Хулоса ўрнида Азиз Қаюмов амалга оширган ишлар проф. М.Имомназаровнинг 2010 йили чоп этилган "Академик Азизхон Қаюмов мактаби (Тузувчи: М.Имомназаров. Масъул муҳаррир: С.Ҳасанов. Тошкент: Мумтоз сўз, 2010)" китобида ҳамда О.Адизова ва Р. Хабохуновалар-нинг 2018, 2020 ҳимоя қилинган диссертацияларида ҳам ёритилган[1].

[1] Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Қарши, 2018; Хабохунова Р. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Андижон, 2020.

АДАБИЁТЛАР:[1]

1.“Адабий мерос” тўпламининг библиографик кўрсаткичи (1976–1989). Нашрга тайёрловчи: М.Мажидова. Тошкент, 1989.

2.Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Қарши, 2018.

3.Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзмалари каталоги. Тузувчилар: Қ.Муниров, М.Ҳакимов. Тошкент: Фан, 1986.

4.Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV–XIX асрлар. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймонов, Ф.Сулаймонова. Тошкент: Фан, 1982.

5.Имомназаров М. Академик Азизхон Қаюмов мактаби. Тошкент: Mumtoz so`z, 2010.

6.Каталог фонда института рукописей. Том I, Ташкент, 1989; Том II, 1988.

7.Расул Ҳ. “Ўз ФА адабиёт музейи ва унинг илмий фонди ҳақида” // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964 йил, 5-сон. Б.30-34.

8.Фидойи олим ва беназир инсон. Нашрга тайёрловчи Ю.Турсунов. Тошкент, 2006.

9.Хабохунова Р. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўрни. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Андижон, 2020.

10.Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳрести. Тошкент, 2009.

11.Қосимхонов Б. Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи (каталог). Тошкент, 1988.

12.Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент: Фан, 1991.

13.Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: Фан, 1983.

14.Ҳасанов Б. “Институт қўлёзмалар фондининг тарихи ва унинг умумий обзори” // Адабий мерос. 12-сон. 1978. Б.66-72.

15.Ҳасанов С. “Илм ва маърифат маскани” // Адабиёт кўзгуси. 1-сон. 1998. Б.3-12.

16.Erkinov A. Vahidov Sh. Une sourse méconnue pour l’étude de la production de livres a la cour de Muíammad Raíim Khan II (Khiva, fin XIXe s.) // Cahiers d’Asie Centrale. “Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l’Asie centrale islamique”. 7 (1999). P.175-193.

17.Fehrist-i nomgu-yi nusakh-i khatti-yi makhzan-i Hamid Sulaymon Anstitu sharqshunosiy Abu Rayhon Biruniy (Uzbekiston). Edit. S.A. Muzhoniy. Qum. 1377 (1998).

18.Muminov A. “Fonds nationaux et collections privees de manuscrits en ecriture arabe de l’Ouzbekistan” // Cahiers d’Asie Centrale. ”Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l’Asie centrale islamique”. 7 (1999), pp. 17-38.

19.World survey of Islamic manuscripts. Vol. 2. By O.F.Akimushkin, A.B.Khalidov. London. 1993. P.620-621.

2018 йил

[1] Мазкур рўйхатга қўлёзмалар институти фаолияти ва унинг фондига оид айрим адабиётлар киритилди.

Нажмиддин Комилов – диссертация устозим[1]

Мазкур мақолада менинг докторлик диссертациям ва унинг вужудга келишида устозим Нажмиддин Комилов (1938–2012) ўрни ҳақида гап кетади. Менинг диссертацияларим яратилишида уч устозим бўлган. Дастлабкиси – маънавий устозим отам, филология фанлари доктори, проф. Содир Эркинов (1930–2009). Иккинчиси, номзодлик диссертациямдаги устозим – академик Азиз Қаюмов (1926–2018) ҳамда докторлик диссертациямга илмий маслаҳатчи бўлган филология фанлари доктори, проф. Нажмиддин Комилов эдилар.

Мен Нажмиддин Комилов бошчилигида Навоий ижодини ўрганишда герменевтикага қай тарзда мурожаат қилганим ва айни мавзудаги докторлик ишим ҳақида қисқача маълумот бераман. 1990 йили “Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида)” деган мавзуда филология фанлари номзоди диссертациясини ҳимоя қилгандим. Маълумки, номзодлик диссертацияси мавзуини илмий раҳбар шогирдига беради. Аммо докторлик диссертацияси учун мавзу танлашда бошқа йўлдан борилади. 1994 йили мен филология фанлари доктори, профессор Нажмидин Комилов билан илмий суҳбат қуриб, у киши раҳбарлигида докторлик диссертацияси ёзиш истагим борлигини билдирдим. Бунгача домла мен ишлаган ўзбек филологияси факультетида ҳам дарс бериб турардилар (ўзлари, аслида, рус филологияси факультети қошидаги “Таржима назарияси” кафедрасида ишлардилар). Суҳбат асносида мен Нажмиддин акага докторлик мавзуси танлаб, сизнинг раҳабарлигингиз остида уни ёзиш ниятидаман, деб айтдим. Навоий ижоди билан (масалан, “Ҳайрат ул-аброр”) боғлиқ бир неча режалаштириб қўйганим тахминий мавзуларни ҳам кўрсатдим. Шунда домла “номзодлик диссертацияси мавзусини илмий раҳбар беради. Сиз фан номзодисиз, бу олим сифатида етишганликни англатади, докторлик диссертацияси учун мавзуни ўзингиз ўйлаб топишингиз керак”, дедилар. Шундан кейин нима қилишга бошим қотди. Айнан қайси мавзуни танлашни ўйлай бошладим.

1991 йили менинг совет навоийшунослигига бағишланган “Қолипдаги фан” номли мақолам чоп қилинганди[2]. Унда мен ўтган совет тузуми мафкурасининг навоийшуносликка салбий таъсири ҳақида ёзгандим. Ўзбекистон мустақиллигидан аввалги китобларда ўтмишдаги бадиий асарларга ёндашув ва баҳолар деярли бир хил бўлиб, улардан чиқарилган хулосалар ҳам, кўпинча, ўхшаш бўларди. Чунки эски методология сиёсий кўрсатмалар асосига қурилган бўлиб, олимларга тайёр ҳолда бериларди. Унга риоя қилиб илмий иш ёзишнинг ўзи етарли бўларди. Шу шароитда эндиликда, янги даврда асар таҳлили услублари қанақа бўлиши керак, қайси йўлдан бориб асарларга ёндашган маъқул, деган савол туғиларди. Бу 1990-йиллар боши учун табиий савол эди.

Бир куни мен кутубхонада “Контекст: адабий-назарий тадқиқотлар” (Контекст: литературно-теоретические исследования) номли китобни кўриб қолдим[3]. Унда берилган мақо-

---

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. “Диссертация устозим” // Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари. Профессор Нажмиддин Комилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланади (Республика илмий-назарий анжумани. Тошкент, 2018 йил 13 декабрь). Тошкент: Muharrir, 2018. Б.32-38.

[2] Эркинов А. “Қолипдаги фан” // Ёшлик. 1991. 2-сон. Б.76-77.

[3] Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1989. Москва, 1989. С.211-249; Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1990. М., 1990. С.219-259; Шпет Г.Г. “Герменевтика и ее проблемы” // Контекст: литературно-теоретические исследования. 1991. М., 1991. С.215-255.

лаларда герменевтика ва бадиий асар талқини ҳақида қизиқарли маълумотлар бор эди. Шу мақола баҳона бўлди-ю, мен герменевтика таълимотига қизиқиб кетдим. Герменевтиканинг фалсафий асослари ёритилган бир қанча илмий тадқиқотлар билан танишдим.

Шу алфозда янги даврда Навоий асарлари (кенг маънода бадиий матн) эндиликда қандай талқин этилиши керак, деган саволга қайсидир даражада жавоб топгандек бўлдим. Герменевтикадек анча кенг ва чуқур бир таълимотни англаш асносида унинг жавоби: талқинлар турлича бўлиши ва уларнинг ҳар бири, агар асосга эга бўлса, яшашга ҳақли, деган хулосага олиб келди. Дарҳақиқат, бадиий асар талқинларининг кўплиги ҳақиқатнинг чексизлиги, ҳар бир шахс ва даврга хос ҳақиқат нисбий, ўзига хос эканлиги билан белгиланади. Шарқ адабиётидаги машҳур ва Навоийнинг "Лисонут тайр" достонида ҳам келтирилган кўрлар ҳақидаги ҳикояни эсланг: Ҳиндистонга бориб фил ҳақида уни ушлаб тасаввур олган кўрлардан фил қандай экан деб сўрашганида, бири у гумбаз, бири у катта тиш, бири у дум, бири у катта елпиғич деб жавоб беради. Уларнинг фикрлари нотўғри бўлмай, бу таассуротларни бир ерга тўпласа, ягона бир фил ҳосил бўлиши мумкин эди. Фил ҳақиқат рамзидир. Кўрлар эса инсонлар. Навоий айтмоқчи, инсонлар ҳам ҳақиқатни ўз билганларича талқин этадилар. Фил ва уни ушлаб билганларни бадиий асар ва рецепиентга ўхшатиш мумкин. Рецепиент фикри асар маъносининг қайсидир қиррасини акс эттиради ва ҳеч қачон, у қанчалик истамасин, сўнгги қараш бўла олмайди. Фанда мавжуд бу хулоса бадиий асарни кенг ва турли жиҳатдан талқин қилиш мумкинлигига йўл очади.

Мен Навоий "Хамса"сини ўз объектим қилиб олдим ва унга герменевтикани боғлашга уриндим. Мен учун энг асосийси – ўлкамизга Ғарбона қарашлар кириб келмасидан олдинги даврда Навоий асарлари қандай қабул қилинганлиги, талқин этилганлиги ва бу асарларга китобхонларнинг Шарқона муносабати мавжуд бўлганлигини аниқлашдан иборат эди. Масалани бу тарзда қўйишни истаганим бежиз бўлмаган. Мен Ғарбда таълимот сифатида пайдо бўлган герменевтика ва унинг тармоқларидан бири бўлган адабий герменевтиканинг Шарқдаги асослари ва улар тарихини излаш, Шарқ адабий талқинчилигининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш орқали биздаги бу йўналиш илдизларини очиб беришга уриндим.

***

Нажмиддин Комилов берган ("докторлик диссертацияси учун мавзуни ўзингиз ўйлаб топишингиз керак") маслаҳатлари натижасида мен докторлик диссертациям учун Алишер Навоий "Хамса" асарининг асар яратилган даврдан то XX асргача бўлган талқинларини асос қилиб олдим. Бу иш профессор Нажмидин Комилов илмий маслаҳатчилиги остида тайёрланиб, "Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари" деган ном остида 1998 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида "10.01.11. – Адабий манбашунослик ва матншунослик" мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинди[1]. Диссертациямда ўрганиш объектимга даврий чегара қўйгандим. Навоий ва умуман ўтмишда, Шарқона

[1] Эркинов А. Алишер Навоий "Хамса"си талқинининг XV–XX аср манбалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1998; Эркинов А. Источники интерпретации "Хамса" Алишер Навои в XV–XX вв. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент, 1998. Мазкур диссертация сўнгидаги адабиётлар рўйхатида айни диссерацияни ёзишда фойдаланган герменевтика ва адабий герменевтикага оид кўплаб китоб ва мақолалар номи келтирилган. Кейинчалик мазкур диссертация асосида китоб нашр этилди: Эркинов А. Алишер Навоий "Хамса"си талқини манбалари (XV–XX аср боши). Тошкент: "Tamaddun", 2018. 300 б.

муҳитда яратилган ҳар қандай асарга ёнашувда шартли тарзда оладиган бўлсак, икки давр мавжуд эди:

1. Навоий “Хамса”си яратилганидан (1485 йил) то бадиий асарларга Ғарбона ёндашув бошланган, тахминан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган босқич.

2. Тахминан, XX асрнинг 30-йилларидан ҳозиргача бўлган босқич.

Бу икки босқични асар яратилган муҳит руҳиятини билиш нуқтайи назаридан ажратилганди. Аслида, фақат биринчи босқичгина диссертациям объекти бўлган. Айни босқичлардаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш учун бир мисол келтирайлик. Масалан, бир саволни ўртага ташлаш мумкин: Америкадаги ўрмонни ким яхшироқ билади? Бу ўрмонда яшовчи ҳиндуми ёки шу ўрмон бўйича Европада китоб ёзган олимми? Албатта, мутахассис олим кўп билими, аниқроғи, мантиқий билими билан ҳиндудан кўра кўпроқ нарса билиши аниқ. Аммо шу ўрмонга бориб, ҳиндулар билан ўрмонни кезганида ўзи яхши сезмаган кўпгина хусусиятларни билиб олади. Чунки ўрмонда туғилиб ўсган ҳинду ўрмонни китобдек ўқий олади. Унда мантиқий билимдан кўра сезги, интуиция етакчилик қилади. Бундай руҳий ва ҳиссий маълумотга эса европалик олим эга эмас. У ўрмонни кўп йиллар кезган, ўрганган бўлса ҳам, ҳиндудек унинг бир қисмига айланмаган. У ўрмонни мантиқий билим билан била олади. Демак, олим ва ҳиндунинг ўрмон ҳақидаги билимлари алоҳида-алоҳида йўналишда бўлиб, бир-бирларини тўлдиради.

Шарқ адабиёти ва маданиятини ўрганувчи, унга муносабатда бўлувчи ўзбекларнинг XX асргача бўлган қисмида ўша ҳиссий билиш етакчилик қилган. Улар ана шу Шарқона муҳит руҳиятида ўсиб туриб Шарқни ўзига хос тарзда англаганлар. Лекин кейинчалик ундан узоқлашган. Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаш керакки, биз Навоий “Хамса”сининг ўзбек адабиётшунослиги ва муҳитида бугун ва ўтмишда қабул этилиши тўғрисида гапирмоқдамиз. Ҳозирги пайтдаги Шарқ маданиятининг бизлар томондан қабул этилиши бўлса, юқоридаги мисолдаги европалик олимникидан фарқ қилади. Чунки биз “Хамса”га ёндашув ҳақида гап кетганида, асосан, ўз регионимиз – Ўрта Осиёни асос қилиб олдик ва агар мисол бўйича тушунтириш керак бўлса, бугунги талқин этувчи ўзбеклар бу ўрмонда яшаган ҳиндунинг шаҳарга кетиб қолган вакилларига ўхшайди. Чунки ўрмонни тарк этиб, шаҳарда яшаб қолган ҳиндунинг авлодлари энди ҳиссий билимдан, муҳитдан узоқда туриб ўрмонни биладилар. Аммо улар ўз авлодларидан сақланиб қолиб, қондан қонга, руҳиятдан кўчувчи аллақандайдир сезгиларни ҳам аждодларидан қабул қилиб оладилар.

Шу маънода улар ўрмонда яшовчи ҳинду билими билан европалик олим ўртасида, икки томонни бирлаштириш даражасида ўрмонни биладилар. Замонавий ўзбеклар ҳам ўз классик адабиётларини бугунги кунда мана шундай позиция – ўтмиш муҳитидан қисман узилган бир шароитда биладилар. Лекин уларда ўзлари Шарқлик бўлганликлари учун руҳият ва маънавиятда сақланган меросий хусусияти ва европача маданиятни қисман бирлаштирган ҳаёт тарзи кузатилади. Шу билан улар Шарқшунос Ғарбликлардан фарқ қиладилар.

Талқин этувчининг қай маданий муҳитга даҳлдор эканлиги билан боғлиқ бу масалага чуқур кирмаган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, Шарқни билишда ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда учта гуруҳ намоён бўлмоқда:

1) Шарқликларнинг ўзи (асосан, XX асргача);

2) Ғарб билан Шарқ бирлашган территориядаги Шарқликлар (асосан бизнинг асримиз);

3) Ғарбликлар (шарқшунос – ориенталистлар).

Биз ўз диссертациямизда, асосан, биринчи гуруҳга эътибор қаратгандик. Асли Ғарблик Шарқшуноснинг иккинчи гуруҳдагилар билан яқинлиги сезиларли бўлса-да, бу масалага чуқурроқ кирмаймиз. Қисқаси, юқоридаги фикрларнинг барчаси XX асргача бўлган талқинлар, муайян руҳиятга эга муҳит мавжуд бўлганлигини кўрсатиш ниятида келтирилди. Шарқда талқин манбалари сифатида тафсир, турли асарларга ёзилган шарҳлар мавжуд бўлган бўлса-да, улардан ташқари бадиий асарнинг Ғарбдаги бевосита кўзга ташланиб турувчи (асарга тақриз, асар таҳлили ва бошқалар) талқинларидан ташқари талқин манбалари ҳам мавжуд бўлган. Уларни мен Навоий "Хамса"сининг XV–XX аср бошларидаги турли талқини манбаларидан изладим. Шарқда бадиий асар талқиннинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатмоқчи бўлдим.

Шу мақсадда Навоий "Хамса"сининг XX асргача бўлган даврдаги талқини манбаларини таснифлаш, бу жараёнда ана шу даврни кейингиларидан ажратувчи томонларига ҳам эътибор қилишга тўғри келади. Биз диққатимизни қаратган давр – Навоий "Хамса"си яратилганидан XX аср бошларигача бўлган оралиқни масаламиз нуқтайи назаридан яхлит бир босқич сифатида олиб ўргангандик. Бизнинг бош мақсадимиз Шарқона талқинни кўрсатувчи асос – манбаларни аниқлашдан иборат бўлганди[1]. Навоий "Хамса"си талқини, ҳар қандай асар талқинида учраши мумкин бўлганидек, уч хил томондан талқин этилган. Булар:

А) муаллифнинг ўзи (Навоий);

Б) замондошлар (масалан, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир);

В) кейинги давр кишилари (масалан, Бобур, хаттотлар, китобхонлар, ноширлар ва бошқалар).

Кейинги икки гуруҳни ўз ичида яна қисмларга ажратиш мумкиндир. Бироқ биз талқинни ташувчи шахс ва гуруҳларни эмас, талқиний информацияга эга манбалар – талқиний манбаларни ўрганишга эътибор қаратиш мақсадида бўлганмиз. Бу маълумотлар қуйидаги манбаларда жойлашган[2]:

1. Навоий "Хамса"си.
2. Достонларнинг кириш қисмида.
3. Тазкиралар.
4. Тарихий асарлар.
5. Илмий асарлар.
6. Мемуар асарлар.
7. Навоий "Хамса"си қўлёзмалари.
8. Луғатлар.
9. Насрий баёнлар.
10. "Хамса"га ишланган миниатюралар.

Биз бу манбалардан "Хамса" талқинига доир маълумотларни олишимиз мумкин. Кўриниб турганидек, бу манбалардаги талқинлар ўз характерига кўра турличадир. Масалан,

[1] Бизнинг диссертациямиз "10.01.11. – Адабий манбашунослик ва матншунослик" мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинган экан, бизнинг вазифамиз ҳам бадиий асар матни билан боғлиқ манбаларни илмий истифодага олиб киришдан иборат бўлиши керак эди. Менинг мавзуим доирасида бу адабий асар талқини акс этган манбаларни аниқлаш ва уларнинг "Хамса" талқини учун қанчалик хизмат қила олишини кўрсатишдан иборат бўлган.

[2] Бу ҳақда батафсил қаранг: Эркинов А. Алишер Навоий "Хамса"си талқини манбалари (XV–XX аср боши). Тошкент: "Tamaddun", 2018.

қўлёзмалардаги талқин асосан китобат этувчи ва котиб томонидан амалга оширилади. Китобат этиш жараёнида "Хамса" яхлит ёки бирор қисми туширилган тарзда берилиши ёки асрлар давомида бу бешликни кўчириш жараёнида котиб буюртмачи ёки давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ҳатто ўз нуқтайи назари асосида матнга нисбатан муайян муносабатда бўлиши, уни маълум даражада ўзгартириши мумкин. Шуниси диққатга сазаворки, кўриб ўтганимиз талқинлар жараёнида бир одам ёки кўпчилик иштирок этиши мумкин экан. Айни жиҳати билан бу талқинлар, қайсидир даражада социология, библиопсихология каби соҳаларга ҳам хизмат қилиши мумкин экан.

Биз ўрганаётган даврдан кейин – ўтиш даври ва кейинги давр талқинларининг манбалари янги даврга хос манбаларга алмашинади. Масалан, "Туркистон вилоятининг газети"нинг 1880 йил 9-сонида Навоий ҳақида дастлабки мақолалардан бири ёзилди[1]. Аста-секин бошқа мақолалар ҳам ёзила бошланди, XX асрдан бошлаб "Хамса" достонлари асосида драмалар яратилди, ўзбек адабиётшунослиги фани, унинг алоҳида тармоғи – навоийшунослик вужудга келди. Диссертация, монография, рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратилади. Буларнинг барчаси Навоий "Хамса"сининг янги даврдаги талқини манбалари бўла олади. Мана шу манбалардан тортиб кейинги йиллардаги Навоий бешлиги айрим достонларининг тасаввуфий талқинига бағишланган тадқиқот ва мақолаларни ва XX аср биринчи чорагидан кейин яратилган бошқа юзлаб тадқиқотларни кейинги босқич талқини сифатида қабул этиш мумкин[2]. Аммо бизнинг мавзуимиз объектига улар кирмаганлиги боис бу манбаларни биз тадқиқотимизда махсус ўрганмадик. Бу иккинчи босқич ҳақидаги умумназарий фикрларимиз мавзуимиз объекти бўлган давр хусусиятларига ойдинлик киритиш учун қиёс сифатида келтирилди. Албатта, бизнинг фикрларимиз, даврлаштиришимиз нисбий бўлиб, Навоий "Хамса"си талқинларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Бизнингча, ўзбек классик адабиётини қабул қилишда бу даврлаштиришни кенгроқ ўрганиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мен ўз диссертациямни яратишда иложи борича адабий герменевтика билан боғлиқ фан ютуқларини ўзбек мумтоз адабиёти намунаси бўлган Навоий "Хамса"сига татбиқ қилишга ҳаракат қилдим. Навоий "Хамса"сига яратилишидан то XX аср бошигача бўлган муносабатлар манбаларини аниқлаб, уларни илмий истифодага олиб киришга уриндим. Бу асар талқини мисолида кўрсатилган давр алоҳида босқич бўла олишини, талқиннинг ўзига хос турлари бизнинг муҳитимизда мавжуд бўлганлигини асослашни мақсад қилиб қўйган эдим. Буларни қанчалик амалга ошира олганлигимни аниқлаш файласуфлар ва адабиётшунослар ҳукмига ҳавола.

Шундай қилиб, докторлик диссертациям учун мавзу танлашимда менга ўз вақтида "докторлик диссертацияси учун мавзуни ўзингиз ўйлаб топишингиз керак!" – деган устоз Нажмиддин Комилов гаплари сабабчи бўлган эди.

2018 йил

[1] Мўминов И.М. Танланган асарлар, уч томлик. I том. Тошукент, 1969. Б.192.
[2] Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 1996.

ХОРИЖИЙ НАВОИЙШУНОСЛИК

Элизар Бирнбаум – канадалик навоийшунос[1]

Алишер Навоий Темурийларнинг Ҳирот саройидаги сиёсий арбоби бўлиб, туркий назм ва насрда маҳоратли ижодкор эди. Деярли бир ўзи мусулмон Ўрта Осиёсидаги маҳаллий туркий лаҳжаларни мумтоз туркий адабий тилга айлантирди. Бунинг натижаси ўлароқ, эски ўзбек тили бутун Ўрта Осиёда туркий маданиятни ифода этувчи адабий восита сифатида Навоий ҳаётлиги давридаёқ кенг тарқалди. Кейинги тўрт юз йил давомида ҳам ўз ўрнини сақлаб қолаверди. Мазкур даврда Навоий асарлари катта ҳудудларда ўқилди, уларга эргашилди ва тенги йўқ деб ҳисобланди.

Элизар Бирнбаум,
Торонто, 1976 йил.

Канаданинг Торонто шаҳрида туркийшунос олим, профессор Элизар Бирнбаум (1930–2019) номли Алишер Навоий мухлиси яшар эди. Афсуски, у бундан уч ой муқаддам (ноябрь, 2019) 89 ёшида дунёдан ўтди. Олим туркий қўлёзмалар, жумладан, Алишер Навоий ижоди ва шоир асарлари қўлёзмалари устида тадқиқотлар олиб борган. Лутфий ижодига ҳам қизиққан ва ислом дунёси тадқиқотлари учун муҳим қўлланма бўлиб келаётган, оламга машҳур 13 жилдлик “Ислом қомуси”нинг 5-жилдидаги “Лутфий” мақоласини ёзган. Туркияда Лутфий ижодига бағишланган мақоласи чоп этилган.

Элизар Бирнбаумнинг Навоийнинг усмонли турклар муҳитидаги қўлёзмалари хусусидаги тадқиқот ва феҳрестларидаги тавсифлари мавжуд. Олим 1964 йилдан умри сўнгига қадар Торонто университетидаги Шарқ цивилизациялари кафедраси профессори бўлиб ишлаб келган. Лондон университетида туркийшунослик бўйича таҳсил олган. Талабалигидан бошлаб олтмиш йил мобайнида шахсий кутубхонасида икки юздан ортиқ мусулмон Шарқи қўлёзмаларини тўплаган. Улар қаторида Лутфий ва Навоий асарлари ҳам ўрин олган.

1973 йили Э.Бирнбаум ўзининг Шарқ мамлакатларига илмий сафарини бошлайди. Эроннинг Табриз шаҳри ва Тошкент, Душанбе ҳамда Кобул каби пойтахтларда бўлиб, Навоий ва Лутфий асарлари қўлёзмаларини излайди, топади ва илмий муомалага олиб киришга уринади. Афсуски, шўро тузумининг совуқ уруш давридаги Ғарб ва унинг олимларига нисбатан бўлган душманона кайфияти туфайли Бирнбаум Навоий ижоди билан боғлиқ тадқиқотларини “тўхтатган” кўринади.

Аслида, унинг Навоийга ихлоси баланд эди. Мана унинг Табризда Навоий қўлёзмаларини топгани ҳақида ёзганлари:

“1973 йилда Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёга қилган илмий сафарим мобайнида мен бироз муддатга Эроннинг Табриз шаҳрида бўлдим. Мақсадим бу шаҳардаги маҳаллий кутубхоналардаги туркий қўлёзмаларни тадқиқ қилиш эди. Табриздаги Миллий кутубхонада ҳали феҳрестларга киритилмаган қўлёзмалар ичида Алишер Навоий девони нусхасини учратдим. Навоий асарининг бу қўлёзмаси диққатимни икки жиҳатдан жалб этди. Биринчи-

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. “Канадалик навоийшунос” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020 йил, 7 февраль.

дан, у насх ёзувида ёзилиб, зеру забарлари қўйилганди. Одатда эса Навоий қўлёзмалари насталиқ ёзувида кўчирилади ва ҳаракат белгилари қўйилмайди. Иккинчидан, у Навоий қўлёзмаларига хос бўлмаган тарзда, Ўрта Осиёда ёйилган имло анъаналари услубида эмас, усмонли турклар орасида тарқалган йўналишда битилган эди. Шу асосда мен айни қўлёзма ҳақида алоҳида бир мақола ёзишга киришдим".

Бирнбаум Навоийнинг мазкур қўлёзмани Туркия томонларда кўчирилган деб ҳисоблайди. У ҳақда "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоийнинг Усмонлилар имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси" номли мақоласини 1976 йили Германияда, инглиз тилида эълон қилади. Унда Навоий ижодига усмонли турклар муҳитидаги муносабат ҳақида гап кетган.

Олим 1973 йили Тошкентда ўн ҳафта илмий тадқиқот олиб борган. Биз учун ҳам Э.Бирнбаумнинг Алишер Навоий ижодига ихлоси ва Тошкентга келган вақтидаги таассуротлари қизиқари бўланлиги сабабли у киши билан мактуб орқали боғланишга уриндик. Ниҳоят, роппа-роса бир йил аввал – 2019 йил бошида канадалик олим билан хат ёзишиб, баъзи маълумотларни олишга муваффақ бўлдик. Ёзишмалардан айрим намуналарни келтириб ўтсам:

* * *

14 январь, 2019 йил. Торонто

Ҳурматли Элизар Бирнбаум,

Сиздан хат олиб мамнун бўлдим. Биз ҳамкасблар билан сизнинг "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоийнинг Усмонлилар имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси" номли инглиз тилидаги мақолангизни ўзбек тилига таржима қилиб, уни сўзбоши билан нашр этиш қилиш ниятидамиз. Шу масалага қандай қарайсиз?

Афтондил.

* * *

15 январь, 2019 йил, Торонто

Мухтарам Афтондил Эркиногли,

Сиз "Марказий Осиё журнали"даги менинг "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоийнинг Усмонлилар имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси" номли мақоламни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этиш ниятини билдирибсиз. Мен айни таклифни мамнуният билан қабул қиламан. Ўша мақола билан журналда чоп қилиниши керак бўлган, аммо тушириб қолдирилган суратларни ҳам сизга жўнатяпман.

Шу ўринда интернет орқали Бирнбаум билан орамизда бўлиб ўтган мулоқотни ҳам эътиборингизга ҳавола қилсам:

Савол: *сиз 1973 йили Ўзбекистонга ташриф буюргансиз, таассуротларингиз қандай бўлган?*

Жавоб: 1973 йили Тошкент ва юртингиздаги бошқа шаҳарларга ташриф буюрганимда аҳолининг ўз ҳаётига совет чиновниклари аралашувидан норозилигини сезгандек бўлдим. Тошкент давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари турлича қарашда эдилар. Ўзимиз алоҳида қолганда уларнинг айримлари мавжуд тузумдан норозиликларини жуда секин ифодалардилар. Баъзилари эса совет тузумининг садоқатли вакиллари эди.

Савол: *Нима учун ўзбек мумтоз адабиёти ва айнан Алишер Навоий асарлари устида изланишлар олиб боргансиз?*

Жавоб: Талабалик йилларимда тилларга қизиқардим. 1947–1953 йиллари Лондон университети ҳузуридаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари олий даргоҳида таҳсил олдим. Ўша даврдан бошлаб араб, форс ва туркий тилларни ўргандим, Шарқ қўлёзмалари билан ишлашни бошладим. Жумладан, эски ўзбек тилини ўзлаштириб, Навоий ва Бобур асарларини ўргандим. 1964 йилдан бошлаб, Канададаги Торонто университети профессориман. Ҳозирда нафақадаман. Торонтода усмонли турк тили ва адабиёти, тарихи бўйича кўп йиллар дарс бердим. Шу жараёнда Алишер Навоий, Бобур ва Лутфий ижодига ҳам қизиқдим. Навоий қўлёзмалари ҳақида мақолалар ёздим.

Савол: *Нега Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиёти бўйича тадқиқот олиб боришни тўхтатгансиз?*

Жавоб: Мен 1958 йили Лондондаги Шарқ китоблари дўконидан Лутфий девони қўлёзмасини сотиб олдим. 1973 йили Тошкентга келишимдан мақсад Лутфий девони танқидий матнини тузиш учун тайёргарлик кўришдан иборат бўлган. Шу ташрифим муносабати билан Алишер Навоий ижоди ва қўлёзмаларини ўрганишга янада чуққуроқ киришдим. Лекин ўша вақтдаги Ўзбекистон СССР таркибида бўлганлиги учун юртингизга келган хорижлик олимлар илмий фаолиятида эркинлик чекланганди. Сиз томонларга келиб-кетиш мураккаб эди. 10 ҳафта Тошкентда бўлганимда “совет ҳукумати”, афтидан, мени доимий кузатиб турарди. Ишончим комил эдики, бунда КГБнинг иштироки ҳам мавжуд бўлган. Шу сабабдан Совет Иттифоқида эканлигимда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб, совет тузумига нисбатан бирорта ҳам танқидий сўз айтмадим, лекин доимий босимни ҳис қилиб турардим. Афғонистон самолётига ўтириб, Кобулга қараб учганимда қандайдир енгиллик ҳис қилдим.

* * *

“Энг сўнгги мактубида проф. Элизар Бирнбаум шундай деб ёзганди: “Ўзбекистонда 1973 йили бўлганимда мен 43 ёшда эдим. Ҳозир 89 ёшдаман. Шу ёшда ҳам тадқиқот олиб бориш ва ёзишни давом эттиряпман...”

Агар ўша 1973 йилдаги ташрифида Бирнбаум совуқ уруш туфайли шўро сиёсати, унинг назорат ва ҳар жиҳатдан чекловларидан ранжимаганда, балки навоийшунослик фаолияти, ўзбек мумтоз адабиёти билан шуғулланишини кенгроқ миқиёсда ва қолган умри мобайнида давом эттирган бўлармиди?! Илмий фаолиятининг навоийшунослик йўналишини ўзи мажбуран “тўхтатмаган” бўлармиди... У юртига қайтганидан кейинги илмий тадқиқотларини усмонли туркчасидаги адабиётни ўрганишга бағишлади.

Юқоридаги мактуб проф. Элизар Бирнбаум билан ёзишмадаги охирги хат эди. Орадан 9 ойча ўтиб, 2019 йил 2 октябрда Элизар Бирнбаум дунёдан ўтди. Ундан бизга Навоий ва Лутфийга бағишланган тадқиқотлари қолди.

2020 йил

Канадалик олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотчиси[1]

Кўпчилик туркийшунос олимлар Алишер Навоий ижоди билан ҳам қизиқтириб келганлар. Улар жумласига хориждаги олимларни ҳам киритиш мумкин. Канадалик туркийшунос олим профессор Элизар Бирнбаум (1930 йили туғилган) ҳам Навоий ижодига қизиққан ва Навоий ҳақида тадқиқотлар олиб борган Ғарб олимлари қаторига киради. Ҳозирда Элизар Бирнбаум Торонто университетидаги Шарқ цивилизациялари кафедрасининг фахрий профессори бўлиб, туркий, форс, араб ва иврит тилидаги қўлёзмалар бўйича катта мутахассислардан ҳисобланади.

Бирнбаум 1947–1953 йиллари Лондон университети ҳузуридаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабида[2] (School of Oriental and African Studies – SOAS) таҳсил олган. Ўша даврдан бошлаб қайд этилган тиллардаги Шарқ қўлёзмалари билан ишлашни бошлаган. Туркийшунос олим Фахир Из бошчилигида "Бобурнома" матнини ўрганган. 1953–1964 йилларда Англиянинг Дарем университетида, сўнг (1960–1964 й.) Америка Қўшма штатларининг Мичиган университети кутубхоналари Шарқ қўлёзмалари бўлимларида фаолият юритган. Э.Бирнбаум 1964 йилдан Канаданинг Торонто университетида турк тили профессори сифатида ишлай бошлаган. Шу даврдан бошлаб олим шахсий кутубхонасида қўлёзмалар тўплашга киришган. Ҳозирга қадар мазкур қўлёзмалар миқдори 200 донадан ошиб кетган. Улар қаторида Лутфий ва Навоий қўлёзмалари ҳам мавжуд. Бирнбаум эски ўзбек тилини ўрганиб, бу тилдаги қўлёзмалар устида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлаган. Умуман олганда олим турли қўлёзма фондларидаги туркий ва форсий қўлёзмаларга оид бир неча каталоглар нашр этган[3]. 2015 йили эса Канададаги усмонли туркча ва эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар тавсифига бағишланган алоҳида каталогини чоп қилган[4]. Мазкур каталогдан Лутфий[5] ва Навоий қўлёзмалари тавсифи ҳам ўрин олган. Унинг "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоийнинг Усмонлилар имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси"[6] номли мақоласида қўлёзмалар мисолида Навоий ижодига усмонли турклар муҳитидаги муносабат ҳақида гап кетган. Бундан ташқари, у ўз каталогларида ҳам Навоий қўлёзмала-

[1] Мақола нашр этилган манба: Эркинов А. "Канадалик олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотчиси" // "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусидаги III анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). Тошкент: Фан, 2019. Б.295-299.

[2] Бу ўринда "мактаб" номи остида университет ҳузуридаги олий ўқув даргоҳи назарда тутилмоқда.

[3] Birnbaum E. "Turkish Manuscripts: Cataloguing since 1960 and Manuscripts Still Uncatalogued. Part 2: Yugoslavia, Bulgaria, Romania" // Journal of the American Oriental Society. 1983, Vol. 103/3. P.515-532; Birnbaum E. "Turkish Manuscripts: Cataloguing since 1960 and Manuscripts Still Uncatalogued: Part 3: U.S.S.R., Iran, Afghanistan, Arab Lands (Except Palestine), Israel and Palestine, India and Pakistan, China" // Journal of the American Oriental Society. 1983, Vol. 103/4. P.691-707; Birnbaum E. "Turkish Manuscripts: Cataloguing since 1960 and Manuscripts Still Uncatalogued, Part 4: Hungary, Czechoslovakia, Poland, Great Britain, Ireland, The Netherlands, Belgium, France, Germany, Switzerland, Austria, Italy, Finland, United States, Canada" // Journal of the American Oriental Society. 1984, Vol. 104/2. P.303-314; Birnbaum E. "Turkish Manuscripts: Cataloguing since 1960 and Manuscripts Still Uncatalogued, Part 5: Turkey and Cyprus" // Journal of the American Oriental Society. 1984, Vol. 104/3. P.465-503 ва бошқалар.

[4] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada: A Union Catalogue. Leiden: Brill, 2015. Айни каталогда Э.Бирнбаум шахсий кутубхонасидаги қўлёзмалардан ташқари Торонто университети, Монреаль шаҳридаги Макгилл Университети ва Онтарио Кироллик музейи фондларида сақланувчи қўлёзмалар ҳам тавсиф этилган.

[5] Ўша асар. P.137-140.

[6] Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Navā'ī`s Divan in Ottoman Orthography" // Central Asiatic Journal. 1976, XX. P.157-190.

рини тавсифлаган. Умуман олганда, Усмонли турклар муҳитига Алишер Навоий таъсири ва ўрни масаласи бир мунча ўрганилган[1].

Э.Бирнбаум 1973 йили собиқ Совет иттифоқига саёҳат қилиб, Тошкентга ҳам ташриф буюрган. Фаолияти давомида, хусусан, Лутфий ижодига қизиққан ва исломшунослар учун муҳим қўлланма бўлиб келаётган 13 жилдлик "Ислом қомуси"нинг 5-жилдида "Лутфий" мақоласини нашр қилган[2]. Яна 1993 йили Туркияда унинг Лутфий ҳақидаги мақоласи чоп этилган[3].

Олим 1973 йили Табризга борганида Навоий асарларининг уч қўлёзмасини кўрганлигини қайд этади. Умуман олганда, ҳозиргача бизга маълум бўлган маълумотларга суянадиган бўлсак, Э.Бирнбаум ўз нашрларида Навоий асарларининг тўрт қўлёзмаси ҳақида маълумот берган. Айни маълумотлар унинг "Канададаги усмонли туркча ва эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар. Йиғма каталог"[4] китоби ва "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоийнинг Усмонлилар имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси"[5] номли мақоласида келтирилган. Бу қўлёзмалар қуйидагилардир[6]:

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр7. Торонто университети кутубхонаси. Сақланиш рақами – UTL Fisher 04291/I. Таълиқ ёзувида. Варақлари – 1–175a. Тахминан, XVI–XVII асарларда кўчирилган. Қўлёзма ҳажми – 220×130 мм, матн ҳажми – 160×85. Мазкур қўлёзмага Ҳайдар Хоразмийнинг "Махзан ул-асрор" достонининг бир қисми ҳам киритилган.

2. Алишер Навоий. Девон8. Тарбият кутубхонаси (Табриз шаҳри). Сақланиш рақами – Ms 81. 913/1507-08 йили кўчирилган. Таълиқ ёзувида.

3. Алишер Навоий. Девон. Табриз миллий кутубхонаси (Табриз шаҳри). Сақланиш рақами келтирилмаган.

4. Алишер Навоий. Девон. Табриз миллий кутубхонаси (Табриз шаҳри). Сақланиш рақами – 2219. Ҳаракатлари кўрсатилган насҳ ёзувида. Қўлёзма ҳажми – 245×148 мм, матн ҳажми – 148×93.

Афсуски, Алишер Навоий "Девон"и деб келтирганда Э.Бирнбаум Навоийнинг қайси девонини назарда тутганлигини ёки қўлёзмадаги девон таркибидаги шеърлар айни қайсилар эканлигини аниқ кўрсатмаган. Фақат 4-рақам билан келтирганимиз девон (Сақланиш рақами – 2219) нисбатан бундан мустасно. Бу девон таркиби қисман тавсифланган, аммо

---

[1] Levend A.S. "Türkiye kitapliklarindaki Nevai Yazmalari" // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. Ankara, 1958. S.127-209; Kleinmichel S. "Mīr Alīšēr Navā'ī und Ahmed paša" // Archivum Ottomanicum. №17 (1999). P.77–211; Kleinmichel S. "Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler" // Turk edebiyati Tarihi, Vol. 1. Istanbul, 2006. P.683-691; Рўзмонова Р. Алишер Навоий анъаналарининг усмонли турк шеъриятига таъсири (Аҳмад Пошо ва Сайди Али Раис Котибий ижоди мисолида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2011; Эркинов А. "Алишер Навоий асарларининг усмонли турклар маданий муҳитида тутган ўрни (манбашунослик материаллари асосида)" // Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари (илмий мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир М.Муҳиддинов. Тошкент: "Tamaddun", 2017. Б.55-65.

[2] Birnbaum E. "Lutfi" // Encyclopédie de l'Islam, 2e édition, vol.5. Leiden-Paris:Brill, 1986. P.835-836.

[3] Birnbaum E. "Chagatay sairi Lutfi" // Turk dili ve edebiyati dergisi. №26, 1993. S.190-193.

[4] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada: A Union Catalogue. Leiden: Brill, 2015. Айни каталогда Э.Бирнбаум шахсий кутубхонасидаги қўлёзмалардан ташқари Торонто университети, Монреаль шаҳридаги Макгилл Университети ва Онтарио Қироллик музейи фондларида сақланувчи қўлёзмалар ҳам тавсиф этилган.

[5] Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature...".

[4] Қўлёзмалар оид маълумотлар кўрсатилган икки нашрдан олинган бўлиб, ҳар вақт ҳам батафсил эмас.

[5] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada: A Union Catalogue. Leiden: Brill, 2015. P.434-435 (№221).

[6] Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature..". P.171.

батафсил эмас. Дастлабки таассуротга кўра, айни қўлёзма Навоий шеърларини жамлаган "Терма девон"га ўхшайди[1]. Қўлёзмада Пиёлабег муҳри мавжуд бўлганлиги учун Э.Бирнбаум уни шартли ном билан Пиёлабег қўлёзмаси деб атаган. Пиёлабег султон Боязид II (1481–1512)нинг ўғли, усмонли шаҳзода Коркут (1470–1513 йили ўлдирилган) хизматидаги яқинларидан бўлган. Пиёлабег қўлёзмаси ва тилга олинган яна уч қўлёзма усмонли турклар муҳитида Алишер Навоий ижодига нисбатан XVI аср бошида қандай муносабат мавжуд бўлганлигини кўрсата олади. Зеро, улар орқали биз Алишер Навоийнинг XVI аср боши туркий муҳитида қанчалик таниқли бўлгани ҳамда туркий адабиётда тутган ўрни қандай бўлганлигини билиб оламиз. Галдаги вазифа – Э. Бирнбаум ўз тадқиқот ва каталогларида тавсифлаган мазкур уч қўлёзмани илмий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

2019 йил

Навоий ижодининг канадалик тадқиқотчилари (Элизар Бирнбаум ва Мария Сабтелни)[2]

Кўринишидан, Америка қитъаси, айниқса, Канада ва ўлкамиз орасидаги масофа катта ва шу боис Навоийга бу мамлакатнинг алоқаси камдек. Аммо ярим асрдан бери бу ўлкада Темурийлар (1370–1506), хусусан, Темурий Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) давридаги маданий ва адабий ҳаёт масаласи Торонто университети профессорлари Элизар Бирнбаум (1930–2019) ва Мария Сабтелнилар томонидан муайян бир даражада тадқиқ этиб келинмоқда. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид мавзулар ҳам уларнинг илмий изланишларида мавжуд[3]. Мазкур олимлар фаолиятига оид маълумотларга тўхталамиз[4].

Элизар Бирнбаум (Eleazar Birnbaum). Туркийшунос олимлар ичида Алишер Навоий ижодига қизиққанлар анча. Канадалик туркийшунос олим профессор Элизар Бирнбаум ҳам мана шундай Ғарб олимлари қаторига киради[5]. Олим "Усмонлилар ва чиғатой ада-

---

[7] Қўлёзмадаги девон таркибининг баъзи жиҳатлари "Бадоеъ ул-бидоя"га ўхшайди. Масалан, "Бадоеъ..." дебочаси мазкур қўлёзмада мавжудлиги кўрсатилган (Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature..". P.173).

[2] Мақола Г.Юлдашева билан ҳамкорликда ёзилган. Нашр этилган манба: Эркинов А., Юлдашева Г. "Навоий ижодининг канадалик тадқиқотчилари (Элизар Бирнбаум ва Мария Сабтелни)" // "Алишер Навоий дунё Шарқшунослари нигоҳида" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021. Б.93-96.

[3] Ҳозирга қадар хорижлик олимларнинг ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий ижодига оид тадқиқотлари тўғрисида баъзи нашрлар амалга оширилган. Ҳозирга қадар хорижлик олимларнинг ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий ижодига оид тадқиқотлари тўғрисида баъзи нашрлар амалга оширилган Жумладан: Исматуллаев Ҳ. Навоий ижодини хорижий мамлакатларда ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 5-сон. Б.13-17; Абдуазизов А.А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши. Тошкент, 1991; Сиддиқова И., Солиева М. "Алишер Навоий меросининг Ғарб Шарқшунослари томонидан ўрганилиши" // "Алишер Навоий ва учинчи мингйиллик: Навоий меросини ўрганишнинг янги уфқлари": Илмий-амалий анжуман тўплами. Тошкент, 2019. Б.57-61; Эркинов А. "Мумтоз адабиётимиз Ғарб олимлари нигоҳида" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил, 8 август, №33-34. Б.5; Эркинов А. Навоий ижодининг хорижлик тадқиқотчилари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019, 2-сон. Б.34-39.

[4] Тошкент Давлат Шарқшунослик университети мустақил тадқиқотчиси Гуландом Юлдашева айни вақтда "Алишер Навоий ижодининг XX асрда Канадада ўрганилиши (Э.Бирнбаум ва М.Сабтелни тадқиқотлари мисолида)" мавзуидаги PhD диссертация устида иш олиб бормоқда (таҳририят).

[5] Э.Бирнбаум фаолияти ҳақидаги айрим адабиётлар: Эркинов А. "Канадалик олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотчиси" // "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусидаги III анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). Тошкент: Фан, 2019. Б.295-299; Эркинов А. "Канадалик навоийшунос" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020 йил, 7 февраль, Б.4.

биёти. Алишер Навоий девонининг усмонли имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси" номли мақоласида бир қўлёзма мисолида Навоий ижодига усмонли турклар муҳитидаги муносабат тўғрисида фикр юритган[1]. Айни мақола муносабати билан бу олим фаолияти бизни ўзига жалб қилди.

Э.Бирнбаум 1947–1953 йиллари Лондон университети ҳузуридаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабида[2] (School of Oriental and African Studies – SOAS) таҳсил олган. Ўша даврдан бошлаб қадимий туркий тиллардаги Шарқ қўлёзмалари устида изланишларни бошлаган. Туркийшунос олим Фахир Из (Fahir Iz) (1911–2004) раҳбарлигида "Бобурнома" матнини ўрганган. 1953–1964 йиллари Англиянинг Дарем университетида, сўнг (1960–1964 й.) Америка қўшма штатларининг Мичиган университети кутубхоналари Шарқ қўлёзмалари бўлимларида фаолият юритган. 1964 йилдан Канаданинг Торонто университетида турк тили профессори сифатида ишлай бошлаб, шахсий кутубхонасида Шарқ қўлёзмаларини тўплашга киришган. Бу қўлёзмалар миқдори икки юздан ошиб кетган. Улар қаторида Лутфий ва Навоий асарлари кирган қўлёзмалар ҳам бор. Э.Бирнбаум эски ўзбек тилини ўрганиб, бу тилдаги қўлёзмалар устида ҳам тадқиқотлар олиб борган. Умуман олганда, олим турли қўлёзма фондларидаги туркий ва форсий қўлёзмаларга оид бир неча каталоглар нашр қилган. 2015 йили Канададаги усмонли туркча ва эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар тавсифига бағишланган алоҳида каталогини чоп қилган[3]. Мазкур каталогдан Лутфий ва Навоий қўлёзмалари тавсифи ҳам ўрин олган[4].

Э.Бирнбаум 1973 йили собиқ Совет иттифоқига илмий сафар қилиб, Тошкентга ҳам ташриф буюрган. Фаолияти давомида Алишер Навоий ижодидан ташқари, Лутфий ижодига ҳам қизиққан. Шарқшунослар учун муҳим қўлланма бўлиб келаётган, Нидерландияда бир вақтнинг ўзида инглиз ва француз тилларида нашр этилган 13 жилдлик "Ислом қомуси"нинг 5-жилдида олимнинг "Лутфий" номли мақоласи чоп қилинган[5]. Яна 1993 йили Туркияда унинг Лутфий ҳақидаги мақоласи турк тилидаги илмий журналда чиққан[6].

Олим 1973 йили Табризга борганида Навоий асарларининг уч қўлёзмасини кўрганлигини қайд этади. Умуман олганда, ҳозиргача бизга маълум бўлган маълумотларга суянадиган бўлсак, Э.Бирнбаум ўз нашрларида Навоий асарларининг тўрт қўлёзмаси ҳақида маълумот берган. Айни маълумотлар унинг "Канададаги усмонли туркча ва эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар. Йиғма каталог"[7] китоби ва таъкидлаганмиз "Усмонлилар ва чиғатой адабиёти. Алишер Навоий девонининг усмонли имлосидаги XVI аср боши қўлёзмаси"[8] номли мақоласида келтирилган.

Мария Ева Сабтелни (Maria Eva Sabtelny). Профессор Мария Сабтелни Канадада, Торонто университети Яқин Шарқ тиллари ва цивилизациялари кафедрасида (the Department of

---

[1] Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Navā'i`s Divan in Ottoman Orthography" // Central Asiatic Journal. 1976, XX. P.157-190.

[2] Бу ўринда "мактаб" номи остида университет ҳузуридаги олий ўқув даргоҳи назарда тутилмоқда.

[3] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada: A Union Catalogue. Leiden: Brill, 2015. Айни каталогга Э.Бирнбаум шахсий кутубхонасидаги қўлёзмалар ҳамда Торонто университети, Монреаль шаҳридаги Макгилл университети ва Онтарио Қироллик музейи фондларида сақланувчи қўлёзма асарлар тавсифи ҳам кирган.

[4] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada... P. 137-140.

[5] Birnbaum E. "Lutfi" // Encyclopédie de l'Islam. 2e édition, vol. V. Leiden-Paris: Brill, 1986. P.835-836.

[6] Birnbaum E. "Çağatay şairi Lutfî: hayati ve eserleri" // Turk dili ve edebiyati dergisi. №26, 1993. S.189-193.

[7] Birnbaum E. Ottoman Turkish and Çağatay Manuscripts in Canada: A Union Catalogue. Leiden: Brill, 2015.

[8] Birnbaum E. "The Ottomans and Chagatay literature...".

Near Eastern Languages and Civilizations) ишлайди. У киши шарқшуносликнинг турли йўналишлари қаторида Темурийлар даври маданий муҳити бўйича тадқиқотлар олиб борувчи олима сифатида ҳам илмий жамоатчиликка яхши таниш. 1979 йили Гарвард университида (АҚШ) фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун "Темурий Ҳусайн Бойқаро саройи адабий муҳити ва унинг сиёсий аҳамияти" (The Poetic Circle at the Court of the Timurid Sultan Husain Baiqara and Its Political Significance) мавзусида диссертация ҳимоя қилган[1]. 1970 йиллардан бери Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги Ҳирот маданий муҳити бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Мария Сабтелнига туркиялик марҳум олим Фаҳир Из устозлик қилган. Олима ўзининг Навоийга бўлган ҳурмат-эҳтироми айнан шу устози туфайли пайдо бўлганини эътироф этган.[2]

Мария Сабтелни араб, форс, турк, ўзбек, немис, француз, инглиз ва рус тилларидаги манбаларни бемалол таҳлил қилгани боис тадқиқотларида чуқур изланувчанлик сезилиб туради. Олима ўзининг танқидий нигоҳи ва нуктадонлиги билан Навоий даври сиёсий, маданий, ижтимоий, тарихий, молиявий, маънавий ва маърифий жиҳатларини тўлиқ очиб беришда хизмат қилади. Мария Сабтелни тадқиқотлари нозик олимларга хос мавзунинг ҳар томонлама таҳлил этиб бериши билан уни етакчи навоийшунослардан бири сифатида танитди. Олима бу соҳада қилган хизматлари учун, хусусан, "Темурийлар ўтиш даврида: ўрта асрлардаги Эронда туркий-форсий сиёсат ва маданийлашиш жараёни"[3] китоби учун 2008 йили "Хушанг Пуршариати Эроний тадқиқотлар китоби учун мукофот"га (Houshang Pourshgariati Iranian Studies Book Award) сазовор бўлган[4].

Мария Сабтелнининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ёритувчи асосий мақолаларидан бири Ислом энциклопедиясига "Мир Алишер Навоий" номи билан киритилган.[5] Темурийлар даврининг сўнгги палласида Ҳирот маданий ва сиёсий муҳитида Навоийнинг тутган ўрни, ободончилик ишлари, мусулмон Шарқи китобат санъатининг гўзал намунасига айланган шоир девони ва асрлар оша Марказий Осиё, Туркия, Озарбайжон ва форсийзабон адабий муҳитларида Навоий шеъриятининг таъсири айни мақолада акс эттирилган. Мақолада Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлардан тортиб, Навоийнинг давлат ишларидаги муҳим ролигача бўлган асосий жиҳатларга диққат қаратилган.

Мария Сабтелни Алишер Навоий ва умуман олганда, Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даври санъати ва адабиёти ҳақида бир қатор нашрларни амалга оширган[6]. Ўзбекис-

---

[1] Subtelny M. The Poetic Circle at the Court of the Timurid Sultan Husain Baiqara and Its Political Significance. Ph.D. Dissertation, Harvard University, 1979.

[2] Фахир Из (1911–2004) Туркиялик олим бўлиб, турк ва форс адабиёти билимдони бўлган. У Истанбул университетида, Оксфорд, Колумбия, Макгил, Торонто ва Чикаго университетларида узоқ йиллар дарс берган.

[3] Subtelny M.E. Timurids in Transition: Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Brill: Leiden-Boston, 2007.

[4] Ушбу мукофот 2005 йили таъсис этилган. У эронлик Хўшанг Пуршариатийнинг узоқ йиллик журналистика ва ёзувчилик соҳасидаги ютуқлари учун ташкил этилган. Мукофот ҳар икки йилда бир марта берилади.

[5] Subtelny M.E. " Mīr 'Alī Shir Nawa'ī " // Encyclopédie de l'Islam. 2e édition, vol. VII. Leiden-Paris: Brill, 1993. P.90-93.

[6] Subtelny M. "Ali Shir Navai: Bakhshi and Beg" // Harvard Ukrainian Studies. vol. 3/4, part 2. Euchaisterion: Essays presented to Omeljan Pritsak on his 60-birthday by his Colleagues and Students (1979-1980). P.797-807; Subtelny M.E. "Art and politics in early 16th century Central Asia" // Central Asiatic Journal. 27/1-2. 1983. P.121-148; Subtelny M.E. "Scenes from the Literary Life of Tīmūrid Herāt" // Logos Islamikos: Studia Islamica in honorem Georgii Michaelis Wickens. ed. R.M. Savory, D.A. Agius (Toronto, 1984). P.137-155; Subtelny M.E. "A Taste for the Intricate: The Persian Poetry of the Late Timurid Period" // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Geselschaft 136/1 (1986). P.56-79; Subtelny M. "Centralizing reform and its opponents in the late Timurid period," Iranian Studies XXI/1-2 (1988), 123-151; Subtelny M. "Socioeconomic bases of cultural patronage under the later Timurid," International Journal of Middle east Studies XX (1988). P.479-505; Subtelny M. "A Timurid Educational and Charitable Foundation:

тонда олиманинг, кўпроқ, Темурийлар ва Алишер Навоий билан боғлиқ нашрларига оид тадқиқот-мақолалар чоп этилмоқда[1]. Галдаги вазифа Мария Сабтелни илмий изланишлари кирган нашрларини ўзбек тилига таржиа қилиб, улар билан илмий жамоатчиликни таништиришдан иборат.

Мақоламизда канадалик икки олим илмий фаолияти ва нашр қилган ишларига қисқача тўхталдик. Уларнинг Алишер Навоий ижоди бўйича амалга оширган тадқиқотлари хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш кейинги илмий изланишларимизда амалга ошади.

2021 йил

Хорижий навоийшуносликка оид қайдлар[2]

Мана неча асрдирки, Навоийнинг ижоди Ғарб олимларининг диққат марказида. Таассуфки, XX асрда ҳукм сурган шўро тузуми туфайли барча соҳалар қатори маънавий ва илмий алоқа чегаралари ёпилди. Натижада биз хориждаги ўзбек адабиёти тадқиқотчилари ва уларнинг ишларидан кўп жиҳатдан бехабар ҳамда бебаҳра қолдик. Эндиликда Ғарбу Шарқ олимлари ва улар яратган илмий маҳсулот билан танишиш имкони кенгайиб бормоқда. Мазкур йўналишда қилинган ишлар мавжуд[3].

Хорижда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган ва машғул олимларнинг салмоғи баланд. Уларнинг Навоий бўйича яратган илмий ишлари Ўзбекистонда ҳам тадқиқ этилмоқда[4]. Хорижда Алишер Навоий ва унинг ижоди Ғарб олимлари диққат марказига тушганига бир неча аср бўлди[5]. Адабиётимиз ва унинг таниқли намоёндалари бўлган ижод-

---

The Ikhlasiyya Complex of Ali Shir Navai in 15th-centruty Herat and its Endowment" // Journal of the American Oriental Society. vol.111, №1, (Jan-Mar. 1991). P.38-61; *Subtelny M.* "The *Vaqfiya* of Mir Ali Sir Nava'i As Apologia" // Journal of Turkish studies. Volume 15. 1991. Fahir Iz Festschrift II. P.257-271; Subtelny M. "The Timurid Legacy: A Reaffirmation and a Reassessment" // L'héritage timouride : Iran – Asie centrale – Inde, XVe-XVIIIe siècles. [Cahiers d'Asie centrale 3/4]. IFEAC (Tashkent-Paris). Petra, 1997. P. 9-19.

[1] Gulandom Akram. "Navoiy ijodi xorijliklar nigohida" // Til va adabiyot ta'limi. 2018, 12-сон. B.44-45; Юлдашева Г. "Исследование творчества Наваи канадским ученым (на примере стати М.Сабтельни "Алишер Навои: Бахши и бек") // Материалы международной научной конференции «Роль художественной литературы в межкультурном диалоге». 4-5 декабря 2018 г. Сумгаит (Азербайджан). 2018, 4-5 декабря. – С.153-155; Юлдашева Г. "Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди канадалик олима Мария Эва Сабтелни нигоҳида" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. Б.495-498; Юлдашева Г. "Maria Sabtelni Alisher Navoiy hayoti va ijodi haqida" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2020, Б. 200-205; Юлдашева Г. Канадалик Шарқшунос олима Мария Сабтелнининг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотлари. 09.02.2020 (http://uza.uz/oz/society/kanadalik-shar-shunos-olima-maria-sabtelnining-navoiy-ayeti--09-02-2020?sphrase_id=13476860); Юлдашева Г. "Ҳирот маданий муҳитига оид Мария Сабтелнининг қарашлари" // Алишер Навоий мероси ўзбек Шарқшунослиги талқинида. Илмий-амалий анжуман тўплами-2. Тошкент, 2020. Б.115-122.

[2] Мақола нашр этилган манба: Эркинов А. "Хорижий навоийшуносликка бир назар" // "Алишер Навоий дунё Шарқшунослари нигоҳида" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021. Б.70-77.

[3] Сатимов У. Исследование жизни и творчества Алишера Навои в западно-европейском востоковедении: диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Москва, 1996; Эркинов А. Навоий ижодининг хорижлик тадқиқотчилари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019, 2-сон. Б.34-39.

[4] Жумладан, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети мустақил тадқиқотчиси Гуландом Юлдашева ҳозирда "Алишер Навоий ижодининг XX асрда Канадада ўрганилиши (Э.Бирнбаум ва М.Сабтелни тадқиқотлари мисолида)" мавзуидаги PhD диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

[5] Масалан: Бечка Иржи. "Навоий Чехословакияда" // Шарқ юлдузи. 1968, 7-сон; Каримов Ш. "Жаҳонгашта шеърият" // Ёшлик. 1988, 2-сон. Б.64-65; Клайнмихел З. "Яна ва яна Навоий ижодига қайтаман" (суҳбатдош

корлар бўйича тадқиқот олиб борган ва бораётган олимларнинг кейинги юз йилдаги таниқли вакиллари сифатида Америка қитъасидан Мария Сабтелни (Maria Subtelny) ва Элизар Бирнбаум (Eleazar Birnbaum) (1930–2019), Германиядан Ингеборг Балдауф (Ingeborg Baldauf) ва Зигрид Клайнмихел (Sigrid Kleinmichel), Венгриядан Бенедек Пери (Benedek Peri) ва Ференч Чиркес (Ferenc Csirkes), Франциядан Александр Папас (Alexandre Papas) ва Марк Тоутант (Marc Toutant), туркиялик олимлардан Меҳмед Фуат Кўпрулу (Mehmed Fuat Koprulu) – Кўпрулзода (1890–1966), Заки Валиди Тўғон (Zaki Validi Togan) (1890–1970), ҳозирда 91 ёшни қаршилаган Кемал Эраслан (Kemal Eraslan), Осман Серткая (Osman Sertkaya), Танжу Сейҳан (Tanju Seyhan), Ваҳид Турк (Vahid Turk), Айшехан Дениз Абик (Aysehan Deniz Abik) кабиларни, Озарбайжондан Жаннат Нагиева (1927–2010), Алмаз Улви ва яна бир қатор тадқиқотчилар номларини эслаш мумкин.

Алишер Навоий ижоди ўрганилаётган баъзи мамлакат ва улардаги бир қатор олимлар илмий фаолияти, нашрлари тўғрисида қисқача маълумот беришга уринамиз.

Б.Каримов) // Жаҳон адабиёти. №12, 2012. Б.127-131; Эркинов А., Тожиев А. “Навоий ва бугунги авлод” // Жаҳон адабиёти. 2013 йил, 2-сон. Б.132-136; Мирзаева З. “Жаҳон навоийшунослиги: кеча ва бугун” // Жаҳон адабиёти. 2016 йил, 1-сон. Б.166-170; Мирзаева З. Эдворт Олворт – Навоийшунос // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.163-166.

Германия Федератив Республикаси

Германия Шарқшунослигида Ўрта Осиёни ўрганиш XIX аср бошларидан бошланган ва ҳозирга қадар давом этиб келмоқда[1]. Немис олими Хаммер Пургштал (1774–1856) бундан икки аср муқаддам – 1818 йил Алишер Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига бағишланган "Навоийга битиклар" асарини яратган. XX аср бошида Туркистон генерал-губернаторлигига саёҳат уюштирган исломшунос олим Мартин Хартманн (1851–1918) бу ердаги тошбосма китоблар нашри ва тарқалиши ҳақида ўз кузатишлари асосидаги тадқиқотини 1904 йили Берлинда чоп эттирган[2].

Умуман олганда, немис олимлари туркий тиллар тарихи ва грамматикасини ўрганишга кўпроқ диққат қаратиб келишган. Адабиётшунослик соҳасида эса XX аср ўзбек адабиёти бўйича бир қатор тадқиқотлар яратган профессор Ингеборг Балдауф исмини эслашнинг ўзи кифоя қилса керак. Берлиндаги Ҳумбольд университети ҳузуридаги Ўрта Осиё тадқиқотлари маркази раҳбари сифатида чорак асрдан буён фаолият юритиб келаётган Ингеборг Балдауф номи ўзбек жадид адабиётини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги исбот талаб қилмайди[3].

Алишер Навоий ижоди бўйича тадқиқот олиб бораётган германиялик тадқиқотчилардан бири Зигрид Клайнмихелдир. Германия Фанлар академиясида илмий ходим бўлиб ишлаган доктор Зигрид Клайнмихел 1938 йили Германия Демократик Республикасида туғилган. Ярим асрдан бери ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келаётган Зигрид Клайнмихел инглиз, француз, рус, турк, усмонли турк тилларини билади ва олиманинг Берлиндаги бир қатор университетларда туркий тиллардан дарс бергани фикримиз исботи. Ўзбек тилида жуда яхши сўзлаша олишидан ташқари эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар устида ҳам ишлайди. У Ўзбекистондаги китобхонлик масалаларига қизиқиб келади. Айни мавзу йўналишда юз йил аввал тадқиқотини чоп эттирган немис олими Мартин Хартманн йўлидан бориб, кейинги бир ярим аср давомида Фарғона водийси ва Хоразмдаги ўзбек аёллари орасида тарқалган маросимларда ўқилган қўлёзмалардаги асарлар таҳлилига, кенг маънода олиб қараганда, ўзбек аёллари орасидаги китобхонлик масаласига бағишланган китоб нашр қилган[4].

---

[1] Абдуллаева Р. "Алишер Навоийнинг немис тадқиқотчилари" // Жаҳон адабиёти. 2011 йил. 2-сон. Б.125-131.

[2] Hartmann M. "Das Buchwesen in Turkestan und die türkischen Drucke der Sammlung Hartmann" // Mitteilungen des Seminars für Orientalische Sprachen zu Berlin. Berlin: Zweite Abteilung: Westasiatische Studien, 1904. S.69-103; Hartmann M. "Die Osttürkische Handschriften der Sammlung Hartmann" // Mitteilungen des Seminars für Orientalische Sprachen zu Berlin. Berlin: Zweite Abteilung: Westasiatische Studien, 1904. S.1-21; Hanisch L. (Hg.). "Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht" Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler Ignaz Goldziher und Martin Hartmann, 1894-1914. Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2000; Götz M.: Türkische Handschriften. Verzeichnis der orientalischen Handschriften in Deutschland. Bd. XIII, 4, Wiesbaden, 1979; Mirsultan A. "Die Berliner tschagataische Handschriftensammlung" // Bibliotheks Magazin. 2013, 3. S.55-58; Mirsultan A. "Martin Hartmann und seine Handschriftensammlung in der Staatsbibliothek zu Berlin" // Unter dem Bodhi-Baum: Festschrift für Klaus Röhrborn anlässlich des 80. Geburtstags überreicht von Kollegen, Freunden und Schülern. Z.Özertural, G.Silfeler (Hg.). Göttingen, 2019. S.226-233; Тожиходжаев М. Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида. Тошкент: Bayoz, 2016.

[3] Baldauf I. Schriftreform und Schriftwechsel bei den muslimischen Russland-und Sowjettürken: (1850 - 1937) ein Symptom ideengeschichtlicher und kulturpolitischer Entwicklungen. Budapest, 1993; Baldauf I. "Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World" // *Die Welt des Islams.* 41.1. 2000. S.72-88; Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент, 2001.

[4] Kleinmichel S. Halpa in Choresm (H^{w}arazm) und ātin āyi im Ferghanatal: Zur Geschichte des

Зигрид Клайнмихел, аслида, усмонли турк тили ва адабиёти мутахассиси бўлгани ҳолда, ҳозирги вақтда ўзбек адабиётини Германияда тадқиқ этувчи фаол тадқиқотчилардан бири. Мазкур йўналишдаги илмий фаолиятини 1901–1934 йиллардаги ўзбек адабиётини ўрганишдан бошлаган ва шу давр адабиётимизга оид китобини немис тилида чоп этган[1]. 1990–2005 йилларда Алишер Навоий ижоди бўйича немис ва турк тилларида бир неча мақолалар ёзган. Жумладан, у немис тилида бир юз ўттиз беш саҳифадан иборат "Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо" сарлавҳали мақоласини эълон қилган[2]. Бундан ташқари турк тилидаги "Алишер Навоий ва усмонли шоирлари" номли мақоласи ҳам чоп этилган[3]. Мазкур мақолаларда Алишер Навоий ижодининг усмонли турк адабиётига таъсири, Навоий асарларининг сўнгги беш юз йил мобайнда усмонли турк тилига қилинган таржималари ҳақида фикр юритган.

Зигрид Клайнмихел XX аср ўзбек адабиёти ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти, Алишер Навоий ижоди билан танишгач, Навоий ва турк адабиёти, адиблар муносабатларига қизиқиб, тадқиқотлар олиб борган. Муҳими, олима Навоий ва турк адабиётини оддий муносабатлар сифатида эмас, балки Ғарб оламида кенг тарқалган янгича методларни ўз объектига татбиқ этган ҳолда ўрганган.

Олиманинг яна немис тилида битилган "Навоий кулгу ҳақида"[4], "Навоийи бенаво"[5] мақолаларида ҳам қизиқарли кузатишлар ўртага ташланган[6]. Кейинги даврда Ғарб илмида глобал тарих, социал тарих ва нетворкс каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш урф бўлган. Зигрид Клайнмихелнинг номларини қайд этганимиз икки мақоласида ҳам айни методлардан қайсидир даражада фойдаланиш сезилади. Масалан, глобал тарих ва социал тарих каби номлар остидаги методлар кўпроқ тарих фанига татбиқан қўлланиб келинади. Зигрид Клайнмихел уларни Алишер Навоий ва усмонли турк адабиёти муносабатлари ҳамда Навоийнинг усмонли адабиётига таъсири фонида ўрганади. Яъни бадиий адабиёт материалга тарих соҳаси методларини татбиқ қилади ва майян натижаларга эришади. 80 ёшдан ошган Зигрид Клайнмихел ҳозирда ҳам ўзбек адабиётига доир тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Венгрия

Венгер туркийшунослиги узоқ тарихга эга. Ўз вақтида Янош Экман (1905–1971) эски ўзбек тили ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти, жумладан, Гадоий ва Навоий ижоди ҳақида қатор мақолалар эълон қилганди[7]. АҚШда яшаган можор туркийшунослик мактаби вакили бўлган Андрас Бодроглигети (1925–2017) эса Аҳмад Яссавийга оид тадқиқотлар яратган-

Lesens in Uzbekistan im 20. Jahrhundert. Teil 2. Berlin, 2000.

[1] Kleinmichel S. Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen – Studien zur usbekischen Dramatik und Prosa zwischen 1901 und 1934. Budapest, 1993.

[2] Kleinmichel S. "Mir Aliser Nava'i und Ahmed Pasa"// Archivum Ottomanicum. **1999, 17. S.**77-211.

[3] Kleinmichel S. "Ali Şir Nevayi ve Osmanli şairler" // Turk edebiyati Tarihi. 1. Istanbul, 2006. S.683-691.

[4] Масалан: Kleinmichel S. "Ališir Nawa'i über das Lachen" // Ingeborg Baldauf, Michael Friedrich (Hrsg.). Bamberger Zenralasienstudien. Konferenzakten ESCAS. IV. Bamberg 8-12. Oktober 1991. Berlin. 1994. S.205-215; Mīr 'Alīšīr Nawā'ī. B.Kellner-Heinkele, S.Kleinmichel (eds.). Würzburg, 2003.

[5] Kleinmichel S. "Nawāʾī-i bē-nawā: Betrachtungen zum dēwān Nawādiru 'n-nihāya von ᶜAlīšēr Nawāʾī" // Mīr 'Alīšīr Nawā'ī. B.Kellner-Heinkele, S.Kleinmichel (eds.). Mīr ʿAlīšīr Nawāʾī Akten des Symposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mīr ʿAlīšīr Nawāʾī am 23. April 2001. Würzburg, 2003. S.113-136.

[6] Қаранг: Абдуллаева Р. "Навоийи-бенаво" мақоласи хусусида" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: "Turon-Iqbol", 2018. Б.218-226.

[7] Eckmann J. "Nevaî'nin İlk Divanları Üzerine" // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. Ankara, 1970. S.253-269.

ди. Ҳозирги давр можор олимларидан доктор Ференч Чиркес Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” достони устида изланиш олиб борган[1]. Айни вақтда у Содиқ Китобдор қаламига мансуб эски ўзбек тилида битилган “Мажмуа ул-хавос” тазкираси устида тадқиқот олиб бормоқда. Яна у Бенедек Пери билан ҳамкорликда Навоийнинг форсий шеърлари тўплами “Девони Фоний” илмий-танқидий матнини тайёрлаш устида ишламоқда. Бу рўйхатни давом эттиришимиз мумкин.

Можор туркийшунослигининг кўзга кўринган вакилларидан бири Бенедек Перидир. У 1966 йили Венгрияда туғилган. Профессор Бенедек Пери ҳозирда Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида яшайди. Шарқшунослик институти директори ҳамда айни пайтда Этош Лоранд университети туркийшунослик кафедраси мудири сифатида фаолият олиб боради. Бенедек мазкур университетда инглиз, форс ва туркий тилларни ўрганган. Университетни 1992 йили битириб, туркий матнлар бўйича мутахассис бўлиб етишган. Ўрта Осиё туркий матнларини ўрганиш бўйича узоқ анъанага эга мазкур туркийшунослик кафедрасига 1870 йили Арминиус (Армин) Вамбери (1832–1913) томонидан асос солинган. 1966 йили инглиз тилида “Чиғатой тили грамматикаси” китобини яратган таниқли венгер олими Янош Экман томонидан эски ўзбек тилини ўрганиш анъанаси давом эттирилди[2]. Янош Экманнинг илмий йўлидан борган Андрас Бодроглигети 2001 йили икки жилдлик “Чиғатой тили грамматикаси”ни инглиз тилида чоп қилади[3] ҳамда бундан ташқари ҳозирги замон ўзбек тилига оид икки жилдли китоб ҳам яратади[4].

Айни венгер туркийшунослиги мактабига мансуб Бенедек Пери талабалик давридан бошлаб ўзбек адабиётини ўрганишга қизиққан. Шайбоний, Саккокий, Турди, Увайсий, Зулфия, Назир Сафаров, Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев, Иззат Султон, Уйғун каби адабиётимиз намояндалари ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Олим илмий қизиқишларининг катта қисмини Ҳиндистондаги туркий адабиёт масаласига оид тадқиқотлар эгаллайди. У айни йўналишда ишлаб, бир қанча вақт Ҳиндистонда илмий сафарда бўлган. Туркий тилли адабий манбалар, жумладан, Бобур ва бобурийлар яратган эски ўзбек тилидаги асарлар ва уларга кирган қўлёзмаларни ўрганиш билан шуғулланган. Бобурийлар саройидаги туркий тилнинг ўрни ҳақида тадқиқот ёзган. Изланишлари самараси ўлароқ, туркий тилнинг бобурийлар саройида сулола оилаларида ўзаро мулоқот тили сифатида асрлар давомида сақланиб қолгани; шу билан бирга туркий тил бобурийлар сулоласида ҳарбийлар орасида махфий тил сифатида қўлланганлиги ва туркий тилда шеър ёзиш анъанаси бобурийлар муҳити шоирлари ичида XIX асрда ҳам мавжуд бўлганлигини аниқлаган[5]. Ҳайдар Хоразмийнинг “Маҳзан ул-асрор” достони матни ва таржимасини нашр қилган. Бугунги кунда Бенедек Пери “Бобурнома”ни можор тилига таржимаси устида ишламоқда.

Бобурийлар адабий муҳити шоирларига Лутфий ва Алишер Навоий шеъриятининг адабий таъсири масалаларига оид тадқиқотлар яратган. Сўнгги йилларда Бенедек Пери

---

[1] Csirkes F.P. “Lutfî and the Gül ü Nevrûz” // Altaica Budapestinesa MMM II. Procedings of the 45 th Permonent International Altaistik Conferense Budapest, June 23-28, 2002. Edited by Alice Sarkozi and Attila Rakos. Budapest: Eötvös Lorand Univ., 2003. P.79-86.

[2] Eckmann J. Chaghatay Manual. Bloomington, 1964.

[3] Bodrogligeti A.J.E., A Grammar of Chagatay (Languages of the World: Materials; 155). München: Lincom Europa, 2001 (Reprint: 2007).

[4] Bodrogligeti A. Modern Literary Uzbek. Vol. I-II. Munchen: Lincom Europa, 2003.

[5] Peri B. “Turkic in Babur Empire” // The Turks. Vol.2. Ankara, 2002. P.970-976.

кўпроқ Алишер Навоий ижодини ўрганиш билан машғул бўлиб келмоқда ва бу йўналишдаги мақолаларини инглиз тилида нашр этяпти. Масалан, Ўзбекистонда унинг усмонли туркилар султони Салим I нинг (1512–1520) форс тилидаги ғазаллари ҳақида инглизча мақоласи чиқди[1]. Унинг кузатишлари қизиқарли: Навоийдан кейин яшаган султон Салим форс тилида девон тузган ва ундаги ғазалларида форс адабиёти классикларига эргашган. Айни пайтда Навоийнинг форсий шеърлари жамланган "Девони Фоний"даги йигирмата ғазал таъсирида ғазаллар яратган экан. Навоий ва султон Салим ғазалларида ўхшашликлар мавжуд. Бенедек Перининг энг асосий хулосаси муҳим: султон Салим ва Навоий форсий девонлари шеърлардаги ўхшашлик шуни кўрсатадики, XVI аср бошидан Навоий форсий лирикаси форс мумтоз адабиёти бир қисми деб тан олинган. Шундай бўлмаганида, форсча яхши ёки ёмон шеърни жуда яхши фарқловчи Эроннинг юқори савияли аудиторияси нишони бўлиб келган султон Салим форсий девонини тузишда Навоийнинг "Девони Фоний"сидан дадил илҳомланмаган бўларди. Бу султон фақат ўша даврларда ислом минтақа адабиётида жуда машҳур бўлган форс классиклари – Ҳофизу Саъдийлар лирикасига эргашиш билан чекланиб қўя қолган бўларди. Аммо у Навоийни, нафақат туркий, балки форсий адабиётда ҳам ўз ўрнига эга кучли шоир деб тан олган экан.

2017 йили Бенедек Пери Тошкентга, Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этган Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишланган конференцияга келганида 9 февраль куни Навоий ҳайкали остида ўзбек тилида қисқа маъруза қилганди. Унинг фикрлари жуда қизиқ: Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" номли асарида шундай деб ёзган эди: туркий шоирлар ўз шеърларини, кўпинча, форс тилида ёзганлар, чунки улар учун асрлар давомида бу тилда шеър ёзиш анъанасига суяниб ижод қилиш осонроқ бўлган. Лекин Алишер Навоий туркий шоирларга йўл кўрсатмоқ учун узи ўша даврда кенг тарқалган адабий жанрларнинг барчасида эски ўзбек тилида асар ёзди. Айни вақтда Алишер Навоийнинг эски ўзбек тилидаги шеърлари барча туркий халқлар учун бадиий ўрнак бўлди. Айтилишича, Навоий Усмонлилар султони Боязид II (1481–1512)га ўзининг ўттиз уч ғазалини юборган. Боязид ҳам шоир бўлган ва унга Навоийнинг бу шеърлари жуда ёққан. У олдига Аҳмад Пошо деган шоирни чақириб, унга Навоийнинг бу ғазалларига ўхшаш усмонли туркийсида ғазаллар ёзишни буюрган. Давр тазкирачиларига кўра, Аҳмад Пошо Навоий ғазалларига эргашиб ғазаллар яратган. Натижада Аҳмад Пошонинг шеърий маҳорати ошган ва унинг шеърияти кейинги давр усмонли шоирлари учун намуна бўлган. Яъни Аҳмад Пошо воситасида усмонли шоирлар Алишер Навоий шеъриятига тақлидан ижод қилганлар. Шундай қилиб, XVI асрдан бошлаб Навоий шеъриятига эргашиб усмонли туркчасида ёки эски ўзбек тилида ижод қилиш, шеър ёзиш Усмонлилар адабий муҳитида ўзига хос анъанага айланган. Масалан, усмонли шоирлар томонидан энг кўп эргашилган Навоий ғазалларидан бири – "Ўйнар" радифли шеърдир[2]. 2017–2018 йилларда Б.Пери Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказиладиган анъанавий "Алишер Навои ва XXI аср" мавзуидаги конференцияларида ўз чиқиш ва мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, масалан, унинг "Бобурийлар муҳитига Алишер

[1] Peri B. "The Influence of Mīr Alī-Šīr Navāyī's persian poetry on the ghazals of the ottoman Sultan Selim I (1512–1520)" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.74-80.

[2] Бенедек Пери. "Буюк шоирга эргашиб" // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2017 йил, 10 февраль.

Навоий ва Лутфий ғазалчилигининг таъсири, Байрамхон мисолида”[1] ҳамда “Алишер Навоий ва Ҳофиз Шерозийнинг биринчи ғазали”[2] каби мақолалари Ўзбекистонда нашр этилди.

Бенедек Перининг “Алишер Навоий шеърларининг инглиз тилига таржимасига оид мулоҳазалар: муаммо ва таклифлар” номли мақоласи Навоий шеърияти таҳлили ва шоир шеърларини Ғарб ўқувчисига таржимада тушунтириш масаласига бағишланган[3]. Унда олим Навоий шеърларини Ғарб тилига таржима қилишдаги муаммоларни кўрсатиб ўтган ҳамда уларни ҳал этиш йўлларига оид ўз илмий қарашларини илгари сурган. Бенедек Пери Алишер Навоий лирикасига оид ўз тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Франция Республикаси

Францияда Алишер Навоий ижодини ўрганиш бошланганига бир неча аср бўлди[4]. Франция Республикаси Европанинг ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса, Навоий ижодига қизиқиш бошланган энг дастлабки давлатларидан биридир. Француз олими Артолеме д‘Ербело 1697 йили “Шарқ кутубхонаси” номли қомусида Навоий таржимайи ҳоли ва асарлари номини келтиргани ҳаммага яхши маълум. Яна франциялик олимлардан Силвестре де Саси (1758–1838), Катрмер, Паве де Куртейлларнинг Навоий асарларини ўрганиш ва таржима қилиш бўйича қилган ишлари бизларга яхши маълум. Мана шу ўрта осиёшунослик илмий мактаби анъаналари анчадан бери нисбатан секинлашиб қолган эди. Уни XXI асрда франциялик олимлар Александр Папас[5] ва Марк Тотуант давом эттиришга киришдилар[6].

М.Тоутант Алишер Навоий ижоди билан махсус шуғулланиб келмоқда. У 1978 йили Францияда туғилган. Ҳозирда Франция Миллий илмий тадқиқотлар марказида илмий ходим бўлиб ишлайди. Париждаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари институтини туркий ва форсий тиллар йўналишида тамомлаган. Олти йил Тошкентдаги Франция мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Бу ерда ўзбек тили ҳамда эски ўзбек тилини қўлёзмадан ўқиш даражасида эгаллаган. 2013 йили Парижда Алишер Навоий ижоди бўйича француз тилида “Сўнгги темурийлар маданияти: Алишер Навоий (1441–1501) “Хамса”си мисолида назирагўйлик амалиёти тадқиқи” номли француз тилидаги диссертатсиясини ҳимоя қилган. 2016 йили Марк Тоутант ўз диссертациясидаги қарашларини тўлдириб, “Сўз империяси: сўнгги темурийлар даври қудрати, маданияти ва тасаввуф Алишер Навоий “Хамса”си инъикоси-

---

[1] Peri B. “The influence of Navāyī and Lutfī on the Ghazal Poetry of the Mughal Noble, Bayram Khān” // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги III анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). Тошкент: Фан, 2019. Б.282-287.

[2] Peri B. “Mīr ‘Alī-Šīr Navāyī and the First Ghazal of Hāfiz” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: “Turon-Iqbol”. 2018. Б.176-183.

[3] Péri B. “Some Thoughts on Translating Mīr ‘Alī-Šīr Navāyī’s Poetry into English. Difficulties and Suggestions” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. Б.216-223.

[4] Quatremere E. Chrestomathei en turk oriental contenant plusieurs ouvrage de l`Emir Ali-Schir, des extraits des Memories du Sultan Baber, du traite du Miradj, du Tezkirat-el-Avlia et du Bakhtiar-Nameh. 1er fascicule. Extraits d`Ali-Schir. Paris, 1841. P.1-39; Bouvat L. “Le “Debat des deux languages” Mohākemet ul-loughatein de Mīr ‘Alī Chir Nevāī” // Journal Asiatique. Tome XIX, Paris 1902. P.367-372.

[5] Papas A. “La makhfî ‘ilm ou science secrète de ‘Alî Shîr Nawâ’î. Le projet d’une langue mystique naqshbandî ” // Journal of the History of Sufism. n° 3, 2001. P.1-22.

[6] Марк Тоутант. “Жомий ва Навоий” // Жаҳон адабиёти. 2016 йил, 2-сон. Б.170-182.

да” номли 700 саҳифали китобини чоп этган[1]. Мазкур китоб Ғарбда, Ғарб тилида яратилган ва Алишер Навоий ижоди яхлит ўрганилган ҳозирча ягона монография бўлиб қолмоқда.

Марк Тоутант фикрича, Ғарбда Навоийдан кўра Бобурни кўпроқ билишади. Чунки “Бобурнома” жаҳон тамаддуни тарихида ҳукмдор шахс кузатишлари асосида яратилган камёб тарихий ва мемуар асарлар сирасига киради. Бобур XVI аср бошидаги Ўрта Осиёдан Ҳиндистонгача бўлган ҳудуд ва даврга оид ноёб қарашларини ёзиб қолдиргани туфайли машҳур бўлиб кетган. Бундан ташқари “Бобурнома” Ғарб ва Шарқ тилларига бир неча марта таржима қилинган. Аммо Навоий асарлари таржималари камроқ. Марк Тоутант Алишер Навоийни Ғарбда янада чуқурроқ танишлари учун француз тилида Навоийга бағишланган китоб ёзганлигини таъкидлайди.

Олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ тадқиқотлари француз тилида яратилган бўлиб, Низомий Ганжавий ва Навоий Навоий ва Жомий ижодий издошликлари ҳамда муносабатлари, Ўрта Осиё адабиётидаги туркий-форсий иккитиллилик каби масалаларга бағишланган[2]. У Навоий ижодига назар ташлар экан, унинг тарихий контекстда баҳоланиши ва ўрганилишига жиддий аҳамият қаратади.

Туркия Республикаси

Туркия ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса, Алишер Навоий ижодини бирламчи манбалар асосида ўрганувчи марказлардан бири бўлиб келмоқда[3]. XX асрда ижод қилган Туркиянинг таниқли олимларидан Фуод Кўпрулу (1890–1966), Заки Валиди Тўғон (1890–1970), Огаҳ Сирри Левенд (1897–1978), Кемал Эраслан ҳамда Осман Серткая каби олимлар тадқиқотларини эслаш ўринли[4]. Туркия навоийшунослигида матншунослик ва манбашунослик йўналишидаги нашр ҳамда тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади[5]. Алишер Навоий ижодининг

---

[1] Toutant M. *Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l’époque des derniers Timourides au miroir de la* Khamsa *de Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī*. Leuven: Peeters, 2016.

[2] Toutant M. “La réponse du poète chaghatay Nawā’ī au poète persan Niẓāmī: le sultan timouride, ‘refuge de la charia” // Les Cahiers d’Asie centrale. №24, 2015. P.81-102; Toutant M. “La Khamsa de Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī (1441-1501) ou le triomphe de l’imitation créatrice” // La Timuride. №38, 2016. P.17-25; Toutant M. “Le premier roman d’Alexandre versifié en ottoman ou les fondements d’une didactique princière” // Turcica. №47, 2016. P.3-31; Toutant M. “Nawā’ī’s Khamsa in the Light of Timurid Cultural Policies” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Tamaddun, 2017. Б.80-85; Toutant M. “Adab according to Mīr ‘Alī Shīr Nawā’ī” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: “Turon-Iqbol”, 2018. Б.110-121.

[3] Туркияда Алишер Навоий асарларининг тадқиқи ҳақида бир қанча нашрлар амалга оширилган: Эркинов А. “Алишер Навоий асарларининг усмонли турклар маданий муҳитида тутган ўрни (манбашунослик материаллари асосида)” // Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари (илмий мақолалар тўплами). Масъул муҳаррир М.Муҳиддинов. Тошкент: “Tamaddun”, 2017. Б.55-65; Erdal A. “Turkiyada navoiyshunoslik” // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”... Б.343-347; Eltazarov J. “Alisher Navoiy ijodining Turkiya Respublikasida o‘rganilishi haqida qaydlar” // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”... Б.351-355.

[4] Масалан: Togan A.Z.V. “Ali Şir”// Islam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Maarıif matbasi, 1940. S.349-357; Köprülü F.“Çagatay edebiyati” // İslam ansiklopedisi. 3 cılt. İstanbul: Millieğitim basımevi, 1945. S.296-302; Levend A.S. Alişir Nevai. I-IV cilt. Ankara: Türk tarih kurumu basimevi, 1965–1966; Sertkaya O. “Osmanlı şairlerinin Çağatayca şiirleri” // Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi. 18, 1970. S.133-138.

[5] Жумладан: ‘Ālî Şîr Nevāy. Fevāyidü’l-Kiber. Türk Dil Kurumu Yayını. (Hazırlayan Ö.Kaya), Ankara, 1996; ‘Alî-Şîr Nevāy. Bedāyi‘ü’l-vasat. Üçünçi Dîvān, TDK Yayınları. (Hazırlayan K.Türkay), Ankara, 2002; ‘Ali Şir Nevâyî. Garaibü’s-Sıgar. Türk Dil Kurumu Yayını. (Hazırlayan G.Kut.), Ankara, 2003; ‘Alî Şir Nevāyî. Nevādirü’ş-Şebāb. Türk Dil Kurumu Yayını. (Hazırlayan M.Karaörs). Ankara, 2006; ‘Ālî Şîr Nevāy, Muhakemetü’l-Lugateyn. Türk Dil Kurumu Yayınları. (Hazırlayan B.Özönder. F.Sema). Ankara, 1996; Türk V. Nevâ’î Mecalisü’n-Nefa’is (Metin-İnceleme, Dizin), 2 Cilt.

Туркия Республикасида тадқиқ этилиши борасида Ўзбекистонда ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда[1].

Алишер Навоий ижоди бўйича ҳам изланишлар олиб борувчи турк олимларидан бири профессор Танжу Сейҳан бўлиб, у 1962 йили Туркия Республикасида туғилган. 1983 йили Истанбул университетининг турк тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Ҳозирги кунда туркий тиллар, хусусан, эски ўзбек тили тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боради. У Истанбулдаги Меъмор Синон номидаги тасвирий санъат университети туркийшунослик кафедрасида фаолият юритмоқда. 1991 йилда "Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари чиғатойча тарижимаси" мавзуида фалсафа доктори диссертациясини ҳимоя қилган. Бу иши доирасида ҳам айни асар илмий-танқидий матнини тайёрлаган, ҳам унинг устида тадқиқот олиб борган. Доцент илмий унвонини олиш учун Бобурнинг "Мубаййин" асари йиғма матнини тайёрлаб, ўз сўзбошиси билан 2004 йили Туркияда нашр эттирган[2]. 2013 йили эса "Пошшохожанинг "Мифтоҳ ул-адл" асари" номли тадқиқоти учун унга профессорлик унвони берилган. У Ўрта Осиёдаги туркий тилидаги манбалар, Туркиядаги Бобур ҳақидаги тадқиқотлар, Алишер Навоий ижоди ҳамда унинг "Ҳайрат ул-аброр" асари бўйича маърузалар ўқийди. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари нашрлари билан ҳам шуғулланади: Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг"идан айрим қисмларни Туркияда чоп эттирган[3].

Олима 2015 йили Истанбулда Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достони матни бўйича, ҳар бири 800 саҳифадан иборат бўлган икки жилд китоб нашр этди[4]. Дастлабки жилдда достон қиёсий матни берилган. Иккинчи жилд эса "Ҳайрат ул-аброр"да қўлланилган барча сўзлар изоҳли луғатидан иборат. Бундан ташқари Танжу Сейҳан 2005 йили Навоийнинг "Сирож ул-муслимин" асари матнини[5] ҳам чоп этган. Унинг Алишер Навоий мероси бадиятига оид бир қатор мақолалари мавжуд[6].

Ҳозирда Танжу Сейҳан Пошшохожанинг "Мифтоҳ ул-адл", "Гулзор" ва "Мақсад ул-атвор" асарларининг эски ўзбек ва ўғуз туркчасидаги қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш, эски ўзбек тилидаги "Меърожнома"лар ҳамда Навоийнинг "Оққўюнли мухлислар девони"даги шеърлар тилини қиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш мавзулари устида ишламоқда[7]. Олиманинг

Fırat Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Türk Dili Ve Edebiyatı Bölümü Türk Dili Anabilim Dalı, Danışman: Prof. Dr. Tuncer Gülensoy, Elazığ (Basılmamış Dr. tezi) 1990; Özdarendeli N. Ali Şir Nevâyî İlk Divan inceleme-metin-dizin, Danışman: V.Türk, Trakya Üniversitesi / Sosyal Bilimler Enstitüsü / Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı. (Basılmamış doktora tezi) 2001.

[1] Жумладан, Самарқанд Давлат университети мустақил тадқиқотчиси Абдумалик Қурбонов ҳозирда "Навоийнинг Туркия Республикасида ўрганилиши" мавзуидаги PhD диссертацияси устида ишлаяпти.

[2] Seyhan T.O. Zahirü'd-din Muhammed Babür Mirza – Mübeyyen Der Fıkh (Giriş-Metin-Dizin-Tıpkıbasım), İstanbul: Çağrı Yayınları, 2004.

[3] Seyhan T.O. Kutadgu Bilig'den Seçmeler. Hazırlayan T.Seyhan. İstanbul: İnkılap Yayınevi, 2012.

[4] Ali Şir Nevayi- Hayretü'l-Ebrar, 2 Cilt: 1. Cilt: Karşılaştırmalı Metin (Yayıma Hazırlayan T.Seyhan); 2. Cilt: Alfabetik Sözlük-Dizin. Istanbul. 2015.

[5] Seyhan T.O. "Ali Şir Nevayi-Sirācü'l-Müslimin 1 (Giriş-Karşılaştırmalı Metin)" // Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. Cilt 2, sayı 4, Aralık, 2005. S.88-120.

[6] Масалан: Seyhan T.O. "Ali Şir Nevayi'nin Tuz Redifli Gazeli Üzerine Bir Değerlendirme" // Tuz Kitabı (Türk Kültüründe Ayrıntılar: Tuz Sempozyumu, 20 Nisan 2001, Marmara Üniversitesi, Türkiyat Araştırma ve Uygulama Merkezi). Istanbul 2004. S.188-198; Seyhan T.O. "Ali Şir Nevayi ve Söz Söyleme Sanatı", 2. Uluslararası Avrasya Türk Sanatları Kongresi, 2-5 Aralık 2015, MSGSÜ, İstanbul / TÜRKİYE; "Ahmed Yesevî'nin Hikmet Tarzı Şiirlerinde Türk Hitabet Sanatının Yansımaları ve Fiiller", II. Uluslararası Hoca Ahmed Yesevi Sempozyumu, 25-26 Nisan 2018; Seyhan T.O. "Ali Şir Nevâyî`nin eserlerinin giris ve sonuc bolumleri uzerinden binasi" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари..., 2019. Б.108-118.

[7] Seyhan T.O. "Akkoyunlular Döneminde Ali Şir Nevâyî Şiirlerinden Seçmelerin Lehçelerarası Aktarımıyla Ortaya

туркий, хусусан, эски ўзбек тили бўйича тадқиқотларини бирламчи манба – қўлёзмалардаги матнлар асосида олиб бориши диққатга сазовордир. Айни пайтда, мана шу матнларни имкон қадар нашрга тайёрлаб чоп эттириб келади. Танжу Сейҳаннинг Алишер Навоий бўйича нашр этган тадқиқотларининг катта қисми турк тилидадир.

2021 йил

Konulan Oğuzca Divan" // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: "Turon- Iqbol", 2018. Б.17-50.

СУҲБАТЛАР

Комиллик шарти

Адабиётшунос Афтондил Эркинов билан суҳбат[1]

– Кишилик тарихида фавқулодда хусусиятлари билан ажралиб турадиган XX аср ҳам поёнига етмоқда. Айнан шу юз йилликда инсоният жуда кўп оламшумул ютуқларни кўлга киритди. Бу онг ва тараққиётнинг илгарилаганидан далолат беради. Бироқ бани башар олдида азалий саволлар билан бирга янги муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Демак, инсон батамом камолотга эришди, демоққа ҳали эрта. Хўш, одамзод тафаккуридаги зиддиятли жараёнларни бир-бирига муқояса қилса бўладими? Умуман, аждодлар ва авлодлар тафаккурида фарқ борми? Сизнинг мустақилликдан сўнг бизга энди кириб келаётган фан – герменевтика методологияси асосида ҳозирги даврга бадиий тафаккур қандай бўлгани хусусида илмий изланишлар олиб бораётганингиздан хабарим бор. Мазкур фан асосида бадиий тафаккурга қандай муносабатда бўлиш мумкин?

– Тафаккур деганда фақат фалсафий эмас, балки бадиий тафаккурни ҳам тушуниш керак. Бинобарин, бадиий дид ва китобхонлик ҳам тафаккур даражасини белгилайди. Дарҳақиқат, яқинда XX асргача бўлган даврда бизда, халқимизда, бадиий асар ва бадиий матнга қандай ёндашилган, бу вақтда бадиий дид қай даражада бўлган деган масала юзасидан илмий изланиш олиб боришимга тўғри келди. Буларни билиш учун, аввало, назарий жиҳатдан герменевтика фани методологиясини чуқур ўрганиш зарурати туғилди.

“Герменевтика” сўзи грекчада “тушунтираман” деган маънони билдириб, фан, методология сифатида фалсафанинг таркибига киради. Унинг бадиий матн талқини билан шуғулланувчи тармоғи “адабий герменевтика” деб аталади. Бу фан Европада юз йилдан ортиқроқ давр мобайнида ривожланган бўлса-да, бизга эндигина маълум бўляпти. Чунки шўролар замонида герменевтика назар-писанд қилинмади. У вақтда бадиий асарни талқин этишда фақат битта маъно кўзда тутилган, коммунистик мафкурага мос келиш-келмаслиги бош масала ҳисобланган. Ваҳоланки, асарда бир неча маъно қатлами мужассам бўлади. Герменевтика фани ана шу маъноларни турли томондан ва турли нуқтайи назардан туриб ўрганади. У, асосан, инсоннинг воқеликни идрок этиши билан шуғулланади. Масалан, сиз кўчада йўл четига ўрнатилган бирорта белгини кўрдингиз ва унинг нима эканини билдингиз. Бу билан мазкур белгини тадқиқ этиш бошланди. Яъни сиз унинг муайян маъносини кашф қилдингиз. Бадиий асар ҳам худди шундай. Китобхон бирон асарни ўқигач, ундан диди ва дунёқарашига мос сабоқ олади ҳамда унга муносабат билдиради. Адабиётчи мутахассис эса оддий китобхондан фарқли ўлароқ, асарга талқин қилиш техникаси ёрдамида ёндашади. Бадиий асарда бир неча маъно қатлами мавжудлиги туфайли унда дунёвий, тасаввуфий ё бўлмаса шоир шахсий ҳаётига доир маънолар ҳам бўлиши мумкин. Ижод моҳият эътибори билан шахсий ҳодиса ҳисобланган боис кўп ҳолларда ижодкор ўз шахсий ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни асарга “едириб” юборади. Буни ёзувчининг ўзи ёки унинг ҳаётини яхши биладиган одамгина илғайди, холос. Герменевтикани яхши ўзлаштирган мутахассис мана шундай “икир-чикир”ларни ҳам билиш имконига эга бўлади.

[1] Суҳбат нашр этилган манба: Эркинов А. “Комиллик шарти” // Тафаккур. 1999, 3-сон. Б.58-65.

Хулоса қилганда, герменевтика фани турли-туман қарашларга суянади. Менимча, тафаккурда хилма-хиллик ва зиддиятларнинг мавжудлиги инсониятнинг комилликка интилаётганига далил бўлади. Зотан, инсон боласи комил бўлиб туғилмайди, шу боис зиддият ва хилма-хиллик бўлиши табиий ҳол. Жумладан, бир асар турлича талқин этилиши ҳам табиий ва бу илмда демократияни вужудга келтиради. Шундай қилиб, герменевтика жамиятдаги демократия ривожига ҳам ёрдам беради. Аждодларимизнинг ва ҳозирги замон кишисининг тафаккури ўртасига девор тортиб бўлмайди. Бу, айниқса, бадиий тафаккурда яққол кўринади. Герменевтика – ҳар иккаласини ҳам тадқиқ этишга қодир фан.

– Чиндан ҳам, шўро даврида асарга фақат мафкуравий нуқтайи назардан ёндашилар, ундан фақат ижтимоий мазмун қидирилар эди. Минг қатла шукрки, ҳозир бу иллат барҳам топди. Сиз айтаётган герменевтика фани ҳам озодлик маҳсули. Бинобарин, энди бадиий асарни турлича талқин қилишимиз мумкин. Лекин адабий жабҳани синчковлик билан кузатиб борадиган киши бизда яна бир янги одат – мумтоз адабиётимиздаги деярли ҳар бир асардан тасаввуф унсурларини қидириш "касаллиги» пайдо бўлганини илғаши тайин. Бу иллатнинг пайдо бўлиши бизда ҳамон бирёқламачилик асоратлари кўплигидан далолат бермайдими? Сизнингча, қандай қилиб бунинг олдини олса бўлади? Демоқчиманки, қачон бизда асарни соғлом талқин қилиш муносабати қарор топади?

– Ростдан ҳам, бизда бу касаллик анча газак олиб кетди. Мустамлакачилик даврида мумтоз адабиёт намуналари фақат дунёвий тарафдан ўрганилса, энди уларни тасаввуф нуқтайи назаридан ҳам талқин қилиш имкони туғилди. Бу яхши, албатта. Лекин асарда йўқ маънони зўрлаб "кашф қилиш", менимча, янгича талқинга кирмайди. Ахир, ҳар бир нарсанинг асоси бўлиши керак-ку! Асарнинг тасаввуфга умуман алоқаси бўлмаса-ю, сиз уни тасаввуфий десангиз, оддий лирик шеърдан орифона маъно қидирсангиз, бунда мантиқ ва илм қаёқда қолади? Хаёлимизга келган тахминни айтсак, уни шоир ўйлаганми, ўйламаганми, буни билмасак... Хўш, унда нима қилишимиз керак? Мен шундай қарорга келдимки, биз дастлаб мумтоз адабиёт намуналари яратилган даврда қандай талқин қилинганини билишимиз керак. Чунки ҳозирги авлод билан асримизгача яшаб ўтган аждодларимиз, тушунчаларимиз ўртасида муайян фарқлар бор. Чор Россияси босқини, шўро даври ва умумжаҳон интеграцияси туфайли биз ҳозир ўтмиш адабиётидан анча узоқлашиб кетдик. Зеро, бизнинг дидимиз асосан Оврупо руҳидаги асарларни ўқиб шаклланди. Шу сабабли эски адабиётнинг хусусиятларини ўзимизга етарлича сингдиролмаймиз, яъни ундаги маъно ва руҳни қабул қилишимиз осон кечмайди. Нега бундай? Гап шундаки, ҳозирги маданий муҳит Оврупо руҳига яқинлиги боис бугун шу руҳдаги асарларни нисбатан яхши тушунамиз. Бироқ Шарқлик бўлсак-да, Шарқона асарларга кўп ҳам тишимиз ўтмайди. Бу ҳол ҳар бир киши ўзи яшаган муҳитдан, анъана ва қадриятлардан келиб чиққан ҳолда асарни қабул қилар экан, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Бу эса ўша пайтда адабий муҳит қандай бўлганини, яъни асар қандай талқин қилинган ва матнга муносабат қандайлигини билишни тақозо этади. Буларни билиш учун, ўтмиш адабиёти кўлами ва давомийлик даврининг катталигини ҳисобга олиб, маълум асар мисолида, муайян чегарада тадқиқот олиб боришни маъқул топдик. Дейлик, Навоий "Хамса"си яратилганда унга ўша даврда муносабат қандай бўлган?

Бу ҳақда гапиришдан олдин Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги машҳур ҳикоятни эслаш ўринли. Унда айтилишича, бир гуруҳ кўзи ожиз кишилар Ҳиндистонга сафар қилишибди. Қайтиб келганларидан сўнг улардан "Фил қандай ҳайвон экан?" деб сўрасалар,

филнинг тишини ушлаган киши: “Фил иккита катта суяк экан”, дебди. Бошқаси филнинг оёқларини ушлагани учун: “Фил катта хода экан”, деса, филнинг қулоғини ушлаб кўргани: “Фил баҳайбат елпиғич бўлса керак”, деган экан. Қизиқ, уларнинг ҳар бири филнинг бирор аъзосини айтди, лекин бу аъзолар бир ерга тўпланса, битта яхлит фил ҳосил бўлади. Уларнинг гапи нотўғри эмас эди, балки бу ҳолатда предметнинг турли томонлари ҳақида сўз юритилган эди. Шу сабабли у кишиларнинг бироргасини айтган фикри учун айблаб бўлмайди.

Бадиий асарни тушунишда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатамиз. Унда ифодаланган маъноларни ҳар бир давр ва ҳар бир киши турлича қабул қилади. Масалан, бир йили Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” мусаддасида ифодаланган маъно хусусида баҳслар бўлиб ўтган эди. Шеърдан ижтимоий, сиёсий, таржимайи ҳол билан боғлиқ маънолар ахтарилди. Оқибатда ким ҳақ бўлиб чиқди, дерсиз. Адабий герменевтика фани ким ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаши шарт эмас, ҳамма бадиий асарни ўзича талқин этаверсин, фақат буни асослаб берса бас, дейди. Айни вақтда асар талқинларини кузатиб, уларни ўрганавериш керак. Яқингача ҳаммага ёд бўлиб кетган “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш ...” деб бошланувчи машҳур рубоийда эркинлик, ватандан айрилиқ ғоялари илгари сурилган, деб келинган. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул эса уни тасаввуфий талқин этди. У бу ўринда айрилиқ – ғурбатни инсон ва Ҳудога боғлади. Бу талқинни оқлаш ниятида эмасман, бу бошқа масала. Асосийси, эртага бу рубоий яна бир бошқа талқинини топиши мумкин, чунки асарнинг бадиий даражаси қанчалик юксак бўлса, у кўплаб маънолар талқинига йўл очади. Такрор айтаман, муҳими – асар ўқувчисининг ўз талқинини асослаб бера олиши.

Биз Ғарбда шаклланган таълимот – герменевтикани ўрганиш жараёнида унинг илдизлари мусулмон Шарқида ҳам мавжуд бўлган деган фикрга келдик. Натижада Навоий “Хамса”сига бўлган муносабат ва талқинларни кузатишни мақсад қилиб қўйдик. Аслида, бу муносабат ва талқинлар Навоийнинг ўзидан бошланган. Маълумки, Навоий “Хамса”сининг қўлёзма нусхалари кўп. Биргина Тошкентдаги қўлёзма фондларининг ўзида бу асарнинг 190 га яқин қўлёзма нусхалари мавжуд. Баъзилар ўйлаши мумкин: хўш, нима бўлибди, Навоийнинг битта асари 190 нусхада кўчирилибди, холос... Лекин, ҳақиқатан шундайми? Ҳолбуки, ҳар бир нусха даврни, муҳитни ва бошқа маълум хусусиятларни ўзида акс эттирган бўлади. Турли сабабларга кўра асарга баъзи нарсалар қўшилиши, олиб ташланиши, таҳрир қилиниши ёки қисқартирилиши мумкин. Нусха кўчирувчи ёки нашр қилувчига қайси хусусият муҳимроқ ҳисобланса, у шуни биринчи ўринга олиб чиқади. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Йиллар армони” тўпламига олдинги китобларидаги шеърлар ҳам киритилган. Лекин бошқа китоблардаги бу шеърлар айнан ушбу тўпламдагина умумий руҳ остида бирлашади. “Йиллар армони” шоирнинг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган армонли ҳолатлардан дарак беради. Китобга бу ном бекорга танланмаган. Демак, бу ерда муайян қонуният бор. Энди “Бунинг Навоийга нима алоқаси бор?” деб сўрашингиз мумкин. Гап шундаки, хаттотлар Навоий асарларини ҳар гал қайта кўчираётганларида, кўпинча, ўз даврлари учун долзарб бўлган жиҳатларга эътибор қаратганлар. Дейлик, бир нусхада фақат “Ҳайрат ул-аброр” достони кўчирилган, чунки у даврда ушбу достонга эҳтиёж кучли бўлган. Навоийдан кейинги даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалар ичига махсус луғатлар ҳам илова қилинган. Бу эса ўша вақтга келиб “Хамса” ўқувчига тушунарсизроқ бўлиб қолаётганини кўрсатади. Котиб ўз замонидан келиб чиқиб сўзларга маъно беради. Маъно эса вақт ўтиши билан ўзгариб боради.

Кўряпсизки, бир луғат ёки қўлёзма мисолида Навоий асарларига бўлган муносабатни билиб олиш имкони бор. Ҳар бир қўлёзма янги бир замонавий нашрга тенг деб ҳисобласак, вазифа ўз-ўзидан ойдинлашади. Афсуски, матншунослик бизда кам ривожланган соҳа ва унинг ҳозирги даврга келиб ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолари жуда кўп. Дастлаб талқин методологиясига оид муаммоларни ечиш лозим, шундан кейингина соғлом талқин қилиш муносабати ҳақида гапириш ўринли бўлади. Бу, ўз навбатида, адабиёт мутахассисларига масъулият юклайди.

– Ўйлашимча, бадиий асарни туйғу ва ғоя деган мустаҳкам устунлар юксакликка кўтариб туради. Чин инсоний туйғулар ва эзгу ғоялар билан тўйинган асарлар ўз даври учун ҳам, келгуси авлодлар учун ҳам ибратли бўлади. Ҳазрат Навоий асарлари ана шундай бадиий дурдоналар сирасига киради. Бироқ биз ҳозир бу бебаҳо ганжинадан тобора узоқлашиб боряпмиз. Уни ўзимизга яқинлаштириш учун нима қилишимиз керак? Қачон биз Навоий асарларини "тўсиқсиз" кўнгил мулкимиз тўрига қўя оламиз? Бу йўлда герменевтика қай даражада аҳамият касб этади?

– Инсоннинг яшаши ҳам дунёни ўзига хос талқин қилишга киради. Фақат буни кўпчилик билмайди. Масалан, деразадан кўчага боқиб, бу йўл, бу дарахт деб, ундаги нарсаларнинг маъносини тушунасиз, яъни талқин қиласиз. Бироқ кўп ҳолда тушуниш талқин қилишга тенг бўлмайди. Улар бир-бири билан ёнма-ён юради. Одам боласи нарса ва ҳодисаларнинг маъносини анъаналардан келиб чиқиб тушунади. Дейлик, олдингизда магнитофон турибди. Сиз уни олдин кўргансиз, шу боис магнитофон ҳақида сизда тасаввур бор. Агар ёш болага уни берсангиз, оддий ўйинчоқ деб ўйлайди. Демак, тушуниш учун ҳам маълум даражадаги тажриба ва кўникма керак экан. XX асрга келиб мумтоз адабиётни тушунишда узилиш пайдо бўлди. Аср бошидаги шафқатсиз қатағонлар мадраса кўрган кўплаб эски зиёлиларимизни ўз домига тортиб кетди. Оқибатда, анъаналар муттасил давом этмади. Шарқ адабиёти ва Шарқона маданиятдан бир қадар узоқлашган янги тоифадаги зиёлилар етишиб чикди. Шу тариқа ўтмиш адабиётимиз биздан бегоналаша бошлади. Биз энди уни ўзимизга яқинлаштириш учун олдин ўша давр талқинларини ўрганиб, сўнг ўзимиз талқин қилишимиз керак. У пайтлар мақола ёзилмаган, махсус илмий тадқиқотлар қилинмаган, албатта. Шунинг учун ўша давр талқинларини бевосита эмас, балки билвосита манбалардан қидириш керак. Бу хусусда ҳозиргача турли қарашлар бор, яъни баъзилар ўша давр талқинларини ижодкор таржимайи ҳолидан билиб олиш мумкин, деса, яна бир гуруҳ буни психологик жиҳатдан ўрганиш керак, деб ҳисоблайди. Герменевтика ушбу жараёнларни холис туриб ўрганади. Герменевтика учун ўрганилиши лозим бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ. Мана, ҳозир бизда яна бир "урҳо-ур"чилик, яъни шўро даврида ёзилган, нашр қилинган ҳамма нарсани йўққа чиқариш бошланди. Бу қайси мантиққа тўғри келади? Ваҳоланки, биз кераклисини олиб ривожлантиришимиз, зарарлисидан воз кечишимиз керак. Герменевтика ҳатто ўша кераксиз деб ҳисобланган нарсани ҳам тарих сифатида холис ўрганиш имконини беради. Бу фан ҳамма нарсага объектив қарайди. Ҳаммасини ўрганиш керак, лекин иложи борича соф санъат нуқтайи назаридан келиб чиқиш зарур, деган шиор герменевтиканинг асосий мақсади. Энди Навоий асарларини бизга яқинлаштириш учун, аввало, уларни илмий талқин қилиш билан шуғулланадиган янги мутахассислар керак. Биздаги илмий академизмдан йироқ эссенавислик, Навоий асарларини ўқишдан пайдо бўлган ҳис-туйғу, тўлқинланишлар изҳори билан адабиётшунослик илмини ривожлантириб бўлмайди. Бу

қийин ва кенг қамровли жараён. Таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар бу йўлдаги биринчи қадам бўлади. Иккинчидан, бу масала кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида ва бутунлай янги ўқув дастурлари ишлаб чиқишни ҳамда амалга оширишни талаб қилади. Хуллас, бу алоҳида бир мавзу ва шу ишларни амалга оширишда герменевтика ҳал қилувчи аҳамият касб этишига ишончим комил.

– Адабиётшунос олимлар орасида "хослар адабиёти" ва "омма адабиёти" деган тушунчалар бор. Айримлар адабиётни фақат маълум бир тоифа, яъни хос кишилар тушунса – бўлди, уни ҳамма тушуниши шарт эмас, деб ҳисоблайди. Ҳатто, "оммавийлик адабиётни инқирозга олиб боради" дегувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Сиз боя ҳар ким асарни ўзича талқин қилади, дедингиз. Шундай экан, асарни оддий китобхон ва мутахассис (яъни хос одам) шарҳлаганда муайян фарқлар бўлиши табиий. Шу нуқтайи назардан келиб чиқилса, герменевтика булар ўртасидаги фарқ ҳамда боғлиқликни қандай изоҳлайди? Бевосита Навоий ижодини мисол қилсак, унинг асарларини ҳамма тушуниши шартми?

Ҳар бир киши асарга ўз салоҳиятига қараб ёндашади, албатта. Бироқ оддий ўқувчининг асарни шарҳлаши ниҳоятда жўн бўлади. Масалан, Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асари босилиб чиққач, эл орасида жуда машҳур китобга айланди. Ҳамма шу китобга ёпишди. Хўш, бунинг сабаби нимада эди? Сабаби бу вақтда жамиятда мафияга, мафия шаклидаги турли жиноятчиликка қарши кураш бошланган эди. Шу боис бундай асарнинг аҳамияти катта эди. Ўшанда "Фалончи бизнинг маҳалладаги писмадончининг жияни экан, тавба, билгандай ёзибди-да, қойил!" деган гапларни кўп одамдан эшитиш мумкин эди. Бу герменевтика учун аҳамиятли, адабиётшуносликка эса кераги йўқ ёндашув. Чунки герменевтика инсонда муайян бир фикр уйғондими, демак, у одамнинг жамиятдаги ҳолатини, психологиясини акс эттиради деб ҳисоблайди. Шунинг учун ўрганиш керак, дейди. Ёки бизда энди балоғатга етаётган қизлар Анкета дафтари, "Хотира дафтари" тутишади. Бундай қараганда, оддий – аҳамиятсизгина нарса. Лекин шуларни герменевтикага боғлаб ўргансангиз, бу дафтарларни махсус музейларда сақлаш керак, деган фикрга келасиз. Чунки уларда ўша давр руҳи, диди ва бошқа хусусиятлар акс этган бўлади. Шунга ўхшаш, Навоий асарларини тушунишда ҳам оддий ўқувчи ўз ҳолатидан келиб чиқиб ёндашади. Мусофирчиликда юрган одамга ҳазратнинг "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш " деб бошланувчи рубоийси кучли таъсир қилади. Бошқа шароитда у буни унчалик тушунмаслиги мумкин. Навоийни том маънода хос одамларгина тушунади. Навоий – хослар шоири. Оддий китобхоннинг Навоий асарларига тиши ўтмаса, ундан хафа бўлиш ноўрин. Ҳамма вақт ҳам адабиёт, боя айтганингиз каби, хос ва омма адабиётига бўлинган. Шўро адабиёти ва мафкурачиларининг хатоси шунда эдики, улар "Адабиёт – халқники" дейишди-ю, амалда сўз санъатини синфийлик нуқтайи назаридан бўлиб ташлашди. Халқ эса, адабиёт нуқтайи назаридан олганда, дидли ва диди пастроқ одамларга бўлинади. Шунинг учун илмга дидли одамларнинг баҳоси қадрли. Фан учун халқнинг эмас, балки халқ ичидаги диди баланд мутахассисларнинг фикри асосий мезон ҳисобланади. Агар оддий китобхон ҳам мутлақ талқин этиш қобилиятига эга бўлганда, адабиётшунослик фанининг кераги бўлмас эди. Бадиий асарнинг ҳақиқий баҳосини белгилаш учун турли савиядаги баҳоларни ҳам билишимиз керак. Бу жараён "оддийликдан мураккабликка" деган машҳур қоидага монанд бўлиб, содда қилиб айтганда, олманинг ривожланишию фойдалилиги билан унинг чиришини ҳам билишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, Навоий асарларини ҳамма бирдек тушуниши шарт эмас, бироқ уни тушунадиганлар кўпайиши лозим, деган хулосага келишимизга асос бўлади.

– Фикрларингизга қўшилган ҳолда мен шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдим. Назаримда, биз асосий эътиборни китобхоннинг сонига эмас, балки унинг дидини ўстиришга қаратмоғимиз лозим. Китобхон ва ижодкор ақлий салоҳиятини ошириш билангина адабиётнинг савиясини кўтариш мумкин, деб ўйлайман. Шўро даврида ва баъзан ҳозир ҳам ёзилаётган айрим илмий тадқиқот ёки мақолаларни ўқиб, булар адабиётнинг равнақига эмас, балки китобхонлар савиясининг пастлашига, дидининг ўтмаслашишига, тўғрироғи, сийқаси чиққан "оммавий" фикрларнинг урчишига сабаб бўлмоқда, деб айтишимиз мумкин. Бундан Навоий асарлари ҳақидаги ишлар ҳам мустасно эмас. Улуғ шоир асарларини оммага "чайнаб" бермоқчи бўлган сохта олимлар ўзлари сезмаган ҳолда уни халқдан узоқлаштирмоқдалар. Афтондил ака, энди мумтоз адабиётни ўқитишда қандай йўл тутишимиз лозимлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Ўтмиш адабиётини ўқитишнинг муаммоси кўп. Биринчиси – тил мураккаблиги. Чунки мумтоз адабиётимиз тили ҳозирги тилимиздан бирмунча фарқ қилади. Иккинчидан, ўша давр тарихи, маданияти, фалсафаси ва психологиясини яхши билмаймиз ёки кам биламиз. Сўзларни талқин қилиш мумкин, бироқ уларнинг маъносини тўлиқ тушуниш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Сўзларнинг маъносини тушуниш учун ўша даврни жуда яхши ўрганиш керак. Учинчидан, бизда талабга жавоб берадиган дарсликлар йўқ ҳисоби. Адабиётшунослик мумтоз адабиётни янгича қарашда ўрганиб чиқиши лозим. Бир давр адабиёти ҳақида ҳар хил дарсликлар яратилса, ўқувчи таққослаб ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Биз ўқувчини матн устида ишлашга ўргатишимиз даркор. Ҳозир ўқитувчи дарсликда берилган матнни ва у ҳақда ёзилган қисқа тақризни ўқитади, холос. Ҳолбуки, бу матнга дастлаб ўз муносабатини билдириши, шу ҳақда бошқа турли манбаларни ўқиб чиққан бўлиши лозим. Бу – биринчиси. Иккинчидан, мактаб ва олий ўқув юртларида дарсликдаги бор гапни ҳамда ўқитувчи айтган фикрларни такрорлай оладиган толибни билимли, иқтидорли деб баҳолаймиз. Мавзудан сал чеккага чиққан шогирдга танбеҳ берамиз, унинг баҳосини пасайтирамиз. Тўғри, у умумий билимларни билиши лозим, шу билан бирга бу билимларга ўзининг шахсий муносабати ҳам бўлиши керак. Бизга муайян ҳақиқатларни тўтиқушдай такрорлайдиганлар эмас, балки фанга, дунёга бошқача муносабатда бўладиган, янги куч ва янги ҳаёт, бера оладиган уйғоқ фикрли ёшлар керак. Ахир, бу тараққиётни, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиради. Майли, янглиш бўлсин, бироқ фикри бўлсин. Зеро, фикрлаган одамгина ҳақиқатга ета олади.

– Навоий – буюк истеъдод соҳиби. Мана, беш асрдан буён унинг ижоди адабиётимиз осмонини қуёш янглиғ ёритиб турибди. Навоийдан сўнг адабиётимизда маълум даражада пасайиш бошланди. XIX асрга келиб эса сўз санъатида янги мавзулар қаламга олинадиган бўлди. Муқимий пуржинали коляска ҳақида тўлқинланиб шеър ёзди. Адабиётда тадрижийлик бўлмайди, деган машҳур қараш бор. Лекин адабиётнинг "кўкдан ерга тушиши"да ҳам ўзига хос сабаблар йўқми? Яна дилда "Қачон бизда ҳазрат Навоийга ўхшаш буюк ижодкор туғилар экан?" деган бир пинҳона сўроқ ҳам борки, адашмасам, бу бутун миллатнинг орзуси бўлса керак. Мутахассис, қолаверса, бир миллий зиёли ва адабиёт мухлиси сифатида бунга қандай муносабат билдирасиз?

– Дарҳақиқат, Муқимий коляска, Фурқат эса гимназия ва виставка ҳақида шеър ёзган. Чунки ўша вақтда бу нарсалар биз учун янгилик эди. Ҳаётда нима янги бўлса, шунга қараб шеър ёзиш урф бўла борди. Адабиёт ҳаётни акс эттиради, ахир. Янги мавзу эски қолиплар-

дан чекинишга ундар эди. Қай бир маънода янги руҳдаги асарлар адабиётнинг даражасини пастлатди. Бироқ ҳар бир даврнинг ўз қадрияти бўлгани учун бадиий асар ҳам қадрият билан боғлиқ бўлади. Навоий даврида достон ёзиш қадрланган. Бугуннинг талаблари, қадриятлари бошқача. Бу каби ҳодисаларни акциология деган фан ўрганади. Герменевтика билан шуғулланишдан олдин аксиологияни яхши ўрганиш зарур. Шўро замонида асарлар битта қадрият асосида баҳоланган. Асарда коммунистик ғоя бор бўлса – яхши, йўқ бўлса – ёмон. Шўролар мафкураси нега айнан Фарҳодни кўтар-кўтар қилди? Ахир, Навоийнинг бошқа адабий қаҳрамонлари ҳам кўп эди-ку! Бунга сабаб шуки, у замонда чўлларни ўзлаштириш учун янги каналлар қазиш, улкан ГЭСлар қуриш керак эди. Шўро тарғиботчилари Фарҳоднинг меҳнаткашлигини биринчи ўринга олиб чиққан эдилар. Хуллас, "қассобга ёғ, эчкига жон қайғуси" деганларидек, ҳар бир давр асарга ўз қадриятларига кўра муносабат билдиради. Фанни эса кўпроқ мумтоз асарлар қизиқтиради. Бинобарин, герменевтика асар пайдо бўлгандан кейин туғилган муносабатлар билан қизиқади ва уларни илмий ўрганади.

Истеъдоднинг туғилиши – алоҳида масала. Буни мутлақ қонунийлаштиришнинг иложи йўқ. Эҳтимол, салоҳиятда Навоийга тенг инсон туғилгандир, муҳит унга ўзлигини намоён этишга йўл бермагандир... Биласизми, аксарият зўр бир ғоя миллатни бирлаштиргандагина буюк шахслар дунёга келади. Мустақиллик миллатнинг бир ғоя остида бирикуви учун имконият яратди. Бироқ бугунги кунда Навоийга ўхшаган шахс туғиладими, йўқми, деган муаммо филологиянинг эмас, балки табиат қонун-қоидаларини ўрганувчи фанларнинг масаласи. Гап йўқлик ҳақида эмас, балки борини асраш, ўстириш ҳақида кетса, менимча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– "Келгуси минг йилликда башарият қайси йўлдан кетади, тафаккур тарзи қандай бўлади?" деган савол ҳозир бутун инсониятнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда. Мен, суҳбатимиз мазмунига кўра, "XXI асрда ўзбек бадиий тафаккури қандай йўналишда кетади?" деб савол берсам, ноўрин бўлмаса керак. Бу хусусда қандай фикрдасиз? Умуман, буни тахмин қилиш мумкинми?

– Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Бу мантиқий ривожланишга эмас, балки ижодкорнинг биз ҳали англаб етмаган имкониятларига боғлиқ. Шу пайтгача айрим маддоҳлар амалу унвон илинжида кўтар-кўтар қилинган бўлса, бугун бу нарса барҳам топди. Ҳозир адабиётда ҳам ижодий рақобат кучли. Адабий жараённи кузатиб бораётган киши икки устун йўналишни кўриши мумкин. Биринчиси – халқ оғзаки ижоди таъсиридаги, иккинчиси – бошқа анъана ва қадриятлар туфайли юзага келган йўналиш. Шунингдек, ҳозир четдан олиш ва тақлид қилиш кучайиб кетди. Бу ҳолни оқлаб ҳам, қоралаб ҳам бўлмайди. Бу табиий жараён. Тақлид – энг қуйи тараққиёт белгиси. Юқори тараққиёт шундан кейин бошланади. Биз ҳозир куч йиғиш билан бандмиз. Синергетика, аксиология, библиопсихология каби фанларни эндигина ўрганяпмиз. Бизнинг бадиий дидимиз ўта тор маиший доирада ўралашиб қолгандек. Бунинг боиси – бизда ҳозир зиёлилар уч турга бўлинган. Биринчи турга Шарқча тарбия кўрган зиёлилар, иккинчи турга Ғарбча тарбия кўрган зиёлилар, учинчисига эса синтезлашган зиёлилар тоифаси киради. Бизда биринчи ва иккинчи турга мансуб зиёлилар кўп, аммо учинчи турдагилари ниҳоятда оз. Тараққиёт учун қалбан миллий, зоҳиран дунёдаги энг сўнгги янгиликларни ўзида жамлай билган зиёлилар кўпроқ керак. Бусиз жаҳон тараққиётига тенглашиб бўлмайди. Тор миллий қобиққа ўралиб қолсак, на илм ривожлана-

ди, на ижод бўлади. Умуминсонийликни байроқ қилиб кўтарган зиёлилар билангина дунё миқёсига чиқишимиз мумкин. Шундай қилиб, келгуси асрда бадиий тафаккурнинг ривожида ҳам синтезнинг аҳамияти катта бўлади. Бироқ бу жараён секинлик билан кечади. Негаки бунинг учун жамиятда урбанизация, яъни шаҳарлашиш даражаси юқори бўлиши керак.

– Ҳозир адабиётимизда турғун вазият вужудга келгандек. Адабий жамоатчилик орасида, ҳатто "Адабиёт ўладими?" қабилидаги баҳс ва мунозаралар ҳам бўлиб турибди. Шундай паллада адабиёт ҳақида суҳбатлашганимиз, халқ бор экан, адабиёт ўлмаслигидан далолат беради. Энди келгусида миллат ривожида бадиий тафаккурнинг ўрни ҳақидаги фикрларингизни билсак...

– Тарихга назар солинг: қайси миллат юксак тараққиётга эришган бўлса, ўша миллатнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти ҳам юқори савияда бўлган. Биз ҳам юқори даражадамиз. Афсуски, XX аср сўнгида коммуникациянинг кучайиши, телевидение, радио ва матбуотнинг ривожланиши халқнинг адабиётдан бирмунча бегоналашувига олиб келди. Оқибатда бадиий сўзнинг қадри туша бошлади... Бугунги тараққиёт ижодкордан юксак савия, саводхонликни, чет тиллар ва компьютер техникасини билишни талаб қилади. Бадиий тафаккуримизни ўстириш учун турли оқимларни ва турли таълимотларни билишимиз керак. Ҳозир биз шу йўлдан кетмоқдамиз. Муҳими, биз тўғри йўлни танлай олдик. Тўғри йўл эса кўзланган манзилга элтади.

Холли Норбой суҳбатлашди
1999 йил

Навоий ва бугунги авлод[1]

2013 йилда буюк шоиримиз Алишер Навоий таваллудига 573 йил тўлади. Бу сана республикамизда катта тантаналар билан нишонланмоқда, шоир ижодининг у ёки бу қирралари, унинг асарларидаги илмий жамоатчиликка нотаниш бўлган айрим жиҳатлар борасида туркум мақолалар, тадқиқоту қатор китоблар чоп этилмоқда. Навоий ижодини чет элга танитиш, буюк шоир бадийяти сирларини жаҳон миқёсида ўрганиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Умуман, шоир ижодини, ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш учун нималар қилиниши зарур? Филология фанлари доктори Афтондил Эркинов билан қилган суҳбатимизда айни шу масалалар ҳақида фикр юритилади.

– Кўпчиликка яхши маълумки, сиз бир неча йиллардан бери Навоий ижоди билан шуғулланиб келасиз. Айниқса, хорижда Навоийни ўрганиш борасида қилинаётган ишлардан яхши хабардорсиз. Бугун хориждаги ўқувчи ва мутахассислар орасида Навоий ижодини ўрганиш ва уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш жараёни қандай кечмоқда?

– Аввало, ҳаммамизнинг севимли нашримиз "Жаҳон адабиёти" журнали Алишер Навоий ижодини кенг миқёсда тарғиб этаётгани қувонарли воқеа бўлмоқда. Шунинг билан бирга, Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши ёки кенгроқ қилиб айтганда, у томонлардаги адабиётшунослик масалаларига журналингизнинг қизиқиши ижобий ҳол. Саволингизга келсак, хорижда навоийшунослик, қодирийшунослик деган алоҳида соҳалар йўқ. Навоий ижоди ўзбек адабиётини тадқиқ қилиш доирасида ўрганилади. Хорижда шоир ижоди ҳақи-

[1] Эркинов А. "Навоий ва бугунги авлод" // Жаҳон адабиёти. 2013 йил, 2-сон. Б.132-136.

да кўп ишлар қилинган. Хусусан, Европа, Америка ва Шарқ давлатларида, хусусан, Туркияда бир қанча изланишлар олиб борилганки, совет тузуми даври ва унинг сиёсати таъсирида мазкур тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган. Мен бир неча йиллар давомида уларнинг бир қисминигина кўриш имкониятига эга бўлдим. Навоий ижоди билан шуғулланганим учун уларга жуда қизиқаман, аммо йиллар давомидаги изланишларим натижасида ҳам мазкур тадқиқотларнинг ҳаммасини билдим ва кўриб чиқа олдим дея олмайман. Биринчидан, шоир ижодини ўрганиш бўйича библиографиялар эски ва уларга хориждаги Навоий ижоди бўйича ёзилган тадқиқотларнинг жуда кам қисми киритилган. Иккинчидан, чет элда кутубхоналар жуда кўп ва улар дунёнинг турли минтақаларида жойлашган, биргина кутубхонанинг ўзидан излаган манбангизни топиш анча муаммо туғдиради. Бутун дунё адабиётларини ўзида жамлаган кутубхона эса жаҳонда йўқ ҳисоби. Мазкур даргоҳлардан излаган нарсангизни бирини топсангиз, иккинчисини тополмайсиз. Яна олимларимиз учун тил тўсиғи ҳам бор. Бизда Европа тилларини мукаммал ўрганиш эса асосан мустақилликдан кейин ривожланди. Кўпгина навоийшунос олимларимиз Европа тилларини билмаганлари учун у ерларда қандай янги манбалар нашр қилинаётганини билишга у қадар интилишмаган.

Аслини олганда, Навоийни жиддий ўрганиш жараёни Европада XIX асрдан бошланган. Бугунги кунда бу жараён суръати янада тезлашган. Масалан, 2003 йили Германияда “Алишер Навоий” номли тўпламдан Навоий ижоди, унинг шахсияти ва Темурийлар муҳити бўйича немис ва инглиз тилларида ёзилган мақолалар, Барбара Келлнер Хенкель, Юрген Паул, Клаус Шониг, Эрика Таубе, Клаудя Ромер, Марк Кирхнер, Зигрид Клайнмихел каби германиялик олимларнинг тадқиқотлари ўрин олган. Мазкур тадқиқотларда Навоийнинг ўз даври маданий муҳитидаги муҳим ўрни кўрсатилган. Хорижлик мутахассислар Навоий ижодини у яшаган муҳит, хусусан, Ҳусайн Бойқаро даври муҳити билан боғлаб ўрганишади. Бу даврга улар Шарқ Уйғониши даври сифатида қараб, адабиёт, тарих, санъат, меъморчилик соҳаларининг ривожланишини Навоий фаолияти билан боғлиқликда кўришади. Шоирнинг ҳунармандчилик, архитектура ёдгорликлари, ўша даврда амалга оширилган турли ободончиликларга қўшган ҳиссасини, айниқса, юқори баҳолашади. Улар Навоийни тараққийпарвар, маърифатпарвар, саховатпеша инсон сифатида яхши билишади. Уларга қиёслаганимизда, биздаги навоийшунослик шоир асарлари матни таҳлилига кўпроқ аҳамият бериши билан улардан ажралиб туради, дейиш мумкин.

Навоий ижоди бўйича тадқиқот олиб бораётган олималардан бири канадалик олима Мария Сабтелнидир. У 1979 йилда Гарвард университетида “Ҳусайн Бойқаро саройидаги адабий муҳит ва унинг сиёсий хусусияти” деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлаган. Кейинчалик олима Навоий ижоди бўйича бир қанча мақолалар ёзган. Мана шу мақолалар ва Темурийлар давридаги адабиёт ва санъатга доир барча материалларини тўплаб, 2007 йили Нидерландияда “Темурийлар ўтиш даврида” деган китоб чиқарган.

Мария Сабтелни ўтган асрнинг 70-йилларидан Ҳирот маданий муҳити ва ундаги Навоий ўрни масалалари билан шуғулланишни бошлаган. Масалан, олиманинг мақолаларидан бирида ўн бешинчи аср сўнгида Хиротда урф бўлган чиройли, мураккаб ва жимжимадор қилиб шеър ёзиш санъати ва унинг ортидаги жараёнлар ҳақида гап кетади. Мураккаб услубда асар ёзиш шоирлик маҳоратини белгиловчи омиллардан бири бўлганлиги кўрсатилади. Мария Сабтелни мақоласини ўқигач, Навоий форс шеърияти билан бўйлашиш учун ўша муҳитдаги атрофидаги форсигўй шоирлардан қолишмаслигини исботлашга, ўзбек шеъри-

ятининг имкониятларини исботлаш учун мураккабликдан мукаммалликка интилгандир, деб ўйланиб қоласан. Биздаги кўпинча ҳиссиётларга тўла, аммо ақлга озиқа бермайдиган эссенамо тадқиқотлар олдида бу тур мақолалар Навоий ижодини ўрганишда кўпроқ нарса беради. Масалан, немис олимаси Зигрид Клайнмихел Навоийнинг турк адабиётига таъсири ҳақида қисқа, аммо чуқур мақола ёзган. Навоий ижодиётининг айнан қайси нуқталари усмонли турк шеъриятига таъсир этганлигини асосли ёритган. Шу типдаги тадқиқотлар орқали Навоийни дунёга танитиш ўринли бўлади. Туркиялик адабиётшунос Юсуф Четинтоғнинг "Алишер Навоийнинг усмонли турк шеъриятига таъсири" номли 2006 йилда чоп этилган туркча китоби ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Мазкур китобда Навоий ғазалларига турк шоирлари эргашиб ёзган ғазаллар ҳақида сўз кетади.

Афсуски, олимларимиз хориждаги Навоий ижоди бўйича қилинган бошқа кўплаб ишлардан бехабар. Бу эса ўз ўрнида олимликка даъвогарларни баъзида дунё илмий жамоатчилиги олдида ноқулай аҳволга соляпти. "Жаҳон адабиёти"нинг ўтган йил 3-сонида мазкур сатрлар муаллифининг "Амир Умархон туҳфаси" номли мақоласи чоп этилганди. Унда Қўқон хони томонидан туздирилган "Муҳаббатнома" шеърий тўплами ҳақида гап кетган. Бизда айни "Муҳаббатнома" ва унинг матний хусусиятларига бағишланган бир мақолада муаллиф "Муҳаббатнома"нинг таркибига кирган Навоий ва бошқа шоирларнинг девонлари ҳақида ёзиб, унгача ҳеч ким бу ишга қўл урмаганини таъкидлаган. Ваҳоланки, турк олими Огаҳ Сирри Левенд бу тўплам таркиби ҳақида ўзининг "Туркиядаги Навоий қўлёзмалари" мақоласида ярим асрдан кўпроқ давр аввал – 1958 йилиёқ ёзиб бўлганди. Дунё илмида ёзилмаган бир қоида бор: сен мавзуинг бўйича ўзингдан олдин ёзилган ва чоп этилган барча ишлардан, улар қайси тилда бўлишидан қатъи назар, хабардор бўлишинг керак. Бир олим мақоласида "Муҳаббатнома" таркиби ҳақида Огаҳ Сирри Левенд айтган гаплардан камроқ маълумот келтириб, Американи янгидан "кашф" қилган. Мана шундай ноқулай ҳолатга тушиб қолмаслик учун дунёдаги Навоий ижоди бўйича қилинган тадқиқотлардан бизлар ва аксинча, биздаги ишлардан хорижлик олимлар ҳам хабардор бўлишлари керак.

– Демак, сиз ўзбек адабиётини Навоий ижоди бўйича ёзилган залворли ишларимиз орқали ҳам дунёга танитишимиз мумкин, демоқчисиз?

– Ҳа, албатта, шу ўринда бир нарсани таъкидлашни хоҳлардим. XXI асрда дунёнинг кўпгина давлатлари бозор иқтисодиёти шароитида яшамоқда. Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири бу дунё бозорига чиқиш. Ўзбекистон ҳам ўз маҳсулотлари билан дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Биздаги адабиётга бағишланган интернет сайтларидан бирида бир профессорнинг фикрларини ўқиб, таажжубга тушдим. У ўзбек адабиётшунослигида катта ишлар қилиняпти ва дунё таниши керак бўлган кўп олимларимиз бор, улар ёзган ишлар Ғарб тилларига ўгирилганида эди, уларни дунё таниган бўларди, дебди. Содда қилиб айтганда, олимнинг, биздаги ишларни билмаганликлари, таржима қилмаганлари учун хорижлик олимлар айбдордек. Йўқ, менимча, айб уларда эмас, кўпроқ айб бизнинг ўзимизда. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма ўзи учун ўзи курашади. Масалан, мен ўзбек адабиёти бўйича мутахассисман, бирор хорижий, жумладан, Европа тилларида ўқиб тушунганим, гапира олганим билан у тилда равон ёза олмайман. Ёзганларимга ўзим таржимон топиб, уни таржима қилдириб, кейин хорижда нашр қилдираман. Шу усулда Навоий ижоди ва ўзбек мумтоз адабиёти масалалари бўйича бир қатор мақолаларимни Ғарбда нашр эттирдим. Ҳозир олимларимиз учун ҳамма имкониятлар бор, кимнинг қўлидан нима

келса, марҳамат, дунёга чиқишга интилсин. Бу бизга мустақиллик берган имконият. Шундай ҳаракатларнинг маълум бир натижаси, албатта бўлади. “Бизни ҳеч ким таржима қилмаяпти”, деб гина қилиб ўтираверіш, айбни бировга тўнкаш билан адабиётшунослигимиз ҳеч қандай фойда топмайди. Айни ҳолатни навоийшуносликка нисбатан ҳам айтиш мумкин. Забардаст навоийшуносларимиз ўз тадқиқотларини Ғарб тилларига таржима қилдириб, жаҳон миқёсида машҳур бўлган адабий-илмий журналларга юборсинлар. Бизнинг адабиётшуносликни ҳам дунё танисин.

– Афтондил ака, биз Навоий ижодини таҳлил қилиш, уни ўқувчиларга етказишда одатий, бундан йигирма-ўттиз йил олдин ишлаб чиқилган қоидаларга кўникиб қолганмиз. Яъни, шоирнинг бир ғазал ёки рубоийсини оламиз-да, уни таҳлил қилиш, бизга тушунарсиз сўзларнинг луғатини бериш билан чекланамиз. Навоий ижодини ўқувчиларга яқинлаштиришнинг янгича йўлларини излаб топиш, замонавий технологиялар ёрдамида уни ҳаётга тадбиқ этиш вақти келмадимикин?

– Бу жараёнга анча олдин киришиш керак эди. Тўғри, таълим соҳасида маълум бир янги изланишларга эришилаётганини эътироф этиш керак. Аммо Навоийни англаш масаласи ҳали ҳам мураккаблигича қолмоқда. Беш аср аввалги тил ва ғояларни технологик тараққиёт асрида яшаётган бугунги кун кишисига етказиш осон эмас. Ҳозирги кўпгина дарсликларда шоир ижодидан маълум бир парча берилади-да, сўнг саҳифанинг ярмида мураккаб сўзларнинг луғати келтирилади. Буни ўқувчини матнга яқинлаштириш учун интилиш сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо бутун дунёдаги жадал технологик тараққиёт замони ҳамма халқларни ўз мумтоз адабиётларидан бироз бўлса ҳам узоқлаштирмоқда. Ҳозирги вақтда янги информация шу қадар кўп ва уни қўлга киритиш ҳам анча осонлашган. Мана шундай мураккаб шароитда биз балки болани матнга эмас, матнни болага яқинлаштирганимиз маъқулдир. Ҳозир қўлидаги телефони, интернет орқали дунёни кузатаётган бола Навоийни ўрганиш учун китобида келтирилган парчага оид матнга, сўнг унинг остидаги изоҳига қараб ўтирмайди. У тезликда интернетга мурожаат қилади. Шунинг учун шоир ижодини соддалаштириб, уни болалар тушунадиган шаклга солиб, сўнг шу матнни мамлакатимиз олий ўқув юртларида неча мутахассислик тили бўлса, ўша тилларга таржима қилиб, интернет сайтларига жойлаштириш, шоир ҳаёти бўйича олинган фильмлар, қўйилган спектаклларни, яна унинг асарларини оригинал, насрий баёнлари, 10 жилдлик русча таржималари, қолаверса, навоийшуносликка оид манбаларни эринмасдан интернетга киритишимиз керак. Интернет китоб ўрнини боса олмаса ҳам, у Навоийни, мумтоз адабиётимизни болага етказишда самарали воситалардан бири бўлиши керак.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Яқинда “Бобурнома” замонавий ўзбек тилига ўгирилиб, нашр қилинди. Бу жуда ҳам эътирофга лойиқ иш. Чунки “Бобурнома”нинг асл матни мавжуд эди, энди замонавий ўзбек тилидагиси ҳам яратилди. Асар ўқувчига анча яқинлаштирилди. Ваҳоланки, “Бобурнома” тили ва Бобур шеърияти бошқа ўтмиш шоирлари тилига нисбатан анча тушунарли. Мана шундай ҳолатда ҳам “Бобурнома”ни шундай усулда ўқувчига яқинлаштиришга эришилди. Худди шундай тарзда Навоийнинг барча асарларини ҳозирги ўзбек тилига насрий баён қилиб чиқиб, нашр қилиш керак. Бу ўринда Навоий асарларининг асл матни ҳам, насрий баёнлари ҳам керак. Яқинда бир русийзабон китобхон менга Навоий шеърларининг русча таржималарини интернетдан қидирганлигини, аммо жуда кам шеър топа олганини айтиб қолди. Демак, ҳатто русийзабон ўқувчилар

орасида Навоий ижодига қизиқувчилар кам эмас экан ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилиш лозим. Худди шу гапни инглиз ва Европанинг бошқа тилларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ўқувчи ўзига керакли нарсани улар ичидан танлаб олади. Ахир, Навоий асарларининг рус, инглиз ва бошқа тилларга ўгирилган нашрлари йўқ эмас-ку. Нега уларни интернетга жойлаштирмаймиз? Асосий мақсадимиз бу буюк сиймолар ижодини ўқувчиларга яқинлаштириш-ку! Тўғри, масалан, Бобур насрининг тили Навоий тилига нисбатан анча тушунарлироқ, лекин орадан беш асрдан ортиқ вақт ўтди. Қанчадан-қанча авлодлар янгиланди, турли-туман сиёсий ва маданий жараёнлар кечди, тилимизда кўпгина ўзгаришлар юз берди. Бундан анча олдин Охунжон Сафаровнинг "Болаларнинг ўз Навоийси бўлсин" деган бир мақоласи чиққан эди. Олимнинг фикрича, шоир достонларининг насрий баёнларини болаларга тушунтириб берадиган шаклда тайёрлаш керак. Тўғри, бу ишлар маълум маънода амалга оширилди. Аммо бугунги авлод кечаги ҳодисалар билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Унинг қўлига муттасил янги ва замонавий материал бериб бориш керак. Болага Навоийни унинг ўзига хос тарзда тушунтира олишимиз керак.

Ҳозирги кунда янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган айфон, айпад, смартфонлар хотирасига Навоий ижодидан намуналар, унинг асарларига ишланган миниатюралардан лавҳалар, шоир суратларини киритиш керак. Бунда, даставвал, бола техника билан "мулоқоти" давомида Навоий шахсияти ва асарлари билан кўпроқ танишса, иккинчидан. у мазкур техникани ўзлаштириш баробарида ўз интеллектини ҳам бойитиб боради. Шундай йўл билан шоир ижоди болалар онгига тезроқ етиб боради. Бола воқеликни тасвир орқали тез қабул қилади. Ҳозирда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида дарслар расмлар ёрдамида ўтилади, бутун бошли кутубхоналар ёнда олиб юриш мумкин бўлган электрон воситалар, масалан, айпадларга киритилмоқда. Бизда ҳам дарсларни матн ва тасвир уйғунлигида ўтишни кучайтириш керак. Йигирма йил олдин бундай қулайликлар, техник воситалар йўқ эди.

– Хабарингиз бўлса керак, "Жаҳон адабиёти" журналида "Навоий сабоқлари" номли мунтазам бериб бориладиган рукн бор. Унда шоирнинг бир ғазалининг аслияти ва бошқа тилдаги таржимаси берилади. Аслият билан таржима солиштирилиб, таржимадаги ютуқ ва камчиликлар борасида хулосалар чиқарилади. Бундан мақсад – ўсиб келаётган ёшларни шу йўл билан тарбиялаб бориш бўлса, иккинчидан, Навоий ижодининг хорижий ўқувчиларга қай тарзда етказилганини аниқлашдан ҳам иборатдир. Аммо бу масалада фақат рус, инглиз тиллари билан чекланишга тўғри келмоқда. Бошқа тилдаги таржимонлар бўлгани билан шоир асарларидан қилинган таржимани қиёсий таҳлил қилиб бера оладиган мутахассисларимиз тақчиллиги сезилади.

– Бу жуда яхши тажриба бўляпти. Менинг билишимча, немис тили бўйича мутахассис Йўлдош Парда бундан анча йиллар олдин Навоий асарларини йиғиб, француз ва немис тилларига таржима қилди. У 2000 йилда "Шарқ" нашриётида китоб ҳолида нашр этилди. Ўтган йиллар ичида Муроджон Эргашев деган бир ёш таржимон ҳам шоирнинг ўттизга яқин ғазалини француз тилига таржима қилиб, уни Францияда нашр эттирди. Қолаверса, ёш шоир Аъзам Обид ҳам Навоий рубоийларини инглиз, немис, француз, польяк тилларига таржима қилиш борасида хайрли ишлар олиб боряпти. Францияда нашр қилинган "Ўзбек шеърияти антологияси"га ҳам Навоий шеърлари киритилган. Бу масалада ҳар ҳолда унча-мунча ишлар қилиняпти. 1990йиллар охирида француз олими Пьер Шувен Навоий

“Хамса”сини француз тилига таржима қилиш масаласини кўтариб чиққанди. Мазкур йўналишда баъзи ишлар ҳам бошланганди. Аммо кейинчалик бу таржима номаълум сабабларга кўра қолиб кетди.

Аммо бу ерда асосий муаммо шундаки, Навоий тили ва ижодини билган мутахассисларнинг катта қисми Европа тилларини билмайди, чет тилини билганлар эски ўзбек тилидан чуқур хабардор эмас ёки мумтоз адабиётимизни ҳис қилмайди. Биз сиз айтаётган мутахассисларни энди етилиб келаётган авлод ичидан қидиришимиз керак. Агар уларнинг бу масалада тажрибалари камроқ бўлса, уларни тайёрлаб бориш керак. Бунинг учун маълум вақт керак, тилни билишнинг ўзи биланоқ ҳамма нарса ҳал бўлмайди, асосийси, тилни ҳис қила олиш керак.

Шунингдек, мутахассислар етишмаслигини рўкач қилиш ҳам яхши эмас. Бизда чет тилларни мукаммал эгаллаётган истеъдодли ёш авлод шаклланяпти. Улар ўз ўрнида бадиий ижод билан ҳам шуғулланишади. Навоий ёки Бобур ғазалларидан тили осонроғини танлаб, уларга тажриба учун бўлса ҳам таржима қилдириш, айни шу таржимани таҳлил қилиш учун бошқаларга бериш лозим. Навоий ва бошқа классикларимиз асарларини таржима қилиш бўйича ижодий мусобақалар ўтказилиши керак. Менимча, шу йўл билан аста-секин яхши натижаларга эришиш мумкин.

Алимурод Тожиев суҳбатлашди
2013 йил

“Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин...”[1]

Алишер Навоий ижоди ҳар замон, ҳар бир давр учун сабоқ бўладиган ўлмас ғоялар, фикр ва қарашлар уммонидир. Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорда замонамизнинг маънавий эҳтиёжига малҳам, муаммоларига ечим бўла оладиган бу ўлмас чашмани асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзоси филология фанлари доктори Афтондил Эркинов билан ушбу қарорда белгиланган вазифалар моҳияти бебаҳо меросимизни ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш жараёнидаги долзарб вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

– Суҳбатимиз аввалида айнан жорий йилда ўзбек тилига бўлган эътиборнинг кучайгани бевосита Алишер Навоий даҳосига бўлган эҳтиром билан чамбарчас боғлиқ эканига тўхталиб ўтсак. Тўғри, ҳар йили улуғ шоиримизнинг туғилган кунини адабиёт ва маърифат байрами сифатида нишонлаб, бир қатор тадбирлар, мушоиралар ўтказиб келдик. Лекин бу тадбирлардан кўнглимиз тўлмаётган эди...

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам, –

деганида Алишер Навоий ҳақ эди. Сабаби у ўз ижоди орқали туркий миллат ва элатларни

[1] Нашр этилган манба: Эркинов А. “Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин...” // Янги Ўзбекистон. 2020 йил. 13 ноябрь.

якқалам қила олди, бирлаштирди. Нафақат ўзбек тили, балки ўнлаб туркий тилларнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллик касб этишида Алишер Навоийнинг қилган саъй-ҳаракатлари беқиёс. Зотан, бир йилча илгари хорижий конференциядаги учрашув чоғида туркиялик ҳамкасбимиз: “Модомики, Ер юзининг қайсидир бурчагида туркий тилдаги сўз янграр экан, бу тилда гапирувчи ҳар бир инсон Алишер Навоийдан миннатдор бўлиши шарт”, – деганида ниҳоятда фахрланган эдик.

Президентимиз томонидан “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун имзоланганида тўлқинландим. Ҳозирги пайтда бу ҳақда гапириш жуда осон. Лекин биз тенги авлод ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлганмиз, ўзбек тили давлат тили бўлиш учун маърифатпарвар юртдошларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз, зиёлиларимиз қанчалар жонфидо бўлиб курашганига... Жуда оғир кунлар, тортишувлар, мунозаралар бўлиб ўтган. Аллоҳга шукрким, не-не инсонлар орзу қилган кунларни кўриш бизга насиб этди.

Таъкидлаш лозимки, тил гегемонлиги учун курашни бизга Алишер Навоий бобомиз бошлаб берган. Форс тили Ўрта Осиёда минг йил давомида ҳукмронлик қилган. “Ёш шоирлар шеърлари катта устозлар назарига тушиши учун форс тилида ижод қилишар эди”, дейди Навоий бир асарида. Шундай бир шароитда Алишер Навоий туркий тилни ҳимоя қилиш учун катта майдонга чиқади. Ҳатто Ҳусайн Бойқарога айтиб, ижодкорлар туркий тилида ижод қилсинлар, деган мазмунда фармон чиқартиришга ҳам эришади. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилини форс тили билан солиштириб, ушбу тилнинг афзалликларини очиб беради. Шунингдек, туркий тилнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун 100 000 мисрадан иборат ноёб ижод намунасини биз авлодларга мерос қилиб қолдирди. “Мажолис ун-нафоис”да қайд этилишича, Навоий давридаги 400 нафар шоирнинг 30 нафаригина туркий тилда ижод қилган. Ўша даврдаги муҳитда бу 30 нафар шоирнинг ижод қилиши. Президентимиз бежиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбек тили байрами олдидан эълон қилмадилар. Бу жараёнлар мантиқан бир-бирини тўлдириб, элимиз маърифати ва маънавиятини юксалтиришда жуда катта аҳамият касб этади.

– Қарорда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишдек муҳим вазифа белгиланган. Мазкур фонд ташкил этилиши билан шу пайтгача ечимини топмай келаётган қайси муаммолар ҳал бўлади?

– Айтайлик, сиз Алишер Навоий ижоди бўйича бирон янгиликни кашф этдингиз ёки бирор китоб тайёрладингиз. Нашриётга олиб борсангиз, маблағ сўрайди. Институтга олиб борсанги,з бу ерда ишламайсиз-ку, дейишади. Ёки Навоий даври билан боғлиқ бир изланиш олиб бормоқчисиз дейлик... Ана шундай кезларда балки ўша даврдаги барча асарларни ўзида жамлаган улкан кутубхонаси бор мазкур фонд бизга ёрдам берар. Балки мазкур фонд мана шундай масалаларда ўзига хос марказ сифатида бизларга ёрдам берар... Демак, навоийшуносларни қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг бошини бир жойга қовуштирадиган бир ташкилот бўлиши жуда зарур. Мен неча йиллардан буён Алишер Навоий асарлари бўйича тайёрланган ижодий ва илмий ишларни йиғиш билан шуғулланаман. Уларнинг ҳар бирини варақлаш, ўрганиш жараёнида жуда кўп янгиликларни кашф этишингиз мумкин. Мана, яқинда Украинада Навоий “Фарҳод ва Ширин”ини таржима қилишибди. Шунга ўх-

шаш асарларни жамлаган кутубхона ташкил этилиши бизга кўп маълумотларни ўрганишимизда ёрдам беради. Мазкур фонд навоийшунос олимларни бир даврага йиғиб, мунозара ва муҳокамалар юритишга имкон яратиб беришига умид билдирамиз.

Навоий ижоди орқали хорижликлар бизнинг маънавиятимизни, руҳиятимизни танишади. Хориждаги учрашувларимиздан бирида: "Навоийдек буюк шоир фақат ўзбекларда бор. Унинг ижодидан таъсирланиб ёзилган ғазаллар ва асарлар ниҳоятда кўплигини кўриб ҳайратга тушаман", – деган эди.

– Шу боис Алишер Навоий асарлари таржимасига ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан муносабатда бўлишимиз керак. Шундай эмасми?..

– Албатта, бунинг учун эса ўзимиз Навоий даври тили ва муҳитини синчковлик билан ўрганишимизга тўғри келади. Қолаверса, илгари Навоий асарлари асосан рус тилига таржима қилинган бўлиб, 1968 йилда 10 жилдлиги нашр қилинган. Мана шу нашрнинг ўзи ҳам қайта-қайта чоп этилди. Ҳозирги кунда эса кўпроқ инглиз, француз, корейс, хитой ва япон тилларига ҳам таржима қилиниши керак. Чунки ҳар бир миллат ўзининг буюк шахслари орқали дунёга танилади. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк шахсларимиз миллатимизни асраб турувчи кўҳна ва боқий илдизларимиздир. Фақат бир муаммо бор, таржима жараёнида асарнинг мазмунига таъсир қилиши мумкин. Битта тилнинг грамматикасини билиш ўша тилни тўлиқ ўрганиш эканини англатмайди. Ўша тилда сўзлашадиган халқнинг руҳиятини ҳис қила олиш, анъана ва урф-одатларини ўрганиш жуда муҳим. Бунинг устига, ўрта аср руҳиятини бериш жуда мураккаб жараён. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида дарс бериш жараёнида компьютерга боғланиб қолган авлодни кузатдим, уларга Навоий асарларини тушунтириш осон бўлмаяпти. Бугун нафақат чет элликларга, балки ўз боламизга ҳам Навоий асарларини ўргатиш жуда қийин кечяпти. Ўша замондаги мезонлар, талаблар бошқача бўлган. Демак, биз ҳозирги авлод қалбига Навоий асарларини сингдиришнинг ўзига хос замонавий усулларини излаб топишимиз керак.

– Биз сўз юритаётган қарорда айни жараён борасида ҳам муҳим вазифалар киритилган. Яъни, "...бешта муҳим ташаббус доирасида ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобиль иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш" белгиланган...

– Бугунги авлод дунёқараши интернет, телеграмм, фейсбук, инстаграмм орқали оламни қабул қилишга мослашган экан, биз ана шу воситалардан ҳам ўринли фойдалана билишимиз керак. Масалан, бола телефонини очганида яхши нарсаниям, ёмон нарсаниям қизиқиб бир кўриб қўяди. Шунчаки бир қараб қўйса ҳам ўша нарса ёки маълумот секин-секин унинг онгига жойлашади. Бошида шубҳа билан қараса ҳам такрор-такрор ўша нарсага дуч келаверса, уни ҳақиқат деб қабул қила бошлайди. Шу боис керакли маълумотларни тарғиб қилишнинг интернетга мос вариантини ишлаб чиқишимиз ниҳоятда зарур.

Тўғри, Навоий даври тилини, фалсафаси чуқур мисраларни ҳазм қилиш осон эмас, иложи борича креатив, яъни ижодий усуллардан фойдаланганимиз маъқул. Мен 30 йилдан буён Навоий ижоди бўйича талабаларга дарс бериб келаман. Энди иш бошлагаган кезларим, албатта, қийналганман. Вақт ўтиши билан эса тажриба ошиб борди. Бир куни "Лайли ва Мажнун" достони бўйича дарс ўтгани кирдим. Баҳор фасли бўлгани боис йигит-қизлар дарс тинглашдан кўра ойнадан гуллаган дарахтларга термилиб хаёл суришни афзал кўришяпти. Севги

мактубларини ўқигандай хаёллари жойидамас. Уларни ҳам тушунса бўлади. Ёшлик, баҳор... Бундай лаҳзаларда домлаларнинг зерикарли ва фалсафий маърузасини ким ҳам тингларди?.. Шу боис мен ҳам ишқ-муҳаббат ҳақидаги замонавий шеърлардан сўз бошлаб, "Лайли ва Мажнун" воқеасини айтишга киришар эканман, ўртага савол ташладим: "...Мажнуннинг отаси Лайлининг отаси ёнига бориб, унинг қизини келинликка сўрабди. Қани айтинглар-чи, қизингиз бўлса, Мажнун каби девона йигитга берармидингиз?" Ана шу саволдан кейин қизғин мунозара бошланиб кетди. Бири Мажнунга, бири Лайлига, яна бири қайнотага, қолганлари қайнонага айланишди. Ҳатто дарслар жараёнида: "Бугунги кунда мажнунона муҳаббат керакми?" деган саволни қўйиб, ёзма жавобларини йиғиб қўйганман, иншо ҳам ёздирганман.

Шундай пайтларда давра бирдан жонланиб кетади. Ва... мен ҳам гапни асосий мавзуга буриб юбораман. Гап шундаки, талаба сиз айтиб бермоқчи бўлган воқеани ўз ёнида содир бўлаётгандек қабул қилиши керак. Шундагина яхшироқ ҳис қилишга, тушунишга ҳаракат қилади. Мен ёшлар билан тенгма-тенг баҳслашиш, уларнинг ишончига кириш учун улар ёқтириб томоша қиладиган сериалларни кўришга, тинглайдиган қўшиқларини ўзимни мажбурлаб бўлса ҳам тинглашга ҳаракат қиламан. Даср пайтида улар берган саволларга ҳам жавоб бера олишим керак. "Анави машҳур қўшиқни эшитдим, менга мана бу жойлари ёқмади", десам талабаларнинг кўзлари чақнаб: "Йўғ-е, сиз ҳам эшитасизми шу қўшиқни?" дея ажабланишади. Бугунги авлод бизни ҳурмат қилишини истасак, биз ҳам уларни ҳурмат қила олишимиз керак бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ижод аҳли ўз қўшиғи, шеъри ва ҳикояси билан ҳам ёшларнинг руҳиятига таъсир қила олишлари жуда муҳимдир. Шу боис ижодкорларимиз ўз устиларидан кўпроқ изланишса, ўзбек тилини яхшилаб ўрганишса, жуда яхши бўлар эди. Чунки улар муомалага киритган сўзга ўз-ўзидан атрофдагиларнинг қизиқиши ҳам пайдо бўлади.

– Сиз айни пайтда Ўзбекистонга оид хорижий маданий бойликларни тадқиқ этиш марказида ҳам фаолият юритаяпсиз. Мазкур марказ чет давлатларда сақланаётган, Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш борасида қисқа муддатда жуда катта ишларни амалга оширди. Шу кунгача мутафаккир шоиримизнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қайси хориж олимлари ҳамда илмий-ижодий муассасаларнинг изланишларини таъкидлаб айтган бўлардингиз?

– Хорижда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш бошланганига анча бўлди. Хусусан, Алишер Навоий ва унинг ижоди Ғарб олимларининг диққат марказига тушганидан бери бир неча аср ўтди. Афсуски, XX асрда шўро тузуми сиёсати оқибатида маънавий ва илмий алоқалар узилиб қолгани боис хориждаги ўзбек адабиёти тадқиқотчиларининг изланишларидан, кўп жиҳатдан бехабар ва бебаҳра қолдик. Эндиликда Ғарб олимлари ва улар яратган илмий асарлар билан танишиш имкони кенгайиб бормоқда.

Мумтоз адабиётимиз тадқиқотчиларининг кейинги юз йилдаги таниқли вакиллари сифатида канадалик Мария Сабтелни ва Элизар Бирнбаум, германиялик Ингеборг Балдауф ва Зигрид Клайнмиҳел, Венгриядан Бенедек Пери ва Ференч Чиркес, франциялик Марк Тоутант, туркиялик Фуод Кўпрулзода, Заки Валиди Тўғон, Камол Эраслан, Осман Серткая, Танжу Сейҳан, озарбайжонлик Ҳамид Орасли, Жаннат Нағиева, Алмаз Улви сингари олимларни кўрсатиш мумкин.

Германиялик доктор Зигрид Клайнмиҳел ярим асрдан бери ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келмоқда. Ўзбек тилида жуда равон сўзлаша олишидан ташқари эски ўзбек

тилидаги қўлёзмалар устида ҳам ишлайди. Кейинги бир ярим аср давомида Фарғона водийси ва Хоразмдаги ўзбек аёллари маросимларида ўқилган қўлёзма асарлар таҳлилига бағишланган китоби нашр қилинган. Ҳозирги пайтда у ўзбек адабиётини тадқиқ этаётган фаол олимлардан бири. Бу йўналишдаги илмий фаолиятини 1901–1934 йиллардаги ўзбек адабиётини ўрганишдан бошлаган ва шу давр сўз санъатимизга оид китобини немис тилида чоп эттирган. 1990–2015 йилларда З.Клайнмиҳел Алишер Навоий ижоди бўйича мақолалар ёзган. Жумладан, "Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо" номли бир юз ўттиз беш саҳифадан иборат тадқиқотини эълон қилган. Бундан ташқари Унинг "Алишер Навоий ва усмонли шоирлари" номли мақоласи ҳам чоп этилган. Бу мақолаларда Алишер Навоий ижодининг усмонли турк адабиётига таъсири, Навоий асарларининг сўнгги беш юз йил мобайнида усмонли турк тилига қилинган таржималари ҳақида сўз юритилади. Олима ўзбек адабиётига доир тадқиқотларини давом эттиряпти.

Профессор Бенедек Пери эса Будапешт шаҳрида яшайди. У Венгрия Шарқшунослик институти директори, айни пайтда Этош Лоранд университети туркийшунослик кафедраси мудири, шу университетда инглиз, форс ва туркий тилларни ўрганган. Университетни 1992 йили тамомлаб, туркий адабий матнлар бўйича мутахассис бўлиб етишган. Мазкур туркийшунослик кафедраси Ўрта Осиё туркий матнларини ўрганиш бўйича бой анъанага эга. Кафедрага 1870 йили Арминиус (Армин) Вамбери (1832–1913) асос солган. Венгер туркийшунослиги мактабига мансуб Бенедек Пери талабалик давридан бошлаб ўзбек адабиётини ўрганишга қизиққан. Шайбоний, Саккокий, Турди, Увайсий, Иззат Султон, Уйғун, Зулфия, Назир Сафаров, Саид Аҳмад каби адабиётимиз намояндалари ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган. Олим илмий қизиқишларининг катта қисмини ўзбек мумтоз адабиёти масаласига оид изланишлар эгаллайди. Сўнгги йиллари Бенедек Пери кўпроқ Алишер Навоий ижоди билан машғул бўлди ва мақолалар эълон қилди. Масалан, Ўзбекистонда унинг усмонли турклар султони Салим Ининг (1512–1520) форс тилидаги ғазаллари ҳақида инглизча мақоласи чиқди. Олимнинг кузатишлари қизиқарли: Навоийдан кейин яшаган султон Салим форс тилида девон тузган ва ғазалларида форс адабиёти классикларига эргашган. Айни пайтда, Навоийнинг "Девони Фоний"даги йигирмата ғазали таъсирида шеърлар яратган. Бенедек Перининг асосий хулосаси муҳим: султон Салим ва Навоий форсий девонлари шеърларидаги ўхшашлик шуни кўрсатадики, XVI аср бошидан Навоий форсий лирикаси форс мумтоз адабиётининг бир қисми деб тан олинган. 2017 йили олим Тошкентга Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишланган анжуманга келганида Навоий ҳайкали пойида маъруза қилган эди. Бугунги кунда Бенедек Пери "Бобурнома"нинг можор тилига таржимаси устида ишламоқда.

– Навоий шаҳрида ўтказилиши белгиланган "Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядан нималарни, қандай яхши натижаларни умид қиляпсиз? Ушбу конференцияда қайси ёш навоийшунос тадқиқотчилар иштирок этишини истайсиз?

– Ҳар бир соҳадаги тадқиқотчи ёки олим ўзидан кейин келадиган авлодни яратиш ва шу йўналишда ишлашни фаолиятининг бир қисми деб билиши керак. Тўғрисини айтиш лозим, ҳозирги кунда аксарият ёшлар аниқ фанларга қизиқади. Уларни гуманитар фанларга ҳам қизиқтира олишимиз, тарбия ва маънавиятга катта эътибор қаратишимиз керак. Фарзандларимиз қайси соҳани танламасин, унинг адабиётга, санъатга, гўзалликка бўлган эҳтиёжи ҳам юқори савияда бўлишини истайман. Гуманитар фанлар орқали янги авлод-

нинг маънавий оламини юксалтира олсак, миллатимиз руҳиятини ҳам юксалтирган бўламиз.

Навоий шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган халқаро илмий-амалий конференцияда, албатта, ёш олимлар иштироки бўлади. Ёш навоийшунослар сафи бугунги кунда анча сийраклашиб қолган. Чунки совет замонида одамларимиз мумтоз адабиётдан атай узоқлаштирилган, қўлёзмалар жоҳилларча ёқиб юборилган, фикрлайдиган одамлар қатл қилиб юборилган. Бу жараёнлар миллатимиз руҳиятига жиддий таъсир кўрсатган.

Аксарият ёшлар замонавий адабиёт билан шуғулланиб, иложи борича тезроқ ютуқларга эришишни истайди. Қолаверса, рақамли технологияга боғланиб қолган янги авлодни мумтоз адабиётга қизиқтириш жуда қийин. Улар моддий томондан катта фойда кўрадиган соҳаларни кўпроқ кўзлашяпти. Мумтоз адабиёт билан шуғулланиш сабр ва матонатни талаб қилади. Шукрким, айни пайтда ўз билими ва ҳаракатлари билан Алишер Навоий ижодини ўрганаётган истеъдодли ёшларимиз ҳам астойдил изланишлар олиб боришмоқда. Рустам Жаббор Алишер Навоийнинг хориждан топилган ва навоийшуносликка эндиликда маълум бўлган девони янги қўлёзмаси бўйича докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Шерхон Қораев Алишер Навоий давридаги адабий мажлислар бўйича илмий иш олиб бормоқда. Акром Малик, Ойсара Мадалиева ҳам янги топилган қўлёзмалар билан шуғулланиб, тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда.

Умид қиламизки, мазкур қарор ижросидан сўнг навоийшуносларнинг яна бир янги авлоди улғаяди ва мутафаккир бобомизнинг асарларини англагувчи, умуминсоний ғоялар атрофида бирлашиб, эзгу мақсадларни амалга оширгувчи билимли ҳамда маънан олийжаноб ёшлар сафи кенгайиб боради. Зеро, Алишер Навоий бобомиз таъкидлаганидек:

Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

“Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири
Мухтасар Тожимаматова суҳбатлашди

2020 йил

Самарқанд ҳавоси ранги мафтуни ёки “Мен доим Бобур билан биргаман”

(Туркийшунос олима Ия Стеблева билан суҳбат)[1]

Ия Стеблева ҳақида

Россиялик олима Ия Васильевна Стеблева – Бобур шеърияти мухлиси. 1982 йили Москвада рус тилида нашр этилган “Бобур ғазаллари семантикаси” монографияси муаллифи.

Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши муайян ўринга эга. Чет эллик олимлар меросимизни ўрганишга муттасил ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шулар сирасидаги

[1] Эркинов А. Самарқанд ҳавоси ранги мафтуни ёки “Мен доим Бобур билан биргаман” (Туркийшунос олима Ия Стеблева билан суҳбат) // Жаҳон адабиёти. 2020, 2-сон. Б.80-85.

яққол сиймолардан бири туркийшунос олима, филология фанлари доктори Ия Васильевна Стеблевадир. Мен олима билан 2019 йил ёзда, у кишининг Москвадаги хонадонида учрашиш ва суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим. Ия опа 1930 йили Одесса шаҳрида туғилган. 1953 йили М.В. Ломоносов номли Москва Давлат университети филология факультети туркийшунослик кафедрасини тамомлаган. Бутун умр туркий шеър назариясига доир тадқиқотлар олиб борган. И.Стеблева ҳозирда 90 ёшга кирган бўлиб, Москва шаҳрида истиқомат қилади. Туркийшунослик, айниқса, туркий шеър назарияси бўйича бир қатор китоб ва кўплаб мақолалар билан фан оламида машҳур. Масалан, у киши китоблари қаторида "Туркий тилли мумтоз шеъриятда ритм ва маъно" (Москва, 1993), "Туркий адабиётларнинг Россияда ўрганилиши. XX аср" (Москва, 1998), "Исломдан аввалги давр туркийлари ҳаёти ва адабиёти" (Москва, 2007), "Туркий поэтика. Ривожланиш босқичлари: VIII–XX асрлар" (Москва, 2012) кабиларни киритиш мумкин.

Мен Ия Стеблевани илк дафъа 1983 йили Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети студенти бўлганимда кўрганман. Ўшанда проф. Анвар Ҳожиаҳмедов олимани факультет ўқитувчи ва талабалари билан учрашувга таклиф қилиб олиб келганди. Ия Стеблева Бобур шеърияти ҳақидаги "Бобур ғазаллари семантикаси" номли монографияси рус тилида 1982 йили эндигина Москвада нашр этилган эди. Айни китоб муаллифини кўриб, у билан суҳбалашиш, Бобур ҳақидаги фикрларини тинглаш биз талабалар учун жуда қизиқ эди. Учрашув якунида иштирокчилар олимага турли саволлар бергандилар. Улардан биттаси ёдимда қолган. Маҳаллий олимлардан бири ўзбек мумтоз адабиётини ҳар тарафлама ва тўлақонли таҳлил қилиш учун ислом ва тасаввуфни билиш керак бўлади. Бизда ҳатто уларнинг номини ҳам тилга олиш мумкин эмас, сизларда эса ислом ва тасаввуф фалсафаси бўйича китоб ва мақолалар чиқариш эркинроқ, деб савол ташлади... Совет замони, коммунистик мафкура ва совуқ уруш авжига чиққан палла – 1980-йиллар боши учун бундай саволнинг уйғониши табиий эди. Шунда Ия Стеблева ҳақиқий олимона жавоб қайтарди: бизда, Москвада, ислом ва тасаввуф ҳақидаги тадқиқотлар нисбатан нашр этилиб турибди. Сизлар мана шу бизда чиққан китобларга ҳавола бериб, мурожаат қилиб, ислом ва у билан боғлиқ адабиёт ҳақида ёзаверинглар... Бу асрлар давомида ислом билан боғлиқ бўлиб келган бизнинг маданият ва адабиётимизни бор бўйича кўрсатиш учун олима томондан берилган "кўрсатма" ва қутқариш йўли эди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ия Стеблева билан учрашганимда у киши ўзбек олимларидан фақатгина шогирдим, филология фанлари доктори Насим Раҳмон келиб мендан хабар олиб туради, деди. Академик Азиз Қаюмов билан баъзида мулоқот қилиб турганларини таъкидладилар. Олима ёзган китоблар ҳозирга қадар ҳам биз, ўзбекистонлик ўқувчиларга етиб келиб турибди. Аммо, афсуски, кейинги даврларда биз меросимиз бўйича аввалда қилинган ишлар, шу жумладан, хориждаги тадқиқотларни, билиб туриб ҳам кам эслайдиган ёки умуман ёдга олмайдиган бўлиб қолдик.

Масалан, И.Стеблева "Бобур ғазаллари семантикаси" монографиясида Бобурнинг бир юз ўн тўққиз ғазали матнини эски ўзбек ёзувида эълон қилиб, ўз вақтида матншунослик фаолиятини олиб борган. Бобур ғазаллари матнининг бир неча нусхалардан олинган, ўзи умумлаштирган вариантини бермоқчи бўлган. Мазкур китоб нашридан орадан салкам 40 йил ўтиб, биз унинг ўзбек тилига таржимасини ҳали ҳам амалга оширмадик. И.Стеблеванинг туркий, жумладан, ўзбек мумтоз шеърият матнлари ва шеършунослиги билан боғлиқ

фаолияти, етарлича баҳосини топмади. Мана шу мулоҳазаларнинг барчаси бизни шахсан Ия Стеблева билан суҳбатга чорлади.

* * *

А.Эркинов: *Ия Васильевна, сизни Ўзбекистонда Бобур ижоди тадқиқотчиси сифатида яхши билишади. Бироқ сизнинг туркийшунос олим сифатидаги илмий тадқиқотларингиз кўлами кенг бўлиб, энг қадимги давр туркий шеърият хусусиятлари ҳам илмий фаолиятингизда катта роль ўйнаган. Ўз илмий ҳаётингиз ва ижодингиз, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишга бўлган қизиқишингиз тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.*

И.В.Стеблева: Менинг шарқшунослик соҳасига келишим ёшлик даври ҳаётим билан боғлиқ. 1941 йили уруш бошланганида мен ўн ёшда эдим. Мана шу уруш даврида менинг отам полковник эди ва ҳарбий академияда кафедра мудири бўлган. Бу академияни аввалига Нижний Новгородга, кейин эса Самарқанд шаҳрига эвакуация қилишган эди.

Мен ота-онам билан 1941–1943 йиллари Самарқандда яшадим. Сўнг шаҳар мактабига бордим. Мактабимизда ўзбек синфи ҳам бор эди. Ўзбек тили муҳитида яшадим. Кейинчалик 1948 йили махсус М.В. Ломоносов номли Москва Давлат университети филология факультетининг шарқшунослик бўлимига ўқишга кирдим. У ерда иккита туркийшунослик ва эроншунослик кафедралари бор эди. Мен туркийшуносликни танладим. Бунда Самарқандда ўтган болалигим катта ўринга эга бўлди. Самарқандда кўрганларимдан ҳайратланишим ҳали-ҳамон мени тарк этмайди. Самарқанддаги ҳаётим худди “Минг бир кеча”дек, эртакдагидек сирли ва мафтункор эди.

Мен китоб ўқишни анча эрта бошлаганман. Ўн ёшимдаёқ анча-мунча китобларни ўқиб қўйгандим. Шарқ эртакларини яхши билардим. Самарқанд шаҳри ва унинг муҳити ўша эртакларда тасвирланган воқеликни эслатарди. Ёшим катта бўлганда бир илмий конференцияга борганимда мендан ҳаётимдаги энг яхши таассуротлар қайси даврда кўпроқ бўлган, болаликдами ёки ҳозирдами деб сўрашганди. Болалигимда Самарқандда кузатганларим ҳаммасидан зўрроқ деб ўйлайман. Мен Самарқанддек ажойиб бир шаҳарни бошқа ерда кўрмаганман. Менга унинг камчиликлари ҳам билинмаган. Айниқса, Самарқанднинг эски шаҳари ёқарди. Бу шарҳарда яшаган пайтларим, 1940-йиллар ўрталарида, онамнинг касби медицина соҳаси бўлганги учун у эртадан кечгача ишда эди. Отам эса ҳарбий вазифа олиб, Саратов шаҳридаги ҳарбий мактабга раҳбарликка жўнатилганди. Ҳатто, якшанба кунлари ҳам фронтга жўнатилишга чақирилган жангчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун онамни шаҳар ташқарисига ишга олиб кетишарди.

Шу боис мен кўп вақт уйда бир ўзим қолардим. Самарқанддаги истаган жойимга борардим. Самарқанд кўчаларида менга ҳеч ким ёмон гап гапирмасди ёки тегинмасди. Ўзбек болалари билан дўстлашгандим. Улар бироз русча тушунардилар. Улар билан ўзимизнинг дўстлашув гуруҳимиз бор бўлган. Яъни Самарқандда ўзбек муҳитига яқин бўлиб яшадим, ундан баҳра олдим. Биз – эвакуция қилинганлар шаҳар марказида, Гўри Амирдан узоқ бўлмаган жойда, яшардик. Деярли ҳар куни Гўри Амирга борардим, унга кириш билети бир сўм турарди.

А.Эркинов: *Сиз Самарқандда қайси тилдаги мактабда ўқигансиз? Ўзбекча ёки русча?*

И.Стеблева: Мен рус тилидаги мактабда ўқиганман. Лекин бизда ўзбек тили дарси бор эди. Менга бу дарс жуда ёқарди. Бошқа болалардан фарқли тарзда, мен ҳамма нарсани тез

ўзлаштирар ва ёдлаб олардим. Урушдан кейин кўпгина ҳарбийларнинг қизлари Москва ва Ленинградда филология факультетига ўқишга киришга интилишган. Улар қаторида мен ҳам 1948 йили Москва Давлат университети филология факультетига имтиҳон топширдим. Лекин Шарқ бўлимига ўтиб кетдим. Чунки у ерга кириш конкурси енгилроқ эди. Шунга қарамай, имтиҳон баҳолари юқори бўлиши керак эди. Туркология кафедрасида ўқий бошладим...

Кафедрамиз мудири Николай Константинович Дмитриев (1898–1954) эди. У бизга туркий тилларни ўргатарди. Гуруҳимиз талабалари ичида туркий халқлар вакиллари кўпчилик эди. Русийзабонлардан фақат мен, бир арман қизи ва бир яҳудий йигит бор эдик. Н.Дмитриев бизларга туркий тиллар назариясидан дарс берар, бирор туркий тилдаги сўзни айтар ва уни бошқа тилда шу каби сўз билан қиёслаб тушунтирарди. Унинг дарси назарий томондан қизиқарли бўлиб, билимларимизни оширишга катта хизмат қиларди. Бир дарсида у битта сўзни мисол тариқасида келтирганида, шундай деб у киши билан суҳбатлашганим ёдимда:

– Мен бу сўзнинг ўзбекчаси қанақа бўлишини биламан.

– Қани айтингчи, – деди ўқитувчи

– Мен мактабда ўқийман, – деб ўзбекча гап туздим.

– Бу феълни туслай оласизми? – деб сўради у.

– Ҳа, – деб жавоб бердим.

Ўқитувчи ўзбекчамдан ҳайратга тушиб, мендан сўради:

– Сиз ўзбек тилини қаердан биласиз?

Мен эвакуация вақтида Ўзбекистонда, ўзбек тилидаги мактабнинг рус синфида ўқиганлигимни, ўзбек тилидаги кўп сўзларни билишимни маълум қилдим.

Яъни мен университетда туркийшунослик бўлимига кириб ўқишни бошлаганимда туркийшунослик бўйича тасаввурим мавжуд бўлганди. Шарқ бўлимидаги барча студентлар “Минг бир кеча” китоби орқали Шарққа мафтун эдилар... Мен қайта ва қайта Самарқандни хотирлайман. Бу дунёдаги ҳеч нарсани Самарқанд ҳавоси ранги билан тенглаштира олмайман. У – мен учун беқиёс нарса.

А.Эркинов: *Бу шаҳарнинг аураси бошқачами? Нима деб ўйлайсиз?*

И.Стеблева: Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Мен Самарқанд осмонидаги сингари ҳаво рангини дунёнинг бошқа жойидан топмадим.

А.Эркинов*: Туркийшунослик бўлимидаги ўқишингиз шундан кейин қандай давом этди? Қачон ўқишни тамомладингиз ва қаерда илмий фаолиятингизни бошладингиз?*

И.В.Стеблева: Дастлабки икки курсда турк ва қирғиз тилларини ўргандик. Ундан кейинги икки йилда туркман ва уйғур тилларини ўзлаштирдик. Шу дарсларда ўзбек тилидаги тажрибам менга доим ёрдам берарди. Бу тилларни ўрганганим билан уларни тушунардим, аммо ўзбек тилини билганимдек, сўзлашувда фойдалана олмасдим.

Мен 1953 йили Москва давлат университети Шарқ бўлимининг туркийшунослик йўналишини аъло баҳолар (қизил диплом) билан битирдим. Лекин мени аспирантурага юборишмади. Ўша кезлари Эмир Нажип (1899–1991) деган машҳур туркийшунос олим бизга ўрта аср туркий шеърияти бўйича дарс берар эди. У менга Бобур шеърияти билан шуғулланиш ғоясини таклиф қилди. У менинг ўрта аср туркий шеъриятига қизиқишим ва уни яхши тушунишимни қадрлади. Ўша кезларда биз “Навоий замондошлари” китоби ва унда-

ги Атоий, Саккокий шеърларини ўқирдик. Эмир Нажип менга ўз раҳбарлиги остида “Бобур шеърияти тили” номли диплом иши ёзишни таклиф этди. У тилшунос бўлгани учун уни кўпроқ Бобур тили масаласи қизиқтирарди. Мен рози бўлдим. Яъни менинг 1982 йилда “Бобур ғазаллари семантикаси” номли монографиямнинг “илдизлари” 1953 йили ёқлаган диплом ишимга бориб тақалади.

Илмий раҳбарим Э.Нажип мен учун Бобур ғазалларининг А.Самойлович томонидан 1917 йилда Петербургда нашр этилган “Император Бобур шеърлари тўплами” китоби фотонусхасидаги матнини Санкт-Петербургдан олдириб берди. Бу китобни ўша кезда Москвадан ҳам топиб бўлмасди. У киши бошчилигида Бобур ғазалларини эски ўзбек ёзувида ўқиб, рус тилига таржима қилиб чиқдим. Бобурдан қилинган мана шу таржималаримни ҳозиргача, салкам етмиш йилдан бери сақлаб келаман. Йиллар мобайнида бу таржималаримнинг баъзи жойларини ўзгартириб, янгилаб бордим. Лекин ҳозиргача улар тўлиқ нашр этилмаган. Уларнинг катта қисми “Бобур ғазаллари семантикаси” китобим ичига киритилган.

А.Эркинов: *Университетни битиргандан сўнг илмий фаолиятингиз қай тарзда давом этди?*

И.В.Стеблева: Шундай бўлдики, мен Москвадаги Ижтимоий фанлар бош кутубхонасига ишга жойлашдим. Бу кутубхонага бутун дунёдан хорижий тиллардаги жуда кўп китоб ва журналлар келиб турарди. Масалан, ўзбек, қозоқ ва қирғиз тилларидаги. Бу нашрлар умумий мазмунини мен рус тилида қисқа маълумотнома – аннотация ёзиб тушунтирардим. Бу маълумотномалар кутубхона бюллетенида нашр қиланарди. Бу даргоҳдаги мен бажарган иш илмий фаолятимга катта ёрдам берди. Айни муносабат билан туркий тиллардаги матнлар билан яқиндан ва муттасил танишиб туриш учун менда қулай имконият пайдо бўлганди.

Шундан кейин мен бир неча йил уйда ишладим. Москвада чиқадиган “Хорижий (Чет эл) адабиёт” (“Иностранная литература”) журнали учун турк тилидан рус тилига таржималар қилардим. Мен Радий Фиш каби туркчадан энг яхши таржима қилувчи санала бошландим. Айни пайтда туркий шеършунослик назарияси бўйича кўп изланишлар олиб борардим. Бунинг натижаси ўлароқ, “Араб-форс вазнининг туркий адабиётларга кириб келиши” ва “Қадимги турк адабиёти поэтикаси ва унинг илк классик даврдаги трансформацияси” мавзуларида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдим. Кейинчалик Москвада, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишладим.

А.Эркинов*: Сиз Бобурнинг аруз ҳақидаги “Рисолаи аруз” (“Мухтасар”) асарини 1972 йили Москвада, қўлёзма матни фотоси, матни ва изоҳлари билан нашр қилгансиз. Шу жараён қандай амалга ошди?*

И.В.Стеблева: Менинг турмуш ўртоғим Сергей Сергеевич Цельникер “Шарқ адабиёти нашриёти”да ишларди. У аввалига шу нашриётда муҳаррир, кейинчалик эса нашриёт директори бўлди. У мен каби туркийшунос олим бўлгани учун илмий китоблар чоп этувчи мана шундай нуфузли ва машҳур нашриётда ишлаб келарди. Айни нашриётда сиз сўраган ўша мен тайёрлаган Бобурнинг аруз ҳақидаги “Рисолаи аруз” асари илмий китоб сифатида босилиб чиқди. Бу китоб ҳам менинг арузшунос сифатида туркий тилли халқлар адабиётларидаги арузни ўрганишимдан, таъкидлаш керакки, ҳам Бобур шеъриятига бўлган ихлосимдан келиб чиққан самара эди. Қайд этганим “Шарқ адабиёти нашриёти” ўша даврларда анча машҳур бўлиб, илм учун катта аҳамиятга эга матнларни чоп этарди. Шу муносабат билан Бобурнинг “Рисолаи аруз” асари нашр бўлди.

***А.Эркинов**: Кейинчалик яна Бобур ижодига мурожаат қилдингиз ва Бобур ғазаллари семантикаси ҳақида китоб ёздингиз. Бунга фақат талабаликда ёзган диплом ишингиз сабаб бўлдими?*

И.В.Стеблева: Мен бутун умр Бобур шеърияти шайдоси бўлиб келганман. Ҳатто туркий халқлар шеъриятининг рус тилидаги таржимасида ҳам мен туркий шеъриятни ҳис қиламан, уни ардоқлайман. Бунинг илдизлари болалигимга бориб тақалади. Мен туркийшуносликка кичкина қиз бўлган давримдан қизиққанман. Ҳали Самарқанда келмасимдан, яъни 1943 йилдан аввалроқ отам уйимизга радиоприёмник олиб келгандилар. У доим ёқиқ турар ва ундан шеърлар, эртак ва афсоналар бериб туриларди. Рус тилида "Қўзи кўрпеш ва Баён сулув" эпосини беришарди. Бу асар менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Унинг шеърий услуби гўзал, воқеалари ажойиб эди. Бу асарнинг ҳаммаси рус тилидаги таржимада бўлса ҳам жуда яхши жаранглади. Ўша вақтларда Россияда туркий асарларни рус тилига таржима қилиш билан жуда жиддий шуғулланишган. Масалан, қирғиз эпоси "Манас"нинг айрим қисмларини ҳам ўша даврларда таржима қилишган. Мана шуларнинг барчаси, ҳатто русча таржимада бўлса ҳам, менинг туркий тиллар, адабиёт, хусусан, туркий шеъриятга бўлган қизиқишимни туғдирган эди.

***А.Эркинов**: "Бобур ғазаллари семантикаси" китобингиз сўнгида эски ўзбек ёзувида Бобурнинг бир юз ўн тўққиз ғазали матнини келтиргансиз. Уларни қайси қўлёзма манбалар асосида жамладингиз?*

И.В.Стеблева: Мен бу ғазаллар матнини тузишда асосан Париж, яна Истанбул ва Рампур кутубхоналаридаги Бобур ғазаллари кирган қўлёзмалардан олинган нусхалардан, А.Самойловичнинг Бобур ғазаллари матни нашларидан фойдаланганман. Мақсадим китобхонларни Бобур ғазаллари аслият ёзувидаги матни билан таништириш бўлган. Талабалик давримда бошлаган ишимни 30 йилдан кейин "Бобур ғазаллари семантикаси" китоби шаклида тугаллаб, уни 1982 йили Москвада рус тилида нашр эттирдим. Мен Бобурни, унинг шеъриятини ҳеч қачон тарк этмаганман. Мен худди Бобур ҳозирдагидек, хаёлан у билан доимий ҳамроҳман. Мен доим Бобур билан биргаман. Биз Бобур билан дўстмиз. У мени доим қўллаб-қувватлаб туради.

Суҳбат олиб борувчи Афтондил Эркинов
Москва, август, 2019 йил

ИЛОВА

Бобурнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлган?[1]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур давлат арбоби, шоир, тарихнавис ва адабиёт назариётчиси бўлгани ҳолда доимий янги илмий ва турли ахборотларга эга бўлиб бориши ва ўз устида ишлаши, бунинг учун эса махсус кутубхонага эга бўлиши лозим эди. Аммо бутун ижтимоий ва маънавий фаолияти давомида йўлда, сафарда бўлган Бобурдек шахс қандай турдаги кутубхонага эга бўлгани ва ундан фойдаланганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин шунга қарамай, бизгача етиб келган турли манбалар асосида мазкур кутубхона излари ва хусусиятларини қисман бўлса-да, тиклаш имкони мавжуд.

Муҳр – кутубхона тимсоли

Одатда, қўлёзмадаги қайдлар ёки қўлёзма варақларидаги муҳрлар орқали қўлёзма эгаси ким бўлганлигини аниқлаш мумкин. Агар айни бир муҳр бир қанча китобларга қўйилган бўлса, бу китоблар шу шахс кутубхонасига тегишли бўлади. Шахсий кутубхоналарни аниқлаш учун айни йўл анча қулай. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Бобурнинг ҳозиргача икки тур муҳри бизга маълум. Уларнинг бири марказида “Заҳириддин Муҳамад Бобур” деб ёзилган. Мазкур муҳр К.Д.Вхаргава томонидан 1960 йили Ҳиндистонда нашр этилган “Ҳиндистон муҳрлари” номли инглиз тилидаги китобда келтирилган. Афсуски, китобда муҳр қайси қўлёзмага, қайси асар ҳошиясига қўйилгани айтилмаган.

Бобурнинг яна бир муҳри Темурий шаҳзода, Шоҳрухнинг (1409–1447) еттинчи ўғли Муҳаммад Жўкий (1402–1444) учун кўчирилган ва ҳозирда Англияда сақланувчи Фирдавсий “Шоҳнома”си қўлёзмасининг нодир нусхасида учрайди. Муҳрда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур Баҳодир ибн султон Умаршайх Кўрагон” сўзлари ёзилган.

Афсуски, Бобур муҳрлари ҳақидаги маълумотлар мана шуларнинг ўзи холос. Муҳими, Бобур муҳри шакли ва бу муҳр қўйилган қўлёзма китоб бизнинг кунларимизгача етиб келган. Айни муҳр ва қўлёзма Бобур кутубхонаси мавжуд бўлганлигига умид уйғотади.

Сайёр кутубхона

Юқоридагиларга асосланиб, Бобур шахсий кутубхонаси ҳақида тахминлар қилишга тўғри келади. Хўш, бу тахминлар қандай асосларга қурилади? Бобур ҳукмдорлигининг катта қисмини саройда эмас, сафарларда, жангу жадалларда ўтказган. (Бу ҳақда “Бобурнома”да 1506–1507 йил воқеалари тасвири қисмида). Шу боис Бобур учун сарой ёки сарой кутубхонаси тушунчалари нисбийлик касб этади. Айни ҳолат боис унинг “Бобурнома” асари ҳам Ҳиндистон ҳукмдори (1526–1530) бўлганидан кейингина қоғозга тушган. Шуларга асосланиб, Бобурнинг сайёр ҳаёт тарзи унинг кутубхонаси ҳақида маълумот бериши мумкин деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий кутубхонаси ҳақидаги нисбатан аниқроқ маълумотларни унинг асарларида номлари келтирилган китоблар бериши мумкин. Улар салкам уч юзта. Лекин Бобур

[1] Эркинов А. “Бобурнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлган?” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2013 йил. 15 февраль. Б.1-3.

асарларида бу қадар кўп китоб номлари келтирилмаган. Ваҳоланки, ижодкорнинг китоб номларини эслаши унинг ўқиган ва фойдаланган китоблари ва улар орқали шахсий кутубхонаси ҳақида тасаввур бериши мумкин эди.

Моҳиятан олиб қараганда подшо Бобур ўрта осиёлик адиб ва шоирдир. Шу боис унинг ижоди асосида ўз юрти китоблари катта ўринга эга. Хусусан, ўз аждодлари – темурийлар муҳитида яратилган ва қадрланган китобларга Бобур алоҳида аҳамият қаратган. Бобур кутубхонасини ўрганиш ёки у ҳақда тасаввурга эга бўлишга "Бобурнома" ва ўша даврдаги бошқа асарлар ёрдам бериши мумкин. Шуниси қизиққи, Бобур айнан темурийлар муҳити, аниқроғи, Алишер Навоий асарлари ҳақида гапирганида баъзи сакталикларга йўл қўйган ва айнан шу ҳолатлар унинг кутубхонаси хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларимиз учун йўл очади.

Бобур 1522 йили аруз назариясига бағишланган "Мухтасар" асарини яратади. Асарда Алишер Навоий ўзининг арузга оид "Мезон ул-авзон"ида рубоий вазнларини хато кўрсатганлигини таъкидлайди. Лекин олимларимиз Навоийнинг ўзи бу асарида хатога йўл қўймаганлигини, аксинча, Бобур фойдаланган қўлёзма хатога эга бўлганлигини исботлашган (У.Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов, С.Ҳасанов).

Бобур Навоий ҳақида гапира туриб, у Насириддин Тусий қаламига мансуб "Меъёр ул-ашъор" асарини ўқимаган, дейди. Аслида эса, Навоий ўзининг "Мезон ул-авзон" асари муқаддимасида "Меъёр ул-ашъор"ни тилга олиб, ўзи фойдаланган асарлар сафида санаб ўтади. Демак, Бобур "Мезон ул-авзон" асарининг матни хатоларга эга қўлёзмадан фойдаланганлиги ўз исботини яна топаяпти.

Маълум бўляптики, Бобур қўли остида "Мезон ул-авзон"нинг хатоларга эга ёки нотўлиқ қўлёзма нусхаси мавжуд бўлган. Бобур мана шу ноқис матнларга эга қўлёзмадан фойдаланиб, Навоий шеъриятининг баъзи жиҳатлари ҳақида хато хулосалар чиқарган. Бобур яшаган XVI аср боши адабий муҳитида Навоий асарлари жуда машҳур бўлганлигини ҳисобга олсак, бу фикр яна бир бор ўз исботини топади. Бобур фойдаланган қўлёзмаларнинг ноқис бўлиши аввалига жуда ғалати туюлиши мумкин: Бобур подшоҳ бўлса, унинг кутубхонасидаги китоблар нодир ва жуда қимматбаҳо бўлиши керак. Масалан, шундай китоблар қаторига Бобур муҳри қўйилган "Шоҳнома" қўлёзмасини киритиш мумкин бўлар. Лекин, афтидан, Бобур фойдаланган қўлёзмаларнинг асосий қисми унинг кутубхонаси сайёҳ тарзда бўлганлиги ва нодир, ҳашаматли безатилган эмас, балки имкон қадар қўлга киритилган қўлёзмалардан иборат бўлган. Бобур саройда муқим ўтириб фаолият юритмаганлиги ва муттасил сафарларда, баъзида ўзи ва яқинлари ҳаёти учун жуда оғир (масалан, душманлар таъқибидан қочиш билан боғлиқ) шароитларда қолганлиги учун ўзи билан китобларини умуман олиб юра олмаган кўринади. Демак, Бобурда, ҳатто биз тахмин қилаётган сайёр кутубхонани ҳам ҳамма вақт ўзи билан бирга олиб юриш имкони мавжуд бўлмаган экан.

Сайёр кутубхоналар мусулмон Шарқида кам бўлса ҳам учраб туради. Баъзи маълумотларга кўра Шайбонийхон (1501–1510) мана шундай сайёр кутубхонага эга бўлган экан. Салб юришлари даврида суриялик Ибн Мунқиз исмли бир зодагон 5 000 китобдан иборат ўз шахсий кутубхонаси билан сайёҳатга чиққан. Сафаридан Мисрга қайтишида уларни йўқотиб қўйган. Голландиянинг Лейден шаҳрида жуда бой Шарқ қўлёзмалари фонди бор. Мазкур фонд ходими проф. Ян Юст Виткамнинг айтишича, бу ерда кемаларда сақланган ва улар қўлга киритилганидан кейин Лейденга келиб қолган қўлёзмалар мавжуд бўлган. Демак, кемаларда ҳам сайёр кутубхоналар бўлган. Тарихда турли ерларда яшаб ҳукмдор-

лик қилган шоҳлар кам эмас. Масалан, Илҳонийлар салтанати ҳукмдорларидан Ўлжайту (1304–1316) Султония шаҳрини пойтахт сифатида қурдирган бўлса ҳам ёзни яйловларда, қишни қишлов учун белгиланган махсус ерларда ўтказган. Пойтахтда кам яшаган. Лекин Бобур ва унинг кутубхонаси билан боғлиқ ҳолат ўзгача. Бобур ўз хоҳиши билан эмас, балки шароит тақозосига кўра бир ерда кўп қола олмаган ва айни ҳолат унинг кутубхонасига таъсир қилган.

Сарой кутубхонаси

Агар Бобур сайёр кутубхонага эга бўлмаган бўлса, у ҳолда турғун, нормал кутубхонага эга бўлган бўлиб чиқади. Одатда, подшоларнинг саройларида сарой кутубхоналари мавжуд бўлган. Бунга кўплаб мисоллар мавжуд. Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротдаги кутубхонаси китобларга ва нодир қўлёзмаларга бой бўлган. Шайбонийлар, Қўқон, Бухоро ва Хива хонлиги саройи кутубхоналари ҳам бизларга яхши маълум. Чунки уларнинг катта қисми бугунгача етиб келган. Бобур ўз ҳукмдорлигининг фақат кичик қисмида – Кобул ёки Ҳиндистонда (1526–1530) бўлган даврида нисбатан турғун марказларга эга бўлди. Лекин ўз юришлари жараёнида Бобур Ўрта Осиёдаги маданий марказлардан муттасил узоқлашиб бориб, бу ерда битилган қўлёзмаларга эгалик қила олармиди? Буни фақат сайёр кутубхона орқали амалга ошириш мумкин эди. Ҳатто бир жойда ўз китобларини сақлаган ҳолатда ҳам бирор асарнинг яхши ёки бир нечтадан қўлёзмаларига эга бўлиши унинг учун анча мураккаб бўлган кўринади.

Янги китоблар

Шу ўринда Бобур кутубхонасини ўзи борган янги ерлардаги китоблар билан қандай тўлдириб борганлиги масаласи кишини ўйлантиради. Бобурнинг ўз кутубхонасини янги китоблар билан тўлдиришга бўлган интилиши “Бобурнома”даги 1526 йил воқеалари қисмида намоён бўлади: “Малўт қўрғонида “Ғозихоннинг кутубхонасига кирдим. Бир қанча нодир китоблар чиқди. Бир нечтасини Ҳумоюнга бериб, бир нечтасини Комронга юбордим. Улар ичида илоҳиёт илми китоблари жуда кўп эди. Лекин бир қараганда қимматбаҳо кўринган китоблар ичида арзийдигани унча кўп эмас эди”. Ҳумоюннинг ўғли Акбаршоҳ (1542–1605) ҳақида “Акбарнома” (1590–1596) тарихий асарини яратган машҳур олим Абул Фазл Алломий (1551–1602) ҳам қалъанинг олиниши ҳақида ёза туриб, ундаги китобларга Бобурнинг қизиқишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

“Бобурнома”ни урду тилига таржима қилган Ҳасанбегнинг таъкидлашича, “Бобур Ғозихон кутубхонасини қизиқарли деб ҳисоблаган. У бу кутубхона ҳақида аввалдан хабардор бўлган ва нодир китобларни қўлга киритиш фикрида бўлган”. Демак, Бобур юришлари давомида эгалламоқчи бўлган қалъадаги қўлёзмаларга ёки кутубхонага қизиққан. Китоблар ҳақида аввалдан маълумот тўплаб кейин уларни излаган бўлиб чиқади. Унинг ўз китобларини Ҳумоюнга бериши ёки Комронга юбориши ўз шахсий кутубхонаси мана шу фарзандлари ёки кўпроқ Ҳиндистон тахти вориси Ҳумоюн қўлида сақланиб турган бўлиши мумкин деган хулосага ҳам олиб келади. Ёдингизда бўлса, тарихий маълумотларга кўра, Ҳумоюн қўлида китоблар билан ўз саройидаги кутубхонасидан зинадан тушаётганида тасодифан

йиқилиб, боши шикастланган ва дунёдан ўтган. Демак, Ҳумоюн ўз шахсий кутубхонасига алоҳида эътибор қилган.

Кутубхонаси ворислари

Шаҳзода Муҳаммад Жўкий учун кўчирилган Фирдавсий "Шоҳнома"си қўлёзмасида Бобур муҳридан ташқари, ўғли ва тахт ворислари Ҳумоюн, унинг ўғли Акбар, унинг ўғли Жаҳонгир, унинг ўғли Шоҳжаҳон ва унинг ўғли Аврангзебларнинг муҳрлари мавжуд. Демак, айни қўлёзма Бобурийлар хонадони кутубхонаси дурдонаси бўлган. Бу қўлёзмадаги Бобурий подшоҳлар муҳрлари Бобур кутубхонаси китоблари унинг авлодлари қўлидан-қўлига ўтганлигини асосида Бобур кутубхонаси мавжуд бўлганлигига ишора қилади. "Бобурнома" ҳамда Гулбаданбегимнинг (1523–1603) "Ҳумоюннома"сини инглиз тилига таржима қилган Аннет Беверидж (Annette Beverigde) (1842–1929) мазкур таржима сўзбошисида Ҳумоюн кутубхонаси ҳақида қуйидаги маълумотни келтирган. Ҳумоюн Қипчоқ номли жой йўлида бир қанча китобларини йўқотиб қўяди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, уларни ўлжага олинган юклар орасидан топиб олади. Бу китобларнинг кўпчилиги форс шоирлари асарлари эди. Мазкур воқеа тахминан 1550 йилларда содир бўлган. Ҳумоюн ҳукмронлик қилган бу йилларда ҳам унинг кутубхонасидаги китобларнинг сақланиши билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд бўлган кўринади.

Инсон хотираси кутубхонаси

Индустриал техникадан олдинги ўтмиш даври ҳақида гапирганда сайёр кутубхонанинг яна бир турига тўхталишга тўғри келади. Бу хотира кутубхонасидир. XX асргача интеллектуаллар жуда катта информацияни ўз хотираларида сақлай олишлари керак бўлган. Чунки кутубхоналар, китоб кўчириш ва уни тўплаш анча маблағ талаб қилган ва китоб бугунги дунёдагидек кенг ёйилмаган эди. Масалан, Алишер Навоий "Муҳокаматул луғатайн" асарида ўтмиш шоирлари яратган 30 000 байт шеърни ва замондошларининг 20 000 шеърини ёддан билганлиги ҳақида маълумот беради. Бу ўша давр ижодкори учун муайян тарздаги мезон эди. 50 000 байт, яъни 100 000 мисра шеърий информацияни ёдда сақлаш салафлар ва замондош шоирлар нима ёзганликларини билиш учун керак бўлган. У даврдан фарқли тарзда замонамиздаги бир шоир бошқа шоирлар нима ёзганини билиши ёки бирор шеърдаги бирор мисра қандай эканлигини билмоқчи бўлса, кутубхонага мурожаат қилади. Яъни, ҳозирги дунёда катта ҳажмдаги маълумотни ёддан билишга эҳтиёж анча камайган. Чунки телевидение, радио, матбуот ва интернет каби воситалар бунинг учун ёрдамга келади.

Ўтмишда кутубхона имконияти чекланган бўлгани учун бу кутубхонанинг катта қисмини мияга ўрнатиш билан масалани ҳал қилишган. Шу ниятда хотирани кучайтириш учун ҳаракат қилишган. Шу боис мусулмон Шарқидаги таълим системасида, масалан, эски мактабларда ёдлаш орқали савод чиқаришга алоҳида ўрин ажратилган. Айни вақтда, бундай хотиравий "кутубхона" эслаб қолинган матннинг қоғозга тушурилишида ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин. Бобур фойдаланган Навоий асарларини кўчирган котиб ҳам кўчираётган матнини хотирдан ёзиб, хатога йўл қўйган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Услубида соддалик

Ўрта асрларда ҳукмдорлар ўз саройларида маданий муҳит ташкил этиб, унда олиму шоирлар фаолият юритганлар, ижод қилганлар. Бобур ўз юришлари давомида катта натижаларга эришди: Ҳиндистонни забт этиб, империя қурди. Давлат арбоби, тарихчи ва шоир сифатида маданият ва адабиёт майдонида ўзига хос из қолдирди. Давлат аъёнлари, олимлар, шоирлар ва фозилу фузалолар қўллаб-қувватлашисиз бу ишларни амалга ошириш мушкул эди. Бундан ташқари, Бобурга муттасил китоб мутолааси ҳам керак эди. Лекин тахтга чиққанидан кейинги ўттиз олти йил мобайнида бир ерда икки марта ҳам рамазонни кутмаганлиги унинг кутубхонаси ва маданий муҳити масаласи анча мураккаб бўлганлигини кўрсатади. Бобурнинг сайёр умри унинг маданий муҳитига ҳам таъсир этган бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида, масалан, Ҳиусайн Бойқаро саройидаги Навоий бошчилигидаги шеърхонлик кечаларидан фарқли тарзда, Бобур шеърий кечаларида шеърнинг жимжимадор маъно олами устида баҳслашиш имкони камроқ бўлгандир. Шу сабаб балки Бобур шеърияти ва насри тили замондошларидан нисбатан соддалиги билан ажралиб турар. Бунга асос сифатида “Бобурнома”даги Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга унинг ёзма услуби бўйича берган насиҳат сўзларини келтириш мумкин: “...Хатингни бир амаллаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўллаганингдан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол хат ёзишга сустлигинг шундадир. Жимжимадор сўзларни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, равшан ва аниқ сўзлар билан ёз. Сенга ҳам, ўқувчига ҳам ташвиш камроқ бўлади”. “Бобурнома” ҳам Бобурнинг айни шу сўзларига амал қилиб яратилган тили содда бир асардир.

Хулоса шуки, Бобур сайёр кутубхонадан фойдаланган ва унинг ҳамма вақт ҳам баркамол матнли қўлёзмалари бўлмаган кўринади. Шу боис, баъзида котиблар йўл қўйган хатоларга эга қўлёзмалар асосида, баъзи салафлари, хусусан, Навоий ўз асарларида хатога йўл қўйган, деб ўйлаган.

Бобур кутубхонаси ва ундаги нодир қўлёзмалар мавжуд бўлган ва авлодлардан авлодларига узатилган. Унинг кутубхонасида сақланган ва ўзидан кейинги тахт ворисларига ўтган қўлёзмалар кўпчиликни ташкил этмаса ҳам, қайси шаклда мавжуд бўлганлигидан қатъи назар, Бобурийлар кутубхонаси ҳақида гапиришга йўл очади. Яна шуниси муҳимки, Бобур давридан бошланган эски ўзбек тилида шеър ёзиш анъанаси Ҳиндистонда XIX аср бошларида ҳам мавжуд бўлган. Венгер олими Бенедик Перининг ёзишича, Бобурийлар муҳитида эски ўзбек тилидан оиладаги мулоқот учун ёки ҳарбийлар орасидаги сирли маълумотлар алмашинуви учун асрлар давомида фойдаланиб келишган. Бобурийларнинг уч юз йил мобайнида эски ўзбек тилини сарой муҳитида сақлаб қолишлари ўз вақтида Бобур билан Ўрта Осиёдан келтирилган унинг кутубхонаси ҳамда бобурийлар маданий муҳитидаги китобсеварлик ҳисобига амалга ошган деган хулосага ҳам келиш мумкин.

2013 йил

Шартли қисқартмалар

АНМАТ – Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилддлик. Тошкент: Фан, 1987–2003.

КФИР – Каталог Фонда Институт Рукописей. Том I. Ташкент, 1989; Том II. Ташкент, 1988.

СВР – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II, 1954; том VI, 1963; том VII, 1964; том XI, 1987. Ташкент: Фан.

ЎРШИ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти.

Тўпламнинг иккинчи қисмида келтирилган мақолаларнинг нашр этилиши хронологик тартиби

1991, сентябрь	Навоийни тушунмаймизми?
1996	Навоийга муносабат ўзгарадими? (ёки бадиий матн талқини)
1997	Алишер Навоий – хослар шоири
1998	Лайли европача кийинганми?
1999	Комиллик шарти (Адабиётшунос Афтондил Эркинов билан суҳбат)
2002	Шарқ классик адибларининг Ўрта Осиё қўлёзмалари миқдорий таҳлили (Ҳофиз, Жомий ва Бедил)
2008	XV–XIX аср баёзларида Алишер Навоий шеърларининг келтирилиши масаласи (Тошкент ва Париж фондлари қўлёзмалари асосида)
2009	XIX аср боши Қўқон хонлигида легитимацион сиёсат ва унинг шеъриятда ифодаланиши (Адо ва Фазлий шеърлари мисолида)
2009	Умархон туздирган “Муҳаббатнома” тарихий манба сифатида
2009–2011	Темурийлар − Қўқон хонлиги сулолавий легитимацияси учун модел сифатида (XIX – XX аср боши сарой баёзлари мисолида)
2012–2020	Ҳиротдан Шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг Оққуюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил)
2013	Навоий ва бугунги авлод (Адабиётшунос олим Афтондил Эркинов билан суҳбат)
2013	Бобурнинг шахсий кутубхонаси қандай бўлган?
2016	Алишер Навоийни ўрганиш ва герменевтика масалалари
2014–2017	Темурийлар даври адибларининг Усмонлилар маданий муҳитидаги ўрни тарихидан (Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий)

2018	Алишер Навоий қўлёзмалари бутунжаҳон феҳрести
2018	Азиз Қаюмов – фан ташкилотчиси
2018	Нажмиддин Комилов – диссертация устозим
2018	Навоийнинг қўлёзмаси қандай қилиб ФСБ қўлига тушди (“Илк девон”ининг ўғирланиши)
2019	АҚШ президенти Рональд Рейган Навоий ҳақида
2019	Канадалик олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотчиси
2004–2019	Мажнунона муҳаббат бугун керакми? (Анварнинг Раънога фидоийлигичи?)
2020	Элизар Бирнбаум – канадалик навоийшунос
2020	Самарқанд ҳавоси ранги мафтуни ёки “Мен доим Бобур билан биргаман” (Туркийшунос олима Ия Стеблева билан суҳбат)
2020	Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг ов лавҳасидаги рамзийлик
2020	Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)
2020	Элнинг адаби хушроқ эрур олтундин (А.Эркинов билан суҳбат)
2021	“Илк терма девон” Оққўюнлиларга тегишлими?
2021	Навоий ижодининг канадалик тадқиқотчилари (Элизар Бирнбаум ва Мария Сабтелни)
2021	Хорижий навоийшуносликка оид қайдлар
2021	Навоий мақбарсидан уч сиқим тупроқ

МУНДАРИЖА

К и р и ш 7

I боб. Алишер Навоий “Хамса”си талқини муаммолари

1.1. Бадиий матн талқини муаммолари 13
1.2. Ислом минтақаси адабиётида талқин масаласи 26
1.3. Навоий “Хамса”си талқини муаммо ва манбалари 36
1.4. Муаммонинг қўйилиши 37

II боб. Алишер Навоий “хамса”сида автоинтерпретация муаммоси ва унинг манбалари системаси тадқиқи

2.1. Масалага кириш 49
2.2. Алишер Навоий ва абдураҳмон жомийнинг “Хамса” яратиши билан боғлиқ талқинлар 54
2.3. “Хамса”нинг яратилишида Навоий кўрсатган манбалар ва Жомий “хамса”сининг ўрни масаласи 75
2.4. Навоий “хамса”сининг иррационал автоинтерпретациялари манбаи 82

III боб. Навоий “хамса”сининг бадиий, илмий ва тарихий асарлардаги талқини манбалари

3.1. Бадиий асарлардаги талқинлар 87
3.2. Тазкиралар ва илмий асарлардаги маълумотлар 89
3.3. Мемуар ва тарихий асарлардаги талқин манбалари 92

IV боб. Навоий “хамса”сининг қўлёзмалардаги талқиний манбалари

4.1. Китобат талқини ва унинг манбалари 96
4.2. Қўлёзмадан нусха кўчириш талқин сифатида ва унинг манбалари 101
4.3. Луғатлар талқин манбаи сифатида 112
4.4. “Хамса” ва ундаги достонларга тузилган шарҳ ва изоҳлар талқини аҳамияти 115

V боб. Навоий “хамса”сининг бадиий талқини манбалари

5.1. Бадиий кириш ва хотималар 120
5.2. “Хамса”нинг халқ китобларидаги талқини 124
5.4. Навоий “хамса”сига ишланган миниатюралар - талқиний манба сифатида 129
5.4. Таржималар бадиий талқин сифатида 137
Хулоса 139
Фойдаланилган адабиётлар 145
Иловалар 160

II ҚИСМ

НАВОИЙНИ АНГЛАШ САРИ: НАВОИЙ ВА ЖАМИЯТ

Алишер Навоий. Хамса. Ўрши-1, №4238 162
Алишер Навоий. Хамса. Ўрши-1, №7863. 163
Навоий “сабъаи сайёр” достонининг ов лавҳасидаги рамзийлик 170
Навоийни англаш сари Навоийни тушунмаймизми? 174
Алишер Навоий – хослар шоири 178

НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ ВА МЕТОДОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР

Алишер Навоийни ўрганиш ва герменевтика масалалари 180
Навоийга муносабат ўзгарадими? 187

НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ АКС-САДОСИ

Ҳиротдан шероз томон: Алишер Навоий шеъриятининг оққўюнлилар муҳитида кўчирилган ноёб қўлёзмаси (876/1471 йил) 191
Навоий асарлари қўлёзмалари 193
“Оққўюнли мухлислар девони” қўлёзмаси ҳақида 196
Хулоса 210

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДИБЛАРИНИНГ УСМОНЛИЛАР МАДАНИЙ МУҲИТИДАГИ ЎРНИ ТАРИХИДАН(XV–XIX АСРЛАР)

Абдураҳмон Жомий 227
Алишер Навоий 231
XIX аср боши Қўқон хонлигида легитимацион сиёсат ва унинг шеъриятда ифодаланиши (Адо ва Фазлий шеърлари мисолида) 237
Темурийлар – Қўқон хонлиги Сулолавий легитимацияси учун модель сифатида (XIX–XX аср боши сарой баёзлари мисолида) 241
Умархон туздирган “муҳаббатнома” тарихий манба сифатида 251
Мавзу бўйича адабиётлар: 254
Лайли европача кийинганми? 255
Мажнунона муҳаббат бугун керакми? (Анварнинг Раънога фидоийлигичи?) 257
Ҳаёт ва қарашлар – ўзгарувчан 266
Навоий мақбарасидан уч сиқим тупроқ: Ҳирот сафари таассуротлари 267

МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК

Шарқ классик адибларининг ўрта осиё қўлёзмалари миқдорий таҳлили (Ҳофиз, Жомий ва Бедил) 270
Хулоса 281
“Илк терма девон”Оққўюнлиларга тегишлими? 285
Навоийнинг қўлёзмаси қандай қилиб фсб қўлига тушди 293
Адабиётлар 301
Хорижий Навоийшунослик 307
Суҳбатлар 325

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Афтондил Эркинов: Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 360 бет.

Ж.19: Афтондил Эркинов: Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар. 360 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн тўққизинчи жилд

Афтондил ЭРКИНОВ
АЛИШЕР НАВОИЙ
ИЖОДИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 22,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.